

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
бадний адабиёт нашриёти

Кальман Миксат

**ҒАРОЙИБ
НИКОҲ**

Роман

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм

<i>Биринчи боб.</i> Студентлар Оласрёскада	5
<i>Иккинчи боб.</i> Барон Дёри ва унинг оиласи	18
<i>Учинчи боб.</i> Кўҳна дунё	29
<i>Тўртинчи боб.</i> Нариги дунё қандай бўлиши мумкин	49
<i>Бешинчи боб.</i> Топишмоқ ишқибози	68
<i>Олтинчи боб.</i> Учинчи қиз : : :	82
<i>Еттинчи боб.</i> Оқимга қарши ва оқим бўйлаб сузган кемачалар	98
<i>Саккизинчи боб.</i> Қизил гул, оқ гул	108
<i>Тўққизинчи боб.</i> Бека ясан-тусани	114
<i>Унинчи боб.</i> Жаноб Тоот ғийбати	126
<i>Ун биринчи боб.</i> Ғалати аломатлар	135
<i>Ун иккинчи боб.</i> Рёскадаги можаро	142
<i>Ун учинчи боб.</i> Иोजи Видонка	155
<i>Ун тўртинчи боб.</i> Аҳвол мураккаблашяпти	163

Иккинчи қисм

<i>Биринчи боб.</i> Беморнинг ғазаби	169
<i>Иккинчи боб.</i> Брахнум	177
<i>Учинчи боб.</i> Машҳур профессор Кёви ва адвокат Перевицкий	188
<i>Тўртинчи боб.</i> Тарадуд	197
<i>Бешинчи боб.</i> Крок бобонинг воқеага кириб келиши	204
<i>Олтинчи боб.</i> Гриби	213
<i>Еттинчи боб.</i> «Гриф» трактиридаги тўй	219
<i>Саккизинчи боб.</i> Крок бобо калаванинг учини топди	226
<i>Тўққизинчи боб.</i> Росмана гунажин	232
<i>Унинчи боб.</i> Кўринмас қўллар	243
<i>Ун биринчи боб.</i> Икки гўзал аёл портрети	252
<i>Ун иккинчи боб.</i> Эгердаги қизгин кунлар	258
<i>Ун учинчи боб.</i> Муқаддас суд мажлиси	266
<i>Ун тўртинчи боб.</i> Ярамас қўргошин парчаси	277
<i>Ун бешинчи боб.</i> Ҳамма ҳурматлаган гувоҳ	283
<i>Ун олтинчи боб.</i> Замона зўрники	291
<i>Ун еттинчи боб.</i> Қор остидаги куртак	297
<i>Ун саккизинчи боб.</i> Император саройининг кўрки	305
<i>Ун тўққизинчи боб.</i> «Мени бошқа кутма, азизам»	312
<i>Игирманчи боб.</i> Муҳтарам архиепископ Пиркер	316
<i>Игирма биринчи боб.</i> Извошнинг номаълум томонга жўнаши	323
<i>Игирма биринчи боб.</i> Яна кучайган аланга	327
<i>Игирма учинчи боб.</i> Қутилмаган ҳодиса	336
<i>Игирма тўртинчи боб.</i> Сўнги иззат-икромлар	342
<i>Игирма бешинчи боб.</i> Жим бўл!	348



БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

СТУДЕНТЛАР ОЛАСРЭСҚДА

Муҳтарам китобхон! Мен сизга бу воқеа бир оилавий солноманинг ҳали вақт сарғайтириб улгурмаган саҳифаларида қандай баён этилган бўлса, шу ҳолича ҳикоя қилиб бермоқчиман. Мазкур солнома менга шу қадар ишонарли кўриндики, ундаги қаҳрамонлар исми-ни ўзгартириш ёки воқеаларни бўяб кўрсатишни ортиқча деб билдим. Бу воқеани баён этган одам ўта рост-ғўйлиги билан машҳур эди. Шундай экан, бу одамнинг ўзига ўзи риёкорлик қилишига ҳеч қандай асос қолмайдди. У ёзган ҳар сатр ишончга молик, шу боисдан ҳақиқатни бекорчи уйдирмалар билан алмаштиришни эп кўрмадим.

Хроникадаги бизни қизиқтирувчи воқеалар бундан саксон беш йил муқаддам Шарошпатак университети-нинг¹ икки студенти пасха арафасида тушдан кейин

¹ Университет ҳуқуқидаги қадимий коллеж, Шарошпатак (П а т а к) — Земплен комитатидаги шаҳар.

Оласрёск майхоналаридан бирига адашиб кириб келганларидан бошланади. Улар баҳорги таътилни ўтказиш учун қўшни комитат¹даги Борноц шаҳрига Патакнинг ўзидан пиёда йўлга чиқишганди: у пайтлардаги студентлар ҳозирдагидек нозик эмасдилар. Бирор ёққа бориш керак бўлса, зипиллаб пиёда кетаверишарди. Овқатланиш масаласига келсак, ўша давр студентининг қорни ҳозиргига қараганда тез-тез гулгула қилиб турарди.

Трубка чекиб турган бекадан тамадди қилишга ҳеч нарса йўқлигини эшитган соқол-мўйловли студентларнинг афтлари бурушди.

— Ҳм-м, *sero venientibus ossa*²,— дея гап қистирди трактор эгаси, у ҳам пазандалик бобида лотинчадан хабардорлигини билдирмоқчи бўлиб.— Бирор соат бурунроқ келсанглар бўлмасмиди, жаноблар? Нақ палатиннинг³ сўлагини оқизадиган қовурдоқ қилувдим.

— Холажонимиз бирон нарса жиз-биз қилиб бермасмикинлар?— деди студентлардан бири трактир бекасига термилиб. Бека трубкасидан паға-паға тутун буруқсатаркан, тантилик билан рози бўлди.

— Ҳа, майли, уч-тўрт жўжам бор. Ҳовлида юришибди. Тутиб келсанглар, бир зумда иккитасини қовуриб бераман.

Нега энди тутиб бўлмас экан? Шарошпатаклик студент истаган нарсасини, ҳатто, арвоҳни ҳам тута олади. Худди ўша йили левелеклик Пали Молнар бир арвоҳни ушлаганди, ҳолбуки, арвоҳнинг жисми йўқ, уни қўл билан ушлаб бўлмаслиги ҳаммага аён. Жўжа эса мутлақо бошқа гап! Тўғри, жўжалар бир оз нимжонроқ эди. Шунга қарамай, студентлар, майли, бўлаверади, деган қарорга келиб, ҳовлига чиқишди-да, жўжаларни қува бошлашди. Хатар сезган жўжалар оғилхона, қўноқ, ўтин саржинлари орқасига ура қочишди.

Ҳовли ўртасида чарм ўриндиқли, енгил венгр коляскаси турганди. Қайишлари бўшатиб қўйилган отлар йилқи зотининг жон-тани, аммо негадир одамлар ем-

¹ Комитат — Венгрияда йирик маъмурий территориал бирлашмалар.

² Кечикканга устухон қолади. (*Лотинча*.)

³ Палатин — Австрия императорининг Венгриядаги ноиби, палатин лавозими 1867 йилда бекор қилинган.

тўрва деб атаган нарсага бош тиқиб туришарди. Тўрва ичидан бир меъёрда курт-курт овоз эшитиларди.

Колясканинг орқа ўриндиғида малла ранг, кўк кўз, ориқ бир бола ястанганча офтобда исиниб ўтирарди. Арава ҳовлига кириб келганида дарвоза ёнидаги қий-ғос гуллаган бодом дарахтига тегиб ўтгани учун бола устига оқ пушти ранг гул шоналари тўкилганди. Бола шоналарни тераркан, уларни қизиқиб томоша қилар, сўнгра завқ билан япроқчаларни битталаб юларди. Отлар ёнида куйманиб юрган кучер боладан яна бир бор сўради:

— Лайош, энди тушсангиз бўлармиди?

— Нега энди?

— Винодан татиб кўрмайсизми?

— Йўқ, ичгим келмаяпти.

Бироқ ҳовлида мўйловдор студентлар пайдо бўлишиб, жўжаларни қува бошлашганда болага жон кирди. Бунинг ажабланарли ери йўқ. Чунки шарошпатаклик студент ҳар доим ҳам учрайвермайди. Ҳозир эса бирданга иккитасини, тагин жўжа қувлаётганларини кўр-япти-я!

Бола аравадан тушиб, студентларнинг жўжаларни тутиш ёки уриб йиқитиш мақсадида бирор қулай бурчакка қамаш учун елиб-югуришларини кузата бошлади.

Бундай ғаройиб томошани кузатиш учун бир зумда анча-мунча халойиқ тўпланди. Қўшнилари девордан бўй-ниларини чўзиб қарашарди. Агнеса ва Панни исмли шўх қизларни ошхонада идиш-товоқ ювишдан кўра ёш, келишган бойвачча йигитлар кўпроқ қизиқтирарди. Агнеса ҳатто анови озғинроқ студентни танирди ҳам (унинг отаси жуда эътиборли одам эди).

Карвон саройдаги шовқин-сурон уезд бошлиғининг гайдуги¹ Дюри Сабонинг ҳам эътиборини ўзига жалб этди.

Тўғри, Сабо трактир атрофида ўралашиб юргани юрганди, чунки уни бу ерга нокас нафси инсу жинсдай йўлдан уриб ҳайдаб келарди. Бироқ бу сафар гайдукни ҳовлидаги ғала-ғовур қизиқтириб қолди. Бундай ажойиботни — оч студентларнинг жўжа қувлашларини томоша қилмаслик гуноҳ эмасми ахир: ана, қўлга тушди. Эҳ, аблаҳ, яна қочиб қолди-я!

¹ Г а й д у к — қишлоқ миршаби.

Гурра кулги кўтарилди, ҳар тарафдан кинояли сўзлар ёрилди. Нимасини айтасиз, жудаям ношуд экан-ку бу студентлари тушмагур! Жаноб профессор Қёви жўжа тутиш санъатини ўргатмаган-да уларга. Бу борада тулкига етадигани бўлмайди.

Майхона эгаси ҳам чиқиб келди, у хотинига жуда ўхшаб кетарди. Эр-хотин ўзаро шу билан фарқ қилардиларки, улардан бири қўйлак кийса, иккинчиси шим кийиб юрарди; ундан ташқари, эр трубкани чап қўлида ушласа, хотини ўнг қўлида тутганча бошқа қўлини виқор билан биқинига тираб турарди.

— Ҳе-й, ҳе-й жаноблар, эҳтиёт бўлинглар! Хотинимнинг севимли хўрозини майиб қилиб қўйманглар яна, худди балога қоласизлар-а! Ҳей, Наполеон! Қоч, қоч деяпман сенга!

Ҳовлидаги паррандалар орасида тожи шапалоқдай, ярқироқ патлари қирғовулникига ўхшаш қаттакон хўроз ҳам бор эди. Унинг ҳурпайган думи остидан чиқиб турган узун оқ патиға босма ҳарфлар билан: «Виват Наполеон Бонапарт!» деб ёзиб қўйилганди.

— Ҳу, анави, сарғиши ёки оппоғини уринглар!— дея бақирди жўжайин.— Ҳу, ана, оғилхонага югуриб кетяпти...

Студентларнинг беҳуда овора бўлаётганларини кўрган гимназист чўнтагидан сопқонини олиб, тош солдида, айлантриб туриб боғични қўйиб юборди. Тош ҳавода ўқдай визиллаб бориб худди мўлжалдаги жўжанинг бошига тегди, жўжа бир зум питирлаб турди-да, жон берди қўйди.

Бу жўжанинг бошқа шерикларига қараганда кўпроқ омади келдими, ҳар қалай чўлоқ бўлиш ёки ошпаз личоғи остига тушишдан қутулиб қолди. У товуқлар қабиласига қарши буюк юриш вақти — жанг майдонида шараф билан тил тортмай ҳалок бўлди.

— Valde bene!¹— дея маъқуллаб қичқирди трактор эгаси.— Бундай мерганлик фақат худо билан жаноб Дёрнинг қўлидан келади! (У пайтларда ўйин қарталарида Вильгельм Теллни топпон валети шаклида тасвирламас эдилар, йўқса, трактирчи уни билган бўларди.)

¹ Жуда соз! (Лотинча.)

Гимназист бола сопқонга яна тош солиб отганди, оқ жўжа ҳам жонидан жудо бўлди.

— Тагин керакми?— бир оз мақтаниб сўради бола.

Унинг кеккайиши одамнинг кулгисини қистатарди. Во ажабо! Муштдек бола: «Тагин керакми?»— деб кап-катта студентларнинг шармандасини чиқарса-я!

Хайриятки, студентлар унинг гапини эшитмадилар, ҳатто ўзига ҳам эътибор бермадилар. Шарошпатаклик студентлар одатда калондимоғ бўладилар. Аллақандай гимназист болага назар ташлашни у ўзига эп билмайди. Шер панжаси остидаги чумолига эътибор берса берадики, аммо шарошпатаклик студент оддий бир болакайга қарашни хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳақиқат бари бир ҳақиқатлигича қолаверади. Ҳеч қачон беш бармоқ бара-вар бўлмаган-ку, ахир!..

Бироқ бақувват, малла соч, думалоқ бошли иккинчи студент гимназистга яқинлашиб, унинг елкасига қоқиб қўйди:

— Роса бопладинг-ку! Ҳай, катта бўлавер, ука!

У бошқа ҳеч нарса демади. Аммо болакай студентнинг маслаҳатини қулоғига олиб, шундаям улғайдики, йигирма беш-ўттиз йиллардан кейин думалоқ бош студент уни учратаркан, бир вақтлардаги мерган болакайни таниса ҳам, кўзларига ишонмай қолди.

— Боланинг исми нима?— дея бепарволик билан сўради у тўрваларни йиғиштираётган извошчининг ёнидан ўтиб кетаётиб.

— Лайошка Кошут¹,— деб жавоб берди извошчи.

— Чаққонгина бола кўринади!— деб қўя қолди юмалоқ бош. Бу номни у биринчи марта (аммо охири эмас) эшитиши эди.— Гимназист бўлса керак, шундайми?

— Ҳа.

— Қаерда ўқийди?

— Уйхейда.

Шу пайт ёши каттароқ, озгин, нимжон, хушрўйгина тортинчоқ студент жонидан жудо бўлган жўжаларни олиб, трактир бекасига тантанавор топширмоқчи бўлиб турган эди, ойимча Агнеса унинг қўлидан жўжаларни юлиб оларкан:

¹ Лайош Кошут (1802—1894) — 1848-1849 йиллардаги венгр халқ революцияси ва миллий озодлик ҳаракатининг бўлажак доҳийси; Венгриянинг энг атоқли миллий қаҳрамонларидан бири.

— Менга беринг, граф, иссиқ сувим бор, бир зумда тозалаб бераман,— деди.

Ошхона дарров жонланди: товадаги ёғнинг жиз-биз, толқон туйилаётган ҳавончанинг тақир-туқури-ю, тухумнинг чақилиши, хуллас, оч одамнинг қулоғига ёқадиган мусиқа овози янгради.

Бироқ дунёда тақдири азал деган гап ҳам борки, боёқиш студентлар пешанасига арзимас бир тасодиф халал бериши туфайли овқатланиш насиб этмаслиги ёзилган экан. Бунинг учун жўн бир воқеа, масалан, оддий уй мушуги ошхонадан қовурмани илиб кетиши ҳам мумкин. Бундай пайтларда тақдир қўлида ҳатто оддий мушук ҳам воқеалар занжирини узиб юбора оладиган жуда катта кучга айланади. Аммо ҳозир мушук эмас, балки тақдир доимо машъум найрангларида фойдаланувчи жаноб исправник овқатланишга халал берди.

Уша кезларда уезд бошлиғи лавозимини барон Иштван Дёри эгаллаб турганди. Нақ ошхонада жўжалар қовурилаётган пайтда барон ўз қасридаги айвонда Бенъе қишлоғи вакиллари — оқсоқол Мартин Жомбек, жамоа аъзолари Габор Коппанто ва Михай Саболар билан суҳбатлашиб ўтирганди. Вакиллар барон қарши-сида эҳтиром билан шляпаларини ечиб тик турардилар.

Иштван Дёри ёши анча ўтиб қолган, ташқи қиёфаси жуда ғалати бир одам эди. У қорни ғоят катта бўлгани туфайли ғижжакка ўхшаб қолганди. Энди Дёри бир вақтлар ҳарбий одам бўлган деса, ҳеч ким ишонмайди ҳам. Ҳолбуки, у қарийб умр бўйи армияда хизмат ўтаб келди, қилган гуноҳларининг саноғи йўқ; барон фақат императоримиз ҳазрати олийлари Францга¹ гина эмас, бошқа давлатлар, бошқа ҳукмдорларнинг ҳам юмушини бажарган. У кўпгина мамлакатларда бўлди, ҳар хил денгизларда сузди, бироқ ҳеч қаерда яхши ном қолдирмади. Барон ҳатто кўчманчи сарацинларни ҳам кўрган. Кекса камердинернинг айтишича, ёввойи одамлар баронни еб қўйишларига оз қолган экан. Шундай бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас, чунки ёввойилар Дёрини росаям юлиб-юмдалашганди. (Барон Оласрёскака ярғоқ бош ҳолда қайтиб келганди.)

¹ Австрия императори Франц II Габсбург (1768—1835) назарда тутилади — у Европа реакциясининг йирик арбобларидан бири эди.

Еввойилар нега уни еб қўймаганларини ҳеч ким билмайди. Бундан афсусланилади холос. Агар еввойилар ўшанда баронни жиғилдонларига уриб юборишганида эди, у ҳозир бўйнимизга товон бўлиб ўтирмасди.

Хуллас, Дёри халқ ҳисобига бойиди. Биз эслаётган вақтда эса у айвонда Бенъе қишлоғидан ахборот билан келган маҳаллий маъмурларга қулоқ солиб ўтирарди. Вакиллар қишлоққа тегишли жамоа узумларидан тайёрланган винони сотиб бўлганликларини хабар қилдилар. Бестерцебанидан келган савдогарлар жамоа ертўлаларидаги кейинги ўн йил ичида йиғилиб қолган ҳамма винони кўтара харид қилишибди. Суюқ олтин ҳисобланмиш вино учун улар талайгина жарақ-жарақ олтин ташлаб кетишди. Ҳозир айти тоқай виноси сотадиган пайт. Ахир бу йил Истамбулда султон ўзгарди, янги султон эса ҳарамига уч юзта қиз олар экан, деб ҳикоя қиларди оқсоқол. Утакетган ишратпараст одам экан! Кетма-кетига уч юзта тўй бўлгандан кейин озмунча вино кетади дейсизми?!

— Эсингни ебсан, Жомбек,— деди кулиб барон.— Турклар вино ичишмайди-ку.

— Ишонманг уларга, жаноби олийлари...

— Савдогарлар винога қанча тўлашди?

— Жами икки минг форинт беришди.

Барон одатда қаттиқ ҳайратланса, оғзидан қурбақа вақиллашига ўхшатиб қур-қуру деб қўярди. Ҳозир ҳам ўшандай оҳангда ҳитоб қилиб қўйди. У ўта талончи бўлгани учун ҳатто қурбақалардан ҳам вақиллашни қисман тортиб олганди.

— Шунча пулни қаерга қўйдинглар?

— Ишончли жойга яширганмиз.

— Ана холос,— жаҳли чиқди уезд бошлиғининг.— Комитат бошқармаси кассасига қўйсанглар бўлмасмиди? Пулат сандиқ бежавотир-ку ахир!

Оқсоқол Жомбек тирсаги билан сездирмай туртиб қўйган эди, Габор Коппанто тилга кирди:

— Олий ҳазратлари, биз, хазина ютса ютадики, аммо ҳеч қачон нишхўрд чиқармайди, деган фикрдამиз.

— Комитат маъмуриятлари тўғрисида бундай дейишга қандай журъат этдинг?— дея ўшқирди унга барон.— Аҳмоқона иш қилибсизлар! Бенъеда ўғри кўплигини билардинглар-ку! У ерда ҳатто етимнинг нонини

ҳам яримта қилишдан тоймайдиган ўғрилар бор. Тева-
рак-атрофда-ю аҳвол бундан ҳам баттар! У ерларда
қароқчи Яношиқ ўн бир нафар йигити билан изғиб
юрибди. Утган ҳафта Яношиқ божам Актал Докуш ҳу-
зурига икки бўлак ёғ ва янги этик олиб келиш учун ўз
одамларини юборибди. Докуш ёғ бериб юборибди-ю,
аммо янги этик йўқлигини айтибди. Шундан сўнг Яно-
шиқ: Докуш бошимни қотирмасин, ётоқхонасидаги ди-
ван устида янги этиклар ётибди, дея айттириб юбориб-
ди. Ростиям шундай бўлиб чиқди. Туш пайти хат та-
шувчи лўли мактуб солинадиган тунука қутича билан
этикларни Уйхейдан келтиргач, Докушнинг хизматкори
хўжайинига ҳеч нарса демай этикларни диванга қўй-
ган экан. Қани, ўзинглар айтинглар-чи, ҳозирги пайтда
пулни уйда сақлаб бўлармишми?

— Биз пулимизни яхши сақлаймиз,— дея сўзида
туриб олди оқсоқол, сочига танғилган тароғини тўғри-
лаб қўяркан.— Қишлоқ ратушасида туну кун ичкарида
ҳам, ташқарида ҳам қоровул туради.

Қолган икки деҳқон ҳам, дарҳақиқат, хонанинг ич-
кари-ташқарисида темир паншахали қоровуллар ту-
ришини тасдиқлашди.

Аммо барон бўш келмас, энг ўринли далилларга ун-
дан ҳам асослироқ далил топиб, эътироз билдирар эди.

— Бу важ эмас! Тушундингларми? Қоровул ҳам
одам: уни кўндириш, ичириб қўйиш ёки хотинлар билан
бошини айлантириш мумкин. Бош айландими, бас, виж-
дон чиппақка чиқади!

Мартин Жомбек ҳамон илжайиб турарди.

— Бу ёғини ҳам ўйлаб қўйганмиз.

— Хўш, хўш?— ҳайрон бўлди Иштван Дёри.

Оқсоқол «ҳм», деб қўйгач, гапга бирорта бегона
одам қулоқ солмаяптимики, дегандек атрофга аланг-
лади-да, кўзини айёрона қисди.

— Ахир пуллар қоровул турган жойда эмас, мутла-
қо бошқа ерда сақланади.

Барон деҳқонларнинг қувлигидан хахолаб кулди-да,
уларни бошқа ҳеч нарса демай қўйиб юборди. Шу пайт
гайдук Дюри барон қасри ёнидан ўтиб кетаётганди.
Барон Дёри сафсататалаб одам бўлгани учун гайдукини
кўрган заҳоти гапга тутди:

— Қишлоқда қандай янгиликлар бор, оғайни? Қа-
ерларда бўлдинг, нималар кўрдинг?

— Майхонада иккита студентни кўрдим, ҳовлида жўжа қувиб юришибди.

— Жўжа қувиб юришибди, дейсанми? Нима бало, хомлигича ейишмоқчимиз?

— Майхона бекаси жўжаларни тутишга рухсат этди, қовуриб бермоқчи. Студентлар ўлгудай оч экан. Лекин иккови ҳам бойвачча йигитлар. Биттаси ҳатто граф.

— Кур-қуру!— жонланиб хитоб қилди барон.— Исларини билмайсанми?

— Йўқ, билмайман.

— Бўлмаса, югур майхонага, уларни бошлаб кел, бирга овқатланамиз.

Гайдук кириб, студентларга Дёри ҳазрати олийлари уларни йўқлаб, тушликка таклиф қилаётганини айтганида, жўжалар қовурилиб бўлаёзганди. Гайдук студентлардан тезроқ бўлишларини илтимос қилди, чунки дастурхон ёзила бошланганди.

Студент зоти лаззатли таом гадосидир. Иккала йигит шу заҳоти гайдук кетидан эргашишга тайёр бўлсалар-да, улар кетиб қолишлари елиб-югураётган майхона эгасига қаттиқ ботмаслиги учун мулозамат билан узр сўрашди.

— Бемалол, бемалол!— деди майхона эгаси.— Албатта, бароннинг таоми лаззатлироқ, зеро, яхши таом турганида ёмонидан кечган маъқул.

— Гапингиз тўғри, лекин ҳар қалай, жўжаларингизга қанча тўлашимиз керак?

— Ейилмаган нарсага ҳақ тўланмайди,— жаҳли чиқди майхона эгасининг.

— Бекордан-бекорга чиқимдор бўляпсиз.

Бу сўзларни эшитган майхона эгаси Дьердь Тоот саросимага тушиб, студентларга бас келолмаганидан ҳатто изза ҳам бўлди. Бироқ қорнини силаб туриб, гина аралаш дарҳол жавоб берди:

— Мен сизлар айтган одам эмасман. Наҳотки, аллақандай қилтириқ тикувчига ўхшасам? Мен кунига тўрт-беш одам овқатини ейман, азизлар, манави бир жуфт жўжани ҳам тинчитаман. Фақат тузланган бодринг бўлса бас.

Қандай ажойиб дамлар эди-я! У пайтлар қайтиб келмайди энди.

Хўжайиннинг розилигини олишган студентлар бека билан ҳам хайрлашишди. Бека худди эски қадрдонлари

билан хайрлашаётгандай, кўнгли бузилиб, студентларга, университетга қайтишда албатта майхонага кириб ўтинлар, деб тайинлади. Унгача янги очирилган жўжалар катта бўлиб қолади, дея қўшиб ҳам қўйди.

Ниҳоят, студентлар дарахтлар ортидан қизил томи кўриниб турган қасрга йўл олишди.

Худойимнинг қудратини қарангки, ўша пайтларда қасрлар ҳам бошқача бўларди. Уларнинг мағрур қад кўтарган оқ тош деворларидан қандайдир жанговарлик руҳи барқ уриб турарди. Дарвозадан кираверишданоқ икки тарафида намоёишда саф тортган аскарлар янглиғ улкан тераклар қад кўтарган хиёбон бошланар, қовлида ранг-баранг патли думини виқор билан судраган товус вазмин одимларди. Ҳамма нарсада тантанавор хотиржамлик ва салобат сезилиб турарди. Асрий эман дарахтлар кўчада кетаётган деҳқон аравасининг гижирлашини боғ ичига эшиттирмайдиганга ўхшарди. Эрта кўклам кезлари шамол қўзғалганида ҳали япроқ ёзмаган эманларнинг яланғоч бутоқлари бир-бирига урилиб чиқарган овози олис-олислардаги Ракоци куруцларининг¹ дупуридай ўзгача эшитиларди.

О, Земплен, Земплен! Сенинг ҳар бир қарич еринг муқаддас. Тупроғингда куруцларнинг улуғвор соялари кезиб юрибди. Улар йўқ бўлиб кетишмаган, асло. Ҳуз ана, куруцлар водийлардаги кўринмас чодирлар остида маскан қуришибди. Еру замин ҳозир яшаб турганларники эмас, балки ҳануз куруцларга мансубдир. Тирикларнинг биргина мақсади бор — улар уйқуга кетган қаҳрамонларнинг чақириғини кутишяпти. Ҳар бута, ҳар қарич ер уларнинг хотирасини сақлайди. Ана, қаердан-дир отнинг кишнаши эшитиляпти. Нима бу? Ердаги изларни кўряпсанми? Сарик этиклар изи эмасми булар? Ҳа, тўғри, улар шу ерда! Туман орасидан чиқишиб, дарахтларни оралаганча булоқлар бошида пайдо бўлишяпти. Қадимий афсоналарга кўра, ўрмон ва ирмоқларда алвасти, пари, девлар ҳукмрон бўлиб, христианчилик уларни қувиб юборган. Қарабсизки, ўлка ҳувиллаб қо-

¹ Ракоци Ференц II (1676—1735) — Австрия истибдодига қарши венгр озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси. XVI аср охири ва XVII аср бошларида вужудга келган бу ҳаракат олий дворянлар хоинлиги билан мағлубиятга учраган эди.

Куруцлар — шу ҳаракат иштирокчилари.

либди-да! Сўнгра шу бир бўлак ерда қадимий мажусийлик қайта тикланиб, унда энди бадбашара алвастилар эмас, келишган баҳодирлар яшай бошлашган. Мазкур баҳодирлар ҳаёт, уларнинг қадам товушлари ўрмон швири аралаш эшитилиб туради. Баҳодирлар иссиз йўқолмайди, улар мангу яшамоғи лозим. Чунки уларсиз тириклар учун ҳаёт йўқ.

Қасрлар-чи! Муҳтарам сайёҳ, сафар давомида кўҳна қаср деворларига дуч келиб қолсанг, тўхтаб, таъзим эт! Аммо қасрнинг бугунги эгаси шайхга эмас, у бунга арзимади, чунки барон қартабоз, кашанда, мечкайликдан кекириб юради. Эссизгина қаср! У аллақачон эгасининг мерос мулки бўлмай қолган. Барон қасрни кун кеча бирор учар даллолнинг маслаҳати билан сотиб олган. Фойда кўриб қолишга кўзи етса, у қасрни эртагаёқ сотиб юборади. Кўҳна мулкни ҳозирги эгасининг номи билан тенглаштириб бўлмайди; аввал бу ерда ким яшагану келажакда ким яшашлиги хусусида ўйламасдан илож йўқ. Мажхул тақдир моқиси вақт дастгоҳида тарих матосини тўқиётган ипнинг учи худди шундадир.

Бу мулкларда таомлар шу қадар кўп тановул этилганки, печка мўрконлари ҳам қурумга тўлиб кетган! Дворянларнинг ошхоналаридан эртаю кеч тутун буруқсаши учун деҳқонлар озмунча тер тўкмаганлар. Бу мўрилар бамисоли очкўз таловчи. Лекин дарвозалар доим очиқ туради. Эҳтимол, дарвозалар доим ланг очиқ бўлгани учун ҳам мўрилар шунақа таловчидир...

Аммо дарвоза фақат меҳмон кириши учунгина эмас, гоҳо кимдир чиқиб кетиши учун ҳам очиларди. Ташқарида жанговар карнай овози янграганда ёки қаср ёнидан қонли қиличини ўйнатиб сувори ўтиб қолса, энг яхши арғумоқ ҳозирланар ва оиланинг энг абжир аъзоси эгарга ўтиргач, дарвоза ғийқиллаб очилганча уни кузатиб қоларди. Йигит орқасидан нуроний жаноблари бекалар, ипак кавушча кийган қизлару болакай укалар отлиқ кўздан ғойиб бўлгунча оқ дастрўмолларини силкитиб туришарди. Сўнгра йигит ё қайтиб келар, ёки дом-дараксиз қетарди.

Бироқ кунларда бирода яна карнай овози янграб қолса (у тез-тез янграб турарди), кўҳна дарвоза очилар: бу ҳол қасрда тагин кимдир улғайиб, жангга шай бўлганини билдирарди.

Гайдук студентларни боғ орқали олиб ўтди. Ҳали эрта кўклам пайти, дарахтлар япроқ чиқармаганди. Фақат ўрик новдасигина куртаклаган бўлиб, арчалар доимий яшил бутоқларини силкитиб турарди. Парниклар олдида боғбон куйманиб юрибди. У сарсабил қазиб олиб, гайдука мақтанаркан, тупроққа ҳукмини ўтказишлигидан мамнунлиги чеҳрасидан шундоқ сезилиб турарди. Боғбон гўё: «Кўриб қўй, она-ерни ўз измимга бўйсундирдим, бошлаб фойдаланяпман. Бемаҳал бўлса ҳам ҳосил беришга мажбур. Сарсабил май ойидагина пишиши керак эди, аммо ҳали апрель бўлса ҳам буйруғим билан ҳосил берди»,— деяётгандай бўларди.

Дарвоқе, тўраларнинг боғлари ҳаммаси бир-бирига ўхшаб диққинафас, фэйзсиз. Ўсимликлар каталакка қамалгандай сўлғин. Чунки жаноблар ўсимликларни ҳам крепостнойлари каби шафқатсиз эзадилар. Йўриқларига қараб ўсмаган навнихолларни ҳар кўйга соладилар. Золим зулмкорлик йўлларини топишга моҳир бўлади. Гиёҳлар ўрмон ва деҳқон боғларидагина бемалол ўсади. Гулхайрилар истаган пайт чечак отади, у ер тупроғи ўғай эмас, балки туққан онадек сахийлик билан бағрида ҳаёт сувини эмизади. Бешке ёки Панни кабилар тупроққа бир сиқим бинафша уруғи сепса ёки яронгул қаламчасини суқиб қўйса ер лозим топгандагина улар ниш уради, лозим топмаганида эса ҳеч нарса униб чиқмайди. Аммо ер аксари ўсимлик уруғини меҳрибонлик билан бағрига олади, арзандасидек парвариш қила бошлайди. Қарабсизки, яронгул шундаям ўткир ҳидли бўлиб етиладики, бувиси ёшлигидаёқ бу гул баргини солиб қўйган оятномани набира очиб қолгудек бўлса, димоғига ўшандай бўй урилаверади. Тўралар боғидаги ўсимликлар аҳволи нақадар аянчли! У ер арча учун иссиқ, фикусга эса совуқлик қилади. Ўсимликлар бамисоли қафасга тушиб қолгандай. Цитрус ва бошқа шу каби сўлғин, нимжон ўсимликлар базўр қад кўтариб турибди. Улар бир пайти бошқа жой, бошқа маконда гуркирагани каби бу ерда ҳам гуллаб-яшнаши керак эди.

Меҳмонлар ҳамма помешчик қўрғонларида учрайдиган шийпон олдига келишди. Шийпондаги стол ўрнида ишлатилувчи кесилган дарахт кундаси устида тор пардаларига ҳаво ранг лента боғланган гитара ётарди.

— Ие, уйда хоним бормилар?

— Ҳа, баронесса Маришка борлар.

— Қандай яхши-я,— деди юмалоқ бош студент.

— Бунинг нимаси яхши?—эътироз билдирди ҳамроҳи.— Агар уйда хоним, бунинг устига гитара чаладиган оймтилла бор экан, унинг албатта альбоми ҳам бўлади. Альбом бўлгандан кейин эсдалик учун шеър тўқишимиз керак. Емони ана шунда.

— Нима, шеър ёзиш қийин эканми?— кулиб сўради юмалоқ бош студент.

— Сен кулишинг мумкин, шоирсан-да!— ўкиниб хитоб қилди ҳамроҳи.— Менга қолса қофия ахтаришдан кўра, ўтин ёриш осонроқ. Дарвоқе, сен «Ракоцининг жаннатга тушиши» шеъринг билан шоирлик соҳасидай қайғули бўлса-да, ҳар қалай пича тажриба орттиргансан,— завқланиб кулганча қўшиб қўйди у.— Карцерда икки сутка ётиб чиқиш ҳазилми, ахир!

Бу писанда юмалоқ бошли студент князь Ракоцининг арши аълога чиқиши ҳақида ёзилган шеърига ишора эди. Можарога сабаб бўлган бу воқеа бутун Патакка тарқалганди. Балки дарсада барон Тугут¹ қатнашмаганда ҳеч гап бўлмасмиди. Ёш шоирнинг шеърида ҳаворий Петр арши аъло тахтида ўтирган қип-қизил ридоли қодир худо ҳузурига кириб, Ференц Ракоци II келгани ҳамда жаннат эшиги олдида кутиб турганини айтади. «Уни қўйсам бўладими?»— деб сўрабди, Петр. «Албатта,— дея жавоб айлабди парвардигор — Тўхта! Уни ўзим кутиб оламан, фақат атилламни² кийиб олай». Шеърнинг маъзи ҳам худди шунда эди. Қудратли аркони давлат бўлмиш барон Тугут ғзаби қўзиб, профессорга ўдағайлаган: «Бу шаккоклик-ку! Уқувчини жазолаш керак!— сўнгра болага ўгрилиб, кўрслик билан:— Бир кунмас-бир кун сени осишмаса ҳам, бари бир, узоқ яшолмайсан, яратганимиз, парвардигорга шак келтиряпсан»³,— деганди.

Боғ йўлакларига тўкилган шағал оёқ остида гичир-

¹ Тугут (1736—1818)— Австрия дипломати ҳамда давлат арбоби, ашаддий реакционер, 1795 йилда унинг талаби билан Венгриядаги республикачилар уюштирган фитна раҳбарлари қатл этилган.

² Атилла — венгр халқ миллий кийими.

³ Кекса Тугут яхши дипломат бўлса бордиру, бироқ оқибатда ёмон башоратчи бўлиб чиқди. Мен ўзим Жигмонд Бернатни кейинги венгр парламенти депутатлари қаторида кўрдим, у энг кек-

лар, баҳорнинг хушбўй атри йигитларни сархуш қиларди. Дарахтлар ҳамда боғ ўсимликларининг ёқимли ҳидига тўйинган ҳаво димоққа хуш ёқарди.

Шу пайт қўнғироқ овози янгради.

— Дастурхонга таклиф этишяпти, тезроқ бораркан-сизлар, жаноблар!— дея қистади уларни гайдук.

Иккинчи боб

БАРОН ДЁРИ ВА УНИНГ ОИЛАСИ

Ногаҳон каштан хиёбони ичкарасида кекса барон кўринди, у парвозга тайёрланаётган қушдай узоқдан меҳмонлар томон қучоқ очиб келарди.

— Қани, қани, сервус!¹ Бу нимаси?— дўстона хитоб қилди у.— Венгр онадан туғилганмисизлар ўзи, ё бирорта ёввойи эчки эмиб улғайганмисизлар? Наҳотки, қишлоққа келганда кимга учрашиш лозимлигини билмайсанлар? Эҳ, қизиталоқлар-э! Хўп, майли, қани энди киму қаерданликларингни икки оғиз гапиринглар-чи?

— Граф Янош Бутлер,— ўзини таништирди ёши каттароқ, қотма студент.

— Қур-қуру! Баракалла! Менинг раҳматлик отанг билан ошначилигимиз бор эди. Худди ўзингга ўхшарди! Йўқ-эй, сен унга ўхшайсан. Хуллас, менга бари бир. Биз у билан Урзиц остонасида бирга бўлганмиз, император Франци кузатиб борганмиз, ўшанда Франц Наполеондан сулҳ сўраб борганди.

Учаласи уйга етиб боргунларича Дёри ўша машҳур воқеани қисқа гапириб беришга улгурди.

— Қироллар шундайм усталик билан мунофиқлик қилардиларки, асти қўяверасиз! Худо кимга тахт ато этса, унга ақл ҳам берса керак-да. Бу худонинг ўзига ҳам фойдалироқ. Шундай қилиб, биз французларнинг аванпости жойлашган эски бир тегирмонга яқинлашдик. Бонапартнинг штаб-квартираси ҳам ўша ерда экан. Наполеон олдимизга чиқиб, императоримиз билан қучоқлашиб кўришаркан, киноя билан ҳазил қилди: «Мана, сиз олий ҳазратлари мени уч ой яшашга мажбур этган кўшк-айвонингиз!»— деди. Императоримиз бу гапга камтарлик ҳамда одоб билан:— Бироқ бу ерда сиз вақ-

¹ Венгрияда саломлашилаётган пайтда айтиладиган хитоб.

тингизни бекор кетказмадингиз, ҳазратлари, шу сабабли мендан хафа бўлишингизга ўрин йўқ», — дея жавоб қайтарди. Сўнгра улар яна қучоқлашишганди, отанг мен томон энгашиб, қулоғимга: «Дунёда косибликдан ёмон ҳунар йўқ, деб ҳисоблардим, чунки у бадбўй елим ишла-тади. Қанчалар адашганимни мана эндигина тушуниб турибман» — деди. Худди шундай деди, айнан айтиб бер-япман. Мана, кўрдингми, отанг қандай ҳазилкаш одам бўлган. Хўш, сен кимнинг ўғли бўласан? — дея мурожаат этди барон иккинчи студентга қараб.

— Мен борноцлик Вернатнинг ўғлиман, Жигмонд Бернат.

— Э-ҳа! — кулги аралаш хитоб қилди барон. — Танг-рига венгр кийимини кийгизиб, ношуд шоир номини ол-ган сенмисан ҳали? Тавба, сенинг ҳам худди даданга ўхшаб калланг ўзингга оғирлик қилибди-да! Аммо га-пимга аниқлик киритишим керак: шунга қарамай да-дангнинг ҳам калласи омон қолувди. Сирасини айтган-да, келажак калладор одамларники ўзи... Чамамда, таътилни уйда ўтказишга кетяпсан шекилли, а?

— Худди шундай, тақсир.

— Биродаринг Янчи ҳам сен билан бирга кетяп-тими?

— Ҳа, пасхани бизникида ўтказади.

— Аммо унинг Патакда васийи бор, шундайми?

— Ҳа, Иштван Фаи ҳазратлари.

— Хўш, уйга қачон кириб бормоқчисизлар?

— Бугун тунда.

— Йўқ, азизлар, овора бўласиз. Қани, таом тайёр, дастурхонга марҳамат қилинглар.

Емакхонада меҳмонларни хонимлар кутиб туришар, баронесса Маришка ва унинг энагаси ўша давр модаси-да кийинишган бўлиб, сочлари грекчасига турмакланган, икки чаккаларини узун гажак зулфлари безаб турарди. Ўша давр аёлларининг бўлиқ сонлари, ихчам беллари кўзга яққол ташланмасди. Чунки кўйлақларининг бел тизимчаси нақ қўлтиқ остидан ўтар, шундай кўйлақ Па-рижда кийилгани, бунинг устига у хонимлар кийими бўлгани учун чиройли ҳисобланарди. Фаросатли одам эса бундай либос остида қандай қадди-қомат яширин-ганлигини ўзи тушуниб олади.

Уй эгаси ойимқизга студентларни таништирди. Қиз қуюқ киприклари остидан студентларга ийманибгина

боқди-да, ўша пайт одатига кўра чуқур таъзимдан сўнг дарҳол кўзларини ерга тикди. Қиз келишгану, аммо истараси иссиқ эмасди. У кампирдаҳан бўлса-да, чиройли ияк чуқурчаси, ҳаддан ташқари дўнг пешанаси ўзига ярашиб турарди. Қадди-қомати, инсоф билан айтганда, бинойидай, лабларини ажойиб тарзда тез-тез тишлаб қўйиши унинг эҳтирослилигидан дарак берарди.

— Мадам Малипо,— дея таништирди барон қизнинг энагасини.

Негадир ўжартабиат Малипо хонимни Михай Чоконан¹нинг Доротейсига ўхшатиб яратганди (ўша пайтда ҳар бир студент ўз ёнида Чоконанининг шеърларини олиб юрарди).

Сухбатдошларнинг ортида яна либос шитирлаши эшитиларди. Бу либос қавм ибодатхонасининг руҳонийси, адлқомат Янош Сучинка эғнидаги бошдан-оёқ тугмаланган ридо эди. Руҳоний силлиқ юз, навқирон, қирмизи ёноқли, бағбақаси осила бошлаган, кўзлари кўмкўк йигит бўлиб, мурти қирилган лабларида майин, истеҳзоли табассум ўйнардди. У ташқи кўриниши билан венгр қишлоғи руҳонийсидан кўра кўпроқ XVIII аср француз саройининг аббати²га ўхшаб кетарди.

— Э, граф Бутлер-ку!— хитоб қилди у таъзим қилар экан, меҳмонлар билан таништирилганидан сўнг.— Қадимий, асл зотлардан! Янглишмасам, Бутлерлардан бири Валленштейнга³ тиг санчган эди.

— Бекор шундай қилган!— деди Янош маъюс жилмайиб.— Шу-шу Бутлерлар бадном бўлиб қолишди.

— Қани, қароғларим, дастурхонга марҳамат. Янош, ўғлим, сен қизимнинг ёнида ўтир, Жига, сен эса ҳазратимиз ёнидан жой ол. У сенга латифалар айтиб беради.

Дастурхон етти кишига мўлжалланган бўлса ҳам стол атрофида олти киши тўпланди. Жой-жойга ўтирилган ҳам эдики, ногаҳон еттинчи стулнинг эгаси стол остидан чиқди-да, сакраб бўш столга ўтириб олди. Сту-

¹ Чоконан Витез Михай (1773—1805)— буюк венгр маърифатпарвар шоири, венгр адабий тилининг асосчиларидан бири.

² Аббат — католик черковидаги назир — бош руҳоний.

³ Валленштейн Альбрехт (1583—1634)— ўттиз йиллик уруш (1618—1648) давридаги Австрия лашкарбошиси. Душман билан яширин алоқада шубҳаланиб, Чехиянинг Хеб шаҳрида ўлдирилган.

дентлар сесканиб тушишди. Бу—хўжайин сафардан қайтаётганида Борнео оролидан олиб келган шимпанзе-маймун эди. Барон маймунни эркалар ва унга ҳар хил қилиқларни ўргатар эди. Маришка хоним ўрнидан туриб, маймуннинг бўйнига салфетка боғлаганди, бу-нинг учун шимпанзе қизга миннатдор қараб қўйди.

— Шошилма, Кипи, сенга ҳали иссиқлик қилади... Ту-шуняпсанми, шўрва ҳали қайноқ.

Баронессанинг овози ёқимли, жарангдор эди. Май-мун бекасининг гапини тушуниб, хунук лабларини чўч-чайтирганча тарелкани пуфлай бошлади. Сўнгра пан-жалари билан қошиқ ва вилкага ёпишди, бироқ ушлай олмагани учун қошиқ билан вилка жаранглаб ерга туш-ди. Маймун тушириб юборган асбобларни олиб бериш Малипо хонимнинг вазифасига киради. Шунинг учун хоним йўғида маймунни «мосье Малипо» деб чақири-шарди. Бу лақабни Маришка хоним ўйлаб топган, унинг шарофати билан бу лақаб кейинчалик Рёске қишлоғининг бой хонадонларига ҳам тарқалганди.

Кекса барон овқат вақтида маймунни Борнеодан олиб келганини айтишни лозим топди. Таомнинг иккин-чиси тортилгандан сўнг, у ўзининг ҳарбий саргузашт-ларини ҳикоя қила бошлади. У ўз ҳикояларини майда-чуйда тафсилотлар билан безаб гапиришни яхши кўргани учун ҳаттоки шимпанзе воқеасига ҳам ишқий можаро эпизодини қўшиб баён этаркан, ҳар гапининг бирида таналари турли рангдаги аёлларни тилга олар-ди. Бирдан ҳушёр тортиб қизига юзланар ва:

— Қароғим, бир минут қўшни хонага чиқиб тур-гин!— дерди.

Маришка итоаткорона ўрнидан туриб, бошини қуйи эгганича чиқиб кетарди; фақат бир неча минутдан кейингина у емакхонага мўралашга журъат этар ва:

— Энди кирсам майлими, дадажон?— деб сўрарди.

Ҳикоянинг одоб доирасидан чиқиб кетилган жойида барон руҳонийни ҳам ташқарига чиқариб юборарди:

— Тақсир, сиз ҳам қўшни хонага чиқиб тулинг, қулф тешигидан гапга қулоқ сола кўрманг-а яна!

Шуни айтиш керакки, барон қон-қонигача ҳарбий одам эди. Унинг емакхонаси фақат ҳарбий асбоб-ан-жомлар, қилич, ханжар, милтик, ~~дурзилар~~ билан беа-тилганди. Суратлар ҳам унинг ~~дидига мослаб танлан-~~ган бўлиб, уларда аксари лашкаббошилар: олачипор до-

ломан кийган полковник Йожеф Шимони¹, қизилмағиз, тўладан келган, оқ мундири орденлар билан тўла, Австрия армиясининг энг шоввоз генерали, машҳур венгр Михай Шарлах; калласи бир оз эзилган нокка ўхшаш Евгений Савойский² тасвирланганди. Одатда тўраларнинг емакхоналарини беаб турадиган натюрмортлардан фақат Купецкийнинг³ мўйқаламига мансуб барглари тарвақайлаб кетган ажойиб қовоқ сурати бор эди, холос. Барон маънодор имлаб қўйиб, бу сурат ҳам ҳарбий сурат деб ишонтиришни яхши кўрарди. Бироқ бу император Бранцнинг портретилигини фақат энг яқин одамларигина шивирлаб қўшиб қўйишга журъат этарди.

Гарчи истеъфодаги капитан гап сотишни яхши кўрса ҳам, мезбон эканлигини бир дақиқа ҳам унутмас, сўзлай туриб қадаҳларга ажойиб тоқай виноси қуйгани қуйганди. Эҳ, вино ажойиб нарса-да! Ичаётганингда томирларингда ўт ўйнаётганга ўхшайди.

Шу вақт дастурхонга қизартириб қовурилган чўчқа боласини келтиришди. Қовурилган чўчқа боласи винонинг асл газаги. У идишда ётар экан, гўё «Қадаҳлар кўтарилсин, қадаҳлар кўтарилсин!» деяётгандай бўларди.

Маълум бўлишича, уй эгаси ҳам бир вақтлар Патакда ўқиган экан. Таом устида у ҳатто аксари маншат руҳида бўлган айрим шеърларни ҳам эслатиб ўтди. Чунончи, булар ҳаворий Павелнинг қандай Римга йўл олгани, кифтидаги асога илинган флягадан вино қуйиб ҳаворий Филиппни сийлагани ҳақида эди. Мазкур шеърлар ҳазил ашула сифатида айтиларкан, Филипп ўрнига ҳар сафар ёнда ўтирган одамга қадаҳ узатилар ва у одам одатда Филиппнинг насибасини нўш қиларди. Буни кўрган поп ранжиб нуқул бош чайқар ва:

— Ҳай-ҳай, тақсири олам, шаккоклик қилиш яхши эмас...— деб қўярди.

— Қўйсангиз-чи, тақсир, шаккоклик қилаётганим йўқ. Мен фақат меҳмонларим беармон яйрашсин, бун-

¹ Шимони Йожеф, барон (1771—1832)— Наполеонга қарши урушда шўхрат қозонган гусар полковниги.

² Евгений Савойский, валиаҳд (1663—1736) — Австрия саркардаси ва давлат арбоби.

³ Купецкий Иоган (1667—1740)— машҳур немис портретчи-рассоми.

дан кейин Иштван Дёрини четлаб ўтмасин, деяпман, холос.

Жига Бернат шу заҳотиёқ, бундай меҳмоннавозликни ҳеч қачон унутмаймиз, деб қўйди.

— Энди ҳечам уйимни четлаб ўтмайсизлар-а?

— Асло.

— Қани, йигитлар, қўл ташланглар!

— Йўқлаб турамиз, амакижон!

— Қани, «Агар келмасак, кўзимиз тешилсин!»— деб онт ичинглар-чи.

— Майли, тешилсин,— деди Янош Бутлер.

— Қайтишдаям кириб ўтасизларми?

— Сўзсиз.

— Мана буниси соз бўлди. Кипи эмас, ҳақиқий инсон сўзи бу (ҳамма қатори гўшт мужиётган шимпанзе гўлдираб қўйди). Ҳай, ҳай, Кипи, жаҳлинг чиқмасин. Сен ҳам тантисан ахир!

Вино таъсирида студентларнинг ҳам тиллари ечилиб кетди. Латифа кетидан латифа айтила бошланди. Барон икки қўллаб пўрдоқ қорнини ушлаганича қотиб-қотиб куларди. Ғоҳо у латифагўйнинг тугмасидан тутаркан, безовталаниб:

— Тўхта, тўхта, Маришка чиқиб тургани маъқулдир-а?— дея сўрарди.

— Йўғ-э, ўлибманми унақасини айтиб!

Бундай жавобдан гўё латифа завқсизроқ бўлиб қолаётгандай барон ранжиб ҳам қўярди.

Латифа тезакдай гап, титган сари сассиғи чиқаради. Бироқ патаклик студентларнинг латифалари бошқачароқ бўлиб, улар канцлер Тугутнинг университетга ташриф буюриши натижасида пайдо бўлганди.

Айтишларича, Патак орқали ўтиб кетмоқчи бўлган эрцгерцог Карл донғи кетган Патак студентларини кўриш истагини билдирган. «Тегишли кўрсатма беришингизни истардим»,— деган у Тугутга. Барон Тугут эса, нақадар қудратлилигига қарамай, студентларни кўчага чиқариш қўлидан келмаслигини айтишга тили бормасди. Шундан сўнг у ҳийла йўлига ўтиб, Тугут билан эрцгерцог шаҳарга кириб келганида бирорта студент кўчага чиқа кўрмасин, деб буйруқ юборган. Натижада университетдаги барча студентлар, ҳатто оғир касаллар ҳам кўчаларга чиқиб саф тортганлар.

— Ушанда студентлар «Марсельеза»ни айтишгани ростми?— деб сўради руҳоний.

— Ҳа, айримлари айтишган.

— Тугут студентларга гимни айтишларини ман этгани ҳам тўғрими?

— Бу ҳам рост, бироқ студентлар янги текст тўқишган. Гарчанд у ҳеч қандай маънога эга бўлмаса ҳам тақиқланмаганди. Ҳозир ҳам уни «Марсельеза» куйига солиб айтишади.

— Бу қўшиқни мен ҳам жон-жон деб эшитардим-да!— хитоб қилди уезд бошлиғи.

— Бемалол, буюрсалар, бажону дил айтиб берамиз.

— Маришкани чиқариб юбориш керакми?

— Йўқ.

— Биттадан отиб олингларда, бошлайверинглар. Қулоғимиз сизларда.

Иккала студент қандайдир маъносиз сўзлар йиғиндисини «Марсельеза» куйига солиб айта бошлади:

Қозон-товоқ, ўқлоғлар

Фрау Муттер, Фрау Муттер! Қапгирлар.

Крампапули, лимонад, идишда қаҳва,

Пунш, қуймоқ, бир бўлак сосиска...

Студентлар шундай берилиб куйлашардики, ҳатто сочларигача силкинарди.

Шимпанзе ҳам қулоғини динг қилди, Малипо хонимга келсак, гимнинг улуғвор ва руҳлантирувчи куйидан кўнгли бўшашиб кўзларига ёш қалқди.

— Епирай, қандай ажойиб таржима!— хитоб қилди Малипо хоним.

Ҳақиқатан, «таржима» ўта тутуриқсиз бўлса-да, у куй оҳангигагина мос бўлиб қолмай, оригинал талаффузга ҳам тақлид этилганди.

Қандай ажойиб оҳанг! Уни ҳатто ҳазиломиз тақлид ҳам бузолмабди. Одам қонини жўштириб юборади! Бу нақ исён кўтарган девкорнинг ҳайқириви! Бу куй ҳатто шимпанзени ҳам хийла ҳаяжонлантирди; у гўё Бастилия штурмига ташланмоқчидай бесўнақай ҳаракат қилиб, бўйнидаги салфеткани олиб ташламоқчи бўларди.

Кўзлари чақнаган руҳоний аллақандай номаълум кучга бўйсунгандай Руже де Лилнинг¹ ажойиб куйини чалиш учун рояль ёнига ўтирди.

— Ҳа, бундай куйни фақат жангчи ярата олади!— дея мақтанаркан, кекса барон ҳатто бармоқларини ҳам шақиллатиб қўйди.— Биласизми, Малипо хоним, ҳозир нима етишмай турибди?

— Қаҳвами?

— Жин урсин қаҳвани! Қарманьола² етишмаяпти! Хоним, балки сиз бу рақсга тушишни биларсиз!— қўшиб қўйди у хахолаб куларкан ва шу заҳоти хиргойи қила бошлади: «Жононлар ман этишди...»

Малипо хоним қип-қизариб, шошганча емакхонадан чиқиб кетди.

Чол одамдан хафа бўлиш яхшими? Бу хушчақчақ жанобнинг эзгулиги қусурлари билан ғаройиб тарзда аралашиб кетарди. Худди император Францнинг пуллари қумушданми ёки мисдан ишланганини ҳеч ким аниқ айтолмагандек, у ҳақда бир нарса дейиш қийин эди. Бароннинг табиатида айёрлик билан соддалик, хасислик билан сахийлик, хушфёъллик билан баджаҳллик мужжассам омухталашганди; фақат бу фазилатлардан қай бири устунлигини ҳеч ким айтолмасди. Бароннинг доимий меҳмони бўлмиш руҳоний (у бароннинг қизини музика ва бошқа нафис санъатларга ўргатарди) чолни жуда яхши билар ва уни қуйидагича тавсифлаганди: «Барондан бемалол иккита одам чиқиши мумкин: бири — авлиё бўлса, иккинчиси — имонсиз қароқчи».

Студентларга эса уй эгаси жуда ёқиб қолганди, негаки, унинг яна бир фазилати бўлиб, чол уларга таралабедод одамдек туюлганди. Шунинг учун йигитлар бароннинг уйида ўзларини эркин сезишар, айниқса, таомдан кейин ҳатто ишқибозлик қилишга ҳам журъат этган Жига Бернат ҳеч нарсадан тап тортмасди. У ба-

¹ Руже де Лиль (1760—1836)— француз буржуа революцияси йилларида бунёд бўлган революцион кўшиқ «Марсельеза» музикасининг автори. Ҳозир «Марсельеза» Франциянинг миллий гимни.

² Қарманьола— 1792 йилда Тюильри саройининг олиниши ва Бурбонлар ҳокимиятининг қулаши натижасида парижликлар яратган рақс бўлиб, одатда бу рақс революцион кўшиқ жўрлигида ижро этилади.

ронесса Маришканинг ёнига ўтириб олиб, дилкашлик қилмоқчи ҳам бўлди. Венгрияда қадимдан суҳбатлашиб ўтириш қадрига етишмасди. На йигитлар ва на қизлар суҳбатлашишга қодир эмасдилар. Хумор кўзли қиз нигоҳлари билангина суҳбатлашаркан, гоҳ нигоҳини кўтарса, гоҳ олиб қочади. Баъзан кулиб қўйиш мумкин, бироқ тишнинг оқини кўрсатмаслик керак, чунки бу одобсизлик ҳисобланади. Эркаклар бисотида суҳбат учун икки хил мавзугина бўларди: улар ё об-ҳаво тўғрисида гап сотишар ёки бугун қандай туш кўрганлари ҳақида сўрашарди. Романларда учрайдиган ўткир диалоглар турмушда ҳеч қачон учрамайди. Қитоблардаги диалоглар Рафаэль картиналаридаги дарахтлардай гап, ҳолбуки, табиат бундай дарахтларни ҳеч қачон яратмаган асти!

Ёшлар, умуман, кам суҳбатлашардилар, қиз эса, фақат турмушга чиққандан кейингина тўйиб гаплашиш имкониятига эга бўларди. Ёшлар суҳбати ниҳоятда жўн бўлишига қарамай, аксари ўртага узундан-узоқ сукут тушарди. Одатда бундай пайтда йигит: «Ҳозир нима ҳақида ўйлаяпсиз, хоним?»— дея сўрар, қиз эса: «Топинг-чи»,— дегач, йигит: «Э, худойим, қанийди билолсам?!»— дерди.

Йигитча ипни ушлаб турар, қиз эса, уни калава қилиб ўрарди. Бундай машғулот «жиддий мақсадлар» сари ташланган илк қадам бўларди. Йигит ипни ушлаганча қизга термиларди. Бу жудаям мароқли кўнгил очиш ҳисобланарди.

Улар учун ҳозирги ёшлар каби валақлашиш қаердайди дейсиз?! Йигит-қизлар фикр алмашишолмас, орзу-тилаклари ҳақида гапиришга-ю, сираям журъат етишмасди. Бунга айниқса қизлар қаттиқ риоя қилардилар. Бу шайтон қизлар ўзларини содда, қўй оғзидан ҳам чўп олмаган ювош заифалар қилиб кўрсатишса-да, лекин бари бир, охир-оқибатда эрга тегиб олишнинг эвидан чиқишарди.

Дёрининг ўзи қизига кўпинча:

— Жон қизим, иложи борича кам гапир, мутлақо гапирмасанг ундан ҳам яхши. Назарингда эслатиб қўйиш керакдай туюлган бирор гапдан ўзингни тийсанг, уни кейинроқ ҳам гапириш ўрни келиб қолади. Мабодо, нозарур валдираб қўйсанг, шўрим қуриди деявер,— дер эди.

Аmmo бу сафар баронесса истисно тариқасида кўп гапириб юборди. У маъюсдай кўринган граф Бутлерга алоҳида эътибор бера бошлаганди.

— Иримчи бўлсангиз керак-а, граф?

— Нега бундай деб ўйлаяпсиз?

— Боя тақсир билан суҳбатлашаётганингизда, Бутлерлар оиласига қарғиш теккан, деган гапингиздан шундай фикрга келдим. Нега бундай деб ўйлайсиз?

— Афсуски, айрим гапларга фаришта омин дер экан, ўшандан буён уруғимиздагиларнинг ҳаммаси алланечук бахтсиз.

— Бу, аксинча, кўпроқ сизнинг бахтли бўлишингиздан нишона.

Граф Янош ғамгин жилмайди. Баронесса:

— Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман,— деб қўшиб қўйди.

— Нега?— паришонхотир сўради граф.

— Ёгингарчилик қанча кўп бўлса, ҳаво шунча тез очилиб кетади.

— Бу гап ҳам маъқул.

— Бобокалонингиз ўз гуноҳи учун,— давом этди қиз,— маълум вақт маҳшарда бўлишлигини биласизми? У ерда гуноҳи арийди. Гуноҳ кечирилиб, имон басаломатлашгач, авлодинлар қарғишдан қутулади.

— Ҳазратингиз шундай ўргатганми?— кулиб юборди граф Янош.

— Инсу жинсларга ишонмасангиз керак-а?

— Худо ҳаллоқ! Бу ҳақда ҳечам ўйлаб кўрмагандим. Ўзингиз-чи, ўзингиз ишонасизми?

— Албатта. Бизникида тунаб қолсангиз, бобокалонингиз арвоҳини чақириб беришга ваъда қиламан. Агар у келолмаса, арвоҳлар столидан суриштириб кўраман¹. Ҳар қалай, уруғингиз қарғишдан қутулган-қутулмаганини билиб оламиз.

— Қошкийди-я билсам!

— Биласиз ҳам-да. Фақат бунинг учун Ижипь хонимлар керак бўлади.

— Қаердан топаман уларни?

— Йўқ, уларни топиш керакмас. Бу қуруқшоқ қари

¹ «Арвоҳлар» ва «нариги дунё» мавжудлигига ишонувчиларнинг «таълимоти» — спиритизмга асосланган спиритик сеанслар кўзда тутилади.

қизлар. Улар ажойиб медиумлардир.¹ Бармоқлари флюид² нури таратади. Хонимлар ибодатхона ёнидаги ҳув анави сариқ уйда яшашади. Улар одатда бизникига кеч-қурунлари меҳмонлар борида келишади.

Қишлоқларда шундай қилиш одат ўзи. Одамлар зерикиш орқасида бўлар-бўлмас нарсаларга қизиқаверади-дилар. Дёриникига ёш йигитлар меҳмон бўлиб келишгани бир зумда бутун қишлоққа тарқалди. Бу гапни биринчи бўлиб тарқатган гайдук Дюри «улардан бири граф»,— деб хабар берди. Хўш, иккинчиси-чи? Иккинчисининг кимлиги номаълум. Бу ерда «иккинчиси»га ҳар хил унвонлар бериб, миш-миш тарқатиш ҳеч гап эмас.

Хабар учинчи помещикникига етиб боргунча Дёри хонадонидagi ёш меҳмонларнинг ҳар иккиси ҳам граф унвонига эга бўлишди, бешинчи уйга етгунча «иккинчиси» герцогга айланди.

Бас, шундай экан, бу икки аслзода жанобларни кўриб келса арзийди. Синчковликнинг ўзи зўр нарса, бунинг устига ҳасад қўшилса, ундан ҳам зўрайиб кетади. «Ярамас чол уларни йўлдан урибди-я!», «Маришка учун куёв қидиряпти!», «Ҳа, қари фирибгар! Шарм-ҳаё деган нарса йўқ унда! Ё тавба!»

Шундай бўлса ҳам бундай «намойиш»ни кўриб қолиш керак!

Қарабсизки, Оласрёскдаги помещик хонадонларидан (қишлоқда бундай хонадон бешта) кечга яқин Дёри ҳовлиси томон жаноблар, хонимлар, ёш ва қари қизлар кела бошлашди. Дёрининг эшиги бир зум ёпилмасди.

Фаройиб похол шляпа кийишган Сирмаи хонимлар, гўзал бева Майорноки (унинг қошлари бўялмаган бўлса тил тортмай ўлай), қўшни қишлоқдан граф Андрашнинг³ ер-мулклари бошқарувчиси ўз акаси билан қадам ранжида қилишди. Бошқарувчининг акаси Дёрининг ҳарбий хизматда орттирган эски ошнаси эди. Дёри, агар унинг кўзи орт томонида бўлганида, бир-икки марта Наполеонни кўришга муяссар бўларди, деб тез-тез ҳа-

¹ Медиум — спиритларнинг хурофий тасаввурлари бўйича яратилган шахс бўлиб, у одамлар билан «арвоқлар дунёси» ўртасида воситачилик қобилиятига эга эмиш.

² Флюидлар — спиритизм «назарияси»га асосланган махсус нурланиш.

³ Андраш — Венгриядаги энг бой насллардан бири.

зиллашиб қўйгучийди. Меҳмонлар шу қадар кўп йи-
гилдики, уларнинг ҳисобига ҳам етиб бўлмай қолди.

Кечани таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ: бу ке-
ча ҳам одатдагидай ўтди, ҳеч ким янгилик айтмади.

Кўп ўтмай, йиғилганлар гуруҳларга бўлинди: кекса-
лар емакхонада қарта ўйнаш учун қолишди, ёши кат-
тароқ аёллар қўшни хонада кофе ичишга ўтиришди,
ёшлар эса, ён тарафдаги хоналардан бирида: «Бу
сизга ёқадими» ва «Сендан хафаман» ўйинини бошлаб
юборишди. Фақат руҳоний билан маймунгина хонама-
хона юриб, аёллар олдидан қизлар ҳузурига, у ердан
эркаклар ёнига кириб чиқардилар.

Учинчи боб

КУХНА ДУНЕ

Шуни эътироф қилиш керакки, ўша даврдаги оқсу-
яклар ҳаёти жудаям зерикарли ва мароқсиз ўтарди. Бу,
айниқса, эркаклар билан аёллар муносабатида сезилар-
ди. Солномачилар, ўша пайтда туз ҳам ўткирроқ бўл-
ган, деб беҳуда ишонтирмоқчи бўладилар. Улар ўз бу-
рунлари тагидан нарини кўролмайдилар.

Эркаклар ов қилар, қарта ўйнар, томоқлари қақра-
ганда ичардилар, бироқ улар чанқов бости учунгина ич-
масдилар. Чучмал ҳаётимизнинг энг ўткир доривори
бўлган аёллар эса у пайтларда ҳали ўзларини кўрсат-
магандилар. Бунда ким айбдор? Аёллар ҳам, эркаклар
ҳам албатта. Эркаклар ўйнашликка мўлжаллаган аёл-
лари билангина яқинлашишар, аёлни эса фақат ўз эри
ёки мавжуд ўйнаши, жуда бўлмаганда ўйнаш ўрнини
босадиган бошқа бирортаси қизиқтирарди. Ўша пайтда-
ги аёлнинг маънавий жозибаси йўқ даражада бўлиб, фа-
қат ташқи нафосатигина қадрланар, ички дунёси эса
унчалик бой эмасди. Эркак умр бўйи ё ўзи ёқувчи, ёки
мойиллик кўрсатмаган аёллар билан учрашарди. Эр-
какларнинг ҳақиқий аёл дўстлари бўлмасди. Нар и бор-
ганда, бир-икки тутинган опа ёки сингиллари топилиб
қоларди, холос. Бироқ бу эркакларни ташвишга сол-
масди ҳам; улар кунига жилла қурса бир соатгина
бўлса ҳам аёллар билан гаплашиш эҳтиёжини сезиш-
масди. Ҳа, сираям! Ўша давр аёлларига келсак, улар

шакаргуфторликка ярамасдилар. Улар хушчақчақ, дилкашликлари билан ажралиб туришмас, алоҳида кўзга ташланмас эдилар. Тарбия кўрганлари кўнгилчан бўлиб, саводли ва маърифатлилари эса одамни зериктирдилар, холос.

Айрим аёллар ҳатто лотинчани ҳам билишарди. Аммо нақ диққинафас қиладиганлари ҳам шуларнинг ўзи эди!

Эркаклар ҳамма аёлларни икки категория: гўзал ва хунуқлар, енгилтак ва одоблилар категорияларига бўлишганди. Бундай даражалаш фақат ўттиз ёшгача бўлган аёлларгагина тааллуқли эди. Ёши бундан ортган ҳамма аёллар бир хил ҳисобланарди. Бунданлар хўжалик ишларини олиб боришар, қаттиқ қўллари хизматкорни тарсакилаб, эрларини тергасалар, ювошлари эр гапидан чиқмасдилар. Буффлер, Рекамье, Гоффрин ва шу каби ўз назокатлари ва оқилаликлари билан сарой, меҳмонхоналар ҳуснига ҳусн қўшиб, ҳаммани ўзларига жалб қила оладиган графинялар ўша давр Венгриясида ҳали туғилмаганди. Уша пайт аёллари тўйдан кейинги чилла чиққунчагина эрларини фахрлантиришар, аммо кўп ўтмай «пуф сассиқ» бўлиб қолардилар. Шунинг учун ҳам сеймдаги муҳтарам вакилимиз Антал Сирмаи амаки кунлардан бирида ўз боғида барон Дёри билан сайр қилиб юраркан: «Аёллар таомдай гап: майхоналарда овқатланган одам уйдаги овқатни қўмсайди, уйда тамадди қилувчи эса, майхона овқатини эслаганида оғзидан сўлагини оқади»,— деганди. Ишонаверинг, бу ҳақиқатан ҳам шундай. Уша пайт аёллари ўз эрларини фақат дастлабки бир неча ҳафта қизиқтирганлар, сўнгра эса фойдали ёрдамчиларга айланганлар, эрлари билан ҳамдарад бўлиб, яна бунинг устига уларга меросхўрлар ҳам туғиб берганлар. Худди шундай бўлган. Бечораларнинг тақдири ҳали узилмаганида гўзал ва хушбўй, узилгандан сўнг эса фақат бир кунгина бўй таратиб, кўз қувнатувчи гулга ўхшарди.

Аёллар, шундай бўлиши керак, деб тақдирларига тан бериб яшайверганлар. Эркаклар ҳам ҳеч нарса дейишмаган. «Ignobi nulla cupido»¹. Този ит Цике билан учқур жийрон Манци энг яхши эрмак ҳисобланарди. Эркаклар, узоқ Фарбда турмушнинг энг яхши лазза-

¹ «Нодонлар интилишни билмайдилар...» (Лотинча.)

ти — аёллар билан бўлиш ҳисобланишини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Энг яхши лаззат! Ҳозирги нозик таъб Одам Ота жаннатга фақат, биргина олма дарахти мевасидан тотиб кўриш учун эмас, балки барча дарахт ва гуллар латофатини кўриб завқланиш учун киришини билишибди, дейсизми улар. Нозик таъб Одам Ота очикмаган пайтларида ҳам жаннат дарахтлари мевасидан завқланаверади.

Мен ўша замон аёлларини ерга урмоқчи эмасман. Ахир, улар — бизнинг оналаримиз, уларни ҳар қанча ҳурмат қилсак арзийди. Лекин ўша замонни таърифлаётганим учун ҳақгўй бўлишим керак. Аёллар, шубҳасиз, жуда кўп яхши фазилат эгалари, соддадил ва камсуқум бўлганлар.

Хўш, ҳозир аҳвол қандай? Албатта, ўтмишнинг эски удумли, анойи ва ночор аёллари йўқ бўлиб кетишган: маркиза Гоффрин, де Леспинасс ва ле Деффон каби аёллар эса Венгриямизда ҳамон пайдо бўлишмаган. Уларнинг хушбўй атирларини аёлларимиз ўзларига пуркайдилар, кўйлаклари, шляпалари ва тўрларини янги мода савдогарлари етказиб туришибди, бироқ ўша аёлларнинг маънавий бойлиги, мафтункору жозибадорлиги, ноёб ақл-идрок каби жамулжам фазилатлари, афсуски чегара ҳатлаб ўтолмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси шунчаки омади бир гап, негаки, Дёри хонадонидагилар бу ҳақда ҳали ўйлаб ҳам кўришмасди, дастурхон атрофида бу мавзунини эслашмасди. Аёллар, соҳибжамол бева Шенъен, ўша риёкор хотин бир кунини товуқлар остидан йиғиб юрган тухумларини одатдагидек кунга тутиб, ногаҳон иккинчи унашилган норғул гусар капитаннинг аксини кўриб қолгани ҳақида зўр бериб гаплашишарди. Нима бўлибди денг? Тўрт ҳафтадан кейин гусар тухумда аксини қандай кўринган бўлса, шундайлигича бева хотин ҳузурда ҳозир бўлибди. Утган кунини эса Уйхейда тўйларини ўтказишибди. «Ана шу воқеадан кейин, дунёда мўъжиза бўлмайди, деб кўринг-чи, ошна!» Емакхонада ўтирган эркаклар бўлса вино ичишар ва дворянларга ҳаддан ташқари қаттиқ қўллик қилаётган императорни койишарди. («Бу одам бизни хароб қилади, жаноблар!»)

Жаноб Пал Ижипь (бизга маълум қуруқшоқ қари қизларнинг отаси) ёшлигидаёқ ўзини кўрсатган императордан нолирди. Валиаҳд шаҳзода балоғатга етган

куни дидига муносиб от сотиб олиш учун отасидан пул олибди. Сўнгра тўртта от харид қилибди: биттаси, жуда баҳайбат бўлиб, оғирлигидан зўрға юраркан: иккинчиси, асов байтал, учинчиси, озиб-тўзиб кетган, қари, оёғини зўрға судраб юрадиган қирчанғи; тўрттинчиси, аравага қўшиладиган бир кўзи кўр ҳарбий от экан. Император Леопольд отларни кўриб, ўғлидан: «Эсингни еб қўйганмисан, нима қиласан бу ҳайвонларни», деб сўраганида, ўғли шундай жавоб берибди: «Буларни мен сиз олий ҳазратларига кўрсатмоқчиман: мана бу оғир, семиз от венгр руҳонийлари; манави, жиловлаб қўйиш керак бўлган от — венгр дворяни; манави, ҳолдан тойган нимжон от — венгр халқи». — «Хўш, анави кўр отчи?» — деб сўрабди жаҳли чиққан император. «Бу сен, падари бузрукворим, ахир атрофингдаги ҳеч нарсани кўрмайсан-ку». («Хуллас, мен бу жаноб олийларидан нимани кутиш мумкинлигини ўшандаёқ фаҳмлаганман. Уша пайт мен қирол саройидаги гвардиячилар сафида хизмат қилардим. Узим ҳам ўша пайтлар жуда келишган ва навқирон йигит эдим-да!»)

Агар суҳбат давом этса борми, суҳбатдошлар қанча-қанча аччиқ ҳақиқатларни очиб ташлаган бўлишарди, чунки токай виноси шунақа ичимликки, у мулкдор венгр юрагидаги австрияликларга нисбатан бўлган хусуматни кўзғатиб юборади. Бироқ шу вақт қизлар дастурмол «тугунчагини» бекита туришиб, бекорчи болакай Пишту Сирмаини эркаклар хонасига чиқариб юборишди.

— Хўш, болакай, яхши хурсандчилик қиляпсизларми? — деб сўради барон.

— Ҳа, яхши, Иштван амаки, фақат Маришканинг тоби қочиб қолди. Уни бошқа хонага олиб чиқиб кетишди. Оқсоч Верона, Маришканинг кўнгли беҳузур бўла-япти, деди.

Дёри стулини улоқтириб юборди. У қизини жуда яхши кўргани боисидан Маришкага бирон кор-ҳол бўлса ҳар доим қаттиқ ҳаяжонланарди.

— Бу қанақаси, нега менга айтмадинглар? — жаҳли чиққан барон эшик томон интилди.

— Жаноб руҳоний айтманглар дебдилар, — зўрға жавоб қайтарди кўрқиб кетган бола.

Суҳбат узилиб, ташвишга тушган Иштван Дёри бир нарса деб ғўлдираганича қизи ҳузурига ошиқди.

Йўлакда у попга дуч келиб қолди.

— Нега Маришка касал бўлиб қолганини айтмадинглар менга?— сўради ғазаби кўзиб Дёри.

Руҳоний сохта жилмайса ҳам, лекин хижолат бўлгани сезилиб турарди.

— Хавотирланадиган жойи йўқ, ташвишланманг,— деди руҳоний.— Шунчаки кўзиқорин ёқмаган бўлса керак.— Кейин риёкорона кўшиб қўйди:— Менинг ҳам ошқозоним бузилибди.

— Куриб кетсин ошқозонингиз!— тўнғиллади барон ва бир-икки одимлаб қизлар хонаси пойгагида тўхтади.— Негадир Маришкам бошқачароқ бўлиб қолди, тақсир. Душанбада Медве ёзиб берган доридан ичса ҳам ўтган куни мазаси қочувди. Кейинги пайтларда кўп сезяпман, бирдан ранги бўзарайди-да, кўзлари хиралашиб, лабларида қон қолмайди. Доктор бир нарса деганди, бироқ нима дегани ёдимдан кўтарилди. Сиз ҳам эслолмаяпсизми?.. Тайинли бирор гап айтгани йўқ, деяпсизми? Тўғри, ўзининг ҳам ҳеч нарсага ақли етмайди. Ҳаммаси эшак уларнинг. Шундай бўлса ҳам дарҳол хат ёзиб, докторни чақиртирсангиз яхши бўларди. Албатта, у эшакнинг ўзи, аммо ҳозир бирор гап айтиб, менга таскин бериши мумкин. Хат ёзиб берсангиз бас! Андраш ҳозироқ иккита саманни енгил аравага кўшиб доктор ёнига ғизилласин.

— Ҳеч зарурати йўқ, афандим, гапимга ишонинг. Ёш йигит-қизларда учраб турадиган касал бу, ҳадемай ўтиб кетади.

— Негадир ҳечам бундай бетоб бўлганимни эслолмайман. Фақат винодангина кўнглим беҳузур бўларди.

Поп истеҳзоли жилмайиб қўйди.

— Барон жаноблари, сиз ёшлик пайтларингизни аллақачон унутиб юборгансиз, аммо ҳозир тиббиёт соҳасидаги олим Игнац Шталининг рисоласини келтирсам, осонгина ишонасиз-қўясиз.

— Гапингизга ишондим ҳам дейлик. Лекин бари бир докторга тезроқ одам юборинг!

Руҳоний итоат этишга мажбур бўлди.

Дёри эшикни очиб, қизининг ҳузурига кирди. Юзи оппоқ оқариб кетган Маришка чўзилиб ётар, корсажининг тугмалари ечилган бўлиб, пешанасида совуқ тер томчилари йилтирарди. Оқсоч Вероника билан Малипо хоним унинг тепасида парвона эдилар.

— Нима бўлди, кўзичоғим?

— Оҳ, дадажон, аҳволим оғир! Ҳозир ўлиб қоламан!

— Оббо, қўйсанг-чи,— гўлдиради чол (кекса солдатнинг бундай вақтларда дарров кўнгли бузилиб кетарди).— Бўлмағур гапинг билан кўнглимни бузма! Тузалиб кетасан.

Шундан сўнг барон катта, қуруқшоқ кафти билан қизнинг пешанасини мулойим сийпалади.

— Мунчаям қўлингиз ёқимли-а, дадажон.

— Ичмайдиган одамларнинг қўли доим шунақа бўлади,— ҳазиллашди қизининг ширин сўзидан эриб кетган ота унинг кўнглини кўтариш учун.

Дафна ва олча баргини қайнатиб тайёрланган дори, афтидан, фойда берганди. Ҳар ҳолда Медве бир нарса-ни билса керак-да. Ёш баронесса ҳамон ўзини мадорсиз ва қарахт сезаётган бўлса ҳам кўп ўтмай енгил торта бошлади.

— Боринг, дадажон, меҳмонлар олдига киринг. Хийла дурустман, бир оздан кейин мен ҳам кираман.

— Э, йўғ-э! Дамингни олавер, дўмбоғим. Ўрнингдан тура кўрма-я!

— Тузалдим-ку, ахир. Кўрасиз, бу кеча ҳали рақс ҳам тушаман, фақат студентларга рухсат бериб юбормасангиз бўлгани.

— Истагинг шу экан, студентларга жавоб бериб бўлман! Қани, айт-чи, фақат саволимдан хафа бўлма, кўзичоғим, уларнинг қай бири сенга кўпроқ ёқади?

Чол қизининг юзига, ҳозир анордек қизариб кетади деб тикилиб турди, аммо Маришканинг ранги ўзгармади ва бепарво жавоб қайтарди:

— Менимча, Бернат ақллироғу, Бутлер чиройлироқ.

— Демак, сенга Бутлер кўпроқ ёқади, шундайми?

— Билгингиз келяптими?

— Ҳа.

Маришка отасига кескин ва синовчан назар ташлади.

— Нега энди?

— Шунчаки, ўзим.

— Ундай бўлса, айтмайман.

— Айтмасанг ҳам сезиб турибман.— Маришка миёнида кулиб қўйди, бу одатда қизлардаги такаббурона манманлик бўлиб: «Дадажон, тентаксиз-а, ҳеч нарсага ақлингиз етмайди-ку!» деган маънони англатарди.

— Қиз қалбини тушуна олармидингиз, дадажон?

Хатто қудуқ тубини ҳам кўра олмайсиэ-ку. Ёдингизда-ми. Ёзингиз ҳам, қудуқнинг чуқурлиги атиги ўттиз саржин келади, қиз боланинг қалби ундан ҳам чуқурроқ, дегандингиз.

Чол қизнинг тетиклашгани, гап қайтариб, баҳслашаётганидан кўнгли кўтарилиб кетди. Шу пайтда ҳовлидан арава чиқа бошлади.

— Тўхта! Андраш докторга кетяпти. Уни қайтариш керак,— Дёри ирғиб туриб деразани очди, бироқ Андраш аллақачон кўздан ғойиб бўлганди.

Майли, зарари йўқ, жилла қурса деразадан гул ҳидига тўйинган шамол кирди-ку. Айвон олдида очилган сиреннинг бинафша ранг гуллари, бир неча бутоқлари деразадан мўралади.

Барон қайтиб келиб, қизининг оёқ тарафига ўтирди-да, унинг кичкина туфлиси пошнасини черта бошлади. Дёри, қизи кичкиналигида кўпинча у билан шундай ҳазиллашаркан, «Қани, жажжи тойчоғимни тақалаб кўйай-чи!» дегувчи эди.

— Хўш, нима ҳақда гаплашаётгандик? Сабр қил. Ҳа, топдим! Қудуқнинг тубини кўрмаяпман... Сенинг қалбинг қудуқми ҳали? Қаёқда! Тош-ку, жонгинам, қалбинг нақ тошнинг ўзгинаси!

— Бу билан сиз вақти келиб ана шу тош бирорта одамни босиб мажақлайди, демоқчи эмаслигингизга ишонса бўладими?

— Юрагинг тошдай қаттиқ демоқчиман.

— Қаттиқлиги рост. Бироқ сиз бу тошда ҳеч вақо йўқ, деб ўйламанг, дадажон. Мени чўқинтирган Михай Қашшининг қаҳрабо найи ичига чивинга ўхшаш қадимий ҳашорат қотириб қўйилганини кўрганмисиз?

— Тўғри гапга шак келтириб бўлмайди. Қанчалар гапга чечансан-а! Эҳ, қизгинам, миянг Вальтер Скотт китобларидаги ҳар турли ғоялар билан тўлиб кетибди. Ҳа, тўғри, кекса Мишканинг муштиги ичида, дарҳақиқат, қандайдир пашша бўлгучийди. Нега эсингга келиб қолди бу?

— Буни шунинг учун айтяпманки, менинг тош қалбимда ҳам бирорта пашша бўлиши мумкин.

Қиз шундай деб хандон ташлаб кулиб юборди. Бундан бутун хона жонланиб қувончга тўлгандай бўлди.

— Ха-ха-ха! Пашша!— барала хахолади барон ҳам.— Кичкинагина пашшача. Бунча тез жойлашиб ол-

маса. Шунни айтиб қўйишим керакки, агар у пашша бўлсаям анча савлатлиси экан. Бадавлат! Мулку қасрларининг ўзини санаб тугатолмайсан. Жудаям бадавлат! Бадоғатга етиб васий қўлидаги мол-мулкларига эга бўлса борми, ўнта герцогга етиб, ортиб ҳам қолади. Бунинг устига граф! Titulus et vitulus!¹. Тентак қизагина ёқмайди бундай куёв.

Маришка инжиқ боладек лабини бурди.

— Нега бундай дейсиз, дада? Бутлерни хаёлимга ҳам келтирмаяпман. Боринг-э, сизга айтадиган бошқа гапим йўқ. Келиб-келиб дардимни сизга айтдимми?

Шу сўзлардан кейин Дёри шартта қўзғалиб, хурсанд қиёфада меҳмонхонага қайтиб келганди, у ердагилар баронни Маришканинг соғлиғи ҳақидаги саволлар билан кўмиб ташлашди.

— Арзимаган касал, хавотирсиз экан. Тушликдаги қўзиқорин ёқмаган бўлса керак. Яхшиям қўзиқорин емаганим. Анави ярамас Иштван Хинко олиб келувди. Мен аҳмоқ бўлиб унга қўзиқорини учун йигирма крайцер² бериб юрибман. Ҳа, майли, эртага қўшимча йигирма бешта калтак ейди. Едимдан кўтарилмаса бўлгани!— барон шундай деб чўнтагидан дастрўмолини чиқардида, учини тугиб қўйди.— Эсимга соларсан, Дюрка,— деди у залга винолик чирпитларнинг иккитасини қўлида, иккитасини қўлтиғида кўтариб кираётган гайдука.— Манави тугунча Иштван Хинкога, рёсклик крепостнойга йигирма бешта калтак деган сўз. Умуман, у ҳозир ўзини яхши ҳис қиляпти, мен Маришкани айтяпман. Ҳозирги қизлар жудаям нозик бўлиб кетишган. Нозик-ниҳол. Менинг учта опам бўлгучийди. Уларни томдан итқитиб юборилса ҳам ўринларидан туриб, ҳеч нарса бўлмагандай кетаверишарди.

Хурсандчилик қайта бошланди, энди унга ҳеч нарса халақит бермасди. Баъзи меҳмонлар қарта ўйнашга киришишди.

Уша пайтлардаёқ қарта ўйинига катта дов қўйиларди, бироқ ҳали йигирма йиллардан кейин Пожон³даги сейм мажлислари вақтида қартабозлик столи тевараги-

¹ Аслзода ва бадавлат. (Лотинча.)

² Крайцер — ярим тийинлик майда чақа. 1897 йилда муомаладан олиб ташланган.

³ Пожонь — Братислава шаҳрининг венгрча номи.

да Чернович билан Камороми учрашишидек бемаънигарчилик рўй беришидан ҳеч ким хабардор эмасди. Ушанда Мачск мулки бутун ўрмонлари, ўтлоқ ва экинзорлари билан дов тикилганди. Қарталардаги алвасти мазкур бойликларни у одам қўлидан бунисига ўтказгани ўтказганди. Қанчалар қудратли эди алвасти!

Бу орада студентлар хайрлашмоқчи бўлишганди, бироқ барон қаттиқ туриб олди.

— Қўйсанглар-чи! Кетмайсизлар! Ярим кечада қаёққа борасизлар? Бизнинг томонларда бемаҳал юриш хатарли.

— Бизни тўнамоқчи бўлган азаматни кўрсамиди-я!— кулиб юборди Жига Бернат.

— Биламан, сизлар қўрқоқлардан эмассизлар. Шундай бўлса ҳам эрталабгача қолганинглар маъқул. Тонг билан арава қўштираман, унгача ўзимиз ҳам ухламай, бир майшат қиламиз!

Марци Чока бошлиқ саёқ машшоқларнинг келиб қолиши уй эгасига янаям баҳона бўлди. Машшоқлар ҳовлидаёқ Бихарининг¹ шикаста куйларидан бирини чала бошлашди. Чока меҳмонлар исини худди овчи итдай яхши сезарди. У бир чақирим наридан ҳам хўжаларининг қай бирисиникида меҳмон борлигини пайқаб оларди. Бу ўринда Чокага ё зағизғонлар дарак берар, ёки печь мўриларида чиқаётган қуюқ тутун хабар етказарди.

— Қур-қуру! Чокани чақирин керак!

Мана энди кетишнинг сираям иложи қолмади. Студентлар таслим бўлишди. Онаизор балки уйда ҳозир елиб-югуриб кулча пишираётгандир. Балким, уларни ҳозир духовкадан олаётган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ илож қанча, йўқ деб бўлмайди. Музика янграпти, уни тингламай кетиб қолиш ақлдан эмас.

Диллар яйраб кетди, шу пайт сочига сирень бутуқчаси қистирган Маришка ҳам хонасидан ёқимли табасум билан чиқиб келди. Катта меҳмонхонадан стул ва кушеткалар олиб чиқилиб, ҳамма танца туша бошлади.

Танцани кекса Дёрининг ўзи бошлаб берди. У гўзал Майорноки хонимга чуқур таъзим этиб, нозик бе-

¹ Бихари Янош (1764—1827)— венгр бастакори ва моҳир скрипачиси, у ўз ижодида венгр халқ ашула ҳамда рақс куйларидан кенг фойдаланган.

лидан қучди-да: «Бунчаям нозиксан, синглим», дея аёлни бор кучи билан чир айлантира кетди. Бир зумда ҳамма хурсандчиликка берилди. Ҳатто мункиллаган Ижипь ҳам завқланиб кетиб, Малипо хонимни танцага таклиф этди. Улар рўбарў туриб, такаллуф ва тавозе билан хийла чайқалганча чардаш оҳангига риоя қилмай, менуэт ижро эта бошлашди.

— Эҳе-э! Бемор қанилар?

Остонада соқоли тоза қирилган, хушчақчақ, семиз одам пайдо бўлди, унинг бутун кўринишидан хушфёзлик ёғиларди. У танца тушаётганларга ҳасса ўқталаркан, лўппи юзли қиёфасини жиддий кўрсатиш ҳамда музика садосидан ҳам баланд келишга уриниб:

— Танца қиялпсизлар-ку! Ана холос! Сил орттириб олманглар тағин. Эсингларни еб қўйибсизлар, ахир, деразаларни очиб қўйиб танца тушялпсизлар-а! Ҳа, дарвоқе, бечора шифокор ҳам чойчақа ишлаши керак-да. Бунинг учун беҳад миннатдорман сизлардан, хоним ва жаноблар!— деб қичқирди.

— Қаранглар, Медве амаки! Медве амаки келдилар!

— Сервус, Игнац!— деб бақирди барон ҳам.— Етиб келибсан-да?

— Кўриб турганингдай. Хў-ўш, бемор қани?

— Бемор дейсанми?— яйраб кулди уй эгаси.— Мана у, танца тушяпти! Ха-ха!

— Бу бемор ҳечам бемор эмас! (Доктор сўз ўйинини яхши кўргани сабабли бу жумлани шундай ифодаладики, бундан: «Сизнинг итингиз соғ», деб тушунса бўларди¹.) Бўлмаса нега мени чақирдингиз?

— Қизим яна ўзини ёмон сезувди, қўрқиб кетдим. Сал боши айланди. Ичи бузилган шекилли. Кейинги вақтда тамаки тутунини ёқтирмай қўйганлигидан хавотирдаман. Упкаси касалмасмикин ишқилиб?

— Упкаси? Ҳа, албатта. Бўлиши мумкин. Мендан кўра ўзинг яхши биласан. Гап бундай: кўп мулоҳаза қилмай, пул тўла. Нега қараб турибсан? Ахир ўз докторингга ҳақ тўлашинг керак-ку. Бирор бемаъни гап қилдимми, мунча ўқраясан?

Барон Дёри Медвенинг бундай гапларига доим ҳай-

¹ Бу ўринда «бемор» сўзига асосланган сўз ўйини (beteg) ва «сизнинг итингиз» (ebetek).

рон бўлар ва жиддий қабул қилмасди. Докторга мужик пул тўлашга мажбур, барон Дёри бўлса у билан «сен»-лаб гаплашяпти. Шунинг ўзи доктор учун катта гап эмасми?

Ўша кўҳна замонларда одамлар кўпинча докторлар қаровисиз, бир чеккада ўлиб кетишлари, каккуларга ишониб (какку, одам тепасида неча марта кукуласа у кимса шунча йил яшайди қабилда), ҳар хил тилсиму туморлар ёрдамида азайимхонлар, сеҳргарлардан давланишларига қарамай, доктор Медве округда шухрат қозонганди. Кимда-ким авлиё Георгий кун арафасида калтакесак топиб, халтачага тиққанча зебигардон сифатида тақиб юрса, ўша одам ҳеч қачон сарамас ва бод касалига учрамайди, деб ҳисобланарди. Иситмага қарши ҳам яхши даво бор бўлиб, касал одам тўққизта қабр устига думалашти лозим эди. (Қўрқиданми ёки думалаш баданни оғритганиданми, дард арирди.) Жаноб Докушнинг боғида ўсувчи кўкатдан одам ёки ҳайвон қулоғига тиқилса, ҳар қандай касал тузалиб кетарди. Шандра гиёҳи фақат сил касалига ёрдам берарди, борди-ю, ёрдам бермаса, бунга ҳам, шаксиз, таъсир этувчи восита (фақат мазкур воситани топиш қийин эди) мавжуд бўлиб, ёстиқ ёки тўшакка машҳур Земплен гайдуги Поль Арнольднинг хокини солиб тикиш керак эди. 1732 йилда Арнольдни вампир¹ тишлаб ўлдиргани, сўнгра Арнольднинг ўзи тобутдан туриб, тўртта одамни тишлаб олгани ҳақидаги воқеа бутун Европани талвасага солганди.

Докторларнинг «тилингизни чиқаринг», «томирингизни ушлаб кўрай-чи» каби найрангларига ким ҳам ишонарди дейсиз. Шунга қарамасдан, Медвени ҳамма яхши кўрар эди. Тегажак болага ўхшаш бу кичкина ёпишқоқ одам доим баҳслашиб, ҳамма билан гап талашса ҳам бироқ унинг кўнглида кири йўқ, ҳазил-ҳузулни яхши кўрарди. Уни айниқса дворян оиласидагилар ёқтиришарди. Утмишда Медве ҳарбий врач бўлган ва бирмунча бойлик орттириб, Бенъега қайтиб келганди. Айтишларича, аввал унинг фамилияси бошқача — Бер ёки Берман бўлган. Олам мишмишлар билан тўла ўзи. Аммо бунинг аҳамияти йўқ: дворянлар уни кечириш-

¹ Вампир — эртақ ва ривоятларда гўрдан чиқиб, одамларнинг қонини сўрувчи маҳлуқ.

ган, негаки, Медвенинг юриш-туриши ўшаларга мослашиб, аралашиб кетганди. Масалан, унинг уйида бутун коинотга машҳур пўкак трубкаларнинг энг ажойиб коллекцияси бор эди. Чекилавериб ялтираб кетганини айтмайсизми уларнинг? Бу кўпчиликка жудаям ёқарди. Бундан ташқари, у тиббиётни яхши билганлиги ҳам обрўсига обрў қўшарди.

Бироқ бугун унинг кўринишидан авзойи бузуқ, парижон, ҳатто бир нарсадан хижолатда ҳам эди.

— Утиринг, Медве амаки... Қани, бу ёққа, бу ёққа!

Уни аёллар ҳам, эркаклар ҳам таклиф этишди.

— Мени тинч қўйинглар! Сизларнинг даврангиздаги одамлардан эмасман. Бу ерда яккаю ягона оддий ва оқ кўнгил зот Кипидир. Кел, бу ёққа, Кипи, докторга қўлингни узат. Баракалла, дуруст. Бундан кейин ҳам ҳалол шимпанзе бўлиб қол, манавилардан ҳечам ўрناق олма, улар...

Сўнгра Медве танца тушаётганларга яқинлашди-да, Жигмонд Бернатнинг қўлидан ушлаб, баронесса Маришкадан нарига итариб юборди.

— Нима керак сизга?— жиддий сўради студент зардаси қайнаб.

— Ўлжамдан бошқа ҳеч нарса керакмас, афандим. Ойимқиз, ҳозироқ ўз хонангизга жўнанг.

Студент докторга адашиб кириб қолган телбага қарагандай ҳайрат билан тикилиб қолди. Лекин Маришканинг табассуми студентни кескинроқ ҳаракат қилишига йўл қўймади.

— Менга қаранг, жаноб...

— Медве.

— Шундайми? Агар сиз айиқ¹ бўлсангиз, тушунмай қолдим. Одатда айиқлар ўйинга тушадилар, тўғрироғи, уларни мажбуран ўйнатадилар. Сиз бўлса, ўзингиз ҳам рақс тушмай, бошқаларга ҳам халал беряпсиз.

— Медве амаки бизнинг врачимиз бўладилар,— тушунтирди Маришка ва хонадан чиқиб кета бошлади.

Шу пайт меҳмонлар ҳам танцадан тўхтаб, касали жиддий бўлмаса Маришкага бир оз хурсандчилик қилишга руҳсат этинг, деб доктордан илтимос қила бошлашди. Бироқ доктор бўш келмай, бошини сарак-сарак қиларкан, қўлини силтаганча жаҳл билан:

¹ Сўз ўйини: medve — айиқ. (венгрча).

— Шу етмай турганди. Қалланглар борми ўзи? Бемор эндигина ўзини дурустроқ сезганида дардини қайталатмоқчимисизлар? Овора бўлманглар. Медве бунга йўл қўйиб бўпти,— дея ўшқариб берди.

Еш баронесса хижолат-ла докторнинг гапига бўйсунди. Медве ҳам унинг орқасидан ташқарига йўналди.

— Нима, уни яна кўрмоқчимисан?— Медвенинг орқасидан бақирди барон.

— Ҳа-да. Шундай ажойиб нозик белга қўл теккизиш роҳат-ку.

— Мен ҳам бирга бора қолайми?

— Нега энди? Сен, яхшиси, докторнинг чойчақасини тайёрлаб тур.

Кўп ўтмай Медве емакхонага қайтганди, Дёри шошиб-пишиб уни четга тортди.

— Хўш, бирон нарса топдингми?

— Ҳали аниқ билмайман,— деб жавоб берди Медве.— Ҳозирча бир нарса дейишим қийин. Ҳар ҳолда, организмда кичкина ўзгариш бор, у ҳали энди бошланяпти.

— Ё парвардигар!— шивирлади Дёри даҳшат ичра Медвега бир оз хижолатли тикилиб.— Мендан бир нарсани яширяпсан, Игнац.

Врач хўмрайганича елка қисиб қўйди:

— Ҳақиқий доктор ўзига маълум нарсадан фақат лозим топганинигина айтади. Агар бунга кўнглинг тўлмаса, бошқа доктор чақира қол.

Дёрининг ранги оқариб кетди.

— Демак, Маришкани қутқариб бўлмайдими?

— Ҳечам ундай эмас. Аммо сен бор гапни айтиб беришимни хоҳлаяпсан, мен ундай қилмайман; эшитганингдан ортигини кутма.

— Майли, бироқ сен «у» ҳали энди бошланяпти, деддинг. Сенингча, «у» янаям кучайиб кетадими?

— Албатта-да.

— Утакамни ёрмасанг-чи!

— Утаканг ёрилмасин.

Дёрининг ичида бир нарса узилиб кетгандай бўлди.

— Оғайни, агар қизим ўлса, шу заҳотиёқ ўзимни отиб ташлайман.

— Ўлса? Қим сенга ўлади деди? Нега ўлиши керак? Унга ҳеч нарса қилмайди.

— О, Игнац, азизим Игнац, кел шу гапинг учун сени бир ўпай.

— Йўқ, ташаккур. Ундан кўра пулдан дурустроқ чўз.

— Айтганингни тўлайман, фақат қизимни қутқарсанг бас. Нимага асосан ўлмайди, деяпсан?

— Чунки, аёллар одатда бу касалдан ўлмайдилар.

— Демак, унда бирорта аёллар касали бор экан-да? Доктор маъқуллаб бош ирғади.

— Нима, камқонликми?

— Айтдим-ку, унга ҳеч нарса таҳдид қилаётгани йўқ. Энди ҳозирча ўзингни бос, мени бошқа сўроқ қилма ёки бошқа докторга одам юборгин-да, ўшандан истаганингни билиб олавер.

— Хўп, яхши, яхши! Жаҳлинг чиқмасин. Ота ташвишини тушунасан-ку ўзинг. Кейин ғалати кўринишинг ҳам кўрқитиб юборди мени. Ўтган душанба қизимни кўраётганингда ҳам кўринишинг ташвишли ва хижолатли эди.

— Албатта-да. Итоатли қулингизман! Бундан буён жаноб баронга кўринишдан олдин юз ифодам қандайлигига аҳамият берганим бўлсин. Лекин кайфиятим ёмон бўлса, начора, менинг кўринишим билан кимнинг нима иши бор?

Бароннинг кўнгли жойига тушиб, кайфияти яна кўтарилди-да, докторни стол томон қистади.

— Юр, ичайлик! Менга ишоңавер, бир стакан-бир стакан токай виносидан ичсак, сенинг ҳам чеҳранг очилади. Ҳой, Дюрка, анави ўткирроғидан келтир-чи. Қани, доктор, столга яқинроқ ўтир, сўнгра қарта ўйнаймиз.

— Йўқ, йўқ, мен ичмайман,— рад этди доктор.— Семизман, токай виноси ёқмайди. Жин урсин, ўша винони. Дарров миямга уради. Яхшиси, менга мусаллас билан сельтер суви келтиришларини буюр. Қарта ўйинига эса қаршилигим йўқ. Рикканто хуторига ҳам кириб ўтишим керак, кекса чўпон оғирлашиб қолибди. Бечора тилидан рақ бўлган.

— Айтишларича, у комитат бошқармасида ёлғондакам қасамёд қилгани учун худо урганмиш,— деб қўйди чол Ижипь.

— Аҳмоқона хурофот,— жавоб қайтарди доктор.— Хўп, майли, қайтаётганимда кириб ўтарман.

Улар қарта ўйинини бир оё томоша қилиб туришди-да, кейин ўйин икки столда бўла бошлагач, ўзлари ҳам қартабозликка тушиб кетиб, то кечки овқат маҳали — меҳмонлар тарқала бошлашгунча эзилиб ўйнашди. Таомга студентлар, руҳоний, доктор, иш бошқарувчи ва Дёрининг эски «камерада»и, истеъфодаги майор Борхиларгина қолишди. Сирмаи хонимлар эса кечки овқатдан сўнг келишга ваъда беришди; Ижипь чолга қолинг, деб кўп ялинишганди, бироқ у ҳам овқатдан кейин, бу сафар қизларимни ҳам олиб келаман, деди.

Кечки таом маҳали докторнинг кайфияти яна яхшиланди. Руҳоний паришон кўринар, зўр бериб доктор нигоҳидан кўз олиб қочарди. Бутлернинг ёнида ўтирган Маришка тўхтовсиз суҳбатга аралашар, ҳатто врачлик тажрибасида учратган қизиқ воқеалардан ҳикоя қилаётган Медвега нон увоғини юмалоқлаб отиб ҳам қўярди.

— Доктор ҳар балога гирифтор. Нима бўлса ўшанга ёпишишади. Агар у беморнинг дарди енгил, деса, хафа бўлишади: бефаҳм ҳайвон, дейишади: борди-ю, касал жиддий бўлса, беморни кўрқитяпти, дардини оғирлаштиряпти, дея яна ўпкаланишади. Агар бемор тузалиб кетса, докторнинг ёрдамисиз ҳам тузалиб кетарди, дейишади, тузалиб кетмаса, доктор уни оғирлаштирган бўлади. Эҳе-э, бемаъни касб бу! Раҳмат эшитаман деб хомтама бўлманг.

— Бунинг эвазига нариги дунёда роҳатини кўрасиз, Медве амаки,— деб юпатди докторни ёш баронесса.— Одамларни қанчадан-қанча дарддан халос этганингиз ҳисобга олинад.

— Ҳисобга олинад? Ҳа, албатта! Сизнинг динингиз, бутун жабр-уқубатлар ўша ердан юборилади, деб ўргади-ку: Негадир бу ҳақда эшитмаган эканман! Нафсиламр, буларнинг ҳаммаси бемаъни сафсата! Нариги дунё ҳақиқатан ҳам борми-йўқлигини ҳеч ким билмайди.

— Мен борлигига ишонаман,— жавоб берди Маришка, дераза орқали юлдузлар гўжғон ўйнаётган бепоён осмонга назар ташлар экан.

Руҳоний вилка-пичоқларни нари суриб қўйди.

— Менинг нариги дунё борлигига ишончим комил!— дея хитоб қилди кўтаринкилик билан.— Руҳ, яъни буюк ва кўз илғамас бир нарса, танадан ажралиш қобилиятига эга бўлмай, совиган кастрюлька устидаги буғ син-

гари изсиз йўқолиб кетади, деб тахмин қилиш мумкинми? Одамларнинг бири — яхши ва оқ кўнгил бўлса-да, бахтсиз, гадо ва ўла-ўлгунча қашшоқликка маҳкум этилиб, иккинчиси — ақлсиз ва ярамаслигига қарамай, егани олдида, емагани орқасида яшовчи ва ҳаёт унга бор ноз-неъматлари-ла кулиб боқадиган дорилфанодан сўнг, такрор айтаман, олий ҳакам бўлмаслиги, бу дунёдан кейин ҳамма бандалар тенглашиб, парвардигор ҳар бир одамга ўз тегишлисини берувчи бошқа дунё келмаслиги мумкинми? Худои таоло дунёни бу қадар мажруҳ, мантиқсиз яратолмас ва яратмасди ҳам.

— О, авлиё ҳазрат! — кулиб юборди доктор. — Мантиқ — мутлақо бошқа нарса. Бу гапга мантиқнинг нима алоқаси бор? Поплар мантиқ даъво қилмасликлари керак. Мантиқ — тафаккур қилувчилар худоси. Агар ҳақиқатан ҳам нариги дунё бор бўлса, мантиқан сизнинг жойингиз дўзахда бўлиши керак.

— Мени-я? — дудуқланиб қайта сўради докторнинг ўткир нигоҳи остида қип-қизариб кетган руҳоний.

Студентлар жилмайишди. Дёри бўлса қотиб-қотиб кула бошлади, фақат ёш баронессагина хижолатда ерга қараб олганди.

— Худди сизнинг жойингиз! Сиз, дин пешвоси сифатида гуноҳкор руҳлар орасида бўлишингиз керак, уларни тўғри йўлга солиш бурчингиз. Бундан келиб чиқадикки, жаннатда, саховатли, руҳлар орасида руҳонийлар мутлақо ортиқчалик қилади.

— Қур-қуру! — хитоб қилди барон. — Бу Игнацнинг ақли бало экан-ку. — Бу гаплардан кейин руҳонийнинг бир оз кўнгли жойига тушди: «Қари масхаравознинг аҳмоқона гапларига чидашга тўғри келади!» Бироқ доктор бир гап бошласа, уни тўхтатиш итнинг оғзидаги суякни тортиб олишдан ҳам мушкул эди.

— Хўп, нариги дунё бор дейлик. Унда дарров бошқа бир савол туғилади: хўш, нариги дунё қанақа ўзи? Айрим халқлар руҳ кўчиб юришига ишонишади. Лекин бу жавоб эмас, балки, «ё бор, ё йўқ» деган гап. Чунки, агар руҳ ҳақиқатан ҳам кўчиб юрса, наҳотки, ҳовлида юрган ҳу анави ахта хўроз қачонлардир тегирмончи бўлгану кўп ун ўғирлагани сабабли ўлганидан сўнг бу гуноҳи учун жони паррандага ўтказиб қўйилганидан ўзини бахтсиз сезса? Бу ҳақда ўзи ҳеч нарса билмагач, хўрозга бари бир эмасми?

— Агар у билса ва қайғурса-чи,— гапга аралашди майор Борхи.

— Э, билмайди! Қаёқдан билсин? Ахир, руҳ кўчиб юриши рост десақ, семиз ахта хўрознинг руҳи аввал қарда бўлганлигини сизнинг руҳингиз ҳам, қадрли майор, аввал кимнинг танасида яшаб келганини билиш керак эди.

— Ҳм! Тўппа-тўғри!

— Хўш, шундай қилиб, агар гап гуноҳкорларнинг жазоланиши, яхшиларнинг тақдирланиши ҳақида кетаркан, руҳлар макони бўлмиш нариги дунё бир пулга қиммат. Яхиси, нариги дунёга бошқача қарашлар ҳақида гаплашайлик. Мана, масалан, турклар нариги дунёни гўзал ҳур-парилар қўшиқ айтиб юрадиган соя-салқин боғ деб тасаввур этадилар, ҳиндилар бўлса яна бошқача тушунадилар. Биз нариги дунёни дўзах ва жаннатга бўламиз, католиклар эса бунга тагин маҳшарни ҳам қўшишади.

— Жуда яхши қилишади-да,— деди Дёри.

— Яхши қилишади? Нега энди?— эътироз билдирди гапини бўлишларини ёқтирмайдиган доктор.

— Шунинг учунки, мен сенга айтсам, аросат худди каминага ўхшаганларга мўлжалланган. Бандаси доимо ўзининг кимлигини билади. Мақтанмайман-ку, лекин жаннатга тушмаслигимни биламан, аммо дўзахга ҳам тушмасам дейман. Маҳшарга эса сиғиб кетсам керак. У ерда гуноҳ ювилишини тасаввур этаман. Муваққат босқичлиги ҳам маъқул менга, имоним комилки, у ердан мени жаннатда дам олиб ётган қариндошларим арши аълога тортиб олишлари осон бўлади. Еш гусар лейтенанти эканлигимда ҳам Мальви ҳузурига кириб олиш мақсадида ишни секингина бека Нани ошхонасидан бошлар эдим... Маришка, нариги хонага чиқиб тур.

Маришка отасининг шу тариқа буйруқларига қизалоқлигиданоқ кўникиб қолган бўлиб, у бураб юргизиладиган қўғирчоқдай итоаткорона дарҳол қўшни хонага йўналгани учун ўтирганлар гоҳо қизнинг чиқиб кетганини кўйлаги шилдирашидангина сезишарди.

— Ушанда биз Пожонда тургандик; ёш эдим, аёлларга суйкалишни яхши кўрардим. Ижипь чол бир найтлар гвардиячилигида ўзини келишган бўлганман деб ўйлаганидек, мен ҳам шундай суҳсур йигитча эдим. Қўшни уйда соҳибжамол бир бева аёл истиқомат қил-

гучийди; унинг ёқимтойгина пучуқ оқсочи бўларди... Ҳа, хўш... ҳазратлари, сиз ҳам ён хонага чиқиб турсангиз-микин, фақат шу шарт биланки, қулф тешигидан қулоқ солмайсиз,— ҳазиллашди одатдагидай барон.

Руҳоний ҳам итоаткорона ўрнидан турди-да, чеҳрасида тақводорларга хос ирганиш билан қиз ортидан чиқиб кетди.

Доктор истеҳзоли куларкан, чўнтагидан садаф нақшли тиш тозалагични олиб (биронта хонимчани даволагани учун олган «чойчақаси» бўлса керак), тишини ковлай бошлади. У нариги дунё ҳақидаги гапига халақит бергани учун барондан хафа бўлгани сабабли нафратомуз тарзда:

— Гуноҳсиз руҳларни гуноҳлиларидан ажратиш борасидаги ашаддий тарафдорим, қайтанга ўзинг қулф тешигига қулоқ тутсанг яхшироқ бўлармиди!— деб кўйди.

Барон бу гапни эшитган бўлса ҳам унинг мағзини чақиб ўтирмади. Гапга берилиб кетган одам жанг қизиғида ярадор бўлганини ҳам сезмай қолган жангчига ўхшайди.

Барон ўзининг ғаройиб кечинмалари ҳақидаги ҳикоясини хотиржам давом эттираверди. Гапини тугатганда эса доктор луқмасини унутиб юборганди. Шу заҳоти бунга ўхшаш воқеа майор Борхининг ҳам эсига тушиб қолди. «Камерада» ўз ёшлигини ибодатхоналари ва черковлари билан машҳур бўлган Милан шаҳридаги гўзал синьориталар орасида ўтказганди. Бокаччо бошидан кечирган ва ажиб тасвирига ўхшаш баъзи бир саргузаштлар Борхининг ҳам қисматига тушган экан. Сўнгра студентлар ҳам Шарошпатакда тез-тез учраб турадиган ғалати воқеаларни эслашди. Мамлакатнинг ҳар тарафидан студентлар бу шаҳарга пул ва латифалар олиб келишарди. Пуллар колледжга тушса, латифалар умум мулкига айланарди.

— Хўш, энди сургундагиларни чақирсак ҳам бўлар, яхши нарса ҳам, ёмон нарса ҳам меъёрида дуруст. Кўпайиб кетса зарар қилади. Бунинг устига Медве поп билан баҳслашишига халақит берганимиз учун хафа бўляпти. Давом эт, Игнац.

Эркаклар суҳбатининг мавзуи худди ўйиндаги соққалар каби алмашиб турарди: оқ соққа дин тўғрисидаги мулоҳазалар бўлса, ундан кейин майда-чуйда гаплар

ҳамда қалтис воқеаларни билдирувчи қора соққа ўртага тушар, сўнгра яна оқ соққа, кейин қора соққа ташланар, хуллас, икки тусли соққалар бир-бирини алмаштиргани алмаштирганди. Чунончи, Печ епископи агар бир соат давом этган эркаклар суҳбатида бир-биридан фарқ қилувчи гап эшитмаса, гадойга бериш аҳди билан камзули чўнтагида Мария-Тереза тасвири бор тилла туморни ўн етти йил олиб юрган эмиш. Ниҳоят, у (қайси аҳмоқлар ва латтачайнарлар билан улфатчилик қилгани ҳақида солномада ҳеч нарса дейилмаган) ўн етти йилдан сўнг туморидан ажралибди. Дин эса, суҳбат ва баҳсларнинг янада бой манбаига айланибди.

Кальвинист папистни, папист ўжар кальвинистни, иккаласи биргалашиб лютеранни калака қилишарди. Бироқ ярим аср бурун қақшатқич жамоатчилик тўқнашувига сабаб бўлган нарса эндиликда вино ичиб кўнгил очиш мавзуга айланди. Лютеранларга хос хусусият ниҳоятда оқиллик билан ўн уч моддада баён этилганди: лютеран халтачасида тамаки ўрнига сабзи олиб юради, аравага доим чап оёғи билан чиқади, кечқурунлари ўринда ётганида узун трубкаси найини хотинининг елкасига қўйиб кашандалик қилади ва ҳоказо, ва ҳоказо. Эндиликда рақиблар черковидаги кўнғироқлар олиб ташланмай, ҳар бир кўнғироққа хос овоз танлаб олиниб калака қилинади, холос. Кальвинистларнинг баҳайбат кўнғироғи йўғон овозда: «Лаънат сизларга, ярамаслар!» деб бонг урса, католикларнинг кўнғироғи: «Момо Мария, Момо Мари-и-я!» қабалида оҳанг беради. Лютеранлар кўнғироғидан: «У ёқлик ҳам, бу ёқлик ҳам эмас, у ёқлик ҳам, бу ёқлик ҳам эмас!» садоси эшитилади. Уша даврнинг ноқобил ва танбал тафаккури шу каби бемазагарчиликлардан озуқа оларди. Аслида бунинг ҳечам ажабланарли жойи йўқ! Ахир у пайтларда ҳар йигирма тўрт соатда бутун мамлакатга муҳокама ва мунозара учун материал тарқагадиган газеталар ҳали йўқ эди-да. Албатта, ўша даврда ҳам сиёсий воқеалар юз бериб турар, қайтанга улугвор воқеалар худди ўша даврда содир бўларди, бироқ банди мўминлар қулоғига бутун дунёни ларзага солган ҳодисалар овозасигина етиб келар, ҳозирдагидек уларнинг икир-чикиригача маълум бўлмасди. Наполеон бир неча кичик монархларни шундай усталик билан афдардики, ҳатто бу ҳақдаги хабар Оласрёска етиб ҳам келмади. Унинг енгил қўли тожларни худди ёнғоқ чақ-

қандай тилка-пора қилди. Ҳатто бир кичик герцогликка келганида қилич ҳам ялани очламай қалам билан қоғозга: «Шу дақиқадан бошлаб бу ерда Браганза сулоласи ҳукмронлик қилмайди», сўзларини битиб қўя қолди. Ушандан бери Браганза сулоласи тарихда бўлмагандай йўқ бўлиб кетди! Аммо оласёрскликларнинг бу билан нима ишлари бор? Бирор нима билдиларми шу ҳақда? Уша машҳур қаламнинг қитир-қитирини эшитишмади ҳам бу ердагилар.

Мана шу икки мавзу қадим замонлардан бери гап-сўзларга етарли озуқа бўлиб келяпти. Сиёсат — бу яқингинада турмушимизга суқилиб кирган келгинди.

Доктор руҳонийга яна ҳужум бошлади; Медве қизишиб кетса, унинг калта, семиз бўйни шишиб, қизара бошлар, кичкина қора кўзларидан учқун ёғиларди.

— Мана, масалан, мажусийлар ёки буддистлар, ҳар хил форсий динларини олайлик. Қайси бири дин? Ҳар бирининг жаннат ҳақида ўзига яраша афсоналари бор... Бундан чиқди, жаннат энг камида Венгриямизда нечта қишлоқ бўлса, шунча экан-да. Хўш, биз қайси қишлоққа тушамиз?

— Узимизникига тушамиз,— хотиржам жавоб берди руҳоний,— христиан дини ваъда қилган қишлоққа тушамиз.

— Уша ажойиб жой манзаралари тасвирланган альбом борми?— Медве столга жаҳл билан мушт туширди.

— Ҳай, ҳай! Ҳаддингдан ошма, қари вольтерчи.— деди Медвени босишга уришиб Дёри.

— У жой тасвирини муқаддас китобдан ўқиш мумкин,— ўзини ҳимоя қилди Сучинка.

— Илтимос, муқаддас китобга тил теккизмасанглар. Уни поплар ўйлаб топишган. Нима, поплар эмасми? Бўлмаса ким? Ҳар қалай ақлли одам ўйлаб топмаган. Чунки ўша китоб бошланишида ёзилишича, худо биринчи кунни ер билан осмонни яратганда: «Ёруғлик бўлсин!» деган. «Кейин ҳамма ёқ ёришган-кетган!» қўшимча қилади таврот. Майли, шундай бўлсин ҳам дейлик. Аммо сал кейинроқ келиб тавротда: «Тўртинчи кунни парвардигор ой, қуёш ва юлдузларни яратган» жумлаларини ўқиймиз. Мана шуниси шубҳалироқ. Модомики, парвардигор юлдузлар, қуёш ва ойни тўртинчи кунни яратган экан, қандай қилиб биринчи кунидек ҳамма ёқ ёришиб кетган?

Хўш? Ёки қолган уч кунда бирорта бошқа манба нур

сочиб тургандир балки? Майли, бунисига ҳам хўп дейлик. Аммо ўша манба қаёққа кетган? Нима бўлган унга? Қани, айтинглар-чи!

— Ҳой, Игнац! Поплар анави... хаҳ, ўша нур сочган нарсани ўғирлашган, демоқчимассан шекилли, а?

— Мен ҳеч нарса демоқчи эмасман. Олишяпман, холос. Қўлимдаги мантиқ тўқмоғини ишга соляпман.

Аммо аслида Игнацнинг қўлида мантиқ тўқмоғи эмас, бўш қадаҳ бўлиб, у паришонликда қадаҳни лабларига яқинлаштиргач, кейин баҳсга бериларкан, беихтиёр бокални сингунга қадар столга ураверди. Қадаҳ синиқлари жаранглаганча полга сочилиб кетди.

Шу пайт камгап иш бошқарувчи Михай Борхи ҳам гапга аралашди:

— Демак, доктор, сиз бизнинг Иосафат водийси¹да қайта тирилишимизга ишонмас экансиз-да, а?

— Йўқ, ишонмайман,— деди чўрт кесиб доктор.— Қандай бемаънилик! Модомики одам танаси хокка айниб, руҳи учиб кетар экан, нима қайта тирилиши мумкин? Сиз, жаноблар, янглишяпсизлар.

— Медве амаки, сиз марҳумларнинг кўринмас руҳлари дунёнинг ҳамма ерида айланиб юриши ва бизлардан бохабар эканликларига ҳам ишонмайсизми ҳатто?— сўради ёш баронесса.

— Йўқ, ойимқиз, бунга ҳам ишонмайман.

Қиз бармоқчаси билан истиғноли пўписа қилиб қўйди.

— Тўхтанг, тўхтанг! Қараб турсам, сиз граф Бутлердан ҳам баттар экансиз. Аммо бугун боплаб адабингизни бериб қўяман! Ҳозир опа-сингил Ижиплар келишади, уларга рақс тушадиган стол олиб киришларини буюраман.

— Бироқ мен буни кутиб ўтирмайман. Ундай бемаънигарчиликларга тоқатим йўқ.

Тўртинчи боб

НАРИГИ ДУНЁ ҚАНДАЙ БУЛИШИ МУМКИН

— Шундай қилиб, нариги дунё борлигига ишонмайсанми?— сўраб-суриштиришини давом эттирди Дёри докторнинг қизиққонлигидан ниҳоятда яйраб.

¹ Иосафат водийси (Фаластин)— таврот афсоналарига кўра қиёмат-қойим бўладиган жой.

— Албатта йўқ-да, жилла қурса, нариги дунёда бўлган биронта одам билан гаплашмагунимча ишонмайман ҳам. Лекин ҳали ҳеч ким унақа одамларни кўрмаган. Ҳатто Исо пайғамбар ҳам қабрга қўйганларидан бери ёруғ дунёда қайта кўринмаган.

— Патакда айтишларича, бир лютеран руҳонийси нариги дунёда нималар бўлиши ҳақида католик руҳонийси билан баҳслашиб қолибди,— гапга аралашди Жигмонд Бернат.— Ҳар бири ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилган руҳонийлар бир куни агарда қайсилари олдин қазо қилса, иккинчиси ёнига келиб, ҳақиқат ким томондалигини рўйирост айтиб беришга онт ичишибди. Лютеран руҳонийси олдин вафот этибди. Шундан кўп ўтмай бир куни кечаси эшик очилиб, католик руҳонийси хонасига ранги сарғайиб кетган марҳум ошнаси кириб келибди. Марҳум шарпадек, католик каравотига яқинлашибди-да: «Сенингча ҳам эмас, менингча ҳам», дебди.

— Буни мен ҳам эшитганман,— тасдиқлади Дёри,— эски сафсата.

Доктор киброна қўл силтади:

— Руҳоний лютеран эканлиги шундоқ кўриниб турибди: у ёқлик, ҳам бу ёқлик ҳам эмас.

— Бошқа гапиришнинг иложи бўлмагандир-да, балки.

— Э-э, ким ҳам арвоҳга буйруқ бера оларди! Модомики, арвоҳ шундай йўл тутишга журъат этган экан, ақлироқ бирор гап айтиши керак эди.

— Айтишга осон, сиз унинг ўрнида бўлганингизда борми...

— Мен айтган бўлардим. Нариги дунёдан келгудай бўлсам айтаман ҳам.

— Қўлингни бер, Игнац! Фақат бирон нарсани гаровга қўйиш шарти билан!

— Бемаъни гап! Ҳеч қайсисига ишонмайман дедим-ку.

— Ҳар қалай у ерда бирор гап бўлса келиб айтасанми?

— Имконият туғилди дегунча келаман.

— Чин сўзинг-а?

— Ҳа-да!— барала хитоб қилди доктор баронга қўлини узатиб.

— Қани, студент, уз, майли, ҳаммаси бемаъни сафсата бўлса ҳам! Биз ҳеч қачон ўлмаймиз! Қадаҳларни тўлдир, Дюрка!

Меҳмонлар ўринларидан турмагунларича кетма-кет қадаҳ кўтарилди. Мезбон меҳмон студентлар, сўнгра ўзининг «камерад»и шаънига ичди. «Камерад»и ёш баронесса Маришка соғлиғига кўтарди. Иш бошқарувчи Борхи Наполеонга саломатлик тилади: «Унга худо сиҳат-саломатлик ва яхши хотин ато этсин!» (Уша йиллари Наполеон император Францининг қизига уйланмоқчи эмиш, деган мишмишлар тарқалганди.) Доктор ҳам қадаҳ кўтариб ўрнидан турди-да, жиддий қиёфада «Оласрёскадаги жамоанинг муносиб аъзоси», шимпанзенинг соғлиғи учун ичишни таклиф этди. («Бу беор докторни француз революцияси тамоман расво қилибди»,— тўнғиллаб қўйди Дёри.) Жигмонд Бернат мезбон шаънига бир неча қадаҳни бўшатаркан, унинг ҳиммати ва олижаноблиғини кўкларга кўтарди. Барон бўлса, эриб кетганидан йигитнинг кифтидан қучоқлаб нуқул: «Студент, студент, сен мени тушундинг»,— дерди. Руҳонийнинг эса ориқ Малипо хоним учун ичишни таклиф этишдан бошқа иложи қолмади, хонимни у боғбонга ўхшатди, негаки Малипо хоним ҳаммани қойил қолдириб ажойиб гул ўстирарди. Ёш баронесса бу гапни шу заҳотиёқ француз тилига таржима қилиб берганди, хонимнинг кўнгли юмшаб, кўзларидан олма пўчоғи ва пишлоқ қолдиқлари солинган тарелкага йирик-йирик ёш томчилари думалади. Бутлер ҳам кимнингдир шаънига қадаҳ кўтармоқчи бўларди, бироқ чўзиб юборгани учун мақсади амалга ошмай қолди, чунки худди шу пайт Ижишлар оиласи ташриф буюриб қолди. Хонимлар худди хомага суялишгандай бири кекса собиқ гвардиячининг чап қўлига, иккинчиси ўнг қўлига осилиб олишганди. Кўп ўтмай тиниб-тинчимас қизлар — Сирмаилар, улар ортидан кичкинтой Пишта ва ниҳоят, оналари кириб келишди. Жилла қурса, одоб юзасидан емакхонани тарк этиш фурсати келганди. Доктор суяк тутқишли калтагини ахтариб топгач, хайрлаша бошлади.

— Эҳе-э! Пиёда кетмоқчимассанми ишқилиб?— эътироз билдирди Дёри.— Иш бошқарувчини кутиб тур. Ёки арава қўштиришимни хоҳлайсанми?

— Э, йўғ-э! Ҳали ақлимни еганимча йўқ, сенинг илтифотинг билан касал бўлмоқчи эмасман! Ойдин, пиёда юриш ҳузур. Вино ва овқатдан бўкиб қолдим.

Дарҳақиқат, ҳурматли доктор семиртирилган ғоздай пишиллаётганди.

— Маришкага қандай дори тавсия этдингиз?

— Тоза ҳаво. Монтекукколи¹ айтганидек, агар урушга пул керак бўлса, соғлиқ учун, қадрли барон, ҳаво керак, ҳаво. Бунимен айтяпман. Қизинг кун бўйи боғда сайр қилиб юрсин.

— Қачон келасан?

— Бир-икки кундан кейин кириб ўтарман.

Доктор хайрлашди. Ҳаммалари уни эшик тагигача кузатиб чиқишгани хуш ёқиб, доктор ҳатто ҳазиллашиб ҳам қўйди:

— Ҳа, балли! Докторинглари иззат-ҳурмат қилсанглар, узоқ умр кўраверасизлар.

Кўк юзини булут қоплай бошлади.

— Соябон берайми?

— Мен немис эмасман.

— Балки, чўнтак тўппончамни оливоларсан?— қичқирди унинг ортидан Дёри.

— Нима ҳожати бор? Мени қўрқита оладиганларга ўқ ҳам кор қилмайди.

Доктор калта оёқларини эринчоқлик билан судраб босганча парк оралаб юриб кетди. Бир оздан кейин итлар ҳурий бошлашди, уни овчаркалар сезиб қолишганди, яна бирмунча вақт шағал ғичирлаши эшитилиб турди ва ниҳоят, унинг қадам товушлари узоқлашиб, эшитилмай қолди.

Уйда эса кечки овқат сабабли тўхтаб қолган ўйинкулги қайта давом эта бошлади. «Сендан хафаман» ва «Сизга бу ёқадими» ўйинлари худди нон каби кўнгилга ҳеч урмайди. Токи аёллар жозибали эканлар, бу ўйинлар ўз гўзаллигини йўқотмайди. Маришка бирдан яна бир ўйин бўлиши кераклигини эълон қилганида вақт ярим кеча бўлиб қолган, фант²лар сони ортиб борарди (ҳатто Ижипь хонимлар ҳам ўз навбатлари етишишига муяссар бўлдилар — улардан бирини кенжа Пишта Сирмаи, иккинчисини эса, кўнгилчан граф Бутлер танлашганди).

¹ Монтекукколи Раймонд, граф (1609—1680)— келиб чиқиши италиялик, Австрия қўмондони, ўттиз йиллик уруш қатнашчиси. Одатда, ҳал қилувчи жангларга чап бериб, компанияни чўзарди, унинг шиори: «Уруш учун учта нарса— пул, пул ва яна пул керак» эди.

² Фант — қуръа ташлаш асосида бирон кишининг топшириғини бажаришдан иборат ўйин.

— Эсингизда бўлсин, Бутлер, мен яна бир нарса ваъда қилганман-а.

— Ҳа, ҳа, арвоҳлар. Қани, чақиринглар уларни.

Маришка зангори ранг берилган меҳмонхонадан оғир эман стол олиб чиқишларини буюрди, чунки бинафша солинган гулдон қўйилган қизғиш ёғочдан ясалган кичкина столнинг кўриниши шубҳа тугдириши мумкин эди. Ҳамма стол атрофига йиғилди. Фақат шимпанзенигина ташқарига чиқариб юбордилар. Хунук махлуқ, арвоҳларга ёқмай қолиши мумкин эди.

— Столга яқин келинглар, столга!— амирона қичқирарди Маришка.— Бутлер, ўтиринг! Илонка, қўлингни бер-чи. Ҳазратимиз, сиз қўлингизни мана бу ёққа қўйинг. Бернат, сиз ўз жойингизда ўтираверинг, бармоғингиздаги узукни олиб ташланг. Сиз-чи, дадажон, ўйнамайсизми? Сағал сурилайлик, Пиштага ҳам жой бўлсин. Жиддий бўлишингларни сўрайман, чунки арвоҳлар гумонсировчи ва ҳазилкашларни ёқтиришмайди. Ҳай, ҳай, Бутлер кулмасангиз-чи, ахир!

Ҳаммалари кафтларини стол устига қўйишгач, жимжилоқлар учи бир-бирига тегиб, айлана занжир ҳосил бўлди. Графиня Сирмаиларнинг дўмбоқ қўлчалари шундай чиройли (қизғиш тирноқлари худди очилган гул каби яшнарди), лекин Ижипларнинг қўллари, аксинча, қип-қизил, томирлари ўйнаб кетган эди.

Қизлардан бири Вильма жавабаси тутиб, ваҳимали овоз билан шундай пайтларда ўқиладиган суралардан бирини бошлаб юборди.

— Омин,— такрорлади ҳамма қиз сурани тугатгач.— Энди арвоҳлар келиши мумкин. Йўл очиқ.

Столга арвоҳ чақириниш ўша даврнинг кўнгил очин эрмаги бўлиб, тагин у одат тусига ҳам кириб қолганди. Бу эса спиритизм билан ҳатто унга ишонмайдиган, кўпда қизиқмайдиган одамлар ҳам шуғулланишганини кўрсатади. Мазкур расмнинг туб моҳиятига келсак, арвоҳларга ишониш, ғайри табиий кучларга мойиллик каби қадимийдир. Бироқ спиритизмнинг бундан ҳам кучли жиҳатлари бўлган. Инсон, ҳаётим бир кун бориб тугаши керак, деган фикрга ҳеч қачон кўникмайди. Бандаси қон-қонига сингиб кетган худбинлиги туфайли ҳатто ўлимидан кейин ҳам боқийлик қўмсайверади. Нима ҳам деб бўларди, одам зоти шунақа мағрур бўлади!

Шубҳасизки, спиритизм, одамнинг ўзи каби қадимий-дир; фақат давр ўтиши билан унинг шарҳланиши ва кўриниши ўзгариб турган. Аммо биринчи инсу жинс ҳамда одамларни илк бор йўлдан оздирадиган ҳам худди ўша Каин бўлган. Қадимий римликлар ва юнонлар марҳумларнинг арвоҳлари ер юзида кезиб юришига ишонишган. Улар ҳатто худодарини ҳам ерга тушириб олишган, шунини маъқул ҳисоблаганлар.

Диндор венгр деҳқони неча-неча замонлардан бери оқ чойшабга ўралиб келиб, тирикларни ваҳимага соладиган ва хўроз биринчи қичқириши билан ғойиб бўладиган арвоҳларга ишонарди. Арвоҳни кўриши биланоқ одамни ваҳима босади; у билан гаплашишни ҳам истамайди. Шунинг учун деҳқон авлод-аждодларини нариги дунёдан чақиришни хаёлига ҳам келтирмайди; аксинча, марҳумларнинг имони басаломат бўлиши, қабрда тинч ётсин учун ибодат қилиб, шам ёқиш нияти билан яшайди.

Жаноблар эса бошқача. Албатта, жаноблар учун доим қандайдир фавқулодда нарсалар керак. Уларни арвоҳлар қаршисида ваҳимага тушишдан ўқимишлиликлари сақлаб туради. Кўнгил ёзиш учун стол устига чиқиб суҳбатлашадиган, вақтичоқлик ҳам қиладиган арвоҳларни чақирадилар.

Арвоҳларни биринчи бўлиб сеҳргарлар, Калиостро¹ ва унинг шериклари эвида иш тутишиб чақира бошлашган. Бироқ улар ҳали ҳозирча Астаротни² чақирардилар, холос. Бу маъбуданинг келадиган алоҳида куни чоршанба бўлган (масалан, Палатин — пайшанбада келгани каби). Астарот чоршанба кунлари чақирувга келар ва Калиостро билан шерикларини дунё зўравонларига ёқиш қобилияти билан таъминларди... Афсуски, ўшандан бери раҳмдил Астарта хор бўлди, ҳозир амалпарастлар ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам, бироқ уларнинг ёрдамчи—арвоҳлари йўқ, узун, бурро тиллари бор, холос.

«Столга руҳ чақириш» одати Америкадан кириб келган эди. Янки ва уларнинг мисслари бундай эрмаклардан ўзларида йўқ хурсанд бўлганлар. Улар қуйидагича мулоҳаза юритган бўлсалар керак: «Гарчанд биз лорди,

¹ Калиостро Александр (1743—1795) италиялик қаллоб, ўзини алхимик ва афсунгар деб кўрсатган; ўша пайт Европада аристократлар саройларида катта муваффақият қозонган.

² Астарот, (Астарта)—серҳосилик, оналик ва муҳаббат маъбудаси, сеҳр ишқибозлари уни тун арвоҳи деб ҳисоблашган.

герцогиняси, қироли, яроғ-аслаҳали рицари, буюк-ёзувчи-
си, шуҳрати оламга таралган аёллари йўқ зоти пастлар
эканмиз, жилла қурса марҳум аждодларимиз арвоҳини
чой ва қартабозлик кечаларимизга таклиф этамиз. Хэл-
ло! Қани, столгина, айланавер!»

Сеанснинг энг қийин дақиқаси — унинг бошланиши.
Афтидан, арвоҳларнинг ҳам ўз талаблари борки, уни пай-
қай билиш керак. Балки стол устида уларга ёқмайди-
ган бирон одамнинг кафти ётгандир. Арвоҳнинг чақирув-
га келмаслигига ана шунинг ўзи ҳам кифоя. Бунинг ус-
тига, у бошқаларни ҳам келмасликка кўндиради.

Лекин Дёрининг уйида бундан хавотирланмаса ҳам
бўлади. Мазкур хонадондаги стол атрофида арвоҳларнинг
азиз одамлари Ижипь хонимлар ўтиришганди. Минг та-
ассуфки, улар эрга теголмади, аммо нариги дунёдан кела-
диган куёвларнинг сон-саноғи йўқ эди. Маришканинг
айтишича, уларнинг ҳузурига баъзан ўрта аср бретон
рицарлари, ҳатто трубадурлар ҳам келишган эмиш. Бу
ҳол қизларнинг жудаям кўнглини кўтарарди.

Жим! Ҳатто юрак ҳам уришдан тўхтади.

Стол бир силкиниб, меъёрида тебрана бошлади.

— Келишяпти! — жон ҳолатда шивирлади руҳоний
(у арвоҳларни назарда тутганди).

Малипо хоним алфавитли доирани олдиндан тайёр-
лаш учун ўзига яқинроқ суриб қўйди. Бу аёл бир оғиз
ҳам венгрчани тушунмас, шу сабабли бу ерда ёлғон бў-
лиши мумкин эмасди.

— Қимни чақирамиз? — мурожаат этди руҳоний стол
атрофида турган кексаларга.

— Қим бўлса ҳам бўлаверадими? — сўради жавобан
майор.

— Аввал ўз-ўзидан битта воситачи келади-да.

— Нима дедингиз, воситачи?

— Бўлмасам-чи! Арвоҳларнинг ҳам ўз воситачилари
бўлади. Худди ўшалар бизнинг воситачиларимиз билан
гаплашишади.

— Ҳм... Бундан чиқди, ҳамма гап алоқа вакиллари
орқали бўлар экан-да.

— Кўпинча тамоман ғалати тушунмовчиликлар юз
бериб туради. Паст табақали арвоҳлар орасида ҳамма-
ни аҳмоқ қилиш ва бўлмағур сафсата сотишни яхши
кўрадиган телбанамолари ҳам учраб қолади. Айниқса,
кашшилиқ бир қиз шундай қилиғи билан ажралиб ту-

ради. У ўзини гўё ҳеч қачон ақли бўлмагандек тутади.

— Қайси кашшилиқ қиз у?

— Ҳа, саксон йил бурун ўлиб кетган Рожика Тоот исмли қандайдир бир қиз. У ойиси билан Эперьешга тўйга боргану, қайтиб келишаётганда арава ағдарилиб, жарликка думалаган. Энди бу қиз доим шўхлик қилиб, ўралашиб юргани юрган.

Майор мўйловини бурар экан, қизлар руҳонийнинг суюқ Рожика ҳақидаги фикрига қўшилгандек, бир-бирларига маънодор қараб қўйишганини кўриб ҳайрон бўлди.

— Балки бамаънироқ арвоҳларни чақириб олишга муяссар бўлармиз,— давом этди арвоҳлар дунёсини яхши билувчи поп.— Ҳозир кимни чақирсак экан?

— Ференц Ракоци Иккинчини чақириб кўрайлик,— дея таклиф этди иш бошқарувчи,— ҳазрати олийлари князь Ракоцини,— деб шошиб қўшиб қўйди у яна, чунки шу пайт стол шубҳали тебранганди.

Руҳонийнинг лабларида содда, лақма одамларга дуч келиб қолган, кўпни кўрган одамга хос такаббуруна жилмайиш пайдо бўлди.

— Бу унчалик осон эмас! Ахир, арвоҳлар ҳар хил доирада бўлишади-ку, тақсирим. Шундайлари ҳам борки, ҳали уларнинг жойлари аниқланмаган; ана шунақалар ер юзида кезиб юришади. Бу ўзига яраша жазо ҳисобланади. Масалан, Рожика Тоот саксон йилдан бери кезиб юрибди.

— Бундан ортиғини у мўлжалламай ҳам қўя қолсин!— деди кулиб кекса Дёри.

— Ким билади дейсиз! Нариги дунё учун саксон йил арзимас бир дақиқали вақт. Доиралари аниқланган арвоҳлар парвардигор даргоҳи томон парвоз қиляптилар. Дарвоқе, доиралар ўртасида ҳам катта тафовут бор...

— Хуллас, нариги дунёда ҳам тенглик йўқ, у ерда ҳам бой ва камбағаллар бор экан-да.

— Худди шундай, шу сабабли юқори доирадаги арвоҳлар билан алоқа қилиш ҳам қийин. Балки Ракоци ҳам...

— Учрашувга розилик бермайди.

— Бўлиши мумкин... Жим, тақиллатяпти!

Чуқур сукунат чўкди, фақат шамларнинг шитирлаб ёниши эшитилар экан, стол худди шайтонлаётган жонивордек титраб, полга урила бошлади. Қаердандир стол.

ичидан хўрсинганга ўхшаш овоз эшитилди. Кулоққа энгил ғувиллаган овоз чалингандай бўлди.

— Ким бу?—сўради Анна Ижипь ваҳимали овозда.

Стол ишга тушиб кетди, қандайдир сирли тақ-тақ овози эшитилди, яна бир марта, тақ-тақ, тақ-тақ... Малипо хоним тақиллаш оҳангига монанд узун, ингичка бармоқларини ҳарфлар устига қўя бошлади. Хонимнинг бармоқлари кераксиз ҳарф устига тушса, тақиллаш овози тиниб қоларди: бошқа қўли билан эса стол тақиллаши натижасида ҳосил бўлаётган ҳарфларини ёзиб борарди: Михай Бониш.

Бундан беш йил бурун вафот этган, вафотига қадар Дёрининг уйига тез-тез келиб турадиган Сабольч комитатидаги кекса дворяннинг арвоҳи ҳозир бўлди. Бернат ва Бутлер ҳаётлигида овчиликка ҳирс қўйган бу чолни яхши танир эдилар. («Албатта, унга қийин, чунки нариги дунёда қуён ҳам, курка ҳам йўқ!»)

— Ференц Ракоци Иккинчи билан суҳбатлаша олмайсизми?—сўради Анна Ижипь.

Арвоҳ анчагача жавоб бермай турди. Стол худди шалоғи чиққандай гоҳ ўннга, гоҳ чапга эгилиб, қандайдир ноаниқ ҳаракат қиларди; бир оздан сўнг унинг бир оёғи, кейин иккинчиси кўтарилди — худди ўйноқи тойчоқнинг ўзгинаси — сўнгра вужудида қандайдир ғайри табиий куч йиғилгандай, бир текис тебрана бошлади, кўринмас одамнинг тишлари тақиллаётганга ўхшаш так-так, так-так овоз эшитилди...

— Жавоб!— шивирлашди тақводорлар.

Хоним ҳарфларни бирин-кетин ёзганди — «Ференц Ракоци бугун бу ерда, Оласрёскда чувринди студент қиёфасида зоҳир бўлди», — жумлалари ҳосил бўлди.

Ҳамма, ҳатто эътиқодсизлар ҳам бу ғайри табиий «сеҳрли таъсир»дан ҳайратланиб, хиралашган кўзларини студентларга тикишди: қай бири экан? Лавлагиларни чиқиб кетган бечора студентлар бир-бирларига қарарканлар, гўё: «Ана, Михай Бониш бизни ҳам йўқлади-ку! Тўғри, у ҳаётлигида ҳам устимиздан кулишни яхши кўрарди», — дейётгандай бўлардилар.

Аммо сал ўтгач, Бернат Бутлерга шипшиди:

— Бугун майхонада тош билан жўжаларни қийратган қотма болани кўрганмидинг?

— Бўлмасам-чи, кўргандим. Анави «студент»масми?

— Хўш, ўша бўлса-чи?

— Исмини билмайсанми?
— Ёдимдан кўтарилибди.
— Қим ўз келажagini билмоқчи?— деб сўради ҳазрат.— Бугун воситачимиз илтифотли ва дилкаш кўринадилар.

Ҳеч ким журъат қилолмади. Узи бўларканми! Бу ерда гап ҳаёт-мамот устида кетяпти. Фақат кичкина Сирмаи ўтирган жойида типирчиларди: у ҳали гўдак, бунинг устига Сирмаилар оиласидан, ҳеч нарсадан қўрқмайди.

— Қани, сўра, тўрам!

— Менинг тақдирим қандай бўлади?— дадил сўради болакай.

«Сен шоҳона дабдаба қуршовида ўласан!»— деган жавоб эшитилди.

Ўғлининг тақдири ҳақидаги бундай ажойиб кароматдан Сирмаи хоним ийиб кетиб, кўзлари ёшга тўлди: шу дақиқадан бошлаб хоним ўзига чексиз қувонч бағишлаган стол тақиллашига кўр-кўрона ишона бошлади¹.

Стол кимдир итариб юборгандек бир ёққа оғиб, тебранмай қўйди, у яна бир бўлак жонсиз тахтага айланиб қолганди.

— Кетиб қолди,— деди афсус-надомат билан ёш графиня Сирмаилардан бири.— Бирон нарсадан хафа бўлди шекилли.

— Қўйсангиз-чи,— деди руҳоний.— Уларнинг одати шунақа ўзи. Дам пайдо бўлишади, дам кўздан йўқолишади. Буниси тағинам яхшилик қилди,— ҳар қалай жавоб берди. Лекин ҳозир бошқаси келади. Роза бўлса керак. Жим, тақиллатяпти! Эшитдингларми? Бу арвоҳ. Тақ-туқ. Илтмос, хоним, ёзиб туринг!

— Ким бу?

Хоним «Игнац Медве» ҳарфларини ёзиб олди.

— Ҳа-ҳа-ха! Игнац! — кулиб юборишди чоллар.— Зўр бўляпти-ку!

¹ Она арвоҳнинг жавобини шундай тушунганди, бироқ, афсуски, тақдир тақозоси бошқача бўлди. Визнинг Пишта кейинчалик 1857 йилда император Франц-Иосифнинг Мишкольцга келадиган куни зарбоф венгр кийими ярқираб, фахрий эскорт бошида, абжирли билан отни ўйнатиб туриб, тўсатдан миясига қон қуйилиши натижасида жонсиз танаси ерга қулаган ўша Иштван Сирмаидир. Би нобарин, ҳақиқатан ҳам у «шоҳона дабдаба қуршовида» ўлган (Автор изоҳи.)

Бутлер бўлмағур гап дегандек, ғолибона, истехзо билан жилмайиб, қўлини столдан тортди. Маришка жаҳли чиқиб, тирсаги билан мўъжизакор столга уриб қўйди.

— Яна ўша кичкина Роза бизни адаштиряпти!

Ёш баронессанинг тирсак билан уришига жавобан стол нола қилаётгандай ғичирлаб қирсиллади, сўнгра куз даласида қуш қўнмас каби чир айлана бошлади. Бир пайт гоҳ столнинг ичидан, гоҳ оёғидан, гоҳ стулларнинг биридан шундай даҳшатга солувчи кескин овозлар эшитилдики, ҳаммани қалтироқ босди.

— Ҳар нима бўлса ҳам, бу доктор,— деди ҳайратдан карахт бўлаёзган Анна Ижипь.

Ижиплар оиласига мансуб иккала қиз ҳам ҳақиқий трансмедиум¹ эдилар. Иккисининг ҳам нариги дунёда астраллари² бўлиб, гарчанд, қизлар бундан беҳабар бўлсалар ҳам, арвоҳлар ҳатто уларга бевосита жинсий яқинлашардилар. Қизлар бу дунёнинг ярим мавжудоти, ўзларини ҳам ярим идора этишар, қолганини эса астраллар бажарарди. Юз ва қўллари дам-бадам буришиб титрай бошларди. Кекса Ижипь қизларим ҳар бир спирит сеансидан кейин уйларига худди куни билан далада ишлагандай чарчаб, ҳолдан тойиб қайтадилар, дерди.

— Жим, хоним ва жаноблар, илтимос, жим бўлинглар! Қани, кўрайлик-чи, бу нимани англатар экан.

Стол тинчланди, тақиллаш ҳам тўхтади, кутилаётган ҳарфлар аниқроқ эшитила бошлади. Малипо хоним ҳарфларни қоғозга зўрға ёзиб улгурар эди.

Ҳамма Малипо хонимнинг ёзганларига қизиқиб қараб қолди.

«Мен, нариги дунё хабарини айтиш учун қайтиб келаман, деб ваъда берган эдим. Докторларга ялиниб юрманглар. Улим, аслини олганда, одам учун аҳамиятсиз ўзгаришдир. Руҳ жойини, тана эса шаклини ўзгартиради, холос».

— Ақлга сиғмайди-ку!— хитоб қилди шошиб қолган руҳоний.

¹ Трансмедиум — спиритизм қондаларига мувофиқ, энг юқори разрядли воситачи бўлиб, бундай сеанс пайтларида уларнинг ташқи қиёфалари ўзгармайди, идрокларининг билиш кучи ва сезиш қобилиятлари ортиб боради.

² Астрал — медиумга хайрихоҳ, ҳамда унинг ҳамроҳи бўлиб қоладиган жуфт арвоҳ. (Автор изоҳи.)

Кекса Дёри столни синчиклаб кўздан кечириш учун энгашди-да, сўнгра ўтирганларга кулиб қараркан:

— Қай биринглар бундай ҳазил қиляпсизлар?— деди.

— Қизиқ,— деди овоз чиқариб ўзига ўзи майор Бор-хи.— Ахир фақат докторгина шундай жавоб қилиши мумкин эди. Хонимнинг венгрчани тушунмаслиги аниқ-ми?

Шу пайт ташқаридан от туёқларининг овози эшитил-ди, бир дақиқа ўтар-ўтмас, эшик хавотирли тақиллади. Гарчанд арвоқлар бошқа йўллар орқали кириб келса-лар ҳам ҳамма чўчиб тушди.

— Киринг!

Остонада ёнида сумка ва қиличи осилган жандарм фельдфебели пайдо бўлди.

— Нима гап, Есенка?

— Ҳазрат олийлари, жаноб уезд бошлиғи, рухсатин-гиз билан маълум қиламанким, бугун тунда Бенъега олиб борадиган қишлоқ йўлида қоровул Бальбо доктор Медвенинг жасадини топган.

Ҳамманинг ранги оқариб кетди, кўзларида даҳшат аломати акс этиб турарди. Барча жойидан сакраб тур-ди, барон эса, кутилмаган воқеадан қарахт бўлиб қол-ганди. Ҳатто шимпанзе ҳам очиқ эшикдан хонага ки-риб, жандармга ғамгин тикилиб турарди.

— Қур-қуру!— деб ғўлдиради барон.— Бўлиши мум-кин эмас! Бу ердан кетганига икки соат бўлди. Сенга ким айтди?

— Ўзим кўрдим.

— Докторни кўрдингми?

— Худди шундай, кўрдим.

— Хўш, кейин...

— Энди бу дунёда рецепт ёзиб беролмайди.

— Ўлдирилибдими?

— Мен унда ҳеч қандай зўрлаш аломатини сез-мадим. Тўғри, синчиклаб текшириб кўрмадим — сиз жаноби олийларига етказай, кейин нима қилиш ке-раклиги ҳақида тегиншли топшириқлар олай, деб шо-шилдим.

— Мен ҳазироқ вице-губернаторга эрта билан губер-ния судининг врачини юборишини сўраб рапорт ёзаман. Рапортни чопар орқали юборасан. Тушундингми?

— Худди шундай. Жасадини нима қилай?

— Тегилмасин, токи ўзим кўрмагунимча ёки... йўқ, врач текшириб кўрмагунча. Қоровул қўйдингми?

— Иккита жандармни...

— Ишончлими? Чўнтагини тозалаб қўйишмайдими?

— Жуда ишончли, кафил бўла оламан.

— Аввал нима иш қилишган?

— Улардан бири — Андраш Кажмари, бизга Яношик тўдасидан келган, ажойиб йигит, чақмоқтошнинг ўзгинаси. Иккинчиси — Йожи Коломпош.

— Йожи Коломпош деганинг ким экан?

— Хабарингиз бор, Мункачда қотиллик учун ўтириб чиққан.

Барон фельдфебелга жаҳл билан бошдан-оёқ синовчан назар ташлаб чиқди.

— Сен ҳатто қотилга ҳам кафиллик бера оласанми?

— Худди шунинг учун, жаноби олийлари, кимки бир марта йирик иш қилган бўлса, майда-чуйда ишларга қўл уриб ўтирмайди.

— Шундай бўлса ҳам, қадрдоним Есенка, ҳозироқ ўша ерга қайтгин-да, мен боргунимча қўриқлаб тур. Гард юқтирсанг ҳам соғ қўймайман! Тунда бари бир ҳеч нарсани аниқлаб ололмайман. Қоронғи шекилли?

— Осмонни булут қоплаб олган, ёмғир ёғиши мумкин.

— Чипта оливол, мурданинг устини ёпиб қўясан, фақат эҳтиёт бўл. Бечора Игнац! Бечора Игнац! Стол атрофида йиғилганлар — ўн уч киши эмасдик шекилли! Эҳ-ҳе! Есенка, сен ташқарида кутиб тур, вице-губернаторга хат ёзиб берай.

Дёри ўз хонасида хатини ёзиб, конверт устига «Cito citissimi»¹ деб ёзгунча, ранги оқарган, руҳи тушган меҳмонлар одатдагидек марҳумнинг охирги сўзларини эсламоқда эдилар. Улар бирорта қизиқ, ҳатто гаройиб нарсани эслашарди. «Бугун, айниқса, ғалати эди, — деб иқрор бўлишарди меҳмонлар. — Нега худди шу бугун нариги дунё ҳақида гапириб қолди? Чунки, бечора, ўша ёққа тайёргарлик кўраётган экан-да»

— Барон, пистолет оливолгин дегандаги жавоби эсингиздами? У: «Мени қўрқита оладиган кимсага ўқ ҳам тегмайди», — деганди. Хўш, ғалати эмасми? Узини йўлда ўлим кутаётганини сезган экан-да. Эътироф этиш

¹ Шошилинич, ўта шошилинич. (Лотинча.)

керакки, доктор жуда ақлли эди. Округимизга бошқа бундай доктор келмайди, худо раҳмат қилсин уни!

— Мархум қандай ҳамиятли эди-я!

Мана, ваъдасига вафо қилиб, нариги дунёдан келди. Мисли кўрилмаган воқеа! Ҳалиям ўзимга келолмаяпман,— деди графиня Сирман.

Студентлар ҳам бўлиб ўтган воқеадан жуда қаттиқ ҳаяжонланган эдилар.

— Бу воқеани ҳеч қачон унутмайман,— деб гўлдиради Бернат.

— Хўш, энди нима дейсиз, даҳрий Фома?— сўради ёш баронесса бўлиб ўтган воқеадан эзилганча, хонада у ёқдан бу ёққа юриб девордай оқариб кетган Бутлердан.

— Таслим бўлдим!— жавоб қайтарди студент хаёлчан.

Баронесса шамнинг сўхтасини олиб ташлаш учун стол ёнига борди. Сучинка бу пайт иш боқарувчи билан нариги дунёга тавба қилмай равона бўлиш арвоҳ учун қанчалик оғир эканлиги ҳақида гаплашар эди. Мана, бечора доктор ҳам... Маришканинг кўйлаги шитирлашини эшитиб у қиз томонга бир неча қадам ташлади.

— У ҳаммасини биларди-ю, бироқ ҳеч кимга айтмади,— шивирлади қиз.

Ҳазрат мамнун жилмайди:

— Мен унинг оғзига олтин қулф урувдим-да...

Ҳамма хўрсинар, афсус қилар, фақат кекса Ижипдагина қандайдир ҳасад уйғонганди: «Қандай ажойиб ўлим-а! Бу ҳақда комитатда қанча гап бўлади! Айрим одамлар ҳаётда худди чумолидай сезиларсиз яшаб, худди шундай сезилмай ўлиб кетишади. Мана, масалан, чумоли қора тош устида ўрмалаб кетяпти. Қим уни кўрди? На тош чумолида из қолдиради, на чумоли тошда. Докторнинг омади юришган экан!» Бечора Ижипь чол ҳам ўлим остонасида эди, шунинг учун ўлим қай вазиятда келиши унга бари бир эмасди.

— Мен гаров бойлашаман,— ямлаб гапирди у маёрга,— бу воқеа шундай ажабланарлики, ҳатто кашши календариди ҳам босилади. Қизиқ, унинг арвоҳи ҳалигача стол устидамикин?

Майорнинг тиши тишига тегмасди.

— Мен ҳеч қачон тирик одамлардан қўрқмасдим,

лекин буниси ҳаддан ташқари... Жин урсин, бардош беролмайман.

У акасидан арава қўшишни буюринг, деб илтимос қилди, фақат иложи бўлса докторнинг жасади ётган йўлдан юрмасликни сўради: кўзимга мурда кўринмаса, дерди.

Фақат кичкина Сирмаигина доктордан нариги дунё ҳақида сўраб олишни илтимос қилишга журъат этди. Ҳозир у балки ҳаммасини айтиб бериши мумкин, чунки худо унга буни ҳали тақиқлаб улгурмаган бўлса керак. Шундай имкониятни қўлдан бермаслик керак.

Канцеляриядан қайтиб чиққан барон ҳам боланинг фикрига қўшилди: қотиллик юз берган бўлса-чи? Докторнинг арвоҳи қотилни айтиб бериши мумкин эди. Унда, Дёри комитат мажлисбозларига кекса солдат нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйган бўларди-я! У ўзини жинойт чигилини ечган одамдек қилиб кўрсатар эди.

— Тўғри! Арвоҳи билан гаплашамиз! Фақат ундан гап сўрашни менга қўйиб беринглар.

Бироқ бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмасди. Даҳшатли воқеа ҳаммани журъатдан маҳрум қилиб қўйганди. Ҳеч кимнинг столга яқинлашишга юраги дов бермасди.

Ташқари эса яна ҳам қоронғилашиб, зимистонга айланганди. Дераза кўзини ёмғирнинг дастлабки томчилари тақиллата бошлади. Бу ҳам ҳозир асабга тегарди.

Меҳмонлар бирин-сирин хайрлаша бошладилар. Ҳар бири уйига етиб олиш учун фонуслик ҳамроҳ сўрарди. Барон студентларга хоналарини кўрсатиб, уларга хайрли тун тилади.

— Қачон йўлга чиқмоқчисизлар?

— Тонг саҳарда.

— Яхши, мен извошчига тайинлаб қўяман.

— Унда, ижозат этсангиз, сиз билан хайрлашамиз.

— Худо ёр бўлсин, болаларим! Ваъданларни унута кўрманглар-а!

Барон туни билан мишрама қоқмай чиқди. Хонадаги жиҳозлар қасир-қусур қилар, тунги столчада турган сувли стакан чирсиллаб ёрилди, хуллас, ҳар хил сирли шарпалар кўринаверди.

«Хўп, хўп, дўстим Игнац, кетяпман, олдингга ҳозироқ бораман. Албатта, у ерда ётиш сенга унчалик ёқмайди, лекин ҳозир йўлга чиқяпман».

Кун чиқар-чиқмас барон ҳодиса рўй берган жойга югурди.

Дёри шубҳалантирадиган ҳеч нарса топмади. Кекса Медве чириган нок дарахти остида кўзлари очиқ ҳолда чўзилиб ётарди. Қотиб қолган кўзларининг руҳсиз қараши бир нарса демоқчидай галати эди. Йўлда чолнинг миясига қон қўйилган бўлса керак.

Барон унинг тепасига энгашган эди, чўнтак соатининг чиқиллаши эшитилди. Инсон яратган машина ишламоқда, худо яратган бандаси эса мангу уйқуга кетган. Дёрини қандайдир ғам-ғусса эгаллаб олди. Дунёдаги бор мавжудотнинг яратгувчисига нисбатан инсон мустаҳкамроқ механизм ярата олганини тан олиш оғир. Инсон қандай буюк зот, айни вақтда ночор ҳам. Манави ётган одам бундан бир неча соат бурун олим эди, энди эса тупроқ каби жонсиз.

— Есенка, унинг чўнтагидан ҳамёнини, соатини, қоғозларини ол. Кўрайлик-чи, кейин уларни ўзим олиб кетаман.

Есенка мурдани тинтиб чиқди, бироқ арзирли нарса унчалик кўп эмасди: бармоғида қимматбаҳо тошли узук, чўнтак соати, доктор Гильотеннинг¹ кичкина портрети туширилган бурнаки солинадиган қизғиш рангли тамакидон, садаф билан безалган тиш тозалагич ҳамда ҳамёни бор эди.

Барон ҳамёнини очиб, тўқсон форинг қоғоз пулни топди, ўша пайтларда қоғоз пулнинг қиймати жуда паст эди.

— Атиги шугина эканми?

Шимининг чўнтагидан жандарм калит, учта талер ва бир қанча мис танга топди.

— Мана, буни қаранг, йиртилиб кетган хат ҳам бор экан.

— Аҳамияти йўқ, бу ёққа бер, балки муҳим нарса ёзилгандир.

Дёри йиртилган қоғозга наридан-бери кўз ташлаб чиқди.

— Аҳамиятсиз нарса,— деди у ўзининг ҳаво ранг диошдъёр қоғозини² ва Сучинканинг ёзувини таниб.

¹ Гильотен Жозе-Игнас (1738—1814)—француз врач, 1792 йили француз буржуа революцияси даврида унинг таклифи ҳамда номи билан аталувчи бош узадиган машина жорий этилган.

² Диошдъёр — Венгриянинг шимоли-шарқидаги саноат шаҳри, ўзининг юқори навли қоғоз ишлаб чиқариши билан азалдан машҳур.

Бу касал бўлиб қолган Маришканинг олдига келишни барон илтимоси билан руҳоний докторга ёзиб юборган хат бўлса керак.

Дёри қоғозни энди ташлаб юбормоқчи бўлиб турган эди, тўсатдан кўзи «...қизнинг отасидан ҳақиқатни яширинг» жумлаларига тушиб қолди.

Барон ҳайрон эди. Қандай қиз? Қандай ота? Ахир гап фақат Маришка устида бориши мумкин, унинг отаси эса — ўзи. Демак, Дёридан ҳақиқатни яшириш керак экан-да? Қандай ҳақиқат?

Кўз олдида ҳарфлар жимирлай бошлади. Ғижимланган қоғозга тикилиб ўқиди: «Биз сизни хурсанд қиламиз...» Жумланинг қолган қисми бошқа қаторга кўчирилган эди, бироқ бу қисми йиртилганди (трубка ёқилган кўринади), фақат қоғознинг энг паст қисмидаги қолган сўзларни ўқиш мумкин эди. «Устига 50 форинт...»

— Ахтаринг, — ҳаяжондан хириллаб деди барон. — яна қоғоз бўлиши керак.

Бироқ марҳумнинг чўнтақларидан ортиқ қоғоз топилмади. Ҳозир шунинг ўзи ҳам етарли эди. Бароннинг кўзига атрофдаги ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетгандек бўлди. Миясида даҳшатли фикр туғилди! Эй, худо! Мумкин эмас! Шундай соф, бегуноҳ қизча...

Гарчанд, тонг ҳавоси совуқ, ўт-ўлан юзини енгил кумуш ранг қиров босган, пастак нок дарахтининг новдалари совуқдан бир-бирларига чирмашган бўлса ҳам Дёрининг пешанаси терга ботди. Қишлоқ йўлининг нариги тарафида илгичка узун терак кўкка бўй чўзган, унинг шохларида ўтирган иккита қарға мурдадан кўзларини узмасди. Қушлар қиялаб ўсган ёлғиз шохда жиддий, жимгина ўтириб, ўзларича: «Агар бунчалик одамлар тўпланмаганда ҳалигача доктор бизнинг ўлжамизга айланган бўлармиди», — дея ўйлармидилар балки.

Шу пайт аравада Бенъе қишлоғининг оқсоқоли Мартин Жомбек етиб келди; унинг ёнида Михай Коппанто билан докторнинг экономакиси бор эди. Улар мудҳиш воқеадан хабар топган заҳотилариеқ бу ерга шошилиб етиб келишганди. Оқсоқол ҳазрати олийлари жаноб уезд бошлиғи билан узундан-узоқ саломлашди, сўнгра зўр бериб энсасини қашлай бошлади. Михай Коппанто ҳам ундан ўрناق олди ва жаноб Медве худди шу нок дарахти остида жон таслим қилишлари керак бўлиб қолганидан афсус-надомат изҳор этди. Бу жуда ёмон

аломат. Улар атрофда бошқа дарахт йўқмиди, деб бошлари қотарди.

Бошқа пайт Дёри уларнинг нолаларига аҳамият берган бўларди, бироқ ҳозир унинг фикри-зикри бошқа ёқда эди. Орадан уч-тўрт йил ўтгандан кейингина докторнинг нега худди шу дарахт тагида ўлгани қишлоқ оқсоқолига ёқмаганлиги сабаби ойдинлашди. Гап шундаки, винодан тушган икки минг форинт пул темир сандиқчада худди шу дарахт остига кўмилган бўлиб, кўзни чалғитиш учунгина қишлоқ маҳкамасига айри билан қуролланган соқчилар қўйилган экан.

Дёри маънос қиёфада оқсоқолга қулоқ солиб турди, сўнгра марҳумдан топилган хатдан бошқа ҳамма нарсани унга топширди.

— Доктор жасадини уйига олиб боринг,— деб буюрди барон,— бу ерда ҳеч қандай жиноят изи йўқ.

Шундай деб у файтонга ўтирди-ю, ўзининг ғамгин хаёлларига ғарқ бўлди. У аста-секин ҳамма нарсани эслади, шу жумладан, докторнинг кеча барон руҳонийни Маришка билан қўшни хонага чиқариб юборгандаги танбеҳини ҳам эслади: «Эшикнинг қулф тешигига ўзинг қулоқ тутиб кўрсанг бўларди».

Энди барон ҳамма нарсани фаҳмлади! У ўзини ақлдан озиб қолаётгандай сезарди.

— Ҳайда, тезроқ!— дея қичқирарди у извошчига.

Кўштўриқлар енгил аравани шамолдай учуриб кетди.

«Қизимни ўлдираман! У ўлиши керак!— маъқулларди ўзича ота.— Шармандаи шармисор бўлиб, номуссиз яшашнинг нима кераги бор? Ундан кейин нима бўлади, кейин нима бўлади? Уни дафн этишади, ҳа, кўмишади. Ундан кейин менинг ҳолим нима кечади? «У менинг қизим эди, мен уни қилмишига яраша жазоладим. Мен дворянман, бошқа иложим йўқ эди!»— дейман-да».

Агар баронни минг-минг шайтон қийноққа солмаганда, у шу фикри билан овунган бўларди. Шайтонлардан бири қалбини пора-пора қилар, иккинчиси миясини пармалар, яна бири қулоғига: «Қизинг олдинда бўлмагандан кейин, у ҳар тонг ҳузурингга кириб: «Хайрли тонг, дадажон», деб кулмаса, соқолингни силамаса, дворянни бўлиб уни ўлдиргандан сенга нима фойда? Ҳовлингда, умуман, ҳеч қаерда, бу дунёда ортиқ унинг жарангдор овозини эшитмаганингдан кейин, номуснинг

сенга нима кераги бор? Одамлар орқандан: «Фурурли экан, номусини юқори қўяр экан!»— дейишларидан сенга бирор наф борми? Кейин ўзинг айбдорсан, нега яхши кутолмадинг? Қон қонлигини қилади. У қайнайди, мавж уради. Ҳатто сув ҳам оловда қайнайди. Хўш, ким айбдор? Сен ўзинг!»— дерди.

Яна бир шайтон бор эди (бундай вақтларда улар кўплаб ёпирилиб келади). Тўртинчи шайтон деди: «Менга қара, Дёри, яхши маслаҳат бераман... Ҳм, яхши маслаҳат... Бир оз қўполроқ-ку, аммо ишлатиб кўрса бўлади...»

Дёри извошчини яна ҳам қистовга ола бошлади:

— Тезроқ, меров!

Отлар кўпириб кетган эди (кўпик шунча кўпки, юзта одам ҳам соқолини қириб олса етарди). Улар ҳовлига кириб келишганда отнинг оёқлари титрарди.

Барон аравадан сакраб тушди. Унга ўроқ ва сават ушлаган ишчи дуч келди.

— Студентлар ҳали кетишгани йўқми?— ҳовлиқиб сўради ундан барон.

Ишчи одоб билан оғзидан трубкани чап қўлига олди-да:

— Йўқ, тўрам, кетиб қолишди,— деди.

Бу хабари учун у шундай шапалоқ едики, қўлидаги ўроқ, савати ва трубкаси ерга учиб тушди, уч кундан кейин ҳам шиши қайтмади.

Пиллапояда Малипо хоним қизил рангли тунги ич кўйлақда қандайдир оқ матони қоқиб турарди.

— Қандай янгилик бор, мосье?— сўради у айвондаги тош зинада бароннинг оёқ товушларини эшитиши биланоқ.— Бирон нарса аниқландими?

Аёл қизиқиши зўрлигидан ўзини қайга қўярини билмай турганди. У табиий ўлимми ёки қотиллик содир бўлганми, тезроқ билишга ошиқар эди.

— Ҳа, аниқланди,— совуқ жавоб берди Дёри.— Сизнинг анқовлигингиз, овсар махлуқлигингиз ҳамда сизни уйимда ортиқ бир дақиқа ҳам ушлаб туролмаслигим аниқланди. Кўч-кўронингизни йиғиштиринг-да, извошчига борадиган жойингизни айтинг.

Хонимнинг ранги оқариб кетди.

— Бу мумкин эмас, соҳибқироним! Ҳазиллашяпсизми, дейман-а?— гўлдиради аёл.

Дёри ҳатто жавоб қилишни ҳам эп кўрмай, ҳарсил-

лаганча қизининг хонасига отилди. Остонада ўтирган маймун, ундан нарироқда ювинаётган олачипор мушук бир-бирларига қараб жилмайгандай бўлди.

Дёри маймунни оёғи билан тепиб ўтиб (маймун ирил-лаб, кўздан нари кетди), эшикни силтаб очди-да, овози борича бақирди:

— Тур ўрнингдан, бахти қаро!

Маришка тўр билан ўралган қордай оппоқ ўринда ухлаб ётар, қоп-қора йилтироқ киприкли кўзлари юмилган эди: Боши ёстиқнинг энг четида ором олар, кўркам узун сочлари тўлқинланиб ергача осилиб тушган, қуёш нурлари унинг сеҳрли толаларида жилваланиб ўйнардди.

Эшикнинг тарақ-туруқи ва бақирикдан қиз чўчиб тушиб, кўзини очди-да, отасини кўриб жилмайди.

— Сиз бақирдингизми?

Чол хижолат тортиб қолди. Бу табассумни кўрмагани яхши эди-я! Қизариб кетган Дёри сўз тополмасди.

— Ҳа, ҳа, мен бақирдим... айтдимки...

— Нима дедингиз, дадажон?

— Тур, ўрнингдан, жажжи қизим. Сен билан гаплашиб олишим керак.— Унинг овози энди мулозим ва бениҳоя ғамгин эди.

Бешинчи боб

ТОПИШМОҚ ИШҚИБОЗИ

Шундай қилиб, студентлар йўлга чиқишди. Борноцда бугун росаям хурсандчилик бўлади-да!

Бутун помешчик хонадони тонг саҳардан оёққа қалққан. Тиниб-тинчимас иш бошқарувчи ошпаз Видонка раҳбарлигидаги уч нафар барваста оқсоч қизлар ошхонада куйманардилар.

— Озгина долчин олиб кел! Товани бу ёққа узатвор, ҳу анави, яхшироғини! Жўжани тайёрлаб бўлдингми? Хў, миянг қурсин, ёғни куйдириб юборибсан-ку! Занжабилни қаёққа қўйдинг?

Ҳамма кастрюлькаларда овқат пишарди. Эржи, ширмой устига юмшоқ ғоз пати ёрдамида тухумнинг сариғини суртиб қайноқ печь ичига қўя бошлади. Ҳатто эркак хизматкорлардан ҳам ошхонага юборишганди. Янош

аравакаш ҳавончада кўкнори туяр. сайёр извошчи Йошқа эса, тоза ишга ёллангани сабабли қақилдоқ аёлларга гап отиб ёғ доғларди. «Панка, унга қулоқ солма, тарелкани тушириб юборасан!» (Панка тарелкада тухум оқини ковларди.)

Кекса барин бўлса ҳали ов вақти эмаслигига қарамай, қўлига милтиқ олиб, болаларга бир оз қуш отиб келиш учун уйдан эрта тонгда чиқиб кетганди.

Уй бекаси ҳаммадан кўра кўпроқ уринар, пишиқчилик пайти эмаслигидан нолирди: парникда етиштирилган бодринглар жуда майда, граф Яношекнинг севимли овқати дўлмага зарур карам йўқ, ўрдак ва роз жўжаларнинг ҳали суяги қотмаган; ўтган йилги мева ва узумлар тугаган.

— Э, худойим-эй, э, худойим-эй! Бечораларга нима овқат пишириб бераман энди?

Беканинг нолишига жавобан кастрюлькалар жадал шақирлар, озодликка интилаётган буғ шовқин солганча кастрюлькаларнинг қопқоғини кўтариб ташларди. Духовкадаги мегажин қизариб димляяпти, катта чўян қозонда дўмбоқ дўлмалар эринчоқлик билан билқилламоқда. Оҳ! Оҳ! Печка ўртасидаги қизиган ёғли кастрюлькада буралиб-буралиб ёғлиқ қуш тили қоврилляпти.

Бироқ Бернат хонимни яна бошқа бир нарса ташвишга соларди. Йўлда болаларга бирор кор-ҳол бўлмадими? Қаерда тунаб қолишди экан? Тез юриб терлаган Жигушкам совуқ сув ичиб қўймадимикин? Ҳаялляяпти-ку!

— Марци, ҳе, тирранча, бу ёққа кел-чи.

— Жоним билан, марҳаматли хоним.

— Жомхонага чиқиб кўр-чи, йўлда кўринишмаяптими? Мен сўраганимни айтсанг, жаноб кантор¹ сенга ибодатхона калитини беради.

Ёз кунлари гоҳо тўғри келиб қолса от бошқарувчи бўлиб, бошқа пайтлари ошхонада ўралашиб юрадиган жулдурвоқи, ялангоёқ Марци хўжайинларнинг дастурхонидан бирон нарса тегиб қолармикан, деган умидда топшириқ олганидан оғзи қулоғига етиб, жомхона томон югуриб кетди.

¹ Кантор — ибодатхона хорининг рақбари.

Тўғри, ибодатхона хизматчиси Йошка Тормашининг айтишича, кўнғироқларни Римга олиб кетишган, кетма-кет жомхона ҳам жўнатилмагани яхши бўлган экан.

Марци пиллапояга қадам қўйиб, юқори кўтарилар экан, парвардигор даргоҳида бўлгани учун Исо пайгамбарнинг ўлими ҳақида ўйлар, бироқ ошхонани тўлдирган хушбўй ҳидни эслаб, халоскор, инсоният манфаати учун эмас, Шарошпатакдан ташриф буюраётган икки студент учун ўлган, деган хулосага келарди. Аммо тўсатдан бола кўнғироқлар Римда эмас, ўз жойидалигини кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Шундай қилиб, боланинг кўнглига биринчи шубҳа тушди...

Мана, болакай бекага йўлда тўралар кийимида ҳеч ким кўринмаётгани, фақат узоқда, Куцорго дарёсининг ёнида қандайдир файтон кўрингани ҳақидаги хабарни етказиш учун қайтпти.

Бека яна оҳ-воҳ қила бошлади, бироқ у энди авжига чиққанда ҳовлига Марци жомхона орқали кўрган файтон кириб келди ва ундан Жига, сўнгра Янош тушди.

— Е Биби Марям! Сизлармидингизлар? Мен қандайдир улуғ зотлар келишяпти деб ўйлабман.

Ўпишиш, сўраб-суриштиришларнинг кети кўринмасди: «Қачон йўлга чиқдинглар?»—«Кеча эрталабоқ»,—«Ия, демак, Дёриларникида тунабсизлар-да? Ёшлик чоғимдан таниш, келишган офицер эди. Демак, уйланибдиди? Ҳа, албатта;—ўзига-ўзи жавоб берди бека,—қизи бор деяпсизлар. Чиройлими? Дарвоқе, ҳозир ҳамма гўзал ўзи. Бунинг учун дорихонадан упа-элик сотиб олинса бас. Демак, сизлар унинг файтонида келибсизлар-да? Олижаноб одамлиги билиниб турибди. Панка, нега ағрайиб қолдинг? Югур, бориб Видонка холага айт, извошчини яхшилаб меҳмон қилсин. Қани, уйга кининглар! Ҳозир отангиз келиб қолади. Вой, нималар деяпман ўзи? Эсим қурсин. Ҳақиқатан ҳам, Янош, гоҳ сен менга ўз ўғлимиздай кўриниб кетасан. Кампир холангдан бунинг учун хафа бўлма. Нима бўлди сизларга, соқов бўлиб қолдингларми? Гапиришинглар қийин бўлиб кетди-ку? Еки профессорларга ҳам шундай жавоб берасизларми?

— Онажойим, профессор бир вақтнинг ўзида фақат битта савол беради.

— Лекин қийинроқ, шундай эмасми, болажоним? Вой-бў, озиб-тўзиб кетибсизлар-ку! Ҳа, майли, бунинг давоси бор. Боқиб оламиз!

Орадан сал вақт ўтмай, ўтмишда кўпгина комитатларнинг судьяси бўлган уй эгаси келди-ю, яна қучиб-ўқишлар, савол-жавоб бошланди. Ниҳоят, йигитларни кўриш учун қариндош-уруғлар, танишлар, хоним ва жаноблар йиғилишди. Йигитларнинг келгани ҳақидаги овоза бутун қишлоққа тарқалганди. Мўрили печкаси¹, боғларида тизимгул ва яронгул очилиб ётган — хуллас, қизлари бор бўлган ҳар бир хонадонда шу ҳақда гапиришарди. Бу сафар пасха хурсандчилик билан ўтадиган бўлди-да. Лочолаш² ҳам роса авжига чиқади-да! Ҳозир ҳар бир хонадонда байрамга атаб тухум бўяляпти. Ўйин-кулги, рақснинг кети бўлмайди! Ахир Бернатларникига студентлар таътилга келишган-да!

Баҳорнинг узун кунлари бизнинг қаҳрамонларимиз тез орада қадрдон уйлари, шинам хоналари, ота-оналарининг иссиқ бағирлари, Видонка холанинг лаззатли таомларига, галоч тамакисининг ҳидига кўникиб кетишди. Ғамгин кўринишли университет, Патакнинг қадимий деворлари, эски қалъа, шаҳарликлар хотиротга айланиб, ортда қолди: йигитларга гўё уйларидан мутлақо чиқиб кетишмагандек, кетишган бўлишса ҳам, бирон ярим соатгагина ташлаб кетишгандек туюла бошлади, иккаласи ҳам ўтган йили кузда ўқиш сабабли чала қолган ишларини бажаришга киришдилар. Жига молхонага бориб, бирин-кетин туёқлар, буқа-ҳўкизларни кўздан кечира бошлади, ўзининг сеvimли йўрғаси Жийрон билан кўришди, эгасини таниган йўрға шодон кишнаб қўйди.

Янош хиёбонда сайр этишга, қадрдон жойларни кўришга кетди. У якка ўзи қолганидан жуда хурсанд эди.

Фақат ўрик ва гилос дарахтларигина гуллаган, улар баҳор қуёшига ишониб, офтобнинг ҳароратли бўсаларига жавобан илк баргаklarини тутгандилар. Оҳ, қанчалар кўп алданишади-я, улар! Ахир олдинда ҳали учта қаҳрли хатар: Сервац, Тонграц ва Бонифац турибди;

¹ Уша пайт бадавлат, аксари дворянлар уйида мўрили печка бўлар эди.

² Лочолаш — венгр халқ урф-одати: пасхада йигитлар қизларга қизғиш рангли ёки атир қўшилган сув сепардилар.

қиш кетаётиб ана шу қаҳрли валиларини ташлаб кетганки, улар хийла судралиб пиёда келишади. Сирень гул очилади, албатта, унга бари бир: чунки сирень дарахтлар ичида мевасизи! Унга мева тугиш зарурати йўқ, бир гулласа бас, шу билан вазифаси тугайди. Баҳайбат, қудратли эман дарахтлари вазминликларини сақлаб, куртак очишга шошилмайди, ҳали қиш деб ўйлаб уйқуни давом эттиради.

Хаёл оғушидаги граф Янош чети турли буталар билан қопланган хиёбон бўйлаб шалдираб оқувчи ариқчани ёқалаганча, бирин-кетин беш-олтита кўприк ёнидан ўтиб, боғ ичкарисига кириб борди. Охирги кўприкча ёнида сув йўлини баланд тош девор тўсиши мумкин эди-ю, бироқ девор остида панжарали тешик бўлиб, ариқча шу тешик орқали кенг қўшни боққа чиқарди.

Граф Яношнинг дунёда энг яхши кўрган нарсаси ана шу ариқча эди. Шу ариқча унинг хатларини қалбига яқин боққа олиб кетарди. Ҳозир ҳам ариқча Яношнинг хаёли каби ўша ёққа ошиқяпти, доим ўша ёққа интилади.

Теварак-атрофдаги чумчуқларнинг бари шу ҳақда чирқиллаётган экан, буни китобхонлар, ақли расо одамлардан яшириб ҳам нима қилдик? Қўшни боғ Миклош Хорватникилигини, ҳув анави тепаликда уйи оқариб кўриниб тургани (тўғрироғи, арчазор ва қайинзор ортида кўзга ташланувчи том), кекса Хорватнинг Пирошка исмли қизи борлигини ҳамда граф Янош учун бу қиз дунёдаги ҳамма қизлардан аъло эканлигини айта қолсак бўлмасмикан.

Кекса Хорват округдаги энг бадавлат одамлардан, бироқ, камбағал мўйначининг ўғли бўлгани сабабли олий табақа уни ҳали эътироф этмаган. У ўз мол-дунёсини бирмунча ғалати, ҳатто иснод келтирадиган йўл — ақлини ишлатиш орқали орттирди, дейиш мумкин. Бошқа жаноблар эса шамшир ёки никоҳ узуги ёрдамида бойлик орттирганлар. *Tertium non datur!*¹

Ҳамма гап шундаки, Миклош Хорват ёшлигида Қашши шаҳарида химия ўқитувчиси бўлган, бироқ қолган ҳамкасблари каби у ҳам камбағал эди, афтидан, бундайлар худоларга ёқишмаса керак. Унинг диний унвони бўлганди, аммо бир қизни севиб қолди-ю, унвондан воз

¹ Учинчиси (йўл) йўқ. (Лотинча.)

кечиб, меҳробни ташлади. Энди химия ва поэзиядан бошқа ҳеч нарсани билмагани учун илмини қандай қилиб пулга айлантириш устида бош қотирмоқда.

Албатта, поэзиядан пул чиқариб бўлмайди. Бунга Витез Михай Чоконанининг аянчли тақдири мисол бўла олади, у санъат ҳомийларининг бири ҳузуридан иккинчисига йиртиқ этикда борарди. Ахир ҳомийлар бир-бирларидан анча олисда яшашади-ку! Бироқ Чоконанинг рафиқаси бўлмаган, Хорватнинг эса гўзал хотини бўлиб, тезда эгизак қизалоқлар туғиб эрини бахтиёр этди. Равшанки, поэзиядан кўра ҳам химия ёрдамида қандайдир йўл-йўриқ ахтаришга тўғри келади.

Тез орада ёлғиз ўғил Миклош Хорват отасининг ўлимидан кейин олти минг форингга яқин меросга эга бўлади. Шундан кейин у ичкилик ишлаб чиқаришни орзу қилиб қолди. Оддий ароқ арзон бўлиб, уни фақат эркаклар ичишарди, шу сабабли Хорват янгироқ ичкилик ўйлаб топишга аҳд қилди. У деҳқонлар катта-катта тўй ва бешик тўй маросимларида ароққа асал қўшишларини ва бундай ароқни ҳатто аёллар ҳам маза қилиб ичишларини биларди. Хорват ҳам тўралар табақаси учун ширалик ичимлик ишлаб чиқаришга жазм қилди. Ахир жанобларнинг пуллари кўп, мўмай ҳақ тўлашга қодирлар-да.

Миклош Хорват ҳаммасини яхшилаб чамалаб кўрида, ичимлик атиргул рангида бўлиб, ширинлиги шакардан қолишмаслиги, ундан ташқари, хушбўй ҳамда ўткир таъм, венгрга ёқадиغان зиранинг мазаси келиб туриши керак, деган қарорга келди. Бизнинг ҳурматли Хорватимиз ана шундай мураккаб ичимлик тайёрлади ва уни «Қизил ичимлик» деб атади. Мешлар сотиб олди, Венадан ўша пайтда энди ўйлаб топилган ичкилик ҳайдайдиган аппарат олиб келди ва ўйлаган ичимлигини кўплаб тайёрлай бошлади.

Қўшнилари ва қон-қариндошлари бош чайқашарди:

— Эсингни еб қўйибсан! Одамлар сотиб олишади, деб ўйлайсанми? Венгрдан пул чиқиши осон гап эмас. Яхши ўйлаб топилган ичкилик ҳам ёмон эмас-ку, бироқ харидор қайда?

Хорват айёрона жилмайиб:

— Қабристонда...— дерди.

Ўша пайт ҳамма уни тентакка чиқарди. Лекин Миклош Хорватда ихтирочилик қобилияти йўқ эмасди, у ҳақиқатан ҳам иши юришмаётганини кўриб, одамлари-

ни Шимолий Венгрияга юборди¹. Уларга қайси бир черков қавмидан яқин орада кўп бойлик қолдириб ўлган бадавлат жаноблар ҳақида маълумот тўплаб келишларини тайинлади.

Хорват юборган одамлар тез орада рўйхат билан қайтишди. Шундай қилиб, Хорватимиз ичимлик тўлдирилган бочкаларини араваларга орттириб, эгасиз қолган имениеларга бир бочка-бир бочка «Қизил»дан юборди. Агентлар ҳар бир мотамсаро қўрғон эшиги олдига келиб, олдинги сафар ўтиб кетаётганларида хўжайин шундай ичимлик келтириб беришни илтимос қилганди, деб бочкадаги винони тушириб кетавердилар.

Меросхўрлар ҳайрон бўлишар, ўйлаб-нетиб ўтирмай, аввалги хўжайин ўлиб кетди, буюрган экан, гапсўзни чўзиб нима қиламиз, деб «қизил» нима эканини билмасалар ҳам олавердилар.

— Хотиржам бўлинглар, кейин хурсанд бўласизлар,— деб кўнгилларини кўтаришарди сотувчилар.

Дарҳақиқат, ичимлик олганлар хафа бўлишмади. Шу йўсинда харидорларнинг ихтиёрларига зид бўлса ҳам савдо кенгайверди. Агентлар бочкаларини бўшатиб қайтар эканлар, йўл-йўлакай руҳонийлардан дорил бақога риҳлат этган янги «харидорлар»нинг рўйхатини ола келишарди. Тажриба бир нарсада изчиллик кўрсатарди: ўлим, гарчи, бир сафар Париж гильотинаси бадавлат жаноблар сафини анча-мунча сийраклантирган даражада бўлмаса-да, ҳар қалай ўша бойваччаларни ҳам аяб ўтирмасди.

Шундай қилиб, рўйхат орта борди, Хорватнинг аравалари эса қайта-қайта сафарга чиқарди. Араваларнинг сони ҳар сафар ортиб борар, энди улар Алфёльд² гача етиб бориб, Дунай, Загреб ва ундан ҳам ўтиб кетганди. Ахир, очиқ кўнгил хорватлар ҳам ароқни яхши кўришади, улар ҳам барча қатори ўлимга маҳкум бандаларда.

Хорватнинг ароқ ишлаб чиқарадиган корхонаси ўн-ўн беш йил ичида анча кенгайди. Қозонлари эртадан кечгача тинмай қайнади, эгасининг пули шунчалик

¹ Шимолий Венгрия — эски Венгриянинг шимол ва шарқи-шимолий қисмлари.

² Алфёльд — катта венгр пасттекислиги, ёқуд катта Урта Дунай текислиги — Дунайдан шарққа чўзилиб кетган Венгриянинг текис ерлари.

ошиб-тошиб кетдики, охири у маблагни қўярга жой то-
полмай қолди. Император Франц комитат дворянларига
мурожаат этиб, ўз бурчларини бажаришга ва француз-
лар билан бўлган уруш оғирлигининг бир қисмини ўз
бўйинларига олишга даъват этганда, биргина Миклош
Хорватнинг ўзи бутун бошли Сатмар комитати юбор-
ган ҳўкизлардан кам тортиқ юборгани йўқ. Сатмарга
келсак, тарихдан маълумки, бу комитат императорга
мингта ҳўкиз юборган, бу ҳақда ўша давр эпиграмма-
сида ҳам эслатилади:

Сатмар императорга юборди мингта ҳўкиз,
Эвазига эса ўзи олди фақат биттасини.

Гап шундаки, худди ўша йили император Сатмарга
янги губернатор тайинлаганди. Император Хорватга бу-
тун Сатмарга қараганда олиҳимматлироқ бўлди: двор-
янлик унвони инъом этиб, унинг исмига доимий «Силь-
ваши»¹ лақабини қўшиб қўйди. (Бу нарса ҳақиқатга зид
эди, чунки Хорват ўз «Қизили»ни олхўридан бошқа
ҳамма нарсадан тайёрларди.)

Хорват дворянин бўлиб олганидан кейин, ароқ иш-
лаб чиқармай қўйди (янги унвон учун бу ҳунар тўғри
келмасди), бор-йўғини созуриб юборган граф Цобор-
ларнинг катта ерини сотиб олди-да, бу вақтга қадар бўй
этиб қолган қизлари билан ўша ерда яшай бошлади.

Кекса Хорват шу тариқа бадавлат одам ҳамда двор-
яннин бўлиб олди. Венгр дворянлар табақаси бир вақт-
лар бутун мамлакатнинг энг доно одамлари йиғилган
сиёсий уюшма бўлган эди. Бирон кимса қандайдир ишда
обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлса, ёхуд катта
аҳамиятга эга моддий ёки маънавий бойлик орттириб
колса борми, у хоҳ румин, хоҳ немис бўлмасин, дарров
дворянлар табақасига қўшиб қўярдилар. Шиор битта
эди: «Ҳамма куч қудратни ўзлаштириб олиш». Миллат
шу сабабли узоқ сақланиб келди, чунки унга ташқаридан
таҳдид соладиган ҳар бир кишини ўз бағрига олаверди.
Ташқарида фақат ожиз ва ночорлар қолаверди. Эътироф
этиш керакки, ота-боболаримиз доно бўлишган. Шу са-
бабли, сиз жаноб демократлар, туси ўчиб, тўзиб кетган
қадимий гербга тупурманглар. Бу — табаррук нарса. Ана
шу майда герблар бирлашиб, шундай баррикада ҳосил
бўлганки, бу катта муқаддас гербнинг даҳлсизлигини

¹ Сильваши — айнан таржимаси олхўри.

таъминлаган сиз бўлсангиз, жаноб демократлар, бир вақтлар асрий анъанани поймол қилиб, уни Масон¹ руҳи билан алмаштириб, ўзгармоқчи бўлгансизлар.

Венгр дворянчилиги ўтиб бўлмас, имтиёзли синфни халқдан ажратиб турадиган девор эмасди. Бу деворнинг дарвозалари кириш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир кимса учун кенг очиқ эди.

Аммо, Хорват қанчалик бой бўлмасин, дворянлар ва ҳатто Бибит, Фельшёбога, Надгварад, Петричевич, Вискит каби қишлоқдаги бошқа Хорватлар уни ёқтирмасдилар. Хорватнинг уруғлариникига қилган сафари жавобсиз қолди. Улар Хорватда, ароқ тайёрлагани сабабли эмас, балки ароғини фириб йўли билан ўлганлар ҳисобига сотгани учун ғаразимиз бор, дердилар, бироқ Хорват дастлабкина ҳийла ишлатди, кейинроқ эса савдо ҳеч қандай найрангсиз-несиз ҳам яхши кетаверди.

Мана шу сабабли ҳам Сильваши-Хорватнинг уйида «бекеш кийиб юрадиган»², майда дворян вакиллари бўлардилар. Бироқ вақти келганда Хорватнинг уйдаги дабдабани кўриб, уларнинг ҳасадлари келар, шу сабабли унинг шаънига тегадиган ҳазил қилишар, аммо Хорват очиқ кўнгил одам бўлгани учун аҳамият бермасди.

— Ҳечқиси йўқ,— дерди чол,— дворянлар бамисоли лиқилдоқ, совишлари учун хийла вақт керак.

Яна шу нарсага иқроп бўлиш керакки, у доимо нимаси биландир қитмир, миннатгўй кишиларга ўхшаб кетарди, чунки эришган ҳамма нарчасига фақат ўзигина сабаб бўлганди. Масалан, дейлик, уйини ўрта асрларнинг кичик қўрғонига ўхшатиб қайта қуришдек бемаъни фикрни ҳам ўзи ўйлаб топганди. Бундай фантазия умумхалқ норозилигига учрамаган тақдирда ҳам, Робеспьер ва Марат³лардан кейин бунақа қалтис ҳазил

¹ Масон — XVIII асрда пайдо бўлган ва «ахлоқни камолотга етказишни» мақсад қилиб олган, мистик маросимлар ўтказадиган махфий диний-фалсафий жамият, бу жамият аъзолари сиёсатда реакцияон нуқта назарда эдилар.

² Уша пайтлар бекешни камбағаллашган дворянлар киярдилар.

³ Робеспьер (1758—1794) ва Марат (1743—1793) — XVIII аср охири француз буржуа революциясининг буюк намояндалари Маратнинг ҳаёти 13 июлда фожиали тугайди, уни ханжар билан ўлдириб кетишади. Робеспьер 1794 йил 28 июлда қатл этилади.

хавфли эди! Минорани мармардан тиклайдими, устини кумуш билан қоплайдими, бари бир, кўнгилдагидек бўлмасди. Мана, масадан, Бернатлар қўрғони унчалик серҳашам эмас, фақат олд томонигина тош устун билан безалган, шундай бўлса ҳам бу қўрғон жуда қадрли, чунки унинг бурчакдаги хоналаридан бирида Ференц Ракоци ўз рафиқаси билан Капошадан келаётиб, йўл-йўлакай тунаб ўтган. Энг қизиғи, князь бу хонада мис қопламали қутичасини унутиб қолдирган (турган гапки, у бўш бўлган), бундай қутиларда саёҳат қилувчи магнатлар ўша вақтлар пул солиб юрардилар. Бундан ташқари, канизаклар княгинянинг (ана шулар ҳақиқатан ҳам текинхўр эди) буюмларини йиғиштиришаётиб, хонада ўз бекаларининг ажойиб сийнабандини унутиб қолдиришдай ақлли иш қилганлар. Сийнабанд беканинг белига қандай етганига ақл бовар қилмайди, лекин юқорироғи, кўкрак қисми кенгроқ эди.

Ўзингиз айтинг-чи, жаноб Хорват Ракоци хоним сийнабандини унутиб қолдирган уйга ўхшаш иморат қура олармиди? Албатта йўқ-да!

Бироқ Хорват уялмасди, этикдўз, баронесса Маришканинг келишган оёқчаларини ўлчаб олаётганини кўргач, оёғини узатган Дёрининг маймуни сингари, ўз қўрғонининг ҳақиқий хўжайини сифатида кеккайиб юрарди.

Миклош Хорват минора, юқори кўтариладиган кўприк ясади, у уйида бўлган вақтлар минора тепасида ҳўкиз калласининг расми солинган гербли Хорват байроғи кўтариларди. (Ҳа, бу ерда ҳам император Франц минг ҳўкизга бирини қайтариш одатини тарк этмаган.) Бироқ шунда ҳам Бернатларнинг герби чиройлироқ эди: кўм-кўк майдонда қилич санчилган оёқ!

Хорват овқатланишга ўтирганда қўрғон минорасида уч марта занг чалинарди. Ёқимсиз занг овозини эшитганлар «Ҳа, Хорватларникида шўрва тортиляпти», дейишсин учун чалинарди бу занг. Бернатларникида икки юз йиллик кумуш идишнинг ноёб жаранги, айниқса, унга жўр бўлган юз йиллик чиннининг овози ёқимли эшитиларди.

Хорват қиёфасида собиқ кимё профессори ва ўзи эртақларда кўп ўқиган ўрта аср феодалининг ажойиб тимсоли ифодаланганди. Шунинг учун у ҳаммада қизиқчи экан, деган таассурот қолдирарди. Мана, масалан, Хорват ўзининг катта қизи Розалияни қандай қи-

либ узатганини эшитсангиз, кула-кула ичагингиз узилди.

Бу қиз гўзал, сарвқомат, нақ императрица Мария-Терезанинг ёшлигига ўхшаб кетарди. Отаси унга жуда катта сеп ваъда қилганини эшитишган узоқ-яқиндаги йигитлар асалга ёпирилган аридай ҳар тарафдан ёғилиб кела бошлашди. «Оқсуяклар» доирасида ажиб кўзлари туфайли «Наргис Розалня» номини олган бу қиз кимга қаллиғ бўларкин, деган савол ҳаммани қизиқтириб қолганди.

Димоғдор Хорват такаббурлик билан мен учун мартаба, келиб чиқиш ҳамда бойлик ҳеч нарса эмас, қизимни ақлли, яъни учта саволимга жавоб бера оладиган одамга узатаман, дея бошлади. Бу мияси айниган чол қадим замонларда рицарлар бирон қаср эгасининг қизига уйланиш учун шамшир билан сеҳрли олма дарахтидан учта олтин олмани узиб туширишлари шарт эканлиги ҳақидаги эртакларни ўқиган бўлса керак.

Шундай қилиб, ақли заковати билан ном чиқарган бир веналик йигит қизнинг қўлини сўраб қолди; унинг келажаги порлоқ, ҳатто канцлер бўлиши ҳам мумкин, деб ишонтиришарди. У Хорватнинг уйига келмасиданоқ ана шундай миш-миш тарқалганди!

Ҳа, майли, жуда яхши-да! Хорват йигитни мулоимлик билан тинглади, тушликдан кейиноқ жавобини бераман, деб овқатга таклиф этди. Дастурхон устида у йигит билан унашишга алоқаси бўлмаган ҳар турли гаплар хусусида суҳбатлашиб ўтирди. Жумладан, бир вақтлар ўзи ҳам Венада кўп бўлгани ва ҳар сафар «Мачакер-хоф» меҳмонхонасига тушгани ҳамда меҳмонхонанинг номи қаердан келиб чиққани тўғрисида гапирди. «Айтишларича,— ҳикоя қиларди чол,— пойдеворини қуришаётганда темир қути қазиб олишган. Қутини очиб қарашса, ичида катта-кичик мачакерлар бор экан. Ана шундан кейин меҳмонхонани «Мачакер-хоф» дейиша бошлашибди, ўғлим».

Йигит эътибор билан тинглаб, жуда мамнун бўлди: энди у ҳам меҳмонхона номининг келиб чиқишини билиб олди. Кекса Хорватнинг ҳикоясида бошқа ҳеч қандай жиддий нарсани сезмагач, ўзича: «Қанчалик бемаъни латифа», деб қўйди. Латифа ҳақиқатан бемаънилигидан ташқари, ўша давр учун ҳам янги эмасди. Лекин жаноб

Хорватнинг ногаҳон куёвдан ихлоси қайтиб, таомдан кейин қизи ҳали ёшлиги, эрга тегишга ҳали вақт эрталигини айтди.

— Оҳ, жаноб Хорват, бу рад жавобини бериш учун баҳона эканлигига иқрор бўлаверинг. Мен сезиб турибман, нима биландир сизга ёқмаяпман. Илтимос, менга виждонан ва очиқчасига айтинг-чи, бундай қилишингизнинг асл сабаби нима?

Кекса Хорват эски савдогарларга хос одатига кўра, меҳмоннинг тугмасини ушлади-да (у бирортаси билан юракдан гаплашганда шундай қиларди), бундай деди:

— Гап шундай, азизим, сиздан ҳеч қачон аввал мен ўйлаганимдақа одам чиқмайди. Сизда заррача билимга интилиш йўқ, аммо манманлик кўп. Бу, келажакнингиз порлоқ бўлмаслигидан нишона.

— Тўхтанг, тақсир, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, нега бундай хулоса чиқаряпсиз?

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ? Хўш, йигитча, мачакерлар нима эканини биласизми? Нима, уялиб кетдингизми? Билмайсиз. Ҳатто бирор нарсани билмай қолсангиз ҳам ҳеч қачон бундай қизариб-бўзарманг. Яхши-си, сўранг. Агар билсангиз, мачакер нималигини ўзим ҳам тушунмайман. Бироқ, ўртамиздаги фарқ шундаки, мен билиб олишга албатта уриниб кўрардим, сиз эса уринмаяпсиз ҳам. Ҳеч қачон ўзимни сизга ўхшаб гўёки аллақачоноқ ҳамма нарсадан хабардордек ақлли қилиб кўрсатмайман.

Хуллас, йигит Венага қаллиқсиз қайтишга мажбур бўлди, аммо эвазига биладиган латифаларининг сони кўпайди. Бу воқеанинг ҳақиқат эканлигига китобхон шубҳаланмаса ҳам бўлади, чунки округдаги хоҳлаган кампир буни айтиб бериши мумкин, ҳатто Ференц Қазанци¹ ҳам шу ҳақда ўз хотираларида эслаб ўтган.

Роза Хорватга эришиш йўлидаги иккинчи даъвогар брнолик йирик корхона эгаси бўлди. Ишнинг кўзини биладиган бу одам бўлажак қайнатасидан қизнинг сепига бутун Ўрта Европа бўйлаб корхоналар очмоқчили-

¹ Қазанци Ференц (1759—1831)— машҳур венгр ёзувчиси ва публицисти. Мартянович бошчилигидаги республика фитнаси қатнашчиси.

тини ҳам яшириб ўтирмади. Кекса Хорватга бўлажак куёвнинг самимийлиги ёқди, у одатдагидай ҳазиллашган оҳангда бундай деди:

— Тўғри, мутлақо тўғри. Мен қизимни зўр мамнуният билан ишбилармон одамга бераман, чунки бир вақтлар ўзим ҳам шундай фаолият бошлаганман. Бироқ эшитгандирсиз деб ўйлайман, менинг бир оз ғалати одатим бор. Йўқ, деманг! Биламан, сизга бу ҳақда айтишган, тўғри айтишган. Мен ҳақиқатан ҳам эсини еган чолман. Лекин бунинг хавfli жойи йўқ, қўрқманг. Шунчаки ишқибозлик, холос. Ким бўлишидан қатъи назар, қизимнинг қўлини сўраган ҳар бир одамга савол бериш одатим бор. Қолгани жавобга боғлиқ. Биламан, бу бўлмағур қилиқ, бироқ иложим қанча.

— Ҳа, унча-мунча эшитгандим.

— Хўш, қани, марҳамат қилиб жавоб беринг-чи: Пожондан Брашовга ҳар куни иккитадан почта дилижони жўнайди; Брашовдан Пожонга ҳам иккита дилижон йўл олади. Айтишлик, саёҳат ўн кун давом этса, Пожондан Брашовга боргунингизча нечта дилижон учратасиз?

— Йигирмата.

— Ана холос, йигитча! Яхшилаб ўйлаб кўринг, нотўғри.

— У ҳолда, топишмоқда қандайдир ҳийла бор.

— Ишонтириб айтаманки, ҳеч қандай ҳийла йўқ.

— Демак, шак-шубҳасиз, йигирмата ёки Пожондан чиқиб кетаётганимда йигирманчиси келади, деб тахмин қилсак, ўн тўққизта.

— Йўқ, мутлақо! Афсус, минг афсус, йигитча!

— Тақсир, хонамга кириб жумбоғингизни хотиржам ечишимга ижозат берсангиз.

— Бемалол,— рози бўлди чол истеҳзоли жилмайиб.

Брнолик корчалон куни бўйи савдойилардек ўтириб ҳисоблади, ўнлаб қоғоз варағини рақамларга тўлдирди. У қанча тер тўкмасин фойдаси бўлмас, ҳар сафар ҳисоб-китоби бошқача яқунланарди. Ниҳоят, йигит ошпаз аёлдан ловия сўраб олди-да, уларни стол устига Пожонь — Брашов йўлидаги дилижонлар ҳаракати каби тизди. Бироқ бунда ҳам ҳеч нарсага эриша олмади, натижада жумбоқ баттар чигаллашди.

Хорват, бечора куёвнинг беҳуда уринаётганини кўргач, уни ортиқ қийнамаслик мақсадида:

— Ишонинг, сиздан уддабурон корчалон чиқмайди,— деди.— Сиз ҳатто иккинчи даражали воқеалар ривожланишини ҳам олдиндан кўра билмайсиз. Ахир, Пожонь — Брашов йўлига бу ўн кунликда йўлга тушган дилижонлардан ташқари, аввалги ўн кунликда сафарга чиққан дилижонлар ҳам кетяпти-ку. Шундай қилиб, йўлда ҳаммаси бўлиб қирқта дилижон бўлади. Сизнинг кетишингиз масаласига келсак эса, айбга буюрмайсизу, қуруқ қайтишга тўғри келади.

Мана шундай бемаъни одам бўлган бу Хорват. Ҳамма, отанинг бундай тентаклигидан қизлар эрга тегмай ўтиб кетишади, деб ўйлаб туришганда, бирдан аҳмоқлиги билан ном чиқарган, асли задунайлик, Безереть фамилияли, қадди-қомати келишган гусар офицери пайдо бўлиб қолди. Танишлари олдинданоқ унинг устидан кулишиб: «Бунинг ҳам чиппакка чиқиши турган гап»,— дейишарди. Тўғри, бечора Безереть порохни ўйлаб топмаган бўлса ҳам, кўпчиликни ҳайрон қолдириб, Хорватнинг учала саволига ҳам жавоб берди-да, «малика»ни хотинликка олди.

Энди унинг устидан кулганлар ҳангу манг бўлишар ва бу Безереть қандай қилиб кекса Хорватни алдаганига ақллари етмай бошлари қотарди. Жумбоқни ҳеч ким ечолмагани аниқ бўлса ҳам, лекин муаммо осонгина ҳал этилди-қўйди. Капитаннинг чиройли шоп мўйлови бўлиб, ана шу мўйлов бу борада ҳар қандай ақл-законатдан устунлик қилди. Гусарнинг мўйлови Розани мафтун этиб қўйганди. Отасининг ҳамма саволларини билган Роза мўйловли куёвни қандай жавоб беришга олдиндан ўргатиб қўйганди.

Розадан кейин гал синглизис Катицага келди. Бу сафар чол куёвлар учун янада мураккаброқ саволлар топиб қўйган бўлса-да, бироқ омади келмади. Ўзи одатда шунақа: капитан қаерга борса, лейтенант у ерга албатта йўл топади. Аммо лейтенант қизга жиддий даъвогарлик қилолмас, бу нокамтарлик бўларди. У бошқачароқ йўл тутиши керак. Капитан Безереть қайнатасининг уйига олиб келган лейтенант Пан Лангвиц бир куни тунда Каталина Хорватни шартта ўғирлаб кетди-ю, чол муғамбирона саволларини беролмай қолди. Лейтенант умрининг охиригача бундан бўлак бирор хайрли иш қилолмади.

Бу зарба Хорватни тамомила эсанкиратиб қўйди. Еруғ жаҳон кўзига қоронги кўриниб қолган чол бутун округда тенгсиз гўзал кенжа қизи Пирошкани турк қизларига ўхшатиб эркаклар кўзидан йироқроқда тарбиялашга аҳд қилди. Ушанда Пирошка калтагина юбка кийиб юрар, ўз ҳовлилари ва боғларини, баҳайбат Дания кўппагию ангор мушуги, ҳаво ранг лентали кўзичоғию нарироқда кўриниб турган қўшниларининг бир неча томларинигина дунё шундан иборат бўлса керак, деб ўйларди.

Ана шундай тарбияланаётган қиз ҳеч қачон дағал гап эшитмас, унинг дугона ёки яқинлари йўқлиги сабабли ёшликдан бирортасига кўнгил қўйиш нималигини билмасди. Бироқ навқирон жисми бу ерда улғайишига тўсқинлик қилишаётганини илғай бошлаган ҳамоно, шошиб нима ҳам қилдим, деган маънода ўсишини ҳам секинлаштирди. Ҳолбуки, қизнинг қадди-бастини ҳоҳиятда гўзал, беқийёс, юзлари шундаям кўзга яқин бўлиб, дўнг, ёқимтой пешанасидан маъсумалик ёғилиб турарди. Хумор кўзлари ҳаво ранг, зигирпоядай ялтироқ ажиб соч толалари пешанасига тушмасин учун олтин ҳалқа билан танғиб қўйилганди. Ҳай, ҳай, шамшод қоматини айтмай-сизми-я! Бел тузилишини бўрттириб кўрсатадиган кўйлак кийса, қанчалик очилиб кетарди-я! Ахир, Пирошка ҳозир ҳам қизалоқлар киядиган кенг-мўл кўйлақда юришига қарамай, келишган қомати бари бир кишини ўзига мафтун этарди. Ҳа, афтидан, Пирошканинг пешанасига жун матодан тикилган ёнги тўр кўйлак эмас, балки алоҳида, соф тилла қўймали либос кийиш битилган бўлса керак, чунки Хорват кенжа қизини қиролича бўлади, деб каромат қилганди.

Вақт ўтиши билан чол қизининг заиф ўсаётганидан ташвишлана бошлади. Ваҳоланки, қизнинг исмиёқ унинг қандай соҳибжамол бўлиши кераклигини билдириб турарди!¹ Дарҳақиқат, Пирошка шундаям ориқлаб, сояга ўхшаб қолган, кўзларининг ости кўкариб, юз томирларигача кўрса бўларди.

¹ П и р о ш к а — венгрчаеига қирмизи юз дегани.

— Начора, доктор чақиришдан ўзга илож йўқ,— деди Хорват ва ҳозирда марҳум Медвега одам юборди.

Доктор келди — абадий имони басаломат бўлсин! Кекса Хорват унга ҳам муғамбирона саволларини бериб, тегажаклик қила бошлади:

— Топинг-чи, сизни нега чақиртирдим?

— Биронгаси касал бўлиб қолгандир-да.

— Шундай ҳам бўлсин, бироқ сиз ўша одам ким эканлигини топишингиз керак, шунинг учун ҳам докторсиз.

Кекса Медвенинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нима? Ҳали сиз менга ҳам жумбоқ ечдирмоқчи бўляпсизми? Агар билмоқчи бўлсангиз, бетоблигингиз миянгишга ҳам таъсир қилибди-ку!

— Оббо, хафа бўлманг-да,— деди уй эгаси мулоимлик билан.— Мени Пирошканинг ранг-рўйи, кўриниши ташвишлантиряпти. Чехраси заъфарон, мажолсиз, нимжонлашиб қолди, мутлақо ўсмай қўйди. Сабаби нималигини билмоқчийдим.

— Сабаби кўпроқ сизга аён бўлиши керак, тақсир. Одатда у нима билан шуғулланади?

Хорват, докторга қизи кун бўйи нима билан шуғулланишини айтиб берди: фалон соатда туради, илм-фан ўрганади, сўнгра роялда машқ қилади, тушликдан кейин яна бир оз дарс ўқиб, кашта тикади, кечқурун овқатлангач, ётиш олдидан энагасининг эртақларини тинглайди.

— Ана, сабабини ўзингиз айтдингиз. Бахтимизга фалокатнинг олдини олса бўлади.

— Эҳ, доктор, худо паноҳида асрасин сизни!..

— Хусусий векселингиз орқали тўлашни парвардигорга топширманг,— унинг гапини бўлди Медве.— Яхшиси, диққат билан қулоқ солинг. Менинг айтганларимга қатъий рия қилсангиз, қизингиз дард кўрмагандай бўлиб кетади. Акс ҳолда, у нобуд бўлади.

— Майли, буюринг,— қўрқиб кетганидан базўр гўлдирарди Хорват.

— Ҳу нарида кўриниб турган ўрмонзор нима деб аталади?

— Бернеш...

— Кимга қарашли?

— Менга.

— Гап бундай, юз кун даюмида ойимқиз қўллари-га болтача олиб, ўша ўрмонга боришлари ва ҳар куни биттадан билакдай йўгон қайин дарахтини кесиб келишлари керак. Кесилган дарахтларни гарам қилсинлар, юзинчи дарахтни гарамга қўшишлари заҳоти ойимқиз сара гулдай очилиб кетадилар.

— Ростданми?— ҳайратга тушди Хорват.— Бўлмаган гап! Қандайдир мардикордай унга кучсиз, нозик кўлчалари билан дарахт кесишга буюрар эканманми? Сиз жиддий гапиряпсизми? Қизимни йигитлар кўришсин учун кўчага чиқаришим керакми? Ҳеч қачон! Мен сўз берганман! Иккита қизимни ўғирлаб кетишган. Етар! Энди охиргиси ва энг гўзалини ҳеч кимга бермайман. У мен билан қолади.

Доктор Медве елкасини қисиб қўйди.

— Ихтиёрингиз, нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз. Бироқ яна бир марта огоҳлантириб қўяй: юзта қайин ёки қизингизга улкан ёнғоқ дарахтидан тобут ясайсиз.

Собиқ вино ишлаб чиқарувчи кўнишга мажбур бўлди-ю, гўзал қиз тутқунликдан озодликка қўйиб юборилди. Шу-шу Пирошка ҳар куни Бернеш ўрмонига бориб, сопи силлиқ рандаланган болтачада биттадан кичкина қайин кесиб келадиган бўлди. Қизни ўрмонга кўпроқ отаси олиб борар, фақат баъзангина мураббия бирга борарди. Бир сафар худди мураббия ҳамроҳлик қилган куни (ҳазилкаш Амур¹ бундай найрангларга жуда уста эди), ҳали гимназист бўлишган Янош Бутлер ва Жига Бернат иккиси қуш ини қидириб топмоқчи бўлишди. Қишлоқлик подачи бола уларга ин кўп жойни кўрсатиб берди. Тўғри, Бернеш ўрмони уларга тегишлимасди, бироқ худди шунинг ўзи йигитчаларни бегона ўрмондан ин қидиришга қизиқтириб қўйганди.

Қиз болтачаси билан бугунги мўлжалланган дарахтни тақ-туқ ураркан, нафасини ростлаш учун бир дақиқа қаддини ростлаб, қайиннинг жони оғримаяптимикин, дея ўйлаб қўярди. Бечоранинг нега жони оғримасийкин, танасидан сув томчилаяпти, бу унинг ёши ёки қонидир. Қиз дарахт кесгунча хаёлпараст немис мураббия қизчага, тўғрироғи, ўзи учун гул терарди. Кўнгли бўш, бурундор, суяги бузуқ, оёқлари узун бу

¹ Амур — севги худоси.

аёл вақтлироқ дунёга келганида борми, Буюк Фридрихнинг отаси бир пайтлар ўз коллекциясига қўшган найновларга ўхшаш такасалтанглар туғиб берадиган она бўлармиди.¹ Айтишларича, бир пайтлар мадемуазель Фриданинг онасига нақ Гётенинг ўзи жазман бўлган экан, яна ким билади дейсиз?..

Ана шу арзимас оилавий афсона мадемуазель Фридани йўлдан уриб, романтик кайфиятли қилиб қўйганди. Пирошка қайин кесгунга қадар мураббия анемон ва сунбул гуллари сўнгра сарғиш «чумчуқ гиёҳ»ларни узиш билан овора бўлиб, тарбияланувчисидан анча узоқлашиб кетганди. Шу сабабли дарахтлар ортидан пайдо бўлган башанг кийимли йигитчаларни кўрган Пирошка кўрқув ичра «Фрида, Фрида!» дея чақирганида бечора мадемуазель эшитмай қолди. Бу, дарҳақиқат, даҳшатли лаҳза эди. Уни ҳеч ҳам унутиб бўлмайди. Пирошка ишга берилиб кетиб, бутун ўрмонни бошга кўтарганча дарахт кесарди. Юзлари қизарган, пешанаси маржон-маржон тер билан қопланганди.

Йигитлар эса бу вақт ўрмонда адашиб, қаерга боришларини билмай: «Бориб, ўтинчидан сўрайлик-чи, йўлни кўрсатиб юборар»,— деган қарорга келишди. Бутлернинг иккита мис тангаси бўлиб, шу тангаларни ўтинчига ароққа бермоқчи бўлди.

Тўсатдан, не мўъжизаки, йигитларнинг кўз ўнгида қўлида болтача ушлаган нозик-нихол қиз намоён бўлди. Ҳайратга тушган граф Янош турган ерида қотиб қолди, у Жигадан бир оз каттароқ бўлиб, ўрмон фаришталари ҳақида унча-мунча ўқиганди. Ҳозир ҳам у ўша фаришталардан бири учраб қолди, деб ўйлар, чунки фақат фаришталаргина сопи ялтироқ болтача кўтариб туриши мумкин эди.

Шох-шаббаларнинг шитирлашини эшитган Пирошка бошини кўтарди. Дарахт шохлари силжиб, икки йигит чиқиб келишаркан, қиз даҳшатдан қичқирганича қўлидаги болтачасини тушириб юборди.

— Фрида! Фрида!

Қиз қочиб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ ўрнидан жиллолмади. Нима бўлганини Жига дарров пайқади.

¹ Бу ерда ўзининг гвардия полкига бўйи 190—200 сантиметрли солдатларни йиққан прусс қироли Фридрих I (1670—1713) кўзда тутиляпти.

— Қўрқманг, ойимқиз. Сизни хафа қилмаймиз,— деди у мулойим овозда ва яқинроқ келди.— Юзингизни бурманг, титраманг ҳам. Сизга бир нарса кўрсатаман. Мана, кўринг, қуш инидан қандай ажойиб тухумлар топдик.

Болаларча қизиқувчанлиги қўрқувдан устун келган қиз қарашга журъат этди: Жига Бернатнинг кафтида ҳақиқатан ҳам ола-була, пушти, худди мрамор бўлагига ўхшаш, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган чиройли беш дона тухумчалар ётарди.

Пирошка жилмайиб қўйди-ю, бироқ тухумларга қўл теккизишга ҳайиқди.

— Ҳеч бўлмаса биттасини олинг,— илтимос қилди йигит тухумларни узатаркан.

Ниҳоят, қиз дадиллашиб:

— Ростданам менга бермоқчимисиз?— деди.

— Ҳа-да, йўқса, бешта тухумни икки кишига қандай бўлишни билмай тургандик. Энди ҳар биттамызга тенг иккитадан тегадиган бўлди. Тўғрими, дўстим?

Охирги икки сўз Яношга қарата айтилгани учун Пирошка иккинчи йигитчага ҳам назар ташлади. Унис қулоғигача қизариб, хижолатомуз:

— Агар сизга бу тухумлар ёқса, мен ўз улушимни ҳам бераман,— деб қўйди.

Йигитчанинг овозидаги самимийлик қиз қалбини тўлқинлантириб юборди.

— Йўқ, асло, шундай ажойиб тухумни қандай олиб қўяман сиздан?

Қизнинг майин овозига жавобан дарахтлардаги қушлар ҳам сайраб юборди. Мунча кўп бўлмаса бу ерда қушлар! Пирошка ҳатто атрофида шунча қушлар борлигига қарамай, қўрқиб ўтирганига ҳайрон бўлиб қўйди.

— Сиз Хорватнинг қизисиз-а, шундайми? Уша машҳур гўзал қиз сиз бўласизми?— муғамбирликка ўтди Жига.

Бироқ қиз соддалигидан кесатиқни тушунмай, очик кўнгиллилик билан бош ирғади:

— Ҳа.

— Мен сиз ҳақингизда бир батрагимиз хотинидан эшитгандим. Уша аёл аввал сизларнинг қўрғонингизда хизматкор эди, у сизни ойна остида асрашади, деганди. Худди Патак шаҳридаги музейда қўнғизларни сақ-

лашгандай. Тўғрисини айтсам, мен доимо сизни шиша қопқоқ остида тўғнағичга қадалган қиёфада тасаввур этардим,— қитмирлигини давом эттирди йигитча.— Ҳозир бўлса, дўстим иккаламиз қўрқиб кетдик, сизни нақ ўрмон фариштаси, деб ўйлабмиз! Айтинг-чи, нега дарахт кесяпсиз?

— Отам буюрган.

— Жуда ғалати одам-да, отангиз.

Шу пайт Янош ҳам яқинлашди-да, уларнинг суҳбатига аралашди:

— Қийин, тўғрими?

— Жуда қийин,— ғамгин жавоб берди кулимсираб қиз,— мен дарахтни фақат кесибгина қолмай, ҳу анави ердаги ғарамга элиб қўйишим ҳам керак,— қиз қўли билан ялангликдаги ўн-ўн бештача, барглари сўлиб қолган бир тўп ёш қайин дарахтларини кўрсатди.

Янош ана шундай тошбағир оталар ҳақида эртакларда жуда кўп ўқиган, уларнинг кўрғонлари ҳам худди Хорватникига ўхшар эди.

— Лекин, менимча, ўрмондаги ҳамма дарахтларни кесмасангиз керак?— сўради Янош қизиқиб.

Пирошка жавоб бераркан, гарчи, Янош ўртоғига қараганда чиройли, йирик кўзлари хаёлчан, қирмизи юз, ияги ҳали устара кўрмаган, устки лаби устидаги мўйлови энди сезилар-сезилмас ниш ура бошлаган бўлса ҳам негадир Жигадан кўз узмасди.

— Йўқ, албатта,— кулиб жавоб берди қиз, болтага қўлини чўзаркан.— Мен фақат юзта дарахт кесишим керак, шунда ишим тугайди.

Янош қизга янада яқинлашиб:

— Ижозат беринг, шу дарахтни сизнинг ўрнингизга мен кесай. Болтангизни беринг-чи,— деди.

Пирошка рози бўлиб, бош ирғади. Янош болтачага қўл узатаётиб, бехосдан қизнинг бармоқларига тегиб кетганди, Пирошка билаги куйгандай қўлларини апиттапил орқага тортди. Болтача энди бошқача ишлай кетди. Дарахт қарсиллаб-чирсиллар, атрофга бўлтаклар сачрарди. Болта Яношнинг қўли билан бирлашиб кетгандай туюларди — ана, эркак қандай бўларкан! Ишлаётганда қандай чиройли бўлиб кетди йигитча! Ҳатто чарчамайди, терламайди ҳам. Худди гилам чангини қоқаётгандек, болтача унинг қўлида енгил уриляпти. «Ё тангрим,— деб ўйларди қиз,— қандай бақувват-а!»

Болта яна бир-икки урилди-ю, дарахт бўғиқ овоз чиқариб ерга қулади. Қанчалик тез, осонгина йиқитди-я дарахтни!

Кейин Янош билан Жига икковлари кесилган дарахтни Пирошка каби судрамай, елкаларига қўйишиб бир зумда бошқа дарахтлар уюлган жойга элтиб ташлашди. Бу дарахтлар, қиз қайин кесмаган тақдирда унга тобут ясалажак ёлғиз дарахтни ҳалок бўлмаслиги учун қулатилганди. Дарахтлар ҳам аҳмоқона адолатсизлик қурбони бўлар экан-да!

Шундан сўнг гимназистлар хайрлаша бошлашди. Қиз уларнинг бунча тез кетиб қолишларидан ҳатто афсуслангандай бўлди.

— Демак, сизлар, ростданам, қароқчимасмисизлар?— сўради Пирошка мулойим, ҳатто майин оҳангда, унинг овозида бирмунча таажжуб аломати ҳам бор эди.

— Бизларни қароқчи деб ўйловдингизми?

— Мени доим ўрмонда қароқчилар бўлади, деб қўрқитишар эди.

— Бўлиши мумкин,— ранжиди жуссаси ихчам Жига,— ҳатто бор ҳам, фақат қароқчиларнинг кўри-нишлари бутунлай бошқача. Қисқаси, биз қароқчи эмасмиз. Қўшни уйда турамиз. Мен — Жигмонд Бернат, филологияни ўрганияпман, бу — менинг дўстим, граф Янош Бутлер: у Патак гимназиясида нотикликни эгалляпти.

— Эсизгина, — деди қиз соддадиллик билан.

Бутлер жилмайиб қўйди.

— Сиз қароқчи бўлишимизни истармидингиз?

— Ҳа, — деди бошини қуйи солиб қиз. — Ушанда улардан ҳечам қўрқмайдиган бўлардим.

Бошига гулчамбарак кийиб олган, қўлларидаги даста гулни бағрига босиб хаёлчан нигоҳини узоқларга тикиб келаётган мураббия бу ерда пайдо бўлганда гимназистларнинг излари ҳам қолмаганди.

— Ана, кўрдингизми, дарахтни кесиб бўлибсиз, ҳатто жойига ҳам элтиб қўйибсиз. Бу яхши, кўз ўнгимизда кучга кириб боряпсиз, қароғим. Отангиз қанчалар хурсанд бўладилар!

Пирошка мураббияга бўлган воқеани айтиб бермоқчи бўлди-ю (гимназистлар учраши унинг ҳаётида ажойиб воқеа эди), бироқ мураббиянинг ҳайрон бўлиши хуш ёқаркан, ўзича ўйлаб кўриб, шундай қарорга кел-

ди: «Агар бу отамни хурсанд қилса, жуда яхши, қувонаверсин. Бўлган воқеа ҳақида индамайман, бўлмаса Фрида: «Эҳ-а, ҳали шунақами, қароғим? Сиз учун топшириқни бошқалар бажаришган экан-да? Бахтимизга бу ерда дарахтлар кўп. Марҳамат қилиб, манависини кесинг-чи», деб устимдан кулади».

Пирошка ўрмонда ҳам, уйда ҳам бўлган воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади. Кечга яқин ўттиз хольдлик¹ катта боғда сайр этаркан, Бернатлар мулкани ажратиб турган девор ёнигача борди. Қиз ўзича «у ёқда гимназистлар туради. Қўшни боққа кириб, гимназистлар нима қилаётганини кўрсам эди»,— дея хаёл сурарди.

Пирошка тухумни ҳеч кимга кўрсатмай боққа кўмиб қўйди. У уругдан гул ўсиб чиққани каби тухумдан ҳам жўжа очиб чиқади, деб ўйларди.

Сўнгра бир ҳафта аввалги кунлар каби бир хил ўтди. Пирошка ўрмонга гоҳ мураббия, гоҳ отасининг ҳамроҳлигида бориб турар, баъзан учовлон биргалашиб боришарди. Қиз ҳақиқатанам сезиларли даражада тўлишиди, «қувватга кирди», кўзлари остидаги кўкимтирлик йўқолди, рангсиз юзига қизил югурди. Кекса Хорват қувонар ва тинмай: «Буни қаранг-а, доктор Медве анойи эмас, ўз ишини биларкан! Пирошка ҳақиқатанам гулдай очилиб кетади»,— дегани деганди.

Отанинг кундан-кун докторнинг ғалати рецептидан қувончи ортар, қизчаси тобора йўғонроқ дарахт танларди: майли, бир оз терласин, чарчасин, саломатлик ҳам бойлик, қизи кўпроқ бойлик орттираверсин. У қизининг янада хушрўйлашиб, қувватлироқ бўлишини сабрсизлик билан кутарди.

Бир куни Хорват бекорчиликда қизининг нечта дарахт кесиб, ялангликка уюб қўйганини санаб кўрмоқчи бўлди. Ўттиз тўртта чиқди... Демак, олтмиш олтита қолибди-да. Ҳа, илм ҳам ажойиб нарса-да, ана шу оқ қайинлардан юзга қизил югуради, деб ким ўйлабди дейсиз!

«Тўхта, тўхта! Хўш, нега энди ўттиз тўртта?— тўсатдан ҳайрон бўлди у.— Ахир яқингинада бошлаганди-ку. Негадир кўп чиқяпти!»

¹ Хольд — венгрча ер ўлчови, 0,57 гектарга тенг.

— Мадемуазель,— жаҳл билан мурожаат этди у Фридага — даволашни қачон бошлаганимиз эсингиз-дами?

— Роса бир ой бўлди.

— Жин урсин! Қалендарда ой ўттиз тўрт кунлик эмас-ку. Мумкин эмас, мадемуазель...

— Мен аниқ биламан.

Иккаласи доктор келган кунни эслай бошлашди. Медвенинг келганига бир ой бўлибди, кесилган дарахтлар эса ўттиз тўртта чиқяпти.

— Нимга гап ўзи, момигим?

— Билмайман, дадажон.

— Балки, баъзи кунлари иккитадан дарахт кесгандирсан?

— Нима деяпсиз, дада, мен учун биттаси ҳам ортиқ.

— Эҳтимол, бошқа биров, ўғрилар ёки ўрмонга ўтин тергани келган деҳқон хотинлар кесиб қўйишгандир?— гумон қилди Фрида.

— Бемаъни гап!— ҳайқирди чол.— Ўғрилар дарахтларни кесиб ўтирмасдан кесилганлардан олишган бўларди. Агар кам чиқса тушунса бўларди, бу ерда қандайдир жумбоқ бор. Ҳеч ақлга сиғмайди! Сен ҳеч нарсадан шубҳаланмаяпсанми, қизим?

— Йўқ, дадажон.

— Агар бидъатга ишонсам, раҳмдил фаришталар ёрдамлашган, дердим. Сен дам олиб ётгунингча қўлинг қавармасин учун ўрнингга дарахт кесишган бўларди.

Пирошканинг юзи қизариб кетди, у мингта дарахт кесганда ҳам бунчалик бўриқмасди! Зеҳни ўткир одам бўлса қиз юзидаги ўргаришдан Пирошканинг миясига қандайдир фикр келганини фаҳмлаб оларди. Ҳақиқатан ҳам қизча: «Бунимиз гимназистлардан бири қилган. Аммо қай бири бўлсайкин?» дея хаёл сураётганди.

Юраги қинидан чиқар даражада қаттиқ уриб кетди.

Кичкина воқеа қўрғондаги барчани гулгулага солиб қўйди. Ахир уларнинг ҳаёти бир хилда ва зерикарли ўтарди-да! Бунингсиз ҳам восвос кекса хўжайин ҳамма нарсадан гумонсирайверар, Катицанинг ота уйидан қочгани сабабли арзимаган воқеа ҳам унинг тепа сочи ни тикка қилиб юборарди.

Пирошка шу кунлари, аксинча, хаёлчан ва паришон бўлиб, мураббия чақирса ҳам чўчиб тушарди. Кечалари

қиз алламаҳалгача ухлолмай, ўринда тўлғаниб чиқар, кундузлари холи бўлишга ҳаракат қилар, боғдаги ариқ бўйида тентираб юрарди. Уни ҳали ҳам «Қай бири экан?» деган савол қийнарди шекилли. Қиз қанчали ғамгин кўринмасин, лекин жудаям бахтли эди... Ушандан бери атроф унинг учун жуда ўзгариб кетди! Дарахтлар ҳам бошқача шитирлар, қушлар ҳам қандайдир ўзгача сайрар, шабада ҳам дарахт баргларида ғалати ва сирли шивирлар, қўшни боғдан оқиб чиқаётган сув ҳам бошқача шилдирар ва тезлашгандай кўринарди.

Бир кун қиз ариқчани томоша қилиб ўтириб, тўсатдан сув юзида қалқиб келаётган кичкина қоғоз кемачани кўриб қолди. Сув шарақлаб уни ранг-баранг тош ва гуллар орасида оқизиб келарди. Кемача гоҳ тош олдида тўхтаб ёки сув ўтларига ўралашиб қолар, бироқ орқадан келаётган тўлқин уни илгари ҳайдарди. Кемачада эса тугмачадек кичкина қизил чиннигул қалқиб келарди. Боғбонлар уларни «учқун» дейишади. «Қаёққа сузиб кетяпсан, учқун? Тўхта, жажжинам!»

Қиз сувга энгашди-да, кемачани тўхтатиб, гулни олди. Гулнинг ёнида кичкина мактуб бўлиб, унда — хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг: «Салом, Пирошка», — жумласи ёзилганди.

Мана, учқун етиб ҳам келди! Қиз қувончдан ҳатто чапак чалиб юборди. Энди сен бу ердасан, менинг юраккинам, менинг учқуним, ахири ёнимга кемачада сузиб келдинг-а? Сени меҳробга яшириб қўяман. Гимназистлар йўллашдими? Анали иккита ўспиринлар-а? Хўш, қай бири? Қайсиниси?

Шу пайт қўрғон минорасидан таниш овоз янгради: — Ойимқиз, ойимқиз, ўрмонга кетадиган вақт бўлди!

Пирошка худди жиноят устида қўлга тушган одамдай чўчиб, қўрқиб кетди.

Минорада ёпинчиқ, шляпа ва зонт кўтариб олган мадемуазель Фрида турарди. Пирошка гулни кўкрагига бекитди, кемачани эса, барги узун, оқ ва қора бўлгани учун «йўл-йўл қамиш» аталмиш буталар орасига ташлади. У зинадан чиқиб кетаётганда хизматкор қизчага болтани узатаркан, қўшиб қўйди:

— Хоним, болтачангиз ўтмаслашиб қолибди! Йўл-

йўлакай темирчи дўконига кириб чархлаб олсангиз яхши бўларди. Узимизнинг қайроқ тошимиз ярамайди, болтачангиз эса қайинга ўтмайди. Темирчи дўконини биласизми ёки мен бирга борайми?

— Майли, юринг. Дадам қаердалар?

— Жаноб олийлари овга кетдилар, ўрмонда сизни топиб оладилар.

Темирчи дўкони қишлоқ чеккасида бўлиб, эшик ва орқасидаги очилган тешиклардан учқун чиқиб, ўт тушиб кетмасин учун иморатлардан нарига қурилганди. Темирчи Мартон Анро қишлоқда гердаиб юрар, ўзи ва касбини мақтагани мақтаганди.

Умуман айтганда, ўша давр темирчилари ҳозиргиларга мутлақо ўхшамасдилар. У пайтнинг темирчиси энг билимдон одам ҳисобланар, ундан кейин помешчик, руҳоний сўнгра сурачи ва котиблар туришарди. Темирчининг дўкони ўша вақтларда сиёсий клуб ва газета вазифасини бажарарди. Бадавлатроқ пемешчиклар бу дўконга ўзлари учун юмшоқ ўриндиқлар олиб келиб қўйишганди. Тушлиқдан сўнг уйда зериксалар лақиллашиб, трубка чекиб ўтириш учун келардилар. Хизматкор ўриндиқларни олиб чиқиб қўяр, жаноблар эса от тақалайдиган дастгоҳ атрофига ўтириб олардиларда, худди Олий парламентда мажлис қилаётгандай виқор билан трубкаларидан тутун бурқсата бошлардилар. Темирчининг ёрдамчиларидан бири — кир-чир бола ўчиб қолган трубкаларни ёндириш учун чўғ олиб бериб турарди.

Дўконда йўловчилар тез-тез тўхташарди: бирининг отига тақа қоқиш керак бўлса, иккинчисига аравасининг темир гардишини тортиб қўйиш зарур бўлиб қоларди. Одатда улар узоқ йўл юриб, кўп нарсани кўрган ва эшитган бўлардилар, темирчи эса тақа қоққунча усталик билан улардан ҳамма нарсани билиб оларди. Гоҳ суҳбатга жаноблар ҳам кўшилиб туришар, у-буни сўрашар ёки фикр алмашар эдилар.

Хуллас, кимда-ким дунёда бўлаётган ҳодисалардан воқиғлиги билан ном чиқаргиси келса, темирчи дўконини четлаб ўтмасди. Бу ерда ҳозирги замон газеталарида босиладиган нимаики бор: ҳар турли қизиқ ибратли воқеалару фойдали хабарлар муҳокама қилинар эди. Яхши хўжалик эгаси учун бугдой ҳосили қаерда қандайлиги, харидорлар ғаллага неча пул тўлашлари

ҳақидаги хабар жуда муҳим эди. Сиёсий аҳвол ҳақида ҳам ўша ердаги гап-сўзлар асосида хулоса чиқариларди. Масалан, Трансильванияда арпанинг нархи ошдимми, демак, уруш бўлади. Кундалик воқеалар қотиллик ва ҳавас келтирадиган никоҳлар каби ҳодисалар билан тўлдириб турилади. Буларни йўловчилар темирчи аравани тузатгунга қадар ҳикоя қилиб берадилар.

Шу йўсинда, яқинда Пожонида бир графиня вафот этганлиги ва бутун бойлигини ўзининг извошчисига васият қилиб кетганлиги маълум бўлди. Отига тақа қоқтираётган бошқа бир йўловчи Сеченида помешчик Силашининг чунонам баҳайбат қўйлари борлиги, улардан ҳатто буқалар ҳам қўрқшини ҳикоя қилиб берди. Буларни билиб қўйган маъқул, чунки бирдан кимнингдир шундай қўй олгиси ёки боягидай графиняга уйланиши келиб қолиши ҳам мумкин-да.

Бизнинг қаҳрамонлар темирчи дўконига яқинлашишганда, Мартон Анро қандайдир кул ранг отга тақа қоқётганди.

— Яқин борманг, Пирошка, тагин учқун сачраб, батист қўйлагингизни куйдириб қўймасин,— деди мураббия.

Пирошка ўзича хаёлида «Менга битта учқун тегиб бўлди, ўша учқун олдида буниси ҳеч нарса эмас»,— деб қўйди.

Хизматкор Мартон темирчига қараб:

— Ҳой, уста, бу ёққа қараворинг, иш бор!— деб қичқирди.

— Ҳўш, хизмат?— совуққина сўради уста.

— Кўрмаяпсизми, Хорват хоним келдилар.

— Кўр эмасман, кўряпман,— ғўнғиллади темирчи.

— Қани, тезроқ болтани чархлаб беринг.

— Ҳозир вақтим йўқ.

— Нега энди вақтингиз йўқ экан?— жаҳли чиқди хизматкорнинг.

— Отни даволаяпман,— тушунтирди темирчи.— От касал, хонимча эса соғ, демак, кутиб тура олади. Аввал беморга ёрдам бериш керак,— деди у шошмасдан, отнинг орқа оёғини қандайдир малҳамли латта билан ўрар экан (ўша пайтларда отни ҳам темирчилар даволашарди).

Устанинг совуқ муомаласи хизматкорнинг дилини ранжитди.

— Ана холос, ҳузурингизга келган хонимчаларни бошлаб кутиб оларкансиз-ку!

— Бу ёққа келиб нима қилишади? — кулимсираб қўйди темирчи. — Хонимларнинг менда нима ишлари бўлиши мумкин, адаш? Хонимча туфлисига тақа қоқтирмайди. Темир уларнинг тизимчалари, сийнабандларида бўлади, холос. Чилангар мену, темирни ношуд, майдакаш тикувчилар қадашади-я! Темирга қўл урганларига ўлайми! Улар темирчиларга иснод келтирганлари келтирган! Шунинг учун хонимчага ҳеч қандай алоқам йўқ. — Яхшиямки, мадемуазель Фрида бир оғиз ҳам венгрча тунмасди, бўлмаса, аллақачоноқ ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб кетиб қолган бўларди. — Пирошка бўлса изза тортиб, ҳуркиган қўзичоқ сингари секин орқасига тисарила бошлади.

Бироқ темирчи аслида очиқ кўнгил одам бўлиб, тегажаклик қилишни яхши кўрарди. У ҳаммага — руҳонийлардан тортиб қишлоқ оқсоқоли-ю, юқоридагиларгача тегишаверарди. Бироқ ёмғир остида совқотган мушукка раҳми келар, қишнинг совуқ тунларида ҳам чумчуқлар кириб, исиниб олишсин деб, устахонасининг деразаларини очиқ ташлаб кетарди.

— Болтангиз қани? — сўради у хизматкордан ишини битиргач. — Нима? Шу болтача билан хонимча ишляптиларми? Жаноблар эсларини еб қўйганми ўзи? Ҳа, йўқ, азизим! Бу иш кофе ичадиганлар учун чиқарилмаган! Қамбағалнинг нон топиб ейиши учун бирдан-бир ёрдамчиси болта, жаноблар ўшанга ҳам қўл уришибди-да... Тўғриси айтсам, бемаъни одат бу, қаердан ўйлаб топишганикин? Кунни кеча граф Бутлер ҳам келиб, болтага соп солдириб кетди. Жаноблар бизлар учун ўтин кессинлар, деб худодан ёлвораман! Ахир минг йиллардан бери улар учун биз кесиб келяпмиз-ку.

Хизматкор, темирчининг қалтис сўзларидан хафа бўлмадимикин, деган хавотирда қизга қаради. Пирошка умрида ана шу кўрс темирчининг гапидан ҳам ёқимлироғини эшитмагандай кулиб туришини кўриб, ҳайрон бўлди.

Граф Бутлер ҳам болта ясаттириб олибди! Мана энди ўзи учун қайинларни кесиб қўйган раҳмдил фариштаннинг ким эканлигини қиз билиб олди. Энди ҳамма нарса аён! Қиз тўсатдан жуда ақлли ва эҳтиёткор бўлиб қолди, чунки у ана шу биринчи катта сирдан во-

киф бўлди, бунинг устига, ўзини янада кучлироқ ҳис этди, энди қиз Бернешда дарахтни бемалол кесаверади. Унинг болтаси шундай қаттиқ тақиллар эдики, кекса Хорват бу овозни узоқдан ҳам эшитди.

Хорват қизнинг ёнига келиб, ҳамдардлик билан: «Жажжигинам, чарчамадингми?»— деб сўради. Қиз хушчақчақлик билан жавоб берди:

— Мен бутун ўрмонни чопиб, кесиб чиқишим мумкин!

— Худога минг қатла шукур! Энди сен меҳнат фойдалилигини тушунишинг мумкин!

— Дадажон, бирон нарса отолдингизми?

— Битта қуён билан бир лўлини,— кулимсираб жавоб берди чол.

— Наҳотки ўлдирган бўлсангиз?— қўрқиб сўради қиз.

— Қуён ўлди, лўли яраланди, холос. Бечора лўли қўзиқорин териб юрган экан, мен буталар орасида бир шарпани кўриб, отиб қўйибман.

— Жудаям қийналдимиз бечора?

— Бир оз ингради, бироқ мен унга қуённи бердим.

— Хурсанд бўлдими?

— Аввал, афтидан, кўнгли тўлмади шекилли, лекин мен, «Ҳой, яхши одам, агар мен сени ўлдириб, қуённи ярадор қилганимда бундан ҳам ёмон бўларди. Бунинг устига, отилган қуён оляпсан, у бўлса, ўлдирилган лўлини олмасди ҳам»,— дедим. Шундан сўнг у рози бўлди.

Кекса барин ов саргузаштидан мириқиб кулди.

Умуман, бу одам кўнгилчан эди, унинг доно кул ранг кўзлари доимо хушчақчақ ва шўх порлаб турарди. Фақат жуда ғалати кийиниб юарди. Айтишларича, кийинишда у граф Андрашиларга тақлид қилар экан, бу эса жуда кулгили чиқарди, чунки, Андрашиларнинг ҳаммаси баланд бўйли, қотма бўлиб, жуда обрў сақлаб юришган. Хорват бўлса, қориндор, паст бўйли, бўйни йўғон ва калта оёқли одам эди. У Гётега тахассус қилиб сюртук кийиб юар, бўйнини қулоқларигача қора шоҳи рўмол билан ўраб олиб, ўша пайт модасидаги графлар киядиган матодан шим тиктирарди. Матога қўлларида милтиқ ушлаган Альп мерганлари ва итларининг расми солинганди. Ҳақиқий расм галереяси. Шимининг орқасию олдида кўплаб бир хил одамлар ва

итларнинг расми солинганди, зап антиқа! Баринни қишлоқ кўчаларида ана шу шимда юрганини кўрган болалар қанчалик қувонишлари ажабланарли эмас. Ҳатто бахил қишлоқ итлари ҳам бу шимга хотиржам қараб туrolмасди.

Фрида чиройли ёввойи гул топиб, кекса Хорватнинг тугма тешигига қадаб қўйди-да: «Бизнинг Пирошка ҳам олтмиш кундан кейин шу гулдай очилади»,— деди.

Мураббиянинг илтифоти чоли ажаблантирди ва у мадемуазель Фриданинг кўлини ўпиб қўйди.

Шуни айтиш керакки, Хорват ва кўплаб бошқалар Гётенинг собиқ маъшуқаси қизни ҳурмат қилишарди, чунки худди ўша пайт Европада Гёте шахсига сифиниш авж олганди. Бу ялпи одатга кирган сифиниш айниқса мураббиялар ўртасида кенг тарқалганди: бутун қитъада ўзини умри боқий шоир билан алоқадор қилиб кўрсатмаган бирорта мураббия топилмасди. Афтидан, жаноб олийлари хийлагина шўх бўлган эканлар чоғи. Унинг етти иқлимга донғи кетган йигирмадан ортиқ ишқий алоқаси маълум, бу ўринда сон-саноксиз мишишларни ҳисобга олмаймиз.

— Хуллас, олтмиш кун!— деди қувониб кекса барин.— Яхши эслатдингиз. Қайинларни бир санаб кўрайлик-чи.

Охирги ҳисобдан кейин Пирошка кесиши мумкин бўлган дарахт яна учта ортиқ чиқди. Хорватнинг газоби қайнаб кетди.

— Бу қандай расвогарчилик! Менинг ўрмонимга хўжайинлик қилишади-я! Буни қаранг, яна кимдир учта қайинни кесиб, ғарамга қўшиб қўйибди. Бу кимнинг ишийкин, унга нима керак ўзи?

Чол, бўйнига осиб олган ов бурғусини олиб, бор кучи билан чала бошлади. Бурғу овози бутун ўрмон бўйлаб таралди. Бу нима эканлигини англаб олмоқчидай қушлар ҳам бир дақиқа жим бўлиб қолишди. Қушлар сайрамаса, ўрмон жуда ҳазин ва ҳатто ваҳимали кўринади. Бир оздан сўнг бурғуга жавоб овози эшитилди — бу ўрмон қоровули бариннинг чақирғини эшитгани ва бу ерга шошилиб келаётганини билдирар эди.

Чорак соатлардан сўнг ялангликда мўйлови нягига осилиб тушган, устида пўстин, қўлида милтиқ ва ёнига йўл-йўл сумка осиб олган баланд бўйли одам пайдо бўлди.

— Ишток, бу қандай гап?— ўшқирди унга барин.—
Биз беҳабар қолибмиз, бу ерда кимдир ёш дарахтларни
кесиб, анави ғарамга қўшиб қўйяпти.

Ишток бош чайқади.

— Бўлиши мумкин эмас. Мен эшитган бўлардим.

— Демак, бўлиши мумкин, Ишток! Менга аниқ бўл-
ган нарсани инкор этиб ўтирмайсан-ку.

Ишток чўқиниб олди.

— Бўлмаса, муҳтарам жаноб, буни фақат шайтон
қилиши мумкин,— деб жавоб берди у хурофий ваҳима
билан.— Қандайдир даҳрий, овозсиз қурол билан.

— Шайтон? Ишток, нималар деб вайсаяпсан? Шай-
тонга дарахтнинг нима кераги бор?

— Кечирасизу, нега керак бўлмас экан? Дўзахдаги
қозонларни иситиш керак-ку ахир.

— Тентакса, Ишток,— кулиб юборди Хорват.—
Унга ўтин керакмас. Ер остида тошқўмири бор.

— Тўғри, лекин бу ерда қандайдир сир бор,— гўлди-
ди Ишток, бир оз тинчиб.— Агар биронта деҳқон кесган-
да, уйига олиб кетарди. Деҳқон сизга ҳам, менга ҳам
маълум, муҳтарам жаноб. Ёвуз иблисни сиз ҳам, мен
ҳам кўрмаганмиз, унинг қилиқларини қаердан биламиз?

Оддий халқ асримиз бошида тамомила руҳонийлар
таъсирида бўлиб, муккасидан хурофот ботқоғига бот-
ганди. Ўтган йили улғайим жума куни икки йигит саёқ
соатсозни ўлдиришган (ўша пайт соат усталари қишлоқ-
ма-қишлоқ юриб, соат тузатар эдилар). Уни пули учун
ўлдиришган. Қароқчилар устанинг халтасидаги бошқа
асбоблар орасидан бир бўлак чўчқа ёғини топиб олиш-
ган. Йигитлардан бири ўша заҳотиёқ емоқчи бўлганда,
иккинчиси уни тўхтатиб: «Худо ҳаққи, нима қиляпсан?
Ахир бугун жума-ку!» деган. Бу гаплардан кейин қўл-
лари қон қотил қўрқувдан ёғни буталар орасига улоқ-
тириб юборган.

— Дарахтни ким кесмасин,— давом этди помеш-
чик,— сенга буюраман, Ишток, ҳамма ишларингни қўй-
да, мана бу ерда пусиб ўтир, кимни ушласанг, оёқ-қў-
лини боғлаб, олдимга судраб обор. Қара, агар сен бе-
ҳабар биронта дарахт кесилиб қолса, омон қолмайсан,
тушундингми?

— Худди шундай, марҳаматли жаноб, тушундим.

Кекса Хорват Иштокни қўрқитмоқчи эди-ю, бироқ
бу пўписадан Пирошканинг ранги оқариб кетди. Ишток

фақат бошини қашлаб қўйди-да, бариндан порох ва ўқ сўради, негаки, айбни бекитишнинг ҳожати йўқ, у миллиқни шу пайтгача савлат учун кўтариб юрарди: ер махлуқларига қарши унинг қудратли қўл кучи ҳам етарли. Ҳозир, ким билади, қандай баҳайбат махлуқ ёки алвастига дуч келиб қолиши мумкин. Ўқ, ҳар ҳолда, ўқ-да!

Еттинчи боб

ОҚИМГА ҚАРШИ ВА ОҚИМ БҮЙЛАБ СУЗГАН КЕМАЧАЛАР...

Пирошканинг юрагига ғулғула тушди. Катта қувонч ўрнини тўсатдан оғир ташвиш булути қоплади: «Эй, худойим! Бечора Бутлерни ушлаб олишади ёки, худо кўрсатмасин, хунук мўйловли, сўлақмон Ишток отиб ҳам қўйиши мумкин. Ё Биби Марям, авлиё маъбуда, кўмаклаш менга, бирон иложини топ!» Пирошка Бутлерни сақлаб қолиши кераклигини сезарди. Аммо қандай қилиб? Кимга ҳам ишонсин. Ўлса ҳам бировга сирини очмайди. Ё унга мактуб ёзсамикин? Бироқ мактубни ким етказади? Биронтаси бу ишни бажаргудек бўлса ҳам дарҳол воқеага тушуниб, отасини воқиф қилади, оламга жар солади.

Пирошка уйга қайтишни зориқиб кутди, қайтиб келиши биланоқ боққа, хиёбондаги гуллар ва энг муҳими, кўкрагидаги гули билан маслаҳатлашишга ошиқди. Қиз кўкрагидан гулни олиб, унга узоқ тикилиб турди, сўнгра ариққа қаради: мана шу сувдан миннатдор, чунки, у ўз тўлқинларида «учқунли» оқ кемачани олиб келган.

Қанийди оқ кемача орқасига суза олса!.. Бунга нима дейсан, жилвагар ариқча?

Ариқча шарқирар ва нималардир дерди, аммо у нима деяётганини ким билсин? Балки яхши маслаҳат бераётгандир! Пирошка чиннигул узиб, сувга ташлади. Гул атрофида кичик-кичик доиралар ҳосил бўлди-ю, сўнгра тўлқинлар гулни кўтарганча оқим бўйлаб пастга, боғдан наридаги кенг далалар сари оқизиб кетди— нима ҳам қилиб бўларди!

Қўл ўтмай хаскаш ва катта қайчи кўтарган боғбон келди. Бу кашшилиқ ҳалол немис бўлиб, айтишларича,

ертўла томига қандайдир жануб ўсимлиги эккани учун уни Абауй губернатори ҳайдаб юборган экан. Губернаторнинг гапига қараганда эса, боғбон гўё хўжайинининг энг сара гулларидан маъшуқаларига даста қилиб юборганмиш. Аслида бу айб эмасди, шунинг учун Хорват йиллар ўтиши билан немис бу камчилигини тузатади, деб уни ишга олганди.

Пирошка боғбонни чақирди.

— Мюллер амаки, сиз жудаям ақлсиз-а, тўғри-ми? (Мюллер, ҳақ гапирдинг, дегандай бош ирғади. Ҳамма нарсани биласиз-а? (Боғбон яна бош ирғади.) Сиз мана шу ариқдаги сувни тескари оқиша олармидингиз?

Чол бир оз ўйланиб қолди.

— Албатта. Ариққа тўғон қилинса, сув орқасига оқади.

— Бўлмаса, шундай қилинг!

— Нега энди?

— Кўргим келяпти.

— Бунақа ўйнаб ўтиришга вақтим йўқ, барин кўриб қолса жаҳли чиқади.

— Жудаям илтимос қиламан,— қиз кафтларини ёлворгансимон жуфтлади.

— Ҳозир иложим йўқ, якшанба кuni бўлса майли.

— Мен ҳозир истайман! (Пирошка ер депсиниб, қовоғини соларкан, важоҳатли қиёфада қўлларини белига тиради.) Буюраман, вассалом! (Бу гапни у ошпаз аёлдан ўрганганди.)

Боғбон хахолаб кулиб юборди ва ҳавас билан хонимчага қараркан, ўзича: «Қандай гўзал-а, бу қиз ҳозир!»— деб қўйди.

— Ҳа, ҳали мендан ҳайиқмайсизми? Биласизми, Мюллер амаки, сизга бир халтачада отамнинг тамакисидан олиб келиб бераман.

Боғбоннинг қизга таслим бўлиши учун шунинг ўзи кифоя эди. Агар ғознинг тухумидай олмос ваъда қилса ҳам Мюллерни сотиб олиш қийин: олмос, бари бир тош, тамаки бўлса... бу бошқа гап! Тамаки— ўсимлик, боғбон ўсимликни жонидан ҳам ортиқ кўради.

— Нима ҳам дердим, розиман, ойимқиз!

Чол тахта ва бир неча тош келтириб ҳаш-паш дегунча тўғон ясади.

— Раҳмат, Мюллер амаки, энди кетишингиз мумкин!

Тўғонга тез сув йиғила бошлади. Йўли тўсилган сув тўлғаниб чайқалар, тахтага урилиб қирғоққа сапчиркан, йирик доиралар ҳосил қилганча буралиб-буралиб орқага чекинарди. Кейин тўсатдан, худди эсини йиғиб олиб таслим бўлган яхшироқ, деган қарорга келгандай тескари оқа бошлади. Дастлаб сув хиёл шу кўйда оқди-да, сўнгра таққа тўхтаб қолди. Қаршидан келаётган оқим кучи билан сув сал силжигандай бўлди, аммо кейин шаштидан қайтиб, аввал тебрана бошлади, сўнгра, ниҳоят куч тўплагач, тескари оқишини давом эттираверди.

Пирошка қоғозга: «Эҳтиёт бўлинг, ўрнимга дарахт кесгани энди ўрмонга борманг, чунки сизни у ерда ушлаб олишади»,— деб ёзди.

Сўнгра у буталар орасига яширинган кемачани олди-да, унга мактубчани жойлагач, устига оппоқ чиннигул қадаб қўйди.

— Ана энди йўлга тушавер, кемача! Авлиё маъбуда, ўзинг мададкор бўл!

Пирошка кемачани сувга туширди, жадал оқим шарқираганча уни Бернат боғи томон оқизиб кетди. Қиз бўлса жиноят қилиб қўйган одамдай бор кучи билан уй томон югурди.

Қиз, шу пайт кўм-кўк саф тортган дўлана туплари оралаб сайр қилиб юрган отаси бута қирқаётган боғбондан Пирошкани кўрмадингми, дея сўраши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

— Этакда, ариқ ёқасида ўйнаб юрибди. Илтимос қилганди, ҳозиргина тўғон қуриб бердим,— жавоб берди боғбон.

— Тўғон? Қанақа тўғон?

— Ариқдаги сув тескари оқишини жуда истаб қолди қизингиз.

— Ҳм!— кекса барин боғбон ёнидан ариқ томон йўналди, «Ие, сув ростданам тескари оқяпти, наридан оқ кемача сузиб кетяпти. Жин урсин, яна нима балони бошладийкин тентакча? Узи қани?»

— Пирошка! Пирошка!— чақирди чол ва кемача томон одимлаб кетди.

Граф Янош эса шу пайт ўзини игна устида ўтиргандек сезарди, кўнглида нимадир бўладигандай туюлар-

ди: девор оша ё хат ташланади, ёки гул (бу «ҳа» дегани), агар ҳеч нарса бўлмаса, демак, «йўқ». Омбордан кемача ўтмасин деб серкўзроқ панжара ўрнатиш учун кечгача девор ёнига темирчи Мартон Анро келса, бу мактуб отаси қўлига тушгани бўлади. Граф Янош кун бўйи ариқ лабида, панжарали омбор олдида бирон-бир белги бўлармикин, деб кутиб ўтирди. Тўсатдан нимани кўриб қолди денг? Граф Янош кўзларига ҳам ишонмасди, оқ кўпик сачратаётган сув шарқираб тескари оқа бошлаганди. Ана, оқ кемача ҳам оқиб чиқди. Кемачани кўрган йигитнинг қувончдан юраги ҳаприқиб кетди. Кемачага оқ чиннигул танғилган бўлиб, устига кичкинагина адашган ари қўниб олганди.

Бутлер мактубни ўқиди, гулни эса сюртугининг тугма тешигига жойлаб қўйди. Эртасига сув тагин тўғри оқа бошлаганди, йигит яна мактуб ёзиб, янги кемача орқали юборди. У Пирошкага огоҳлантириб қўйгани учун миннатдорчилик билдириб, Бернешда энди қайин кесмасликка сўз берди, бироқ жиллақурса узоқдан бўлса ҳам жамолини бир кўриш учун ўрмонга боришини айтди.

Учинчи куни Хорватлар боғидан кемача жавоб мактуби билан қайтиб чиқди. Хатда, врач Пирошкага у соғлигини мустаҳкамлаш учун юзта дарахт кесиши кераклиги, агар бирор ҳийла ишлатиб, бундан бош тортса, ўзига зиён бўлиши мумкинлиги баён қилинганди.

Шу йўсинда кун кетидан кунлар ўтаверди. Алоқа боғланди, кемачалар мунтазам мактуб ташиб турди. Мактубларнинг мазмуни содда бўлиб, Янош ва Пирошка ҳаётларидаги аҳамиятсиз воқеалар, кўрган тушлари ҳақида ёзишарди: «Бугун бизнинг боғимизда алоэ гуллади». «Бугун мен Венадан янги шляпа олдим, унда жуда кулгили кўринаман». Кемача ихлос тўла жавоб келтирди: «Ўша шляпада сизни жудаям кўргим келяпти. Ҳозир хаёлан суратингизни чизишга ҳаракат қиляман». — «Қанийди ўша суратимни кўрсам!..»

Уч йилга яқин муддат ичида ҳар таътил бошланди дегунча, «почтачи» қуримаган кезлари ёзишма ана шу зайлда давом этиб турди. Баъзан, айниқса, жазирама ёз пайтларда айни таътил вақти ариқ бирдан қуриб қолиб, севишганлар орасидаги ёзишма ноилж тўхтарди.

Бундай кезларда улар бир-бирларини онда-сонда,

фақат Пирошка отаси билан даладан қайтиб келаётганда, қисқа муддатгина кўриб қолардилар. Бу учрашув ёш граф ота-бола олдидан ўтиб кетаётиб, одоб-ла салом бериши билан тугар, кекса жаноб йигитга жавобан бош ирғаркан, қиз оқариб кетарди. Хорват жазини жамоа орасига олиб бормас, Бернатлар оиласи билан эса ҳатто адоватда эди. У черковга ҳам кам борар, бунинг устига қўшнилариинг эътиқодлари бошқа бўлиб, улар ўзга ибодатхонада чўқинишарди. Хорватлар лютеран эдилар, диний эътиқод ўша даврда жанобларни ажратиб турувчи энг баланд тўсиқ бўлиб, бу жиҳат мамлакат манфаатини кўзларди.

Мабодо, венгр миллати зеҳнини ўтмаслаштириш сиёсати ўтказилаётган даврда сарой ва саройга яқин нуфузли магнат хонадонларида протестант дворянларини яхши қабул этишса ёки улар билан дўст тутиниб, католикларни сийлагандай сийласалар борми, ким билади, ҳозир қандай кунларга қолган бўлардик биз. Яхшиямки, протестант магнатларини саройда совуқ қабул қилишган; улар чор-ночор ўз ер-мулкларига қайтишиб сарой сиёсатида қатнашолмаганлари учун эрмакка миллатчилик сиёсатини олиб борганлар. Уртамиёна мол-мулкли протестант дворянларига келсак, улар католик магнатлар билан борди-келди қилолмасдилар, чунки буларнинг католиклар ғайри дин деб ҳисоблар эдилар; шундай қилиб, протестантлар бообруйлироқ, албатта, норози маслакдошларига ҳайбаракаллагичлик ролини ўйнардилар; қирқ йилдан кейин революциянинг шафқатсиз гирдоби кезлари, ҳар меҳробда пайдо бўлган заиф алангани қўллаб-қувватлаб турганлар ҳам шулар бўлдилар.

Хуллас, Венада доимо шундай бемаъни сиёсат юришар эдики, бу сиёсат венгр миллий оппозицияси доҳийларининг шаклланишига имкон берди. Доҳийлардан биронтаси расмий қабулга чақирилиб, таноби тортилгач, Венгрияга қайтариб юбориларди. Сарой маслаҳатчилари ана шундай ибратли суҳбатларни жону дилларидан севардилар. «Император бошлаб адабини берди-да», — дейишарди кейин улар мамнун бўлишиб.

Тентаклар! Улар, қурбон ҳисобланганлар дакки емай «доҳий гурзиси» олишларини тушунмасдилар.

Кекса Хорват Прснаилар ва Радванскийлар, Зайлар ва Кеерлар авлоди билан яқдил эди. Ҳар йили улар-

никига бораркан, маслаҳатлашишар, режалар тузишар, қизғин баҳслашардилар. Одатда, бу май ойида содир бўлиб, Пирошка уйда бир ўзи қолса ҳам аҳвол ўзгармас, демакки, унинг бирдан-бир ҳомийси ариқ эди, холос.

Тўртинчи йили ёзишмалар кенг тус олди. Янош ўз фикр ва туйғуларини, соғинч ва аламларини баён этарди. Пирошка ҳам шу ҳақда ёзарди. Энди фақат алоэгина эмас, қалблар ҳам чечак отганди. Улар бир-бирларига севги изҳор этдилар ва анҳор сувлари ҳафталаб у ёқдан-бу ёққа севишганлар қалб розини ташиб юрди. «Сени ўла-ўлгунча севаман».—«Менга тегасанми?»—«Фақат сенга, бошқа ҳеч кимга тегмайман». Улар танишганларининг бешинчи таътил ойлари бошланганда Пирошка бўй етиб, гул-гул яшнади, юзлари тонг нурлари каби қирмизи тус олди. Граф Янош ҳам вояга етиб, мўйлов ва бакенбард қўйди, ўн ойдан кейин у юридик факультетини тугатади, сўнгра уйланса ҳам бўлади. Бу ариқ суви орқали жўнатилган ёзишмаларда қайд этилди. Янош ўз мактубида васийси Иштван Фаининг (хотини Бернатлар оиласидан эди) олижаноб одам деб ёзарди. У ҳаммасидан хабардор экан, яқин орада, тахминан, троица кун графни балоғатга етган деб эълон қилади, шундан кейин Янош ўз мулкларининг ҳақиқий хўжайини бўлади. Демак, йигит севимли Пирошка билан бирлашишга халақит берадиган ҳамма тўсиқлар олиб ташланади; фақат қиз ғалати одам деб ном чиқарган отасини кўндирса бас. Янош, қизнинг отаси рози бўлмаса ёки унинг жумбоқларига жавоб беролмасам, нима қиламан, деб қайғурар эди. Туну кун у шу фикр билан банд, мана икки йилдирки, студент оналари Яношнинг кулганини «кўрмайдилар, патаклик қизлар уни «ғамгин Бутлер» дейдиган бўлиб қолишганди. Хорватнинг боғидан келган мактублар мумкин қадар унга таскин берарди: ота ҳамма айтгандек зодим эмас, опаларини сўраб келган куёвларни эса у қизларини ниҳоятда яхши кўргани, турмушлари яхши бўлсин, деб инжиқлик билан синаб кўрган. Мактубларнинг мазмуни қатъий бўлиб, биттасида эса ҳатто очиқ-ойдин, «Мабодо, отам рози бўлмаган тақдирда ҳам мен сеники бўламан, қаерга десанг, ўша ерга сен билан кетаман. Сени деб, истаса-истамаса, отамнинг уйини ташлаб кетаман. Фақат ёзиб юбор, шунга розимисан ёки йўқми?»— деб ёзилганди.

Граф Янош бунга жавобан:

«Йўқ, борлигим, рози эмасман, чунки сенинг бахтли бўлишингни истайман, ота ризолигида катта хосият бор: одатда ота ризолиги бахт ёғдусида кўринмайди; агар у бўлмаса бахт ҳам йўқ деган гап: ота қаҳри одамни бахти қаро қилади»,— деб ёзди.

Таътилнинг энг охирги куни отбоқар отларни аравага қўшаётганда охирги кемача жавоб олиб келди:

«Азизим Янош, кўнглингни тўқ қил, пасхагача — кейинги сафар келганингга қадар отам қалбини юмшатишга ҳаракат қиламан. Унгача илтифотига сазовор бўлишинг йўлини топиб қўяман. Отам антик шоирлар — Овидий ва Горацийларни яхши кўради — мана шу унинг қалбига йўл, ўшаларнинг шеъридан ўқи. Худо ёр бўлсин! Мени доим ёдингда тут».

Бу романтик севгининг болалик тарихи ана шундай. Беш йил давомида улар бир-бирларини ўн мартаба кўришса кўришди, кўришмаса йўқ, фақат бир сафар — ўрмондаги илк учрашув вақтида суҳбатлашишди, холос, шунга қарамай, мактуб орқали яхши таниш эдилар — ёзишмалар қалб кўзгулари бўлиб қолганди. Кемача узундан-узоқ туйғулар ифодаланган оғир юк кўтаролмай, фақат қуш тилидай мактубчаларнигина етказиб турса-да, ёшларнинг ўзаро йўлланажак фикр ва хабарлари сермулоҳаза, лўнда бўларди. Мактуб олган йигит ёки қиз қалби севги ҳарорати билан илир, уларнинг назарида мактубча том-том китоблардай туюларди. Кесилган сирень новдаси ҳам худди шундай бўлади: сўлийди, заъфаронлашади, бироқ уни уйга олиб кириб, сувли стаканга солсангиз, яна япроқ ёзади, бинафша ранг баргаклари тагин ажиблашади...

Еш граф мана бугун ҳам Дёрининг аравасидан ирғиб тушган ҳамона ўша-ўша зориққан ва сабрсиз ошиққа айланди-қўйди. Атрофдаги ҳамма нарса, дарахтлар, тепаликлар — барчаси севгилиси ҳақидаги хотиротни уйготарди. Янош тушдан кейинга зўрға етиб олди, ниҳоят, ширин орзулар оғушида боққа йўналди, ариқ ёқалаб Хорват боғини ажратиб турган деворга яқинлашди.

У панжарали омбор олдига келиб, олдиндан тайёрлаб қўйган кемачасини қўйиб юборди. Бутлер девор ортида Пирошка унинг мактубини кутаётганини биларди.

«Мен келдим. Ўз ваъдангни эсла».

Жавобини эса эртасига олишни мўлжаллаб қўйганди, чунки ариқ жилдирабгина оқар, тўғонга сув тўпланиб, орқага қайтиши учун бир кун вақт керак эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам: жавоб мактуби эртасига оқиб чиқди.

«Салом, азизим! Пасханинг иккинчи куни даданинг ҳузурига кир. Ундан мени қаллиқликка сўра, қолгани бир гап бўлар».

Бу студент ҳаётидаги энг ажойиб кунлар эди! Шундай қилиб, уч кеча-кундуздан кейин, пасханинг иккинчи куни ҳаммаси аён бўлади! Шундай бўлармикин, э, худо! Янош ўша дамни сабрсизлик билан кутар, кутарди-ю, қўрқарди. Бирдан чол «йўқ» деб унинг орзу-умидларини пучга чиқарса. «Орзу-умидимни-ку олиб қўёлмайди-я,— ўзига далда берди Янош,— ҳар ҳолда орзу-умидим ўзимники». Шундай дамлар бўлардики, у вақтни чўзгиси келарди, бироқ бундан ўзини тийди: мумкин эмас, Пирошка истабдими, майли, шундай бўлсин. Бутлер табиатан бир оз тортинчоқроқ бўлганлиги учун пасханинг иккинчи куни етиб келганда Хорват қўрғонига йўл олишга журъат этгунга қадар ўзига бир неча бор далда берди ва ниҳоят, юраги гуп-гуп уриб, аста, қатъиятсизлик билан қадам ташлаб, Хорватларнинг уйи томон йўналди. Бошқалар ҳайиқсин, мен ҳайиқмаслигим керак! У нима деб гапиришини яхшилаб ўйлаб олганди, бироқ дарвоза олдига келиши билан тўсатдан боши айланиб, қўрғоннинг марказий минораси кўз ўнгида чир айланганча қийшайиб томдан ажралди-да, ён минорага сапчиди, сўнгра шартта яна бошқасига ҳатларкан, боққа отилди, у ердан олисдаги дала — чексиз ястанган кўм-кўк бугдойзор сари елиб кетди.

Йигит ўзини ёмон сезаётганини баҳона қилиб орқага қайтмоқчи бўлди. Бироқ қайтишга ҳаққи борми? У-я, граф Бутлер-а? Ҳеч қачон! Ҳатто бошингни олишадди, дейишса ҳам қайтмайди! Бу фикр графга куч бағишлади ва у Муция Сцевола¹ сингари эшик тепасига боғланган болғачага қўлини узатди. Ҳозир йигит мард ва қатъий эди. Одатда бирор қарорга келишда қатъия-

¹ Муция Сцевола — афсонавий Рим қаҳрамони; эрамиздан аввал 507 йилда Римни қуршаб олган этрусс подшоҳи Порсенини ўлдирмоқчи бўлган. Муваффақиятсизликка учрагач, римликларнинг матонатини исботлаш учун ўз қўлини оловда ёндирган.

ти етишмай, режа тузишни маъқул кўриб қўя қоларди, лекин ишга киришди дегунча иккиланмас, чекинмасди. Унинг учун қўрқувдан ҳалос бўлиш яхши кўрган кўйлақдан ажрашдек қийин эди, бироқ кўйлақни ечиб ташлагандан кейин у ҳақда бошқа ўйламасди.

Янош болғача билан эшикни бир неча бор тақиллатди. Хизматкор Мартон эшикдаги дарчадан мўралаб меҳмон келганини кўргач, эшикни очди.

— Барин уйдами?

— Ҳа, уйда, марҳамат, киринг.

Хизматкор графни ҳар хил аппаратлар, колба ва реторталар билан тўла хонадан олиб ўтди, бу, чолнинг кимё лабораторияси эди. Кейинги хона Хорватники.

Столда бир нарса ёзиб ўтирган Хорват, дарров қозларни бир четга суриб қўйиб, патқаламни қулоғига қистирганча меҳмонга пешвоз чиқди. Мулойим табасум билан Яношга яқинлашди ва унинг иккала қўлини ушлаб, дўстона кўришди.

— Мен, граф Янош Бутлер бўламан.

— Биаламан, биаламан,— деди шоша-пиша Хорват.— Сизни таниётганим ва хонадонимга кирганингиз учун ғоят хурсандман, жаноб граф. Марҳамат, ўтиринг, қандай хизматлари бўлса бош устига.

Граф Янош дадиллашди-да, ўзи ўйлаб қўйганидек секин-аста ташрифи сабабига яқинлаша бошлади: хўш, десак, у жуда муҳим ва нозик масала юзасидан ташриф буюрган, айтгандай, бусиз ҳам анчадан бери жаноблари билан танишиш иштиёқида эди, чунки муҳтарам Хорват Гораций, Флакк ва Овидий Назонлар шеъриятининг мухлисларидан эканлар, йигит ҳам бу шоирларни юксак қадрлайди.

— Ҳм, демак, сиз Овидий Назонни ёқтирар экансиз-да, мен ўйловдимки...

— О, мен ҳамма шоирларни яхши кўраман,— берилиб давом этди Бутлер,— аллақачоноқ бу муҳаббатимни исботлашим мумкин эди-ю, маҳмаданалик бўлмасин деяпман.

— О, йўқ-йўқ, мутлақо ундай деманг! Лекин насрчилар ҳам ҳурматга лойиқлар. Ҳа, насрчилар. Уларда бирида кеча мен мегарцлар оч қолгани ва лакедемонликдан ёрдам сўрашга аҳд қилганликлари ҳақида ўқидим. Мегарцларнинг элчилари Спартага қелишган-да, нотиқ қўшниларга қарата ажойиб нутқ сўзлаб, ҳосилла-

ри ёмон бўлганлиги сабабли оғир аҳволга тушиб қолганлари ва ёрдамга муҳтожликларини баён этган. Спарталиқлар зўр диққат билан ажойиб нутқни... ҳа, ажойиб нутқни тинглаганларидан сўнг элчиларга бундай жавоб беришган: «Яхши одамлар, уйингларга қайтинглар-да, халқингизга бошқа элчилар юборишларини айтинг, сизлар ниҳоятда узун нутқ сўзлаганинглар учун нутқнинг бошланиши билан ўртасини унутиб қўйдик». Шундай қилиб, мегарц элчилари қуруқ қайтишган. Бир неча ҳафтадан кейин Спартага бошқа элчилар келишибди ва: «Бизда ҳосил бўлмади, очмиз, бизга ёрдам беринглар»,— дейишибди. Ушанда спарталиқ бир одам ўрнидан турибди-да, кулимсираб: «Э-эҳ, шунча гапнинг нима кераги бор! Бўш халтани кўрсатсанглар етар эди-ку!..»— дебди. Хўш, хўш, дарҳақиқат, сиз жаноблари ҳам шунга ўхшаш бирон нарса кўрсатсангиз бўлармиди.

Бундан осони бўлмайди. Деворда Пирошканинг портрети осифлиқ турар, унда сайёҳ рассом қизни илк бор кийган узун кўйлагига тасвирлаган эди.

Граф Бутлер шартта деворни кўрсатди.

— Тушунаман, тушунаман... Сиз бу ерга менинг қизим деб келгансиз, шундай.

— Мен уни севаман,— иқрор бўлди йигит, унинг овозида чуқур самимият сезилиб турарди.

— Э, шундайми? Бундан чиқди, Овидий Назонни эмас, қизимни... ҳа, қизимни яхши кўраркансиз. Хўп, ҳозирча ҳаммаси жойида дейлик, аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор, қиз нима деркин бунга?— чол бирдан жиддийлашиб, юз ифодаси ўзгарди.

— Пирошка ҳам мени севади.

— Нега бундай деб ўйлайсиз?

— Биламан-да.

— Қаердан биласиз? (У судьялардек Яношнинг кўзига тикилиб қаради.)

— Биласизми, мен сизга бир сирни очай. Мана, беш йилдирки, мен Пирошка билан хат ёзишиб тураман, қизингиз бу ҳақда хатида ёзган.

— Кемачалар орқали юборадиган хатларидами?— сўради чол беларволик билан.

— Ҳ-ҳа, ўша кемачалар,— гўлдиради граф Хорватга ҳаммаси маълумлигидан ҳайрон бўлиб.

— Бу ҳали ҳеч нарса эмас,— хахолаб кулиб юборди

чол,— гап шундай экан, мен ҳам сизга бир сирни очай, кадрли граф, ана шу кемачалар орқали беш йил давомида хат ёзишиб юрган мен эдим.

Граф Бутлер ранги гезариб, орқага тисарилди.

— Бу мумкин эмас!

— Йўқ, худди шундай, ҳа. Қизим Пирошка бу хатлардан мутлақо беҳабар. Исбот керакми? Марҳамат, мана, қаранг.

Хорват, Бутлер кириб келганда ёзаётган хатини олиб графнинг кўзларига тутди. Яношни чақмоқ ургандай бўлди. У ўзига жуда таниш, одатда кемачаларда сузиб келган мактуб ёзувларини кўриб турарди. Беш йил кандасиз аклини ром этган ўша чиройли ва бежирим юмалоқ ҳарфлар.

Саккизинчи боб

ҚИЗИЛ ГУЛ, ОҚ ГУЛ

Яношнинг юраги зирқирар, кўзларида ғазаб учқунлана бошлаганди.

— Муҳтарам афандим,— деди у ҳаяжонланиб, бўғиқ овозда,— сиз беш йил давомида мен билан қалтис ҳазил қилибсиз! Ўз қилмишингиз боисини тушунтириб беришингизни сўрайман.

Йигитнинг бурун катаклари кенгайиб, қони қочиб, кўзлари даҳшатли чақнарди.

Хорват Яношга завқ билан боқаркан, ўзича: «Ҳозирги кўриниши қандай чиройли-я! Афсуски, менинг шундай ўғлим йўқ-да!»— деб қўйди.

— Оббо, йигитча-ей!— ҳамдардлик билан жилмайдиган Хорват мутлақо хотиржам қиёфада.— Жудаям қизишиб кетяпсиз, майли, маъзур тутаман, чунки juvenventus¹...

— Ҳеч қандай «Ventus» эмас!— заҳархандали кесиб ташлади граф.— Сиз дворянликка эришгансиз, аммо кекса дворянлар ҳам ҳатто лотинча нақл билан қутулиб кетишга ҳақлари йўқ.

Кекса Хорват пинагини ҳам бузмади.

— Дворянлар, деганингиз тўғри, лекин сизга шунни айтишим керакки, йигитча, дунёда шунчаки «дворян»...

¹ Ёшлик — бебошлик... (Лотинча.)

дан зўр нарсалар ҳам бор, ўша дворян отадир, шундай қилиб, мен — ота ўз қизим қалбига кимдир жуда ҳам антиқа йўл — шарқироқ ариқ, гул солинган кемача орқали эга бўлмоқчилигини кўриб: «Ҳм, менинг қизимни ўғирламоқчимисан? У ҳолда йўлингга гов бўламан-да, аввал кимлигинг, қандай зотлигингни бир кўриб қў-й!» — деб ўйлашга ҳаққим бор.

Еш граф бу далил олдида ожизлигини билдирган маънода келишган бошини қуйи эгди.

— Беш йил давомида, бир томондан, ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслик, иккинчи томондан, қизчамнинг ички дунёсини билиб олиш учун сиз билан ёзишиб турдим. Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси орттирганим сабабли сиз билан... нима деяпман, сен билан, ўғлим, қалтис ҳазиллашдим. Ишонаманки, анчадан бери ёзишган мактубларимиздагидек сени сенсиранишимга қарши бўлмасанг керак, а?

Бу гапларни эшитган граф бир ери оғриётгандай афтини буриштирди, чунки ҳазил унга жудаям қиммат тушганди. Аммо Янош бу ёғи нима бўлишини сабрсизлик билан кутаркан, лом-мим демас, боши айланарди.

— Беш йил кам муддат эмас, ўғлим, бу вақт ичида сени яхши билиб олдим. Мен кенжа қизчамга ўзим қаллиқ танлашни аҳд қилиб қўйгандим. Мана энди сени танладим, вассалом-да!

Хорват қучоқ ёзиб, Яношни меҳр билан бағрига босди. Граф, афтидан, ҳеч нарсага тушунмай, чолга маъюс қараб турарди.

— Жин урсин, пима бўлди сенга? Қизимни қаллиқликка сўраш учун эмас, жанозага келгандай мунча мотамсаросан? Розилик олган йигит ҳам шундай кайфиятда бўладими?

— Сиз энг ноёб орзуларимни барбод қилдингиз, — чуқур қайғу билан жавоб берди Янош, — ҳузурингизга келишим зое кетмасайди, деб қўрқаман. Кечирасизу...

— Э, қўй-е! Хўш, Пирошка-чи?..

— О, Пирошка мени деярли билмайди. Ахир у аслида мутлақо менга бегона, нотаниш қиз, ҳар ҳолда мен билган, шунча йил борлигини англаб, қалбимга жо этган қиз эмас у.

— Хом хаёл бўлаверма, қароғим, ўтган ишга салавот. Энди буни фақат биргина тузатиш йўли бор, — чол қордек мўйлови остидан мулоғим жилмайди.

— Қандай йўл?— деб юборди Янош.

— Мени хотинликка олишинг керак, бироқ бундай *modus vivendi*¹ сенга ёқмаса керак, деб ўйлайман.

Бу гапдан Янош ҳам жилмайди.

— Кейин, биласанми, Пирошка сен билан ёзишмагани тўғри, лекин у ёзишишни хоҳлагани ҳам ҳақиқат. Бернешга бормаслигинг, у ерда сени ушлаб олишларидан огоҳлантириб ёзилган мактубли кемачани қизимнинг ўзи сувга оқизганди. Мен кемачани кўриб, ушладим-да, ҳеч нарса демай мактубни дастхатимда кўчйриб ёздим, қизимни эса анҳорга яқинлашмаслиги учун у ерни гов билан тўсиб қўйдим.

— Демак, қизингиз мендан ётсирамайди деб ўйлаيسىми, амакижон?— сўради граф Яношга жон кйриб.

— Уйлайман? Ўз ҳаловатим деб шунча йил студент билан мактуб ёзишиб ақлимни ебманми. Бундан кўра Қашши епископи билан хат ёзишганим яхши эди-ку. У ақллироқ ҳамқишлоғим ҳам. Йўқ, қизим сени ёқтиришини билардим.

— Ё тангрим, кошкийди шу гаплар ҳақиқат бўлса!— хўрсинди Янош.

— Ҳақиқат бўлмаса, тил тортмай ўлай.

— Ёқтиришини қандай билиш мумкин?

— Жудаям осон-да, ўзидан сўраймиз-қўямиз!

— Хўш, қачон?

— Шу заҳоти, ҳозироқ.

— Шу ерда, менинг олдимда-я?

— Ҳа, сенинг олдингда.

— Йўқ, йўқ,— шошиб қолди граф,— севмайман, дегудай бўлса, юрагим пақ ёрилиб кетмасин.

— Жин ҳам урмайди, тентак!— Хорват шундай деб эшикни очди: Янош қаршисида биридан-бирига ўтиладиган қатор хоналар намоён бўлди.— Пирошка! Пирошка!— чақирди чол.— Бу ёққа кел!

Бир, йўғ-э, ярим дақиқа ҳам ўтмай (бироқ бу вақт Янош назарида мангудек чўзилиб кетди), қўшни хонада кўйлакнинг шитирлаши эшитилди. Янош юқоридан берилган буйруққа итоат қилгандек, кўзини юмди. Енгил шабада эсгандай бўлди — бу қиз кўйлагининг ши-

¹ Турмуш тарзи. (Логинча.)

тирлаши эди — деразанинг кўк пардалари орқали сингиб кираётган қуёш шуъласи сезилди. Сўнгра қизнинг майин овози эшитилди:

— Шу ердаман, дадажон, лаббай?

Янош қизнинг гапини эшитиб кўзини очди; унинг назарида кўзлари очиқ бўлса ҳам ҳеч нарса кўрмаётгандек туюла бошлади, ҳолбуки, сал олдин, кўзи юмуқлигида хонадаги рўй бераётган барча борди-келдиларни пайқаётганди.

Остонада турган шарпа янглиғ Пирошка гўё жони йўғу, девордаги суратдан пастга тушиб, ичкарига боқаётгандек эди. Аммо у бошқа кийимда. Одми чит кўйлагига, оппоқ пешбанди қоматига ярашиб турар; енгини тирсагидан юқори шимариб олгани учун гилос гулига ўхшаш қирмизи қўллари яққол кўзга ташланарди. Ҳозир қизнинг ана шу қўллари беҳол шалвираб тушган, синдирилган нилуфар каби боши ҳам қуйи эгик. Шунга қарамай қанчалар гўзал-а, Пирошка!

— Сени муҳим бир гап боисидан чақиргандим, оппоғим. Яқинроқ кел. Нега бундай ғалати кийиниб олдинг?

Қиз қадди-қомати, пешбанди, қўлларига қараб қўйгач, қизариб кетди. Кейин шоша-пиша енгини тушира бошлади.

— Фрида билан ошхонада идиш-товоқ юваётгандик, билмабман... вой ўлмасам!..

— Бу қанақаси? Жўнаб қолмоқчимисан? Сираямда. Бу ёққа кел, яқинроқ... Ҳа, менинг ёнимга!

Қиз отасининг орқасида, оёқ учида тураркан, иягини отаси елкасига тирагач, ниҳоят, ер остидан меҳмонга маъсум нигоҳ ташлади.

— Қани, бил-чи, граф Бутлер ҳузуримга қандай мақсадда келган?

— Қайдам, дадажон, билмадим,— аста жавоб қайтарди Пирошка базўр.

Бутлер беихтиёр ойпараст одамдек каловланганча олдинга бир қадам ташларкан, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кекса Хорват уни тўхтатиб қолди.

— Ўзим айта қолай, хўш, йигитча сенга уйланмоқчи. Ие, нега менга бундай ҳайрон бўлиб қараяпсан? Қулоқ сол: энди бу ёғи сенга боғлиқ. Севсанг, унга тег. Йўқ десанг, рад жавобини бер. Қалбинг буюрганини қил!

Қиз одамлар кўзига кўрингиси келмагандай бошини куйи эгганча отаси панасига биқинди.

Орага чўккан жимликда ёш юраклар тегиши эшитилаётгандек туюларди.

— Хўш, тилинг бор-ку, гапир ахир!

Қиз лабларини тишлаб, индамасди. Фақат девор соатининг чиқ-чиқи эшитилар, капгир эринчоқлик билан у ёқ-бу ёққа бориб келарди.

— Нега мум тишлаб қолдинг? Орқамга биқинганинг нимаси тағин? Мен сенга тўсиқ эмасман-ку! Қани, бу ёққа ўт-чи, йўқса, жиним кўзий бошлади.

Кекса Хорват дераза томон силжиганди, қиз ўзини кўярга жой тополмай қолди. Унинг туриши тирговучи олиб ташланган нимжон гулга ўхшар, ўзини дунёда ҳеч кими йўқ танҳо одамдай сезаркан, аъзойи бадани дағ-дағ титради.

Пирошка яна яқинлашиб, отасининг кўксига бош қўйди.

— Вой ўлмасам, номус-ку ахир,— деди у эшитилар-эшитилмас.

— Балки ҳали бир қарорга келмагандирсан? Уйлаб кўрмоқчимисан?

— Йўқ.

— «Йўқ»инг нимаси! Ҳалиям бирор тўхтамга келмадингми ёки уйлаб ўтирмоқчимасмисан?

— Билмадим, бошим қотди,— жавоб қайтарди қиз уйку аралаш гапираётгандай.

Чол тоқати тугаб, пешанаси тиришди.

— Вой кўрқоқ-эй! Аёл бўлганингда нима қиласан бу аҳволда? Ҳали қизалоқсан. Ҳозир сенга бу ҳақда гапириш эрталигини ўзим ҳам кўриб турибман. Жавоб тайёр экан. Агар Бутлерни ёқтирганингда уялиб-қимтиниб ўтирмасдинг, чунки муҳаббат, агар билсанг, ҳар нарсадан устун туради. Майли, гап тамом, бўлмасам. Хоҳласанг, хонанга чиқиб кетаверишинг мумкин.

Бироқ қиз апил-тапил отаси кўксига ёпишди-да, бирдан бўйнидан қучоқларкан, қулоғига нимадир шивирламоқчи бўлиб, унинг катта бошини пастга эга бошлади. Чол баданига ботган қизил зиракдан шикоят қилиб, нимадир гўлдиради.

— Қўйлагимдан уяляпман,— шивирлади қиз.

— Ҳи-ҳи-ҳи,— мулойим кулди чол,— вой эси йўқ-эй! «Бу кўйлақда уяламан», дейди-я! О, Момо Ҳаво! Енгил-

так Момо Ҳаво! Аёл зотига қанчалар бемаъний истаклар сингдиргансан-а! Майли, бор, кўнглингдагидай кийиниб кела қол. Яна шуни айтайки, жавоб бериб ўтиришинг шарт эмас. Бутлерни севсанг, сочингга қизил гул, севмасанг, оқ гул қистириб кел.

Пирошка югуриб чиқиб кетди. Бутлер хўрсиниб қўйди: «Қайтиб келмайди у». Қаердандир ўша пайтлари Париждан ўрганиб келинган шўх қўшиқ эшитилди:

Гренобль қопқасида
Шўх қушлар навозиши:
«Гра-ля-ля, тра-ля-ля,
Эҳ, тентак қушчагинам!»

Қўшиқ тобора узоқлашиб, охири эшитилмай қолди. Чол трубкани чекди, сўнгра унга яна тамаки тўлдирди. Бутлер эса, ҳижрон гирдобида гоҳ умидвор бўлар, гоҳ умидсизликка тушиб, фикри тинимсиз чувалашарди: «Ана, қиз кийиняпти, тизимчасини ўтказишяпти, ана, Пирошка хизматкорни гул узиб келиш учун жўнатди. Аммо қанақа гул? Қизилми ёки оқ гулми? Хизматкорга аён. Қандай бахтли у!— Янош сабрсизлик билан соатига қарарди.— Ҳаяллаяпти. Пирошка! Бирдан келмайдиган бўлиб, хизматкорлардан боши оғриб қолганини айтиб юборса-чи?»

— Қачон тўй қилмоқчисан?— сўради чол янги тамаки солинган, суст тутаётган қов тезроқ чўғлансин учун трубкани силкитиб.

Бутлер чўчиб тушди.

— Бир нарса дедингизми?

Нам қов чўғлана қолмас, чол ўз иши билан овора бўлса-да, асосий масаладан чалғимасди.

Шу пайт эшик очилиб, хонага Пирошка отилиб кирди. Қиз ўша-ўша кўйлақда, сочига ял-ял ёнувчи қизил гул қистириб олганини кўрган Хорват билан Янош ҳайратга тушишди.

— Чиройли кийинганинг шуми?— пўписа билан сўради чол бош ирғаб.

— Ҳа, дада, ахир елпиғичим ҳам бор-ку.

Э-ҳа, елпиғич! Тўғри, шу етишмаётганди, Пирошка энди уялиб-қимтиниб отаси панасига яширинмай, юзини елпиғич билан тўсиб қўя қолади.

Елпигич ўзи кичкина бўлса ҳам, аммо нафи кўп, одамни дадиллаштиради. Энди қиз ҳеч нарсадан ҳайиқмас, ҳар қалай, у ўзини дадил тутарди.

— Эҳ, аёллар, аёллар!— ҳазил аралаш хитоб қилди чол осмонга қараб.— Ҳамманглар шунақасизлар ўзи! Демак, ёнингда қурол билан келибсан. Ҳатто жавоб тариқасида чаккангда қизил гул ҳам бор.

Хорват шундай деркан, Бутлерга кўз қисиб қўйди.

— Қўрдингми? Сенга нима дегандим? Қани, яқинроқ бориб, қаллиғингни ўп-чи.

Бутлер мамнун қиёфада қиз томон дадил қадам ташлади. Пирошка ҳам унга пешвоз юриб, йигитга юзини тутаркан, паст овозда:

— Гулингизни олинг,— деди.

Бутлер қўллари титраб, қизнинг тилла ранг ажойиб сочларига қистирилган гулни аста суғурди:

— Миннатдорман.

Сўнгра қизнинг сочига лаб босди-да, гулни камзулига қистириб қўйди. Пирошка йигит кўксигаги ўзи тақдим этган гул ёнига бош эгди.

Хорват эса, трубкаси кучлироқ чўғлансин учун уни яна силкитаркан, аввалги саволини такрорлади:

— Хўш, тўйни қачон ўтказмоқчисиз?

Тўққизинчи боб

БЕКА ЯСАН-ТУСАНИ

Тўй? Ҳозир бу ҳақда ким ҳам ўйласин! Расмана зориқиш, тезроқ тўй-томоша ўтказишга интилиш ҳали барвақтроқ: ҳозирча булар ҳаммаси олдинда, келгуси кунлар кечинмаларигина, холос.

Ҳозир келин билан куёв ёнма-ён қўл ушлашиб, бир-бирларини кўзларига тикилиб ўтиришлари, Пирошканинг чит юбкаси йигитнинг тиззасига тегаётгани ва Янош қўли билан қизнинг тўзғиган сочини тўғрилаб қўйишидан бахтиёр эдилар. Бу дақиқалар ҳозир уларга меъдага тегмайдиган ширинликдай туюларди. Қанчадан-қанча ёқимли саволлару устамонона жавоб қайтаришлари!.. Бундай жавоблар ҳатто кўр мушукчага ҳам тушунарли эди.

— Уша ўрмонда Жига икковинглар менга тухумча берганинглар ёдингиздами?

— О, бўлмасам-чи! Ушандаёқ сизни севиб қолгандим.

— Наҳотки? Мен ҳам ўша заҳоти кўнгил бергандим сизга!

— Ростданми?

— Нима, ишонмайсизми?

— Йўғ-э, ишонаман, фақат менга бундай маънос қараманг.

— Ҳали шунақами? Кўзларим ёқмаяптими сизга?

— Нималар деяпсиз? Мен бутунлай бошқа нарсани айтмоқчийдим.

Улар ариқча лабида ўйнаб, ҳар бир тош мазасини ялаб билмоқчи бўлаётган болакайлардай ҳамма нарсани билиш, аниқлашга интилардилар.

— Қани, айтинг-чи, азизим, дадангиз ҳузурига келганимда нима деб ўйладингиз?

— Нима деб ўйладим? Ҳа-я, қандай хаёлга борувдим ўзи? Бўлди, топдим: лочолашга келгансиз деб ўйловдим...

— Тўғри ўйлагансиз, бугун атир сепадиган кун... Сепасизми?

— Нима деяпсиз? Бу, биз анави... ҳам, биласизми... бизга ўхшаганларда одат эмас...

— Наҳотки, фақат лочолаш ҳақида ўйлаган бўлсангиз? Бирон нарсани сезмаган бўлишингиз мумкин эмас. Иқрор бўлаверинг!

— Ростини билгингиз келяптими?

— Ҳа, тўғрисини айтинг,— аста ва мулойим илтимос қилди граф.

— Назаримда, нега келганингизни билгандим шекилли.

— Демак, сизни севишимни сезган экансиз-да?

— Темирчидан билиб олувдим.

— Темирчидан? Қандай қилиб?

— У болтача қайратганингизни айтганда, менинг ўрнимга дарахт кесаётганингизни сездиму, қаттиқ таъсирланиб кетдим.

— Бундан чиқди, ўтинчиларга ўхшаб ҳалол меҳнатим билан нон пули ишлабман-да?

— Нега энди?—ўпкаланиб лабини чўччайтирди қиз.— Нима, мен сиз учун фақат нон пулиманми?

— Нималар деяпсиз? Сиз мен учун қанду новвот-сиз! Кечирасиз, бахтимсиз!

Шундай қилиб, уларни сон-саноқсиз жуда муҳим масалалар қизиқтирарди. Суҳбатларининг кети кўринмас, аразлашса, қовоқларини уюшар ва шу заҳоти яна ярашардилар. Мана, кекса Хорват тескари ўғирилди-да, қадимий баҳайбат буфетдан вино идиши қидира бошлади. Янош худди шуни кутиб туранди ўзи, ахир Хорват улар нима қилишаётганини кўрмайди-да. У Пирошкани ўпиб олди. Қимки бўса мазасини тотиб кўрса, уни бошқа нарсалар қизиқтирмай қўяди. Ҳозиргачан ёшлар фақат ўзаро тикилишиб, бир-бирларининг дам қизариб, дам оқаришларини кузатишдан завқланардилар. Энди эса, иккинчи босқичга ўтарканлар, чол қачон деразага ўғирилиб, ҳавога булут чиққан-чиқмаганлигини кузатишга киришишини кута бошладилар.

Учинчи босқич — кечга томон, хайрлашув вақти келиб, Янош Пирошкага хайрли тун тилаганча уйга кетганда бошланади. Энг азоби ҳам худди шу! Биринчи кун, майли, бир нави, аммо иккинчи куни норозилик тугилади. Дарровданлигини қаранг! Ҳа, тушунарли, севги оташи етилтиради-да, бу норозиликни! Кечаси қувончлардан нишон ҳам қолмай, юракка ғулғула тушиб: «Тўй қачон бўлади ўзи?» саволи кўндаланг бўлаверади.

— Дарвоқе, тўй қачон бўлади ахир?

Июль охиридан олдин эмас, чунки аввал университетни тугатиш керак: гарчи, Бутлерлар ҳаммаси туғма саводли бўлсалар ҳам, граф Янош Бутлер маълумот олгандан сўнггина уйланиши зарур. Троицадан олдин тўй ўтказиш ноқулай, чунки Пирошка студентга теккан бўлади. Ҳаммаданам ёмони, университетдош ўртоқлари эпиграмма тўқишлари мумкин. Бутлерни жон-дилидан яхши кўрувчи профессор Кёви нима дейди ахир? Йўқ, яхшиси, тўй июннинг охирида, Петров кунида бўлгани маъқул.

Шунга келишилди ҳам.

Тўғри, ҳали вақт кўп, бироқ қилинмаган ишлар ҳам кам эмас. Бутун қариндош-уруғларни хат ёзиб хабардор қилиш, Вена ва Қашшида сепга зарур бир дунё майда-чуйдалар буюртириш керак.

Чопар ўша куниёқ от эгарлади-ю, Бутлернинг ҳомийси Иштван Фаини унашувдан хабардор қилиш учун Патак сари елиб кетди. Фаи куёв билан келинга тантана-

ли табрик мактуби ва Яношни кутилмаганда хурсанд этувчи, анча бурун тайёрлаб, вақтинча стол галадониди сақлаб қўйган графнинг балоғатга етганлиги ҳақидаги гувоҳномани ҳам юборди. Яношнинг ҳомийси никоҳга розилик билдириб, оталарча фотиҳа берибди. Ўзи ҳам муҳтарама келинини табриклаш учун келар экану, бироқ лаънати бод ўрнидан қимирлатмай қўйганмиш. Мактуб билан бирга Бутлерлар никоҳ пайти қаллиқларига тақдим этишадиган машҳур оилавий зумрад шода ҳам юборилганди. «Бу шода,— деб ёзганди Фаи мактуб сўнггида,— бир вақтлар швед қироли Карл ХІнинг онасига тегишли эди, айтишларича, шода эгаси жуда ҳам бахтли бўлар эмиш».

Бутлер Патакка чопар юборар экан, унга шаҳардаги заргар Михай Буйдошо заргарлик дўконига кириб, бири каттароқ, иккинчиси кичикроқ иккита тилла никоҳ узуги сотиб олишни ҳам буюрди.

Яна бир отлиқ йўлга тушди: у Бозошдаги хўжалик бошқарувчисига граф Бутлернинг мактубини олиб кетди. Еш граф хатида пул ҳам, меҳнат ҳам аямай, қўрғон ва боғда тезроқ тартиб ўрнатиш лозимлигини буюрган, чунки июнь ойининг охирида ўша ерга бориб яшаб қолишини айтганди. Боғбонга эса, боққа иложи борича кўпроқ гул экиш тайинланганди, негаки, граф билан бирга гулни жуда ҳам севадиган кимса борармиш. Ҳамма дарахтлар оралиғига «учқунлар» деб аталмиш чиннигуллар экилиши керак. Мактубда ҳовуз ҳам тилга олинган, у тозаланиб, балиқ солиб қўйилиши буюрилганди. «Шу хатни олувчи, Пардани ҳамда Трансильваниядаги мулкларим бошқарувчилари Ференц Ногал ва Йожеф Габорлар билан алоқа боғлаб, мазкур мулкларимдаги кўп сонли булбуллардан бир қисмини Бозошдаги имениям боғига ўтказса-ю, қушлар ўша ерда сайраб туришса...»— деб ёзганди граф.

Янош хатини Хорватга кўрсатганида, у кулавериб ичаги узилай деди.

— Булбуллар тутулиб, бошқа жойга кўчирилгандан сўнг ҳам сайрашини бир кўриб қўйганим бўлсин. Ҳовуз масаласида эса бир оз хомроқ ўйлабсан. Император Гелиогабалус¹ уйланганида атрофга хушбўй ҳид тара-

¹ Гелиогабалус (эрамизнинг 218—222 йиллари) — маишат ва ишратдан боши чиқмаган Рим императори.

либ турсин учун бутун бир кўлни гул мойи билан тўлдиришни буюрган экан.

— Мен ҳам ҳовузни гул мойи билан тўлдирайми?

— Тентак экансан! Ахир бутун дунёдан йиққанинда ҳам бунча гул мойи тополмайсан-ку! Ўзингу менинг бойлигимни қўшиб сарфласанг ҳам...

Уч кундирки, Янош ўзини бахтли сезарди. Тўғри, Хорват ҳамма қариндош-уруғларига унашувни хабар қилиб бўлган, аммо Янош ўз бахтиёрлигини Бернатлар оиласидан ҳамон пинҳон тутарди. Мана, таътилнинг охириги кунни ҳам етиб келди. Эрталаб Патакка жўнаш керак. Бернат хола йўлга нон ёпиб, ғоз қовурган бўлса-да, уйдаги ҳеч ким Бутлер сиридан воқиф эмасди. Янош ўзини ноқулай сезар ва хижолат чекарди. Айниқса, бирор хунук гап-сўз чиқиб қолмасайди деб қўрқар, чунки у Бернатлар собиқ вино тайёрловчини ёмон кўришлари, Хорват билан йигирма йилдан бери гаплашмасликларини биларди. Аммо хоҳланса-хоҳланилмаса, жўнаш олдидан бор гапни чол-кампирга айтишга тўғри келади. Фақат шундай қилиш керакки, очиқ кўнгил қариялар мумкин қадар ранжишмай, ҳамма иш енг учида бажарилиши лозим. Лекин қандай қилиб? Янош ҳийла ишлатмоқчи бўлди-да, лип этиб бека куйманаётган ошхонага кирди (шу пайт бека эҳтиётсизлик қилиб, жўжани босиб ўлдирган хизматкор аёл юзига шапалоқ тортаётганди).

Яношга кўзи тушган кампир:

— Йўлингларга ғоз қовураётгандим, ўғлим, ўзиям тез етилиб, семизлиги бошига етди. Яна икки кун боқилса, бунданам семириб кетарди. Аммо илож йўқ, ўқи-мишлиларни куттириб бўлмайди. Қара, духовкада қандай қизариб пишди жонивор,— деди.

— Раҳмат, холажон, ҳозир ғозданам зарурроқ ишим чиқиб турибди.

— Биламан, ҳай муғамбир, яна Оласрёскада, Дёрининг уйида тўхтайсизлар, росаям базми жамшид қиласизлар. Фақат эҳтиёт бўл, тагин гўзал баронессага ошиқ бўлиб қолмагин.

— Аллақачон ошиқман, холажон.

— Нима дединг?— ҳайрон бўлиб сўради бека.

— Мени ёқтирмай қўйдингиз деяпман, холажон!

— Ҳай, ҳай, ҳай, бундай дейишга қандай тилинг борди? Ҳаҳ, кўзинг тешилмасин, уятсиз...

— Холажон, менга ҳатто қиё ҳам боқмаяпсиз-ку,— айёрлик қила бошлади Янош.

— Нега боқмас эканман? Мана, ҳозир ҳам қараб турибман-ку.

— Онт ичиб айтаманки, мана, уч кундирки, қўлимга аҳамият бермаяпсиз.

— Нима? Лат-пат едингми?

— Ана, кўрдингизми, қўлимда нима борлигини сезмаяпсиз ҳам.

— Яра чиқдимми?

— Йўқ. Бир қаранг-а ўзи, холажон...— Янош шундай деб, яширган нарсаси бор мақтанчоқ боладай ўнг муштумини ёзиб юборганди, бармоқларининг бирида муҳрли узук билан ёнма-ён турган силлиқ узук кўри-ниб кетди.

Бернат хола қўлидаги чўмични тушириб юбораркан, узукка хавотирли бақрайиб қолди.

— Уни кимга бермоқчисан, хўш?

— Узукними? Улсам ҳам бировга бермайман! Совға қилинди-ку.

— Ким совға қилди? Қани?..

Йигит муғамбирона жилмайди:

— Ўзингиз топинг-чи, холажон.

— Топишмачоқ айтиб ўтиришга тоқатим йўқ, аммо ким берганини ҳозироқ айтмасанг, граф бўлганингга ҳам пушаймон едириб қўяман. Сени шу умидда чақалоқлигингдан авайлаб ўстирганмидим? Қилигингни-чи...— Кампирнинг ёқимли кўзлари бир зумда жикқа ёшга тўлди.

Янош кечирим сўраб, аёлнинг қўлларини ўпгач, қулоғига энгашди-да, наздида кумушу тилладан ҳам жарангли, гавҳардан ҳам ёрқин, дилрабо куйдай бўлиб қолган исми шивирлади:

— Пирошка Хорват! Пирошка Хорват!

Кампир индамай, орқамдан ичкарига кир, деган ишора қилди. Янош қўрқиб, холам худди болалигимдагидай мени тахтага чўктирмоқчи шекилли, деб ўйларди.

— Қани, нима гап бўлганини бир бошдан гапириб бер,— деди хола камситилгандай жиддий қиёфада.

Янош бўлган воқеани батафсил айтиб берди.

— Уч кун бурун бўлганмиди?

— Ҳа, холажон.

— Уч кунгача индамай юравердингми?

— Ҳа, қийналсам ҳам индамай юрдим, чунки бечора Пирошка бу ёққа келмоқчи бўлганди, сизга айтишга ботина олмадим.

— Яхши иш қилмабсан, Янош. Менга деса, жаллоднинг қизини олмайсанми: у сеникими, демак, менинг ҳам қизим бўлади. Бечора олдимга келмоқчи бўлувди, дедингми?

— Ҳа.

— Хўш, нима деб жавоб бердинг унга?

— Сени совуқ кутиб олишмасайди деб қўрқаман, дедим.

— Ана холос! Шундай дедингми ҳали?— жеркиб ташлади кампир, сўнгра эшикни ланг очди-да:— Ҳей! Панна, қани, қора шоҳи кўйлагимни топ-чи!— дея буюрди.

— Наҳотки борсангиз... ўша ергами?

— Ҳа, худди ўша ерга, ҳозироқ. Келинчаксиз қайтиб келмайман.

Граф Янош бекага ҳайрат билан қараб қолди. Наҳотки, бу ўша Бернат хола бўлса? У муъжизага ишона бошлаганди. Балки азиз онажони тирилиб келгандир. У онасини Бозош қўрғонидаги залда осифлиқ суратидангина биларди, холос, чунки онаси ягона ўғли Янош учун ҳаётини фидо қилиб, туққану нобуд бўлганди.

Бироқ унинг рўпарасида онаси эмас, атиги Бернат хола турган бўлса ҳам; Янош қандайдир номаълум куч таъсири остида унинг бағрига бошини қўйиб: «Онажон, қадрдон онажоним!» дерди.

Бека ростанам ясан-тусанини бошларкан, ўша пайт расмига кўра, гажак ясаб, шоҳи кўйлак кийди, гавҳар маржон таққач, дастрўмолига атир сепди-да, қулоқларига қора дурли зирагини тақди (айтишларига қараганда, бундай дур фақат инглиз қиролининг тожида бор экан), сўнгра гусарига¹ нақ тўрт қадам орқада салобат билан мантилья кўтариб боришни буюрди, йўқса, ярамаснинг соябон билан калла суягини ёриб ташлашлигини айтди.

Бернат хоним гарчи уйда ўзини жудаям содда тутса-да, истаган пайтида бойвучча қиёфасига кира олар,

¹ Гусар — гусар формасидаги бадавлат дворянларнинг хизматкори.

бемалол Вена саройидаги фрейлина ўрнини эгаллашга ҳам қурби етарди.

Янош айвонда холасининг Пирошка билан қайтиб келишини интизор кутиб ўтирди. Қуёш ботай деса ҳам улардан дарак йўқ эди. Қампир шунча вақт нима қилаётганикин у ерда?

Мана, қуёш ҳам бота бошлади, ҳалигина ўйноқи чурлари холанинг ёғоч челакага ўтқазилган гулларини ёритиб турганди, энди эса, ортиқ кутишни истамай го-йиб бўлмоқчи. Қуёш Пирошкани кутмай, ботиб кетиши Яношга қизиқ туюларди.

Шу пайт даладан қайтиб келишган ота-бола Бернат хонимни сўрашди. Нима деб жавоб бериш керак?.. «Барибир энди сир тутиб бўлмайди»,— деб ўйлади ўзи-ча Янош ва:

— Хорватларникига чиқиб кетдилар,— дея жавоб берди.

— Нима, эсини еганми?— ҳайрон бўлиб сўради Бернат чол.

— Йўқ, эсини еган мен, амакижон!

Янош энг ноёб сир: Пирошка Хорват унга унашиб қўйилганини яна бир марта ошкор қилишга мажбур бўлди. Бу сафар сир очишида Янош унчалик қийналмади-гина эмас (одам ҳамма нарсага кўникиб кетаркан), ҳатто батафсил гапиратуриб ўзи ҳам ҳузур қила бошлади.

Бернат чол камгап бўлгани учун фақат:

— Оббо, ҳамоқат-эй! — деб қўярди, холос.

Жига бўлса, кутилмаган хабардан ҳуши учай дерди.

— Менга қара, худди эртақдагидай-ку! Шу пайтгача ҳеч нарса сезмабман-а! Мендан яшираётганингни-чи! Шошмай тур ҳали, муғамбир!

— Узр, азизим Жига, ўзим ҳам шу пайтгача уйқусида жомхонага кўтарилаётган ойпарастдай тимирскиланиб юргандим.

— Хўш, чол Хорват жумбоқ ечиш топширдими?

— Фақат бир марта топшириб, жавобини ҳам ўзи айтди. Мен беш йил давомида уларнинг боғидан ўтадиган анҳор орқали Пирошкага кичкина кемачаларда мактуб юбориб турдим. У ҳам худди шу йўл билан менга жавоб ёзаверди. Бир-биримизга севги изҳор қилганимиздан кейин уларникига келиб, бор гапни отасига айтдим. Хорват чол менга, Пирошка мактублар ҳақида ҳеч

нарса билмайди, чунки мен билан Пирошка эмас, унинг ўзи хат ёзишиб турганини айтганда, қай аҳволга тушганимни тасаввур этиб кўравер. У, бўлажак куёвимни яхшироқ билиш учун шундай қилдим, дейди.

— Қойил-э! — деди кекса Бернат. — Бундай яхши ота ёмон одам бўлиши мумкин эмас.

Яношнинг ҳикояси чолга қаттиқ таъсир қилиб, ҳаяжонлантириб юборди. Бернат сеvimли креслосидан турди (креслонинг арслон панжасига ўхшаш оёғига доимий кузатиш дурбини суялган бўлиб, у билан хўжайин далаларидаги крепостной деҳқонлар қандай ишлаётганларини назорат қилиб туриши мумкин эди) ва айвонда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У фикран ўзи билан ўзи баҳслашаётгани юзидан сезилар, нимадир деб гўлдираганида айрим сўзлари йигитлар қулоғига ҳам чалинарди.

Комитатда Жиганинг отаси «адолатли Бернат» деб ном чиқарган, у ана шу лақаби билан фахрланарди. Бироқ ҳозир ўзича ростданам адолатлиманми, бундай номга лойиқмикинман, ҳар доим ҳам оқлаб келаётганмикинман лақабимни, Хорватга муносабатим доимо ҳаққоний бўлганми, дея хаёл сурарди.

Ниҳоят, бека қайтиб келди. Тўғри, бир ўзи, Пирошкасиз келса ҳам бироқ хурсанд ва энгил ҳаракат қиларкан, худди, чамаси, йигирма йилга яшаргандек, кўлагини шилдиратганча зинадан қушдай энгил кўтарилди. Бернат чол майда қадам ташлаб, ҳеч нарсадан хабари йўқдай унга пешвоз чиқди.

— Онаси, қаерларда юрибсан?

— Боғдайдим, отаси, — ҳазиломуз жавоб берди Бернат хоним болаларнинг машҳур шеъри сатри билан.

— Нималар кўрдинг?

— Чол-кампир иккаламизнинг аҳмоқлигимизни кўрдим.

— Наҳотки? Нега ундай дейсан?

— Чунки биз доимо Хорватнинг ажойиб оиласини менсимай устидан кулиб келган эканмиз, ваҳоланки қўшниларимиз билан осойишта, аҳил яшашимиз керак эди.

Худди шу фикр кекса судьяга ҳам тинчлик бермасди, мана, энди хотини гап очяпти шу ҳақда. Қизиқ, аёл киши кўнглингдагини сезса-я! Бернат чол гапни чалғитиш учун шоша-пиша яна савол берди:

— Хўш, ойиси, яна нималарни кўрдинг?

— Жигамизнинг меровлигини! Нақ бурни остидан шундай дилбар, гўзал, биз тарафларда яқин орада дунёга келмаган энг асл қизни илиб кетишибди! Ахир Бернатлар доимо нимаики истаганларига эришиб келганлар-а!

Бернат чол ва Жига хахолаб кулиб юборишди, фақат Яношгина безовталаниб, хавотирланаркан, нега «дилбар қиз» келмади, деб сўради.

— Ҳозир келади. Кийиниб, қушчаларига дон сепиб келармиш. Бизникида қаҳва ичади. Ҳой, Эржи, Панна, Борка! Қани, тезроқ! Кастрюлькада сут қайнатинглар. Сен қара-чи, қовурилган қаҳвамиз бормикан! Буфетдан энг чиройли чинниларни олгин-да, княгиня Ракоци хонасидаги столга оқ Дамашқ дастурхонини ёз. (Бека «княгиня» хонасига фақат энг ҳурматли меҳмонларни таклиф этарди).

Сўнгра хонимнинг ўзи ҳам дам у, дам бу буфетга яқинлашиб, кейин омборхонага кираркан, гоҳ матога ўралган бисквит олиб чиқар, гоҳ бир бош узум ёки Вена саройи қандолатчиси Нельвайс тайёрлаган асл конфетлардан келтирарди. Бу ширинликларни уч йил бурун жаноб Михай Лонаи Бернатларнинг олтин тўйига бериб юборганди.

Югур-югурда бека остонадаги эрига урилиб кетиб бечорани йиқитиб юбораёзгани учун кечирим сўрагандай унинг нуроний соқолини мулойим силаб қўйди.

— Жаҳлинг чиқмасин, эзма чолим, Хорват ҳалол, олижаноб, у билан ярашиб ол.

Чол жаҳл билан хотинининг қўлини силтаб ташлади.

— Ақлинг етмаган нарсага тумшуғингни тикма.

— Улай агар, у яхши одам, бундан ташқари, Яношши ҳам хурсанд қиласан.

— Агар анави лаънати «қизил ичимлик» билан шуғуланмаганида эди...

— Ароқ тайёрлаш шунчалик катта гуноҳми? Меннинг ўзим қанчалаб ичимликлар тайёрлаганман-ку, ахир! Шунга қарамай, ҳануз менга ҳурматинг зўр.

— Тўғри, лекин сен одамларни алдамагансан!

— Нега алдамас эканман! Эсингдами, касал бўлиб ётганинг? Ушанда бузоқ гўштили дўлмани сариегда қовургандим. Сен, қанақа ёгда қовурдинг, деганингда, чўчқа ёгда, деганман.

— Бўпти, бўпти! Нима, сени билмайди, деб ўйлайсанми? Одамни заҳарлашга ҳам қодирсан.

Оқибат шундай бўлдики, бегойим кўз ёши қила бошлади (Бернат хоним сал нарсага ҳам оби дийда қила-верарди), барин эса хотинини овутиб, кечирим сўрашга тушди, чунки у бека гўзал меҳмонни кўзлари қизариб кутиб олишини истамасди.

— Фақат йиғлама, кўз ёшига ҳеч тоқатим йўқ. Биламан, ўлгудай муғамбирсан! Бас, тинчлан, Хорват тўғрисида ўйлашиб кўраман.

Кўп ўтмай, Пирошка билан мадемуазель Фрида кириб келишди. Кекса барин ўзини шундай тутдики, Бернат хонимнинг юраги қувончдан дукиллаб кетиб, ўзича: «Эрим қандай яхши-я!» деб қўйди.

Бернат чол стол ёнида меҳмон қизга ҳеч ким мулозамат қилишига йўл қўймай, унга ўзи сув қуйиб берар, салфеткасини тушириб юборса, олиб узатар, ҳар хил қизиқ воқеалар сўзлаб, кўнглини хушларди. Ниҳоят, граф Янош жаҳли чиқиб, гина аралаш: «Илтимос, қаллигимни тортиб олиб қўйманг»,— деди.

Бернат, қизни бир бўса шарти билан Янош ихтиёрига қўйиб беришини айтди. Узоқ тортишувдан сўнг граф ноилож шартга рози бўлди. Пирошка итоаткорона, оппоқ қўлчалари билан чолнинг сочлари тўзғиқ бошини тутди-да, қизарган ёноғидан ўпиб қўйди. Бироқ шундан кейин ҳам Бернат қониқмай, мулозаматда давом этиб, қизнинг оёқчалари остига скамейка келтириб қўйди-да, турли ноёб буюмларни кўрсатаркан, ҳар бир буюм тарихини ҳикоя қила бошлади. Пирошка фил суюгига ишланган Мария-Антуанеттанинг жажжи суратини мақтагани, чол шу заҳотиёқ уни қизга тақдим этди.

— Ушбу совғани қабул этсангиз, ғоят хурсанд бўлур эдим!

Бу ҳам етмай, Бернат бир вақтлар герцогиня Ракоци унутган сийнабандни олди-да, қизнинг кийими устидан ўлчаб кўра бошлади. Бироқ сийнабанд кийим устидан ҳам катталик қилди. Сийнабанд ўлчаб кўриш ҳатто қиролларга ҳам камдан-кам насиб бўлган. Фаришта мисол қиз кифтлари, бўйни, бел ва қўймичига кўпинча тикувчиларгина қўл теккиза олганлар, холос.

Граф Бутлер, нега чолнинг миясига сийнабанд ўлчаб кўришни Яношнинг ихтиёрига қўйиб бериш керак,

деган фикр келмаяптикин, дея афсусланиб дам-бадам лабини тишларди.

Ниҳоят, сабри тугаган бегойим эрини койигандай бўлди:

— Ҳа, қариб қуйилмаган шилқим!

Бунга жавобан Бернатнинг олайган кўзлари худди бурушиқ эски чарм ғилоф ичидаги бир жуфт брильянт доналари янглиғ чақнаб кетди.

Шундай ҳазил-бачканаликлар билан вақт ўтаётгани сезилмасди, хизматкорлар стол устига шам келтириб қўйганларидан сўнггина кеч бўлиб қолгани эсларига тушди.

Берилган эркинликни суинстеъмол қилиб юборганликларини пайқаган мадемуазель Фрида бирдан безовталана бошлади. Бернатлар бутун оиласи билан қизларни қуршаганча кузатишга чиқишди. Аммо ҳозир ҳам Бернат чол Пирошкадан ажралай демас, қизнинг қўлидан ушлаб олгани учун Жига билан Янош мадемуазель Фрида ёнида юриш билангина чекланишга мажбур эдилар. Янош йўл бўйи: «Мана, охири оқшом ҳам ўтди, мен эса ҳатто қаллиғим ёнига яқинлашолмадим ҳам»,— дея шикоятланиб борди.

Қоронғи тушиб қолгани учун қизини кутиб олишга шошилиб чиқиб келаётган кекса Хорват дастлаб кузатувчиларни танимади. Фақат уларга яқинлашгандагина Бернатни таниб қолди. Юзма-юз келиб қолган чоллар нима қиларларини билмай бир неча лаҳза иккиланиб туришди, шу пайт Бернат хоним қалин қошларини чимирди, қоронғи бўлишига қарамай чол хотинининг авзойини сездиди-да, бирдан Хорватга қўл узатаркан:

— Салом, қўшни! — деди.

— Салом,— жавоб қайтарди Хорват ҳам омонатгина.

Шу билан гап узилиб қолди, бундан фойдаланган Бутлер Пирошкага яқинлашиб, унинг қўлини ушлади. Қизнинг қўли қуш уясидай қайноқ эди.

— Тез-тез хат ёзиб тур,— шивирлади Пирошка.

— Эртага оби ҳаво яхши бўлади,— деди ниҳоят, кекса Бернат кўз илғамас қўллар минг-минглаб юлдузларни ёндираётган осмонга боқиб,— талабаларимиз омадли эканлар.

Пирошка хўрсиниб қўйди. Хорват беихтиёр Бутлернинг сўзларини такрорлади:

— Ҳа, омадли эканлар.
 — Яна сўққабош қоламан,— маъюсланди Бернат.—
 Тагин ўғлим ёнимда бўлмайди.
 — Ҳар куни хат ёз,— олдинги илтимосига қўшимча
 қилди Пирошка.
 — Ҳа, ҳадемай мен ҳам қизимдан айриламан,— гап
 қўшди Хорват.
 — Тўппа-тўғри,— маъқуллади қўшнисининг гапи-
 ни Бутлер титроқ овозда,— сенга ҳам оғир бўлади.
 Оҳ, бу «сенга ҳам» жумлалари! Мазкур сўзлар ҳа-
 вода шундай ёқимли жарангладики, уларга жавобан
 Хорватнинг уйи қаршисида барқ уриб ўсган кўкатлар-
 даги минглаб чигирткалар, саратону бошқа ҳар хил
 пашшадан тортиб қўнғизларгача яқдил овоз бердилар!
 Шамол қўзғалиб, булоқларни қисирлатди. Бутоқлар
 эмас, балки бобокалон Бернатларнинг қабрдаги суяк-
 лари қисирлагандай туюлди. Фақат табиатгина бу қа-
 дар ноёб ҳодисанинг қадрига етиши мумкин. Ахир юз-
 лаб асллар авлоди оддий бир мусалласчини яқин тутиб
 «сен» деди-я!

Унинчи боб

ЖАНОБ ТООТ ГИЙБАТИ

Самимий хайр-хўшдан сўнг эшиклар беркилди. Би-
 роқ жажжи кўл силтаган оқ дастрўмол бир лаҳзагина
 ҳавода ҳилпиради. Бу Янош билан хайрлашув алома-
 ти эди. Йигит ниҳоятда чаққонлик билан шартта эги-
 либ, ёқимли қўлчани ўпгач, дастрўмолни илиб олди-да,
 уйга етгунча унинг ҳидидан сархуш бўлиб борди. Уйда
 Янош яхши туш ато этсин, деб рўмолчани ёстиғининг
 остига қўйди. Дастрўмол яхши туш ато этса ҳам би-
 роқ охиригача кўришга фурсат бермади.

Аввал Яношнинг кўз ўнгида дастрўмолнинг лато-
 фатли соҳибаси намоён бўлди. Мана, улар иккиси бир-
 галикда кичкина кулбада истиқомат қилишяпти. Пи-
 рошка овқат тайёрляпти, Янош эса ўчоққа ўтин қалай
 туриб истаган пайти гўзал ошпаздан бўса оляпти. Ни-
 ҳоят, овқат тайёр бўлиб, Янош стол ёнига ўтиргач, кўк-
 рагига сочиқ тутди-да, қачон шўрва сузидишини кута
 бошлади. Мана, эшик ҳам очилди, бироқ Пирошканинг

ўрнига қўлида чинни кўтарган қандайдир шум кампир кириб келди.

— Нима қилиб юрибсан бу ерда?— ўдағайлади унга Янош.

— Сизни уйғотгани келдим, муҳтарам жаноб.

Янош сесканиб кўзини очди. Қараса, рўпарасида кампир ҳам, Пирошка ҳам эмас, балки нонушта кўтарган хизматкор Андраш уни тезроқ кийининини илтимос қилиб турарди. Барин отларни қўшишни буюрган, пастда, остонада ҳуштак чалганча Жига Яношни кутиб турганди.

Қанчалик оғир бўлмасин, йўлга отланиш керак. Бернатларнинг кучери Янош билан Жигани фақат Олас-рёсккача олиб бориши, у ерда талабалар ваъдага биноан Дёриникида меҳмон бўлишгач, эртасига Патакка пиёда кетишлари керак эди. Ешларнинг оёқлари бақувват, бекорга отларни қийнашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаганди Бернат чол.

Афсуски, ҳамма ёқни қалин туман қоплаб, Хорватларнинг кўргони мутлақо кўринмай қолди. Туман тушмаганда Янош албатта Пирошкани дераза олдида кўрган бўларди. Йўқ. Бутлерларга қарғиш теккан, деб бекорга айтишмайди, буни манави туман тушиши ҳам кўрсатиб турибди.

Граф Янош, гарчи уни хафа қилган туман аста-секин тарқаб, тез орада қуёш чарақлаб кетса ҳам йўл бўйи чеҳраси очилмади. Апрель ойида қуёш нури ҳали ожиз бўлиб, қаттиқ қиздирмас, баданни қитиқлаб, товланар, ташвиши йўқ боладай шўх ўйноқларди. Ҳозирча совуқ бутунлай чекинмагани учун қуёш чарақлаб турганига қарамай, баъзан бадан ҳам жунжикарди. Кундузи офтобда илиган мевали дарахтлар гунча очар, тунда эса аёз кучайиб, бутоқлар қировга чулғанарди. Яхшиямки дарахтлар шикоят қилолмайдилар, йўқса, ким билсин, улар офтобми ёки совуқданми қай биридан кўпроқ ўпкаланардилар. Жига йўлда кета туриб, Яношнинг ғамгинлигини тарқатиб юбормоқчи бўлди.

— Мунча ғам чекмасанг, дўстим? Сенинг ўрнингда бўлганимда бахтиёрликдан ўзимни қўярга жой тополмай қолардим-э!

— Сен, мен эмассан-да. Биласанми, мени келажак кўрқитяпти. Қандайдир даҳшатли тасодиф рўй беради-

гандай. Баъзан устимга қандайдир баҳайбат нарса қуламоқчи бўлаётгандай туюлади.

— Қўйсанг-чи! Ҳамма нарса кўнгилдагидек бўляпти. Беҳуда ваҳима қиялсан. Хом хаёлликни йиғиштир.

— Пирошкadan ажралиш ҳазил гапми? Уни қанчалик севишимни тасаввур қилолмайсан.

— Орангларда ажратиб турадиган океан йўқ-ку. Истаган пайтингда кўриб келсанг бўлади. Бугун ўзингга ўзинг хўжайинсан. Кел, яхшиси, ҳозирги масалани ҳал қилайлик, бекорга хаёл суришнинг ҳожати йўқ. Мана, Оласрёска етамиз-да, кекса баронникида тўйиб ичамиз. Ана, қара, кўргони ҳам кўриниб қолди.

Ҳақиқатан ҳам муюлишдан кейинги тераклар ортидан Дёри кўргонининг томи кўринди.

— Сенингча, баронесса Маришка қандай қиз?

Граф Бутлер, қайдам, дефандек елка қисиб қўйди.

— Унда эътиборга лойиқ ҳеч нарса сезмадим.

— Йўқ, баронесса қандайдир сирли.

— Билмадим, бўлса бордир, — деди Янош паришонхотир.

Унинг фикри ёди ҳамон Пирошкада эди. Янош хаёлан қизни кўз олдига келтириб кўрмоқчи бўлди. Бироқ Пирошканинг қиёфаси кўз олдига намоён бўлди дегунча ё Жига акса урар (эҳ, қанчалик завқсиз-а, бу Жига) ёки арава силкинар, гоҳ аравакаш хивичини ишга соларди-да, ёқимли тасвир йўқоларди.

Гарчанд хушманзара жойлардан ўтаётган бўлсалар ҳам Яношни атрофдаги табиат манзараси қизиқтирмас, водийлар кетидан тепаликлар, ўрмонлардан сўнг қамишзорлар келарди.

— Янош, бақани вақиллашини эшитялсанми? Вақ-вақ-вақ!

Хедяль тоғлари кўринди: ён бағирлардаги ишком ходалари тоғни сизга тортилган улкан қуёнга ўхшатиб кўрсатарди.

Қачонлардир Бенцур полкида хизмат қилган кекса кучер бир воқеани эслаб қолди ва ўтирган жойида орқасига ўгирилиб, полклари ана шу ерлардан Қашшига ўтган дамларни ҳикоя қилди. Худди мана шу ерга етиб келишганда уларнинг генерали граф Лораш бирдан: «Полк, смирно! Тоққа қараб текисланинг!» деб бақирган экан. Аскарлар худди император олдидан ўта-

ётгандек шахдам қадам ташлаб ўтишибди. Ҳа, бу тоғ императорга қараганда кўпроқ ҳурматга лойиқ!

Икки жуфт от аравани қушдай елдириб борарди, тўсатдан кичик чакалакзордан қора мовут кўйлак кийган одам чиқди-да, худди эски танишлардай шляпасини силкитиб:

— *Вопит попе праесог!*¹— деди.

— Қара, бу Рёскда жўжалар учун биздан пул олишдан бош тортган майхона эгаси-ку. Ишток амаки, тўхтатиб юборинг-чи.

Кучер жиловни тортди, отлар тўхтади. Студентлар жаноб Тоот билан илиқ кўришдилар.

— Қани, бу ёққа чиқинг,— таклиф қилди Жига,— уйингизга олиб бориб қўямиз, йўл-йўлакай чақчақлашамиз. Мен кучер ёнига ўтаман, анчадан бери жилов тутгим келиб юрувди.

Жаноб Тоот мўйлабинини камтарона бурди ва шарқликларга хос вазмин қиёфада, роса чарчагани туфайли жаноблар билан бирга кетишга розилигини айтди. Ахир у қўшни қишлоқдан келяпти: аравасига эса хотини, бола-чақалари ва икки қайнсингилларинини болалари билан ўтқизибди, арава шундай тўлиб кетибдики, ҳам-малари сиғишмабди. У баринга илтифотлари учун ташаккур изҳор этди, бироқ қабул этолмайман, чунки мен ҳар қалай фаросатли одамман ва дворянларнинг марҳум йўлбошчиси Пал Докуш бир вақтлар айтиб кетган фикрларига риюя қиламан: ҳақиқий дворянинни дарров билса бўлади, у ҳақиқатдагидан ҳам ортиқ шуҳрат орттиришга ҳаракат қилмайди, устимдан зар сочиб юборсангиз ҳам тўрт отли аравага ўтирмайман, деди. Чунки кейинчалик ҳам қишлоқдошлари ўла-ўлгунча устидан кулиб юришлари мумкин.

Жига ҳам, кучер ҳам унинг далил-исботларига кўндилар, лекин кучер дарров ўринли маслаҳат берди:

— Менинг ёнимга ўтиринг, бунинг ҳеч айби йўқ.

Кучер ёнида ўтириш мутлақо бошқа гап, муҳтарам Тоот ўриндиққа чиқди-да, жаноб студентлар билан суҳбатлашиш ўнғай бўлсин учун ярим ўгирилиб ўтириб олди.

Гап шундаки, аслзодалар истиқомат қиладиган бой комитатларда дворяниннинг даража ва мартабаси

¹ Хайрли тонг! (Лотинча.)

аравага қўшилган от-абзалига қараб белгиланар эди. Уша пайтлар ҳар бир буюм ўзининг бевосита вазифасидан ташқари яна мутлақо ўзгача маъно ҳам касб этарди. Масалан, Трансильванияда мартаба томдаги чиқиб турган печка мўрконлари сонига қараб белгиланарди. Камбағал словак комитатларида эса бу дунё улуглари боғдаги дарахтларнинг хилма-хиллиги ва сони билан аниқланар эди. Барон Рева ва Юсталар фақат соя-салқин ахтарибгина арча ва арғувон дарахтлари остида савлат тўкиб ўтирар эдилар. Лехоцки ва Раковскилар эса ёнғоқ экардилар, бу дарахтнинг соядан ташқари бир оз ҳосили ҳам бор; ўрта ҳол дворянлар эса, сояси кам бўлса ҳам ҳосили мўл бўлгани сабабли олхўрини афзал кўрар эдилар.

Земплен, Собольч ва Унг комитатларида мансаб даражаси от-абзалларига қараб белгиланар эди. Масалан, Бернатлар тўрт отли аравада юрадиган дворян зотларга мансуб эдилар. Бу оиланинг ҳар бир аъзоси йўлга пиёда чиқиши мумкин эди-ю, бироқ мутлақо икки отли аравада юриши мумкин эмасди, акс ҳолда, у ўз зотининг обрўсини ерга урган бўларди. Икки отли араваларда қандайдир Фодор, Бот, Орос ва Житковскийлар юришаверишсин.

Қўшилган от-арава оиланинг бадавлатлигини эмас, балки мартабасини белгиларди. Икки отли аравада юрадиган дворянин бойиб кетиб, ҳатто ўзининг от заводида эга бўлиши ҳам мумкин, лекин шунга қарамасдан, агар юқори даражага эришмаган бўлса (энг камида икки авлоди), фақат иккита от қўшиб юриши мумкин эди, йўқса, жамоанинг таънасига қолиб кетарди. Уша пайтларда кўзбўямачилар бўлмасди, аммо бу ерларга адашиб-улоқиб келиб қолган биронта поляк шляхтичининг хаёлига ўзини юқори мартабали қилиб кўрсатиш ҳоллари учраб турарди.

Албатта, тўрт отли аравалар ҳам ҳар хил бўлади, Баркоцилар тўриқ отларда, Перенилар қора отларда, Вальдштейн, Милатлар эса энг камида минг-минглаб йилқи уюрлари орасидан танлаб олинган бир хил тусдаги йўртоқи отларда юришарди. Шунинг ўзигина уларнинг магнатлар табақасига мансуб эканликларини кўрсатиб турарди. Бироқ Серенчи, Чато, Бернатлар шундай дабдаба билан кўчага чиқишлари уят бўларди. Мартабаларини ҳисобга олганда, улар тўрт от кў

шишлари мумкин эди-ю, лекин отларнинг ранги, зоти ва бошқа тарафларини ҳисобга олиб, махсус тайлаш — бу олижаноброқ, даражаси баландроқ оилаларнинг имтиёзи эди. Шу сабабли Вернатларнинг тўртта отлари ҳам бир-биридан фарқ қилади — ахта қилинган қора от саманидан бир қарич баланд бўлса, иккита-иккита қилиб кетма-кет қўшилган отларнинг ўнг томонида ўйноқи айғир қўшилган — хуллас, ҳар бир от ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турарди. Бу манзара янада удумлироқ кўриниши, бутун бир от оиласи ўз ифодасини топсин учун арава орқасида йўлка четида бўйнига қўнғироқ осилган ингичка оёқли тойчоқ лўкиллаб келарди.

— Хўш, жаноб Тоот, қандай янгиликлар бор?

— Айтарли ҳеч қандай,— хаёлчан жавоб берди трактир эгаси,— фақат қайнонам вафот этди.

— Наҳотки?

— Худди пасхага тўғри келиб қолди. Бугун марҳумнинг қариндошлари ўртасида моли бўлинди. Уша ёқдан келяпман.

— Сизга нима тегди?

— Арзимасгина, дурустроқ нарса тегиши мумкин эди-ю, касал пайтида тепасида бўлмоқдим. Руҳонийимиз қайнонам тепасида кўпроқ парвона бўлгани учун бойлигининг катта қисмини черковга васият қилибди. Улими олдидан менга: «Хафа-бўлманг, болам, жонимдан ташқари, худога яна бир оз мулкимни ҳам васият қиляпман. Шундай қилишимнинг сабаби, булар худонинг инъомидир»,— деди. «Онажон, инъомни қайтариб бериш яхши эмас»,— дедим. Бу гапни эшитган руҳоний мени қаравот олдидан нарига туртиб юборди-ю, ҳеч нарсасиз қолдим.

— Уша ерлик руҳонийми? Ҳалиги биз Дёриларникида танишганимиз эмасми?

— Худди ўша, қўшни қишлоқлар унинг қавмига қараркан. Нозик, айёр одам, бироқ жуда келишган йигит экан. Қариганда епископ ёки шайтоннинг ўзи бўлади. Лекин у энди Дёрининг уйига бормай қўйди. Жаноб узд бошлиғи остона ҳатлаттирмай қўйган. Афтидан, баронессани ёмон ўқитган кўринади.

— Бекамизнинг жўжалари катта бўлиб қолгандир?

— Ҳа, лекин фойдаси йўқ. Тақдир жўжаларимни тотиб кўришни сизга насиб этмаган экан-да: қишлоққа

кираверишдаги йўлда сизни иккита жандарм пойлаб турибди. Истайсизми, истамайсизми, сизни Дёрининг кўрғонига олиб бориш буюрилган. Шунинг учун, ўйлаб кўринг, хотинимнинг пиширгани сизга керак бўларми-ди? Дарвоқе, унинг овқатини ейишни ўзим ҳам тавсия этмайман: онасини эслаб йиғлагани йиғлаган, кўз ёши овқатга тушяпти. Мен эри бўлганим учун еявераман-ку, бошқа одам бўлса қўл урмасди.

— Демак, Дёри уйда экан-да?

— У доим уйида, энди уларникига ҳеч ким қадам босмай қўйган. Аммо ниманингдир тараддудини кўришаётган кўринади. Саккиз ё ўн кундирки унинг уйида гишт терувчилар, дурадгорлар ва темирчилар куну тун ишлаяптилар.

— Балки оймқизнинг тўйи бўлиб қолгандир?

— Йўқ, жимжитлик. Француз мураббиядан ҳам воз кечишибди.

— Наҳотки? Эшитяпсанми, Янош? Энди Дёрининг мадам Малипоси йўқ.

— Зарарсиз,— деди Бутлер,— унинг ўрнини бемалол шимпанзе босаверади.

— Э-ҳа, маймунми? Сал қолди униям йўқ бўлишига. Нима бўлди денг? Жуда ғалати воқеа. Қўшни уйда Ижипь фамилияли иккита қари қиз кекса оталари билан яшашади. Ойимчаларнинг бири, Анна яқиндан бери ҳар куни эрталаб ётоқхонасининг дераза рафидан очилган атиргул топиб оладиган бўлиб қолди. Ким, нима сабабдан ташлаб кетишини ҳеч ким билмайди. Қишлоқда кимдир Анна Ижипга хушомад қилипти, деган миш-миш тарқалди. Мадемуазель Аннанинг ўзи эса суюнганидан иштаҳаси бўғилиб, ҳатто ухламай ҳам қўйди. Ким бўлсайкин бу жазман? Дидига қойил-э! Уйдагиларнинг ҳаммасини оёққа турғизишиб, жазманнинг ўзи тўппа-тўғри кириб келишини кута бошлашди. Бироқ ҳеч кимдан дарак бўлмади. Кечалари хизматкорлар, аравакашлар пойлоқчилик қилишга тушишди. Туни билан дераза яқинида ҳеч кимни сезишмас, лекин эрталаб қарашса, рафда яна гул пайдо бўлиб қоларди. Ойимча ким гул келтириши, қаердан келиб, қаерга кетишини албатта билишга аҳд қилди. У дераза остига оёқ излари қолади, деб кул сеипб қўйишни буюрди. Эрталаб бундай қарашсаки... Ё, парвардигор! Хушторнинг беш бармоғи изи қолибди. («Жин урсин-э!— хитоб

қилди кучерлардан бири.— Демак, бу жаноб яланг оёқ юрар экан-да!») Бу ҳали ҳолва эди. Ошпаз аёл, Секереш хола, сўнгра Қайсан Видак қизиқиб қарашди — хуллас, уйда ва ён-атрофда яшайдиган ҳамма кампирлар ҳам бир-бир кўриб чиқишди. Ногаҳон улардан бири: «Ё Биби Марям, ўзинг паноҳингда асра, ахир унинг товони йўқ экан-ку!..» деб бақирибди. Уша заҳотиёқ бутун қишлоққа гулни шайтон Вельзевула ва алвасти Дроманинг кенжа ўғли олиб келаётган экан, деган гап тарқади. Нима дейсиз, ҳали гўдак бўлгани учун иблислар шаҳзодасининг туёғи ўсмаган эмиш.

Бундай мишмишлардан ғазабланган кекса Ижипь кудодан ҳам, шайтондан ҳам қўрқмовчи, хўжайиннинг боғини қўриқлайдиган истеъфодаги солдатга туни билан дераза олдида пойлоқчилик қилиб, ким бўлишидан қатъий назар, отиб ташлашни буюрди. Қоровул тунда шитирлаган овоз эшитибди-ю, дераза олдидаги қора шарпага қарата ўқ узибди. Қаттиқ улиш, чийиллаган овоз эшитилибди. Одамлар тўпланишганда, дераза остида жаноб Дёрининг маймуни ётганини кўришибди. Бечора Ижипь хоним (боёқишга жуда раҳмим келади, чин сўзим) бундай шармандагарчиликдан кейин-касал бўлиб қолиб, ҳалигача тузалмаяпти. Маймунни даволашса ҳам у жароҳат ва бахтсиз севгидан ҳеч ўзига келолмаяпти.

Жига бу воқеадан қотиб-қотиб кулди.

— Антиқа-ку! Оласрёскадаги севги машмашаси!

Ҳатто Янош ҳам кулимсираркан, истеҳзо аралаш:

— Маймун, афтидан, кимгадир тақлид қилган,— деди.— Лекин кимгайкин? У бундай воқеаларни кўра-вериб ўрганиб қолгани аниқ. Мана, сенга эпиграмма учун мавзу, Жига.

— Маймун шу пайтда қаердан атиргул оларкин?

— Гулхонадан ўғирлаган.

— Оббо маккор-эй,— қойил қолди Бернат.— Ҳа, минг қилсаям севги-да! Қанийди жаноб шимпанзени тезроқ кўра қолсам.

— Дрр, етиб келдик шекилли,— деди жаноб Тоот,— Мен туша қолай. Ана, жандармлар ҳам кўринишди!

Дарҳақиқат, қишлоққа кираверишда уларни икки отлиқ жандармлар: Есенка ва Андраш Кажмарилар кутардилар. Улар йўлнинг айилишида туришарди, йўлнинг бири қишлоқни четлаб ўтганди. Жандармлар ҳар

эҳтимолга қарши, студентлар хаёлига қишлоқни чет-лаб, тўғри Патакка ўтиб кетиш фикри келиб қолишини назарда тутиб айилишда турардилар. Қишлоққа кира-веришдаги бошқа йўлда эса, меҳмондўст хўжайиннинг ўзи кутарди.

Жандармлар аравани тўхтатишиб, студентларга ҳарбийчасига честь беришгач, барон ҳазратлари меҳмонларга салом айтиб қўйгани, икки кундан бери жаноб студентларни сабрсизлик билан кутаётганини билдиришди.

Жаноб Тоот студентларнинг қўлини дўстона қисиб, аравадан тушди, отлиқ жандармлар эса худди соқчилардай аравани бутун қишлоқ бўйлаб кузатиб бордилар.

Ҳар доим қишлоққа тўрт отли арава келгандагидай аёллар, қизлар, ёш болалардан тортиб ҳамма каттакичик кўчага чиққанди. Уйда ўтин ёраётган деҳқон ва оғир ишга яроқсизлиги учун томорқада чопиқ қилувчи қандайдир мулкиллаган чол меҳмонларга салом бериб қолишди.

Уша пайтларнинг деҳқони ҳали қулдай муте бўлиб, жанобларни ҳурматлар, тирикчилигига яратилган ерни ҳам ўшалар беришганига ишонарди. Фақат кейинроқ деҳқонга у меҳнати билан помешчикни боқишлигини тушунтириб қўйишган. Айрим нарсаларни эса яхшиси, билмаган маъқул.

Уша замонларда барин деҳқон учун ҳомий, ғам-танвишларида кўмакдош бўлиб кўринарди. Мана, масалан, худди ўша Оласрёскдаги мўйначи Янош Урбан ўзининг дворянзодалигини билиб қолиб, қаттиқ қайғурган ва ҳатто крепостнойлар табақасида қолдиришларини сўраб комитат бошқармасига илтимоснома ёзган, чунки у баринсиз бари бир яшай олмайман, деб ўйлаган.

Шунинг учун тўрт отли араваси бор дворянгина дворян қаторига қўшилди.

Мана, ҳозир ҳам Рёск аҳолиси аравада кетаётганларга эмас, тўрт отли аравага таъзим қиларди.

— Соқчилар кузатувида кетаётганимизни кўрганлар бизни бандилар деб ўйлашади,— деди граф Буллер.

Бернат жавоб бермоқчи бўлган эди ҳамки, бироқ шу пайт манзилга етиб келиб қолишди. Дёри қўрғони-

нинг дарвозаси гичирлаганча очилиб, тутун бурқсиган мортиралар тантана билан бирин-кетин гумбурлади. Отлар ҳуркиб, олдинги оёқлари билан кўкка сачиди.

— Қадамларингга ҳасанот, йигитлар!— дея қаршилади уларни барон, шляпасини силжитиб.— Мен ўлиб-петиб қолгансизларми, деб ўйловдим.

Ун биринчи боб

ҒАЛАТИ АЛОМАТЛАР

Дёри студентларни кўпдан бери кўрмаган қадрдонлардек илиқ меҳр билан қарши олди. Оталарча шундай қучоқлашиб кўришдики, йигитларнинг суяклари қисирлаб кетди. Сўнгра уларни алоҳида хонага кузатиб қўйди. Лекин Кигага уни бошқа бинога кузатиб қўйишгани ғалати туюлди, ахир уйда меҳмонлар йўқ, хоналар етарли эди-ку. Хизматкорнинг йўқлиги ҳам Жигани ҳайратга солди. Уй худди эртақлардаги сеҳрланган қасрга ўхшаб кимсасиз ва қайғули кўринарди.

Айвонда қандайдир шарпалар кезар, устун олдидаги қора мушук студентларга сариқ кўзини тикиб турарди. Ошхона тарафдан дам-бадам одамлар пайдо бўларди: мана, идиш кўтарган оқсоч чиқиб ниманидир сепиб юборди-да, яна ғойиб бўлди; сўнгра ошпаз боланинг оқ қалпоқли калласи кўринди-ю, шу заҳоти у ҳам кўздан йўқолди. Буларнинг ҳаммаси янги одамлар эди.

Дёри меҳмонларини огоҳлантириб қўйди:

— Узингларга кўпам зеб берманглар, ҳозир овқатланишга ўтирамиз.

Граф Янош овқатгача отларга ем бергач, изига қайтадиган кучер орқали икки энли хат ёзиб юборишга рухсат сўради.

— Йўлда бирор кўнгилсизлик рўй бердими?

— Йўқ, шунчаки, айрим нарсалар эсимга тушиб қолди.

— Хўп, майли, йўқса, қоғоз-қалам бериб юбораманда, суюқ овқатни кейинроқ келтиришларини айтаман.

Янги гайдук кумуш патнисда қоғоз, сиёҳдон ва учи тарашланмаган ғоз патини келтирди, таомилга кўра

патни меҳмон ўзининг қаламтарошида тарашлаши лозим эди.

Бадқовоқ ва фирибгар қиёфали янги гайдукнинг анчагина муғамбирлиги сезилиб турарди; унинг кичкина кўзларида пинҳона разил хиёнаткорлик яширинган, бунинг устига, бир кўзи ғилай ҳам эди. Бефарво табиат унга пешана ато этишни лозим кўрмагани учун малла сочлари нақ қовоғи устида осилиб турарди. Бундай одамни ташқи кўринишининг ўзи учун ҳам осиб юборса бўларди.

— Нима, аввалги гайдук кетиб қолдими?— сўради Бутлер.

— Унинг ўрнига мен келганман,— жавоб берди янги гайдук, худди ер остидан чиқаётгандек бўғиқ товушда.

Янош Пирошкага наридан-бери ўз туйғу ва фикрлари, арава ғилдираклари бутун йўл бўйи: «Сени севаман, сени севаман»,— деган овоз чиқариб келгани ҳақида ёзди. «Мана, ҳозир Дёриларникига етиб келдик, аммо кўп ёзолмайман, азизим, чунки овқатланишга шоширишяпти, ҳолбуки, анча гапларим бор эди... Ҳечқиси йўқ, кечқурун, ётиш олдидан, узундан-узоқ хат ёзаман».

Янош мактубни қайта ўқиб чиқди-да, қаноатланмади. Севган одам доимо қалб сўзларини ифода этолмаслигидан нолийди. Худонинг оддий бандалари бундай қилишмайди. Янош хатни ғижимлаб чўнтагига тикди-да, бошқа хат ёзиб кучерга элтиб берди.

Узун йўлакнинг бир бурчагида у баронесса Маришкага дуч келиб қолди. Қиз Янош билан саломлашиб, қўл узатди: баронесса рангпар, нигоҳи ерга қадалган, қўллари жонсиз одамникидек совуқ эди. Бутлер қизнинг қўллари титраётганини сизди.

— Демак, ҳар қалай келибсизлар-да,— хўрсинди баронесса ва тескари ўгирилиб олди.

Маришканинг кўринишидан унга меҳмонлар келиши ёқмагандай туюларди.

— Ахир, ваъда бергандик, ҳақиқий венгр доим ўз сўзи устидан чиқади.

— Кейин афсусланишади ҳам.

Бутлер қизга тикилди. Баронессанинг совуқ муомаласи уни ҳайратга солди: унда аллақандай шумлик сезилар, худди беихтиёр қандайдир сирни ошкор қилиб кўядигандек туюларди.

Баронесса эгнига калта ёқали, ўша пайтларда «помпадур» аталмиш майда гул матодан тикилган кўйлак кийиб олганди. Кўйлак ёқасидан то этагигача бурма эди.

Баронесса меъёрдан ортиқ қўполлик қилиб кўйганини сезиб;

— Келганинглardan ғоят хурсандман. Сиқилиб кетувдим бу ерда,— дея ўз хатосини тўғриламоқчи бўлди.

— Нима? Наҳотки, шундай қувноқ қишлоқда сиқилган бўлсангиз?

— Маана, ўзингиз ҳам кўрасиз... Ҳа, тўғриси,— шундан сўнг Маришка емакхонага йўналди.

Кўп ўтмай ҳамма ўша бизга маълум дастурхон тева-рагига тўпланди.

Емишу асл мусалласлар истаганча. Дёри яна янгидан-янги латифалар айтмоқчи бўлар, аммо қочиримлари у қадар таъсирли чиқмас, ҳатто Маришкани ҳам бирон марта қўшни хонага жўнатмади. Афтидан, нимадир унга халақит берар, Маришка дам-бадам Бутлердан нигоҳини олиб қочарди. Қиз ўзининг хижолатлигини яширолмай, кўпроқ Бернат билан суҳбатлашишга интиларди. Улар гул уруғи ва кўчатлари, ҳар хил ўсимликлар ҳақида папиришарди. Бернат ёш қизлар устидан куларкан, улар ҳеч нарсага тушунишмайди, дерди. Масалан, Бернатларнинг қишлоғида бир гўзал қиз бормиш (тўғрироғи, ойимқиз, тезда келинчак бўлади), ўша қизга яқинда Бутлер иккаласи тухум тақдим этишибди. Тентак қиз тухумни нима қипти денг? Тупроққа кўмибди-да, қачон жўжа очишини кута бошлабди.

Бутлер ҳаяжонланганидан юзига қон тепди. Унга диққат билан тикилган баронесса Маришканинг ранги баттар оқариб кетди.

— Ичинглар, студентлар, ичсанглар-чи! — қистай бошлади Дёри.— Ичганинглар фойда. Умр қисқа, ўлим барҳақ! Сен ҳам ич, Маришка. Ҳаммамиз хурсанд бўлишимизни истайман. Бутлер билан уриштир! Қани, бир кўрай-чи, қадаҳларни тегар-тегмас жаранглатиб уриштира олармикинсизлар.

Ичишди. Маришка Бутлер билан қадаҳ уриштирди. Винодан дарров унинг юзларига қон югуриб, оқ атиргул янглиғ чеҳраси энди қирмизи тус олганди.

— Ҳатто душманларим ҳам, менда яхши вино йўқ дейишолмайди! Манавинисидан ҳам тотиб кўринглар, анордай қип-қизили.

Студентлар бу винодан ҳам тотиб кўришди.

— Энди, Гергей, бизга олтин қадаҳларни узат, асл токай виноси билан тўлдир. Қани, ҳақиқий эркаклигимизни бир кўрсатиб қўяйлик.

Жавондан тилла қопланган қадаҳлар олинди.

— Манави, ёқут кўзлигини, Буюк Людовик Неаполда бирга жанг қилишганда бобом Пан Дёрига тақдим этган. Эҳ, йигитлар, айтишларича, қачонлардир ана шу қадаҳдан май сипқорган ёқут дудоқли аёл беқиёс гўзал бўлган экан ўзиям! У ўз эрини нобуд этгач, қадаҳни тортиб олишган, соҳибжамолнинг исми Иоганна бўлган... Ич, ўша қадаҳдан, граф Янош!

Бошқа қадаҳнинг ҳам ўз тарихи бор эди.

— Улардан бири,— давом этди Дёри,— Меньхарт Балашишники эди (жин урсин, бу олтин анча шубҳали, чулки олий ҳазратларининг мис қўнғироқлардан тилла танга зарб қилиш одати бўлган). Учинчи қадаҳни дадам чўқинтирган отаси граф Вальдштейндан олган. Умуман, энди Дёрилар фақат чўқинтириш маросимларидагина бирор нарса олишлари мумкин.

Граф Бутлер столдаги қадаҳ Бальдштейн¹га тегишлигини эшитиб, даҳшатдан сесканиб тушди. Хосиятсиз аломат! Шундан сўнг у бошқа ичолмай қолди.

Дёри эса студентларнинг кайфини ошириш мақсади бордай туюлар, аммо қисташлари, ҳийлалари иш бермасди. Пайғамбар узум тупи яратаркан, ичинглар, ичиб қолинглар, ҳаромилар, дея васият қилгани ҳақидаги қадимий зиёфат қўшиғи бошланиши ҳам фойдасиз эди.

Граф Бутлерга Нуҳ пайғамбарнинг маслаҳатлари таъсир қилмай қўйган, нуқул қадаҳини нари сургани сурганди.

Олдида ёзиғлик дастурхондаги қадаҳ назарида қадаҳ эмас, балки тишларини иржайтириб турган яланғоч калла суягидай туюларди. Шунинг учун ўрнидан туриб,

¹ Вальдштейнларнинг бобоси ёки Шиллер Валленштейн деб атаган ўша Вальдштейн бўлиб, уни Бутлернинг боболаридан бири Хебеда сўйиб ўлдирган. (Автор изоҳи.)

ташқаридаги зинага чиқиб, очиқ ҳавода нафас олишдан бошқа илож қолмади. Дёри студентларми олдинга ўтказиб юбориб, ўзи йўл-йўлакай Маришкага шивирлади:

— Бардам бўл, қизим. Ҳал қилувчи пайт келяпти.

— У истамайди,— шивирлади қиз ҳам бўғиқ овозда.

— Худди шунинг учун ўзингни қўлга олишинг керак. Ҳаёт-мамотимиз ўртага тикилган. Ё ютамиз, ёки ҳалок бўламиз!

— Вой, дада, шундаям уяляпманки!

Чолнинг жаҳли чиқиб кетди, миясига қон урди.

— Овозингни ўчир! Аввалроқ уялиш керак эди. Энди гап-сўз ортиқча. Хонангга кир-да, кийимингни алмаштириб ол.

Маришка итоаткорона бошини қуйи эгди. Унинг бу туриши мевасини кўтаролмай қолган шохни эслатарди.

Дёри қизининг орқасидан бир-икки қадам юриб борди-да, оёқат олдидан Маришка билан Бутлер тўқнаш келган бурчакда тўхтаб, сўз қотди:

— Сираям ўзингни йўқотма, албатта ишимиз ўнгидан келиши керак. Жуда ҳам бой, ҳавас қиладиган куёв! Қайси йўл билан қўлга олишингни унча аҳамияти йўқ. Одамлар бир-икки кун гапиришади-да, кейин эсларидан чиқиб кетади.

— Ё парвардигор, кошки шундай бўла қолса!

— Нимани айтяпсан?

— Одамлар эсларидан чиқаришларини.

— Қўрқма. Бунақа пайтда ишончли шерик вақтдир. Қўрқмайсан-а, шундайми?

— Қўрқмайман,— шивирлади қиз тол баргидай титраб.

Чол қизни қолдириб, студентлар томон шошилди. Шу пайт овқатланиб, отларга ем бериб бўлган кучер Ишток хайрлашиш учун студентларнинг ҳузурига келди.

— Хатни унутманг, Ишток амаки!

— Унутиб бўладими, тўрам.

Бернатларнинг араваси ҳовлидан чиқиб кетди, хизматкорлар дарров дарвоза тавақаларини тарақлатиб беркитишди-да, оғир темир тамбани суриб қўйишди.

Қизик, дарвоза одатда меҳмонга мунтазирдай ланг очиқ бўларди.

Бир оздан кейин эшикка урилаётган болганинг тақти эшитилди, демак, у ҳам қулфланган.

Жига Бернат Бутлерга: «Бу ерда бир гап бор»,— дегандек маънодор қараб қўйди.

— Гергей, Гергей, қара-чи, ким эшик тақиллатяптийкин!

Ҳовли бўм-бўш, бирорта одам зоти: на ошпазу дастурхон беаганлар ва на айниқса отбоқардан тортиб сонаноқсиз, тиним билмовчи хизматкорларгача кўринмасди. Ҳеч бир шарпа!

Совуқ шамол боғ оралаб, дарахтлар орасида бир ғувиллади-ю, худди кекирдаги узиб ташланган ғоз жон аччиғида сўнги бор қаттиқ овоз чиқариб тинчигандай, тинди-қўйди.

Ичилмай қолган винони йиғиштираётган Гергей ноилож емакхонадан чиқиб кетди. Вино ҳар хил йиғиштирилади: бир хиллар буфетга йиғишса, бошқалар оғизга қуйишади... Бу ерда гап винода ҳам эмас асти!

— Бор-чи, Гергей, қараб тур, эшикни ким тақиллатаётганикин? Уйда йўқ де! Тушундингми? Бугун қадрли меҳмонларим билан холи қолмоқчиман.

Жига Бернат диққат билан қулоқ солиб, ҳар қалай эшик очилганини эшитди. Қизиқ, хўжайиннинг тақиқлашига қарамасдан кимни киргизган бўлсайкин бу гайдук!

Кўп ўтмай зинада қадам товушлари эшитилди. Жига Дёрининг юзига диққат билан тикилди — жаҳли чиқармикин ёки ҳайрон бўлармикин? Лекин кекса жангчининг жиддий қиёфасида лоқайдлик аломати сезилиб турарди: демак, у бу йўқловдан хабардор.

Қора мовут шляпа, қора ридо кийган таниш башара — жаноб руҳоний Сучинка шахсан ташриф буюрибдилар.

Бу энди қачонлардир Дёриларникида ўзини уйдагидек ҳис этадиган, чеҳрасидан кулги аримайдиган аббат эмасди. Ҳозир руҳоний базўр, ерга қараганча, тарки дунё қилган осий бандадек одимларди, ҳатто овози ҳам сўниқ.

У икки букилиб қудратли помешчикка таъзим қилгач, ёшлар билан саломлашди. Дёри руҳонийга ҳатто қўл ҳам бермай, ёнидаги стулдан жой кўрсатди, холос.

Жига яна ер остидан Бутлерга қараркан, имо-ишора билан ҳайрон бўлаётганини билдирди: қизиқ, ахир майхона эгасининг гапига қараганда, Дёри руҳонийнинг қўрғонига келишини ман қилиб қўйганди-ку. Бироқ ҳеч нар-

садан хабарсиз Бутлер Жиганинг имо-ишорасини сезмас, никоҳ узугига тикилганча ўй суриб ўтирарди. Ҳозир ҳам у узукни берилиб томоша қиларкан, ўртоғининг имо-ишорасига аҳамият бермади.

— Келганингиз яхши бўлди, тақсир,— деди барон ҳамон руҳонийга қарамай,— сиз бу ерда ёш дўстим Бернатнинг вақтини хуш қилиб турасиз, унгача биз граф Янош билан кабинетимда баъзи бир масалаларни ҳал қилиб оламиз. Қани, юр, Янчи!

Жига ўтирган жойида тўлғаниб қўйди. Барон Бутлернинг елкасидан қучиб, уни зимистон ва зах йўлакдан ўз кабинети томон бошлаб кетди. Чўчиган кўршапалак гумбазсимон шифтдан учиб тушди-да, қаноти билан Бутлерга тегиб ўтди.

— Ҳа, ярамас, чўчитиб юборди-я!

(«Ҳечқиси йўқ, бундан баттароқ чўчийсан ҳали», деб қўйди ўзича Дёри.)

У Бутлерни олдинга ўтказиб юборди, улар уезд бошлиғининг жигар ранг тери қопланган бир неча стул ва диван қўйилган хонасига киришди. Хонанинг бир тарафида ҳар хил қоғозлар билан лиқ тўла жавон қад кўтариб турар, дераза олдида стол, стол устида даъвогарлар қасамёди учун бут, лютеранлар қасамёди учун таврот қўйилганди. Қасамёдчилар қўлларини таврот устига қўйишар, агар яқин орада таврот бўлмаса, ўрнига «Сибилла» китобчасидан фойдаланишарди. Бу китобнинг ташқи кўриниши тавротга ўхшар ва туш таъбирини баён этиб берарди (ҳозир туш таъбирчиси диванда қайсидир саҳифаси очилганча ётарди).

Бурчакда «ашёвий далиллар»— болталар, тўппончалар, устаралар, чалғилар, сўйиллар. Девор тагида дорилфано гуноҳларига қарши амалий чора бўлмиш бир даста ёнғоқ новдалари кўриниб турарди.

— Мана, менинг канцеляриям. Ўтир, ука, бу ёққа, бу ёққа, курсига ўтир. Хийлагина кўримсиз, ҳатто қоронғироқ ҳам. Тўғрими? Аммо кўриб турибсанки, хонамда ўзимни яхши ҳис этаман. Тўғри, баъзилар адабларини ейишади бу ерда. Ахир ҳамма бир хил эмас-да. Дарвоқе, бу ҳақда бас қилайлик. Мана, тамаки чек. Тамаки чекиб туриб, йўғингда ўйлаб қўйган ажойиб режамни фикрлашиб олишимиз осон бўлади: бу режани асалари кейинчалик асал тўлатадиган уяга ўхшатиб тузганман, Ҳи-ҳи-ҳи! Ҳа, асал...

— Кулоғим сизда, тақсир.

— Хўп, лекин трубканг ҳалиям чўғ олмабди-ку. Тўхта, буниси чекилмаса, бошқаси бор. Чекиб кўр-чи. Буниси ҳақиқий трубка, Надънинг маҳсулоти. Бунақасини одам ўз жигарига ҳам ўттиз злотихдан камига бермайди. Қандай чиройли эгилган, нафис чизиқларини қара! Бир қарагин-а. Наякиси қандай ўйилганини бир кўр... Надга ўхшаган одамларнинг ўлиши алам қилади. Мана, ўт олди. Ҳа, ўғлим, сендан нимани сўрамоқчи эдим-а? Ҳа, эсладим... Масалан, мен ҳақимда нима деб ўйлайсан? Фақат тўғрисини айт, ҳақиқий венгрга ўхшаб.

Граф Бутлер бундай саволдан ҳайрон бўлса ҳам бироқ жавоб берди:

— Мен сизни ор-номусли одам деб ҳисоблайман.

— Тўғри, ҳақ гап,— гўлдиради чол бош ирғаб.— Энди айт-чи, қизим ҳақида нима деб ўйлайсан?

Бу савол Бутлерга янада ғалатироқ туюлди.

— Бека ҳақидами?.. Мен баронессани жуда ҳурмат қиламан ва эъзозлайман.

— Биламан, ўғлим. Хўш, у жуда гўзалми-а?

— Гўзаллик бўлса шунчалик бўлар.

— У сенга ёқадими? Тўғрисўзлигим сени ҳайратга солмасин, ахир мен солдатман.

— Албатта,— деб жавоб берди Янош.— Нега ёқмас экан?

— Дуруст, ҳозирча ҳаммаси жойида. Венгрлар, бир оғиз гапданоқ бир-бирларини тушунишади, дейишади, лекин қанча кўп гапирсанг, шунча тушунарлироқ бўлади. Қизиқ, агар сенга, мана шу студентларни иқим суюб қолди, десам нима дер экансан? Менга камдан-кам одам сизлардай ёқиб қолади: фақат бир марта Прагада бўлганимда, унда старший лейтенант эдим, бир студент мени ўзига маҳлиё қилган... Тўғри, кейинроқ маълум бўлдики, бу эркакча кийиниб олган ёш герцогиня экан.

¹ Надъ—XVIII асрнинг 90-йилларида Пештдаги машҳур трубка ишлаб чиқарувчи. Унинг трубкаси учун ўша пайтда катта пул ҳисобланган қирқ-эллик злотих тўлашарди. (Автор изоҳи.)

Ҳм... Дарвоқе, сизлардан бундай шубҳа қилиб бўлмайди.

— Ҳа, албатта,— кулимсираб қўйди Янош.

— Хўш, ўз ишимизга қайтайлик, бу воқеани сизларга кейин, кечқурун айтиб бераман. Хўш, агар мен: «Шу ерда студентлардан бирини олиб қолсаму, ўшанга қизимни берсам, шундай тўй қилсакки, ўликлар ҳам гўридан туриб кетишса!» десам, нима деб жавоб берар эдинг?

Бутлер, бу тентак чол ростини айтяптими ёки одатдагидек, ҳазил қиляптими, деган хавотирда унга шубҳали тикилди. Бироқ бароннинг кўриниши ҳар доимгидай эмас, жиддий жавоб кутаётгани сезилиб туради.

«Ҳар ҳолда, жиддий гапириши мумкин эмас,— ўйлади ўзича Янош.— Баронессани бундай унаштирмайдилар!»

— Хўш-ш, нима дердинг?— сабрсизлик билан жавоб талаб қилди барон.

— Мен, тақсир, бундай шараф учун ғоят миннатдорман, бироқ ундан фойдалана олмайман: чунки тақдирим бошқа қиз билан мангу боғланган, қўлимдаги узук шунинг белгиси.

— Қур-қуру!— қичқириб юборди барон худди илон чақиб олгандек.— Яна қандай узук?

— Яқинда мен Пирошка Хорват деган қиз билан унашилиб қўйилганман,— жавоб берди Бутлер худди барондан табрик эшитишни кутгандек, қувончга тўлиб бармоғини узатаркан.

Бироқ бундай бўлмади. Аксинча, барон хахолаб кулиб юборди.

— Унашилиб қўйилибди! Фақат шуми? Мен бўлсам, биронтасига уйланиб қўйибсанми, деб қўрқиб кетибман. Сал бўлмаса бундай енгилтаклигинг билан менинг ҳамма режаларимни бузиб юбординг деб хафа бўлмоқчи эдим,— жавоб берди Дёри мулойим овозда.— Унашиш аҳамиятсиз нарса! Шунчаки русум, холос. Ҳеч гапмас! Одам чиройли олмани кўриб: «Уни узаман, артаман-да, ейман!» деб ўйлайди. Олма эса ҳали дарахтда осилиб тураверади. Мен тушунмайман, нега энди ўша одам бошқа дарахтдаги олмани кўриб қолиши мумкин эмас? Модомики, иккинчиси яқин экан, ўшани ейди-қўяди-да. *Intelligisne, amice!*

¹ Тушуняпсанми, дўстим? (*Лотинча.*)

Бутлернинг боши худди иккита қўнғироқ барабар жом чалаётгандек гувиллар, кўз ўнгида хона жиҳозлари билан чир айланарди.

— Нега жавоб бермайсан? Бунга нима дейсан?

— Ҳеч нарса.

— Нега ҳеч нарса?

— Ахир айтдим-ку, унашилганман, қаллиғимни жонимдан ҳам ортиқ севаман.— Кейин Янош овозини бир оз кўтариб қўшиб қўйди.— Мен умуман сизни ҳам, ҳазилингизни ҳам тушунмаяпман.

— Демак, ўз ихтиёринг билан Маришкага уйланмайсан-а?

— Ҳеч қачон!—деди Янош ўрнидан туриб, эшикка томон йўналаркан.

Барон йиртқич ҳайвондек сакраб унинг йўлини тўсди.

— Оҳо-о! Сабр қил, ўғлим. Қани, жойингга ўтир-чи. Шунинг биланки, тулки хўрозни ушлаб олдим, қўйиб юбормайди, яна шунинг эсингда тутки, агар сен Маришкага ўз хоҳишинг билан уйланмасанг, ихтиёригдан ташқари хотининг бўлади, қаршилиқ қилмай қўя қол, бўталогим!—у Бутлернинг тугмасини ушлаб олиб, яна тилёғламалик билан мулойим гапира кетди:— Мана, кўрдингми, бусиз илож йўқ. Бир неча соатдан кейин сени севувчи қайнотанг бўладиган одамни ранжитмагин.

Бутлер унинг қўлидан отилиб чиқаркан:

— Ҳаддингиздан ошяпсиз, тақсир,— деди ғазаб-ла.— Уйингиздаги меҳмондўстлик бунақа бемаънилик билан тугайди деб ўйламагандим. Уйингизда бир лаҳза ҳам туришга тоқатим йўқ. Яхши қолинг!— йигит дарҳол Дёрининг уйдан чиқиб кетиш ниятида канцелярия эшигини силтади.

Бироқ қоронғи йўлакдан икки кишининг барабарига:

— Орқага қайт!— дея бўкиргани эшитилди.

Эшик олдида қуролланган жандармлар — Есенка билан Кажмари туришганди: улар милтиқларини тақир-туқир деворга суяб қўйишди.

Бутлер ғазабдан ранги оқариб орқага тисарилди.

— Бу нимаси, тақсир?— сўради у шартта овозини кўтариб. Кўзлари ўтдек чақнарди.

— Ахир сенга айтдим-ку, ўжарлик қилма, деб жонгинам,— юпатди мулойим овозда, ёш болаларга насиҳат

қилаётгандек Дёри.— Мана, кўрдингми, катталарга қулоқ солмасанг, шунақа бўлади!

— Бу зўравонлик дейилиши сизга маълумми?

— Албатта, азизим.

— Эр етган йигит, магнит сифатида қонун чиқарувчи мажлис аъзоси эканлигимдан ҳам хабарингиз борми?

— Бундан хабарим йўқ эди, лекин сени балоғатга етди, деб эълон қилишганидан хурсандман.

— Мени зўрлаб ушлаб туришга қандай журъат этдингиз? Бунинг учун жавоб берасиз!

Бироқ бу пўписа ҳам Дёрига кор қилмади.

— Нима ҳам дердик, бўлиши мумкин. Бироқ, ноиб узоқда, бунинг устига, қимирлаши қийин унинг. Император ундан ҳам узоқроқда, фаросати унча-мунчага дарров ета қолмайди. Бундан ташқари, тақдир императордан ҳам, ноибдан ҳам қудратлироқ. Ахир бўлган воқеаларнинг ҳаммаси тақдир тақозоси-да. Шунинг учун ўзингни босиб ол-да, оғайни, мени фарзандлардай қуч, бари бир шундай қилишингга тўғри келади.

Бутлер бу одамни қучиш эмас, бурда-бурда қилиб ташлашга ҳам тайёр эди, вужудини қаҳр-ғазаб қоплаган, чакка томирлари тез-тез урар, кўзларига қон тўлганди.

— Бўғиб ўлдираман!— хириллади Янош.— Ажалинг менинг қўлимда!

— Ҳай-ҳай, ўзингни бос, ҳовлиқма! Бўталоғим, худди ёввойи мушукка ўхшайсан-а! Қизимни шундай одамга бераман деб ҳеч қачон ўйламагандим,— деркан, кичкина, бақувват Дёри Бутлернинг қўлини пўлат исканжадек шундай сиқиб ушладики, Бутлер турган жойида қимирлолмай қолди. Сўнгра Дёри Яношни аста креслога итариб юборди.— Мана, кўрдингми? Шу ҳам ишми? Ужарлигинг билан нима ютмоқчисан? Агар ўжарликни қўйиб, сабр-қаноат билан тақдирга тан берсанг, фойда қиласан. Аҳволингга бир қара: кўзларинг қонга тўлган, афтинг буришган. Мабодо, Маришка сени кўриб қолса борми, худо холис, уни ҳам кўндириб ўтиришимга тўғри келарди. Галстугинг ҳам қийшайиб кетибди. Тантанали маросим олдидан у ёқ-бу ёғингни бир оз тўғри-лаб ол.

Бутлер бирор чора кўришга ожиз, фақат тишларини гижирлатарди, холос. Бироқ «маросим» сўзи унинг бутун вужудини ларзага солди.

— Қандай тантанали маросим олдидан?— хириллаб сўради у чўнқайиб ўтирганча сочилиб ётган *corpus deliciti*¹ дан иборат тигларни жавонга яшириб қўйган Дёрига олайиб қараркан.

— Э, тентак! Ҳалиям тушунмаяпсан-а! Никоҳ олдидан-да, қароғим. Ҳазратни кўрдинг-ку, ахир.

Бироқ мислсиз бу сурбетликдан Бутлерда ғазаб ўрнига умид учқуни пайдо бўлди. (Инсон ақли жуда ғалати механизм-да!) «Бемаънилик,— деб ўйлади у ўзича — Бундай нарсаларни жиддий қабул қилмаслик керак! Ҳар қалай Венгрия Европада-ку!.. Буларнинг ҳаммаси кекса Миклош Хорватнинг найранглари. У менинг Пирошкага бўлган муҳаббатимни сўнгги бор синаб кўрмоқчи. У Дёри билан оғайни бўлса керак, менинг бу ерда тунаб қолишимни билиб, оғайнисига қизининг унашилгани ҳақида ёзиб юборган ва куёвни яна бир марта синаб кўришни илтимос қилган». Бу фикр Яношга шу қадар тўғридай туюлгани учун у ўз қилмишидан бир оз хижолат ҳам чекди.

— Лекин бу билан ҳеч нарсага эришолмайсиз,— жавоб қайтарди қарийб хотиржам овозда у.

— Нега энди?

— Шунинг учунки, агар руҳоний мендан «Қизни севасанми?» деб сўраса, «Севмайман»,— дейман-да, бошқасини яхши кўришлигимни айтаман.

— Руҳоний гапингни эшитишни хоҳламайди ҳам, ишонавер, азиз болагинам, тушундингми? Эшитмайди ҳам!..

— Майнабозчилик етар, афанди! Ҳазилингизни тушундим: сиз шунчаки қаллиғимни қанчалик севишимни билмоқчисиз. Бўлажак қайнатамга бемалол жаҳаннамнинг ҳеч қайси шайтони, ер юзидаги ҳеч қандай куч Пирошкамни мендан тортиб ололмаслигини ёзиб юбораверинг.

Тулкидай айёр барон гап нимадалигини дарҳол фаҳмлаб, Бутлернинг мақсадига тушунди. У панд-насиҳатлар билан ниятига эриша олмаслигига кўзи етгач, Яношнинг янглишишидан осонгина фойдаланишга ўтди. У хижолат чеккандай, авзойи қарта ўйинини берилиб кузатаётган томошабиндан асосий козирини қўполлик билан яшираётган қиморбозни эслатарди.

¹ Ашёвий далиллар. (Лотинча.)

— Қўйсанг-чи, нималар деяпсан? Қандай қилиб бундай хаёлга бординг? Наҳотки, бойвачча куёвни Хорватга бериб қўйсам? Онт ичаманки, яқин орада у билан учрашганим йўқ.

Дёрининг зўр бериб ҳар қандай шубҳадан холи бўлишга уринаётгани Бутлернинг гумонини янада кучайтирди: «Тўғри, учрашмагансизлар, аммо ёзишиб турганинлар аниқ».

Бутлер энди уни калака қилишга ўтди:

— Қани, учрашинг ҳам-чи. Кўрамиз! Олдиндан огоҳлантириб қўяй, афандим, катта жанжал бўлади, чунки аҳмоқона кирдикорларингиз деб кулги бўлмасликка жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан.

— Сенга ақл киритолмадимми, энди жилла қурса кулгили аҳволга соламан.

Дёри столдан чоғроқ кумуш қўнғироқ олиб чалди. Қўнғироқча майин, жадал янграркан, дафн маросимларидагидек мотамсаро жиринглади. Қўнғироқ овози тинар-тинмай икки ён тарафдаги эшик қулфи буралиб, ланг очилди. Бутлер даҳшатли туш кўргандек қўллари билан бошини чангаллади. Эшик тагида тобутдан бош кўтарган марҳумадек ранги бўзарган, оппоқ никоҳ қўйлаккли баронесса Маришка кўринди, бошидаги сутдек рўмоли ергача осилган, сочига оқ марваридгул танғиб олганди. Қиз тиззалари қалтираб, йиқилиб тушай дерди. Унинг орқасидан маҳмадана, икки юзи қип-қизил Симанчи кампир оқсоқланиб кириб келди-да, Маришкага шивирлаб далда бера бошлади:

— Қўрқма, сираям қўрқма, жонгинам, қоқиндиқ баронесса. Мен билан онангининг ҳам бошимиздан шу кунлар ўтган. Бу ишнинг боши-ю, охири кўнгилсиз, ўртаси эса жудаям хайрли бўлади.

Улар билан ридо кийган, ранги рўйи қатл олдидаги жиноятчидек оппоқ руҳоний ҳам кириб келди. Сўнгра гайдукнинг мараз башараси кўринди.

«Ридо кийган руҳоний?»— Бутлернинг қони тўхтаб қолгандек бўлди. Унинг хаёлидан «Энди тушундим, бу ҳазил эмас! Руҳоний бемаъни ҳазил туфайли бундай кийинмайди. Бу ерда жиноят содир бўляпти. Мудҳиш жиноят!»— деган фикр ўтди.

Йигит яна эшикка отилиб, уни жон ҳолатда силтади.

Қуролли жандармлар ҳамон эшик олдида туришар-

ди. Тагин «Орқага қайт!» деган буйруқ янграб, икки нафар қуролли соқчи йўлга кўндаланг бўлди.

— Биласизларми мен кимман?— қичқирди Янош.

Жандармлар беихтиёр орқага тисарилишди.

— Худди шундай, биламиз, жаноб олийлари, граф Яношсиз.

— У ҳолда, дарҳол мени қўйиб юборинглар, йўқса, иккалангни ҳам зиндонда чиритиб юбораман, ярамаслар.

— Ҳечам бундай қилолмаймиз, тақсир. Орқага, орқага қайтинг!

— Мен еттита қўрғон эгасиман. Аслзода магнатман. Ҳар бирингизга биттадан қишлоқ совға қиламан, фақат қўйиб юборсанглар бас.

Товламачилар бир-бирларига қараб қўйишди. Қишлоқ яхши нарса-ю, бироқ Дёри ётқизиб савалайдиган скамейка ёмон-да; шунисиям борки, ваъда қилинган қишлоқ ҳали узоқда, скамейка эса шу ерда — ҳовли ёки омборхонада турибди. Шундай қилиб, улар бечора Яношни маҳкам ушлашди-да, парёстиқдек даст кўтариб ичкарига итқитиб юборишди. У бор кучи билан қаршилик кўрсатаркан, оёғидан ушлаб ичкарига тортишаётганда жон-жаҳди билан:

— Жига, Жига! Бернат! Тезроқ бу ёққа кел!— деб бақиршига улгурганди.

Қоронғи йўлакнинг тоқ-равоқлари бу ночор фарёдни янада кучайтириб бўм-бўш уйнинг ҳамма хоналарига таратди. Гарчанд одамларнинг бағри тошдек шафқатсиз бўлса ҳам, тошлар ёрдам қилишга тайёр эди.

Жандармлар Яношни уйнинг ўртасига қўйиб чиқиб кетишди. Баронесса Маришка тескари ўгирилиб олди. Қиз бу воқеага лоқайд қараб туролмасди. Унинг қалби нола қилар, ҳар ҳолда ҳали виждонидан бутунлай маҳрум бўлмаганди.

Янош иситмаси бордай қалтирар, пешанасини совуқ тер босганди. У руҳоний билан баронга мушт дўлайтирди:

— Бирингиз худога, иккинчингиз қиролга хизмат қиласизлар! Бу ерда менга кўрсатаётганинглар шармандалик, бориб турган жиноят, венгр дворяни сифатида худо ва қирол номи билан норозилик билдираман!

Барон совуқ тиржайди, ёзув столининг ғаладонини тортиб, ундан ўқланган тўппончани олди-да, ҳавода ўйнатаркан, одатдагидек киноя қилди.

— Хўш, энди ишга ўтайлик, ҳеч қандай шубҳа ва иккиланиш бўлиши мумкин эмас. Кимнинг асаблари бўшлик қилса, мана шу ўйинчоқ билан бир марта тинчтиб қўяман.

— Мана кўксим, отаверинг!— граф Яношнинг юрак ўртовчи фиғонидан ҳатто кекса жангчи ҳам сесканиб тушди.— Раҳм қилсангиз-чи, ахир мен сизга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ-ку!

Барон қўлидаги тўппонча титраб кетди. Қим билсин, бу можарони синчиклаб кузатиб турган гайдук Гергей эртаси куни шундай деб тасдиқлади. Лекин аслида кекса риёкор фақат бош чайқаб қўйди, холос.

— Йўқ, ҳали мен ўз куёвимга қарата ўқ узиш даражасида ақлимни еганимча йўқ. Мени ким деб ўйлаяпсан, қароғим?

Дёри полга, бошлайверинг, дегандек имо қилди. Руҳоний бир-икки қадам олдинга юрди. Шу пайт Бутлер унга бор овозда тантанали наъра тортди:

— Агар имонсиз эмас, худо бандаси бўлсангиз, жўнаб қолинг! Бу никоҳни бекор деб эълон қиламан. Бу қизни севмайман. Мутлақо ёқтирмайман. Тепамда худо турибди агар-а!

Дёри менсимай қўл силтади.

— Бемаъни гап!.. Руҳоний жаноблари, маросимни бошланг.

Уша пайтларда маросим Пазмань¹ қонунига асосан бажо келтирилар эди. Венгр тилида қайд этилган ана шу қонунга асосан келин-куёвларга бир қанча саволлар бериларди. Аммо истисносиз қонун бўлмаганидек, айрим руҳонийлар бу тартибга риоя қилсалар, айримлари риоя қилишмасди.

— Сенинг исминг?— сўради бўғиқ паст товушда Сучинка, аввал Бутлерга, сўнгра баронессага мурожаат этиб.

Бутлер ҳеч нарса демай, нафратомуз тескари ўғирилди.

Баронессанинг овози эса енгил шабада каби аранг қулоққа чалинди:

— Мария Халапи Дёри.

¹ Пазмань Петер (1570—1637)— Эстергом архиепископи, незуит, жангари католицизмнинг идеологи, Венгриядаги аксилсалоҳот илҳомчиси.

Поп Бутлернинг сукут сақлашига зиғирча ҳам аҳамият бермади. Гувоҳлар ундан ҳам бепарво эдилар, чунки ҳар иккаласи қулоқларида пахта борлиги учун ҳеч нарса эшитишмасди.

Поп худди ҳеч нарса бўлмагандек маросимини давом эттираркан, графга юзланди:

— Христиан динимиз ҳаққи, ростини айт, манави ҳурматли ожизадан бошқа ҳеч ким билан боғлиқ эмасмисан? Бошқа биронта қизга уйланаман деб қасам ичмаганмисан?

— Ҳа, ҳа, ичганман!—бақирди Бутлер овозининг борица.— Фақат манави қаршимда турган кимсага ҳеч қандай қасам ичмаганман. Ҳа, мен уйланаман ва содиқ бўлиб қоламан деб Пирошка Сильваши Хорватга қасамёд этганман. Худо ва авлиё маъбуда номи қасамёд этаманки, ўз ваъдамдан ҳеч қачон қайтмайман!

Падар ҳазратлари бу гапларни эшитгандек, худди шундай савол билан Маришкага мурожаат этди, фақат қоидага биноан «ҳурматли ожиза» жумласини «ҳурматли эр» сўзлари билан алмаштирди, холос.

Маришка эшитилар-эшитилмас «йўқ», деди.

— Ушбу «ҳурматли ожизани» севасанми?— деб сўради у яна Бутлердан.

— Кўрарга кўзим йўқ!— қатъий жавоб берди Бутлер.

— Оҳ, дадажон, ҳозир ўлиб қоламан, нима қилиб қўйдингиз,— деб нола қилди қиз нафаси тикилиб ва ўзини отасининг бағрига отди.

— Ўзингни қўлга ол, яна бир дақиқа чидасанг, олам гулистон. «Ҳа» деб жавоб бер. Бор кучингни ишга сол, жажжигинам. Қани, гапир, гапирсанг-чи (Поп худди шу пайт қизга аввалгидай савол билан мурожаат этганди).

— Ҳа,— шивирлади Маришка.

— Шу қизни маҳрамликка олишга розимисан?

— Ҳеч қачон!— жавоб берди Бутлер.

— Шу йигитнинг рафиқаси бўлишликка розимисан?

— Розиман,— ғамгин овозда базўр жавоб қайтарди Маришка.

Рухоний яна Бутлер томон ўгирилди:

— Яна бир марта тўғри жавоб бер дейман: никоҳга халал берувчи қариндошчилик ёки бирон бошқа важ йўқми?

— Уртамизда нима борлигини яхши биласан, поп. Орамизда жиноят бор!— ғазабнок хитоб қилди Бутлер.— Агар эгнингда ридо бўлмаганида овозингни ўчириб қўярдим. Қани, найрангингни давом эттиравер, бари бир ҳеч нарса чиқмайди. Венгрияда қонун-қоида мавжуд ҳозирча.

Йигит шундан сўнг стол ёнига ўтираркан, ўзини хотиржам кўрсатмоқчи бўлиб, трубкасига тамаки сола бошлади. Поп лабини тишлаган, аммо миқ этмасди.

— Тезроқ тугатинг маросимни, бўла қолинг,— дея шоширди Дёри.

Аммо ҳали *Benedic tio annologum*¹ бўлиши керак эди. Дёри чўнтагидан иккита никоҳ узуги чиқариб, попга берди. Поп узукларни табарруклагач, келин ва куёвга тақиш учун узатди. Бутлер узукни оларкан, қўполлик билан, тўғрироғи, эпчиллик билан шундай ирғитдики, у деворга урилиб сапчиди-да, гувоҳликка таклиф этилган ошпаз аёл Симанчининг чап кўзига бориб текканди (аёлнинг чап кўзи кўр эди), ошпазнинг қовоғи кўкариб, тугмачадай жойи шишиб чиқди. Симанчи инграб юбориб, чанг солишга хезланганди, аммо қўрқиб кетган Дёри тинчитиш учун хотиннинг қулоғидан пахтани олиб шивирлади: «Кутурма, кампир, жароҳатингни ўзимиз даволаймиз. Сенга тилла ирғитиладиган бунақа тўйда биринчи марта бўлишингдир ҳойнаҳой».

Шундай қилиб, узук маросими унчалик муваффақиятли ўтмаса-да, бироқ шунчаки расмиятчилик юзасидан қилинган бўлиб, на поп, на гувоҳлар айтарли расмиятчилардан эмасдилар. Бутлер эса билдирган норозилигимнинг ўзи бўлаётган найрангни ҳеч ким жиддий қабул қилмаслигига кифоя қилади, деб ҳисобларди. Аста-секин ҳозирги воқеа унга кулгили туюла бошлади.

Антиқа саргузашт-ку, жин ургур! Жажжи Пирошка бу воқеани қанчалар берилиб тинглайди-ю, қанчалар даҳшатга тушади! Бутлер саргузашти ҳақидаги мишмиш худди сирли Каспар Гаузер² ёки леди Дадлей ўғирлаб кетган машҳур герцог Букингем каби бутун дунёга тарқалади. (Тўғри, ёлланма босмачилар герцог-

¹ Никоҳ пайтида узук тақиш русуми. (*Лотинча.*)

² К а с п а р Г а у з е р — 1828 йил Нюрнберг яқинида топилган сирли шахс; афтидан, уни болалигида номаълум жиноятчилар қасдан ўғирлаб кетиб, кўп йиллар давомида хилватда сақлаганлар.

ни тунда ётган жойидан ички кўйлақда, яланг оёқ ўғирлаб олиб келганларида ишвагар леди донг қотиб қолган ва: «Ҳали бу шундайми! О, ҳозироқ қайта жойига элтиб қўйинглар!» деб хитоб қилган.)

Энди *Benedictio pubentium*¹ вақти келиб, қоронғи тушган, нарсалар, одамларнинг юзлари уй ғира-ширасида зўрға кўринади. Деразага эгилган аргувон барглари шамолда титраб, девордаги соялар эса худди қурбақа сингари сакради.

Гергей кўшни хонага чиқиб, ёқилган шам олиб киради, стол устига қўйгач, яна чиқиб кетиб кўлида катта китоб билан қайтди-да, эшикни қулфлаб қўйди. Ташқаридан, йўлақдан шовқин-сурон эшитилди. Қулоққа чалинган узук-юлуқ овоз ва ҳайқириқлардан ичкари киргизмаётган жандармлар билан олишаётган Жига эканлигини пайқаш осон эди.

Поп Дёрига ҳозир *Sopulakio*² бўлишлигини ишора қилди (жаннатга бир неча поғона олиб борар экан). Дёри Бутлерга яқинлашиб, сўзамоллик билан ниҳоят рози бўлишга ундай бошлади. Бутлер индамас, бўлаётган воқеага мутлақо аҳамият бермаётганлигини кўрсатиш учун туркларга хос бепарволик билан трубкасидан паға-паға тутун буруқсатиб ўтирарди. Бироқ Дёри унинг розилигига муҳтож ҳам эмасди. Энди у бундай бўлишига ишонмас, фақат бир амаллаб Бутлернинг қўлини тутиб туришу, Маришканинг қўлини «куёв»нинг қўли билан эпित्रахилья асосида бирлаштириш орқали руҳонийнинг мушкулини осонлаштирмоқчи бўларди, холос.

Бутлернинг қутулиб чиқиш йўлидаги ҳаракати беҳуда кетди. Дёри унинг қўлларини исканжадай шу қадар қаттиқ қисиб олгандики, йигит қимирлолмасди ҳам.

— Жим, ўғлим! Фингшиб, пўнғиллайверма! Бари бир энди фойдаси йўқ.

Бу сўзлардан ғазабга келган Бутлер қўли бўшаганда Дёрининг кўксига қаттиқ мушт туширганди, кекса солдат гандираклаб кетди. Янош тишларини ғижирлатганча даҳшатдан кўзлари олайган, афти буришиб, гўлдир-гўлдир оят ўқиётган попга ташланмоқчи бўлди. Руҳонийнинг бахтига Дёри ўзига келиб, «куёвни» қучоқ-

¹ Келин-куёвга оқ фотиҳа бериш. (Латинча.)

² Келин-куёвларни эпित्रахилья билан бирлаштирадиган маросим. (Лотинча.)

аб олди. Қаттиқ олишув бошланиб, ур-йиқитда стул ганаб кетди. Ниҳоят, граф ҳолдан тойиб, ўзини чарм реслога ташлади.

Бу орада ярамас гайдук Гергей Симанчи кампирга қинлашиб, унинг қулоғидан пахтани олди-да, заҳар-сандали тиржайиб шивирлади.

— Кампиршо, жаноблар, афтидан, кўзимизни ҳам бирор нарса билан сирачлаб қўйишлари керак экан.

— Ҳали шундай ҳам бўлади,— мийғида кулиб жазоб берди кампир.— Лекин олдиндан айтиб қўяй, мен уларга қимматга тушаман; бу ерда кўрганларимиз олтин, кумушга тенг, ўғлим.

Энди Дёрининг ҳам бардоши тугаркан, ур-сурдан чарчагани учун попнинг қулоғи остига келиб хирилади:

— Тез, тезроқ! Бечора қиз ҳозир ҳушидан кетиб қолади.

Бироқ Маришка энди ҳушидан кетиш хавфидан қутулган, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. У диван суянчиғига чалқанча ётиб, овози борича фарёд чека бошлади.

— Китоб қани?— сўради руҳоний.

Шу орада бароннинг ўзи шоша-пиша сиёҳ, пат келтирди ва поп никоҳланувчиларни қайд қиладиган китобига хат битгунча тепасида қараб турди.

— Мана, энди буни болта билан ҳам чопиб ташлолмайсан!— деди Дёри мамнун қиёфада, сохта ҳужжатни йиртиб ташлаш учун бор кучини йиғиб ҳамла қилмасмикин дея Бутлерга кўз қирини ташлар экан.

Бироқ Янош енгилган, асаблари бўшашиб, мадори қуриган, карахт миясида тартибсиз фикрлар ғужғон ўйнарди; у бақрайганча эшик очилиб, бу унутилмас можаро иштирокчилари бирин-кетин тарқалиб кетишларига лоқайд тикилиб ўтирарди.

— Бу ишимиз яхши бўлмади,— мурожаат этди поп баронга, улар қоронғи йўлакка чиқишганда.— Уни ичириб қўйилса, ишимиз осонроқ кўчган бўларди. Лекин мен қўлимдан келганини қилдим. Жаноб олийларининг норози бўлишларига асос йўқ. Балки бу деб амалимдан маҳрум бўлишим, эҳтимол, турмага ҳам тушишим мумкин, ҳар қалай, эви билан иш тутишимиз керак эди-да!..

Дёри бармоғини қисирлатиб қўйди.

— Бу ёғини ўзимга қўйиб бераверинг, domine reve-
rende¹, қолгани менинг бўйнимга. Шундай ажойиб жуфт
бўлишсинки, кўрган кўз ҳавас қилади, мана, кўрар-
сиз ҳам!

— Гувоҳлар ишончлими?

— Бўлмасам-чи! Иккаласи ҳам ашаддий жиноят-
чилар, истаган вақтимда жаллоднинг қўлига топшири-
шим мумкин.

Бутлер ўзига келгунча бир неча дақиқа ўтди, сўнгра
у хонадан чиқиб кетмоқчи бўлди. Эшиклар, ҳатто йў-
лакка олиб чиқадиган эшикнинг берклигини кўриб
ажабланди. Янош эшикларни тақиллатди, бироқ ҳеч
ким келмади, нидо ҳам чиқмади. Деразани очди, бироқ
дераза ташқаридан қалин панжара билан тўсиб қўйил-
ганди. Демак, ҳеч қаёққа қочолмайди... Бўлиб ўтган
шунча можародан кейин дарҳақиқат, яна нима ишаш-
япти, билиб бўлмасди. Сўзсиз, уни яна қандайдир янги
кўнгилсизлик кутяпти. Яношнинг ҳозирча бўлиб ўтган
тўй найрангидан ҳам кўпроқ мана шу бетайинлик ган-
гитар эди. Албатта, бу никоҳ черков суди орқали бекор
қилнади. Ойнадек равшанки, бу никоҳ бир дақиқа ҳам
қонуний кучга киролмайди. Хўш, яна нима рўй берар-
кин?

Бу муаммо Бутлерни ғамгин ўйга чўмдирди, кўнг-
лида ғашлик уйғотди. Наҳотки, ҳеч қандай чораси бўл-
маса? У чўкка тушиб, ибодат қила бошлади, аввалла-
ридек беозор, ихлос билан эмас, шикоятмуз ёлворди:

— Ё, парвардигори олам! Қандай гуноҳим борки,
менга бунчалик шафқатсизлик қиляпсан? Ахир кеча-
кундуз сиғинганим ўзингсан-ку. Бир бандангман, йўл-
йўригингдан чиқмасам ҳам раҳмсизларча жазоляпсан.

У даҳшатга солувчи:

«Оталарингизнинг гуноҳи учун у дунё, бу дунё жа-
воб берасизлар!» сўзларини эслаганда юраги орқасига
тортиб кетди.

Янош чуқур хўрсинди:

«Эҳ, нуроний бобо Бутлер, ўша Валленштейнга хан-
жар уриб нима қилардинг? Буни қара, набиранг қан-
дай азоб чекапти».

Шу пайт деразадан кимдир мўралади, фақат бу
Бутлернинг бобоси эмас, гайдук Гергей эди.

¹ Ҳазрати падар. (Лотинча.)

— Ҳазрати олийлари, жаноби барон сиз граф жаноби олийларини бу кеча шу ерда қолишингизни илтимос этиптилар. Кечки овқатингизни шу ерга олиб келишади. Шу ернинг ўзида ўрин солиб беришади. Эрталаб биз ҳаммамиз сизнинг ихтиёрингиздамиз, тунни эса, шу ерда ўтказишингизга тўғри келади.

Бутлер заҳархандали тиржайаркан, икки букилиб жавоб берди:

— Жаноб олийлари баронга айт, ундан беҳад хурсандман ва шу ерда қоламан, чунки бошқа илож ҳам йўқ. Жаноб баронга яна шуни етказгинки, у яхши ухлаб турсин.

Сўнгра Янош стол ёнига ўтирди-да, Пирошкага қуйидаги сўзлар билан бошланувчи узундан-узоқ хат ёзди: «Жондан азиз бахтим, тасаввур қилиб кўргин-а, бугун ғалати аҳволга тушиб қолдим. Фақат чўчима, худога шукурки, соппа-соғман, ҳозир воқеа қандай содир бўлганини сенга бирма-бир ҳикоя қилиб бераман...»

Ун учинчи боб

ИОЖИ ВИДОНКА

Ҳеч нарсадан хабарсиз Бутлерни Дёри ўз канцеляриясига таклиф этди-да, иккинчи студентни гапга солиб туриш учун руҳонийни қолдирди. Поп топшириқни бажаришга киришди-ю, ҳадемай икки ёш билимдон қизгин баҳслаша кетдилар.

Уларнинг мунозаралари, ўша пайтлар Земплен дворянлари ўртасида ва бошқа комитатларда расм бўлган мавзу — Шимолий Венгриянинг дворян зотлари уч тилда: немис, венгр ва словак лаҳжасида сўзлашувлари, венгр ҳамда словак тили мажбурий эканлиги ҳақида борарди.

Шу икки тилда гапиришнинг ўзи хизматкорлар жанобларнинг гапларини тушунамасликлари учун етарли эди. Агар дворянлар словак қишлоғида яшасалар, жонли тиллари венгрча бўлиб, венгр қишлоғидаги жаноблар эса, словак тилида сўзлашардилар.

— Бундай бемаъни одат натижасида, венгр тили бутунлай йўқ бўлиб кетади,— газабланди Бернат.

Руҳоний шу заҳоти словак тилини ҳимоя қила кетди

ва per longum et latum¹, ҳамда Арпадлар² словак тилида гапиришганини исботлай бошлади. У яна худди шу мавзуда илмий асар ёзаётганини ва уни яқинда Банячка қишлоғига, жаноб Ференц Казанцига тақризга юбораётганини қўшиб қўйди.

Еш юрист жаҳли чиқиб, кескин жавоб берди:

— Майли, юборинг-чи! Мақташи менга қоронғи-ю, аммо қоғоз унга ортиқчалик қилмаса керак.

Лекин поп бўш келмас экан, қадимий венгрлар янги ватанга³ ўзлари билан уруғдош аёлларни етарли миқдорда олиб келмай, малла ранг сочли славян аёлларига уйланганлар, деб ўз фикрини маъқуллади. Шу сабабга кўра, венгрларда уй жиҳозлари славянча аталади. Уларнинг болалари эса, кўп вақтларини от миниб Лехел ва Ботонд⁴ бошчилиги остида узоқ-узоқ сафарларда юрган оталарининг тилида эмас, оналарининг тилида гаплашишлари эҳтимолдан холи эмас, албатта.

— Айрим ҳолларда шундай бўлган бўлса бордир, бироқ бу фақат оддий халқ ўртасида рўй берган. Арпадларнинг ўзлари эса ҳеч қачон она тилларини унутмаганлар.

— Бўлмаса нима учун комитатларни славянча номлаганлар — Новград дейиш ўрнига Новиград, Чонград ўрнига Черноград, ҳатто ўз қароргоҳларига ҳам Вишеград деб ном қўйишган?

Бернат жаҳл билан қўл силтади.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Халқ бу шаҳар ва областларни қадимдан шундай атаб келган, қироллар эса мазкур номларни ўзгартирмай қолдиришган, чунки венгрлар доимо сабрли бўлиб келганлар. Тўғриси айтганда, жаноб поп, чет элдан келган руҳонийлар биз-

¹ Ниҳоятда кенг миқёсда. (Лотинча.)

² Арпадлар — Венгриядаги биринчи князлик, кейинчалик қирол сулоласи (IX аср охиридан 1301 йилгача) бу давлат асосчиси князь Арпад (840—904) бўлиб, у ўз қўли остига етти венгр қабиласини бирлаштирган.

³ Бу ўринда мадьяр (венгр) уруғларининг V аср ўрталарида азалги ватанлари — Урал яқинидан Қора денгиз даштларига кўчиб ўтганлари кўзда тутиляпти. Бу ерда улар IX асргача яшаганлар, 895—896 йилларда венгр қабиалари Арпад бошчилигида Қарпат тоғлари орқали ўтиб, Тиссодунай пасттекислиги — асосан ҳозирги Венгрияга яқин территорияда турғун бўлиб қолганлар.

⁴ Лехел ва Ботонд — X асрнинг биринчи ярмида Фарбий Европа ва Болқонга босқинчилик ҳужумларини уюштириб турувчи жанговар дружиначиларнинг бошлиқлари.

нинг ҳазратимиз Иштваннинг¹ енгидан кириб, қўйнидан чиқиб, унга ўзлари учун қўл келадиган: «Бир тилда гапирадиган халқ ожиз бўлади», каби сохта сиёсий ақидани уқтирганлар. Бу ақидани қандайдир поп ўйлаб топгану, қирол уни такрорлаган, холос, авлодларимиз эса, буни муқаддас деб билганлар.

Бу гапдан руҳоний Сучинканинг ғазаби қўзиб кетди:

— Ҳикматингиз ўша пайтларга нисбатан тўғри. Ҳозир у ўз кучини йўқотган бўлса ҳам эҳтимол, аммо уни авлиё Иштван айтганини қайд этиш керак. Менга келсак, юқоридаги ҳикматни қувватламайман, сабаби, мен вақт ўтиши билан сусаювчи ҳикматни ёқтирмайман. Қадимги Арпадлар маълум вақт словакча гаплашишган, шаҳарларга халқ ном берган, чўқинтириш пайтида болаларга ота-оналарининг ўзлари исм қўйишган. Князларни словакча ном билан Бела деб аташган, бу ном эса лотинча «Альберт»нинг словакча таржимасидан бўлак нарса эмас; alla eguale, яъни оқ, словакчасига Бела.

Жига баттар ғазабга минди.

— Сиз попларга ҳеч нарсани таржима қилишга йўл қўйиш керакмас, йўқса, ҳамма нарсани бузиб кўрсатасиз! Бечора тарихимиз! Бошданоқ, сиз поплар, унинг расвосини чиқаргансиз! Хурофотга қарши курашган, илм-маърифат тарқатган қирол Кальманни² букри деб эълон қилгансизлар.

— Сиз протестантмисиз, жаноб студент?— сўради руҳоний.

— Ашаддийси.

— У ҳолда ҳаммаси тушунарли.

— Демак, сизга нега поплар Кальманни букри қилганлари ҳам тушунарлидир?— деди Жига нафратомуз.

— Хўш, ишонмас экансиз, қани, унинг букри бўлмаганлигини исботлаб беринг йўқса.

— Исботсиз ҳам равшан. Агар Кальман мажруҳ бўлганида, салбчилар уни ўзларига йўлбошчи қилиш-

¹ Иштван I (997—1038)— Арпадлар уруғига мансуб бўлиб, 1000 йилда қирол унвонини қабул этиб, Венгрияда биринчи қироллик династиясига асос солган; венгр давлатининг асосчиси ҳисобланади.

² Кальман (1095—1116)— Арпадлар династиясига мансуб венгр қироли. У ҳукмдорлик қилиб турган даврда Венгрия герман босқинчиларидан ва Рим папасидан ўз мустақиллигини сақлаб қола олган қудратли давлат даражасига етган.

масди. Ахир ўша пайтда жисмоний куч ва мардонавор қоматгина қўшинлар ҳурматига сазовор бўла оларди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, бироқ ҳар ҳолда шаҳзода Евгений Савойскийни император у бадбуруш бўлгани учунгина узоқ вақт армияга қабул этмаган. Тарихчилар оддий мантиққа ақллари етмагани ва ҳамон попларнинг аҳмоқона уйдирмаларини чин деб билишлари ҳеч ақлга сиғмайди.

— Сиз, йигитча, диний маслакнинг ашаддий душманисиз!

— Мен диний мактаблар душманиман, чунки улар сизларни риёкор қилиб тарбиялайди.

— Мен эса фоний таълим душманиман, чунки у сизларни қўрс қилиб тарбиялайди.

— Бу нима, писандами?

— Истаганингиз.

— Илтимос қиламанки...

Баҳслашувчилар хўроздек бир-бирларига ҳамла қилишга тайёр эдилар. Попнинг кўзларидан ўт чақнар, лаблари титрарди (мўйловсиз лаб кўп нарсани ошкор қилиб қўяди). Бернат ғазабдан қони қайнаган, ўзини базўр тутиб турарди. Шу пайт хонага гайдук Гергей оёқ учида кириб келиб, эгилганча руҳонийнинг қулоғига шивирлади:

— Бошланмоқчи. Сизни кутишяпти.

Попнинг кўзларидаги аланга шу заҳотиёқ сўнди, ранги девордай оқариб, шошилмасдан ўрнидан турдида, хизматкор орқасидан чиқиб кетди.

Жига ҳайрон бўларди, нима бошланиши мумкин? Бу уйда ҳамма нарса қандайдир сирли! Дарахтларнинг барглари сирли шитирлайди; ҳавода, боғбон яшайдиган уй мўрисидан чиқаётган кўкиш тутунда ҳам сир бор.

«Э, бемаънилики! Бунинг ҳаммаси хаёлпарастликдан,— деб ўзини овунтирди Жига.— Бироқ қизиқ. Янош қаёққа йўқолди? Дёри билан шунча вақт нимани муҳокама қилишяптийкин? Яношнинг орқасидан кирсамикин?»— деб ўйлади, бироқ шу заҳотиёқ фикридан қайтди: таклиф этишмагандан кейин бостириб кириб, суҳбатга халал бериш ноқулай.

У айвонда битта-яримтаси келиб қолар деб, бир оз кутиб ўтирди. Бироқ кимсасиз уйда сукунат ҳукм суради. Боғбоннинг уйдан қўланса ҳид кела бошлади. Нима сасияптийкин?

Жига иморатга яқинлашиб, дераза рафида қатор те-риб қўйилган шиша трубачаларга кўзи тушди. «Э-ҳа, гап бу ёқда экан, шамга ёғ эритишяпти».

Бир учи тешик шиша трубчаларга пилик солиб, эри-тилган ёғ билан тўлдирилади. Ёғ қотиб, шам ҳосил бў-лади, хуллас, бунинг ҳаммаси жўн нарсас. Бироқ ота-бо-боларимиз мазкур ихтирони кўриб, уни қандайдир поляк Каминский топганини билишгач, қойил қолишиб: «Ақлингга балли!» дейишган.

Шиша трубачаларнинг ҳаммаси рафга сиғмагани учун боғбоннинг қизчаси уларни ташқарига олиб чиқиб ерга терарди.

Бир четда бепарво чўнқайган бароқ ит гоҳ шиша трубачаларига, гоҳ уйнинг орқасида ерга тўшалган пўстин устида офтобга тобланиб, чўчқа мойини кавшаб ётган одамга мўлтираб қарарди.

Ит қараркан, қандай қилиб одам ютиб юборган ёғ яна қайта шиша трубачаларда пайдо бўлиб қолишига ҳеч тушунолмасди (шишачалардаги сарғиш суюқлик кўз олдида совиб оқарар ва иштаҳани қитиқлайдиган ёғни эслатарди). Бу қизиқ ўзгариш итни ҳайрон қолди-рарди. Унинг ҳайрат-ла у ёқ-бу ёққа бориб-келаётган тумшуғи ҳаракатчан дирижёрни эслатарди. Ит қарши-сидаги ўзгаришга шунчалик маҳлиё бўлгандики, ҳатто атрофида гингиллаб учиб юрган хира кўк пашшаларга ҳам эътибор бермасди.

Бернат бу манзаранинг кулгилилигидан жилмаяр-кан, ўзича ўйлай бошлади: «Мана, кўппак ҳам қандай-дир сирни сезяпти. Аслини олганда, унинг кўз ўнгида ҳаётдаги энг оддий нарсас бўляпти, фақат у бу нарсани тушунишга қодир эмас. Мана, бу уйда нималар бўла-ётганига ўзимнинг ҳам ақлим етмаяпти».

— Эҳа! Бу сизмисиз, Жига? Учрашувни қаранг-а.

Жига таниш овозни эшитиб, ўгирилди. Гапирган одам пичоқ ва мойни бир четга қўйиб:

— Сизни бу ерларга қайси шамол учирди?— деб сў-ради.

Бернат уйларидаги ошпаз хотиннинг ўғли Йожеф Видонкани таниб қолди.

— Мени шайтон васвасага соляптими ё бу сенми-сан, «қўли гул» Йожка? Хўш, бу ерда нима қилиб юрибсан? Ахир, менинг билишимча, сен Уйхейда ду-радгорга шогирд тушган эдинг-ку?

— Мен дурадгорми, нима десангиз деяверинг, бу ерда эса катта жанобман, ёғ ичида яйраб юрибман-да! Хўш, онаизоримнинг ҳол-аҳволлари қалай, соғ-саломат юрибдиларми?

— Соғ-саломат юрибдилар, бизларга ажойиб овқат пишириб берардилар. Агар сен билан учрашиб қолишимни билганларида, совға-салом бериб юборган бўлардилар.

— Кераги йўқ! Мен бу ерда истаганимча қовурдоқ еб, вино ичяпман, яна қанақасидан денг! Токай виносидан! Худо паноҳида айшимни суряпман-да!

— Боғбон бўлиб олдингми дейман?

— Йўғ-э,— ранжиди Йожка ва қўлларини боши остига қўйиб, яна пўстинга чўзилди.

— Йўқ, беҳазил, бу ерда нима қилияпсан?

— Кутяпман.

— Бошқа ҳеч нарса қилмайсанми?

— Ҳеч нарса, фақат кутаман. Лекин буям енгил иш эмас.— У бир эснади-да, яна кавшана бошлади.

— Хўш, нимани кутяпсан?

Ёш Видонка кўзини маъноли қисиб қўйди.

— Кеч бўлишини.

— Кеч бўлишини? Нега энди?

— Э, йўқ, нақ шунисини айтиш мумкин эмас,— деди Видонка айёрона кулимсираб.— Тўғри эмасми?

Бу савол йигитнинг оёқ тарафида ярмисигача ўтга кўмилган кўзага қаратилган эди. Видонка кўзага қўлини чўзиб бир-икки қултум ичди-да, лаззатланиб лабини чапиллатгач, кўзани четга суриб қўйди.

— Ўзиям кўп йиллик винога ўхшайди!

— Афтидан, Йожа, ишинг жойидага ўхшайди. Онангга худди шундай деб айтиб қўяман. Келганингга анча бўлдимми?

— Ўн кун бўлди.

— Ҳамон бекорчимисан?

— Қўйсангиз-чи! Мен бу ерда шундай машина яратдимки, агар хўжайиним Мартон Одревич кўрганида, сўзсиз, менга кенжа қизини, йўқ-э, униси бир оз гилайроқ, каттароғи Катущкани берган бўларди. Ажойиб қиз-да, нилуфарнинг ўзи! Бундай гул боғбоннинг чаманзориди ҳам етишмайди.

Йожи Видонка бақувват йигит бўлиб, ёшлигида хўжайиннинг чўчқаси лабини узиб олмаганда, чиройли

деса ҳам бўларди. Жароҳати унинг башарасини бадбуруш қилиб қўйганди.

— Қандай машина? Демак, сенинг ҳам одамларга нафинг тегадиган бўлибди-да? Одамлар сени ичавериб абгор бўлди, дейишган эди.

Бу гапларнинг ҳаммаси Видонкани жағини очиш учун айтилаётганди. Бернат Йожининг зеҳни ўткирлигини билар эди. У бир кўрган нарчасини, ҳатто қалам-тарошда ҳам ясай оларди. Лекин ўзича ҳам ғалати нарсаларни топиб ясашга моҳир эди. Видонка ёғочдан энг майда деталларгача ўйиб соат ясаган, фақат кап-гирини тошдан ясашга мажбур бўлганди. Соати шундай аниқ ишлар эдики, ҳатто соатсознинг ҳам ҳаваси келарди. Ўзи юрар арава устида бир йил ишлади, ҳатто учадиган аппарат ҳам ясашга уриниб кўрди.

Ўша пайтлар мамлакатда туғма истеъдод эгалара жуда кўп бўлиб, бироқ камдан-ками юзага чиқарди, масалан, пожонилик Кемпелен'га ўхшаганлар. Бу уста қироллар ҳузурига бориб ҳар қандай кучли ўйинчини, ҳатто Наполеонни ҳам шахматда қолдирадиган машинаси билан мақтаниб юрарди. Ҳозирга қадар ҳеч ким бу машинанинг сир-асрорини топа олмаган.

Йожи Видонкага катта умид боғлашганди, шу сабабли кекса Бернат унинг қобилиятини ҳисобга олиб, Уйхейдаги дурадгорга шогирдликка берди. Бироқ америкалик ихтирочилар билан ҳам бемалол беллаша оладиган аксари туғма истеъдодли деҳқонлар юзага чиқмай, помешчикларнинг кўрғонларида тобут, ё бўлмаса, хўжайиндан ароққа пул ишлаш учун уларнинг шайтон-ваччаларига ўйинчоқ қилиш билан чекланиб қолардилар.

Еш хўжайиннинг камситиши Йожи Видонканинг нафсониятига тегиб, ўқсик оҳангда:

— Яна бир оз сабр қилинг, машина ҳақида эшитиб қоларсиз,— деди.

— Қачон?

— Балки шу бугун кечқурун!

— Ахир кеч кириб қолди-ку, осмон узилиб ерга тушса ҳам, бир соат илгари айтсанг нима қилади? Буни сен ясамагансан ҳам. Бу ерда қанча-қанча усталар иш-

¹ Кемпелен Фаркаш (1734—1804)— машҳур механик, Буда ҳамда Венадаги кўпгина нодир архитектура иншоотларини қурган.

лаган эмиш дейишади, сен бўлсанг, фақат овозини эшитиб, бировнинг ютуғи билан шунчалик мақтаняпсан. Ютуқларингни айтиб берсам, онанг қанчалик суюнган бўларди! Афсус, мен бу ерда кечгача қололмайман.

— Кетасизми?

— Ҳа-да!

— Ҳеч кимга гуллаб қўймайсизми?

— Ўзинг ўйлаб кўр, сенга ёмонликни раво кўраманми? Бундан ташқари, онангни ҳам хафа қилиш ниятим йўқ.

— Бечора онажоним! Чўчқа гўштидан ловияли қовурдоқни болайди-да!— дея йигитнинг кўнгли бўшаб кетди.— Ҳа, майли, сизга айта қолай, лекин шартим бор: ҳеч кимга оғиз очмайсиз. Йўқса, бечора Йожкани аҳволи чатоқ бўлади. Яқинроқ келинг, тушунтириб бераман... Мен шундай машина ясадимки, у полни шифт ўрнига, шифтни эса пол ўрнига қўйиб қўяди.

— Менга қара, Йож, яхшиси, словакча гапир. Шунда гапингни яхшироқ тушунаман.

— Яхши, тўрам,— шундан сўнг Видонка словакча сўзлашга ўтди.— Гап бундай, мен шундай машина ясадимки, у бутун бошли хонани бошқасига кўчириб олиб кириб қўя олади.

— Бу қанақа машина бўлди? Ҳатто уйни ҳам тушириб қўя оладими?

— Туширмайди! Кўтаради! Суяк итнинг олдига борадими ёки ит суякнинг олдига ўзи борадими, бари бир эмаеми!

Бернат ўйланиб қолди.

— Қайси уйларда шундай ўзгариш керак бўлиб қолди?

— Бароннинг канцелярияси ва унинг устидаги хоналарда. Мақтанмайману, лекин ажойиб нарса! Афсуски, бойвачча кўролмай қолади-да.

— Тепада ким яшайди?

— Ким, ким? Хонимча! Ўзиям кетворган ҳурилиқоки! Мана бугун тунда хўжайинга сув текинга тушган машинам кимнидир хонимчанинг хонасига зўрлаб кўтариб олиб кириб қўяди. Ҳеч тушуниб бўлмайд. Гўё ўша мишиқи: ўз оёғи билан қизнинг ҳузурига кўтарила олмайдигандай!

Бернат ари чаққандай сесканиб тушди. Энди унга ҳаммаси ойдинлашди.

Видонканинг хунук оғзи тиржайди, бироқ тўсатдан у шляпасини ерга итқитиб, пешанасига бир урди-да:

— Нега чўчиб кетдингиз, тўрам? Наҳотки, оғзимдан гуллаб қўйган бўлсам? Наҳотки, бугун тунда ўша машинада сизни олиб чиқмоқчи бўлишган бўлса-я?

Бироқ Жига Бернатнинг гап сотиб ўтиришга вақти йўқ эди, у тўғри буталар орасидан гулпушталарни босиб-янчиб барон уйи томон югуриб кетди.

Ун тўртинчи боб

АҲВОЛ МУРАКҚАБЛАШЯПТИ

Жиганинг уй атрофида узоқ вақт айланиб юриши фойда бермади. Иморат каттагина бўлиб, Дёри боболарининг ҳар қайсиси дидига яраша: бири роман, иккинчиси барокко услубида, бошқаси эса қишлоқ иморатчиси маслаҳати билан шунчаки бирор нарса қуришни лозим топгандилар.

Бинонинг одам яшамайдиган қисми чўккан, баъзи деворлари ёрилган бўлиб, бу ерда бойқуш ва кўршацалаклар макон қурганди. Тепаликка жойлашган қадимий қўрғоннинг кўриниши ҳасса таянган, юзларини ажин босиб, дарахтлар шивирлаши, қушлар нағмасию, ариларнинг гувиллаши туфайли ёшлигини эслаётган кекса бекани эслатарди.

Бернат ўзига таниш уйнинг одам яшайдиган ҳамма қисмини айланиб чиқди, ҳар бир бурчагига кўз ташлаб; ҳеч кимни учратмади. Фақат орқа оёғи боғланган шимпанзе Кипигина солиқ мураббия хонасидаги пўстақда қаттиқ инграб ётарди.

Кипи муҳаббат нималигини синаб кўрди — у энди ортиқ ҳеч кимга гул тортиқ этмайди.

— Ҳой, бу ерда бирон кимса борми? — бақирди Бернат. Жавоб бўлмади. — Бу уйдагиларни ер ютганми ўзи? — бирдан унинг қулоғига кимнингдир фарёди чалинди.

— Жига! Жига Бернат! Тезроқ, бу ёққа! Шак-шубҳасиз бу граф Яношнинг овози эди. Овоз бўғиқ, худди ер остидан чиққандай эшитилди, дарвоқе, бу ҳаёлий овоз бўлиши ҳам мумкин. Лекин ҳақиқатан ҳам Яношнинг овози бўлса, биринчи қаватдан эшитила-

ётгандир. Қизик, ахир ҳозир у ерда ҳеч ким яшамайди-ку, бу ярим ертўла қачонлардир турма вазифасини бажарган. Тўғри, қурғоннинг дастлабки эгаларидан бири бўлмиш Кручай бу ертўлани қачонлардир ўзининг *ius gladii*¹сини амалга ошириш мақсадида ишлатган. Айтишларича, ҳозир гулхона бўлган жойда Кручай ўзининг гўзал хотинининг бошини олдирган экан.

Пастки зах ва қоронғи хоналарда, ҳатто хизматкорлар ҳам яшашмаган. Лекин Бернат, Дёри бир марта гап орасида деҳқонларнинг пўстин ва чакмонлари ҳидига туролмаслиги, шу сабабли даъволарни ажрим қиладиган канцеляриясини пастга, биринчи қаватга кўчиришни буюргани ҳақида айтиб ўтганини эслаб қолди.

Жига пастга отилди. Бироқ зина ва эгри-бугри айланма йўлаклардан криб, уезд бошлиғининг канцеляриясини топгунга қадар анча вақт ўтди. Деворларда йўл кўрсатадиган ҳеч қандай кўрсаткич йўқ эди, бироқ қуббали йўлакка кираверишда Жига жисмоний жазо учун белгиланган скамейка ёнида ётган кундаларга дуч келиб қолди. Бернат канцелярия шу ерда бўлса керак, деган қарорга келди.

У қоронғи йўлак бўйлаб деворни пайпаслаганча юриб бораркан, тўсатдан кимнингдир:

— Ким бу?— деган овозини эшитиб қолди.

Бернат жавоб бермасдан яна бир-икки қадам ташлади.

— Тўхта! Ким келяпти? Отаман!— огоҳлантирди бояги овоз.

— Мен, Жигмонд Бернат, шу хонадон меҳмониман,— жавоб қайтарди йигит.

— Тўрам, яхшиликча орқангизга қайтинг, бу ерда қиладиган ишингиз йўқ!

Бироқ Жига ўжарлик билан олдинга, икки қуролли жандармга дуч келмагунча бостириб бораверди.

— Граф Бутлер қаерда?— сўради жиддий.

— Халақит берманг, ҳозир у банд. Кейинроқ кўрасиз.

— Нима қиляпти у? Бу ерда қандайдир қабиҳлик бўляпти! Уни нима қилишяпти?

¹ Феодалнинг крепостнойни жазолаш ҳуқуқи. (Лотинча.)

— Асло хавотир олманг. Унинг ўрнида мен бўлсам жон дердим. Ана шундай бир кеча учун соқчи ит бўлишга ҳам розиман!

Бу гаплар кўрс ва ҳаёсизларча кулги аралаш айтиларди.

— Йўл беринг, киришим керак!

— Овора бўласиз, тўрам, айбга қўшмайсизу, илтимосингиздан фойда йўқ.

— Йўлимни тўсишга қандай ҳаққингиз бор?

— Шунинг учунки, тўйга таклиф этилмаган одам, яхшиси, келмагани маъқул!

— Тўй?!

Гап бу ёқда экан-ку! Попнинг келиши, дарвоза қулфланиб, уйдан ортиқча ҳамма хизматкорларнинг ҳайдаб юборилиши, фақат тил бириктирганларгина қолганлари энди равшан бўлди. Ҳаммаси ойдинлашди!

Дёри қандай бўлмасин бадавлат магнатни куёв қилиб олишга қарор қилибди. Иштаҳаси чакки эмас: граф Бутлернинг етти қўрғони ҳазил эмасди! Нега бунга Жиганинг ақли аввалроқ етмабди? Ахир ҳамма нарса шундан далолат бериб турган эди-ку. Энди бошингичи зах деворга урсанг ҳам фойдаси йўқ. Бугунги барча воқеалар бир-бирига боғлиқ кўринди. Ҳозир канцелярияда поп Бутлери зўрлаб никоҳлаяпти; боз устига, кечаси кўтарма машина ёрдамида Яношни тепага кўтариб қўйишади ва у келин билан хонада ёлғиз қолади. Эрталаб хонага хизматкор — «гувоҳлар» киришади ва судда куёв билан келин тунни хонада бирга ўтказишди деб қасам ичишади... Ё парвардигор! Дунёни ўзинг бошқаряпсанми ёки бандаларинг тақдирига ким бўлса суқилаверадими?

Жиганинг қони қайнаб, бор кучи билан жандармни итариб юборди.

— Нима бўлса ҳам ўша ёққа кираман! Йўқол, ит-ваччалар!

— Овозингизни чиқарманг, йўқса, бирпасда суробингизни тўғрилаб қўямиз, тўрам!

Жандармлардан бири — Қажмари йигитни белидан ушлаб уни худди бўш хум кўтаргандек юқори кўтариб, ерга қўйди, сўнгра илжайиб:

— Хўш, хумча, эҳтиёт бўл, тагин синиб-нетиб юрма-я!

Онаси уч ёшгача эмизган Қажмарининг қўллари темирдай қаттиқ эди.

Жига куч билан ҳеч нарса қилолмаслигига ақли етиб, бошқача йўл тута бошлади.

— Ҳой, яхшилар, худодан қўрқсанглар-чи! Тушунинглар, менинг киришим жуда зарур. Ахир комитат бошқармасида хизматдасизлар, ҳарбий одамларсиз, сизнинг ҳам кадрдон, жонини аямайдиган ўртоқларингиз бордир-ку. Ахир венгрсизлар-а! Менинг кадрдон дўстим бошига кулфат тушди. Хонада бўлаётган қонунсизликнинг олдини олишимга ижозат беринглар. Виждонингларга ҳавола қиляпман, азизларим! Вазиятга ақл кўзи билан қаранглар. Дўстимнинг қишлоғимизда қаллиғи бор, ажойиб қиз, улар бир-бирларини севишади. Агар бу воқеа қулоғига етгудек бўлса, қиз бечоранинг юраги ёрилиши ҳеч гап эмас-а! Ахир сизлар ҳам ҳаётингларда кимнидир севгандирсизлар! Биламан, яхши одамсизлар, босқинчини отиб ташлайсиз, аммо ҳимоясиз, митти қушга қўл теккизмайсизлар. Уша бечора қушчанинг ҳалок бўлишига йўл қўйманглар. Йўл беринглар, яхши одамлар! Ўзингларга гап тегмаслиги учун мени зўравонлик билан кирди, кучимиз етмади, дейишинглар мумкин. Тўсманглар, худо хайрингларни берсин, хоҳлаганча пул ола қолинглар.

Жига қўлини чўнтагига солди-да, қирол кийимли, бола кўтарган авлиё Мария сурати солинган тўртта олтин танга олиб (хайрлашаётганда онаси берган тангалар) жандармларга узатди. Улар Жиганинг қўлини силтаб ташлашди.

— Бир оз камроқ беряпсиз! — калака қилди Есенка. — Анави ёш граф ҳар биримизга биттадан қишлоқ ваъда этганди, сиз бўлсангиз, иккита танга билан қутулмоқчи бўляпсиз!

— Ваъда қилган бўлса албатта беради.

— Биз камбағал бечораларга ортиқчалик қилмасди, тўрам. Инсон боласи бўлган сари бўлгиси келаверади, ҳамма бало шундаки...

— Хўш, нимада?

— Шундаки, кафт қичиганда бўйин ҳам қисирлайди. Дёрининг олдида ожизмиз. Йўлингиздан қолманг, тўрам. Мумкин эмас, дейилдими, тамом, мумкин эмас.

Бернатнинг ўзи ҳам бундай ҳеч нарса чиқмаслигига кўзи етиб, жандармларга пул қистирди-да, жилла қурса,

нима бўлаётганини зулф тешигидан мўралаб кўришга рухсат сўради. Жандармлар келишиб олишиб, рози бўлишди. Бу ишга халал етказмайди. Бироқ ҳар эҳтимолга қарши Жиганинг қўлларини ушлаб туришди. Жига тирқишдан мўралаб, ғазаб билан тишини гижирлатди. Худди шу пайт поп баронессанинг қўли ва кекса Дёри биллагидан қаттиқ ушлаб турган Яношнинг қўли устига епитрахилья ёпмоқда эди.

— Ярамаслар!— бақирди Жига.— Эҳ, аттанг, ожизман-да!

— Ожизлигингиз яхши, тўрам. Сизнинг ўрнингизда мен ҳам хайрият, бирон жойга қамаб қўйишмаган, деб хурсанд бўлардим. Уезд бошлиғи жаноб олийлари сизни эркин қўйиб катта хато қилганлар. Биз бу ерда бўлмаганимизда халал берардингиз.

Бу сўзлар Жигага мадад бергандай бўлди. Ҳақиқатан ҳам агар уни бирор хонага қамаб қўйганларида бундан ҳам баттар бўларди. Ҳозир эса у эркин. Қишлоқда жанжал кўтариши ёки бирон чора кўриши, хулласи, қандайдир ёрдами тегиши мумкин. Тезроқ бу ердан жўнаб қолиш керак.

Жига ана шу фикр қистови билан қоронғи зина ва йўлаклар орқали зуд орқага қайта бошлади. Ҳовлига чиққанида қош қорайган эди. Узоқда, қишлоқ кўнғироқ-хонасида ғамгин бонг урилди; осмонда юлдузлар чарақлаб, қишлоқ кулбаларининг деразаларида милтираб чироқ ёнди.

Жига Бернат дарвоза томон югурди. Бироқ дарвоза ҳам, эшик ҳам маҳкам занжирланган эди. У елкаси билан дарвозага суяниб, беҳуда тақиллатди. Кўрғоннинг чор атрофини ўраб олган тош деворга чиқиш ҳақида ўйламаса ҳам бўларди, чунки унинг ҳамма ёғига ўткирмих тикиб ташланганди-да. Йигит бирор жойдан йўл топиш ниятида нари югуриб кетди. Бутун боғни югуриб айланиб чиқиб, кети йўқ бу девордан ҳеч қандай туйнук тополмагач, нафаси бўғила бошлади.

Демак, у ҳам асирми? Нима қилиш керак? Дёрини пойлаб, у билан олишишу бошини ёриб, дўстини қутқарсинми? Лекин буни кўрғон деворидан ташқаридагина қилиш мумкин. Хўш, мақсадини қандай амалга оширса бўлади?

Девор ёғинасидаги улкан арғувон дарахтининг шохлари қўшни боғдаги шумтолга туташган эди. Қани эди

ана шу толга сакраб ўтиб, озодликка чиқа олса! Бу бошқа гап!

Жига дарахтга чиқишга чаққон эди. У этигини ечди (ўша пайтлар жаноблар ҳам қўнжи калта этик кияр эдилар), қандайдир ўт билан боғичлардан боғлаб, елкасига ташлади-да, тирмашиб, чаққон дарахтга чиқа бошлади.

Яхшиямки, у вақти ғаниматида илдамлик қилган экан, чунки дарахт учига чиқар-чиқмас Дёрининг дарғазаб товуши эшитилди:

— Ҳамма ёқни тинтинглар, у шу ерда бўлиши керак! Қандай бўлмасин топиш керак! Ҳовлидан чиқиб кета олиши мумкин эмас!

Бернатнинг ксаги гупиллаб ура бошлади, у баргларнинг шитирлаши билдириб қўямасмикин, деб қўрқарди.

Қадам товуши яқинлашди... Қочоқни қидириб, буталар орасини пайпаслашарди.

Дёри боғбон уйи олдига келиб, қаттиқ овозда Йожи Видонкани чақирди:

— Ҳой, дурадгор, шу атропода ёш баринни кўрмадингми?

— Йўқ, ҳеч кимга кўзим тушмади. Фақат қора мушук кўрдим, холос.

— Овозингни ўчир, эшшак!

Сўнгра улар нима ҳақдадир шивирлашишганди, Жига шабада у томонга эсганига қарамай, ҳеч нарса англолмади.

Кўп ўтмай жандармлар боғнинг кунботар томонига йўналишди. Жига фурсатдан фойдаланиб, олмахондек жадал дарахтга чиқа бошлади (хавф унинг кучига куч қўшарди), икки дарахтнинг шохлари туташган жойга етгач, каттароқ шохни ушлаб олди-да, шартта нариги дарахтга ўзини отди. Бироқ шу пайт этиклар боғланган ўт узилиб, этикнинг бир пойи Дёри боғига тушди, иккинчиси эса эгаси билан эсон-омон девор орқасига — Ижипь боғига ўтиб олди.

Жига вужуди қулоққа айланиб, жандармларнинг гапини тинглай бошлади.

— Секин, нимадир тапиллади, эшитдингми, Қажмари?

— Йўқ, анави бурчакда мушук дарахтдан сакради шекилли.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

БЕМОРНИНГ ҒАЗАБИ

Бернат енгил нафас олди, фақат этигини йўқотгани алам қиларди. У аҳволи қанчалик кулгилилигини яхши тасаввур этар, илож қанча, бироқ бир пой этик кийганда «Агсроетика»¹ ямбни хорейга бемалол аралаштирган Горацийга ўхшаб оқсоқлана олмасди. Жига ўйланиб қолди. Э-ҳа, бу ҳасиятсиз аломат! Энди у Яношга қандай ёрдам қилиши мумкин? Ҳатто йиртиқ кўйлак, илма-тешик шляпада ҳам одам одамлигича қолади, аммо оёқ яланг Наполеон эса Наполеон бўлмайди. Бернат хотирасида сақланиб қолган дунё тарихига оид воқеалардан биронтасини эслашга уриниб кўрди ва фақат далда берувчи, ҳозиргига ўхшаш воқеа ёдига тушди: бир кун Михай Телеки² жанг майдонидан қочаётиб ботқоққа ботиб қолгач, бир амаллаб оёғини тортиб олса ҳам, аммо этиги лойда қолиб кетади.

«Иложим қанча,— хаёлидан ўтказди Бернат,— йўқолган нарсани қайта топиб бўлмайди. Яхшиси, тезроқ бу ердан жўнаб қолиш керак!» У Ижипларнинг боғидан пусиб ўтди-ю, ҳеч кимга сездирмай ҳовлига етиб олди.

Тўғри, ҳовлини кесиб ўтиш хавфли, у ерда хизматкорлар изғиб юришади. Жига тош девор ёқалаб бино атрофини айланиб чиқди. У чироғи ёниб турган бирдан-бир деразага мўралаб, Ижип қизларидан бирини кўрди. Қиз стол ёнида оқ кучукни эркалаб силаганча бўйинига ҳаво ранг бантик боғлаётганди.

¹ «Поэзия санъати». (Лотинча.)

² Телеки Михай (1634—1690), граф, давлат арбоби ва қўмондон. Бу ерда у 1672 йили ўз отряди билан немисларнинг Сатмар комитати гарнизони томонидан қўўқисдан қилинган ҳужумига дуч келиб, қочиб мажбур бўлгани кўзда тутилади.

Жига ногаҳон шимпанзе воқеасини эслади-ю, хаёлига шум фикр келди: деразага йўқолмаган, бироқ энди кераксиз этикни қўйиб қўйса ҳар хил миш-миш тарқалади-ку!

Яна сал юрса катта кўчага чиқиб қушдай эркин бўлади. Хўш, ҳозир нима қилиши керак? Қимга арз қилсин? Қимни ёрдамга чақирсин? Бу ердагиларнинг тақдири Дёрига боғлиқ, шунинг учун ҳамма ўзидан кўрқади.

Жига ўйлаб кўриб меҳмондўст Тоот майхонаси томон йўналди. Оёқ яланг ғадир-будур тош йўлдан юриш қийин эди, бироқ у илдам одимларкан, тез юриш ҳарсиллатиб қўйди (ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этмаслик учун чопишга журъат этмасди). Йўловчилар ҳайрон бўлиб қоронғиликка тикилишар, қадам товуши эшитилмагач, бу қандайдир ялангоёқ дайди бўлса керак, деб ўтиб кетишар эди.

Тоотнинг кулбасида фақат биргина дераза ёришиб турганди. Бернат эшик тақиллатганида уй эгаси энди ечинаётганди. Бека девор тарафдан эрига жой қолдириб, ўзи каравотнинг бир четида ётганча трубкада тамаки чекарди.

— Қим?— дея Тоот деразани қия очди.

— Бу мен, йўловчи студентман.

— Э-ҳа! Оломон орасида ҳам сизларнинг овозингизни таниб олардим. Ҳозир, Иоганна, калитни узатиб юбор, ёстиғинг остида эди шекилли.

Жаноб Тоот қўлида шам билан чиқиб келди. Студентни залга киритиб, уни оёқ яланг ҳолда кўриб таажжубланди.

— Эҳ, даҳшатли ҳодиса юз берди, кўнгилсиз ҳодиса!

Бернат бўлиб ўтган воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб берди.

Кўнгли очиқ Тоот кулоқларига ишонмасди. У дамбадам бошини қашлар, воқеага монанд бош чайқаб, беихтиёр қўллари мушт бўлиб тугиларкан, кўзларини бақрайтирганча Бернатга тикилиб ўтирар, майхона эгасининг қаттиқ ҳаяжонлангани сезилиб турарди.

— Янз ўша поплар! Ҳамма бало ўшалардан чиқади!— дея хитоб қилди ғазабланган майхона эгаси ва шу заҳотиёқ қўли билан оғзини беркитди.— Тсс! Секинроқ гапиринг, йўқса, хотиним эшитиб қолади, ярамас ён хоёнда ётибди. Бу воқеада поп шайтонга хизмат қилибди.

да! Бекорга уйга келишни тақиклаб қўйишмаган, бирор номаъқулчилик қилиб қўйганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам шошиб қолишган. Майли, ўлмасак кўрармиз. Бунақа ишларнинг тез чуви чиқади. Тўққиз ой ўтмасданоқ... Ха-ха-ха!

— Нималар деяпсиз?— даҳшатдан ҳайқириб юборди Бернат (бечоранинг ҳатто сочлари тик туриб кетганди).— Наҳотки, сиз... ўйлайсизки...

— Ҳа, худди шундай деб ўйлайман. Маълумки, одам сабабсиз гуноҳ иш қилмайди. Бинафша ўз уруғидан унади, карам ҳам, картошка ҳам ўз уруғидан чиқади, одамнинг гуноҳлари эса бошқа гуноҳлардан келиб чиқади. Барон очкўзлигидан шундай қилган, аммо попини бу ишга аралашшига нима мажбур этдийкин? Шунга амин бўлингки, баронессалар ҳам Момо Ҳаво каби сохта суякдан пайдо бўлишган. Афсуски, ўтган сафар жу-жаларимдан тотиб кўролмадинглар, шунга ачинаман, холос. Бай-бай-бай! Энди нима қилмоқчисиз, марҳаматли жаноб?

— Аввало дўстимни қутқармоқчиман.

— Нечта солдат ва замбарагингиз бор?

— Ҳечам нарсам йўқ. Лекин мен сиздан Бутлернинг ҳомийси Фаи яшайдиган Патак шаҳрига етиб олиш учун от сўраб келган эдим. У жуда эътиборли одам, албатта, нима қилиш кераклигини дарров фаҳмлайди. Яна, агар мумкин бўлса, бир жуфт этик қарз бериб турсангиз.

Бу сўзларни эшитган Тоотнинг дарров таъби хиралашди.

— Гарчанд тальялик этикдўз жаноб Гибара бугун менга князлар кийса арзийдиган яп-янги амиркон этик олиб келган бўлса ҳам уни сизга беролмайман. Бироқ... борди-ю, жаноб Дёри сизга этик берганимни эшитгудек бўлса эртагаёқ мени бу ердан бутун кўч-кўровим билан ҳайдаб юборади... Отини ҳам беролмайман, аммо бир маслаҳатим бор: отларимдан бирини олиб қочинг, ўша ерда, отхонанинг ўзида абзаллари ҳам қозиққа олиб қўйилган.

— Наҳотки?! От ўғирлашим керакми?

— Ҳа-да! Менга қаранг, иккимиз ҳам дворянимиз, албатта, бир-биримизни тушунамиз. Жаноблари кейин отини қайтариб бераверадилар, аммо қишлоқдагилар отини ўғирланганига ишониллари керак, тушуняпсизми? Мен ҳозирроқ отбоқарни орқамга дори суртиб қўйгин деб

чақриб оламан, бу ҳаётимдаги бирдан-бир роҳатимдир. Сиз бу пайтда устун орқасида бекиниб турасиз, сўнгра чиқиб, шамни олинг-да, кўк отни эгарланг. Кейин сизни ердан ҳам, кўкдан ҳам топишолмайди! Тасаввур қила оласизми, елкам уқаланса олам-олам роҳатланаман-да! Тўғри, иш яхши бўлиши учун одамнинг қорни тўқ бўлиши керак, Sine gua поп¹ деганлар, лекин менинг қорним доим тўқ... Ҳм-м... попларни нима дейсиз? Оббо, поплар-эй! Бу найрангни сираям миямдан чиқариб юборлмаяпман.

Бернат Тоотнинг маслаҳатига кўнди. Бошқа иложи бормиди дейсиз?

Ҳамма нарса кўзда тутилгандек бўлди: отбоқарни уйга чақаришди, Бернат ҳеч кимга кўринмай, отхонага кириб, у ерда керакли отни тезда эгарлади-да, ҳадемай Петрахо йўлида елиб кетди.

Петраходан кейин ҳозирги Йожеффалва келади. Уша пайтда бу қишлоқнинг номи бошқача эди. Умуман, Земплен комитатининг кўриниши у вақтда мутлақо ўзгача бўлган. Ҳозир комитат майдонининг кўриниши ботфорт этигига ўхшаш (Беч-Уйхейда Ракоци шундай этик кийиб юарди), ўтган асрнинг бошида эса йўргакланган чақалоқ шаклида эди. Вена саройининг қайчиси куруцларни² вояга етказган сеҳрли тепалик ва водийларни бўлак-бўлак қилиб юборди. Тисса ортида, Вишдан берирокдаги Кенезле ва Залкода, жануброқдан Чобайд, Ладань ва Тардош номли ерларни Сабольч комитатига қўшиб бердилар. Унг комитатига Синнай уезди эвазига баъзи жойлар ўтди. Одамлар жой-жойларида қолишди, албатта, ўй-хаёллари, ғам-ташвишлари ҳам аввалгидай қолди. Аммо улар энди Уйхейдаги дворянларнинг комитат сеймларига йиғилмас эдилар. Комитат мажлисининг катта сарғиш биноси ҳақиқий газандалар уяси бўлиб, у ер фитнанинг кони эди.

Бернат Йожеффалвада патаклик таниш аравакаш Черепеш амакини учратди. У араवासига бўш асалари

¹ Мажбурий, зарур шарт. (Лотинча.)

² Куруцлар қўзғолони (Бостирлиб, Сатмар (1711) тинчлик шартномаси тузилганда, веналик ҳукмронлар вужудга келган қадимий венгр комитатларининг чегараларини, абсбург зулмига қаршиликларини сусайтириш мақсадида ҳоҳлаганларича ўзгартирганлар.

уяси ортиб келаётиб, карвон сарой олдида тўхтаб, отига ем бераётганди.

— Патакда қандай янгиликлар бор?— сўради Бернат.

Аравакаш сўнги воқеаларни айтиб берди: бугун тонг саҳарда Бодроғ соҳилида чавақланган одам топилибди, шу иш юзасидан Патакка шу бугуноқ вице-губернатор, олиҳиммат жаноб Тамаш Сирмаи етиб келибди, у ҳозир ҳам Патакдамиш. (Уни «Худонинг ўзи етказибди»,— дея ўйлаб қўйди студент.)

— Наҳотки, вице-губернатор жаноб Иштван Фаиникида тўхтаган бўлса?— сўради студент муҳтарам Черепешдан.

— Йўқ, имениелар бошқарувчисиникига тушди. Жаноб Иштван Фаининг авзойлари бузуқроқ эди, шунинг учун уни ҳатто таклиф ҳам қилмадилар...

— У кишига бирон кор-ҳол бўлмаганмиди, ишқилиб?— хавотирланиб сўради Бернат.

— Нима десамикин...— гўлдиради Черепеш,— гап шундаки, ҳазрати олийлари чет элда минг фўринтлик лола илдизи ёздириб олгандилар.

— Биладан, Голландиядан. Ўзим шахсан буюртма — хат ёзиб бергандим.

— Хўш, демак, ўша илдиэлар почта орқали махсус қутиларда пахтага ўралиб етиб келди. Бугун жаноб Фаи уларни ўтқазмоқчи бўлиб, боққа олиб чиққану, боғбон яшайдиган уйнинг дераза рафига қўйган, ўзи эса чет элдан келган ўсимлик учун ер тайёрлай бошлаган. Хўш десак, у ариқ олиш билан овора бўлиб юрган вақтида боғдаги словак мардикорлар тамадди қилиб олмоқчи бўлишган. Буни қарангки, улардан бири ўша гул пиёзини кўриб қолибди. У дераза тагига секин пусиб келиб, ҳаммасини олган-да, шерикларига бўлиб берган. Улар гул пиёзларини бўлак-бўлак кесиб, худога шукур қилганча еб битирганлар.

— Оббо ярамаслар-эй!

— Тўрам, бечора жаноб Фаи қанчалар дарғазаб бўлганини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Лекин энг қизиги шундаки,— деб қўшиб қўйди марҳаматли Черепеш ҳайрат билан қошларини чимириб,— гул пиёзларини еган словаклару, жаноб олийларида санчиқ турган. Мен сизга айтсам, унинг аҳволи шундай ёмонлашганки...

— Алам қилганидан шундай бўлган.

— Ҳа-да, доктор чақиртиришди; доктор қоринга грелка қўйишни буюрди. Бу воқеа дарҳол бутун шаҳарга тарқалди. Роса кулишди албатта, бечора жанобга раҳмлари ҳам келди. Вице-губернатор эса бу ҳақда эшитиб, бошқа уйда тўхташга қарор қилди. Эҳ, отлари шундай ажойибки! Қўриб ҳавасинг келади!

— Қимнинг отлари, вице-губернаторникими?

— Ҳа-да! Бошларини баравар силкитишини айтмайсизми! Яйловда яйдоқ юришга ўрганишган бўлса керак.

— Шундай бўлса керак, Черепеш.

— Яйловлари каттамикин?

— Шундайлари ҳам борки, шу ердан Патаккача келади.

— Жин урсин ўша Қизил қисқичбақасини!¹ — деди ўқиниб Черепеш,— қандай қилиб шунча ерни қисқичлари билан тортиб олдийкин-а?!

Бернат кулиб юборди-да, кўк отини қамчилаб Патакка, Фаиннинг уйига етиб олмагунча тўхтамай елиб борди. Етиб келганида ҳали хўрозлар қичқирмасди, демак, ярим кеча ҳам бўлмаган.

Кекса барин ҳали ухламаганди: у иккинчи қаватга жойлашган кутубхонасидаги креслода йўқолган лола пиёзларига ачиниб ўтирарди. Миришкор боғбоннинг қалбига шундай ниш урилган эдики, бечора ақлидан озай деб қолганди.

Туёқ товушларини эшитиб, у деразадан қаради, лекин кўзлари заифлиги сабабли Жигани таний олмади.

— Бу менман, қадрдон амакижон, мен!

— Шу маҳалда-я,— деди Фаи шикаста овозда,— Хўш, болаларим, ётиб ухланглар. Мени безовта қилманглар, касалман, қорнимга зулук қўйганман. Оч бўлсанглар, ошпаз хотинни уйғотинглар, бечора холажонинглар эндигина ётувди.

— Бир ўзимман, Пишта амаки.

— Янош-чи?

— Яношнинг бошига ташвиш тушди.

Бу сўзлардан Иштваннинг касалидан асар ҳам қолмади. У арзимаган борди-кеддиларни юрагига яқин олувчи, аммо жиддий ташвиш тушса дадиллашадиган-

¹ Қизил қисқичбақа — Сирман авлодининг герби.

лар тоифасидан эди. Фаи сапчиб ўрнидан турди, овози-ни жаранглатиб:

— Э, лаънати! Тезроқ бу ёққа келиб гапирмайсанми!— дея Жигага ўдағайлади.

Жига отдан сакраб тушгач, тезда икки шам билан хира ёритилган хонага кириб келди. Чол ожиз кўзларини шам ёруғидан сақлаш учун пешанасига кўк соябон тангиб олганди.

— Нима гап ўзи?— ҳайрон бўлди Фаи.— Оёғингга нима бўлди? Қадам товушинг эшитилмаяпти.

— Яланг оёқман, Пишта амаки.

— Нима, эсингни еб қўйдингми?

— Қўяверинг, этигим йўқ холос, тутқунликдан қутуламан, деб йўқотиб қўйдим.

— Нималар деб вайсаяпсан? Қандай тутқунлик? Тушунтириброқ гапирсанг-чи!

Унга бор гапни, яъни мен юқорида тасвирлаб берган воқеани яна бошдан-охиригача айтиб беришга тўғри келди, фақат Жига ҳамма нарсани менга нисбатан анча чала баён этди. Лекин бунга ҳайрон бўлмаслик керак, чунки чол гоҳ бирдан сўқиниб, гоҳ мушти билан столга урганча унинг гапини бўлиб турар, Жигани дўппослашга ҳам тайёр эди.

— У ёқларда нима қилиб юрибсизлар? Эшшаклар! Ажаб бўпти! Наҳотки, бу тузоқ эканини сезмаган бўлсанглар? Илтимос, ўзингни оқлашга уринма! Сенинг фаҳминг етиши керак эди, ахир сен граф эмассан-ку! Лекин сен ҳам эшшак экансан. Агар мени жандармлар кутиб олишганини кўрсам, у ёққа бормасдим. Бундай гайри табиий меҳмондўстликдан нечук шубҳаланмадинглар? Уйга келиш ман этилган попнинг пайдо бўлиши-чи? Буни тентакларгина тушунмайди. Сизларни маст қилишга уринишлари-чи? Яношни қаергадир олиб кетишгани-чи?.. Эҳ аттанар, ўлгудек меров экансан! Этигингни қара, дарахтга чиқар экансан, пишиқроқ бирон нарса билан боғлаб олмайсанми? Шамоллаб, ётиб олишинг етмай турувди ўзиям. Майли, бўлар иш бўлибди. Югур, оёғингга бирор нарса ол, ҳозироқ жўнаймиз! Даҳшатли воқеа! Бутун мамлакатга шарманда бўлинади-я! Ё парвардигор, бу қандай шармандалик!

Чол ҳаш-наш дегунча қорни ўралган иссиқ рўмолларни, ҳар хил иситкичларни улоқтириб қотма қомати қолди, холос. Баданидаги зулукларни аямай юлиб ташлар

экан: «Етар шунча қонимни сўрганларинг, азизларим»,— дея гўлдиради-да, гўё зулуклар унга энди қондош эмас, ашаддий душмандай деразадан улоқтирди. Сўнгра эгнига кўк камзулини илиб, тугмаларини қадади, шляпасини бостириб кийгач, ўрдак калласини эслатувчи тутқичли кумуш ҳассасини топди-да, иккита чўнтагига биттадан тўппонча солиб олди.

— Мана, энди вице-губернатор ҳузурига кетдик, чунки *regium in toga*¹. Шу бугун тундаёқ Рёскга брахиум² жўнаши керак.

Даҳлизда бир пайтлар куруцлик қилган хизматкор Мате Бакша этик мойлаётганди. У хўжайинининг сафарга отланганини кўраркан, таажжубда унинг йўлини тўсди.

— Йўқ, йўқ, барин,— деди хизматкор, — овора бўлманг, ярим кечада шаҳарга сайрга чиқиш ярамайди! Мен бунга йўл қўймайман. Қасалсиз, марҳамат қилиб ўрнингизга ётинг, йўқса, ҳозироқ бекага айтаман.

— Йўқ, сен бундай қилмайсан, қари чилтон,— дея бақирди унинг қулоғига Иштван Фаи (кекса хизматкор, тўплар овозига ўрганган бўлиб, қулоғи оғирроқ эди).— Айтмайсан, тушундингми? Ҳарбий иш, бугун тунда биз бир ёвузга қарши ҳарбий юриш уюштиряпмиз. Бу сенга пиёз гуллари эмас! Тушундингми? Нима дедим?

Аниқроқ бўлсин, деб хизматкорнинг уқиб олганига ишонч ҳосил қилиш учун унга ҳамма эшитганларини қайтартиш керак эди.

— Бу ҳарбий иш, деяпсиз,— деди у,— яъни, мен бариня хонимга айтмайман!..

— Лекин у кечаси қўнғироқ қилиб, мени сўраб қолса, ўринларида тинч ухлаб ётибдилар, дегин. Хўш, барин ҳозир нима қиляпти?

— Жаноб олийлари ўринларида тинч ухлаяптилар.

— Мате, жудаям зийраксан! Нега энди камзулимга ёпишяпсан? Тугмачамни қадаб қўймоқчимисан? Илтимос, менга ёғлиқ қўлларинг билан тегаверма, йўқса, бошингга мушт тушиб қолади.

¹ Кечикиш хавфли. (*Лотинча.*)

² Брахиум (*Brachium*) — эски венгр қонуниятда давлат ҳокимияти ва маҳаллий маъмурият ихтиёридаги жамоа тартибини сақлаш учун ишлатиладиган қуролли кучлар (полиция, жандармерия, ҳарбий қисмлар).

Улар марказий кўчадан жадал юриб боришаркан, жаноб Фаи бод касалини ҳам унутиб, кекса гренадерга хос сакраб-сакраб қадам ташларди.

Ҳамманинг оғзида вице-губернатор ва унинг меҳмонлари ҳали уйқуга ётмаганлари ҳақидаги гап. Барин бошқарувчисининг уйи теварагига тагин тумонат одам тўпланган бўлиб, барча деразалар шамалоқдек ёритилганди.

Бу ерга йиғилишган хотин-халажу йигитлар ҳамда ҳар турли томошатабларнинг бир хиллари тирик вице-губернаторни кўрмоқчи бўлишса (бу дераза орқали ҳаммага ҳам насиб қилавермасди), бошқалари музика тинглашни истардилар. Музика куйи очиқ деразалардан шундай майин таралар, шундаям мусаффо туюлардики, гўё у ҳали жаноблар қулоғига бориб ётмагандай эди. Дарҳақиқат, йигитларнинг эриётганлари бежиз эмас, уларнинг дадилроқлари қоронғиликдан фойдаланганча ёнма-ён турган қиз белидан тутишаркан, бирорта арава ўтиб қолгунга қадар тўғри кўчадаёқ танца тушишарди.

Хўжайин дарвозаси олдида йиғилган қоматдор гусарлар, жандарм ва гайдуқлар чиройли мундирларига суқланиб тикилаётган қизчаларга имо-ишора қилардилар.

Аёллар ёритилган деразаларга тобора яқинлашарканлар, чироқ нури уларнинг чеҳраларини ёритар, ишвалари яққол кўрингани учун гусарлар баттар ҳаяжонланишарди.

Кенг ҳовли жанобларнинг хилма-хил файтон ва извошлари билан тўлган. Отхона олдида тўпланган хизматкорлар трубкаларини сўрганча комитат оқсуякларининг барча кирдикорларини калакалардилар.

Земплен вице-губернатори қуёш қадар эътиборли зот бўлгани учун унинг орқасидан ҳар турли мулозимлари доимгидай эргашиб юришарди. Вице-губернатор Патакка анави қотилликни текшириш учунгина келмаган албатта, бу шунчаки унинг навбатдаги саёҳатига тўғри келиб қолганди, холос. Ҳар баҳор ва куз фасли у ўз комитатининг энг йирик шаҳарлари — Патак, Хомонна, Токай ва Лелесдаги Премонтрей ибодатхоналарини кўргани бо-

рарди. Ҳамма жойда унинг шарафига катта-катта қабул маросимлари ўтказилар, айрим жойларда эса бундай муҳим воқеани нишонлаш учун тўплардан салют бериларди. Бундай саёҳатлар дабдабали бўлиб, икки жуфт олачиפור от ўйноқлар, эгарларда кучер ва егерлар ўтирганча, орқада иккита гусар, извошнинг икки ёнида жиловкорлар ҳамроҳлик қиларди. Иккинчи извошда оила табиби изма-из борарди. Олий ҳазратлари тоби қочиб қолмаслиги учун доим табиб ҳузурида овқатланарди (бирон кори ҳол рўй берса табиб жавобгар). Ҳазрат ёнида табиб ва икки нафар поляк сиғиндиларини олиб юрар, чунки вице-губернатор улар билан чақчақлашиб турар эди. Ҳазрат олийларига ҳамроҳ бўлган бошқа жаноблар энг яхши отларни эгарлардилар, айнаи вақтда ҳар сайр отларнинг асл зотларини намоёниш этиладиган ярмарка ўрнини босарди. Ҳовли кун бўйи ҳақиқий от бозорига айланарди: меҳмонлар от танлашар, айирбошлашар, байлашар, аравага қўшиб кўришар ва яна бўшатишарди.

Бугун ҳам бу ерга атрофдаги ҳамма дворянлар йиғилишган — Мельцерлар, Докушлар, Бонишлар, Янтолар, Гилланья ва Семерелар, баҳайбат эгизак Бодолар (бу икки улкан йигитни бир она туққанига ҳеч кимнинг нишонгиси келмасди — тўғрироғи, ҳар бирини иккитадан аёлнинг биргаликда ҳаракати билан туғилгани ҳақиқатга яқин эди), келишган, кўркам Шеньей (унинг от абзаллари шундай жаранглар эдики, қишлоқ қиз-жувонлари хамир тоғораларини ташлаб, билакларигача хамир билан ўтиб кетаётган аравани томоша қилиш учун эшикка отилардилар).

Бу ерда яна, худди куз лойхўраклари каби ашаддий қарта ўйинчилари ҳам ёпирилиб келишганди. Бунақа пайтларда ўйин қизигандан-қизир, қартабозлар сезгир халқ бўлиб, вице-губернатор қачон Патакка келишини билишарди. Ибранья, граф Вандернат, Пилиши ва Векеи оиласи кечаёқ кела бошлаганди. Тўғри, Пилишини ярим йўлдан қайтиб кетди, дейишди. Борши эса йўлини қўён кесиб ўтгани учун, бу ёмон аломат деб уйига қайтиб, пасьянс ўйнашни афзал кўрибди. Меҳмонлар орасида комитат судининг аъзоси Антал Сирмаи ва Ференц Қазанци каби машҳур олим кишилар бор эдики, улар гапирётганда одоб сақлаб туролмаган ҳар қандай кимсани уялтириб қўя олардилар.

Мана, ҳозир кечаси жаноблар қарта ўйинидан бошқа нима ҳам қилишарди дейсиз? Меҳмонлар ноз-неъматдан букилган столни тарк этиб, қартавозлик столига ўтишганида хийла вақт бўлганди. Комитат амалдорларига очик қўллик билан зиёфат бераётган Берценхейм имениеларининг бошқарувчиси Балашхази меҳмонлардан тез-тез узра сўраб турарди. Меҳмондорчилик чиқимларини эса у, одатда, имение харажатлари ҳисобига ўтказарди.

— Жаноблар, сизларни бугун жаноб Фаининг уйида словаклар нонушта пайти тановул этувчи лаззатли ва асл таомлар билан меҳмон қилолмай, олдингларга жўн овқатлар қўйганим учун узра.

Қоринларини тўйгазиб олган муҳтарам жаноблар мезбоннинг узрини мамнуниятлик билан қабул этишиб, гул пиёзлари воқеаси устидан, айниқса, қўли баланд келаётганлар, маза қилиб кулишди.

Уй эгаси омади юршмаганларнинг ҳам ғамини еб қўйганди. У яшил уйдаги хўжайин хазинаси жамланган, ичида талер, банкнотлар ҳисобидаги олтин танга солинган сандиқни очди-да:

— Қимга керак бўлса, шу ердан қарзга олиши мумкин!— дея ҳаммага эшиттириб эълон қилди ва ўзи ҳам қарта ўйнаш мақсадида нарироқдаги хонага ўтди.

Албатта, сахийлик қилиш унга ҳеч гапмас. Ўша вақтлар камбағал дворян ҳам, товламачилар ҳам, растратчилар ҳам йўқ бўлиб, омади юришмаган қиморбозлар темир сандиқ олдига тез-тез бориб, истаганларича ҳовуч-ҳовуч пул олиб туришар, уларни текшириш ноқулай эди, албатта. Бироқ шунга қарамасдан, бизнинг ҳурматли жаноби Балашхазимиз меҳмонлар қарзга олган пулларни дарҳол қайтараркан, хазина пули тийин-тийингача тўғри келаётгани ҳақида қасамёд қиларди.

Ўйин авжида, сочлар тартибсиз пешаналарга тушган, мўйловлар осилган... Худди шу пайт эшик ланг очилиб, залга худди тундаги арвоқ каби бизнинг жаноби Фаи Жига Бернат билан бирга кириб келишди.

Барча йиғилганлар шодон ўринларидан сакраб туришди, чунки Фаи комитатда жуда эътиборли одам эди.

Қудратли жаноб!

Уйи икки марта бир овоздан вице-губернаторликка сайлашди. Ҳар икки сафар ҳам у агар бирорта одамга номзодим ёқмаса бармоғини кўтарсин; мен бу юксак шарафдан воз кечаман, деган эди. Дворян мажлиси де-

легатлари орасида бунажаси бўлмагани равшан; авваламбор, шунинг учунки, бундай одам ҳаётини хавф остига қўярди, чунки галсеч дворянлари фақат Фаини жуда яхши кўрганлари учунгина эмас, битта-яримтани у дунёга равона қилишга қўллари қичиб тургани учун ҳам бундай одамни ўлдириб қўярдилар.

Вице-губернаторнинг ўзи қартасини ташлаб, Фаи билан яқин қариндошлар қатори қучоқлаб кўришмоқ учун унга пешвоз чиқди (Иштван Фаи вице-губернаторга ота тарафдан қариндош эди), лекин муҳтарам қария қатъий ишора билан уни тўхтатди. Вице-губернаторга чуқур таъзим қилгач, овозини барала қўйиб:

— Ҳазрати олийлари, жаноб вице-губернатор. Мен ярим кечада, касаллигимни унутиб, бу ерга сиз билан қучоқлашиш учун эмас, балки комитат бошлиғидан рэзолатдан ҳимоя, адолат истаб ва тутинган ўғлим граф Янош Бутлерни бир виждонсиз поп билан биргаликда ушлаб олиб, гарчанд граф бошқа қиз билан унашилган бўлишига қарамай, ўз қизига зўрлаб уйлантиришга журъат этган бир ёвуз одамни жазосини беришингизни талаб қилиб келдим.

— Ким у? Ким ўша ёвуз?— дея хитоб қилишди бараварига нафасини ичига ютиб, янгиликни тинглаб турган бир неча киши.

— Ким бўлишдан қатъий назар, бошини гаровга қўяпти!— дея дағдаға қилди вице-губернатор.

Унинг сўзлари шундай маънодор ва тантанавор янградикки, ҳамма бир дақиқа гўё гумбаз шифти остида шамширлар жаранглагандек бўлиб кетди, вице-губернаторнинг гаплари ана шундай эътиборли эди.

Бироқ Фан ўзини чалғитишга йўл қўймади:

— Бу шаккокларча никоҳ маросимидир, устига устак, балоғат ёшидаги тутинган ўғлим магнатлар палатасининг қонуний аъзоси бўлишига қарамасдан, уни зўрлаб берилган келин билан тунни бирга ўтказишга мажбур этиб, ҳибсда ушлаб туришибди.

— Ахир бу даҳшат-ку!— ҳайқирди вице-губернатор.— Бу кимнинг иши?

— Шаккоклик Рёскда, Иштван Дёрининг уйида содир бўлган.

Бу хабар меҳмонларни талвасага солиб қўйди, ҳамманинг кайфияти бузилди. Вице-губернаторнинг ўзи саросимага тушиб, энсасини қашлади.

— Дёри, ҳамм.. Дёримми? Жин урсин, демак, Дёри денг?.. Қудратли ва маккор одам, унинг кўпчилик уруғи... Нима қилсақ экан?

— Мен брахиум жўнатилишини талаб этаман, ҳозироқ тутинган ўғлимни Рёскдан қутқариши керак.

— Ахир ҳозир ярим кеча-ку, Пишта амаки,— ёлворгансимон деди вице-губернатор,— шу пайтда магнатнинг уйига брахиум юбориб бўладими?

— Парвардигор тунда ҳам зийрак, ҳурматли вице-губернатор, бинобарин адолат ҳам мудрамаслиги лозим.

Вице-губернатор ҳазилакам талвасага тушмади: у ҳар хил важ-корсон қидира бошлади, бу Иштван Фаининг ғазабини қўзғатди, у Сирмаи гербидаги қисқичбақадек бўзраяркан, жон-жаҳди билан столга мушт туширди.

— Гап шу: ёки ҳозироқ брахиум жўнатасиз, ёки сиз ортиқ вице-губернатор бўлмайсиз. Буни мен гапиряман, кекса Иштван Фаи!

Дўқ таъсир этиб, вице-губернатор ён босди-да, ғабга минган Фаини тинчита бошлади.

— Ҳай-ҳай, Пишта амаки, мен мутлақо бундай демоқчи эмасдим! Сиз парвардигор тунда ҳам зийрак деганингизда, ўйлаиб қолган эдим. Ҳм... унга зийрак бўлиш осон, чунки уни уч йилга сайлашмайди, у устимизда мангу ҳукмрон! Шундай бўлса ҳам, мен ҳеч нарса демасдим, ёмон фикрда эмасдим, фақат хафа бўлманг! Қўйинг, менга бундай ўқрайиб қараманг... Пиёз гуллариингизни еб қўймадим-ку ахир! Албатта, ўша ёққа борамиз. Ўзим ҳам ҳозироқ жўнайман. Жандармлар, гусарлар, отланинлар! Дарвоқе, бизнинг губерна прокурори, иккита исправниги Кандо ва Палоци, маслаҳатчилар Пуки ҳамда Дравецкийлар ҳам шу ерда. Ҳозироқ отларни қўшинг!

Тақдир — ҳақиқатан ҳам маккор-да — қарталарни чалкаштириб юборди. Ҳамма бирин-кетин бошлаб қўйган ўйинларини ташлаб, ўринларидан тура бошлади. Сўнгра уларнинг қай бири ўтиришни бузган Иштван Фаини, қай бири Бутлерни тузоққа туширган Дёрини, бошқаси Бутлернинг ўзини лаънатлашди. «Унга яна нима керак? Ахир Маришка дурустгина графиня бўлиши мумкин эди-ку!» Боз устига, ўйин уларнинг фойдасига ҳал бўлиб турган пайт эди. Ўйинни ютаётганлар агар

Мария Дёри яна бир кун чидаб турганида қанчалик мўмай пул эгаси бўлиши мумкинлигини эслаб хўрсиниб қўйишди. Қиморбозларнинг бундай худбин ва сурбет халқ бўлиши чиндан ҳам ачинарли ҳол!

Иигирмага яқин жандарм ва гусарлар отларига ми-нишди. Брахиум мўр-малахдай йўлга тушди. Саҳардаги сокинликда от тўёқлари остида ер ларзага келиб, но-лиш қиларди.

Жаноблар файтонларда жўнашди. Фаи вице-губер-натор билан бирга олдинги ўриндиққа, унинг рўпараси-да Жига ва воқеаларни ўзича фикрлаб кетаётган Сир-маи ўтиришди. Сирмаиға эртага қанчалик узундан-узоқ протокол ёзиш ғами тушарди. Бу ишни қайси маслаҳат-чига топширса экан? Қимдан кўпроқ норози?

Ажиб баҳор тонги: қуёш нурларининг дастлабки бў-саси хаёлчанлик ва роҳат бахш этар, ер буни ўзига ҳос тантилик билан одамларга етказарди. Куртак ёзаёт-ган дарахтлар муҳаббат ҳақида шивирлашар, акация дарахтининг ёқимли хушбўй иси билан тўйинган баҳор шамоли одамларни сархуш этиб ўйноқларди. Борлиқ нақадар фусункор.

Мана, шарқда осмоннинг ранги ўзгара бошлади, от-лиқлар гуруҳи Петрахога етганда уфқ ёриша бошлади. Саҳар шамоли қоронғи пардани бир чеккага суриб таш-лагандек эди. Худди аланга сачрагандек қизғиш шуъла ёғилди. Тилла баркаш — қуёш чарақлаши учун кўк юзи-га еєҳрли оқ дастурхон ёзилмоқда.

— Еришяпти,— деди вице-губернатор.

— Тезроқ! Шошилиш керак!— сабрсизлик билан қистовга оларди Фаи.

Отлиқлар отларни ниқтадилар, аравалар ҳам улар-дан қолишмай, бири биридан ўзиб елиб борарди.

Бу орада кун ёйилиб кетди. Ниҳоят, дарахтлар ор-тидан барон кўрғони кўринди.

— Хув, ана ўзи! Қаранглар, келяпти!— ҳаяжонла-ниб хитоб қилди бирдан Бернат.

Бир одам туманга чулганган бугдойзор оралаб улар томон уватни ҳам, экинни ҳам писанд қилмай кесаклар-га қоқилиб-суқилганча югуриб келарди.

— Ким у?— сўради вице-губернатор.

— Бутлер! Худо ҳаққи, Бутлер.

Бернат арава устида тик туриб, дастрўмолини сил-кита бошлади.

— Жуда соз!— шивирлади вице-губернатор ва енгил хўрсиниб қўйди.— Deo gratias¹.

У энди бу можарога аралашидан қутулганига хурсанд эди.

— Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам граф Бутлер экан. Бечоранинг аҳволини қаранглар-а! Қони қочган, ғазабнок, шляпасиз, аъзойи бадани титрарди.

Жаноблар извошлардан сакраб тушишди, вице-губернаторнинг ўзи узоқдан авом тушунмасин деган мақсадда лотинча қичқриб граф томон югурди:

— Consummastine matrimonium, domine frater?²

Йигитнинг ҳорғин кўзларида ғазаб чақнади.

— Non, domine vicescomes, nes corpys te tiqi³,— деб жавоб берди у паст овозда.

— Ҳаммаси жойида!— деди вице-губернатор, керак-сиз ҳужжатларни улоқтириб ташлагандек мамнуният билан қўлини силтаб.— Қўрқадиган ҳеч гап бўлмабди. Арчилмаган апельсин бари бир бутун бўлади, унга инсон тишлари санчилмагунча ҳатто грек ҳам қайтариб олиши мумкин. Муқаддас қонун суди бундай никоҳни ариза берилган заҳотиёқ бекор қилади. Бутун воқеа сариқ чақага ҳам арзимабди! Граф Янош шляпасини ҳисобга олмаганда ҳали ҳеч нарса йўқотмаган. Менинг извошимга, Жиганинг ёнига ўтира қол, тутинган отанг ҳам шу ерда... Ие, сизга нима бўлди, Пишта амаки?— қўрқиб кетиб хитоб қилди у Фаини кўриб,— кўйлагингиз қон-ку!

— Эҳа! Гап бу ёқда экан!— завқланиб қичқирди Фаи, худди муҳим бир кашфиёт қилгандай,— демак, шунинг учун мазам қочган экан-да, жин урсин! Ҳа, энди тушундим! Кечаси зулук қўйган эдим, шошилишда, ўрнига куя суртмаган эканман. Дарҳол озроқ пилик куя топинглар.

Уша пайтда ҳар қандай виждонли одам ўзи билан озгина бўлса ҳам куя олиб юрарди. Одамлар сафарга чиқар эканлар, ўзлари билан чақмоқтош, пилик, муқаддас сандиқчаларининг калитини ва пўлат қаламтарош олиб кетардилар. Жаноб Фаи дарров ўзини тартибга солди, вице-губернатор эса қайтишга буйруқ берди.

¹ Худога шукур! (Лотинча.)

² Никоҳни бажо келтирдингми, жаноб укажоним? (Лотинча.)

³ Йўқ, жаноб вице-губернатор, мен унга қўлининг ҳам урмадим. (Лотинча.)

Брахиум кераксиз бўлиб қолди. Чунки вице-губернатор жаҳаннамдан бўлса ҳам (муҳтарам жаноб баландпарвоз сўзларни ишлатишни яхши кўрардилар, албатта, агар улар мажбурият юклаганася) кутқариб олмоқчи бўлганлари — жаноб граф овоз эди. Бу ҳақда қайтгандан кейин расмий протокол тузиб қўйиш керак, чунки мазкур можаро тинчлик билан ҳал бўлиши мумкин эмаслигини олдиндан билиш мушкул.

Бутлер извошга ўтирмасдан бурун, вице-губернатордан мактуб юбориш учун отлиқ чопар сўради.

Сирмаи гусарлардан бирини чақирди, Бутлер унга устига «Мактуб Борноцдаги олиҳиммат ва қимматли севгилим Пирошка Хорватга аталган» сўзлар битикли мактубни топширди.

— Буни қачон ёздинг?— сўради Фаи.

— Тунда.

— Уша ерда, ҳибсада-я?

— Ҳа.

— Демак, биргамасакансизлар-да?— суриштиришда давом этди Фаи.

— Йўқ, биргайдик.

— Сўзларинг тилла баравардай бунча камгапсан, тузукроқ тушунтирсанг-чи.

Рўй берган воқеадан каловлаётган Бутлер улар қандай қилиб Дёриникига келишганини, уй эгаси меҳмонларнинг қай тарзда кайфини ошириш пайдан бўлгани ва ҳоказо, ва ҳоказоларни бошдан-оёқ батафсил баён этди.

— Айтганларинг бизга асосан маълум, у ҳақда кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Ҳозир сен тўйдан кейин бошингга нималар тушганини сўзлаб бер.

— Ҳаммаси режадагидай бўлди. Сотилган ва ўз ролларини яхши ўрганишган хизматкорлар бир зумда ғойиб бўлишди-ю, мен биринчи қаватдаги канцелярия аталмиш хонада ёлғиз қамалиб қолдим. Орадан кўп ўтмай хизматкор менга кечки таом билан кўрпа-тўшак келтирди. Мен мазкур масхарабозликда гувоҳлик ролини бажарган ярамас хизматкор бўғзига ёпишувдим ҳамки, шу пайт эшик ортида турган қуролли соқчини кўриб қолдим у қутулишнинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Уларнинг исмини билмайсанми?— қизиқиб сўради Сирмаи.

— Йўқ.

— Хўш, кейин-чи!

— У ярамас кетгандан кейин яна хат ёзишга ўтирдим. Сизга айтишни унутибман, аҳмоқона маросимдан кейинроқ Пирошкага хат ёза бошлагандим. Бир неча соат давомида ёзган хатимда ҳамма дардимни тўкиб-солдим. Лекин инсон қайғуси бамисоли тубсиз хум экан. Ғам-аламдан буткул эс-ҳушимни йўқотиб, ўзимни креслога ташладим. Авзойим уйқусирагандай карахт, кўзим очигу, бироқ ҳеч нарса кўрмасдим. Атрофдаги воқеаларни фаҳмласам-да, эс-ҳушим жойидамасди. Тўсатдан ўзимни осмонга кўтарилаётгандай сездим, лекин ўша вақтдаги аҳволимда бу менга ғалати туюлмади. Фақат эс-ҳушимни йиғиб, ўзимга келганимдагина, ёнимда йиғи овозини эшитдим. Сакраб ўрнимдан турдим-да, кўз ўнгимдаги манзарадан ҳайратга тушдим. Оқ тўр солиқли кичкина столча устидаги иккита шам билан ёритилган хонада баронесса мукка тушганча куюниб йиғлаб ётарди. Хаёлми ёки тушми бу? Наҳотки, шу хонада ухлаб қолган бўлсам? Ахир у ерда шамлар ёзув столида ёниб турарди, бундай ўрин ҳам солинмаганди-ку. Аста-секин фикрим тиниқлаша бошлади: бу мен ётган хона эмас, мени бу ерга қандайдир механизм ёрдамида кўтариб чиқишган, уларнинг энг сўнгги найранглари ана шундай.

— Эҳ, итваччалар,— деди вице-губернатор,— кутилмаган воқеа! Қизни нима қилдинг?

— Ҳеч нарса. Ҳатто қиё ҳам боқмадим.

— Тўхта-чи, қиз ечинган эдими ёки?..

— Йўқ, эғнида кўйлаги бор эди, бошини ёстиққа буркаганча йиғлаб ётарди.

— Келишганаканми, ҳи-ҳи! Охирги марта уни кўрганимда ҳали очилмаган гунча эди.

— Анча дуруст,— жавоб берди Жига Бернат.

— Эҳ, граф Янош, жудаям лапашанг экансан-ку!

— Асл ирланд-да,— гапга аралашди Иштван Фаи.— Бутлернинг келиб чиқиши Ирландиядан. Бир вақтлар уларни эчкилар эмизарди.— Кекса Фаи одатда тутинган ўғлини ана шундай ҳазил билан жиғига тегишни ёқтирарди.

— Қиз ҳам сен билан гаплашишга уринмадими?— суриштирди вице-губернатор. У оқибати ёмонлик билан тугамаслигига кўзи етса, ўзгаларнинг сирини билиб олишга қизиқарди.

— Уринди, икки марта қўлларини қовуштириб менга мурожаат этгани ёдимда, очигини айтсам, агар қизнинг хатти-ҳаракати олдиндан ўйлаб қўйилмаган бўлса, жуда таъсирланган эди. «Мени кечиринг, — деб гўлдирадди у, — кечиринг! Мени мажбур этишди! Ҳаммаси менинг ихтиёримсиз...» Мен тескари ўгирилиб бақирдим: «Хоним, гапира кўрманг, мен сизни танимайман, ҳатто овозингизни ҳам эшитишга тобим йўқ, сираям, мутлақо!» Тун бўйи деразадан ташқарига қараб ўтирдим, панжарани синдиришга уриниб кўрдиму...

— Никоҳ туни ёмон тун эмас, мен сизга айтсам!... — дея бош чайқади Сирмаи.

— Демак, панжаранинг темирларини синдирилмабсан-да? — савол ташлади Фаи.

— Синдиришга кучим етмади.

— Бўлмаса қандай қилиб қочиб қолдинг?

— Жуда осон. Тонготарда эшик очилиб, оқсоч камердинер кириб келди. Уни авваллари Дёрининг уйида кўрмагандим. Аёл мендан кўйлагингизни ювишга олсам майлими, деб сўради. «Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, кўйлагим эгнимда», — деб жавоб бердим. Унинг орқасидан хонага ёқимтойгина ходима бошини суқди. «Марҳаматли графиня хоним, нонуштани ўринларига олиб келишни буюрадиларми?» Шунда нима учун мени иккинчи қаватга кўтариш керак бўлиб қолгани ойдиндек равшан бўлди: мана шу янги «гувоҳлар» иккаламининг устимиздан чиқиши учунгина керак бўлган. Жудаям айёрона режа тузипти қари тулки! Шу билан, чамаси, менинг вазифам тугаганига ва ихтиёрим ўзимдалигига ақлим етиб турарди. Очиқ эшикдан меҳмонхона орқали ҳовлига чиқдим. Дарвоза ҳам ланг очиқ эди. Мен бош кийимсиз, орқамга қарамасдан жўнаб қолдим.

— Сенинг ўрнингда бўлсам ҳеч бўлмаса ўша ходимани чимчилаб олган бўлардим; сенга зўрлаб тиқиштиришган келин учун бир оз бўлса-да ўч олиш керак-ку, ахир, — деди Сирмаи, — Маълумки, қасос доим ширин бўлади, айниқса бунақаси!

— Бўлар иш бўлди, — хулоса қилди Фаи. — Энди биз Дёридан бу қилмишлари учун яхшилаб ўч олиш йўлини ўйлашимиз керак. Дёрининг гуноҳкор жони учун қозони қизитмоқ гамини ёйишимиз лозим. Бу қилмиши учун у ҳали жавоб беради.

— Қиблагодим, ҳали роса оворайи сарсон бўла-ми, деб қўрқаман.

— Ҳеч нарсадан қўрқма. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битур. Сенинг ишларинг билан шуғулланишни менга қўйиб бер.

— Ҳар қалай кўп вақт керак бунга,— деди ишонқи-рамай Бутлер бошини қуйи солиб,— мен-ку сабр қиламан-а, аммо Пирошка нима деркин? Кутишга рози бўлармикин?

— Севса, рози бўлади, севмаса садқайи сар, Венгрияда дарахтни силкитсанг қиз ёғилади, ҳа, худди шундай!

Бу сўзлардан Яношнинг ташвиши яна ортди. Унинг дарахт билан нима иши бор, ҳозир бутун фикри-зикри дунёда ёлғиз қизга боғланиб қолган-ку, ахир.

Кекса Фаи тутинган ўглининг ташвишланиши, маъюс нигоҳига лоқайд қараб туролмасди. У Яношнинг бошини катта кафтлари билан тутиб, чигил сочларини муло-йим силаб, юпата бошлади:

— Қўй, кўп хафа бўлаверма! Бунақа пайтларда доим бечора онанг эсимга тушади. Чехрангни оч, жилла қурса мен учун кулимсира. Э, йўқ, нима қиялсан, тентак-вой! Йиғи қистатадиган эмас, астойдил кул, ўғлим. Ишонсанг-чи, буларнинг ҳаммаси вақтинчалик, ўткинчи нарсалар. Кейин гапимга қулоқ сол.

— Қулоғим сизда, пуштипаноҳим.

— Билиб қўй, Эгер архиепископи барон Фишер қадрдон оғайним бўлади.

Бутлер бунинг нимасига суюниши кераклигини дар-ров фаҳмлай олмади.

— Мен баронга бўлган воқеани айтиб бераман, унинг бир нафасидан ярамасларнинг бутун найранглари совун кўлигидай учади-кетди.

Бироқ бу ҳам Бутлернинг чеҳрасини очолмагач, Фаи янги далил келтира бошлади:

— Мен шундай одамманки, дўстим, нимани ихтиёр этсам, шунга эришаман! Агар керак бўлса, Рим папа-сининг ҳузурига ҳам бораман, азиз ўғилгинам, ахир у менга... Ҳм-м...

Яношнинг юнатиш учун Фаи салмоқлироқ ваз кўрсат-моқчи, масалан, папа ҳам менга қариндош, демоқчи бўл-ди-ю, бироқ ўйлаб кўриб, бошқа оҳангда қўшиб қўйдди:

— ... Бу билан ўз обрўим тушиб қолмайди.

Ҳадемай улар Патакка етиб келишди, Фаи қўргони-ни қуршаган азим арғувон ва каштан дарахтлар итоат-корона эгилиб-букиларди. Қуёш тонги мудроқликни тарк этиб, ҳароратли нурлари миноранинг тунукаларини қиздира бошлаганди. Шу пайт қаршисидаги дарвоза олди-да қовоғи булутдай солиқ супурги ушлаган Фаи хоним эрига дағдаға қила кетди.

Чол хавотирда калласини кифтлари орасига тортган-ча юзини жун рўмол билан тўсиб олди.

— Роса таъзиримизни ейдиган бўлдик, оғайни!— шивирлади Фаи вице-губернаторга.— Агар инсофинг бўлса, энди сен мени қутқарасан.

— Анна холанинг сендан нега жаҳли чиқяпти?

— Анави зулуклар деб-да, касал ётган жойимдан қочиб кетгандим. Дарвоқе, ўзинг биласан-ку, сочи узун-нинг ақли калта бўлади!

Учинчи боб

МАШҲУР ПРОФЕССОР КЕВИ ВА АДВОКАТ ПЕРЕВИЦКИЙ

Тентак арича, нозик қанотларинг билан деразага урилавермасанг-чи! Истагингни биламан! Кеча ҳам, ўтган куни ҳам, авваллари ҳам рафида қийғос очилган гул бор дераза очиқ эди. Гулбаргларга қўнганча тебрана-тебрана хушбўй шарбат эмардинг. Сен ҳам, гул ҳам роҳатланардинглар. Бироқ, мана, кимдир деразани беркитиб қўйди-ю, ичкарига киролмаяпсан. Чарчадинг, дам олишинг керак. Ҳаво нам, ёмғир ёғяпти, гул сенинг роҳатланиб дам оладиган яккаю ягона маконинг. Лекин шафқатсиз қўл деразани беркитиб қўйиб, ичкарига киролмаяпсан.

Мана, жажжи ари, ойна синмасдан бурун қанотларинг букилишини тушунмай деразага уриляпсан. Фин-филлаганча баҳслашиб ёлворяпсан: «Йўлимни тўсма, қўйвор!» Ахир, ихтиёр деразада эмас-ку, нега тушун-гинг келмайди, тентак арича?! Гул висолига етмоқ истасанг, деразани чертма. Ёмғир дераза берк бўлгани учун ёғмаяпти, аксинча, дераза ёмғир ёғаётгани учун берк. Яхшиси, булутлар сари уч, қуёш ҳузурига бор-да.

ундан ерга яна ҳаётбахш нур соча бошлашини илтимос қил. Қуёш кулган ҳамоно дераза тагин очилади.

Аричага гап уқтириш бефойда, бари бир тушунмайди. Бироқ инсон баъзан аричалик ҳам ақл ишлатолмай қолади, айниқса, у севгидан сархуш бўлса.

Бутлеримиз ҳам шундай кўйга тушиб, Фаиннинг уйидаги ўз хонасига кириб олганча кунини Пирошкага мактуб ёзиш билан ўтказди. Бир мактуб ёзиб йиртиб ташлар ва шу заҳотиёқ иккинчисини, сўнгра учинчи, тўртинчисини ёзарди. Мактуб, жилла қурса, хаёлан бўлсада, Пирошка билан бирга бўлиш имконини берарди.

Кечқурун кимдир эшикни тақиллатди.

— Қираверинг, — гўлдиради паришонхотир Янош.

Эшик очилиб, Миклош Хорват кириб келди. Ҳаракатчан, хушчақчақ чол ҳолдан тойгандай кўринар, кексайиб кетганди. У Яношнинг хатини ўша куниеқ, тушдан кейин олди (афтидан, гусарнинг оти чопқир экан). Шу сабабдан атрофдаги ҳамма тўрт комитат «Оласрёскадаги тўй» овозасини эшитганди. Шу комитатлардаги ўн минг нафар кампирнинг ҳаммаси бу воқеани эшитиб ғазабланишди: «Шундай воқеалардан кейин дунёда яшагинг ҳам келмайди».

Пирошка хатни ўқиб, беҳуш йиқилди. Фрида хоним унга сув сепди. Қиз ўзига келиши биланоқ, сафарга отлана бошлади, лекин кекса отаси рухсат бермади, отларни аравага қўшишни буюрди-да, ўзи ҳеч қаерда тўхтамай тезда Патакка етиб келди.

Бутлер чеҳраси ёришиб унга отилди.

— Оҳ, қадрли амакижон, ўзингизмисиз? Қайси шамол учирди сизни бу ерга?

Бироқ чол уни нари итараркан:

— Шошма, болажон, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Сен менга шундай мушкул топишмоқ бердингки, ечишга ожизлик қиялпман. Аввал бор гапни батафсил айтиб бер, — деди.

— Пирошка қани? — тоқатсизланиб сўради Бутлер.

— Мактуб уни беҳуш қилди.

— Ё парвардигор!

— Қўй, фарёд қилма! Асосий масалани гаплашайлик, бирор чора-тадбирнинг иложи бор-йўқлиги ҳақида билишим лозим.

Бутлер воқеани яна қайтадан бирма-бир ипидан-игнасигача ҳикоя қилиб беришга мажбур бўлди.

Хонага Хорватнинг келганини эшитган эр-хотин Фаилар кириб келишди. Чоллар узоқ қучоқлашиб кўришишди, сўнгра ҳаммалари биргаликда бўлган воқеадан ғазабланишди.

Яношнинг ҳикояси Хорватга бир оз далда берди.

— Ғирт бемаънилик! Бу никоҳ албатта бекор қилинади! Шундай.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Фаи.

— Тепамизда худо бўлса, бундай адолатсизликка йўл қўймайди, — гап қўшди Фаи хоним.

— Келганинг яхши бўпти, — гапда давом этди Фаи Хорватнинг қўлини қайта-қайта қисар экан. — Бугун кечки овқатга машҳур ҳуқуқ профессори Шандор Кёви билан Венгриядаги энг уста адвокат Криштоф Перевицкийни таклиф этганман. Уларни олиб келиш учун Уйхейга извош юбордим. Қичкина консилиум ўтказамиз.

— Мен ҳам шунга ўхшаш таклиф киритмоқчийдим. Дуруст.

— Болани фалокат домига ташлаб қўймаймиз, — деди Фаи, тутинган ўғлига меҳр тўла кўзларини тикиб.

Ўз яқинларидан далда эшитган Бутлер субҳидам шабнами жонлантирган сўлгин майса каби тетиклашди. Бироқ шу пайт Фаи хоним афсусланган оҳангда:

— Қадрли Хорват, бизнинг Пирошкани олиб келмаганингиз чакки бўлибди-да, — деб қолди.

— Хоним, бундай масалаларда мён жуда талабчан одамман ва ўйлайманки, туман тарқалмагунга қадар граф Янош Пирошка билан учрашмасликлари керак. Шундай, туман!

Хорватнинг жавоби Яношни бутунлай эсанкиратиб қўйди. «Ана шу туман тарқалмагунча!» Қуёш нурлари тушадиган охириги туйнукларни беркитиб қўйишаётганини кўрган маҳбус аҳволига тушиб қолганди у.

Пирошкани кўрмаса аҳволи не кечади? «Ана шу туман тарқалмагунча?.. Туман тарқалиши чўзилиб кетса-чи?»

Шу пайт ўша вақтлар одатига кўра жаноб Хорват билан Фаи хоним ким каттаю ким кичиклиги ҳақида баҳслаша бошлашди. Улар бир-бирларининг ёшларидан гумонсираб одоб юзасидан «марҳаматли сийғилганим» ва «марҳаматли акажоним», дея мурожаат қилардилар. Бу аҳвол то сабрсизлик билан кутилаётган меҳмонлар келгунга қадар давом этди. Аввал Шандор

Кёви, бир оздан сўнг Криштоф Перевицкий ташриф буюришди. Криштоф ўша пайтлари Венгрияда кам учрайдиган аломат одам эди. Унинг бир неча соат олиб юриш одати бўлгани учун камзулида қўшимча чўнтакларини бўлгучи эди. Перевицкий, мақомига солгандай, хоҳишига биноан юрадигандек соатларини ҳар куни қайта-қайта солиштириб, тўғрилаб қўярди. Айримлар ит ёки от ишқибози бўлганлари каби, у соатга эътиқод қўйганди.

Перевицкий қаерга бормасин, дастлаб соатларини чиқариб, уй эгасидан вақтни сўрарди.

Мана, ҳозир ҳам у одатини бузмай, Фаига мурожаат этди:

— Соатингиз неча бўлди, муҳтарам жаноб?

— Саккиздан бешта ўтди.

— Жин урсин!— хитоб қилди адвокат.— Бахтли одам экансиз, тақсир.

— Нега энди, азизим?

— Чунки соатингиз худди меникидай юраркан. Бунинг хосияти бор, хўп деяверинг. Кеча Гекетеребешдаги граф Андрашларникида бўлгандим. Биласизми, ҳамма соатлари ҳар хил вақтни кўрсатаркан. Айримлари чорак, ҳатто ярим соатлар олдинга кетиб қоларкан.

— Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Қимматбаҳо соатлар ҳам асл отдай тез юради.

Перевицкий кулиб юборди:

— Аскиянгиз дуруст. Чин қалбимдан табриклайман, жуда ажойиб соат. Агар уларни сотмоқчи бўлсангиз...

— Биласизми, азизим, агар биз процессни ютиб чиқсак, тўловига қўшимча равишда сизга тақдим этаман уни. Пешанамга шундай ёзилган экан, гул пиёзимни шайтон туя қилиб кетди, бунисини ўзим тақдим этаман. Ахир шайтон билан адвокат ўртасида фарқ йўқ-да, шундай эмасми, жаноб Кёви?

Жаноб Кёви оқ киприкли кўзларини маъноли қисиб, мийингида майин кулиб қўйди. Перевицкий эса, қўлларини ишқаб жавоб берди:

— Ташаккур, тақсир, хизматингизга тайёрман.

Эриаклар маслаҳатлашиб олмоқ учун ичкари кириб метишди, бека эса бор маҳоратини ишга солиб, ҳурматли жаноблар учун овқат тайёрлаш мақсадида ошхонага йўл олди.

Фаи маслаҳат йиғилишига Жига Бернатни ҳам таклиф этди. Жига фозилона бундай йиғилишда биринчи марта қатнашаётганлиги сабабли қиз боладек хижолат бўларди.

— Сизларни, муҳтарам жаноблар,— деб гап бошлади Фаи,— чалкаш ишимизда маслаҳат берарсизлар, деган умидда бу ерга таклиф этгандик. Қандай воқеа бўлганини эшитган бўлсанглар керак-а?

Адвокат воқеадан хабардор эди.

— Бўлмасам-чи! Шу ерда кўришиш nasib этган граф Бутлер Парданьскийнинг никоҳларини эшитмай бўладими? Жуда хунук воқеа, аттанг.

— Кўп ваҳима қилаверманг, жаноб Перевицкий. Балки аввал воқеа тафсилотига қулоқ соларсиз?

— Бунинг ҳеч зарурати йўқ,— деди адвокат.

— Нега?— гапга аралашди Кёви.— Ахир воқеадан сиз фақат мишмишлар орқали танишсиз-ку. Ҳақиқатни билмай туриб, иш юзасидан хулоса чиқариш мумкин эмас.

— Ҳақиқат, иккинчи даражали нарса,— деб эътироз билдирди Перевицкий,— шундай бўлса ҳам тинглаш керак, чунки рақибимиз ўзининг қайси бир сохта даъволарини исботлаши мумкинлигини аниқлаш осон бўлади.

Янош яна, ким билади нечанчи бор, бутун воқеани батафсил айтиб берди. Жига эса ўзига маълум нарсани қўшимча қилди. Перевицкий ҳикояни тинглар экан, ўзича хуштак чалар, ғинғиллар, олдида ётган бир варақ қоғозга қандайдир белгилар чизар, ҳамда вақт-вақти билан «Ажойиб», «Бай-бай!», «Эҳ-э-э», дея хитоб қилар эди. Хуллас, у шу йўсинда вақтни чоғ қилар ва ишга матони кўриб, ундан нима бичиш мумкинлиги ҳақида овоз чиқариб фикр юритаётган тикувчидай қарарди.

Бир куни, Қазанци ҳар бир сўзини мармар тошга ўйиб ёзиб қўйишга арзийди, деб баҳо берган йирик олим — юрист жаноб Кёви эса, аксинча, гоҳ оқарар, гоҳ ғазабдан қизарар, креслода ўтирган жойида типирчилаганча бетоқат депсинарди.

Ҳикоя тугагандан кейин ҳамма сабрсизлик билан жавоб кутиб, коҳинга мурожаат этгандек Кёвига қаради.

— Гап бундай, жаноблар. Ушбу воқеа — бузоқ ҳам,

бочка ҳам, хусусан, никоҳ ҳам эмас,— деди Қёви одаг-дагидек, ўзининг ранг-баранг ўхшатишлар ва ёрқин образлар билан тўла лекциясини бошлагани каби.— Чунки бузоқнинг тўрт оёғи, бочканинг чамбараклари ва тахтаси бўлади, никоҳ эса, икки жинсинг розилигига қараб ўқилади. Тўғри, никоҳ поп ҳузурида содир бўлган. Бироқ жаноб Фаи, ўтган йили сизнинг уйингизда поп ҳузурида қўй гўштидан жаркоп тайёрланган эди. Гарчи жаркопда қўй ҳамда қўчқор гўшлари мавжуд бўлса ҳам буни никоҳ деб бўлмайди-ку. Дёрининг овқатига келсак, у ўта бемаъни бўлиб, фикримча, ошпазга фойда келтирмайди. Шундай қилиб, бу ерда икки тарафлама процесс олиб бориш мумкин: биринчидан комитат маъмурияти олдида — граф Янош Бутлернинг шахсий эркинлигига тажовуз қилиб, уни никоҳга зўрлагани учун, иккинчидан, қонуний суд олдида, чунки поп черков маросимларини оёқ ости қилиб, икки ёшнинг қўлини зўрлаб унинг епитрахилья остида бирлаштирган.

Перевицкий унинг гапини тасдиқлаб бош ирғади:

— Ҳа, шундай.

Фаи билан Хорват бараварига:

— Сизнинг фикрингизча, бу ишнинг оқибати нима бўларкин, жаноб профессор?— дейишди.

— Имоним комилки, никоҳ маросими ғайри қонуний экан, руҳоний ҳибс қилинади (*notabene*¹, мен масалан, унинг епитрахилья ушлаган қўлларини чопиб ташлаган бўлардим).

— Хўш, Дёрини нима қилишади?

— Уни ҳам ҳибсга олишади (мен бўлсам, унинг мол-мулкани ҳам мусодара қилган бўлардим). Ҳаммасини турмага ташлашади, жандармларни ҳам, гувоҳларни ҳам. (*Notabene*, мен бўлсам, пахта тикиб қўйишган қулоқларини кесиб ташлаган бўлардим!)

Бу гапларни эшитиб ўтирган Криштоф Перевицкий норози бош чайқар, гоҳ бурнига, гоҳ пешанасига қўнаётган пашшани ҳайдаётгандек қўл силтарди. Модомники, хонада пашша йўқ экан, унинг бу хатти-ҳаракати яхшиликдан дарак бермасди.

— Афсуски, мен бошқа фикрдаман,— деди у қандайдир бошқача овозда.— Ҳамма соатлар ҳам бир хил

¹ Эътибор қилинги. (*Лотинча.*)

вақт кўрсатавермайди, бинобарин, ҳамма бир хил ўйламайди, хусусан, ҳурматли профессор каби. Бу ойнадек равшан: шундай ақл эгаси бутун мамлакатда битта! Бу ҳаммага маълум, кимга қараманг, бараварига шундай дейди. Ҳамманинг ҳам калласи шундай ишлаганда жон кошкийди-я! Лекин, минг афсуски, бундай эмас. Сизнинг ишингизни, жаноблар, худди ўшанақа калла эгалари кўришади. Ҳурматли жаноб профессорнинг фикр-мулоҳазалари биз учун қимматлими? Мутлақо. Яхшиси, шундай одамни таклиф қилингики, идроки унчалик чуқур бўлмаса ҳам, омилкор бўлсин. Ана шундай одам — мен. Бўлиб ўтган воқеалардан кейин, менинг назаримда, муваффақият қозониш қийин бўлади. Фемиданинг қаламтароши ғоз патини юлиш ёки тирноқ тозалаш учунгина керак бўлади, бизлар учун эса модомики, иблис билан олишар эканмиз, қудратли яроғ керак бўлади. Дёри, башарти, шундай жиноятга қўл урган экан, равшанки, у ҳамма нарсани яхшилаб тарозига солиб кўрган ва гувоҳларини шундай танлаганки, улар судда жаноб олийлари граф Бутлер Парданьский бизга айтиб берган ҳозирги воқеани мутлақо бошқача қилиб кўрсатишади. Ҳамма нарса қонуний бўлди, деб қасам ичадилар. Поп ҳам куёв «ҳа, севаман» деди, деб тасдиқлайди. Бундан ташқари, никоҳ кечасидан кейин эрталаб келин-куёвни бир хонада кўрган янги гувоҳлар ҳам пайдо бўлишади. Ана шу гувоҳлар қонуний суд олдида «кўрганлари»ни айтиб беришганларидан кейин, ҳақиқатимиз, гарчанд биз уни ҳамла қилишга тайёр арслондек олиб кирган бўлсак ҳам, у арзимас қумурсқадек кўриниб қолишига аҳамият беришингизни сўрайман.

Шу сўзлардан кейин иккала чол баравар ўринларидан сакраб туришди.

— Наҳотки, мамлакатимизда қонун бўлмаса?— деди Иштван Фаи столга мушт уриб.

— Қонун-ку бор, жуда қаттиқ қўл қонунлар, бироқ бу ишда ҳал қилувчи сўз попларда, улар эса қонундан ҳам кучли.

Профессор Кёви адвокат Перевицкийни менсимай тинглар эди. У Берлинда олимлар билан қилган баҳси учун прусс қироли тақдим этган ранг-баранг товланувчи думалоқ йирик тамғали узугини бармоғидан чиқариб, ирғитди-да, яна илиб олди. У одатда ўз

Ўқувчиларининг жавобини тинглаётганда шундай қиларди.

— Хўш, Дёри гувоҳларни қўлга олди дейлик,— деди Кёви.— Лекин кўтарадиган машина зўрлаганлик аломати бўла олади-ку?

— Ташвишланманг, Видонка кўтарма машинани беркитиб қўяди.

— Унда Видонкани оламин...

— Видонкани Дёри яшириб қўяди.

Бутлер ўзининг дафн маросимида қатнашаётгандек, на тирик ва на ўлик сезарди. Перевицкий гаплари билан тобут михларини бирма-бир қоқаётгандек эди. Ниҳоят, Янош тоқати тоқ бўлиб, стулдан сапчиб турди.

— Агар биз бу процессни юта олмасак, мен Дёрини итдек отиб ташлайман! — хитоб қилди нафаси бўғзига тикилиб,— унга қўшиб ҳамма судьяларни ҳам, сўнгра ўзимни отаман.

— Ҳай-ҳай,— дея тўхтатди уни Миклош Хорват,— ўзингни бос, ўғлим. Бундай пўписалар ишимизни оғирлаштиради, холос. Бизнинг шиоримиз «дам чиқармай ҳаракат қилмоқ» бўлиши керак.

— Тўғри, лекин жаноб Перевицкий биз процессни бой берамиз деяпти-ку, ахир!

— Мен бундай демарим,— эътироз билдирди Перевицкий.— Мен фақат бизнинг ҳақиқатимиз уч пулга қиммат, дедим. Номи чиройли-ку, лекин қўли калталик қилади, бас, шундай экан, бу қўлларни чўзиш керак.

— Қандай қилиб?

— Олтин билан, қадрдоним! Бу қўлларни олтин билан узайтириш лозим.

Бутлер ҳомийсига қаради: у мулкларини ўз ихтиёри билан сарф қилишга ботинолмасди, чунки вояга етганига атиги бир ҳафта бўлган. Фаи унинг маъноли қарашига тушунди.

— Уғлим, мен сенинг имениеларингни шундай бошқардимки,— деди у фахрланиб,— керак бўлса ўз судьяларингни қўйма олтин креслога ўтқазиб қўйишинг ҳам мумкин.

— Кейин ўша креслоларни кўтариб кетишлари ҳам керак,— калакаомуз қўшиб қўйди кекса Хорват.— Энди мен, жаноб Фаининг фикрлари тўғрилигини, биз обрў-эътиборимиз, илмимиз ва пул ёрдамида бор кучимизни

сарфлаб, ҳамма чоралар билан курашмоғимиз кераклигини тушундим, мен унинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайман, зеро, процесс — бу жанг, жангда қандай қилиб ғалабага эришиш йўлини бизга генерал Монтекукколи кўрсатган. Хўш, десак, менда ҳам бир оз муллажиринг топилиб қолар. Охирига қадар олишамиз. Қандай қилиб бўлмасин ғалаба қозонишимиз керак!

Кекса Хорватнинг юзига қон югуриб, ҳатто ҳуснига ҳусн ҳам қўшилди. Бутлер шартта келиб, уни қучиб олди.

Бироқ жаноб Кёвининг ғазаби қайнаб, қирол узугини столга шундай урдик, стол зириллаб кетди. Профессор, ҳозироқ жўнаб кетаман, деди, агар жаноб Фаи профессорнинг ёқасидан ушлаб олмаганда, тўхтатиб қололмасди.

— Онт ичаманки, сизни, қўйиб юбормайман!

— Сиз мени бу ерга бургутлар парвози ҳақида сўзлаб беришга таклиф этган экансиз,— деди қаҳр-ғазаб билан нафсонияти кўзиб профессор,— ўзинглар бўлса қандай қилиб шақалларнинг қорнини қаппайтириш маслаҳатини қиялпсиз. Қўйворинг мени!

Бир амаллаб уни қолдиришди, лекин профессор норозилигини яширолмай, ҳар хил пичинглар билан нафратини билдириб турди. Граф Бутлер айрилиқдаги ҳар бир соат бир йилга тенг бўлгани сабабли адвокатдан ишни тезлаштиришни сўрагани, Кёви заҳарханда аралаш ўқувчисига гап қотди:

— Умид ҳам қилма, азизим, чунки зирапча оёққа бир онда киради, лекин уни суғуриб олиш учун бир неча соат вақт керак бўлади, шунда ҳам бу ишга фельдшер қўл урса. Аммо зирапчани суғуришга адвокат — лўттивозлар киришса, улар даволаш чўзилсин учун аввал зирапчани чуқурроқ киргизиб юборишади.

Бутлер нима деб жавоб беришини ҳам билмасди, лекин кекса Хорват уни ёнига чақириб, қулоғига шивирлади:

— Кёвиге қулоқ солма. Бу дунё одами эмас. У ақлли ва ҳалол одам, бизга эса шайтонга ҳам дарс берадиган фирибгар адвокат лозим! Перевицкий худди шундай одам, унга қойил қолиш керак. Ишни тезлаштириш масаласига келсак, менга қўйиб бер, бунинг ғамини ўзим ейман.

ТАРАДДУД

Юқоридаги гапдан кейин жаноб Хорват ўрнидан туриб, жаноб Фаини дераза томон етаклаб борди-да, у билан хуфиёна бир оз маслаҳатлашгач, адвокатга улар процессни маълум шартлар билан олиб бориш лозим деб топганларини билдирди. Яъни, агар адвокат бир йил давомида ютиб чиқса, беш минг тилла олиши, борди-ю, процесс бир йилдан чўзилиб кетса, гонорар ҳар ойига икки юз тилладан камайиши мумкин эди.

Перевицкий шартга кўнди. У Юқори Венгрияда беҳад зеҳнли, учар, ўта сурбет, дадил ва тиришқоқ, айни пайтда, муғамбир ҳамда нозик психологлиги билан танилганди. Пештда унинг олий суд аъзоларини ҳам лақиллатганлиги ҳақида миш-миш тарқалганди. Энг қизиғи шуки, Перевицкий одамлар бошини осонгина айлантира оларди. У кимнинг гўзал қизи бўлса, ўшанга ноёб гул уруғли қути ҳадея этар, болалар кўп жойларга қўйни тўла ўйинчоқлар билан бораркан, болалар Перевицкийни уйларида таниб қолишиб, қувониб: «Перевицкий амаки, Перевицкий амаки», дея шовқин кўтарганча унга пешвоз чиқишиб, тиззаси, кифти, орқасига осила бошлардилар. Ҳазрати падар эса адвокатга ёпишган зумрашаларни худди дарахтга ёпишган қуртлар каби ажратиб олишга мажбур бўларди. Мабодо, септемвирлардан¹ биронтаси ўз келиб чиқиши билан қизиқиб қолса, адвокат Уйхейдан ёнида септемвирнинг Мате Чек,² Гара ёки Омоде³ билан чатишганлигини тасдиқловчи алмисоқдан қолган чирик ҳужжатларни олиб келарди (бундай «асл нуха» ҳужжатларни унга мункиллаб қолган адъюнкт тайёрлаб берарди). Агар септемвир хотинбоз бўлса, Перевицкий бунинг ҳам иложини қилар эди. Адвокат аксари камбағал қариндошлари яшовчи Туроц шаҳридан узоқ қариндошлари бўлмиш уч нафар гўзал хонимларни топиб қўйганди, улардан бири қадди қомати келишган ажойиб аёл бўлиб, эридан ажрашган, қолган иккитаси жо-

¹ Септемвирлар — Кўҳна Венгриянинг олий судига қарашли «Еттилар суди» аъзолари.

² Чек Мате (1260—1321) — Венгриянинг олий феодал табақасига мансуб энг бадавлат ва қудратли намояндаси.

³ Гара ва Омоде — эски венгр зодагон уруғларидан.

зибадор, малла ранг сочли бевалар эди. Аёллар унинг уйига кўчиб келишган бўлиб, Перевицкий Пештга борса, бирини ёнида олиб кетар ва шу аёл билан албатта ўзига керакли судья уйига кириб борар эди. Уша пайтлари арзномаларга герблик тўлов маркалари ёпиштирилмаса-да, бироқ қоғозларга қўшимча равишда тортиқ қилинган кўхлик аёл ишга халал бермасди. Перевицкий бундай пайтларда олий ҳазратлари жаноб септемвир ҳузурига жияни билан келишга журъат этгани учун узр сўраркан, бегона шаҳарда уни ёлғиз қолдириб бўлмайди, дея баҳона қиларди. Сўнгра ўз далилларини ўртага ташлар, шу орада таманно аёл септемвирга қандай қарорга келиши кераклигини тушуниши учун (одатда, септемвир тушунарди) ишва қила бошларди. Ким билсин, булар балки уйдирмадир? Аҳмоқ аёллар бўлганидек, тили бўш эркаклар ҳам учраб туради-ку, ахир. Лекин ҳалол ва саховатли адвокатлар ҳеч қачон бўлмаган. Бу масала мунозараси бизнинг романимизга дахли йўқ, устига-устак, бусиз ҳам никоҳ ажрими туфайли ўзимизнинг ташвишимиз ортиб ётибди. Фақат шуни айтиш керакки, Перевицкийнинг адвокатлик дўкони хийла муваффақият қозонгандан ташқари, у камбағал опа-сингилларига ҳомийлик қилиш билан бирга, уларни ҳатто суяр, яқинларини Пештга олиб боргани учун Уйхейда уни иззат-ҳурмат ҳам қилишарди. Пойтахтга бориш айниқса опа-сингилларга хуш ёқарди.

Хуллас, Бутлернинг тақдири ишончли қўлларда эди.

Хорватнинг ҳақ тўлаш системасини ёқтириб, жаноб Кёви ҳам юқоридаги гапни тасдиқлар экан, ҳаммалари маслаҳатни бир ерга қўйиб, кечки овқатга ўтиришди.

Бироқ қовурилган мегажин ҳам, хўроз гўшти ҳам йиғилганларнинг кўнглини хушлай олмади, боз устига, у суҳбат мавзуини мутлақо ўзгартиролмади. Овқатланиб ўтиришар экан, улар дам-бадам бўлажак процесс ва Оласрёскдаги воқеаларни эслашарди (ўша кеча барон Иштван Дёрини роса ҳиқичоқ тутган бўлса керак).

Фақат виногина суҳбатдошларнинг иш муваффақиятли тугаяжак, деган оптимистик қарорларига далда берарди, холос. Қанийди оқибати шундай бўлса. Ичишга арзийди-ку!

Ҳамтовоқлар бўлажак кураш йўлларини фикрлашиб, вазифаларини ўзаро келишиб олишди: Перевицкий уйига борган заҳотиёқ процессни бошлаб юбориш тараддудини кўради. («Пулни аяманг, азизим!») Жаноб Фаи шу

ҳафтаёқ Эгерга, архиепископ барон Иштван Фишер ҳузурига бориб, шахсан олий ҳазратларининг ўзларига ҳамма воқеани айтиб беради. Миклош Хорват эса Будага, ноиб саройига жўнайди. У ерда Миклошнинг танишлари кўп, ўшалар ёрдамида ноиб ҳузурига кириш учун рухсат олиш мумкин. Ҳолбуки, йилнинг бу фаслида ноиб ҳузурига кириш қийин, чунки у кун бўйи Кленфёльд яқинидаги боғида бўлади.

Жаноб Кёви шу бугун тундаёқ Олтин Руно ордени соҳиби, эндиликда Венада яшовчи ва императорга яқин бўлган ҳазрат олийлари грай Ференц Сеченига узрли мактуб ёзаяжагини айтди. Кекса граф профессор Кёвини азалдан ҳурмат қилади, шу сабабдан гап орасида император Францга Бутлер воқеасини айтиб бериши мумкин.

— Қани энди олиҳиммат императрица Людовика бор гапни эшитса!— дея хўрсиниб қўйди Фаи хоним.

Овқат пайтида граф Бутлер юристлар мажлисисиз ҳам эртаданоқ ўз имениелари билан шуғулланиши мумкин, деган қарорга келишди.

— Студентлик ҳаётинг тамом бўлди, биродар! Эрта-лаб Венгриянинг энг бадавлат магнати сифатида уйғонасан,— деди Иштван Фаи.— Бўш келма, тушундингми? Қиз болага ўхшаш уятчанлигингни ташла, ахир сен қандайдир бўлис мирзасига ёрдамчи экансан-ку. Ҳузурига университет эҳтиёжлари учун ёрдам сўраб ҳурматли профессор Кёви келади, сен уни эшик олдида бир соат кутишга мажбур этасан ва ижирганиб жавоб берасан. Хўш, нега қизаряпсан? Йўли шунақа, бекорга жаҳлинг чиқяпти, азизим. Агар ҳузурига бориб қолсам, кўзларингни қисиб, мени зўрға танийсан. Ҳозироқ сенинг: «Na wie gent'es, alter»¹ деб гулдирашингни тасаввур этяпман. Бунни айтишга шошаётганимнинг сабаби, сен ҳозирча венгрчани тушунасан. Бир-икки йил ўтсин, венгр тилини унутиб, тушунмай қоласан. Ана холос, нега оби дийда қилияпсан, жуфти ҳалолим? (Жаноб Фаи этаги билан кўзларини артаётган рафиқасини кўриб қолганди.) Нега осилиб қолдинг демоқчимисан? Нима деб ўйлаяпсан, умрбод этагингни ушлаб юрармиди? Ҳозир ёввойи ғоз егиштирган она товуқ каби уни парвоз қилдирияпман. Аслзодалиги сув

¹ Хўш, аҳволларинг қалай, қария? (Немисча.)

устида биздан ҳам баландроқ парвоз қилиши, истасак, бошқа гозларга ўхшаб ҳатто ботқоқларда яшаши мумкинлигини тушунтиряпман. Сенинг еринг, яйловларинг, тегирмонларинг кўп, истаганча крепостнойларинг ҳам бор, ўғлим. Бу бойликлар учун ватанингдан миннатдор бўлишинг керак. Ула-ўлгунингча шуни ёдингда сақла ва буниг эвазига ватанингни рози қилиш пайида бўл. Умрбод ватан олдидаги бурчингни бажар! Ватанинг сенга берганидан кўра зиёд қайтарсанггина гўримда тинч ётаман.

Бу дабдабали сўзлардан Бутлернинг кўнгли бузилиб, нимадир демоқчи эди-ю, бироқ ҳеч нарса айтолмай хўнграб юборди.

Бека одати бўйича, Яношнинг бўйнидан қучоқлаб, бошини силаркан, мулойимлик билан гоҳ уни, гоҳ эрини тинчита бошлади:

— Қўй, гўдаклик қилма! Бўлажак қайноганг ҳузурида йиғлашга уялмайсанми? Жаноб Хорват нима деб ўйлаши мумкин? Мунча қақиллайвермасанг, эзма-чурук? Ундан кўра, меҳмонларга қараб турсанг-чи, қара, ҳеч нарса ичишмаяпти.

Бироқ жаноб Фаи фақат кўнглидаги гапни айтди, холос. Чол Яношга эрталаб унинг учун Бозошдан хизматкор, камердинер, гусар ва икки жуфт от чақиртириб қўйганини айтди. Бироқ Бутлер Бозошда ворислик ҳуқуқига тантанали эга бўладиган вақтдан ортиқ турмай, магнатларга хос дабдаба билан давлат мажлисида қатнашиш учун Пожонига жўнаши керак эди. Дарвоқе, кимга давлат ато этилган бўлса, ўшандан кўп нарса кутишади. Парламент мажлисига йиғилган вакиллар орасида процесс якунига таъсир эта оладиган кўпгина ватандошлари ва қариндошлари бўлиши мумкин. Балки Янош бутун давлат мажлисидагилар диққатини Оласрёскдаги адолатсизликка жалб эта олар.

Эрта билан, дарҳақиқат, дарвоза олдида ажойиб отлар қўшилган извош турарди. Бутлер яқинлари билан хайрлашди, шу муносабат билан уларга қўшилишиб, кўз ёши ҳам қилиб олди; шанба куни эса жаноб Фаи Эгерга жўнади (у кальвинист бўлгани учун бу сафарни жума кунидан кўчирганди). Бу орада Бернат хоним келини ва Фаи хонимга хат ёзиб, кекса Хорват ҳам Будага жўнаганини билдирди. Кетиш олдидан Хорват ўртанча қизини ворислик ҳуқуқидан маҳрум этгани ҳақида васият-

нома битганди. Васиятнома ижрочиси қилиб, «у кейинги пайтларда оғайнилашиб қолган эримни тайинлади»,— деб ёзди Бернат хоним.

Ҳамма ҳаракатга тушганди, фақат Оласрёскдагина мутлақо тинчлик ҳукм сурарди.

Ҳар хил мишмишларга ўч жамоа фикри эса воқеанинг ривожланиб боришини зўр қизиқиш билан кузатарди. Бутлер ишни судга оширгани маълум бўлди, бироқ Дёри ўз навбатида қандай чора кўраётганини ҳеч ким билмасди. Айримлар янги ном олган Бутлер хонимни узоқдан бўлса ҳам кўрган одамга катта суюнчи атаб қўйишган, у билан суҳбатлашишга муяссар бўлганларга эса ундан ҳам кўпроғини ваъда қилишарди.

Лекин қизиқувчиларнинг бахтига қарши, Рёск қўрғонида яшовчиларнинг ҳамма режа ва хатти-ҳаракатлари сирли бўлиб қолаверди. Қўрғон дарвозалари никоҳдан кейин қулфланган, деразалар эса чийпардалар билан беркитилганди.

Бироқ жамоа фикри кутилмаган воқеаларга шу даражада ўч эдики, ҳатто айрим кибор хонимлар (гўзал Старай хоним ва жаноб Пол Кетцернинг жарангдор овозли рафиқаси) «графиня» ҳақида бирон-бир гап эшитиш мақсадида оқсочларни Оласрёск қишлоғидан олишга аҳд қилдилар. Бу вақт этаги кенг қўйлак кийган анор юзли деҳқон қизларнинг қулоқларига узук-юлуқ чалинган бўлса ҳам шу арзимаган миш-миш ҳам ғийбатчи аёлларни етарли даражада ҳаяжонга соларди. Хонимлар эрларини «Менинг чехиялик егерим» деганларидек, «Менинг рёсклик оқсочим» дея мақтана бошладилар¹. Ҳазил-ҳазил билан бу ишқибозлик шундай расм бўлиб кетдики, комитатдаги ўз ҳурматини биладиган ҳар бир хоним эридан Флоренция соябони, швед қўлқопидан ташқари оласрёсклик оқсоч талаб қиладиган бўлиб қолди. Рёсклик қизларга бошқаларга нисбатан икки барабар ортиқ ҳақ тўланарди. Бу расм, бир йилдан кейин ҳам, йигирма йилдан кейин ҳам, Дёрининг оиласи ўша жойларда яшамайдиган вақтларда ҳам ўз кучини йўқотмади, ҳеч ким Рёск қишлоғидан келган оқсоч нимаси билан машҳур эканлигини билмасди. Дамашқ дастур-

¹ Уша пайтларда феодал поместьелардаги ов қиладиган ерларда Чехиядан чақиртирилган махсус егерларни ушлаб туриш одат бўлиб қолган эди.

хони ёзилган стол устига шимол чинисини Оласрёск уругига мансуб оқсоч қиз олиб келиши катта ҳашам ҳисобланарди. Рёск қизларига галоч тамакисидай талаб жуда ҳам ортиб кетди. Улар бошқа қишлоқ қизларига нисбатан тезроқ турмушга чиқардилар: бевалар, ўзига тўқ ҳунармандлар, ҳатто ўрта ҳол дворянлар бутун комитатдан Оласрёскка қиз кўрарга йиғилишар ва ўзларига ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қиз танлаб олишарди.

Модомики, Рёскдаги ҳамма қизлар эрта турмушга чиқишаркан, у ердан оқсоч олиш мушкуллашди. Фақат ўзларига ортиқча ҳашамат-дабдабани эп кўрган Шеньей, Андраш ва Майлат каби магнатлар ақл бовар қилмайдиган пулларга Оласрёскдан оқсоч қиз сотиб олардилар.

Бахтимизга, бу телбалик бошқа телбаликлар каби узоқ давом этмади, йўқса, оласрёсклик дўндиқ гўзал қизлар бизнинг кунларда фақат қиролларгагина турмушга чиқар эдилар.

Дёрилар пайт пойлаб юргунларича жаноб Перевицкий ишни қизитиб юборди. У қонуний судга никоҳни бекор қилиш учун тавсиянома ёзиб топширди-да, лобар қариндош хонимларини олиб келиш учун Туроцга жўнади: қонунчилар ҳам одам, шу сабабли, уларга иш моҳиятини чекавериб тишлари сарғайиб кетган кекса адвокатдан кўра гўзал аёл баён этса, уларнинг муомалага кўниши осон бўлади. Перевицкийнинг назаридан ҳеч нарса четда қолмади. Венада унинг агенти бор эди. Агент папа нунцеига вазиятни Ватиканга қай тарзда етказиш ҳақида тушунтириш ишини олиб борарди. Бошқа бир ишончли одам (қалбаки ҳужжатларни усталик билан тайёрловчи ўша адъюнкт Кифика) ҳукмдорлар саройларида, айниқса, тақводор, асл княгиня хонимлар ўртасида катта обрўга эга бўлган иезуит поплари орасида керакли кайфият туғдириш учун Венага юборилганди. Бироқ фақат Перевицкийнинг ўзигина ҳаракат қилмай, қолганлар ҳам иш олиб борардилар: жаноб Фаи сон-саноқсиз ваъдаларга кўмилиб Эгердан қайтди; жаноб Миклош Хорват ҳам Будадан Фаи номига юборган хатларида умидвор қилувчи хабарлар ҳақида ёзганди.

«Мен бу ерда бир вақтлар синфдош ўртоғим бўлмиш қудратли ҳомий, ҳозир истеъфодаги генерал Ласки исмли графни учратиб қолдим. У ҳар куни ноибнинг рафиқаси ҳузурида қарта ўйнайди. Ноибнинг рафиқасига

Дёрининг қабих жиноятини айтиб берганимда, хоним қаттиқ газабга келиб, эрига: «Мамлакатингда шундай ишлар содир бўляпти-ку, сени ким айтади нонб деб!»— дебди. Уша Ласки менинг яхши танишим, олдин жуда машхур кўмондон бўлиб ўтган. Бироқ бизнинг венгр ватанпарварларимиз Ласкини камситишяпти ва уни жангчиларнинг ботирлиги хусусида эмас, уларнинг қаддибасти хусусида кўпроқ жон куйдирганлардан бири сифатида император армиясини бузган деб айблашяпти... Мен Пештдаги «Етти курфюрст» меҳмонхонасида тўхтадим...» ва ҳоказолар.

Фаи фақат Бутлердангина хат-хабар олмасди. Бир неча ҳафта бўлдики, Пожонидан почта дилижони на хат олиб келар, на чопардан дарак бор эди (юқори мансабли жаноблар ўша пайтлар чопар юборишни афзал кўрардилар). Болакай бирор чора кўряптими ёки йўқми? Бироқ, шуниси борки, агар комитат сеймига келган Землен комитати Давлат мажлиси депутатлари Фаига Янош Бутлер Пожонида йўқ ва бўлмаган ҳам деб хабар етказмаганларида, у Бутлернинг дараксиз кетганига жиддий аҳамият бермаган бўларди. Чол ҳазилакам хавотирга тушмади, гарчанд ҳозир Ференц Қазанци сўзлаётгани учун залдан «чиқиб кетиш» ноқулай бўлса ҳам, Фаи дарҳол отларни қўшишни буюрди ва ҳеч қаерда тўхтамасдан Бозошга елиб кетди.

— Граф қаерда?— деб сўради у қўрғондагилардан.

Иш бошқарувчи ва хизматкорлар жаноб Фаига ҳазрат олийлари граф Бутлер имениеларида бундан бир ой бурун бўлганлар ва атиги уч кун туриб жўнаб кетганлар, дейишди.

— Қаёққа кетганини билмайсизларми?

Ҳеч ким билмасди. Еш графни олиб борган кучер, граф Қапошга етиб келиб, бозор майдонида тушиб қолганини айтди.

— Хўш, кейин-чи?

Табиатан меровроқ кучер бесўнақай тилини базўр қимирлатаркан, Фаининг саволига миқ этмай, лаб чўччайтирди-да, елка қисиб қўйди.

— Нима, соқов бўлиб қолдингми?— ўдағайлади унга Фаи.

— Ҳа, аравадан тушдилар, бошқа ҳеч нарса бўлмади.

— Лоақал бирон нарса демадимми?

Кучер ўйланиб қолиб, энсасини қашлади.

— Йўқ, ҳеч нарса демадилар.

— Кейин сен нима қилдинг?

— Уйга қайтдим.

— Нега энди уйга қайтасан?

— Чунки улар уйга қайтишни буюрдилар.

— Демак, ҳар қалай, бир нарса дебди-да, ҳайвон?

Фаи ўйланиб қолди. Яношнинг миясига Пардани ёки Розмалидаги ё эса Эрдётелекдаги қўрғонларни кўриб келиш фикри келиб қолмадимикин? Ешлар янги таассуротларга ўч бўладилар, тўғри, у ҳам ўз ер-мулкларини кўриб, ҳузур қилаётган бўлса керак.

Фаи мамлакатининг бу қисмида Бутлернинг нечта қўрғони бўлса, шунча чопар юборишни буюрди. Қандай бўлмасин, тезроқ баринни топишларини, Фаи уларнинг қайтишларини сабрсизлик билан кутажагини тайинлади. Бундан ташқари, бир отлиқ Мандокка, Бернатларникига юборилди.

Иккинчи ва учинчи кунлари чопарлар бирин-кетин қайта бошларкан, бир овоздан графни ҳеч қаердан топа олмаганларини айтишди. Бундай кутилмаган қидир-қидир шубҳа туғдириб, ёш граф йўқолди, деган овоза тарқала бошлади. Агар йўқолган бўлса, бу — барон Дёрининг иши! Унинг одамлари ёш графни ўлдириб юборишган. Бечора йигит! Ҳа, ёмон ўйлаб топилмаган, энди никоҳ ажримидан ҳеч нарса чиқмайди, Дёри хоним шундайлигича бева — графиня Бутлер бўлиб қолаверади!

Бешинчи боб

КРОК БОБОНИНГ ВОҚЕАГА КИРИБ КЕЛИШИ

Мишмишлар Фаини озмунча ваҳимага солмади, фақат угина эмас, имениелар иш бошқарувчиси, отабоболари ҳам шу оилага садоқат билан хизмат қилиб келган муҳтарам жаноб Будаи ҳам хавотирлана бошлади. У Бутлерни деярли билмаса-да, унинг учун бу йигит Бутлерларнинг энг охирги зурёди эканлигининг ўзи етарли эди. Графнинг жасади Доборуск қабристонига қўйилгач, оила тамғаси мангу йўқ бўлиб, у ортиқ от устиди, қўрғонларнинг пештоқидан тортиб фэйтон эшик-

лариди — ҳеч қаерда, ҳеч қачон кўринмайди! Графнинг ерлари ўз жойида қолади, фақат бошқалар ҳукмдорлик қиладилар. Мана шунинг ўзи ҳам иш бошқарувчи кўнглига ғулғула соларди...

— Бирон чора кўриш керак,— деди Будаи қаттиқ ташвишли қиёфада.

Фан унга турган жойида тикилиб қолди.

— Нима қиламиз энди?

— Балки комитат маҳкамасига хабар юбориш керакдир?

— Комитат маҳкамасига? Боринг, тошингизни теринг ундан кўра, тақсир!— ғазаби қайнади Фаининг.— Агар ўша маҳкама дунё яралганда бери иш олиб борганда ҳам ҳанузгача Авелни ким ўлдирганини аниқлолмаган бўларди. Бунинг устига, губерния прокурори ишни чалкаштириб, бошимиз айланиб қоларди. Йўқ, яхшиси, арава қўшишни буюринг-да, Унгвар¹га, докторга жўнанг; негадир ўзимни ёмон сезяпман. Бу биринчиси.

— Хўп бўлади, тушундим.

— Кейин, ўша ерда Матяш Крок исмли кекса шаҳарликни қидириб топинг; у қаердадир, православ черкови орқасидаги хусусий ғишт уйда яшайди. Ана шу чолни ҳам Бозошга олиб келинг.

Иш бошқарувчи йўлга тушиб, кечга томон қайтиб келди. Чақиртирилган икки жанобни фойтонга ўтқазиб, ўзи медицина нуқтаи назардан шундай қияпман деб ўйлаб деҳқон араваси ёллабди. Гўё унга қандайдир дард илашган эмишу, деҳқон араваси уни силкитиб дардини аритармиш. Доктор бундай аравада юриш тўғри чора эмас, биронта дори ёзиб бераман, деб Буданини кўндирмоқчи бўлганди, лекин иш бошқарувчи унинг гапини бўлди:

— Узр, тақсир, менга нима кераклигини ўзим яхши биламан.

Тўғри, аравага жанобларнинг иккита энг яхши отларидан қўшишга унинг фаросати етди; шунинг учун Бозошга доктор ва Крокдан ярим соат олдин етиб келди.

Фан уни учратаркан, беихтиёр:

— Бу яна қанақаси! Мен сизга кимларни олиб келиш кераклигини айтмаганмидим, тақсир?!— дея ўшқириб берди.

¹ У н г в а р — Ужгороднинг венгрча номи.

Иш бошқарувчи бу сафар хўжайинининг дўқини итоаткорона тинглаб ўтиришни истамади, аксинча, хужумга ўтди; ғазабдан унинг юзлари хўроз тожисидай қизариб кетганди.

— Ҳа, лекин нима учун анави Крок қандай шахслигини марҳамат қилиб айтмадилар, тақсирим? Шундай одам билан бир аравада юра олармидим? Йўқ, ундан кўра яланг оёқ, тиканли йўлдан пиёда юрганым яхшидди! Айтгандай, улар ҳозир етиб келишади, фойтонда келишяпти.

— Майли-майли!— деди Фаи мурасасозлик билан иш бошқарувчининг нафсониятига тегиб.— Дуруст, яхши! Нега бундай дўқ қиласиз? Ахир санчиқдан азобланаётган кезларимда жаҳлим чаппасига чиқишини биласиз-ку. Крокка келсак, юмронқозиқларни қандай қуритишаётганини кўрганмисиз, тақсир?

— Бўлмасам-чи! Инига сув қуйишади.

— Қим бу ишни бажаради?

— Кўпроқ валах лўлилари.

— Юмронқозиқни қуритиш иши билан комитат епископларининг ўзлари шуғулланишса сал ғалатироқ туюларди. Тўғри эмасми? Бизнинг ишимизга эса Крок лозим бўлиб қолди, шунинг учун бечоранинг раъйига қарайлик.

Матяш Крок қачонлардир Будапештдаги черковлардан бирининг нозирни Мартинович¹ қўлида хизмат қилган. Ёзнинг иссиқ кунлари хизматкорлар, ўша пайт Мартиновичнинг иккита хизматкори бўлгучийди, хўжайинининг йўқлигидан фойдаланишиб, қип-яланғоч ечинардилар-да, нозирнинг кенг кийимларини кийиб олиб, қарта ўйнадилар. Бир куни Мартинович дўстлари билан уйга одатдагидан барвақтроқ қайтиб келиб қолди: хизматкорлардан бири хўжайиннинг эшик тақиллатишини эшитиб, тезда бошқатдан кийиниб олишга

¹ Мартинович Игнац (1755—1795)— поп, Габсбург сулоласига қарши чиққан, Венгриянинг мустақиллигини тиклаш, дворянлар имтиёзи ва феодал тартибни бекор қилиб, мамлакатда буржуа-демократик тартиб ўрнатиш учун курашган венгр якобинчиларининг раҳбари. Мартинович ташкил этган иккита махфий жамият аъзолари революцион Франция билан урушни дарҳол тўхтатишни, черков ва князларнинг ер-мулкларини мусодара қилиш ҳамда кичик миллатларга тенг ҳуқуқ берилишини талаб этганлар. Мартинович бошлиқ уюшма раҳбарлари қўлга олиниб, 1795 йил, 20 майда Будада қатл этилган.

улгурди-ю, эшикни очишга югурди, иккинчиси, ана ну Крок шошилиб қолиб, кўрққанидан каравот остига яширинди. Етган жойида у фитначиларнинг режаларини эшитиб олиб, Вена полициясига етказди. Сўнгра у муваффақият билан яширин полиция агенти лавозимигача кўтарилди ва шуҳрат қозонди. Қариганида ўзининг қадрдон Унгвар шахрида кичкина кўрғонга эга бўлиб олди. Тўғри, шаҳар аҳли уни «ярамас одам» сифатида билар, шу сабабли у билан алоқа қилишни истамасди.

Урта бўйли Матяш Крокнинг ёши етмишларда бўлиб, соч-соқоли, қош ва киприклари оқарган, ҳатто кўзлари ҳам оқимтир кўринарди, лекин улар шишадек ярақлар, суҳбатдошининг аъзойи баданига худди тўғнагичдек қадаларди.

Фаи у чолни анчадан бери биларди, гарчи санчиқдан афти бурушса-да, доктор ёнида кириб келган Крокка хушмуомалалик билан жилмайишга ҳаракат қилди.

— Хуш келибсиз, бобо Крок! Бу фоний дунёда яхшигина яшаб юрибдиларми? Ҳали жуда ёш кўринасиз! Жин урсин, отам тенги келасизу, яхши сақланибсиз! Салом, доктор, келганингиз учун раҳмат. Яхши етиб келдингизми? Ўзимни ёмон сезяпман, азиз доктор. Марҳамат, ўтиринглар. Лекин аввало дил тинчитиш ғамини ейишимиз лозим. Ахир дилим оғрияпти-да. Буни мўйсафид Крок даволайди, кейин доктор, илвираган баданга шифо берасиз.

У Крокка кўзини қисиб, уни ичкари хоналардан бирига етаклади.

— Бобо Крок, сизни нега чақиртирганимни биласизми? Гап шундаки, тутинган ўғлим граф Янош Бутлер сирли тарзда йўқолиб қолди. Йўқолмаса ҳам, ҳар ҳолда мен юборган жойда йўқ.

Крок лом-мим демади, фақат оппоқ киприкларини пирпиратганча бошмалдоғи билан сон-саноксиз ажин чизиқлари босиб кетган пешанасини силаб қўйди: бу силашида чандиқсимон чуқур ажинлар юз ифодасини ўзгартириб, ҳаракатга келар эди.

Фаи Янош извошини Капошдан қайтарганини айтди, ёш граф ғўрлик қилганини ҳам яширмади: ҳаддан ташқари таъсирчан ва табиатан қатъиятсиз, бироқ ҳалол, кўнгли беғубор бола, у ичкиликбоз эмас, қарта ҳам ўйнамайди, маишатпараст ҳам эмас, бу жиҳатдан ундан ха-

вотирланмаса бўлади. Бироқ шуниси борки, яқинда кўнгилсиз воқеа юз берди.

Крок бобо бош ирғади.

— Менга Дёри воқеаси маълум. Лекин батафсил айтиб берсангиз ёмон бўлмасди.

Фай ўзича воқеанинг энг муҳим жойларини айтиб бергандан кейин, Крок бобо унга бир неча савол берди:

— Граф Бутлер Пожонига бораман деб ваъда берганмиди?

— Ҳа, шундай деб хайрлашдик. Ўзи бундан ниҳоятда манфаатдор, чунки қаллиғини жуда севади.

— У Борноцда, қизнинг олдидамасмикин?

— Йўқ! Мен ўша ёққа ҳам одам юборгандим. Бундан ташқари, иш тугамагунга қадар, унга қиз билан учрашиш тақиқланган. Бутлер ўз сўзида турадиган йигит, қиз билан учрашмайди.

— Марҳаматли жаноб, ўзлари нима деб ўйлайдилар?

— Бирон нарса дейишим қийин.

— Тақсир, сиз у ўзини ўзи ўлдирган деб гумон қиляпсиз,— деди Крок ўткир нигоҳини Файга қадаб.

— Айтишга тилим бормайди-ку, лекин бу эҳтимолдан холи эмас. Йигит хаёлпараст. У «Вертер азобларини» ёддан билади.

— Бўлмагур гап! — ғўлдиради бобо Крок. — Яхши китоблар одамни ўлдирмайди, кўпроқ ёмон китоб ўлдириши мумкин. Агар ўзига суиқасд қилмоқчи бўлган одамга бир юз элик минг хольд тупроқ сепилса, у китоблар кўнгилга солган ҳар қандай васвасадан халос бўлади!

— Демак, сизнингча...

— Менимча, бу гаплар бир пулга қиммат. Буни исботлаш учун уйда кампиримга бир кўзим билан бир қулоғимни ташлаб келган бўлардим, бунинг устига, қулоғим қар, кўзим яхши кўрмайди.

— Тушунмадим.

— Демокчиманки, сиз ўймакор устага болта сопи ясашни буюряпсиз, қачонки буни истаган дурадгор ясаб бериши мумкин,— деди-да, Крок виқор билан тамакидондан бир чимдим тамаки олиб, бурун катакларига суқди.

Фай дарров жонланди, у муғамбир чол ишга рози бўлганини тушунди. «Ниятини билиш учун ўн тилла тўлашга ҳам рози эдим,— деб ўйлади Фай.— Қизиқ, миясида ҳам юзидагидек шунча чирик бормикин? Шу чи-

зиқларда нималар яшириниб ётганикин?» Фаи унинг мақсадини билиб олмоқчи бўларди.

— Хўш, нима учун сиз бу воқеани арзимаган деб ҳисоблайсиз?

— Чунки ҳеч қандай воқеанинг ўзи йўқ.

— Сабаб?!— ҳайрон бўлди Фаи.

— Сабаби жудаям оддий! Мана, сиздан, тақсир, калитларингизни йўқотмадингизми, деб сўрасам-чи?

— Қайдам.

— Хўш, яхши, демак, йўқотмагансиз. Лекин, агарда биронта калитингизни ахтариб қолсангизу, дарров тополмасангиз, ўша заҳотиёқ, йўқотдим, деб ҳисоблайсиз. Шундайми?

— Бўлса бордир.

— Ана, кўрдингизми? Агар сиз графни қидирмаганингизда, уни йўқолган ҳисобламасдингиз. Агар Унгвардаги ошнам Липецкий мени излаб қолиб, тополмаса, сизнингча, жаноб олийлари, йўқолган ҳисобланаманми?

Фаи бундай мантиқдан тоқати тоқ бўла бошлади.

— Менга қаранг, Крок бобо,— деди у тажанг бўлиб,— мени таъқиб васвасасига мубтало бўлган деб ўйламанг. Мен буни ичимдан ўйлаб топибманми? Бутун округда Бутлерни Дёри ўз одамлари орқали ўлдиртириб юборган, деган овоза тарқалган.

Крок кулиб юборди.

— Қандай қилиб овоза тарқамасин, қачонки жаноб олийлари ўринсиз шошма-шошарлик билан қидирув бошлаб юбориб, бутун округни безовта қилаётган бўлсалар. Сиз майда уруғ тўкиб беряпсиз, овозалар эса, улардан катта бута етказиб беряпти. Албатта, ҳозир сизни даҳшатли фаразлар қийнаяпти, аслида эса ҳеч нарса бўлмаган, фақат Бозошда граф Бутлер йўғу, қаердалиги номаълум.

— Ҳар ҳолда, сиз яхши одамсиз, Крок. Деярли мени тинчитдингиз, ҳатто санчиғим ҳам тўхтади. Жин урсин ўша докторни! Энди унга нима дейишимни ҳам билмай қолдим,— деди Фаи ташвишланиб энсасини қашлар экан.— Хўш, графни қидиришга киришасизми? Фақат пинҳона, ҳеч қандай шов-шувсиз.

— Мен пул унадиган ҳар қандай ишга киришаман.

— Шу заҳотиёқ ишни бошлайсизми?

— Ҳозирнинг ўзидаёқ. Лекин рухсатингиз билан кўрғон хизматкорини сўроқ қилсам.

— Ҳамма ишда сизга ёрдам беришга тайёрман. Хизматкорлар, фойтонлар, отлар сизнинг ихтиёрингизда, фақат тезроқ, тезроқ!

— Икки суткадан сўнг сиз граф қаердалигидан бохабар бўласиз.

— Сиздан жуда миннатдор бўлардим... Сизни хурсанд қиламан, Крок. Эҳ-ҳа, энди докторга нима десам экан?

Крок дарҳол ишни бошларкан, қўрғон хизматкорини сўроқ қилди. У хушмуомала, сертакаллуф эди — бу билан у гаплашган ҳар қандай одам қалбини забт этиб ўзига мойил этарди. Бундан ташқари, у бошқаларда ўзига нисбатан ҳурматли жаноб ҳамда муҳтарам нуроний чол таассуротини қолдирарди. Унинг нигоҳидан безорлик ва эзгулик ёғилиб турар эдиким, худо зарурат туғилганда баъзан ярамас одамларга ҳам яхши одамлар қиёфасини ато этар экан. Крокнинг кийими қалбига мутлақо ўхшамас, бошдан-оёқ венгрча кийинган бўлиб, саҳтиён тери этигининг шпорлари жаранглаб турарди. Агар бу одам қиёфасида шайтон яширмаганда, у Крокнинг бир вақтлар Венада изқувар бўлганини ва унинг айби билан бир қанча венгр ватанпарварлари эшафотда жон берганларини билмаган бўларди.

Хизматкорлардан ҳеч маънили гап чиқмади. Граф бу ерда турган уч-тўрт кун ичида ҳеч ким билан гаплашмаган: қўрғонда меҳмонлар ҳам бўлмаганди.

— Граф қаерга қўнганди?

— Қунгай хоналарга.

— Қани, ўғлим, мени ўша хоналарга олиб кир-чи, — илтимос қилди камердинердан Крок.

Крок бобо ҳамма хоналарни кузатиб чиқди-ю, лекин ҳеч нарса тополмади.

— Одатда бу ерни ким супуради?

— Оқсоч.

— У гўзалми, ўғлим?

— Нима деяпсиз, тасқара-ку!

— Ҳай, худога шукур, — деди Крок бобо сохта тин олиб, ҳар ҳолда уни бу ёққа юборсанг, менга ҳеч қандай хавф туғилмас экан.

Камердинер қиқирлаб кулиб юборди ва бир оздан сўнг эшикдан олтмиш ёшлардаги бир бева кампирни киритиб юборди.

— Хўш, синглим, бу ерни сен супуриб-сидирсанг керак-а?

Шу пайт кампир ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бармоқларини тупуги билан ҳўллаб, сочларини силай бошлади.

— Мен.

— Жонгинам, графдан кейин бу ердан ҳеч қандай қоғоз-поғоз супуриб ташламадингми? Йиртилган, рижимланган, тушуняпсанми, ёзувли қоғоз.

— Супурсам, супургандирман.

— Шуларни тополмайсанми? Шундай қилсанг, жуда ажойиб аёл бўлардинг!

— Албатта, топаман. Бу ердан чиққан ҳамма ахлатни катта қутига ташлаймиз. Бу хонани камдан-кам тозалаймиз, шунинг учун эски ахлат ҳали жойида.

— Қани, дарров олиб кел-чи, жонгинам.

Кампир хонадан физиллаб чиқиб кетди. Йўлакдан югуриб бораркан, у бекорчиликда тўпланиб турган хизматкорларга хушмуомала кекса жанобни мақтарди: «Гаплари ҳам, муомалалари ҳам шундай ёқимлики!»

Тез орада оқсоч кампир этагида бир тўда йиртиқ қоғоз парчаларини кўтариб кирди. Крок хонага бекиниб олиб, қоғоз парчаларидан қуйидаги мазмундаги хат тиклади: «Азизим Пирошка, ёзмаётганингга ҳайронман. Ахир сенга хат ёзишни тақиқлашмаган-ку? Шундай бўлса, даҳшат бўларди!» Шу билан хат узилиб қолганди. Сўнгра Крок бошқа хатни тиклади: «Азизим, Пирошка! Мени туну кун севмайсан деган фикр қийноққа соляпти, агар севганингга хат ёзган бўлардинг. Билсанг эди, қайғу-ҳасратларимга ортиқ тасалли берадиган ҳеч нарса йўқ. Наҳотки, сенга хат ёзишни тақиқлашган бўлишса? Бу даҳшат...» Бу хат ҳам тугамай қолган. Афтидан, хатнинг бошланиши графга ёқмай, йиртиб ташлайверган. Бу хилдаги хатларга ўхшашини Крок олтига топди: ҳаммасида яхшими, ёмонми бир хил ҳасрат ифодаланганди.

Ҳар ҳолда, афтидан, Бутлернинг бир хати муваффақиятли чиққану, уни Пирошкага юборган. Ахлат орасида аёл кишининг қўли билан ёзилган бошқа бир мактубнинг бўлаклари топилди. Крок бобо ана шу бўлакларни ҳам улаб, базўр қуйидагиларни ўқиди:

«Азиз жияним!

Бу хат сенинг саломатлигингда қўлингга тегишини

яратгандан ўтиниб сўрайман. Пирошка бемор, сенинг хатларинг уни фақат безовта қиляпти. Биласан-ку, у бечора нақадар нозик. Агар у сенга азиз бўлса, раҳм қил, соф муҳаббат-ла уни сев. Бу сўзларимга хафа бўлма, азизим Яника, Пирошкага юборган хатингни ҳам очмасдан садоқатли хизматкорингдан қайтариб юбораётганимдан жаҳлинг чиқмасин. Сени даҳшатли синовга солган худодан доимо мушкулингни осон қилишини илтижо қилаётган холанг — менга қулоқ сол. Мен беозор қўзичоғимизнинг саодатли номига парвардигор қаҳр-ғазабининг хатто сояси ҳам тушмасин дейман (ахир қиз бечора сени деб касал бўлиб қолди, азиз ўғилгинам). Тўғри бахт қайтиши мумкин, албатта қайтади, ахир худонинг иккита қўли бор, қўрқма, ўғлим, иккинчиси қуриб қолгани йўқ, ҳали ўша қўлини сизларга узатади. Бироқ қиз боланинг софлиги бебаҳо хазина, уни қайтариб бўлмайди, ўғилгинам. Бу софликка дастлаб тушган доғ умрбод қолади. Агар Пирошка сен билан хат ёзишиб ёки учрашиб турса, одамлар нима дейди? Сиз бошқаларга нисбатан кўпроқ бир-бирларингдан нари бўлишинглар керак. Буни аслзодалар одоби ҳам, Пирошкани менинг қарамоғимга қолдирган қизнинг отаси ҳам тақозо этади. Ўзи эса, Будада сенинг ҳаракатингни қилиб юрибди, яратганинг ўзи унга куч, сиҳат-саломат ва муваффақият ато этиб, уни ва ҳаммамизни фирибгардан халос этсин (кимни айтаётганимни тушунасан). Ўша сабабга кўра, сени уйимизга таклиф этолмаслигим менга жуда оғир ботади. Боғимиз кечаги ёмғирдан кейин қандай гўзаллашган! Тўғри, омад ҳозир бизни четлаб ўтляпти. Мева дарахтларнинг бир қисмини совуқ уриб кетди, ўғлимизнинг оти «Парвона» эса тўсиқдан сакрайман деб қоziққа урилиб кетди. Уйимизда ҳозир шундай тўс-тўполон бўляптики! Мен Хорватларникида яшаётганимдан хатто хурсандман. Агар сен «Парвона»нинг бошига тушган кулфат ҳақида Жигага секин хабар берсанг, яхши бўларди, чунки на мен ва на чол унга бу ҳақда ёзиб юборишга ботинолмаяпмиз. Сени минг мартаба ўпиб, севимли холанг

Бернат.

Р. С. Кучингни бир жойга йиғиб, юрагингни кенг қилда, бошқа одамлар ҳам азоб чекапти деб ўйла, герцоглар, қироллар ва ҳаттоки, императорлар ҳам. Ҳамма

парвардинорнинг бандаси ўз истакларини дарров амалга оширолмайди. Эсингдами, олти йил бурун мен кўричак бўлиб ётиб қолиб, икки йилгача оғзимга ҳўл мева ололмаган эдим, лекин шундай егим келардики.

Дарвоқе, унутаёзибман, ошпаз Видонка сарамас бўлиб қолди: бечора, яхши аёл эди, соғайиб кетиши амри маҳол.

Яна бир бор ўпаман.
Холанг».

Марҳаматли Крок бу хатлардан тугуннинг учини топодмади. Чол тарвузи қўлтиғидан тушиб, елимланган хатларни Фаига кўрсатмоқ учун йиғиштирди. Бу орада Фаи унғварлик доктор Грибидан осонликча қутулиб олган эди. Ҳали у ичкарида Крок бобо билан маслаҳатлашаётганида хонага Андраш Қапор исмли боғбон ҳовлиқиб кириб келиб, хотини ўлим тўшагида ётганини айтиб, доктор шу ерда экан, агар барин рухсат берса, унга бирон дори берадими деб зорланаётган эди.

— Бўлмасам-чи! Албатта беради. Бунинг устига ўзим ҳам доктор ёрдамига унчалик муҳтож эмасман. (Фаи соғ пайтида олдида доктор турса гаши келар, беморлигида бўлмаса қаттиқ жаҳли чиқарди.) Қандай бахт! Қандай кўнгилсизлик, демоқчиман. Боринг, боринг, қадрли доктор, бемор ҳузурига боринг.

Олтинчи боб

Г Р И Б И

Олдинги бемори тўсатдан соғайиб, кутилмаганда янгиси пайдо бўлганини билган дароз, қотма доктор афтини буриштирди. Лекин шунга қарамай, у асбоблари ва барча дардларга қарши синаб кўрган дори-дармонлари солиқли сумкасини кўтарди-да, бажону дил касалнинг уйига йўл олди. Кўп ўтмай хотиржам қиёфада қайтиб келди.

— Хўш, дориларингни беморга нафи тегдими?

— Ёрдамга ҳожат қолмаган экан.

— Наҳотки, ўлган бўлса?

— Ҳа, томири уришдан тўхтаганакан.

Фаи ўзини туютолмай афсуслана бошлади.

— Бай-бай, эсизгина, бечора Капор хола! Қандай ажайиб чучвара тайёрларди.

Шундан кейин Фаи докторнинг кўнглини олиш учун шоҳона дастурхон тайёрлаттирди. Ажиб, илиқ оқшом чўкканди. Крок хатлар билан овора бўлгунча улар у ёқ-бу ёқдан, айниқса, бандаликни бажо келтирган доктор Медее, унинг ажайиб шифокорлиги ҳақида суҳбатлашиб ўтиришди.

— Ҳа, ҳа! Биз бир-биримиздан кўп нарсани ўрганар эдик,— дерди қайта-қайта доктор Гриби.

Суҳбат Фаини зериктира бошлаган эди ҳамки, оёқ товушлари эшитилиб, хонага қўлида хатлар билан Крок бобо пилдираганча кириб келди.

Фаи шартта унга пешвоз чиқди.

— Бирон нарса топдингизми?

— Деярли ҳеч нарса, билганим фақат шу бўлдики, граф бу ердан жуда ёмон кайфиятда жўнаган.

— Ё парвардигор! Нима гап ўзи?

— Марҳамат қилиб ўқиб кўринг!

Фаи хатларга кўз югуртириб чиқди-да, кайфияти бузилиб, қўллари шалвираб тушди.

— Ўзим ҳам айтган эдим-а! Кўнгил ғашлик ёмон аломат деб!

— Дарров ёмон ният қилиш ярамайди. Мен ҳозироқ Капошга жўнайман.

— Худо мадакдор бўлсин! Аравани қўштирайми?

— Кечирасиз, мен сизга яна бир нечта савол бермоқчийдим. Бу ерда ёш графнинг портрети йўқми? Ахир мен уни танимайман, ҳатто кўрмаганман ҳам, портрет жуда асқатар эди-да.

— Менда унинг кичкинагина расми бор, соат занжирдаги медальонда. Лекин жуда ҳам кичкина-да.

— Ҳечқиси йўқ. Қачон тушилган?

— Шу йил март ойида Бутлер билан Энедда, ўлим тўшагида ётган холаларидан бириникига борувдик, ўша холасидан унга мерос қолганди. Ўша ерда, қарангки, ўн икки ёшли Миклош Барабаш¹ исмли болакай Бутлернинг фил суягига кичкинагина расмини солибди. Мен ўшандаёқ қирол судьясига, зумрашани қамаб қўйинг, бундай истеъдодли боладан албатта қалбаки пул ясовчи чиқади дегандим.

¹ Барабаш Миклош (1810—1898)— машҳур венгр портрети-мусаввири.

— Кўрсам бўладими?

Фай занжирдан Людовик XVI нинг қирқилган боши тасвирланган тилла безакни чиқариб олиб, пружинани босди. Қалла очилиб, ичида мия ўрнида — дарвоқе, қиролнинг ўзида ҳам бу нарса етишмаган — Бутлернинг сурати чизилган фил суюгидан ясалган юпқа пластинка кўринди.

— Ҳм, граф хушрўй йигитча экан! Тўғри, унинг қомадини бу суратдан аниқлаш қийин.

— Самбитдай.

— Эҳ, қани мен ҳам шундай бўлсам,— хўрсинди Крок,— герцогинядан бўлагига қиё ҳам боқмасдим.

— Турган гап,— беихтиёр жавоб қилди Фай.

— Бошқа расми йўқми?

— Йўқ, бошқа ҳеч қачон бўлмаса ҳам керак, деб ўйлайман¹. У жудаям одми, тортинчоқ. Ушандаям болақайни рассомга суратини рлдириш учун зўрлаб ўтқазган эдим.

— Портретни олсам бўладими?

— Қаршилигим йўқ, лекин қайтариб бериш шарт билан. Агар бебаҳо совғамни қайтармасангиз, қорнингизга жир битиши мумкин! (Бу ўринда ўша пайтдаги жўн одамларнинг турмадагина қоринларига жир битишлигини айтиб ўтиш керак).

Крок ҳазрат итоаткорона жилмайди.

— Ҳар қандай вазиятда ҳам уни асрайман, ҳозир яна бир нарсани аниқлаб олишим керак: граф кетаётганида қандай кийимда эди?

— Буни айтиш қийин эмас! Камердинери биледи, кучер ҳам. Кийимлари унчалик кўп эмас. Ўзим унга Патакда костюм буюртирган эдим. Ҳай, ким бор?— Фай қарсақ чалганди, гавдали аёл кирди.— Ҳузуримга камердинерни чақиринг!

Камердинер осонгина топилди: у нима гап бўлаётганига қизиқсиниб, устун ортида бекинганча гапга қулоқ солиб турарди.

— Ҳей, Мартон, граф кетаётганида қандай кийимда эди? Яхшилаб ўйла-да, манави жанобга тушунтир.

Мартон ўйланиб қолди, сўнгра диққатини бир ерга тўплаб, графнинг кийимини тасвирлай бошлади.

¹ Граф Янош Бутлернинг бўйи баравар мой бўёқли ишланган портрети Ноград комитати мажлислар залида осифлиқ турибди. (Автор изоҳи.)

— Устларида нима бор эди-я? Қандай кийим бергандим? Устларида кул ранг чалвор, худди манави рангда... ҳа-ҳа, худди шундай жилетка ва ...сьюртукни айтдимми?

— Йўқ, айтмадинг.

— Кул ранг жилетка...

— Жилетка ҳақида эшитдик, тентак... Нега энди қумлоққа тушиб қолган чўртан балиқдек оғзингни очаверасан?

Шу пайт камердинернинг ўйноқи нигоҳи доктор Гриби сюртуғида тўхтаб қолди. Мартон худди боғлаб қўйилган ипи узилган ғоз қанотларини қоққанга ўхшатиб чапак чалиб юборди.

— Устида худди мана шунақа сюртук бор эди!— хитоб қилди у астойдил. — Балки шунинг ўзидир.

Доктор қулоқларигача қизариб кетди. Фаи бўлса, камердинерни койий бошлади:

— Алжимасанг-чи! Ухшаш бўлиши мумкин, менинг ҳам эсимга тушяпти, лекин худди шунинг ўзи дема. Бўлмаса, сўзларингга ишониб бўладими?

Бироқ Мартон докторнинг сюртуғига шубҳа билан тикилар эди. Камердинернинг бефаросат кул ранг кўзлари қинидан чиқаёзди.

— Ҳозир кўрамиз, барин, шуми ёки бошқами,— деди ўзини ҳимоя қилиб Мартон.— Граф шу ердалигида мен унинг сюртуғини тозалаган эдим; тирсагида нўхатдай жойи куйиб, тешилган эди. Ҳазрати олийлари трубкадан тушган тамаки чўғига беҳосдан суюнган эдилар. Астари ҳам тешилган, мен биламан. Қани, кўрамиз!

Узоқ ўйланиб ўтирмай, у доктор Грибига яқинлашиб шартта унинг тирсагини кўтарди.

— Хўш, нима деган эдим?— дея хитоб қилди у тантанавор. — Мана, ўша нўхатдай тешик! Мен нима деяётганимни биламан, тўрам! Энди астарини ҳам кўрамиз.

Доктор талвасада баттар қизариб кетди.

— Илтимос, марҳамат қилиб ўгирилсангиз.

Камердинер сюртукнинг этагини қайирди.

Камердинер олдида ҳайкалдек қотиб қолган бечора Гриби ўгирилганди, Мартон йиртилган астарнинг тикилган жойини кўрсатди.

Крок бобонинг кутилмаган бу воқеадан бурнидаги кўзойнаги тахтага тушиб кетса ҳам, хайрият, синмади.

— Ё алҳазар!— хитоб қилди у. — Иш жиддийлаш-

япти. Ҳа, жудаям жиддийлашяпти! Бу ҳазилга ўхшамайди. Жуда соз! Бунда, ҳақиқатан ҳам, асл Крок, машҳур Крок, айёр Крок керак бўлиб қолди. Бу кўйлакни қаердан олдингиз, доктор?

Қони қочган Фаи тол баргидай титрарди: бу чолни у билмай ким билсин, ахир Яношнинг боғда шохга илишиб йиртилган сюртугининг астарини хотини тикиб берган эди-да.

Докторни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ тер босар, гарчанд, нима бўлаётганига ақли етмаётган бўлса ҳам у бошини чайқаб, уялганидан бир нарса деб тушунтирмоқчи бўларди. Шу пайт Фаи шартта келиб унинг гирибонидан олди.

— Ҳой, тақсир!— бақирди у.— Бу сюртукни қаердан олдингиз?

Қудратли магнат ва кўпгина комитат судларининг раиси бўлган Иштван Фаи пашшага ҳам озор бермайдиган бечора соддадил Грибига ташлаганидан кейин иш ҳазилакам чапасига олмади. Бу ерда тўғриси айтиш керак.

— Бу кўйлакни менга,— тугилиб гўлдиради доктор,— бир ҳафта бурун Капошдаги трактир хўжайини, акам олиб келиб берди. Ўзи семиз бўлгани учун унга тўғри келмовди, қаердан олганини эса билмайман...

Қўрқиб кетган Грибининг қиёфаси самимий бўлгани учун сўзларининг ҳақлигига ишонмай бўлмасди.

Фаи чуқур хўрсиниб, ўзини кажавали креслога ташлади.

— Уни ўлдиришибди!— деб хириллади у ва юзини кафти билан бекитди. Шу аҳволда хийла жим қолди, бармоқлари остидан кўз ёши думалади.

Аммо салдан кейин у ўзини қўлга олиб, кўз ёшини артиб ва биз аввалдан билган иродали одамга айланди. Сўнгра қатъий овозда камердинерга буюрди:

— Извошчига айт, аравани қўшсин. Мен ҳам сиз билан бораман, Крок. Ҳузуримга иш бошқарувчи кирсин, унга зарур топшириқларим бор.

Извошчи отларни аравага қўшди, қаердандир, боғбоннинг уйи томонидан иш бошқарувчининг қадам товуши эшқилди.

— Бахтсизлик сиз ўйлагандан ҳам жиддийроқ экан, Будаи,— деди Фаи. — Лекин қандай воқеа юз бермасин, ҳамма нарса ўз жойида бўлиши шарт ва гап-сўз бўлма-

син. Қолган уруғларни экиш керак. Береница участкасидаги ёрдамчи канални қайта тиклаш зарур. Докторни Унгарга аравакаш Йожка олиб бориб қўйсин. Айтгандай, ҳали бечора Капор бор-а!.. Унинг ҳурматини жойига қўйиб иккита руҳоний ҳузурда ёнғоқ тобутда дафн этинглар. Маъракасини ҳам имение даромади ҳисобига ўтказинглар. Аёл бунга арзийди: жудаям яхши чучвара тайёрлар эди-да!

— Қайдам, тўрам,— деди соддадиллик билан иш бошқарувчи,— балки бир амаллаб ўлимдан қутулиб қолар.

— Ахир ўлганига бир соат бўлди-ку.

— Ким айтди?

— Мана, доктор.

— Қўйсангиз-чи, кечирасиз!— ҳайратланди иш бошқарувчи,— ҳозирнинг ўзида аёл мен билан гаплашди-ку!

Тақдирнинг бундай тақозоси бечора Грибининг эсини оғдириб қўйди. Сюртук тарихи бўлса, ҳай бунга, кўникиб қолди. Бироқ қандайдир нодон унинг илмини хор қилса, чидаб бўладими. Ғазаби қўзиркан, кўзлари нафратли ёлқинланиб (лекин олимона одоб сақлаб) деди:

— Аёл истаганича гапириши мумкин, лекин у жон берган, томир уриши тўхтагани.

Извош келди. Фаи иш бошқарувчининг қўлини дўстона қисиб:

— Ҳамма ёққа яхшилаб қараб туринг, азизим Будаи. Эҳтимол, мен тез орада қайтолмасман, лекин троицага Дебрецендан Эжаяш келиб қолса, менга, Патакка хабар қиларсиз. (Машҳур Эжаяш Будаи¹ иш бошқарувчининг акаси эди.)

Фаи сакраб извошга чиқиб ўтирди.

— Ҳой, доктор, доктор!— деб бақирди тўсатдан у.— Жудаям меровман-да, ўзимам! Сал бўлмаса унутаёзибман: акангиз Капошда қайси трактирнинг эгаси? Сиз, Крок, кучер ёнига ўтиринг: извош ичида бир ўзим кетаман.

— «Гриф» трактири, ҳазрат олийлари,— дея жавоб берди Крок доктор ўрнига.

— Ҳайда!

¹ Будаи Эжаяш (1766—1841)— реформат епископи, Дебрецен университетининг тарих ва классик филология профессори; университетда жорий этилган немис тилида эмас, венгр тилида дарс олиб борилиши учун курашган.

«ГРИФ» ТРАКТИРИДАГИ ТУИ

Фаининг «ёқимтой мўсафид»ни ўз ёнига ўтказмай, кучер ёнидаги ўриндиққа ўтказгани хизматкорларни жуда ҳайратга солди, чунки хўжайинлари табиатан такаббурликни ёқтирмасди. Одатда, уйда меҳмонлар бўлса-бўлмаса ўзининг ишончли хизматкорларидан бири билан овқатланарди.

Уртамиёна помешчиклар ўртасида бу камдан-кам учрайди. Бундай тўраларча очиқ қўллик кўпроқ бирор бариннинг ёки беванинг собиқ энагаси бўлмиш кампир ё уларнинг фарзандлари зиммасига тушарди. Хизматкор у ёки бу сабабга кўра, тўралар билан овқатланиб қолса ҳам ўрганиб қолиб, кейинчалик ҳам венгрлар ёқтирувчи ўша жойга бориб ўтираверарди. Бу тўралар билан хизматкорлар ўртасидаги яхши муносабат нишонаси эканлигидан ташқари, мазкур одамнинг хонадонга жуда фойдаси тегарди. Чунки у ҳам тўралар, ҳам хизматкорлар ўртасида бўлаётган гапдан бохабар бўлар, моҳирлик билан улар ўртасидаги муносабатларда илиқлик ўрната оларди.

Тўрт нафар от қўшилган арава жадал еларкан, атрофга лой сачратарди. Чунки тўхтовсиз ёққан ёмғир тамоман балчиққа айланганди. Ота-боболаримиз йўл қуришни билишмас, «лой устига лой ётқизардилар», натижада қурғоқчиликда чанг-тўзон кўтарилса, ёғингарчиликда от қорнигача лойга ботарди.

Бироқ энг яхши йўл ҳам жаноб Фаига узоқдек туюлиб, ичи чироқ ёқса ёримасди. Унинг юраги бамисоли тилладан эдики, арзимаган воқеа ҳам таъсир қилмай қолмасди. Фаи Яношнинг бошига тушиши мумкин бўлган ҳамма кулфатларни бирма-бир кўз ўнгига келтириб кўрди. Гоҳо у ёш графни чуқур Тисса дарёсининг тубида ётгандек тасаввур этарди. Унинг устидан лаққа, осетра балиқлари сузиб ўтмоқда, Крок бобо эмас, балки мана шулар Яношнинг қаердалигини билади. Гоҳ хаёлида бошқа манзара намоён бўларди: Яношга ўқ тегиб йиқилган, устига қароқчилар келиб кийимларини ечиб оляптилар... Йўқ, энг мудҳиш воқеа бўлса ҳам аниқлагани маъқул!

— Ҳей, Петер, ўша ҳалиги, Капошга ҳали анча борми?

— Шаҳарга кириб боряпмиз.

Қош қорайди. Осмонни қора булут буркаб, атроф қалин туман пардасига чулғанган, шунинг учун икки қадам наридаги нарсани ҳам кўриб бўлмасди.

Аттанг! Шаҳарча тасвирлашга арзирди, чунки ўша пайтда шаҳарлар сафдаги солдатларга ўхшаб бир хилда бўлмай, категорияларга ажратилмасди. Ҳозир Венгрияда уч юзта эгизак, бир-бирига ўхшаш Капошлар мавжуд, юзта Лошонцлар, йигирмата Қашши ва ниҳоят ҳамма венгр шаҳарларининг онаси — Будапешт. Фақат бу она фарзандларини боқмай аксинча, уларнинг ҳисобига яшайди, шу сабабдан фарзандлар рангпар, майда, камқонлар.

Авваллари шаҳарлар бири бирига ўхшамас, саёҳат роҳатнинг ўзгинаси эди. Қимки, кўп шаҳар кезган бўлса, ўзини дунёнинг ҳар бурчида таниш-билишлари, ҳамшаҳарлари бордай ҳис этар ва шунинг ўзигина ҳар хил сабабларга кўра унга ҳузур бағишларди. Масалан, Уйхейда — яхши вино, Тисауёлакда — ажойиб мўйлов тарағи, Кёрмёцда — денгиз кўпигидай момик тўр бўларди. Мишкольцда — бўрсилдоқ нонлар, Римасомбатда — мешкоб, Гачада — пишиқ чарм мато, Левада — матодек юмшоқ чарм, Эстергомда — эгар, Сабадкада — пешбанд, Шельмецда — трубка, Дьёрда — очилиб ёпиладиган қаламтарош, Либетбанда — қора арча ароғи харид қилиш мумкин эди.

Энди эса бу буюмларни истаган шаҳар муюлишидаги дўкондан топишинг мумкин, олиб келиш учун олис саёҳатга чиқиш шарт эмас. Бироқ яна шунини эътироф қилиш керакки, ҳозир буюмлар авваллардагидек пишиқ-пухта эмас ва буюм олган киши аввалгидек саёҳатларда бирон нарса сотиб олгандагидек ҳузур қилмайди.

Капош шаҳри эса элак ва ғалвирлари билан машҳур. Капош элагини яқинроқда яшайдиган гўзалга келтириб тақдим этган одамга қиз бажонудил бўса ҳадя этарди. Ҳозир эса ўша элакка ҳаммаси бўлиб саксон крайцер беришади.

Йўқ, ўтмиш унчалик ёмон эмасди!

— Петер, «Гриф» трактири қаердалигини биласанми?

— Биламан, ҳазрати олийлари.

Извош тош йўлда тарақлаб кетди. Отлар лойдан елиб кела олган бўлса, қиррали тошлардан одимлаб юра бошлади. Йўловчиларга йўлнинг кети йўқдай туюларди. Ниҳоят, улар трактир дарвозасининг пештоқи остида тўхташди. Кираверишда кичкина қўнғироқ осилган бўлиб, жаноб Фаи уни бетоқатлик билан силтай бошлади. Дарвозани хира фонус ёритиб турарди. «Гриф» ташқи кўринишдан унчалик таассурот қолдирмасди. Бу пастаккина, узун, паст ва тор бино эди. Бироқ у ташқи кўринишидагина ғамгин, ичкарасида эса ҳаёт қайнарди: музика янграр, шовқин-сурон, очиқ деразалардан қувончли қий-чув эшитилар эди.

Қўнғироқ овозига бўй-басти келишган, миллий кийимда бир йигит чиқди; у қора матодан шалвор, кенг снгли, ёқасига гул тикилган кўйлак кийиб олганди. Кўринишидан куёв тўраларга ўхшаб кетарди. Елкасига айлана гарус тикилган шарф ташлаган, шляпасининг гардишини сунъий гул беаган бўлиб, белига майда гулли белбоғ боғлаб олганди.

— Хона керакми?—сўради у, кўкрагини ғоз кериб.

— Буни ҳали билмаймиз, аввал хўжайин билан гаплашиб олишимиз керак. Қаерда у?

— Ҳозир у билан гаплашиб бўлмайди.

— Сиз ким бўласиз?

— Менми? Буфетчи.

— Хўш, нима учун хўжайин билан гаплашиб бўлмайди?— гапга аралашди Крок.— Нима, соқов бўлиб қолганми?

— Йўқ, овози жудаям жойида.

— Бўлмаса ақлдан озганми?

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи! Энди ақл тиши чиқа бошлаган-ку.

Крок бобо нафсонияти қўзиб лўписага ўтди:

— Ҳазилингни қўй, маҳмадана! Кўрмаяпсанми, сен билан эътиборли жаноб гаплашяпти! Қани, шляпангни сч, шошмайтур ҳали!

Буфетчи итоаткорона шляпасини ечди. Йигит уятчан бўлиб, эшитган танбеҳидан уялиб кетди.

— Ҳа, бугун бир оз отиб олгандим,— дея ўзини оқлади мулойим жилмайиб.— Хўш, тўғриси айтганда, гап бундай: хўжайин Хадаши хоним билан танца тушяпти, ундан янги вино етилгунча яхшигина бека чиқади!

— Нима гап бўляпти ўзи?

— Тўй, кўриб турибсиз.— Йигит ҳали тўй бўлаётганини билмайдиган одамлар ҳам борлигига ҳайрон бўлди.— Ҳа, тўй. Хўжайин трактир ошхонасининг назоратчиси бўлмиш кичик ўғай синглисини эрга беряпти. Энди ошхонага Хадаши хоним хўжайинлик қилса керак, чунки овқатни у яхшироқ тайёрлайди; бунинг устига, Хадаши ёш, дўмбоқ бева, яна эркаклардан қочиб ўтирмайди. Яқинда иккинчи тўй ҳам бошланиб қолади. Хўжайинимиз семиз ва жанжалкаш бўлса ҳам кўнгли бўш, демак, ҳадемай уйи куяди: бир зумда ҳамма нарсани шипшидам қилиб кетадиган ҳар хил ялангоёқ уруғлари жудаям...

Аввал бу хушчақчақ буфетчини қанчалик гапиртириш қийин бўлган бўлса, ҳозир уни гапдан тўхтатиш шунчалик мушкул эди.

— Етар, кўп вайсайверма, оғайни! Яхшиси, хўжайинингга бориб айт, бир зумга чиқиб кетсин.

Буфетчи елкасини қисди.

— Чиқмайди у.

Крок бобо ер депсиниб қўйди. Яхшиямки, жаноб Фаининг ёнига тўппонча ва қилич осган гусари чиқиб қолди. У ҳовлида кучерга отларни жойлаштиришга ёрдамлашаётган эди. Крок фурсатдан фойдаланиб, буфетчини қўрқитмоқчи бўлди:

— Бас қил! Ҳазрати олийлари, бу маҳмаданани яна бир марта ённг деса, бошини узишга буюринг.

Хавфсираган буфетчи ичкарига отилди-ю, лекин дам ўтмай, мағрур илжайганча қайтиб чиқди.

— Хўш, айтмовмидим? Чиқмаяпти, Йозеф ноибнинг ўзи чақирса ҳам чиқмайман, деяпти!

— Нима ҳам дердик, бўлмаса, унинг ҳузурига ўзимиз кирамиз,— деди қатъий оҳангда Фаи.

— Бу бошқа гап!— қувониб қичқирди буфетчи.— Шундай қилиш керак эди. Шунда хўжайин билан гап-лашишинглар осонроқ бўлади.

Шундай деб у меҳмонларни трактирнинг орқа томонидаги хўжайинининг хонасига бошлаб кетди.

Эзма Крок ҳазрат йўл-йўлакай буфетчини гапга солди.

— Хўжайиннинг синглиси кимга тегяпти?

— Қандайдир Йозеф Видонкага, у Польшада хусусий дурадгорлик очармиш. Шу бугун тундаёқ ёш хотини билан аравага ўтириб, йўлга равона бўлади.

Жаноб Фаи таниш исми эшитиб, бир сесканиб тушди. Ахир бу ўша, Дёрига кўтарма машина қуриб берган Видонка-ку! Тугун ечила бошлади. Ҳамма жиноятларнинг уяси шу ерда экан! Улар тўғри йўлда!

— Уйхейда дурадгор шогирди бўлиб ишлаган ўша Видонка эмасми?— бўғиқ овозда сўради Фаи.

— Ҳа, ўшанинг ўзи,— жавоб берди буфетчи,— мен уни анчадан бери биламан. Камбағалнинг камбағали эди, дарров бойиб кетди! Мана энди Катушкага уйланыпти, буни анчадан бери орзу қиларди, Катушка, Уйхейдаги хўжайинининг қизи, Грибининг беваси — менинг хўжайинимнинг опаси иккинчи марта турмуш қилиб, Уйхейдаги дурадгор Одреевичга теккан, улардан мана шу Катушка туғилган.

— Ана холосу мана холос! — ҳанг-манг бўлди Фаи.

Улар йўлакдан борар эканлар, тўй муносабати билан чиқариб ташланган гоҳ столга, гоҳ каравотга, гоҳ буфетга қоқилар эдилар. Фаи залга мўралади-ю, турган жойида қотиб қолди. Дастлаб унинг кўз ўнгида зўр бериб этик қўнжларига шапатилаб, қора терга ботиб ўйнаётган, кўриниши устанамо эркаклар ва аёллар билан бирга бутун хона ҳам гир айланаётганга ўхшарди. Шамолдан кўтарилаётган кўйлақларнинг шитирлаши, одамларнинг тер ҳиди, тамаки тутуни, аёлларни безаган гуллар атри, ёғ шамнинг қўлансаси аралашиб, димиққан хона нақ жаҳаннамни эслатарди.

Гоҳ у, гоҳ бу ердаги одамлар орасидан янграган бақиряқ бошқа овозларни босиб кетарди. Тўй эмас, жиннихона! «Э-эҳ!»— дея кимдир қаттиқ хурсандчилигини изҳор этди. Мана, бўғиқ чийиллаган овоз эшитилди, қандайдир жазман ўз маъшуқасини чимчилаб олди. Қойил-э. Тапир-тупур шундай авжига чиққандики, пол гупиллаб, чанг-тўзон кўтариларди.

Аёллар чангни нари ҳайдаш учун дастрўмолларини елпирдилар. Кимдир бурчакдаги столда сопол лаганда овқат тайёрляпти, иккинчиси стол яқинида рақсга тушаётган аёлни нари туртди, ёниб турган спиртдан аёлнинг дуррасига олов илашганди, учинчи бир киши кўза олиб аёл устидан сув сепиб юборган эдики, аёлнинг дугоналаридан камида ўнтасининг бош кийими ҳўл бўлди. Бироқ бунинг аҳамияти йўқ, хурсандчилик бўлса бас!

Бирдан одамлар орасидан хонага иккита пойлоқчи ит кириб кетди, дим хонанинг эшиклари очиқ бўлгани учун итларни ҳайдаб чиқариб бўлмади. Ҳайдалгани билан улар яна кириб келишарди. Оёқ ва думлари босилгани билан тўй итларга ҳам ёқаётганди. Шунини эътироф этиш керакки, бундай таҳқирлашни улар жавобсиз қолдиришмас, гоҳ акиллар, гоҳ ириллардилар. Мана, кўп-пак Бодри аламидан Лани хонимнинг оёғига ёпишди (ақлсиз ҳайвон бўлса ҳам гўзаллик фарқига етар экан!) Шу сабабдан ҳозир Лани хоним ошхонада оёғига латта ҳўллаб босарди. Ярамас Пишта Надъ эса ўша ерда ўралашиб хонимнинг оёқларидан кўз узмасди.

Хонанинг ўртасида эса, ҳолдан тойган куёв оёғи ерга тегмай танца қилар, гаврондек буралувчи париваш Катюшканинг бошидаги гултожи осилиб кетган бўлса ҳам чиройли кўринарди. У гоҳ куёвнинг қўлидан чиқиб, қўймучларини серкиллатганча рақсга тушар, гоҳ шундай айланар эдики, бошидаги гултожи атрофдагиларга тегиб ўтарди. Айланиб-айланиб бирдан танчачилар орасига шўнғиб кетар, куёв унинг орқасидан гоҳ қувиб етар, гоҳ яна қўйиб юборар, такадай сакраркан, кафтлари билан этигини шапатилаб, қизни қучмоқчидай қучочини ёзганча орқасидан қуваркан:

Узим пан, пан улуғвор,
Гўзалим, сенга гулим бор,—

дея ашула айтарди.

У дам чўнтагидаги пулларини жаранглатар, дам бир жуфт талер¹ чиқариб осмонга отарди-да яна илиб олар, сўнгра лўли музикачиларга иргитарди.

— Ҳей, лўлилар! Бу ҳали охири эмас! Тушундингларми?

Тангалар ҳеч кимга тегмай одамлар боши узра учиб ўтар, агар тегса борми, шундай камдан-кам учровчи хумор кўзлардан бирортасини майиб қилиши турган гап эди.

Жаноб Иштван Фаи қўланса ҳид, ёқимсиз шовқин-

¹ Талер — қадимий немис кумуш тангаси.

сурон ва тирбандликда ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Буфетчи ғойиб бўлгани сабабли Фаи ёнгинасида кўк чакмонли, қўлидаги трубкаси кумуш қопқоғини (афтидан, у бу билан фахрланса керак) шиқиллатиб турган кишига мурожаат этди:

— Малол келмаса айтинг-чи, бу ерда қай биринглар хўжайинсиз?

Фаи мурожаат этган истараси иссиқ одам трубкасини лабининг бир бурчига сурди-да, қўли билан рақсга тушаётганлардан бирини кўрсатди:

— Ҳув ана, тўнғиздай хўппа-семиз одам.

Трактир хўжайини, дарҳақиқат, ўн икки пудлар чамаси семиз эди. Бироқ у чеҳраси беозор одам бўлгани учун Фаи енгил хўрсиниб қўйди. «Йўқ, йўқ, бу қотилга ўхшамайди».

Хўжайиннинг бутун ташқи қиёфасидан таралабедошлиги кўриниб турарди. У кўкракдор аёл белидан икки қўллаб тутган, кичик, мовий кўзлари болаларниқига хос норларди. Бева аёлнинг сийнаси сутдек оппоқ, кўзлари ўйноқи, ишвагар эди... «О! Жаноб Гриби ҳали қирчиллама йигит!— деяётгандек бўларди Грибининг бутун қиёфаси.— ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган!» Майли, ҳув анави шаҳарлик котиб каби енгил танца тушолмаса ҳам бари бир бўш келмайди. У сакраб-сакраб, бесўнақай гавдасини силкитар, аёлни чирпирак қиларкан, қучиб, кўксига торта бошлар, ҳатто юқори кўтариб ҳам қўярди...

Бироқ кимдир қўл силтади-ю, скрипкалар бирдан тўхтаб, жазманлар аёллар белидан қўл олишди.

Гриби бу кимнинг қилиғилигини билиш учун жаҳл билан ўгирилди. Унинг қаршисида нотаниш танти бир одам турар, овози амирона жарангларди. Трактирчининг тахмини тўғри чиқиб, у ҳозир обрўли зот ташриф буюрганини дарҳол тушунди.

— Мен ҳозироқ сиз билан гаплашиб олишим керак, жаноб Гриби.

— Бемалол!— пинагини бузмай рози бўлди хўжайин.

— Фақат, бу ер тўғри келмайди. Холироқ бирор хонангиз йўқми?

— Ихтиёрингиз. Аслида менинг ҳеч кимдан яширадиган сирим йўқ, бугун янги келганларга хизмат қилмайман, лекин сиз ҳазратлари...

— Жаноб олийлари...

— Модомики, сиздай зот мен ҳар кимсани меҳмон деб билувчи кулбаи камтаринимга ташриф буюрган экансиз, хизматингизга мунтазирман. Марҳамат, ортимдан юринг.

Саккизинчи боб

КРОК БОБО КАЛАВАНИНГ УЧИНИ ТОПДИ

Трактир эгаси деворга осиклик калитни олиб, шам ёққач, жаноб Фанни йўлак тўрига бошлади ва мусофирлар учун мўлжалланган хоналардан бирини очди. Лозим топганида шарпасиз юра олувчи Крок бобо улар ортидан соядай эргашиб борарди. Шунинг учун Гриби шамни столга қўйиб, ўгирилкан, ҳузурда бир эмас, иккита нотаниш одамни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Бу менинг одамим,— тушунтирди Фаи.

— Ким билан сўзлашяпман ўзи?— сўради трактир эгаси.

— Иштван билан, Патакдан.

— Эшитганман, эшитганман. Граф Бутлер Парданьскийнинг ҳомийсимисиз? Хўш, хизмат?

Фаи билан Крок ҳазрат унинг юриш-туриши, кўз қарашларини диққат билан кузатарканлар, уларнинг гумонлари дам сайин чиппакка чиқиб борарди.

«Кўрамиз,— ўйлашарди улар,— асосий мақсадга кўчганимизда нима деркансан?»

— Марҳамат қилиб айтинг-чи,— гап бошлади Фаи прокурорлик давридагидек оҳангда.— Унгвар шаҳридаги укангиз — доктор Грибига совға қилган кўйлагингиз қай тарзда сизга тушиб қолди?

Крок хўжайин юзидаги ўзгаришни яхшироқ кузатиш учун ҳатто кўзойнагини ҳам артди.

Муҳтарам Гриби эснади.

— Оҳ, арзмаган воқеани неча марта гапириб бериш мумкин! Тушунарли, ахир бизнинг Капошда арзигулик воқеалар камдан-кам бўлиб туради. Турмушимиз бир нави, тасодифлар рўй бермайди, ўлим ҳам кам. Яқинда бу ердан — «Гриф»дан бир немис олими жўнади; ўша олим православларнинг дафн маросимини кўрмоқчи бўлудди. Мен немисга маҳаллий аҳолидан бирортаси қазо қилгунча кутиб тур, дедим. Бечора қарийб икки ҳафта

кутиб, анча-мунча чиқимдор ҳам бўлди. Ақл бовар қилмайди, немислар қаердан пул топаркинлар! У ҳар куни ҳузуримга келиб хуноб бўларди: «Бу қандай гап, шу пайтгача ҳеч ким ўлмапти-ку?» Бечоранинг ҳеч омади келмасди, икки ҳафта кетма-кет кальвинистлар билан Рим католиклари қазо қилиб турди. Ниҳоят, унинг жаҳли чиқиб, мени лақиллатиб, қуруқ ваъда билан жўрттага ушлаб турибсан дея мендан ўпкалади. Утган куни сабрим тугаб, уни укам доктор Грибининг ҳузурига, Унгварга юбордим, у тирик одамни ўликка айлантира олади, менинг эса қўлимдан келмайди.

Хўжайин ўз ҳазилидан роҳатланиб куларкан, унинг халталанган бағбақаси ҳолвайтарга ўхшаб диркилларди.

«Қотил бундай кулмаган бўларди»,— деб қўйди ўзича Фаи ва у ҳам жилмайди: эсига Бозошда Капор хола билан бўлган воқеа тушиб кетди.

— Жуда соз, муҳтарам жаноб,— совуққонлик билан трактирчининг кулгисини бўлди Крок ҳазрат, унга тикилиб боқаркан.— Лекин кўйлак сизга қандай қилиб тушиб қолди?

— Эҳа, кўйлак денг! Бу ҳақиқатан ҳам ғалати воқеа! Гап бундай, бундан ўн кунча бурун башанг кийинган бир ёш йигит меҳмонхонамда тўхтади. Бунинг ҳечам ажабланидиган ери йўқ, чунки бир пайтлар «Гриф»да герцог Бретценгеймнинг ўзи ҳам тунаб қолган.

Крок бобонинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Жин урсин ўша герцогингизни! Гапни бурманг. Биз биламиз, герцоглар ҳам ўзлари ухлайдилар, улар учун биров ухламайди. Кийим ҳақида гапиринг, наҳотки, ичимизни ит тирнаётганини кўрмаётган бўлсангиз?

— Ахир бунинг сираям қизиғи йўқ. Мен айтдим-ку, ёш жаноб «Гриф»га келиб, овқатланди, ётиб ухлади, эрталаб хонасидан оддий уста шогирдидек кийиниб чиқди. Одатда бундай воқеалар юз берса ҳам кўпроқ акси бўлиб, уста шогирд эрталаб келишган жанобга айланиб қолар эди. Бундай воқеалар катта трактирлар кўп Пештда тез-тез бўлиб турарди.

Жаноб Фаи бошини чайқаб қўйди.

— Ҳеч тушуниб бўлмайди! Хўш, кейин-чи?

Орага чўккан жимликда жаноб Фаининг юрак уриши сезилиб турарди.

— Йигит олдимга келди.. Мен шу пайтда пештахта олдида тургандим, Катушка эса ёнимга келиб, Михай

Сабонинг қарзи қанча, уларга қарзга бирон нарса бериш мумкинми, деб сўраётганди. Мен ҳисоб дафтаримни ахтара бошладим. (Ҳалигача топганим йўқ жин ургурни!) Хўш, йигитча келиб, тўловга йигирматаликни узатди. «Мен кетяпман»,— деди. «Шошмай тур, ҳозир Грибини лақиллатиш қандайлигини кўрсатиб қўяман»,— дея хаёлимдан ўтказдим-да: «Ахир кечадан бери жуда ўзгариб кетибсиз-ку!»— дедим. Йигитча менга ўқрайиб қараб қўйди ва бу менинг шахсий ишим, деди. Мен яна: «Жуда тўғри, фақат сўраганимнинг боиси шуки, кечаги кийимларингизни олмасиз. Уларни нима қилай?» «Нима қилсангиз, қилаверинг,— деб жавоб берди у,— хоҳланг, сотиб юборинг, истаганингизни қилаверинг». Шу билан суҳбатимиз тугади. Йигитча кетди, кийимлар жуда яхши бўлса ҳам менга торлик қилгани учун, уларни укамга тақдим этдим.

— Тўғри қилгансиз,— маъқуллаб қўйди жаноб Фаи (У қувончдан кенжа Грибига ўзининг сюртугини ҳам бериб юборишга тайёр эди).

— Мана шу,— дея гапини тугатди муҳтарам Гриби даҳшатли воқеа ҳақидаги ҳикоясини.

Жаноб Фаи суюнганидан трактир эгасининг қип-қизил дағал қўлларини маҳкам қисиб қўйди. Унинг димоғи чоғ бўлиб, қандайдир кўринмас куч ушк. томирларига янги қон қуйгандек бўлди.

— Жаноб Гриби, елкамдан қандай тоғ қулаганини сиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Мен бундан даҳшатлироқ хабарни эшитаман деб ўйлагандим, бу, афтидан, шунчаки тентаклик. Оббо, итвачча-ей! Энди фақат нима қилмоқчи эканлигини билсам эди! Хўп, ҳикоянгиз учун сизга катта раҳмат, жаноб Гриби.

— Мен жоним билан ҳамма билганларимни айтиб берардим,— дея жавоб берди у.

— Лекин устанинг кийимини қаердан олди?

— Тикувчи оғайним Бодойидан, у эртасига мақтаниб юрди.

Жаноб Фаи чуқур ўйга толган Крок бобога ўгирилди.

— Эшитяпсизми, Крок? Уша тикувчини топиш керак, балки Янош ўз режалари ҳақида унга бирон нима дегандир.

Крок уйқусидан тўсатдан уйғотиб юборилган одамдай чўчиб тушди.

— Аста-секин ҳаммаси равшанлашиб боряпти,— дея ғўлдиради Крок ва ақлини пешлаб олиш мақсадида тамакидонини олиш учун чўнтагига қўл солди.

— Тикувчи шу ерда, тўйда,— деди Гриби,— керак бўлса, ҳозир уни юбораман!

— Омадимизни қаранг-а!— хитоб қилди Фаи, қувончдан ҳатто бармоқларини қирсиллатиб қўйиб.— Миямга овқатланиб олсак ёмон бўлмас эди, деган фикр келди. Қадрли хўжайин, бу ёққа овқат ва вино келтиришларини буюринг, бисотингиздаги энг яхшиларидан бўлсин. Яна Видонка билан икки оғиз дўстона суҳбатлашиб олсам дейман, лекин буниси кейинроқ, ҳозирча тикувчи ҳамда овқатни юборинг.

Гриби бу гапларни тингларкан, бир оз ранжиб, бош чайқаб қўйди. Йўқ, улар йўқ нарсаларни талаб қилишяпти! Жаноблар тўйга келишдими, ҳамма қатори еб-ичишлари керак-да, ахир. Ҳар ҳолда, бу уларга арзон тушади; айрим хонада овқатланиш эса қиммат, ҳолбуки, хонага олий нав овқат ва ичимликлар берилмасди.

— Илтифотингиз учун ташаккур, хўжайин, лекин энг мазали таомлар тўй дастурхонига тортилади,— хомуш жавоб берди жаноб Гриби.— Мен ҳурмат-эътибор нима эканлигини ва чақирилган, чақирилмаган тасодифий меҳмонлар фарқини ажрата оламан. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Жаноб Фаи меҳмондўст хўжайинни кўндириш учун бутун сўзамоллигини ишга соларкан (Гриби укаси докторга мутлақо ўхшамаслигини қаранглар-а! Илм йўлдан оздирмаган одам шунақа бўларкан-да!), улар бу хонада кенгашмоқчиликлари, ишлари ҳам кўплиги, бундан ташқари, ёшлари ўтиб қолгани, чарчаганликларини билдирди.

Ниҳоят, хўжайин Фаининг баҳоналарига базўр кўнди ва овқат олиб келишларини буюраман ҳамда оғайнимни ҳам юбораман деди, айтилган вақтда: «Агар келишни истасангиз»,— дея қўшиб ҳам қўйди. Чунки мақолда айтилганидек, ҳар ким ўзига хон, ўзига бек.

Бироқ Капош шаҳри дворянлари бу мақол тарафдори бўлишмай, «Гриф» рўпарасидаги устахона пештоқи-га: «Дворянин Мате Бодойи де Бодоль ва Рина, тикувчи» дея мақтанчоқлик билан осиб қўйган ёзуви учун Бодойидан ҳафа эдилар. Шаҳар дворянларининг фикрича, гарчанд, ўзлари элак ва ғалвир ясайдиган ҳунар-

мандлар бўлсалар ҳам тикувчилик касбини табақалари учун паст иш, деб ҳисоблардилар, улар фикрича, касблари тикувчиликдай номусли эмасмиш. Чунки элак минг қилмасин хотинларга эрмак, уни ҳатто қиролича ҳам қўлига олиши мумкин, иштон тикиш, бунинг устига ямаш-чи!.. Йўқ, бу ор-номус! Қасам ичаманки, номус! Шунча гапдан кейин яна эшигининг тепасига тўла дворянлик унвонини кўрсатувчи ёзувни илиб қўйганини айтмайсизми! Шу сабабли улар тикувчининг унвонига «Де Бодоль ва Рина, дазмол ва парусина» сўзлари қўшиб қўйишган.

Бир оздан кейин эшик тақиллади. Жаноб Бодойн келган эди. У остона ҳатлашга улгурмаёқ жаноб Фаи хўжайинни қаердан топса бўлади, деб сўраган истараси иссиқ кишини таниди.

Тикувчининг деярли ҳеч нарсадан хабари йўқ эди, лекин шу озгина билганини ҳам у фавқулодда жиддийлик билан айтиб берди. Йигитча, ҳақиқатан ҳам, бундан бир неча кун бурун кечга яқин молларни ҳайдаб келишган пайтда унинг ҳузурига кирган. («Мен худди ўша пайт сигирлар билан овора бўлиб тургандим, худого шукур, олтита сигирим бор».) У одатда ёш усталар кийиб юрадиган майда тугмалик, тўқима қора камзул, қора иштон ва нимча танлаб олди. Модомики, жаноблар воқеани аниқроқ тасаввур этишни истар эканлар, яна шунини айтиш керакки, кийим йигитчага, худди ўзига ўлчаб тикилгандек жудаям ярашди, кийим учун кўнгилдагидек ҳақ тўлади.

— Хўш, бу суҳбат бизга ҳеч нарса бермади,— деди жаноб Фаи тикувчи чиқиб кетганидан кейин.— Бироқ Крок бобо, менга қаранг. Сиз ақлли одам, тажрибали изқуварсиз, бу ҳақда энди нима деб ўйлайсиз?

— Биринчидан, графни ўлдиришмаган, ўзини ўзи ҳам ўлдирмаган, негаки, бунинг учун кийимини алмаштиришнинг ҳожати йўқ эди.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Худого шукурки, ҳеч бўлмаса шунини аниқлаб олдик.

— Мен эса,— деб давом этди Крок,— хийла кўпроқ нарсани аниқладим. Масалан, у қаерда ва нима қилаётганини биламан.

— Йўғ-э!— хитоб қилди Фаи суҳбатдошига шубҳаланиб тикиларкан.

— Жуда аниқ биламан. Фақат сизга, жаноб олиўла-

ри, бир саволим бор. Бозошдаги имене боғбонининг ёрдамчиси борми?

— Йўқ.

— Буни аниқ биласизми? Михай Вераша исмли ёрдамчи-чи?

— Йўқ дедим-ку.

— Агар жаноб граф худди шу дамда Михай Вераша номи билан боғбон ёрдамчиси бўлиб ишламаётган бўлса, тил тортмай ўлай!

— Наҳотки! Ҳазилингизни қўйинг, Крок бобо! Ёш йигит қилолмайди бу ишни. Кейин, буни сиз қаёқдан биласиз?

У хонада қўлларини тинмай силтаб гир айланиб юрган, ўзининг серташвиш пешанасини ғалати буриштириб олган кичкина одамга чинданам ҳайрат билан қараб турарди.

— Қаёқдан дейсизми? Уша парча қоғозлардан! Уларнинг орасида мен боғбоннинг ёрдамчиси Михай Вераша номига ёзилган, графнинг қўли ва муҳри қўйилган ҳужжатни кўриб қолдим. Лекин ҳужжатдаги муҳр яхши чиқмагани сабабли, граф уни йиртиб ташлаган ва афтидан, янгисини ёзган. Уша пайтда бу қоғозга унчалик аҳамият бермагандим, ҳатто уни елимламаган ҳам эдим.

— Бўлиши мумкин. Лекин Янош ҳозир қаерда? Унинг қаердалигини сиз қаёқдан биласиз?

— У фақат икки жойда бўлиши мумкин: ёки ишнинг муваффақиятига ёрдам бериш учун бошқа бировнинг номи остида Дёрининг боғбонига ёрдамчи бўлиб олиб, ўша ерда яширинча «хотини»ни кузатяпти, ёки шогирд кийимида рақиб ҳаракатларини кузатиб юрибди.

— Ҳм, кошкийди. Лекин ундан бундай уддабуронликни кутмагандим.

Крок бобо мамнун илжайиб қўйди.

— Қуйидагича бўлиши ҳам мумкин. Бернат хонимнинг мактубини ўқигану, мадемуазель Пирошканинг беморлиги ва кекса Миклош Хорватнинг уйида йўқлигидан хабар топиб, граф афсонавий шаҳзодалар каби ўз маъшуқасининг уйдан иш қидиришга аҳд қилган. Уни таниб қолмасликлари учун соқолини қириб, сочини олдириб ташлаган. Тунлари ҳеч бўлмаса узоқдан кўриш истигида ҳар хил режалар тузиб ва вақт пойлаб бирдан-бир

орзуси бўлмиш санамнинг деразаси остида дайдиб юрибди.

Жаноб Фаи катта кафтини столга урди-да, шартта ўрнидан турди.

— Етар, етар, Крок!— ҳангу манг бўлиб хитоб қилди у.— Ақлингиз мисли бир хазина! Граф Яношнинг Борноцда эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу шу даражада аниқки, ҳозир ўйнаб юборгим келяпти севинганимдан. Ҳатто, ўша ҳалиги, бева Хадаши билан ҳам рақсга тушишим мумкин. Шундай қилмасам, тил тортмай ўлай!

Шундай деб, Фаи шляпасини олди-да, эшикка отилди. Остонага етганда Крокка ўгирилиб деди:

— Тезроқ овқатланиб олинг, Крок, сўнгра менинг файтонимда граф Яношни олиб келиш учун Борноцга боринг. Ҳозироқ сиз билан қайтишни буюрганимни айтинг. Мен эса тўйга бораман, яна бир зарур ишим бор.

У қоронғи айвондан ўтар экан, осмонга шодон боқди; фалакдаги порлаб турган сон-саноқсиз юлдузлар унга умид бахш этарди.

— Тентак бола!— хўрсинди Фаи.— Асалари ҳам худди шундай: орқасида шарбат тўла гул турган ёпиқ деразага урилгани урилган. Эҳ! Ахир дераза ташқарига очилади-ку!

Тўққизинчи боб

РОСМАНА ҒУНАЖИН

Фаи миясида маккор режа пишитиб юарди. Дёри, Йожидонкага пул бериб, уни чет элга юбораётганига ва шу билан Бутлерни энг муҳим гувоҳдан маҳрум қилаётганига унинг ишончи комил эди. Демак, барон Видонкага ишонмайди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Дёри вақтни бекорга кетказмаётибди; у қонунчилар судига фақат никоҳ маросими қоидага биноан бўлган, деб кўрсатишларига ишончи комил бўлган гувоҳларни олиб боради.

Бундай вазиятда ягона қимматли гувоҳнинг Польша, ҳаттоки Америкага кетиб қолишига имкон туғдириб, уни қўлдан чиқариб юбориш кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди. Аксинча, қандай бўлмасин, Видонкани қўлга

олиш ва уни қўйиб юбормаслик керак. «Видонкани менга учратгани учун худога минг қатла шукур қилишим керак»,— деб ўйлади Фаи.

Шунинг учун ҳам у Крок ҳазратни якка қолдириб, тўйхонага шошилганди. Муҳтарам жаноб Гриби Фаини кўриб, боши осмонга етди. (Трактир эгаси бу олиҳиммат жанобни бир кўришдаёқ ажойиб одамлигига ишонганди.) Фан меҳмонларга қўшилиб, бевани чардаш рақсига таклиф этганда, Гриби унга жонини ҳам фидо қилишга тайёр эди. Фаи куёвни қўйнига қўл солиб кўриш учун бир четга чақириб олишга базўр муяссар бўлди.

— Эшитишимча, йигитча, ватанни тарк этаётган эмишсиз?

— Афсуски, шундай. Лекин камбағалнинг қўлидан нима ҳам келарди!

— Аттанг, шундай азамат, қобилиятли ажойиб уста хорижга кетяпти.

— Ҳа, минг афсус,— дея Фаининг фикрига қўшилди мамнун бўлиб Видонка.

— Сиз ҳақингизда кўп яхши гаплар эшитганман.

— Демак, тўғри айтишган экан-да. Бунинг фойдаси борми? Кетиш керак. Керак бўлгандан кейин, жўнаш керак!

— Мана, жумладан, мен ватанимизнинг истеъдодли кишиларига ёрдам учун ҳеч нарсани аямасдим. Агар сизни ўз хўжалигимга дурадгор этиб таклиф қилсам нима дердингиз? Яхшигина маош тўлардим. Фақат ишланг, ўз қобилиятингизни ва маҳоратингизни оширавинг.

— Аламимдан йиғлаб юборишга тайёрману, бироқ кетишим зарур. Фақат ярамга туз сепманг, олий ҳазратлари.

Фаи ҳужумга ўтди. У Дёри билан олишаётганини биларди; бу ҳаёт-мамот жанги — жангда эса, ҳар қандай восита ҳам яхши.

— Менга қаранг, жуда ажойиб иш бўларди-да! Сиз ёш хотинингиз билан қасрда яшардингиз, у ерда ўзингизни иш бошқарувчидай ҳис этардингиз, хизматкорлар фақат «марҳаматли жаноб» дея мурожаат этишарди.

Видонка хўрсиниб қўйди.

— Хўжаликда юз йиллик ёнғоқзор бор, уларнинг ҳар бирига уч кишининг ҳам қучоғи етмайди. Улардан

истаганингизни қирқиб, хоҳлаган нарсангизни ясашигиз мумкин.

Видонка инграб юборди. Унинг юзи аламдан буришиб кетди.

— Кейин, поляк мужиклари учун ўйинчоқ ва яшиклар яшаш бошқа-ю, герцогиня ва графиня хонимларнинг шоҳи қўйлаklarини сақлайдиган жавонлар яшаш бошқа.

Видонкани ҳатто титроқ босди. Унинг қалбида уйғонган шухратпарастлик ҳисси бутун вужудини қамраб олганди.

— Катта маошдан ташқари, нақд мой, нон, ўтин оласиз. Ҳар бир яхши ясаган нарсангиз учун яна бир нечта олтин танга ҳам олиб турасиз, яна хотинингизга сигир ҳам бераман.

«Ия, Қатушкага сигир? Хўжайиннинг похolini еб, сутини бизга берадиган ҳақиқий сигир-а? Балки оласидандир? Албатта елини катта ва Қатушкани сузмаслиги учун калта шохлиги бўлиши керак...» Бу гап Видонканинг бутунлай эс-ҳушини олиб қўйди. Кўзлари ёшланди, ёш борган сари кўпроқ оқар, аввал кўпроқ ичилган винонинг таъсири бўлди, Видонка дам ўтмай ўкириб йиғлаб юборди.

— Мумкин эмас, ҳечам мумкинмас,— деди у йиғи аралаш нафаси бўғзига тиқилиб.— Мен сотилганман.

Жаноб Фаи мутлақо ажабланмади.

— Ҳечқиси йўқ, биз ўша одамга пулни қайтариб берамиз.

Видонка бир дақиқа ўйланиб қолди, афтидан, унга ҳар хил шубҳалар азоб берарди. Кейин у умидсизланиб қўлини силтади:

— Фойдаси йўқ. Ҳаммаси тамом бўлган. Мени сотиб олган одамнинг қўли баланд. У айтганини албатта қилади: милтиқ билан келади-да — бум! Мени отади-қўяди. Пир-рр этиб, жоним чиқиб кетади! Кейин ҳеч қачон ҳурматли дурадгор, Қатушка эса, хотиним бўлолмайди.

— Айтайлик, бу жуда ҳам тўғри эмас, қудратли жаноб фақат ўз уйида, ўзининг хизматкорлари учун, яна балки атрофида шундайдир. Лекин сени олиб кетадиган жойимда бошқа, юз мартаба қудратлироқ жаноб бор, унинг олдида сенинг хўжайининг шунчалик ночорки, уни ҳатто итлар ҳам искамайди.

Маълумки, жаноб Фаи гапга чечан ва суҳбатдошини ишонтира олиш қобилиятига эга эди (вице-губернатор-

лик вақтида бекорга ана шу фазилати билан шуҳрат қозонмаганди). У Видонкани тамомила сеҳрлаб қўйди. Бу гапдан кейин йигит меҳмонлар орасида паришонхотир довдираб юрган, худди деразага урилаётган пашшадек айланар эди. Бироқ Фаига ҳали бу камдек туюларди: тарози палласининг ҳали бир томони босмай иккиланиб тургандай эди. Фаи яна бир тош қўйиш кераклигини сездди. У бу ишга ўз таклифлари билан гижгижлаб Қатушка ва жаноб Грибини ҳам жалб этди. Учаласи қизгин шивирлаша кетишди. Қатушка билан Гриби галма-галдан Видонкани кўндира бошлашди, бу билан улар тўп-ланганлар ўртасида шов-шув кўтаришарди. Меҳмонларга кўпроқ мезбонларнинг шов-шуви таъсир этарди. Улар бир-бирларидан: «Жин урсин, уларга нима бўлди? Сиз эшитмадингизми, оғайнижон?» Видонканинг куёв жўраси, бароннинг филай гайдуги (тўғри, у тўралар кийимида бўлиб, ўзини губерна суд маслаҳатчиси сифатида таништирганди) ўткир ҳид билармонлиги билан қандайдир чатоқ иш бўлаётганини сезиб қолди. Бироқ у ваҳимага тушиб, суҳбатлашаётган меҳмонлар тўдаси олдига келиши билан улар суҳбатни одатдаги мавзуга кўчира эдилар. Хуллас, тарози палласи Қатушканинг кўзларидан турмушга чиққанидан кейин биринчи кўз ёшлари томчиламагунича ўзгариб турди. Нималарга қодир эмас, бу кўз ёшлар! Биргина ёш томчисининг ўзиёқ масалани ҳал қилиши учун етарли даражада салмоқли тош бўлиб чиқди: бу ёш момиқдай қора киприклар остидан думалаб тушди-ю, шу заҳотиёқ тарози палласи бизнинг марҳаматли Фаимиз фойдасига ҳал бўлди!

У ярим кечага яқин ўрнига қайтди, бироқ ечинмади, ташлаган уруғи албатта униб чиқишини комил ишонч билан кутиб ўтирди. Шунинг учун ҳам эшик секин очиларкан, Видонка хонага оҳиста кириб, Фаи ҳузурда тиз чўкканида у зигирча ҳам ҳайратга тушмади.

— Қимматли ҳомийим, сизнинг таклифларингизга розилигимни билдиргани келдим. Худо менга журъат ато этмаган, хотиним ўз журъатини менга берди, мана энди таклиф этилган тўраларнинг дурадгори бўлмиш уивонга ва сигирга розиман. Лекин бу ҳаммаси эмас, чунки елкамда ёвуз иблис ўтирибди. Ҳақиқий иблис. Уни ҳайдаб юборишга Видонка қодир эмас. Бундан ташқари, мен қасам ичганман, балки буни худо эшитмагандир ҳам.

Эшитган бўлса, демак, кечирар. Фақат ёвуз иблисдан қутулиш мушкул бўлади!

Кейин Видонка Дёри унга минг форинт берганига, яна икки мингини ваъда қилганига иқрор бўлди, бу пулларга гайдук Гергей Польшада унга уй ва устахона сотиб олиб бериши керак. Шу бугун тунда Гергей кирага олинган, ҳозир бостирмада турган деҳқон аравасида олиб бориб қўяди. Икки минг форинт эса Гергей камзулининг чўнтагига тикиб қўйилган. Видонка Дёри олдида, бошқа ном остида яшайман, Польшадан камида йигирма йилдан олдин қайтиб келсам, худонинг қаҳрига қолай, жасадим кўчада қолсин, деб онг ичган. (Аммо агар у Польшага мутлақо бормаса, у ердан қайтиб ҳам келолмайди, демак, онтини бузмаган бўларди.) Лекин Дёрига берган ваъдаси ҳеч гапмас, ҳамма бало шундаки, агар Видонкани бу ерларда учратиб қолгудек бўлса, шу заҳотиёқ отиб ташлайди. Бундан ҳам қочиб қутулса бўлади. Бироқ Дёри унга қўшиб қўйган ёвуз иблис — ҳақиқатан ҳам жуда хавфли! Ёвуз ниятли гайдук унинг орқасидан ҳамма ерда изғиб, ҳар бир қадамини текшириб юради. Ҳурматли халоскор ана ўшанга қарши биронта чора кўрганларида иши жойида бўларди!

Фаи ўйланиб қолди: у ўз аравасини жўнатиб юборганига пушаймон бўларди.

— Трактир эгасининг араваси борми?— сўради у.

— Бор.

— Унда, ишимиз жуда осон экан. Ўша иблис Гергейни ичириб қўйиш керак, бу вақтда хўжайин аравани шайлаб, келишиб қўйилган жойда кутиб туради. Олдиндан аравага келиннинг ҳамма сандиқлари ва партўшаклари ортिलाди. Келинчакнинг ўзи ҳеч ким билан хайрлашмасдан бир оз мизғиб олиш баҳонасида ташқарига чиқади. Менинг гусарим уни кўчада, «Гриф» бўсағасида кутиб туради ва аравага кузатиб қўяди.

Ваҳимадан Видонканинг тишлари тақирлаб кетди.

— Эй, йўқ! Тунда-я? Яна гусар-а? Ёш хотинимни-я? Йўқ, мен рози эмасманман! Бунинг иложи йўқ!

— Э, қандай бемаъни рашк! Ахир, гусар қўлидан ҳеч нарса келмайдиган чол-ку.

— Аввал уни бир кўрсам қандай бўларкин?

— Бўлмаса, бошқа режа тузамиз. Секин ошхонага ёки одатдагидек, ўпишиш учун даҳлизга чиқасиз.

— Бўлади, бўлади!— завқ билан тасдиқлади Видонка кўзлари чақнаб.—Биз бугун бир-икки марта чиқиб келдик.

— Жуда яхши, бироқ даҳлизга чиқмай, тўғри кўчага чиқасиз, гусар сизни аравага кузатиб қўяди, ўтирасизу ғойиб бўласиз! Бозор қўрғонигача ҳеч ерда тўхтамайсиз. Сизни ҳамма керакли нарсалар билан таъминлаш, турар жойингизни ҳозирлаб, бошқалардан ҳимоя қилиш учун менинг гайдугим иш бошқарувчига мактуб ётказади.

— Гергей-чи?— сўради Видонка ҳаяжонланиб.

— Гергей аввал сизни бирдан йўқотиб қўйиб, қидира бошлайди, сизнинг эса изингиз ҳам йўқ. Шундай бурнининг остидаги ўлжасини қўлдан чиқаради, вассалом!

— Орқамиздан қувса-чи?

— Уриниб кўрсин! Уни чойшаб билан ўраб, уйига олиб бориб ташлашларига кафилман: мен иш бошқарувчига уни яхшилаб таъзирини беришни буюраман, кейин Гергей буни ўла-ўлгунча унутмайди. Менинг иш бошқарувчим шундай саришта одамки, фойдасини ҳам ўша заҳотиёқ тўлайди.

Видонка хахолаб кулиб юборди, ишнинг бундай тус олиши унга ёқа бошлади. У қатъий қўлини узатди:

— Хўп, яхши! Мана сизга менинг ҳалол қўлим.

Қўллар қисилди. Фаининг юзи қувонч ва мамнуниятдан порлади. У оғир ишни бажарган одамдай енгил хўрсиниб қўйди. Мамнуният билан ўйлаб қўйди: «Мана, энди процессни биз ютдик! Собиқ вице-губернатор нималарга қодир эканлигини Перевицкий бир кўрганда эди». Турган гапки, энди жаноб Фаининг уйқуси келмасди. Олдинда ҳали иш кўп: Гриби билан арава ҳақида келишиб олиши, гусарга кўрсатма бериши, жаноб Будаига мактуб ёзиши керак.

«Domine delictissimud¹ Менинг садоқатли дўстим!

Мен уста Видонкани именованиега дурадгор лавозимига қабул қилдим. У процессда бизнинг гувоҳимиз бўлади, шунинг учун ҳам барон Дёри ўзининг қабиҳ найранглари билан уни кўзимиздан нарига йўқотмоқчи экан.

Видонка ва хотинини яхшилаб таъминлаш ҳаракатини қилинг, delictissime, майли, пичоғи мой устида бўлсин, ҳамма уни «марҳаматли жаноб» деб чақирсин. Ал-

¹ Марҳаматли жаноб. (Лотинча.)

батта, бундайини мен ўзимга расмий равишда ёлламаган бўлур эдим, бироқ иш манфаати шуни тақозо этади. Уни кўз қорачиғидек сақланг, чунки уни таъқиб этишлари, ҳатто йўлдан уришга ҳаракат қилиб кўришлари ҳам мумкин.

Obligatus servus¹. Стефанус Фаи де Фаи, P. S. Муҳаббат сафарига чиққан жин ургур граф Янош топилди!»

Фаи мактубни ёзиб тугатгач ҳам ўзи олдиндан кўзлаган ва мўлжаллаган ҳамма режалари амалга (кечаси соат иккидан кейин) ошмагунча ухламади.

Ниҳоят, у эшикни беркитиб, музыка овозлари эшитилмаслиги учун деразага ёстиқ тиқди-да, ечингач, ҳадемай хотиржам уйқуга кетди. Тушида гўё ёш бола эмишу, ёввойи каптар тухумини топиб олганмиш. Қувончи ичига сизмай, тухумни уйга олиб кетаётганмиш. Уйда тўсатдан курка товукқа айланиб қолган жаноб Перевицкийни учратибди. Курка тухумни чўқиб, иккига ажратиб юборибди-ю, тўсатдан ичидан бадбашара қора мушук боласи сакраб чиқибди. У овози борича миёвлаб, Фаининг олди-га югуриб бориб, уни шундай тепаётган эмишки, гўё бу мушук боласининг оёқчалари эмас, тўртта кичик-кичик болғачалар эмиш.

Шу ерга келганда уйғониб кетди.

Қуёш анча кўтарилиб, ёстиқ билан яхши беркитилмаган дераза тирқичлари орқали хонага мўралар эди.

Дарҳақиқат, кимдир эшик тақиллатаётганди. Хайриятки, қора мушук кўргани туш экан!

— Кираверинг!

— Бу мен, қадрдон ҳомийим.

— Э-э, сен шу ердამисан, жин ургур! Ҳозир очаман, дайди ўғлим!

Фаи эшикни очди, унинг қаршисида барваста уста намоен бўлди; бундайларни мис баркашлардагина тасвирлашади, ҳаётда эса камдан-кам учрайди, дарҳақиқат, ҳунар одамни ўзгартириб юборади. Айтишларича, қассоб семириб, у сўйилган мол терисини шилаётганида чиққан иссиқ ҳовурдан бадани ялтирармиш, тикувчи ориқлайди, кўзлари ич-ичига тушиб қетади, букчайиб қолади; босқонни ҳадеб зарб билан ургани учун темирчининг пешанасида ажин пайдо бўлиб, пайлари бўртиб чиқади. Хуллас, ҳар ҳунар одамда ўз изини қолдиради. Мана, кечаги

¹ Камина қулингиз. (Лотинча.)

тўйда ҳам Дебрецендаги профессор икки ҳафта бурун косибларнинг шогирдлари хушчақчақ-ку, ўзлари негадир хомушликлари устида бош қотириб, жинни бўлиб қолгани ҳақида гапириб берди кимдир.

Юзлари қорайган Бутлер жўн мато костюм, сахтиён этикда жуда чиройли кўринарди. Фаининг хаёлига лоп этиб Бутлер шу аҳволда Бозошга борса, «марҳаматли жаноб» Видонка рашки қўзиб, яна ўзининг Катушкаси билан қочиб қолмасмикин, деган фикр келганди.

— Қани, ичкарига кир, ўтир!

Фаи бу сафар қучоқлашиб кўришмади, ҳатто қўл ҳам узатмади, у ювиниб, кийинар экан, ёш графни тўхтовсиз койирди.

— Тагин қандай бемаънилик қилиб қўйдинг! Агар Хорват чол бундан хабар топса, жаҳли чиқиб сендан юз ўгиради-ку. Унинг феълини ўзинг биласан. Кўпчиликнинг кўзига қандай қарайсан энди? Ҳаммада сенинг ҳақингда руҳан ожиз, журъатсиз деган фикр туғилади. Нималардан маҳрум бўлмадинг-а бу вақт ичида! Насиҳатларимни унутдингми? Пожонига бориб, у ерда катта амалдор, магнат, олий ҳазрат руҳонийларнинг қўллаб-қувватлаши ҳақидаги розиликларини олишинг керак эди. Сен бўлсанг, бунинг ўрнига, оҳ-воҳ қилиб, гитара чалиш билан оворасан. Борноцда маъшуқангни қўриқлайман деб, бу ерда процессни ютқизяпсан, бинобарин, қиздан маҳрум бўляпсан. Йўқ, оғайни, бу аҳволда бахтга эришолмайсан.

Бутлер гуноҳкорона бошини ҳам қилганча миқ этмасди.

— Мана, энди депутатларни топиб бўпсан! Агар Пожонининг қарта столидаги бармоқларнинг изини ҳисобга олмаганда, улардан ном-нишон қолмади. Ҳозир дала ишлари бошланиб, ҳамма ўз имениесига тарқаб кетган. Бунданқатъий назар, шундай қилиш тўғрими ахир? Кимсан ўзи, масхарабозмисан, ёки тоғ қароқчиси, ёки ҳар дам, истаган пайтида терини ўзгартирадиган бўримисан? Энг даҳшатлиси, гуноҳсиз қизга иснод келтирдинг, мард ошиқ ҳам шундай қиладими? Эҳ, Янош, Янош, қандай қилиб дворян виждонинг бунга йўл қўйди? Эсиз дворянлик!

— Кўнгил кўчасига кириб кетибман,— деди бўғиқ овозда Бутлер.— Менга уни бемор деб хабар қилишди,

шундан кейин қизнинг яқинида бўлмасам ўзимни ўлиб қолаётгандек сездим.

— Тентаклик! Нега ўлар экансан? Тувакдаги қалампиргул ёнида туролмаслиги учун синган кўзани кўрган-мисан?

— Қасам ичаман, паноҳим, қиз билан учрашиш хаёлимда ҳам йўқ эди! Фақат унинг аҳволини билиб туриш иштиёқида боргандим. Нақадар бахтсизман-а!

Фаи, йигитнинг қизарган, надоматли кўзларига боқаркан, раҳми келиб, юмшай бошлади.

— Доим ўзингга ўзинг ташвиш орттириб юрасан! Ошиқлар шундай бўлишаркан-да. Ахир муҳаббатнинг ўзи катта бойлик-ку, тентаквой! Фақат у одамни тўла қониқтирмайди. Ошиқ бирор нарса етишмай турмаса ўзини бахтли ҳисобламайди. Бироқ дунёдаги ҳеч нарсага алмашиб бўлмайдиган хазинани қалбида сақлаб юрган одамни бахтсиз деб бўладими?

Фаининг доно сўзлари Бутлерга малҳамдек таъсир этди: у индамай, чанг бўлган бошини ирғаб қўярди.

— Хўш, гапим нотўғрими? Ахир сен Пирошкангни дунёдаги ҳеч қандай бойликка алишмайсан-ку, у сени севмай бошқа бировни севишига рози бўлармидинг а? А? Индамайсан-а! Мана, кўрдингми, тентак, демак, сен бахтли одам экансан.

Сўнгра у бир қўлини камзули чўнтагига тиқиб, Яношга энгашди-да, меҳрибонлик билан бошига чертиб қўйди. Яношнинг чиройи очилди, чунки муроасага келинган бўлиб, Фаи Яношни ҳақиқатан ҳам бахтли эканига ишонтира олганди.

— Лоақал кўролдингми?— суриштира бошлади Фаи бир оздан сўнг ҳазилкашлик билан.

— Қаёқда дейсиз! Қиз ўшандан бери ўрнидан турмади; бугун биринчи бор ўрнидан туриб, дераза олдида пича ўтиришга рухсат беришди. Мен шу кунни кўпдан бери орзу қилиб юардим, бироқ тақдир доим Бутлерлардан юз ўгириб келган: худди шу бугун менинг паноҳим орқамдан ўша нухани юборса бўладими?

— Крокними? Ҳа, бу тўғри! Крокни қаерда қолдириб келдинг?

— Ошхонага овқатланишга кетди.

— Эҳ, ошна, анча мушкул эрмак топибсан: дарахтларни буташ, экиш, хаёл суриш. Яна қочиб кетмаганинга ҳайронман.

— Аксинча, жудаям хурсандман, чунки оқсоч аёллар орқали доим Пирошкадан бохабар бўлиб турдим. Улар Пирошка қаллиғи хусусида, у билан кемаларда ва солларда қилган саёҳат тўғрисида, булутлар узра парвоз қилиб, қуёш сари интиларкан, алаҳсирагани ҳақида гапириб беришарди. Буларнинг ҳаммасини шундай маза қилиб тинглардимки.

— Ҳм... Маълумот олиш учун сен хотинбоз, оқсочларнинг орқасидан судралиб юргандирсанам ҳали, йўқ дегин-чи?

— Наҳотки, мени шундай деб ўйласангиз,— эътироз билдирди Янош.

— Ҳай, ҳай, хафа бўлма, Юсуф Соҳибжамол!¹ Сени хафа қилмоқчи эмасдиму, бироқ мушук мушуклигича қолаверади, доим шу фикримда тураман. Тўғри, ҳар қандай мушук ҳам сичқонни еявермайди, айримлари ўйнашиб қўя қолади. Шундай эмасми, а?

Бундай шаккок гаплардан Бутлер қулоғигача қизариб, норози бош чайқади.

— Ҳа, майли, бу гапни қўяйлик,— деди муросасозлик билан Фаи,— мен ҳеч нарсага ачинмайман. Агар у ерда сени бирон кимса сезиб қолгудек бўлса, мен анча хижолат чекардим.

— Мен фақат тунларни ҳисобга олмаганда, уйга яқин келмасдим, чунки Бернат хола доим ўша ерда ивирсиб юрарди, улар мени таниб қолмасин, деб қўрқар эдим. Тўғри, бир марта йўлдан озишимга сал қолди.

— Ана холос! Бари бир, чидаб туrolмабсан-да?

— Пирошка тузала бошлагандан бери, боғбон унинг учун даста гул териб оқсоч орқали бериб юборар эди. Мен ҳам бир даста гул териб ичига хат ёзиб қўймоқчи бўлдим. Лекин хўжайиним мени нари туртиб: «Жўна, овсар, нимага ҳам ақлинг етарди?» деди.

— Тарсаки тортиб юбормадингми?

— Ҳаммасига чидадим, фақат ўша ерда бўлсаму, мени ҳайдаб юборишмаса бас эди.

— Хўш, қандай қилиб қочиб қолдинг?

— Боғбон мени қўйиб юборгиси келмади; энди ишга ўрганганда, лоақал бир йил ишлаб берсин, деди. Шунда

¹ Юсуф (Иосиф) Соҳибжамол — таврот ривоятига кўра, гўзаллиги ва донолиги билан ажралиб турадиган патриарх Иаковнинг кенжа ўғли.

Брокми ёки Крокми — ўзиям ўтакетган айёр одам экан! Боғбонга, мен махфий полиция агенти Крок бўламан, деб шивирлади, ҳатто ҳужжат ҳам кўрсатди. Мени эса Яношнинг қароқчилар тўдасидаги машҳур Деметер Бавтя деб таништирди. Буни эшитиб немис боғбонни Мюллер дейишарди — ваҳимага тушиб, дарров ҳисоб-китобимни қилди, бирга ишлаган кунларимга йигирма крайцердан тўрт танга берди.

— Пул ёнингдами? — сўради Фаи, ойна олдида туриб хотиржам кумуш ранг сочининг ўртасидан фарқ очар экан.

— Ҳа, чўнтагимда.

— Эҳтиёт қил, ўғлим, вақти келганда маъшуқанга берасан, — ҳаяжон билан деди Фаи, — негаки, мен сенга айтсам, қизни Бутлерларнинг ҳамма мулкларига қараганда ана шу тўрт танганг билан кўпроқ ўзингга боғлайсан.

— Шундай қиламан, бузрукворим.

— Э, йўқ, сабр қил! Буни менинг рухсатимсиз қилмайсан. Умуман, сенга жиддий гапим бор, граф Парданьский.

Фаининг юзи тантанавор, салобатли тус олди, овози эса худди черков қўнғироқчаси¹ каби майин ва юмшоқ жаранглади.

— Менинг рухсатимсиз ҳеч қандай кийимда Пирошкага яқинлашмаслигинг ҳақида ваъда, чин дворянин сўзини бер. Шу билан гап тамом-вассалом. Энди ҳеч қачон бу арзимас воқеани эслаб ўтирмаймиз ҳамда ҳеч кимга айтмаймиз ҳам.

Бутлер қўлини узатди.

— Қўлингнинг титрашини қара! — деди Фаи.

— Майли, титрайверсин. Қўлимни бердимми, демак, сўзим — сўз.

— Биламан. Эҳтимол, узоқ маҳтал бўлиб қолмассан, чунки биз бу ерда сенга ўхшаб бекор вақт ўтказмадик. Тасаввур ҳам этолмайсан, мен гувоҳ сифатида Дёри қўрғонида кўтарма машина ясаган ўша словак йигитни қолдириш учун қанчалик моҳирлик қилишимга тўғри келди. Уйда сенга ҳаммасини айтиб бераман. Мен унга жуда қуюқ ваъдалар бердим, жаннат, ҳаттоки дворянлик ун-

¹ Католикларнинг расми бўйича, ибодат пайтида вақт-вақти билан қўнғироқча чалиниб туради.

вони олиб беришга сўз бердим, сен словакларни ёмон кўришимни биласан, чунки улар гул пиёзимни еб қўйишган. Лекин шундай қилиш керак эди! Ҳозир ўша бола, худога шуқурки, Бозошда, уйимизда. Умуман, бошқа ишларимиз ҳам чакки эмас. Архиепископ Фишер сенинг тарафингни оламан, деб ваъда берди, бўлажак қайнотанг ҳам ноибнинг ёрдами ҳақида розилигини олиб қўйди. Перевицкий бўлса «Понтийдан Пилатга»¹ юриб, уч-тўрт ойдан кейин ҳукм бўлиши мумкин, деб ёзаяпти. Хуллас, мен тирик эканман, хавотир олма!

Бутлернинг чеҳраси очилди, ҳомий унга янги умид бағишлади. У Фаи қаршисида тиз чўкиб қўлини ўпди.

— Яхшиликларингизга бутун умримни тиксам ҳам оз!

— Э, қўйсанг-чи! Мен поп эмасман-ку,— эътироз билдирди Фаи қовоғини солиб.— Нима учун менга миннатдорчилик билдириш керак? Миннатдорчилигингни кутиб юриш даражасида аҳмоқ эмасман. Бунинг эвазига мени бошқача мукофот кутяпти. Гап шундаки, ҳар сафар Видонка билан бўлгандай, бирон ишни қойиллатиб қўйганимда, кўз олдимга сингилгинам Марини, онангни келтираман, у арши аълодан менга қараб туриб, отангга: «Улгудек қув-да ўша Пишта!»— деяётгандек туюлади. Шу ҳақда ўйлаб, шундай куламанки, шундай куламанки...

Фаи ростданам лаблари ёйилиб, кўзларини қисганча кулмоқчи бўлганди, бирдан киприкларида икки томчи ёш ялтираб кўринди.

Унинчи боб

КҲРИНМАС ҚУЛЛАР

Унг тепаликларидаги ўрмонлар ҳалигача шовилласа ҳам, лекин энди ўшандаги Бутлернинг хўрсинишлари жўр бўлгандагидай эшитилмайди.

Ушандан бери қанчадан-қанча дарахтлар нобуд бўлиб кетди, аммо янгиси кам етилди. Ер қарияпти, сови-

¹ Понтий Пилат—Иудейдаги Рим ноиб, ривоятларда айтилишича, Иисус Христосни бутга михлашга буюрган, Понтийдан Пилатга бориб келиш, бемақсад эшикнинг турмини бузиш демак...

япти. Баҳайбат ҳайвонлар, улкан дарахтлар ва зўр эҳтирослар ҳам йўқолиб боряпти.

Бироқ ҳали қушлар ин қуриб, севги ҳақида чирқиллаб сайрашади, ҳали Бозош узра Борноц сари хонқизлар учиб боради. Кимнинг бу билан иши бор?

Ҳар ер-ҳар ерда устига «Б» ҳарфи ўйиб ёзилган улкан чегара тошлари думалаб ётади. Лекин у бирон нарсани билдирадими ҳозир? Бозош зироатчиларининг омовлари остидан гоҳида ялтироқ тугмача ёки камар ҳалқаси, ё тилка-пора бўлган она ер бағридан тўраларнинг чириган этик пошнаси чиқиб қолади... Омов орқасидан судралиб бораётган деҳқон хўрсиниб қўяди: «Эҳ-ҳе, балки бу этик граф Яношниги бўлгандир!»

Сўнгра танти мозий ҳақида, қандай ва нималар бўлгани тўғрисида афсоналар тўқишади! Серҳашам извош ва файтонлар келиб турганини гапиришади. Уша пайт Бутлер гусарлари кийган кийимларини ҳозир ҳатто қирол ҳам киймайди... Ҳар хил ҳодисалар, катта процесс ва ҳар турли воқеаларни эслашади.

Уша пайтлари ҳатто деҳқон ҳам ўз-ўзига хўжайин эди. Айниқса, гап печка ёқиш ҳақида кетса. Ҳозир ҳатто ўтин ҳам қолмади. Уша пайтда ҳамма жойда тўраларнинг ўрмонларида кесилган дарахтлар ағанаб ётарди. Ўрмонни қийратишни ўшанда марҳаматли Будай бошлаб берганди. Истаган одам, бола-чақаси билан кесилган дарахтни уйига таширди, ҳеч ким деҳқонбоп бу ёлани қаердан олдинг, деб сўрамасди. Ҳеч ким бунга ҳозирдагидек бир бечора тўралар еридан муштугини тозалаш учун чўп олгани каби жиноят деб билмасди.

Каттакон ходани базўр эшик қаршисидаги ўртада турган печкали даҳлизга судраб олиб киришарди. Печканинг ичига ходанинг бир учини тиқиб ёқардилар: одамлар исинар, овқат тайёрлашар эди. Ходанинг бир қисми ёниб кўмирга айлангач, уни иложи борича яна печканинг ичкарасига тиқишарди. Шу алфозда кунлар, ҳафталар ўтарди. Дурадгорнинг қалами сингари улкан дарахт ҳам камайиб боради.

Маълумки, ходанинг деярли ҳаммаси ёниб битмагунча ташқари эшикни беркитиб бўлмасди, чунки унинг бир учи остонанинг нарёғига чиқиб турарди. Албатта, бу бир оз ноқулай эди, лекин деҳқон ходани арралаб, майдалаб ўтиргиси келмасди. Мана шу икки қарама-

қаршилиқдан бирини: эшикни бекитмасликни афзал кўриларди. Ҳар ҳолда бу кўпам ҳаракат талаб қилмайди...

Уй олдида битта скамейка бор, ҳовлидаги тут дарахти остида яна биттаси, бунинг устига у ер-бу ерда кичик-кичик скамейкалар ҳам турибди. Ҳатто бегим кунлари ҳам аёллар скамейкада худди куркага ўхшаб кокошник¹ кийиб ўтиришади.

Ичкарида, уй ичидаги баланд каравотда юмшоқ тўшакда эрта саҳаргача ёш жувон роҳат қилиб ётади. Тепасида, шифтга арқон билан боғланган беланчак осилиб турибди, унда чақалоқ ётибди, бу унинг бешиги. Йиғласа, она ҳеч қандай овора-сарсон бўлмай, оёғи билан туртиб қўяди-ю, беланчак тебраниб ётаверади. Туни билан тебратиб чиқиш одамнинг жонига тегиб кетади. Бундай туртишни уйқуда ҳам бажарса бўлади. Агар бешик қаттиқроқ тебраниб кетса, чақалоқ ичидан тушиб кетиши мумкин. Агар тушиб кетмаса яхши, онанинг ташвиши камроқ, бироқ шундай фалокат юз берган тақдирда ҳам бола онанинг тиззасига тушади. Йиқилиб тушмаса-ю, лекин йиғлайверса, бунинг ҳам йўли бор: она уйқу аралаш ўз гўдагига атаб мулойим алласини хиргойи қилади.

Ушандан бери қанча-қанча сув оқиб кетди. Уша пайтларда беланчакда осойишта тебраниб, онанинг:

Ухла, жажжигинам, алла-ю алла,
Бу дам ором олишга палла.
Худойим берар қушча,
Отанг ясар қафасча.
Онанг қорнинг тўйғазар,
Граф — Янош қант берар,—

дея айтган алласига ухлаб қолган чақалоқлар аллақачон катта бўлишган, сўнгра қариб-чуриб, мункайган чол-кампирларга айланишган.

Улар «катта суд процесси» ҳақида билишса ҳам, фақат ривоятлардан эшитишган.

Ўз вақтида бу воқеа Венадан то Мункачгача бутун мамлакатни алғов-далғов қилган. Ҳатто бегона юрт-

¹ Кокошник — Европада деҳқон аёллар кийдиган қадимги бош кийими.

ларда ҳам, Брашовда ва бошқа жойларда аёллар черковдан қайтишаркан: «Нима билан тугаркин?»— дег гаплашиб келишар эди.

Католик ва протестантлар, поплар ва шаҳарликлар номи чиққан ва чиқмаган жаноблар — ҳамма икки гуруҳга бўлинди: бутун мамлакат худди экин-тикин ишлари можаронинг ечимига боғлиқдай процессни кузатиб борар эди.

Иосиф II ўлгандан кейин қаттиқ назорат остига олинганига қарамасдан, кимнингдир даҳрий қўли (полиция ким эканлигини бари бир тополмади) тош қабр устига ҳақоратомуз сатрлар битиб қўйибдики, унинг охири икки мисраси қуйидагича эди:

Мутлақи ҳокимда на қалб бор, на бош,
Бўлса ҳам жони йўқ, бамисоли тош.

Чинданам шундай! Одамлар Иосифнинг салтанати абадий деб хавотирланардилар, чунки бу салтанат халқ кўз ўнгида ҳали янги бўлиб, тошдай мустаҳкам эди.

Черков ўзини авайлаб сақлар ва кирдикорлари ошкор бўлишига йўл қўймасди. Попларнинг гуноҳлари фош этилишидан кўра, хаспўшлашни маъқул кўрардилар, зеро, айрим кишиларнинг хато ва адашишлари бутун динга путур етказиши мумкин эди. Зўравонлар сохта нуқтағий назарга асосланган хулоса чиқаришга мойил эдилар. Уша пайтлардаги ҳажвий расмларда Иосиф II бўйнида бирига руҳонийлар, иккинчисига венгр конституцияси солинган иккита халта билан тасвирланган. Мутлақи ҳоким қўлларини силтаб, навбати билан гоҳ бир халтани, гоҳ иккинчисини урар эди.

Катта оғиз оқсуяклар Иосифнинг бундай қилиқларига чунонам ўрганиб кетишгандики, дабдала халталар мангу ташлаб кетилгандан кейин ҳам улардан бирига ким тегиб қолса, иккинчисининг ҳам навбати келиб қоладигандай, доим қўрқувда юрардилар. Аслида эса, халталардан бирида қисқичбақа, иккинчисида хамиртуруш бўлгани учун улар ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ эди.

Бари бир оқсуяк эодагонлар Рёскдаги никоҳ ишини йўли билан олиб бориш керак, деган доно қарорга келишди.

...Оҳ, бу йўли билан иш олиб боришлик! У мамлакатимизда доимо ҳақиқатнинг оёғи остида ўралашиб юрадиган шилқим итга ўхшайди.

Кўринмас қўллар ҳаракатга келди. Қандай бўлганини ҳеч ким билмайди-ку, лекин тўсатдан ҳар турли воситачилар қузғундай тўдалашиб, бир қисми Патак сари, бошқалари Бозош қўрғони томон юриш бошлашди. Саройда катта эътиборли, эрцгерцогиня Мария-Луиза билан дон олишиб юрувчи қудратли граф Ференц Зичининг эсига тўсатдан Иштван Фаига чатишганлиги тушиб кетди, шу сабабли, оилага бош бўлиб, Фаи ҳузурига, қариндошлар хонадонига қадам ранжида қилиш керак, деган қарорга келди.

Улар чекиш хонасида ўтиришганда граф Зичи, ҳазрати олиялари Мария-Луиза, Фаининг граф Бутлерга таъсир ўтказиб, аслзодалар зотига иснод келтириш ва черков обрўсига путур етказиш ўрнига хотини билан ярашишга рози эканини эшитса, беҳад хурсанд бўлар эди, деди.

— Аммо у хотини эмас-да, азизим Ференц,— дея эътироз билдирди Фаи.

— Гап шунда-да. Бутлер уни хотиним десин!

— Севмаса-чи?

— Э-э, жамоат манфаатлари шуни тақозо этса, наҳотки, граф ўзини қўлга ололмайди?

— Қандай қилиб бу жамоат манфаати бўлсин?

— Жамоат тинчлиги, осойишталик, ҳеч путур етказиб бўлмайдиган черковга ишончдир.

— Аммо у бари бир бошқани севса-чи?

— Э, қўйсанг-чи! Бу мулоҳазанг, ўзига қандайдир Жофикани хотин қилиб оладиган, кейин у хотини ҳам, ҳузур-ҳаловати, оқсочи, дўсти, ҳамроҳи ва маслаҳатгўйи ҳам бўлиб қоладиган ношуд одамга лойиқ-ку! Албатта, у кўз очиб кўрганига ёпишиб олади. Дворянин, Бутлердай катта магнат бўлса бошқа гап. Унга хотин фақат одамлар ўртасида кўриниш учунгина керак. Бунинг учун хотинга кўйлак ярашиши лозим, муҳаббатга келсак, худога шукурки, ёруғ дунёда қанчадан-қанча гуллар очилиб ётибди! Бутлер ўзига ёққанини танлаб олаверсин.

Бу гапларни ҳазрат олийлари Ференц Зичи шундай усталик билан баён этдиларки, бунинг устига масала тўғри ҳал этилгач, Фаи юксак мукофотга сазовор бўли-

шини ҳам шама қилиб ўтди. Шундан кейин уй эгаси яна ҳам тумшайиб олди; у борган сари кам гапириб, охири лом-мим демай қўйди. Хайрлашув вақтида Зичи яна сўради:

— Хўш, эрцгерцогиняга нима деб қўяй? Унга нима дейишим керак?

— Мени ношуд дегин!

Шу пайт Бозошда граф Янош Бутлер ҳузурига граф Антал Мозеш Цираки келди. У кейинчалик олий суд раиси даражасига кўтарилиб, Вена саройида эътиборли зот, императрица Людовиканинг арзандасига айланган. Граф Антал ўзини гўё Унгга, граф Шёнборн олдига ов қилиш учун борган киши сифатида кўрсатди. Бироқ овчилардан бири Дьердь Лоняи айтгандай, «граф тўнғизларни ов қиламан деб келиб, каптарни мўлжалга оларди». Чунки у Унгдан Бозошга бориб, Янош Бутлер билан дўстлашиб олди ва икки ҳафта давомида у билан вақтихушлик қилди. Шу вақт ичида у ҳийла ишлатиб янги дўстига Пирошкани унутиш, ишни қандай бўлса шундайлигича қолдиришни қайта-қайта маслаҳат берди. Тақдир тақозоси билан иттифоқо ўша ерларда йўл-йўлакай тунда Бозош қўрғонига кириб қолган олий ҳазратлари Трансильвания епископи Шандор Руднаи ҳам пайдо бўлиб қолдилар. Бунинг устига у қадрдон дўсти ва мактабдоши граф Цираки билан ҳам учрашиб қолди. Епископ дарров ишга тушиб кетди, иккалалари биргаллашиб Яношга гап уқтира бошладилар, граф бўлса, кучли шамолда шохлари букилаётган ёш олма дарахти каби гоҳ у, гоҳ бу тарафга эгиларди.

Аммо уқтиришлар беҳуда кетди, чунки олма дарахти эгилади, шохлари синади, барглари тўкилади, бироқ асли ўзгармай, гули аввалгидай пуштилигича қолаверади.

Афсуски, иш бу билан ҳам тугамай, кўринмас қўл ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қиларди. Граф Яношга юқори вазифа — Унг губернаторлигини таклиф этишди, аммо у эвазига талаб этиладиган нарсани рад қилди.

Бу орада шундай бўлдики, одатда, Венада муқим яшовчи ёш граф Пал Шёнборн рафиқаси билан ёзни ўтказиш учун Унгдаги қўрғонига жўнади. Улар ўзлари билан бирга ўша пайтлари машҳур актриса Эржебет Кларетонни олиб келгандилар. Император бу аёлни «севимли юмшоққинам» деб эркаларди. Мадемуазель Кла-

ретон гўё графиня Шёнборни ашулага ўргатармиш. Эр-хотин Шёнборнлар албатта граф Бутлерни уйлари-га таклиф этдилар, мадемуазель Кларетон эса уни қаттиқ севиб қолди, гўзал париваш Бутлер билан иккинчи бор хиёбонда учрашганидаёқ шаффоф юзи лоладек қизариб, ўз муҳаббатини изҳор этди. Учинчи учрашув бўлмади, чунки граф Бутлер эр-хотин Шёнборнларнинг таклифини рад этди.

Бу «Пирошка тарафдорлари» томонидан яхши аломат деб баҳоланди. Кекса Фаи ибораси билан айтганда, «чучварахўрликка» келар экан (чунки доктор Гриби ўлдига чиқарган Капор хола, ҳалигача, Фаи учун бу таомни тайёрларди), бундай иғво-васваса, мишмишларни таъсирланиб ҳикоя қиларди.

Улар қонунчилар суди никоҳни бекор қилишларини сезяптилар, йўқса, бундай юзсизлик қилмасдилар. Бу воситачилар орқасида ким тургани ва уларни кимлар юбораётганини билсам бўладими? Дёримикин? У бунинг учун етарли даражада кучли эмас. Иезуитларми? Бўлиши мумкин! Ҳар ҳолда бунда кимнингдир қўли бор. Биз товуснинг фақат думини кўряпмиз, паррандининг ўзини эса кўрмаяпмиз.

Шу алфозда, режалар ва орзу-умидлар билан ёз ўтди. Перевицкий ҳамма суд аъзолари, олти қонунчиларни айланиб чиқди, бош судьяга эса ўтган ҳафта Бутлернинг оиласига мансуб бўлган иккита тилла лаган юборди. Сўнгра у Ноград комитатидаги Лудани шахридан қандайдир Дюркилар оиласига мураббия бўлиб хизмат қилаётган Малипо хонимни ахтариб топди. Малипо хоним Рёскадаги черков попи ҳазрати Сучинка баронесса Маришка Дёрини севиб қолгани ва ҳар тонг қизнинг деразаси остига шахсан ўзи гулдаста қўйиб кетишини айтиб берди. Мадам ҳатто иппони уялтирган ҳам, чунки унинг фикрича, муаллимнинг ўз ўқувчисига нисбатан бундай муносабатда бўлиши ярашмайдиган қилиқ экан. Бироқ мадам Мария Дёри ҳақида бундан ортиқ ҳеч нарса айтолмади.

Бозошда тез-тез кенгашиб туришарди. У ерга биринки марта кекса Хорват ҳам келиб кетди. Бундан ташқари, Старанлар, Переньилар, Корлатлар келиб туришарди. Баъзан ошпаз аёл овқат тайёрлаб улгурмасди, шунда Капор холага ёрдам учун ёш келин Видонкани чақиришга тўғри келарди. У шалдироқ пешбанди, қор-

дай оппоқ ҳошияли бош кийимида ҳақиқатан ҳам дилбар кўринарди. Қудратли магнатлар ҳам гоҳ-гоҳ трубкани тутатиб олиш баҳонаси билан ошхонага киришаркан, эшик орқасида лаб тишлаганча рашк азобида қийналаётган дурадгорга парво ҳам қилмай Катутшкани чимчилаб олишарди.

Кўҳна қўрғон доим гавжум ва сершовқин эди. Ҳовли тўла извош; гарчанд, тадбиркор маллавойнинг хотинини йўлдан уриш қийин бўлса-да, бекорчиликдан сангиб юрган кучерлар қишлоқ жувонлари кетидан илиқиб юрганлари юрганди. Маллавой шимининг кўп ишқаланадиган жойларини олдиндан шундай усталик билан ямаб қўярдики, натижада тиззанинг кўзи сўкиларди-ю, шим бутун қоларди.

Қўрғон дарвозасининг меҳмондўстларча очиқлигини фақат қариндош-уруғларгина тан олишмай, комитатнинг машҳур дворянлари ҳам қойил қолишарди. Улар бойваччани қандга ёпишган пашшадек ҳар томонидан ўраб олишди. Яношни овга, қарга ўйинига, винога ўргатишди. Бу ҳам унга қўл келарди: ичса кайф қилар, кайфлигида ўзини бахтиёр сезарди.

Бутлер аста-секин шинаванда улфатга айланиб борди. У вақтини меҳмонлар билан ўтказар, маишат қилар, овга борар, ҳамма ўйин-кулгиларда қатнашар эди. Уни комитатнинг жамоа ишларига ҳам жалб этдилар, шунинг учун комитат мажлисининг кузги сессиясида у «Виват!» гулдурол қишлари остида сўзга чиқди. Номдор магнатнинг буюк одам сифатида машҳур бўлиши осон. Бутлер арзимас масала юзасидангина — тош йўл қурилиши ҳақида гапирди, холос, бироқ шунга қарамай, у нотиқ Кельчеи¹ каби шуҳрат қозонди, аввал Кельчеининг глаб, кейин Бутлерни эшитган одам, уларнинг қай бири кучлироғикин, дея боши қотарди.

Комитат мажлисидан кейин ҳам графга муваффақият ҳамроҳ бўлди: тўғриси айтганда, бу ҳали дебоҳаси эди. «Буюк нотиқ»нинг мухлислари кўп бўлиб, улар ўз извошларига ўтириб уни Бозош имениесига

¹ Кельчеи Ференц (1790—1838) — танқидчи, шоир, венгр миллий гимнининг муаллифи, буюк нотиқ, либерал дворянларнинг раҳбарларидан бири, Кельчеи Венгрияда крепостнойлик ҳуқуқини йўқ қилиниши, мамлакат миллий мустақилликка эришуви учун зарур шарт-шароит мавжуд эканлиги ҳақидаги фикрни тарғиб этганди.

кузатиб қўйишга шошилардилар. У ерда уларни дабдабали зиёфат кутиб туришига амин эдилар!

Шундай бўларди ҳам. Асл кумуш идишларда тортилган ноз-неъматлар остида букилиб кетган стол бешта зал бўйлаб чўзилган бўлиб, буқалар, сон-саноқсиз гоз ва ўрдаклар сўйиларди; қишлоқдан таом тайёрлашни биладиган аёллар бизнинг марҳаматли Будаимиз томонидан дарров чақиртирилар ва шу заҳотиёқ рус подшошининг тахтга ўтириш маросимидан қайтган Миклош Эстерхази¹ айтиб бергани каби дабдабали зиёфат бошланар эди.

Зиёфат тез тайёрланар эди-ю, бироқ жуда узоққа чўзиларди: вақт ярим кечадан ўтган бўлса ҳам, жаноблар дастурхон атрофида ўтирардилар: улар қизариб қизишиб, соғлиқ учун бирин-кетин қадаҳ бўшагардилар. Нутқ винодан ҳам мўл бўлиб, ҳар бир нутқ ёш графни шарафлар эди. Эрам боғидаги гуллар ҳам нутқлардагидек ранг-баранг эмасди, юзлаб асалари уясидан ҳам бунчалик асал топилмасди. Меҳмонлар мезбоннинг иззатини жойига қўймоқ учун барча йўлларни ахтариб топардилар.

Процесснинг муваффақиятли тугаши учун ичардилар, мишмишларга қараганда, бир ҳафтадан сўнг гувоҳларни сўроқ қилиш бошланар эмиш; архиепископ Фишер соғлиғи учун ичдилар. Жаноб Вицманди фамилияли забардаст бир кимса «келмаганлар учун» қадаҳ кўтарди. Магнат уйида ҳамма бор, фақат дастурхон ёнида нозик нилуфар — шу дақиқа булут соясида қолган, қуёш нурини зориқиб кутаётган Борноц боғидаги муаттар гул етишмаяпти, холос. «Бироқ қуёшни ўғирлаб бўлмайди, жаноблар!»

Муҳтарам комитат маслаҳатчилари гулдурас қарсақлар билан қадаҳ кўтардилар, чунки ўша пайтлари ҳақиқатан ҳам қуёшни ўғирлаб бўлмади эди; тўғри, ҳозир ҳам ўғирлаб бўлмайди, бироқ комитат раҳбарлари бу каби жўн ўхшатишга чапак чалишмасди.

Залларда гул ва унинг муаттарлиги ҳақида суҳбаг давом этаркан, ташқарида қаттиқ сел бошланди. Шиддатли бўрон асрий дарахтларни ларзага солиб, эгилишга мажбур этар, ёмғир дераза тешикларидан оқиб кириб, хизматкорлар халқобларни артардилар.

¹ Эстерхази Миклош — герцог (1765—1833), венгр элчиси ва ҳарбий қўмондон.

Бу сафар меҳмонлар ниҳоятда кўп бўлиб, ҳамма хизматкорлар оёққа турғизилди, ҳатто иш бошқарувчисининг ўзи муҳтарам Будаи ҳам қўлтиғида вино шишалар таширди.

Катушка қора қаҳва тортар, Видонка эса эпчиллик билан тишида тиқинларни суғурарди.

Бирдан чақмоқ боғни ёритиб юборди, кетма-кет момақалдироқ даҳшатли гумбурлаб, мустаҳкам деворларни ларзага келтирди; стол устидаги идиш ва қадаҳлар сакраб тушди. Сўнгра орага чуқур сукунат чўкди.

— Уйга яшин тегди шекилли,— деди граф Янош.

Шу заҳотиёқ дарвоза гийқиллаб очилди, меҳмонлар диққат билан қулоқ солишди: ҳовлига қандайдир арава кириб келгани эшитилди.

— Видонка, бориб қаранг-чи, ким келдийкин?— буюрди граф,— ким бўлишидан қатъий назар, йўловчига тунаш учун жой ва овқат тайёрлаш керак. Ташқарида ҳаво жуда ёмон! Менга қаранг, Видонка, агар йўловчи юқори табақадан бўлса, бу ёққа олиб киришингиз мумкин.

Видонка сал ўтмай рангида ранг йўқ, қайтиб кирди: унинг тиззалари титрар, тиши тишига тегмасди.

— Ким экан?— сўради Бутлер.— Сизга нима бўлди, Видонка, безгак тутяптими? Нега жавоб бермайсиз?

— Ҳазрати олиялари графиня ташриф буюрдилар,— гўлдиради Видонка.

— Қанақа графиня?— ҳайрон бўлиб сўради граф Янош.

— Сиз жаноб олийларининг ожизалари, Мария Дёри.

Ун биринчи боб

ИККИ ГУЗАЛ АЕЛ ПОРТРЕТИ

Залга чуқур сукунат чўкди, уни фақат катта бронза соатнинг тантавор чиқиллаши бузар эди. Қандиллардаги шамлар бир текис аланга билан ҳамма ёғига кийик ва тоғ такаларининг шохлари сингари хилма-хил ов ўлжалари осиглиқ деворга соя тушириб ёнарди.

Граф Бутлер худди қаршисида ваҳимали арвоҳ бордек, Видонкага донг қотиб тикилиб турарди. Қалтироқ

қўлидан винолик қадақ тушиб чил-чил бўлди, ичимлик дастурхонда сариқ доғ қолдириб, граф Янош томон оқиб кела бошлади. Бошқа пайтларда «Оҳо-о, зиёфат бўлар экан!» деган ҳайқириқлар эшитилган бўларди. Лекин ҳозир ҳеч ким чурқ этмади. Гўё юзлаб одамлар ҳазил-мутойиба ва аскияни ҳайдаб юборган даҳшатли жимликни бузишга юраклари дов бермаётгандек туюлар, қўшни заллардан эса хушчақчақ овоз янграрди: у ердагилар ҳали воқеадан беҳабар эдилар.

Шу пайт жимликни биринчи бўлиб эшикни ланг очиб юборган жаноб Будаи бузди. Иш бошқарувчи Видонка билан арава овозини эшитиб ташқарига чиққанди. Бироқ у бундай хунук хабар билан аввал дурадгорни киргизиб юбориш кераклигини фаҳмлади, ўзи эса афти қўрқувдан чўзилиб кетган ҳолда бир оздан кейин кириб келди. У ҳозир ҳам эшикдан нари кетишга журъат этмас, остонада тўхтаб, талвасага тушган Бутлернинг саросима ва қатъиятсизликдан буришиб кетган башарасига тикилиб турарди.

Оқ кўнгил иш бошқарувчининг овоз чиқариб фикр қилишдай бемаъни одати бор эди. Кўпинча бундай қилмасликка уринарди, бироқ, ҳозир, хўжайин қандай қарорга келишини ваҳима билан кутар экан, Будаи ўзини тутиб туролмай, гўё ўз-ўзи билан гаплашаётгандай оҳиста деди:

— Боёқиш хонимнинг тоблари йўқ.

Худди шу сўзлар машъум дақиқада Бутлернинг сўз қотишига сабабчи бўлди чамаси.

— Хўш, нега менга бақрайиб қолдингиз?— ғазаб билан ўшқирди граф бўғиқ овозда Будаига тикилиб.— Нега менга бундай нарсалар ҳақида ахборот берасиз? Бечора келган экан, бошпана беринг.— Бутлерларда уйга келган одамни, ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ у қароқчи, хоҳ қашшоқ, хоҳ душман бўлмасин, ҳайдаб юбориш одати йўқ эди. Улар ҳеч қачон келган кимса кимлигини суриштириб ўтиришмасди.

Шундай дегач, Янош столдан бошқа қадақ олди-да, бир кўтаришда бўшатди.

Будан саросимада бир-икки қадам ташлаб, яқинроқ келди-да, бўғиқ овозда:

— Хоним бир ўзлари эмас, ҳазрат олийлари,— деди.

— Қим билан экан?

Иш бошқарувчи бундай хабарни ҳаммага эшит-

тирарли қилиб айтсаммикин, дея бир оз иккиланиб турди.

— Ёнларида... ёнларида...

— Хўш, ким бор ёнида?

— Нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Ёнларида ачави... уйхейлик энага аёл бор,— деди-ю, жаноб Будаи сўзларининг оқибатидан чўчигандай ошиқич чиқиб кетди: нима бўлганини бошқалардан эшита қолар...

Е, алҳазар! Шу пайт чунонам шов-шув кўтарилдики, одоб чегарасидан асар ҳам қолмади. Ана холос! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа! Мария бу ёққа келишга журъат этибди-я, яна қай аҳволда денг?

Ҳайратомуз бу воқеа бир зумда ўзгаларнинг бахтсизлигидан севинадиган одамлар қалбида бахиллик, ўзини ҳамдард қилиб кўрсатиш орқали атрофни бузадиган риекорлигу, ҳамма нарса билишга ошиқадиган ҳангаматалаблик, билгандан кўра кўпроқ нарса гапиришдек ғийбатчилик туйғусини қўзғатди. Айримлар кўрганларини бошқа залларга тарқатиш учун ўринларидан сакраб турдилар, яна бирлари кулгиларини яширганча ўзаро зимдан кўз қирларини ташлаб қўйдилар, учинчи тонфалар қўлларини стол остига яширарканлар, сурбетларча дангалига ой санай бошладилар, май, июнь, июль, август, сентябрь... жами беш ой! Ҳа-ҳа-ҳа, беш ой! Дераза ортида шамол дарахтларни қаттиқ тебратар, гоҳида залга ҳам бостириб кираркан, ҳамма билан жўр бўлиб: «Ҳа-ҳа-ҳа, беш ой!» деяётгандек бўларди. Ҳатто соат ҳам чиқиллашини ўзгартириб: «тиқ-тиқ, беш-беш, тиқ-тиқ, беш-беш», деяётгандай туюларди.

Граф Бутлер ўзини креслога ташлади, пешанасини совуқ тер босди. Рўй берган воқеа зулматни чақмоқ каби ёритгандек бўлди, унга энди ҳамма нарса аён: Дёрини бундай қалтис ишга нима мажбур этгани, шошма-шошарлик ва зўрлашлари — ҳамма-ҳаммаси аён... О, номус уят, умрбод уятга қолди! Улкан меҳмонхона деворларидан ажодлари — Бутлерлар зотига мансуб яроғ-аслаҳа ва қалқонли: рицарлар унга хўмрайиб қараб туришарди. Улар гўё: «Хўш, бунга нима дейсан?»— дея сўраётгандай туюларди. Забардаст Дьердь Бутлер эса Яношга худди найзасини ўқталаётгандай.

Граф сесканиб, кўзларини юмди. Йўқ, бу хаёл, холос.

Ё парвардигор, хаёл-ку, ахир. Бироқ ҳеч қачон ўзига доғ туширмаган баҳодир Дьердь ҳозир гўридан туриб

келса, учи ўткир найза ҳақиқатан ҳам суратдагига нисбатан даҳшатлироқ бўларди. «Оқ от устида» тахтга ўтираётган қирол лашкарбошисига ярашиқ бир қўлида тантанавор найза, иккинчисиди мис фанфара ушлаб турган отлиқ атиги сурат эди, холос. Лекин суратга жон кириб, отлиқ фанфарани лабига теккиза олса, нима деб жар солардийкин? У «Ўлдир!» дея даъват этган бўларди.

Яношнинг қони қайнаб кетди, кўкраги кўтарилиб туншаркан, боши ғувиллади. Меҳмонхона деворларидаги ҳамма аждодлари забардаст Дьерднинг даъватига жўр бўлиб, бир овоздан «Ўлдир, ўлдир!» деяётгандек туюларди. Соатнинг ҳар бир занг уриши миясига болғалаётгандай туюла бошлади. Аста-секин болғалаш кучайяпти. Ҳаммаси: «Ўлдир! Ўлдир уни!» дея такрорляпти.

«Хўп, яхши, ўлдирганим бўлсин!»— деди Янош шартта ўрнидан туриб.

Ҳамманинг нигоҳи унга қадалган. Меҳмонлар учун дастурхон ясатилган рицар залининг деворлари турлитуман қурол-аслаҳа, гурзи, милтиқ, тўппончалар билан тўла. Биттасини олса, бас... Тўғри, бироқ меҳмонлар қуролни қўлидан олиб қўйишади-ку.

— Жаноблар, рухсатингиз билан ташқарига чиқсам,— деди Янош худди ер остидан чиқаётгандек бўғиқ овозда.— Адвокатимга бу кўнгилсиз воқеа ҳақида ёзиб юборишим зарур. Сизлар вақтичоғлик қилаверинглар.

Янош тўғри ўз кабинетига йўл олди. Икки хизматкор унинг олдида шам кўтариб боришарди.

— Сизларга рухсат,— дея хизматкорларига жавоб бериб юборди Янош.

Бутлер ёзув столининг ғаладонини тортди, у ерда доим ўқланган тўппонча бўларди. Тўппонча қоғозлар остида ётгани сабабли, Бутлер уни топиш учун қоғозларни титкилай бошлади.

Бутлер тўппонча тепкиси остида ётган оқ лентача ва қандайдир қуриган хасни кўриб қолди. У хасни кўздан кечиран экан, бу ерга қандай қилиб келиб қолдйкин, тўппонча ифлосланмадимикин, дея хаёлидан ўтказди. Бироқ граф тўппончани пуфлаб тозалагач, тўсатдан бу қуруқ хас ўша оқ чиннигул, Борноцда Хорват боғидан ариқча орқали биринчи кемачада оқиб келган «учқун»лиги, Пирошканинг биринчи хати ўралган ўша оқ лента эсига тушиб қолди. Патакдан келтирилган бу табаррук

муҳаббат рамзини унинг камердинери шу ғаладонга беркитиб қўйган. Ширин хотиротлардан Яношнинг қалби бир оз таскин топди ва у: «Азизим, қайданам шу дам кўзимга кўрина қолдинг? Қотиллик қилмоқчи бўлиб турган бир пайтимда нима истайсан? Йўл тўсиб, тўппончамни бузмоқчимисан? Айт, нима истайсан?»— дейишдан ўзини тийиб турулмади. Шунда қовжираб қолган гул жавоб берди: «Ўшанда, эсингда борми, уйингда тур, бир қадам ҳам жилма, йўқса, мусибат бўлади, деб огоҳлантирдим. Ҳозир ҳам шу гапимни такрорлайман. У пайтда оппоқ эдим, ҳозир сарғайиб қолдим, бироқ маслаҳатим шу: жойингдан қимирлама, йўқса, бахтсизлик рўй беради».

Кимдир дераза тақиллатди. Бутлер ҳайратда нигоҳини кўтарди. Эҳа, ҳеч гапмас, фақат тўдасидан ажралиб, ҳўл бўлган қалдирғоч экан, холос, унинг дўстлари ўтган куни жанубга учиб кетишган, у бечора эса қолиб кетиб, энди кузнинг совуқ ёмғири остида қалтирамоқда. Қуш дараза рафига биқиниб олган, бироқ ёмғир у ерда ҳам боёқишни тинч қўймапти, бечора бошпана қидирмоқда. Бутлернинг қушчага раҳми келди. Уни ичкарига кирғизиш керак, ахир, ҳар қалай жонивор-ку.

Янош тўппончани қўйиб, деразани очди. Қалдирғоч хонага ўзини ураркан, гир айланиб уча бошлади. Унинг шалаббо қанотларидан ерга ва уй жиҳозларига сув томчиларди. Ниҳоят, қушча Бутлерларнинг оилавий номлари ёзилган каттакон ойнанинг тилла зарҳал ромига қўндида, яйраб сайради. Граф нигоҳини кўтариб, ойнада ўз аксини — изтиробли, шикаста башараси, қон қуйилган кўзларини кўрди, орқада эса олижаноб аёл чеҳрасига, ойнада акс этган онаси — Мария Фаининг суратига кўзи тушди. Аёлнинг қип-қизил лаблари табассум қилаётгандек эди, назарида, онаси ёқимтой товушда: «Ўғилгинам, ўғилгинам, совуқда қалтираб қолган қушчага раҳм қилдингу, қандай қилиб одам ўлдира оласан?» дея мурожаат этаётгандай бўлди. Янош онасининг суратига маҳлиё бўлиб, бутун дард-аламларини тўкиб солиш учун унга ўгирилди.

Янош Бутлер сурат қаршисидаги ёзув столи ёнида турган креслога ўтирди ва портретга маҳлиё бўлиб узоқ тикиларкан, гўё суратга жон киргандек бўлди. Аёлнинг келишган қадди-қоматига ярашган оқ шоҳи кўйлак устидаги тўр шилдираб, марварид шодаси товланди.

Она портрети ёнида Тициан мадоннасининг айнан ўзгинасига ўхшаш Биби Марямнинг сурати, акс этган бошқа портрет осифлиқ эди. Иккала аёлнинг ҳам пешана-си кенг, кўзлари равшан. Портретлар гўё икки аёл баъзан бир-бирлари билан суҳбатлашиб олишларига им-кон берилгандай, ўзаро муқобил осилган эди.

Имкониятлари бўлса нима дейишардийкин улар?

Авлиё она (у беҳудага Биби Марям дейилмайди), балки дугонасини юпатиб: «Менинг ўғлим бут кўтариб юрган, у жуда кучли эди», деган бўлармиди.

Бунга жавобан Бутлер хоним: «Менинг ўғлим ҳам бут кўтариб юрибди. У ҳам кучли бўлади», — деярдди.

Икки она ўз ўғиллари билан шу йўсинда фахрла-нардилар.

Шу ҳақда ўйларкан, ёш графнинг кўзларидан ёш тирқираб, мажруҳ қалби бир оз енгил тортди. У боши-ни столга қўйиб, тўппонча ва қуриб қолган чиннигул ҳўл бўлгунга қадар узоқ ва алам билан йиғлади. Фа-қат йиғи билангина аламидан чиқди. Худо ўз бандала-рига ана шундай кўз ёши учун кўз ёши билан жазо бе-ради, йиғи эса, умиднинг ҳаётбахш малҳамидир.

Бутлер кўз ёшларини артгач, меҳмонларни эслаб ичкарига ошиқич кирди-ю, заллар бўшлигини кўрди. Меҳмонлар супуриб ташлангандек бир зумда ғойиб бў-лишганди.

— Кетишди.

— У ҳолда отни эгарланг.

Кўп ўтмай ташқарида унинг сеvimли учқур оти Олов сабрсизлик билан пишқира бошлади. Граф кул ранг плаш кийиб, йўлакдан ўтиб бораркан, бурчақда тамаки тортиб турган хомуш Будаини кўриб қолди. Иш бошқа-рувчи хўжайинга кўзи тушиб, эҳтиром билан ўрнидан турди.

— Ҳали ухлаганингиз йўқми, Будаи амаки?

— Худди шундай, ҳазрати олийлари, чақмоқ чақи-шини томоша қилиб турибман, уйқум келмаяпти.

— Шундай бўлса ҳам бориб ётинг, кекса одамга ором керак.

— Қачон қайтасиз, ҳазрати олийлари?

— Балки бир ҳафтадан кейин, балки бир йилдан кейин, балки ҳеч қачон қайтмасман. Фақат сиз, Будаи амаки, шундай қилингки, гўё ҳар дақиқа менинг қайти-шимни кутаётгандай бўлинг.

— Хўп бўлади, тушундим. Бошқа топширигингиз йўқми?

— Йўқ, бўлмайди ҳам. Ҳа, дарвоқе, менинг хонамда қалдирғоч қолган, барака топинг, айтинг, ўша қушни эрталаб қўйиб юборишсин.

— Хўп бўлади... Аёл масаласида-чи...

— У ҳақда ҳеч қандай топширигим йўқ. Билганини қилсин.

Бутлер отга сакраб минди-да, йўлга тушди. У икки кун тўхтатмасиз от елдириб, фақат ўқтин-ўқтин қишлоқлар, дворян усадбаларида, тамадди қилиш, отини тўйгазиб олиш учунгина тўхтади, холос. Магнатларнинг қўрғонларини четлаб ўтди: Иллексазадаги ўз қўрғонига кирди-ю, лекин у ерда ҳам фақат икки кунгина бўлди; унга ташвиш ва ғам-алам тинчлик бермасди. Учинчи кунни граф энг чопқир отни эгарлашни буюрди ва Патакка Иштван Фаи ҳузури томон олиб кетди.

Чол уни қовоғидан қор ёғиб кутиб олди.

— Яна номаъқулчилик қилдингми? Нега ўша аёлни ҳайдаб чиқармадинг? Энди ўзингни Бозошдаги қўрғонингга қайтишинг мумкин, агар кўнглингга бола йиғиси ёқса, мадемуазель Бутлердан бўса олишни истасанг, марҳамат, бугун қизчанинг туғилганига бир кун бўлди: Эрталаб Будаи хабар берувди.

Ун иккинчи боб

ЭГЕРДАГИ ҚИЗГИН КУНЛАР

Кейинги воқеалар чексиз изтиробу кураш билан тўла. Эрталабданоқ ҳаво қовоғини уюб олди. Яқингинада нурафшон либосга бурканиб шудринглар узра хушчақчақ одимлаётган куёш булут парчалари ортига яширинаркан, нур сочмас, ҳароратсиз кўздан ғойиб бўлганди. Ҳали-замон мўралаб, илиқлик таратмоқчи бўларди-ю, аммо жадал етиб келган булутлар юзини тўсарди-қўярди. Арзимас булут парчаси-я! Пуф десанг, тарқаб кетадигандай.

Ғамгин воқеанинг қисқача тафсилоти ана шундан иборат.

Булут энди тарқаб, умид учқуни пайдо бўлди дегунча яна бошқа булутлар етиб келарди. Кеч кириб, оқшом чўкмагунча шу такрорлангани такрорланганди.

Осмонни ўзи истаганча тасвирлай олувчи ёзувчи бахглидир. Бироқ мен солнома ёзяман. Граф Янош Бутлер шу ерларда, шу булутлар остида юрган, орамизда азоб чеккан; ҳалигача бир вақтлар у билан қўл ушлашиб кўришган, унинг ғамгин чеҳрасига боққан одамларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

Иш кўриш кунини қонунчилар суди тўртинчи октябрга белгилаган эди, бироқ мажлис бўлмади, раислик қилувчи архиепископнинг қорни оғриб қолди. У қандайдир бўлмағур қўзиқорин еб қўйган эмиш. Архиепископни заҳарлаб қўйишди, деб қўрққан қонунчилар ишни қоддиришди. Бечора Перевицкий газабидан тишларини ёнжирлатарди.

— Ишни пишитиб қўйган эдим-а! Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек бўларди!

Мажлисни январга кўчиришди.

Бироқ қиш ўша йили жуда қаттиқ келди.

Тарих бу қишнинг икки хил ғалати хусусиятини қайд этади: биринчидан, Токайда сюрет¹ байрамини икки марта нишонлашди, чунки узум ҳосили йиғиб олинмасданоқ март ойида ёғадиган қор Хедяля тоғ ёнбағирларини қоплаб олди ва узум ҳосилини келаси йил баҳорда йиғишга тўғри келди, кузда эса иккинчи марта ҳосил йиғилди. Биринчи хусусият ана шу.

Бу қишнинг донғини таратган иккинчи хусусият бутун дунёга машҳур. Россияда Наполеон лашкарлари яксон қилинди. Унинг қолган-қутганларини эса қаҳратон қиш йўқ қилиб юборди.

Дарвоқе, тарих яна бир диққатга сазовор хусусиятни яшириб кетган — бу ҳол фақат бизнинг баёнимиздагина акс этган, чунончи, Эгерда ҳам деярли ҳамма кексалар қазо қилишган қаҳратон қиш бўлган. Шу муносабат билан одат бўйича ҳар пасхада «оқ зиёфат» деб аталмиш меҳмондорчиликка қарияларни таклиф этадиган архиепископ етарли миқдорда нуроний чолларни тополмагач, кексаларни қўшни қишлоқлардан таклиф этишга мажбур бўлди.

Ҳа, даҳшатли қиш бўлганди! У қонунчилар ўртасидан ҳам бир йўла учтасини олиб кетди, шу жумладан, бош нотиқ ҳазрат олийлари Йожеф Яблончини ҳам.

¹ Сюрет — одатда, октябрь ойида нишонланадиган узум ёриш байрами.

Аксига олиб, ўлганларнинг учаласи ҳам Бутлер тарафдорлари эди. Айниқса, Яблонцининг ўлими оғир йўқотиш бўлди: у никоҳни бекор қилиш тарафдорлари бўлмиш руҳонийларнинг илҳомчиси эди. У кимда-ким оёқдаги тиканни олиб даволаса, худонинг марҳаматига сазовор бўлади, деб уқтирарди. Кимки, тикани кўринмасга бўлгани, деб ичкарироқ киритса — оёқни даволаш у ёқда турсин, бутун тананинг касалланишига сабаб бўлади ва имони куйиб кетади, дерди.

Жаноб Перевицкий учта қонунчилар ўлимини янги йил тонгида эшитди. У шу пайт ўз ойимча жиянлари билан ибодатхонага бормоқчи бўлиб, қизиган омбир билан кўйлагининг кўкрак бурмаларини текислаётганди. Адвокат хатга кўз югуртириб чиқди-ю, ҳайқириб юборди: «Алдашди, хонавайрон қилишди, пулларимни олиб қочишди!»

У тўсатдан юрагини чангалларкан, омбирни тушириб юборди ва худди кимнидир қувиб кетаётгандай қийқирди-да, жонсиз танаси ерга қулади. Афтидан, ҳаяжондан ўзини тутолмагану дорилбақога равона бўлган уч қонунчилар ортидан қувиб кетган. Падари ҳазратлари энди ёмон аҳволда қолишди, чунки Перевицкий астойдил киришган экан, албатта уларни қувиб етади ва дорилбақонинг қайси бурчида бўлмасин ўз улушини олади!

Ҳарқалай, у енгилтаклиги билан Бутлернинг ишини расво қилди. Перевицкий калаванинг учини топиб, усталик билан ҳамма далил-исботларни тўплаган, ҳужум режаларини тузаркан, процессда иш берувчи стратегия ва тактика яратганди. Айрим суд аъзолари ва гувоҳларга қандай таъсир қиладиган воситалар, ишни қандай олиб бориш, қандай ҳаракат қилишни биларди. Филдирак тўхтаб, улкан соат механизм юрмай қўйди.

Кутилмаганда Михай Сюч исмли унгарлик бир адвокат процессни давом эттиришни ўз бўйнига олди. Ишни бошдан-оёқ кўриб, ҳужжат ва фактлар билан танишиб чиқиш учун вақт қолмагани сабабли Бутлер тарафдорларининг ўзлари мажлисни қолдириш тўғрисида илтимос қилишга мажбур эдилар. Яна ёз фаслини кутишга тўғри келди.

Бутлер бу вақт ичида ҳамма имениеларини бирин-кетин айланиб чиққан. Мария Дёри билан бекинмачоқ ўйнаб юрди. Бир кун ийўргакланган чақалоқни кўтариб олган Мария графни Парданида учратиб қолди. Бутлер ар-

ғувон остида севимли ити билан ўйнашиб ўтирганда ҳовлига Бозошдаги извоши кириб келди.

Мотам либосидаги Мария извошдан сакраб тушдида, энага қўлидан чақалоқни олиб, Бутлер қаршисига, шундоққина шағал устига тиз чўкди.

— О, тақсирим,— деди у ёлвориб титроқ овозда,— бизни кечиринг!

Чақалоқ йиғлаб юборди. Ривоятда Мария-Тереза жажжи Иосифини¹ Пожонида чимчилаб олгани каби, у ҳам чақалоқни чимчилаб олган, дейишади.

Граф совуққонлик билан тескари қаради.

— Мен сизни танимайман, бироқ назаримда, ақлингизни еб қўйганга ўхшайсиз.

Бутлер шундай дегач, отларни эгарлашни буюриб, чорак соатдан сўнг Вуницдаги ов қўрғони томон от елдириб кетди. У извошда ўтирар экан, имене иш бошқарувчисига аччиқ киноя қилди:

— Одамда қўрғон кўплиги ҳам яхши экан. Истаган пайтингда турар жойингни кўйлак каби алмаштириб туришинг мумкин.

У шу гап орқали никоҳ иплари билан боғланган бу аёлга нисбатан бўлган ҳадсиз нафратини вайсақилар ёзиб ташлаган тўп-тўп қоғозлардагидан ҳам афзалроқ ифода этди.

Келаси ёзда қонун суди ниҳоят ишни кўришга киришди.

Саратоннинг иссиқ кунлари бўлиб, қиш узоқ ва қаттиқ келгани учунми жазира нафас олдирмасди.

Шунга қарамасдан суд иши шаҳарда катта қизиқиш уйғотди. Архиепископ саройига туташ кўчаларда процесс қатнашчиларини томоша қилиш учун оломон тўпланар эди.

Ўз вақтида бу шаҳардан туркларни ҳайдаб чиқарган жанговар аёллар бу ерда кўринишмасди². Ҳозирги

¹ Миксат бу ерда императрица Мария-Тереза венгр сейми мажлисига ўз болалари билан келиб, йиғлатиш мақсадида ўғлини чимчилаб олгану, шу билан венгр магнатларининг раҳм-шафқатларига сазовор бўлган ва улар Габсбург династияси учун бўладиган урушда қўллаб-қувватлашга рози бўлишгани ҳақидаги ривоятга асосланган (Австрия тахти учун бўлган етти йиллик уруш).

² Бу ерда 1552 йилдаги Эгерни турклардан қаҳрамонларча ҳимоя қилиниши кўзда тутилади (ушанда шаҳар мустақкам истеҳком эди), хотин-қизлар айниқса жасорат ва фидокорлик кўрсатгандилар.

аёллар фақат синчковликлари билан ажралишар, уларни истаган деразада кўриш мумкин бўлиб дераза етишмаганлар аёвсиз қуёш нурлари остида туришарди. Хуллас, кўчалар одамлар билан лиқ тўла, тартиб сақлаш учун отлиқ миршаблар ҳам чақиртирилганди.

Биринчи тўрт от қўшилган қўнғироқли извошда Мария Дёри келди. У гўзал ва келишган, эғнида қора кўйлак, юзини тўсиб турган қордек оппоқ тўр остидаги йирик кўзлари дадил боқарди.

Дёри тарафидаги процесснинг ҳамма иштирокчилари Эгерга бир кун аввал етиб келишиб, шаҳар меҳоналарида жойлашиб олгандилар. Бироқ бугун кўчаларни тўсиб қўйган оломон тўплангани сабабли Мария Дёри-Бутлер архиепископ саройининг нақ ўзигача извошда боришга мажбур бўлди. Мариянинг ёнида оқ похол шляпасини кўзларигача бостириб олган кекса Дёри ўтирар, унинг сийрак сарғиш-оқ соқоли бултур туллаган қуш патига ўхшаб кетарди.

Оломон сукут сақлаб турганди, тўсатдан қандайдир кўнчи уста қичқириб юборди:

— Қизча чакки эмас-ку!

Уни «жим бўл» дегандек туртиб қўйишди.

Кимдир:— Яшасин Пирошка Хорват!— дея бақириб юборди.

Юзлаб овозлар унга жўр бўлди:

— Яшасин Пирошка! Пирошка!

— Қур-қуру!— шивирлади кекса Дёри соқолини тишлаб.— Бу ялангоёқлар сени мазах қилишга журъат этапти. Кўзларига қараб кулиб қўйсанг-чи!

— Дада, индаманг! Бусиз ҳам ер ёрилиб, ерга кириб кетай деяпман!

Извош қонунчилар суди тўпланган архиепископ саройи олдида тўхтади. Мария извошдан тушаётганда кўйлаги барини сал кўтарганди, ихчам қора туфлисию оппоқ пайпоқли чиройли оёқларигача кўриниб кетди.

Архиепископ саройининг дарвозасига суяниб олган соқолли юрист студент ҳайрат билан қичқирди:

— Агар шундай гўзал аёлдан воз кечса, графга қанақаси керак яна?!

Мария Дёри ноқулай аҳволдалигида унга йўлланган бу мақтов сўзлари мадад бўлди. Келаётиб кўча-кўйда одамлардан нафрат тўла танбехлар эшитгани учун ҳозирги олқиш хийла кўнглини кўтарди. Кимдир ахлат

орасидан ковлаб чиқарган гул латофати билан ахлат жирканчлигини ёпиб юборганидай, студентнинг сўзлари ҳам Марияни умумий нафратдан муҳофаза қилди. Мария қувончдан юраги тез-тез ураркан, ахир у ҳам аёл-да,— жилмайди-да, тустовуқ каби гердайганча зинадан юқори кўтарила бошлади.

Бу орада оломон извошга ташланиб, унинг эшикларидаги Бутлернинг кумуш герби, абзалларини юлиб ташлади. Халқ шу йўсинда Бутлер иши устидан ўз ҳукмини чиқарган эди. Извошчи ўриндиқда ўтирган жойида оломон ҳаракатини илжайиб кузатарди.

Аста-секин судга чақиртирилган бошқа шахслар ҳам йиғила бошлашди. Аравада гайдук Гергей ва Симанчи хола келишди; эрталаб куёвларнинг хонасига кириб, «уларни бирга» кўрган чаққон ходима Нина Биро ва камердинер Йозеф Томани ҳам ҳозир бўлишди. Учинчи аравада Кажмари билан Есенка, миршаблар, тўртинчисида оласрёсклик поп билан гапга берилиб кетган барон Дёрининг адвокати Пал Қальмар ҳам келди.

Халқ процесснинг бу аъзоларини танимасди. Ҳаттоки ишнинг тафсилотини яхши билганлар ҳам келганларни ким бўлиши мумкинлигини тахмин этардилар. Фақат поп Сучинкагина унга қарата отилган палағда тухумдан жабрланди. Тухум унинг елкасига тегиб, устбошини ифлос қилди.

— Минг лаънат сизларга, дажжол каламушлар!— дея дўқ қилди ҳазрат.

Бир оздан кейин кўчанинг у бошида Бутлерлар кўринишди. Улар тўғри қишлоқдан келишганди, чунки шу атрофда Яношнинг имениеси бор эди.

Граф Парданьский Эгерга шахарликларни ҳайратда қолдириб, руҳонийларга таъсир кўрсатиш учун қиролларча дабдаба билан кириб келди, ҳар ҳолда Иштван Фаининг мўлжали шундай эди.

Қарвон бошида ўрин-тўшак, ҳар хил идиш-товоқ эритилган ёғ солинган катта-катта бидонлар, хилма-хил дудламалар ортилган оғир юкли аравалар тақиртуқур қилиб келарди. Эгерда ҳам Бутлернинг кўпинча бўш ётадиган кимсасиз саройи бор эди.

Тўртта аравадан кейин, иккитасига аранг сиққан оқ кийим, оқ қалпоқларда ошпаз болалар, ошпазлар келишди. Яна икки аравада жилвакор қизил кийимлар-

да ясанган графнинг лўли музикачилари келардилар. Уларнинг кетидан егер ва отбоқарлар кузатувида графнинг эгарланган отлари кўринди.

Шу билан карвон узилиб қолди-ю, фақат бир оздан сўнг сариқ шоҳи ёпиндиқ, зарғалдоқ рангли шалвор кийган, биқинига карнайча танғиб олган отлиқ кўринди. Бу жарчи бўлиб, унинг сигнали, жуда эътиборли жаноб келяпти, ҳамма йўлни бўшатсин, деган маънони билдирарди. Жарчининг кетидан кичкина, лекин бақувват отларда эгарларига борлаб қўйилган иккита машъалчилар келишарди. Ниҳоят, эгниларида қизил нимча, ҳуснларига ҳусн қўшиб турувчи узун мўйловли, йигирма тўрт нафар баланд бўйли, юзлари чандиқ паҳлавон гусарлар шўх отларини ўйнатиб ўта бошладилар. Яқин ўтмишда улар Наполеонга қарши жангларда қатнашганлар, фақат унда кўпчилик эдилар, граф Парданьскийнинг ҳомийси бу урушга икки минг нафар абжир гусарларни ажратган эди.

Бутун карвон узра чанг тўзони кўтарилганди. Уша пайтлари жаноб қанчалик эътиборли бўлса, чанг тўзони шунча кўпроқ бўларди; бу чангни ҳатто энг катта жаноб ҳам атир ҳидини ютгандай ютарди, чунки чанг чиқим талаб этмасди-да.

Ниҳоят, чанг-тўзон орасида граф Бутлернинг кетмакет бешта қора отга қўшилган извоши кўринди, олдинги уч отга ездовойлар миниб олишганди. Извош ёнида қизғиш камзулли, озғин югурдак бола терга ботиб югуриб борарди.

Извош орқасидан яна йигирма тўрт гусар оқ ёпиндиқ оқ ёлли саман отларни йўртиб келардилар. Отлар гўё бир онадан тарқалгандай бир-бирларига ўхшаб кетардилар. Бу ажойиботни кўрган одамнинг ҳайратдан эси оғиб қоларди.

Фақат графнинг извошигина безалмаган, оддий, эскирган арава эди. Извошдаги Фаининг ёнида оддий кийимда юмшоқ шляпа кийган Бутлер ўтириб келарди. Унинг устидаги кийим-бош қиммати битта гусарнинг нимчасидаги тугмачалик ҳам эмасди. Бироқ магнат бўлиш санъати худди ана шундан иборат.

Арава ёнида елкасига иккита фляга осган отлиқ маҳрамвачча келар: флягаларнинг бирига вино, иккинчисига булоқ суви солинганди. У флягани қудуқ ва булоқлар олдида тез-тез тўлдириб турар ва яна шошиб

карвонга етиб оларди: шунинг учун ҳам маҳрамваччага энг учкур от берилганди.

Бу каби тантанали юришлар бу ерларда энди жуда кам учрайди. Тоғ ёнбағирларида Ноград ёки Нитрада Цобар Иллех, Банашша каби магнатлар шунақа юришлар қилиб туришарди. Фақат тантанали дамларда, масалан, янги губернатор ёки епископ тайинланганда шундай дабдабалар бўлиб туради.

Тўрттадан от қўшилган яна иккита извош ўтди. Уларнинг бирида Хевеши именнеси бошқарувчиси билан Жига Бернат ўтиришар, улар гусарлар камроқ бўлиб, гувоҳлар кўп бўлганида яхши бўларди, дея суҳбатлашиб борардилар. Уларнинг фикри тўғри, чунки Бутлернинг гувоҳлари биргина извошга жойлашгандилар, негаки улар фақат икки кишидангина иборат эдилар, холос, яъни Видонка ва мадам Малипо. Лабларининг қимирлаши, кескин имо-ишораларига қараганда, улар ҳам нима ҳақдадир суҳбатлашиб келардилар. Мадам Малипо фақат французча ёки немисча, Видонка бўлса словакча ё венгрча гапиришни билганлари сабабли суҳбатдошларнинг гаплари бир-бирларига умрбод сир бўлиб қолди.

Улар шаҳарга яқинлашганларида маккажўхоризордан бир қуён чиқиб, Бутлер извоши олдидан, отлиқ гусарлар орасидан югуриб ўтди. Қандай журъат этди, беақл!

Бутлер иримчи бўлгани учун бадани жимирлашиб кетди.

— Бу шайтоннинг ўзи, амаки!

— Қўрқма!— кулди Фаи.— Ҳеч қандай шайтон йўқ, ишонавер. Шайтон бундай бўлмайди. Тўғри, ўзим уни кўрмаганман, лекин Дебреценда менинг бир дўстим — профессор Иштван Хатвани деган адашим бор, у ҳатто шайтон билан гаплашганман деб ишонттиради. У шайтондан: «Сен кимсан, эркакми ёки хотин? Одамлар кўзига қандай кўринасан?»— деб сўрабди. Шайтон бўлса: «Шундайки, ҳатто хаёлингга ҳам келтирмагансан»,— деб жавоб берибди. Биз бўлсак, азалдан биламиз, қуён—ёмон аломат, демак, бу ҳеч қандай ёмонликнинг нишонаси эмас. Шайтон аҳмоқ эмас, у ёмонлик нияти бўлса, қуён қиёфасига кирмаслик кераклигини билади. Кўпроқ биронта қонунчи қиёфасида намоён бўлиши мумкин.

Шу пайт улар шаҳарга кириб бордилар, Хатвани кўчасига бурилишлари биланоқ, Бутлерни таниб қолган халойиқ ўртасида олқиш хитоблари янгради. Бу олқишдан ҳатто архиепископ саройи ҳам шундай ларзага келдики, қонунчилар, суд аъзолари Бутлер келганини дарров пайқадилар.

Айрим шаҳарликлар шляпа силтаб олқишласалар, деразалардан қараб турганлар рўмолчаларини силкитардилар. Тўсатдан кимдир Бутлерга гулдаста ташлади. Гулдаста одамлар боши узра учиб, тўғри Бутлернинг шляпасига келиб тушди.

Бутлер уни олди. Гулдаста ичида аёлларнинг сарғиш сочлари билан боғланган учта қизил «учқун» бор эди.

Янош гулдаста ташланган томонга ўтирилди-да:

— Пирошка!— дея бақириб юборди.

Унинг кўзи ўнгида бир дақиқага таниш, мулойим чеҳра — ўша кўзлар, ўша табассум, фақат қандайдир ғалати кўринишда намоён бўлди. Хатвани ва Немис кўчалари муюлишида бошига нўхат гуллик рўмол тағиб олган қадди-қомати келишган деҳқон қизи турганди. Бироқ Бутлер бу гўзални таниб олгунча, қизнинг сеҳрли сиймоси халойиқ орасида кўздан йўқолди.

— Бўлиши мумкин эмас,— деди ҳайрон бўлиб Фаи.— Нима деяпсан ўзинг?

— Уша! Уша! Деҳқон қизи кийимида,— хитоб қилди Янош қулфи дили очилиб.— Онт ичаманки, ўшанинг ўзи.

— Кўзингга шундай кўринган!

Ун учинчи боб

МУҚАДДАС СУД МАЖЛИСИ

Экипаж архиепископ саройи қаршисига келиб тўхтади; жаноб Сюч, адвокат уларни кутиб турганди.

— Ҳозир мажлис бошланади, ҳазрати олийлари.

— Ким раислик қиляпти?— сўради Фаи.

— Бош ҳакам¹.

— Архиепископ эмасми?

¹ Бош ҳакам — черков судининг бош судьяси.

— Архиепископнинг оёғи оғрияпти. Қандайдир яра чиқиб, оёғи шишиб кетибди, этик киёлмас эмиш.

— Оббо шайтон-эй,— деди Фан бирдан,— бу сафар яра қиёфасида намоён бўлибди-да.

Улар айни вақтида етиб келишган бўлишиб, мажлис энди бошланаётганди. Ҳамма судьялар: олти нафар семиз қонунчилар тўпланишган, иссиқдан базўр нафас олишарди. Шунинг учун бўлса керак, дим ҳавога қарши барча чоралар кўрилиб, дераза панжаралари орасига яшил бутоқлар, столга яхна сувли графин қўйилган, қонунчилар пешана ва бўйин терларини артиш учун жуббалари чўнтагига уч-тўрттадан дастру-мол солиб олгандилар.

Қаршидаги бут қўйилган узун кўк стол ёнида раислик қилувчи бош ҳакам — Ференц Екельфалуши савлат тўкиб ўтирар, унинг ортида суднинг икки аъзоси, никоҳ мустаҳкамлигини ҳимоя этувчи прокурор ва суднинг икки котиби кўринардилар.

Биринчи бўлиб Янош Бутлер сўроқ қилинди. Унинг никоҳ ҳақидаги рўйирост ва самимий ҳикояси шундай ишонарли янградик, суд аъзоларини ҳаяжонга солиб, довдиратиб қўйди.

Сўнгра Мария Дёрини чақирришди. Унинг келишган қадди-қомати судда ҳозир бўлганларда жуда яхши таассурот қолдирди. У билан залга гул атрини таратиб ёқимли шабада киргандек бўлди. Юпқа кўйлакнинг шилдирашини эшитишлари биланоқ мудроқ қонунчилар тетиклашишди.

— Исминг нима?— сўради ҳакам.

— Графиня Бутлер, аслим баронесса Мария Дёри.

— Диний эътиқодинг?

— Рим-католик мазҳабидан.

— Ешинг нечада?

— Ун саккизда

— Оиланг борми?

— Бир болам бор,— деди у секин.

— Виждонан айт-чи, қизим, сен граф Янош Бутлер билан қовуштирилаётган черков маросимида руҳоний, қизни маҳрамликка қабул қиласанми, деб берган саволига граф «Йўқ!» дея жавоб қайтардим?

Мария Дёрининг юзига қизиллик югуриб, у янада гўзаллашди.

— Нега жавоб бермаяпсан, қизим?

— Чунки билмайман,— шивирлади Мария.

— Нега? Наҳотки, шундай муҳим ҳолатни эслай олмасанг?

— Ҳаяжонланиб кетгандим...

— Бўлиши мумкин,— деди прокурор.

— Қораловчи ҳужжатда айтилганидек, сени севадим ёки йўқми, деган саволга Янош Бутлер «йўқ» деб жавоб бергани тўғрими?

— Билмайман, мен унисини ҳам, бунисини ҳам эшитмаганман.

— Хўш... маросимдаги гувоҳларнинг қулоғига пахта тиқиб қўйилгани ростми?

— Кўрмаганман.

— Руҳоний кейин қўлингларни епитрахилья остида бирлаштирмақчи бўлганида граф Бутлер қаршилиқ кўрсатгани ва отангиз куч ишлатишга мажбур бўлгани тўғрими?

Мария оқариб кетиб, номусдан бошини қуйи эггач, аста:

— Нотўғри,— дея шивирлаб қўйди.

— У ҳолда граф Янош Бутлер сизларга ана шундай айб қўйиши ва шу фикрида қаттиқ туришини нима билан изоҳлаб берасан, жон қизим?

Мария бошини кўтарди:

— Унинг галлюцинация касалига мубтало бўлгани билан изоҳлайман буни, муҳтарам муқаддас суд.

— Бу фикрингни нима билан асослай оласан?

— Бозош имениесидаги ҳамма хизматкорлар Бутлер ўз хонасида онасининг сурати билан тез-тез овозини чиқариб гаплашганини тасдиқлашлари мумкин.

— Буни ким тасдиқлаши мумкин?

— Ошпаз Видонка, Капор хола ва Иштван Гуйяш.

Нотиқ котиб ёрдамчисига шу одамларни судга чақиришсин деб бош ирғади ва сўроқ қилинувчига ўғирилди:

— Мен сенга, қизим, битта қалтис савол бераман. Бизга жавоб бериш учун кучингни йиғ, биз ҳангомата-лаб эмас, олий қонунларнинг муқаддаслигини ҳимоя қилмоқчимиз, шу орқали ҳақиқат тикланажак.

Бироқ ҳақиқатни билишдан аввал тамаки мазасини тотиб кўриш керак. Шуни ўйлаб, раислик қилувчи тамакидонни олиб, тамаки ҳидлади. Қолган қонунчилар ҳам шундай қила туриб аксиришга тушишаркан, котиб ёрдамчи «Соғ бўлинглар!» дейишга зўрға улгурарди.

Ҳм, қалтис савол! Қонунчилар никоҳ ажримидари бундай жиҳатлардан воқиф эдилар. Уларнинг ёғ босган митти кўзлари безовталанган чироқ пилиги каби жонланаиб, милтирай бошлади.

— Қани, айт-чи, қизим графиня Бутлер, асли номи Мария Дёри, Янош Бутлерни зўравонлик ва муғамбирона ётоқхонанга кўтарма машина орқали олиб чиқилган, деган даъво ҳақиқатга тўғри келадими?

Уша машъум кечани эслаган Мария Дёрининг ранги ўзгариб кетди ва тутилиб жавоб берди:

— Билмайман...

Мария аъзойи бадани титраб, нигоҳи хиралашаркан, бунингсиз ҳам ранги қочган чеҳраси баттар гезариб кетди.

— Хўш, қани айт-чи, ётоқхонада нима бўлди ўзи?

Мария лабларини қимирлатиб, бир нарса демоқчи бўлди-ю, аммо бирдан сесканиб тушгач, ҳушидан кетди.

Қонунчилар хавотирда ўринларидан сакраб туришди. Фақат ҳазрат Винце Латоргина хотиржам ҳушсиз ётган аёл тепасига энгашди-да, уни кўтариб, юраги ураётганига ишонч ҳосил қилиш учун кўкрагига қулоқ солиб кўрди. Лаънати шайтон! Винце аёлнинг оғир кўтарилиб тушувчи кўкрагига тукдор қулоғини қўйди (бундай катта гуноҳ учун бир вақтларги Мартинуци¹ каби бу қулоқни ҳам кесиб спиртга солиб қўйиш керак). Ниҳоят, котиб баронессанинг юзига сув сепди-да, паризод базўр қовоғини кўтариб, қонунчига гамгин, айни пайтда жозибадор ва майин нигоҳ ташлади. Ҳазрат уни стулга ўтқазиб қўйди, қиз аста ўзига кела бошлади.

— *Nomen et omen — vidize la tronem*², — бахилона шивирлади қонунчи Йозеф Сентгальи, у аччиқ қочирма гап қилишни яхши кўрарди.

— Қизим, — деди ҳакам мулойим овозда, — балки

¹ Мартинуци (1482—1551) — католик монахи, кейинчалик кардинал бўлган, мамлакатни турклар оккупация қилган даврда Трансильвания ва Венгриянинг шарқий районларига ҳокимлик қилган, ҳам турклар, ҳам Габсбурглар билан икки юзлама, тилёғлама сиёсатини ўтказган: Вена ҳокимларининг малайлари томонидаги ўлдирилган.

² Унинг тақдири ўз номи билан. Қаршингиздаги қароқчи. (Лотинча.)

сен тоза ҳавода тезроқ ҳушингга қайтарсан. Қолган тафсилотларни кейинги сафар сўрай қоламиз.

Шундан кейин қавм руҳонийси Сучинкани сўроқ қилишди. У маросимни қондага биноан бўлганини, Пазмань қондаларига моддама-модда риоя қилинганини тасдиқлади.

Руҳоний Сучинкани анча узоқ сўроқ қилишди, прокурор уни йўлдан уришга уриниб, ҳар томонлама саволлар берди-ю, бироқ уддалай олмади. Қонунчилар толиқиб қолганлари сабабли мажлис эртанги кунга қолдирилди.

Гарчи процесс махфий ўтказилган бўлса-да, тафсилоти тезда ҳаммага маълум бўлди. Мария Дёрининг ҳушидан кетиши («Бу олдиндан тайёрланган масхарабозлик бўлмаса отимни бошқа қўяман!»— деярди кўпчилик), попнинг кўрсатмаси, у ўзини йўқотиб қўйиши, Бутлернинг чиройли хатти-ҳаракатлари, қонунчиларнинг ўз ошпазлари ҳузурида айтган фикрлари — ҳамма-ҳаммаси бир неча соатдан кейиноқ бозор майдонида мишмишлар тарқалишига сабаб бўлди. Одамларнинг бирлари қўшилишса, иккинчилари қарши чиқишар, баҳслашишар, қисқаси, аҳоли мазкур процесс таассуроти билан яшарди. Бу процесс, дарҳақиқат, шаҳарда катта шов-шув кўтарди. Барча округдан шаҳарга кўп-кўп дворянлар йиғилишди. Бир хиллари Дёри, иккинчилари Бутлер билан учрашишни хоҳлашарди. Бу ерга шунчаки қарта ўйнаш билан бир неча оқшом кўнгилик ҳушлик қилгани келганлар ҳам бор эди албатта. Шаҳарга Феспис труппаси ҳам ташриф буюрди. Бунгача Мишкольцдаёқ илашиб олишган саёқ актёрлар улкан Бутлер процесси бир неча ҳафтага чўзилиши ҳақида хабар топишаркан, бу ерга зерикиб юрган аслзодалар тўпланади, деб ўйлашарди.

Улар ҳақ бўлиб чиқишди. Санъатга ҳирс қўйган жаноб Фаи биринчи кунидеъ қолган ҳамма билетларни сотиб олиб, Бутлернинг хизматкорларига — гусар, ошпаз, оқсочларга, кейин ўзлари ҳам уй саҳнида шундай ўйин қилсинлар, деб тарқатди. Эгерда яшайдиган дворян аҳли Бутлер саройида кечки овқатга тўплангани сабабли жаноб Фаи томошада бўлган оқсочни катта залга таклиф этди. Узоқ тортишувдан кейин оқсочлардан Эржи ва Жужика ўртага чиқдилар-да, елкаларига оқ сичқон мўйнаси ташлаб, икки зодагон хоним суҳба-

тини ижро этдилар; улардан бири неополитанлик Иоганнани, иккинчиси унинг дугонаси ролини бажаришди,
— Нега хомуш кўринасан, герцогиня Иоганна?— сўради Эржи.

— Ҳечам хомуш эмасман,— жавоб қайтарди Жу- жика.

— Йўқ, хомушсан. Бошингга мусибат тушдими?

— Қандай мусибат, вақтим чоғ-ку.

— Йўқ, айтяпман-ку, ғамгинсан деб. Эшакка ўхшаб қайсарлик қилма.

— Худо ҳаққи, хурсандман, агар яна бир марта, ана шу олижаноб зотлар ҳузурида мени эшак, десанг сочингни битталаб юламан...

Ана шу тортишув сабабли, драмада ижро этилган келгуси воқеа ҳал этилмай қолди. Залга кутилмаганда Хорват кириб келганида жаноблар ҳали қотиб-қотиб кулишаётганди.

Уни меҳмонлар гулдурос олқишлар билан кутиб олишди. Бутлер қувончи ичига сиғмай унинг бўйнига ташланди.

— Бу ерга келганингиздан бошим осмонга етди, ама- кижон!

Хорват ҳам Бутлерни меҳрибонлик билан қучди.

— Бир одамга меҳрим тушгач, ҳеч қачон уни таш- лаб қўймайман.

Кейинроқ дўстлар доирасида Хорват архиепископга ноибнинг мактубини топширганини айтиб берди.

— Шахсан ўзинг топширдингми?— сўради Фаи.

— Ҳа.

— Қандай қилиб сени қабул қилганига ҳайронман.

— Мен хат ҳақида унга олдинроқ хабар бердим.

Архиепископ оёғини боғлаб диванда ётган экан.

— Хатнинг мазмуни сенга аёнми?

— Мен хат архиепископга қандай таъсир этганини кўрдим. Бундан ташқари, архиепископ саройида ме- нинг айғоқчим бор, ҳа, айғоқчи... У шу бугуноқ архие- пископ яширин равишда саройини ташлаб, викарий Екельфалуши ҳузурида бўлганини хабар қилди. Бироқ мактубда нима ёзилганидан хабарим йўқ.

— Лекин менинг хабарим бор. Шифобахш малҳам шу хатда экан — архиепископнинг оёғи бекорга соғай- маган.

Бу хабар Бутлер тарафдорларига умид бағишлади,

Бироқ граф Яношгина тўла қониқмаганди: у яна нима ҳақдадир билгиси келарди. Янош Хорватни четга тортиб, дераза олдига етаклаб келди-да, тўғридан-тўғри:

— Пирошка шу ерда,— деди.

Чол ҳалвасага тушиб қолди, сўз тополмай, тугиладу тугиладу таъдил аралаш гапира бошлади:

— Нима, Пирошка? Э, ҳа! Пирошками? Буни қара, қаердан ўйлаб топдинг?

— Уни ўз кўзим билан кўрдим.

— Шунчаки кўзингга кўрингандир.

— У бошига нўхат гулли деҳқон рўмолини танғиб олганди. Бекорга овора бўляпсиз, қадрли амакижон, сиз ёлғон сўзлашни билмайсиз.

— Буни хаёлимга ҳам келтирмаяпман. Сенга иқроп бўламан, мен уни ўзим билан олиб келдим, фақат бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Уни ҳеч кўндира олмадим: нима бўлса ҳам сени кўрмоқчи эди. Мен унга ва Фридага деҳқон кийимида кўчада туришга рухсат бердим. Чуғурчуқ кўзи доим узумда бўлади — шунинг учун сен ҳам уни кўриб қолгансан!

— У ҳозир ҳам шу ердами? — шивирлаб сўради Янош, унинг юзлари маъюс тортиб, ширин орзуларга берилгани кўзларида акс этди.

Хорват бир дақиқа иккиланиб турди-да, сўнгра бир қарорга келгандек айёрона кўз қисиб деди:

— Агар у билан ярим соатли учрашув уюштириб берсам, эвазига нима оламан, оғайни?

Бутлернинг юзига қон тепди, худди ичкилик миясига ургандек боши айланиб, кўзлари жимирлашиб кетди.

— Йўқ, йўқ,— деди у нафаси ичига тушиб.— Мен Фаининг рухсатисиз унга бир қадам ҳам яқинлашмайман деб сўз берганман.

Хорват унинг қўлини дўстона қисиб қўйди.

— Сен виждонлисан! Шунинг учун ҳам сени яхши кўраман-да. Бир синаб кўрмоқчи эдим, холос. Пирошкани эса уйга жўнатиб юбордим. Узим гувоҳларни сўроқ қилгунларича шу ерда қоламан ва унга хат ёзиб тураман. Унинг қатъий талаби шундай, золимнинг ўзгинаси.

— Жажжигинам, бечора севиклим! — нола чекди Бутлер чуқур хўрсиниб.— Кошқийди унга фақат яхши хат ёзсангиз!..

— Қўрамиз, бу ёғи нима бўларкин...

— Худодан умидим бор,— деди ихлос билан Янош.

— Мен ҳам худога ишонаман, бироқ бандаларга унчалик эмас... Ҳа, унчалик эмас.

Эртаси куни Бутлернинг омади келгандай бўлди. Сўроқ бошланар-бошланмас, раислик қилувчи вице-нотариусга *comptis opinio*¹ни жалб этишни буюрди, бу нарса жуда камдан-кам учрайдиган ҳол эди. *Comptis opinio* га мурожаат этиш черков процессуаль қонунда кўзда тутилганди, албатта.

Суд аъёнларининг ғоялари неча зāмонлардан бери черков суди ишида қисман ўз аксини ҳам топиб келган, бундай ҳолларда раислик қилувчи одатда: «Бу ҳақда жамоат фикри қандай?»—деб сўрарди. Эгерда эса хушфёъл архиепископ Ференц Ксавер Фукс бу юксак ғояни черков қонун-қоидалари орқали яна ҳам мустаҳкамлади.

У муҳим аҳамиятга эга диний ва никоҳ ажрим ишларида икки тарафнинг расмий гувоҳларидан (ёллаб олиниши мумкин бўлган) ташқари, яна «бетараф авомдан» икки-учта тахминий кишини чақиришни қоидага киритиб, улардан: «Бу ҳақда қишлоқда нима дейишяпти?»—деб сўрарди.

Бир-биридан ажратилган қўшни залларда Бутлер ва Дёрининг гувоҳлари бўлаётган воқеани тарозига солиб у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб туришганда суд *comptis opinio* га мурожаат этаётгани ҳақида миш-миш тарқалди, Бутлер тарафдорлари қувончларидан қўлларини ишқалай бошладилар:

— Мана, ноибнинг хати!

Дёри эса тишларини гижирлатиб, ҳаяжон-ла қизига бир нарсаларни шивирлар эди:

— Сен, қонунчилар ҳузурида бўлиб чиқишинг керак, Мария... Мен буни истамасдим, худо ҳаллоқ, йўқса, ишимиз пачава.

Мария оқариб кетди ва ўзидан бир нарсани нари итариб ташламоқчидай норози қиёфада қўлларини кўтарди.

— Бу жуда зарур, шундай қилишинг керак, болажоним,— деб хириллади чол,— кимдир бизга чоҳ қазияпти.

Бу орада қонунчилар суди гайдук Гергей Варгани сўроқ қиларди.

¹ Жамоат фикри. (Лотинча.)

Уни узоқ ва синчков сўроқ қилишди. У суд залида бир ярим соатдан мўл бўлди. («Нима гап, уни товада қовуришяптими ўзи?»— деб жиғибийрон бўларди Дёри.) Ундан кейин никоҳ кечасининг иккинчи шохиди Симанчи хола сўроқ қилинди. Иккови ҳам маросим вақтида Бутлер, одатдагидек, куёвлар ўзини қандай тутса, шундай тутди, деб кўрсатдилар.

Бош ҳакам. Куёв қаршилик кўрсатгани ростми?

Симанчи кампир. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай бўлди, ҳазрат. У... қўзичоқдай мулойим эди!

Бош ҳакам. Никоҳ узугини улоқтириб ташлагани ростми?

Симанчи кампир (ясама ҳайрат билан). Бу менинг юзим ўрнида девор деганларидек ёлғон. Қандай каллаварам ўйлаб топди буни?

Бош ҳакам. Тилинг суяксиз бўлса ҳам кўп валдирайверма, ҳар хил бўлмағур гапларни вайсама. Аниқ ва тушунарли—«ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бер. Рухоний куёв ва келин қўлларини бирлаштирмақчи бўлганда граф қўлдан чиқиб қочгани ростми?

Симанчи кампир. Қаёқда! Улар итоаткорона, шундай жипслашишдики, худди дон олишаётган паррандаларга ўхшаб кетишди.

Бош ҳакам. Сиз гувоҳларнинг қулоқларингизга пахта тиқиб қўйилганми ростми?

Симанчи кампир. Худди шундай. Гайдук Гергейнинг қулоғида пахта кўрдим, чунки унинг қулоғи шанғиллаганди.

Прокурор. Бу қандай бўлди? Гайдук Гергей Варга эса, сенинг қулоғинг шанғиллаган деб кўрсатди-ку?

Симанчи кампир. (қизариб). Меники? Менинг ёдимда йўқ, қўлларингизни, оёқларингизни ўпай. Мен фақат иккимиздан биримизнинг қулоғимиз шанғиллаганини биламану, лекин меникими ёки Гергейникими, ҳозир аниғини айтолмайман.

Қонунчи Сентгальи. *Ista persona dia bilica aberrat a via recta!*¹

— Уни шайтон йўлдан оздирди,— деб шивирлади хира кўзли қонунчи Маршалко ёнида ўтирган шериги Латорга.

¹ Бу шайтон хотин ҳақ йўлдан озди! (Лотинча.)

— Секин, огайни,— шивирлаб жавоб берди уни-
си,— йўқса, иблис кунингги кўрсатади.

Бош ҳакам қовоғини солди-да, кампирга ўқрайиб
овози борича ўшқирди:

— Муқаддас динимиз ва Биби Марям ҳаққи иқ-
роп бўл, бу гапларни сенга ким ўргатди?

— Ҳеч ким,— гўлдиради кампир бақадек гужанак
бўлиб.

Гўё ҳозир унга ғазаб билан тикилиб турган айрим-
лари қалқонли, соқол-мўйловли Эгер епископлари,
қирол Матъяшнинг қайниси епископ кийимидаги уч ёш-
ли нораста Ипполит расмлари акс этган девор қуб-
баси бошига қулаб тушаётгандек у кўзларини юмиб
олди. Айниқса, ёш пайғамбар Ипполит Симанчи хо-
лани талвасага соларди. У кампирга доно қора кўз-
лари билан тикилиб тургандай эди. Хуллас, бугун
Дёри тарафдорларининг иши ўнгидан келмади. Ундан
ташқари тезда гувоҳлар³ сўроғи тўхтатилди, чунки
пешинда Бутлер саройида берилаётган катта зиёфатга
архиепископ ва ҳамма қонунчилар таклиф этилганди.
Ёш магнат ўз меҳмонларини ниҳоятда дабдаба билан
кутиб олди: гўё жишлар сеҳр кучи билан бирон қуд-
ратли султон ёки халифани талаб, «Минг бир кеча»-
даги афсонавий зиёфатлардан бирини бу ёққа олиб
келгандай эди. Истамбулдаги султон эса, бўшаб қол-
ган дастурхонига қути ўчиб қараб, ўз ошпазларини
бирма-бир калласини олишга буюрмоқда.

Хурсандчилик ярим кечагача давом этди, фақат
тушликдан кейин архиепископ Бутлернинг икки юзи-
дан ўпиб, унга «менинг қадрдон ўғлим» дея жўнаб
қолди. Бу ҳолат ярим соатдан сўнг Дёри тарафдор-
ларининг паноҳи бўлмиш «Уч буқа» меҳмонхонасида
маълум бўлди, чунки бутлерчилар ҳам, Дёри ҳам бир-
бирларини айғоқчилар билан ўраб олгандилар.

— Бизнинг на бундай ноз-неъматларимиз бор, на
синоларимиз,— дерди Мария маъюс.

— Унда эса сенинг ширин дудоқларингу, сеҳрли
табассуминг йўқ,— дея жавоб берди Дёри.

Балки Бутлернинг винолари ҳақиқатан ҳам шун-
дай яхшидир, чунки эртасига суд аъёнлари гарчанд
энг асосий гувоҳлардан бири кекса Дёрини сўроқ қи-
лишаётган бўлишса ҳам анча ланж ва мудроқ кўри-
нардилар. Дёри воқеа боришини бегуноҳ ва ҳалол ки-

шиләрдек шундай изоҳлаб бердики, ҳаттоки тошлар ҳам унинг чинийгига ишонган бўларди. Баъзан у даргазаб ва садоқатли, шиддаткорлиги билан ажралиб турувчи жангчига ўхшаб кетарди. Бу айниқса Дёри урмоқчи бўлиб интилганда намоён бўлди. Бутлерни қўрқоқ, хотинчалиш, тантиқ ва ўзига бино қўйган магнат деб тасвирлаб, агар уни ҳозирдагидек яхши билсам, ҳеч қачон қизимни бермасдим, деди.

— Мен йигирмата жангда қатнашганман, муҳтарам муқаддас суд, танамда император ва ватанни ҳимоя қилиб туриб орттирган ўн еттита жароҳатим бор. Бироқ ҳеч бири Хорватнинг гапларига учган мана шу мишиқи бола яралаган ўн саккизинчи жароҳатчалик оғримайди. Унинг қалби истаган нарсангизни ясагингиз мумкин бўлган ҳамирдай юмшоқ, муқаддас суд, шундай оппоқ соқолим билан айёр югурдак Перевицкий ўйлаб топган ёлғондакам, уйдирмани рад этиб, номусдан қизариб, ўзимнинг ва қизимнинг ор-виждонини ҳимоя қилиб ўтиришим жуда қайғули ҳол. Ахир бу ерда оиланинг самимий ҳаётидаги энг муқаддас хотирот бўлиб қоладиган шундай воқеалар хўрланиб, қуруқ тухматлар ёғдириляпти. Агар гап фақат менинг устимда борганида, ҳурматли судьялар, мен ўзини граф Бутлер деб атаётган, бу йўлдан озган йигитдан нафратланиб, тескари қарардим; агар гап фақат анави фирибгар — лютеран Хорватнинг қабиҳ ҳийла-найранг ишлатиб, ўз қизига тортиқ қилиш учун қизимни катта бойликдан маҳрум қилаётгани устида борса, мен бунга ҳам қўл силтар эдим, бироқ ор-номус олдида мен ҳазилни билмайман...

— Ad rem, ad rem! — насиҳат оҳангида деди бош ҳакам.

— Мен масаланинг асл моҳиятини гапиряпман, зеро номусим паймол қилинганидан қалбимдаги ғам-аламларни сизларга тўкиб-солмай иложим йўқ. Бундан ташқари, ўз номусимни ҳимоя қилар эканман, ҳеч нарсадан қайтмайман. Қимда-ким унга тажовуз қилар экан, қандай юқори лавозимда бўлишидан қатъий назар, тигида шамширим ҳалок бўлади! — деб гапини тугатди кекса муғамбир усталик билан. — Бу ишимда худо менга ёр бўлсин!

¹ Масалага яқинроқ, масалага яқинроқ. (Лотинча.)

Мудраб ўтирган қонунчилар таҳдидли овозни эшитишлари биланоқ, бошларини кўтариб: «Per amorem dei¹ бу иблис солдат бизни еб қўяди. Марҳамат қилиб овоз беринг!» дегандек, бир-бирларига жавдираб қараб қўйдилар.

Ун тўртинчи боб

ЯРАМАС ҚУРҒОШИН ПАРЧАСИ

Уша куниеқ Қажмари билан Есенка сўроқ қилинди, улар аҳамиятли ҳеч гап айтолмадилар. Никоҳ ўқиладиган барон канцеляриясига келувчилар ва илтимос қилувчиларни қўймаслик учун уларни эшик олдига қўйишганди, чунки жаноб олийлари уезд бошлиғи мени ҳеч ким безовта қилмасин, деб қатъий буйруқ берганди. Шунинг учун улар у ёққа зўрлаб кирмоқчи бўлган Жигмондни ҳам қўймадилар.

— Бошқа сабаб йўқмиди?

— Йўқ.

— Куёв хонадан чиқиб қочмоқчи бўлгани ва сиз уни зўрлаб киргизиб юборганингиз ростми?

— Елгон.

Шу алфозда кун-бакун тарози палласи гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турди. Кайфият тўлқин каби ўзгариб турар, бир воқеа иккинчисини чалкаштириб юборувчи усталик билан қўйилган пьесадек, кеча аниқ ва равшандек кўринган нарса бугун бемаъни бўлиб чиқарди. Гап шундаки, ёпиқ иш олиб бориш суд аъзолари ўринларидан тургунга қадар сир бўлиб турарди. Тушдан кейин ҳатто чумчуқларгача нима бўлгани ҳақида чирқиллашар ва суднинг боришига қизиқувчи жамоат фикри уни ўша заҳотиёқ сарҳисоб қиларди.

Бугун, масалан, Дёри тарафдорларининг қўллари шундай баланд келдики, ҳатто Мария ҳам дўконлардан насияга мол олар эди.

Бироқ бугунги кун яна бир қизиқ воқеа билан нишонланди. Миклош Хорватга судда Дёрининг унинг шахсига айтилган гапларини етказишгач, ўзига нисбатан бу гапларни ҳақорат деб билди. Фаи билан Бутлер бундай одам билан ади-бади айтиб ўтиришнинг ҳожа-

¹ Парвардигорга бўлган меҳр юзасидан. (Лотинча.)

ти йўқ, деб бекорга унга уқтиришга овора бўлдилар. Қизиққон чол бир қандолатчининг дўкони олдида Баркоци ва Челеи исмли иккита Земплен дворянларини топиб, уларни Дёрининг ҳузурига изоҳ талаб этиш учун юборди, агар керак бўлса олишиши мумкинлигини айтди.

Барон Янош Баркоци юзига жиддий тус бериб, ўз палинкасини¹ бир йўла ютиб юборди ва кекса бўрини ахтаришга тайёр эканлигини изҳор этди. Еш Челеи Хорватни бу йўлдан қайтаришга уриниб кўрди.

— Сиздан илтимос, қадрдоним, ўз фикрингиздан қайтинг.

— Номимни оёқ ости қилдириб қўйиш учунми? Йўқ! Ҳеч қачон!

— Ҳа, йўқ, дуздан воз кечинг, деётганим йўқ, дуэль ҳеч гапмас! Сиз мендан воз кечинг, чунки мен сиз учун хавфлиман: Челеи бўлган жойда жуда катта фалокат юз беради. Илтимос, менга ишонинг. Агар унинг ҳузурига бошқа одам борса, иш изоҳ билан тугайди: агар мен борсам, ўлим билан.

— Эй фалак! Мен худди шуни истайман.

— Нима ҳам дердим, истагингиз шу бўлса мен тайёрман.

Улар Дёрини «Уч буқа» меҳмонхонасидан топишди. У стол олдида ўтириб, зўр иштаҳа билан совуқ гозни паққос туширарди.

— Хуш келибсизлар!— бақирди Дёри,— официант, яна иккита стакан келтир-чи!

Лекин иккала меҳмон ҳам унинг ҳузурига, Венгрия секундантларига хос жиддий тантанавор ҳолда туриб:

— Биз, тақсир, жиддий масала юзасидан келдик,— дейишди.

— Қур-қуру!— хитоб қилди Дёри ва пичоғини четга қўйди.— Хуш, нима гап?

— Қонунчилар суди ҳузурига сиз вакил бўлиб келган Миклош Хорват шахсига нисбатан ҳақоратомуз гаплар айтганмишсиз.

— Мен фақат айтмоқчи бўлган гапимни айтдим.

— Олишмоқчимиз ёки сўзингизни қайтиб оласизми?

Дёри жилмайди, гоз оёғини оғзига олиб келиб, унга тишларини ботирди.

¹ П а л и н к а — венгр ароғи.

— Гап шундаки, жаноблар, қовурилган ғозни ютиб юборишим мумкин-ку, бироқ бир марта айтган гапимни ҳечам қайтиб олмайман.

Баркоци бош ирғади.

— Бўлиши мумкин, дворянлар ўртасидаги ўзаро муносабат одоби юзасидан биз сиздан жавобини бериб, қайси хил қуролни танлашингизни сўраймиз.

— Наҳотки?— ҳайрон бўлди барон сурбетларча ҳаҳолаб кулиб.— Мен биз бир-биримизга «қизил ичимлик» идиши отишамиз деб ўйловдим, кимки теккиза олмаса, ҳалол одамликдан чиқади. Бироқ мен эътироз билдирмайман. Фақат бир оз тамадди қилиб оламану, жаноблар, ҳузурингизга иккита секундантимни юбораман.

Кечга яқин Дёрининг секундантлари келишди, Эстерхези полкидан отлиқ капитан Адам Борхи ва Михай Тиге исмлиқ граф. Бу одам қип-қизил хотинбоз бўлиб, қачон қараса қандайдир янги-янги воқеаларга аралашиб юарди. Охириги пайтларда у Мария Дёрн атрофида ўралашар, сайр пайтларида бирга бўлар, гул юбориб турар, кечқурунлари чақчақлашиш учун «Уч буқа»га кириб турарди, бу билан Эгер шаҳридаги бошқа ишқибозлар ўртасида катта шуҳрат қозонганди.

«Фирибгар» сўзи олишини даражасида ҳақоратомузми ёки йўқми, шу ҳақда хийла тортишувдан кейин секундантлар дуэль тўппончада эртага тонг соат бешда Сёллешке ўрмонзориди бўлади, деган қарорга келишиди.

Бутлер саройида ҳеч кимнинг бундан хабари йўқ эди. Эртасига Бутлер кўзини очар-очмас, равоғида чарм мешлар, жанговар ойболталар, найза ва ҳозирги замон одами кўтаролмайдиган оғир тўқмоқлар осиглиқ оғир дарвоза ғичирлаб очилди.

Бутлер эрталаблари доим зўрға уйғонарди, чунки энгиб бўлмас темир қўллар уни ҳозиргина Пирошка билан учрашган жаннатдан итариб чиқарарди.

Бугун дарвозанинг ғичирлаши унинг тушини чалғитиб юборди.

Қадимги одамлар, инсон руҳи ҳар тунда беқарор сайрга чиқиб кетиб, эрта саҳарда қайтиб келади, бу уйғонишдир, гоҳо руҳ тунги дарбадар саёҳатга кетиб, узоқ вақт қайтиб келолмайди, бу ўлим деб тушунганлар, ўлимни шу қадар оддий нарса деб билишган!

— Жига, эшитяпсанми? Кимдир келди. Ҳовлига извош кирди,— деди у ёнидаги Жигага.

— Балки Эрдётелекдан биронтаси келгандир. (Эрдётелек Бутлернинг Хевешдаги қўрғони эди).

— Йўқ, барон қариндошларидан бўлса керак,— тусмоллади Жига,— тўғри шу ерга келди! Иш бошқарувчилар бундай саҳарлаб келишга журъат этмасди. Балки бу Фаининг рафиқаси Анна холадир?

— Негадир юрагим нотинч, Жига... Қўнглим ғаш бўляпти...

Ҳовлидан нотаниш кимнингдир товуши эшитилди. Етоқхона деразалари очиқ бўлса ҳам туширилган чий пардалар овозни тўсиб, гап нима ҳақда кетаётганини тушунишга халақит берарди. Бироқ шов-шув ортиб, ҳар хил овозлар орасидан ҳаяжонли ҳайқирдиқлар, оёқ товуши эшитилди: гўё бутун уй оёққа туриб, унинг ҳар бир тоши ҳаракатга келгандек эди.

Бутлер икки марта қўнғироқ чалса ҳам ҳеч ким келмади.

— Бу қандай тартиб ўзи?— жаҳли чиқди Яношнинг.— Чақирганингда биронтаси ҳам келмаса юзлаб хизматкор ушлаб туришнинг нима фойдаси бор!

Ниҳоят, ранги бўзарган, кулгили бир ҳолатда камердинер кириб келди: рококо усулидаги кийими тана-сида базўр осилиб турар, пайпоқлари тушиб кетган, кийим-бошлари пала-партиш эди.

— Ким келди, Мартон?— интиқлик билан сўради Бутлер.

— Жаноб Миклош Хорват,— жавоб берди камердинер тутила-тутила, тиши-тишига тегмасдан.

— Нега бўлмаса кирмаяпти?— сабрсизлик билан бақирди граф.— Ҳозироқ киргизиб юборинг!

— У энди ҳеч қачон бу ерга киролмайди, ҳазрати олийлари. У ўлган.

Бу гап шундай янградик, гўё сопқондан отилган тош ҳавода визиллаб учиб келиб тўғри Бутлернинг пешанасига теккандек бўлди.

— Улди? Ҳеч мумкин эмас!

— Жаноб Дёри бир соат бурун уни дулда отиб ўлдирди.

Бутлер билан Бернат шартта ўринларидан сакраб туришиб, кийинар-кийинмас ташқарига отилдилар.

Худди шу пайт даҳлиздан хизматкорлар бечора чол-

нинг жасадини олиб кираётган эдилар: олдида йўл кўрсатиб бошини қуйи солган Фаи келарди. Хорватнинг кўйлаги қон, ранги девордек оппоқ, кўзлари очиқ қолган эди; бу кўзлар мутлақо кўрқинчли эмас, жонсиз бўлмаганда, мулойим қараб турган бўларди.

— Агар худо бор бўлса!— хитоб қилди донг қотган граф Бутлер,— қандай қилиб бунга чидаб турибди?

— Кўнгил бўшлик, йиғи-сигининг кераги йўқ,— бағри тошлик билан унинг гапини бўлди кекса Фаи.— Бу билан унга жон ато этолмайсан. У ҳақиқий эркак қиёфасида ҳалок бўлди. Шарафли ўлим! Вассалом! Қолгани олдда.

— Уқ худди юқори кўкрак суяклари ўртасидан ўтиб, шотомирга тегибди... Шум ўқ ажалини етказган,— деди хўрсиниб дулда иштирок этган кўзлари нурсиз, дўмбоқ доктор.

— Уқ эмас! Уқ нима?— деди жон-жаҳди билан қўлларини ишқар экан Челеи.— Бунга ўқнинг дахли йўқ.

— Бўлмаса нима?— жаҳли чиққан доктор Челеига бошдан-оёқ нафрат билан нигоҳ ташлаб чиқди.

— Мен, билсангиз, Челеи бўламан. Челеи қаерда бўлса, ўша ерда бахтсизлик юз беради. Мен унга буни айтгандим, бошқа секундант топинг, деб ёлвордим, лекин у қулоқ солмади. Тўғрими, Баркоци? Сен эшитгандинг, шундай эмасми? Ахир Форгач Челеидан олиб турган шамшири билан Карой Кешани ўлдирган. Людовик Иккинчи¹ дарёга тушиб кетиб, чўкканда, Челеи унга ҳамроҳ эди, дарвоқе дарёнинг номи ҳам Челе бўлган. Сон-саноксиз мисол келтиришим мумкин. Ҳеч бўлмаса, Атилла² воқеасини эслайлик. Атилла Ильдикого уйланиш тўйида Челеи хоним билан рақсга тушган эди. Нима бўлди? Эрталаб хотини уни ёнидаги тўшакда жонсиз танасини топган.

Челеи докторига гапда бас келмоқчи экан, бу борада ўзига ундан ҳам боп одамни тополмасди. Доктор ҳам ҳаддан зиёд эзма одам бўлиб, ҳеч қачон гапига биров қулоқ соляптими, йўқми, иши бўлмасди.

¹ Людовик II (1506—1526)— венгр қироли, 1526 йил Мохач олдидаги турклар билан жангда венгр армияси енгилиб қочаётганда Челе дарёсига чўкиб кетган.

² Атилла (400—453)— Марказий Осиёдан келиб, Европадаги кўпгина мамлакатларни босиб олган Чунли кўчманчи қабила-ларининг доҳийси. Ривоятларга кўра, Атилла никоҳ кечаси томоғига қон қуйилиб ўлган.

— Шу билан ўлим билан тугаган учинчи дуэлда иштирок этишим,— деди доктор коллекционерларга хос мамнуният билан.— Ҳа, йўқ, нима деяпман! Тўртинчиси! Худо холис, тўртинчиси! (У гўё учта ўлим дуэли қаршисида туриб, тўртинчисини тунаб қўяётгандек бўшлиққа қаради.) Ҳа, иложимиз қанча, иложимиз қанча! Тўппонча косов эмас.

Кўпчилик Хорватнинг охириги дақиқаларини тасвирлаб бераётган Баркоци атрофига тўпланди.

— У икки дақиқа ҳам қийналмади. Осон ўлди. Жони жаннатда бўлсин! Кўп қон кетса ҳам, деярли оғриқ сезмади. У йиқилаётганда мен қўлимда ушлаб қолдим. Борган сари ҳолсизланиб, ниҳоят, бечора кўзи-чоқдай мангу уйқуга кетганини сезиб турдим. Бироқ ўлгунча ақли ҳуши жойида, аччиқ истеҳзо қилиб турди, ҳатто ўлаётиб рақибини гап билан ачитиб олди.

— Нима деди? Демак, бир гап айтибди-да? Қандайдир топшириқлар бердимиз?— сўрашди бараварига бир неча киши.

— Охириги кучини йиғиб. Дёри ҳам эшитсин учун «Улаётганимни сезяпман. Жасадимни бўлажак куёвим Бутлернинг олдига олиб боринглар»,— деди.

Бу орада катта залда бир нечта катафалк¹ ясадилар.

Фаи яна ҳайратомуз ғайрат кўрсатди. У ҳамма нарсага улгурарди, ташкилотчилик қилар, кўрсатма берар, иш тақсимларди. Унинг сўзлари қисқа ва совуқ янграр, гўё қандайдир қудратли қўллар улкан механизмни ишга солаётгандек эди.

— Утган ишга салавот! Ҳозир йиғи-сиғига вақт йўқ. Ҳаракат қилиш керак. Сен, Жига, зудлик билан бош ҳакам ҳузурига бор, илтимос қил, сени бугун тушгача сўроқ қилишсин, чунки тушдан кейин ўзинг билан сакизта гусарни олиб, Борноцгача тобутни кузатиб борсан. Сиз, жаноб иш бошқарувчи, қаердан бўлмасин тобут топинг — рух бўлмаса, ёнғоқ ёғочидан бўлсин. Мен бир соатдан кейин йўлга тушаман, бечора қизни мудҳиш зарбага тайёрлаш керак. Бу ишни бошқа ҳеч кимга ишонмайман. Ҳозироқ извошга энг учар отларни қўшишсин. Сиз, доктор, иш бошқарувчидан ўз ҳақингизни оласиз. Қотиб лютеран попни олиб келсин, марҳумнинг жанозасини ўқисин. Тобутни арава тубига

¹ Катафалк — мурдани мазорга олиб борадиган арава.

жойлаб устига пичан ташлаб қўйиш керак. Гусарлар арава орқасидан худди ўз ишлари билан кетаётгандек шундай масофада боришсинки, йўл-йўлакай хурофот аҳлида ҳеч қандай шубҳа туғдирмасин. Мени тушундингми, Жига?

— Тушундим, қадрдон амаки.

— Менинг ҳолим нима кечади?— сўради Бутлер йиғлаган кўзларини артиб.

— Ҳеч нарса бўлмайди, сен шу ерда қоласан.

Бутлер норози бош чайқади:

— Мен сезяпман, боришим керак. Биринчидан, Пирошкани тинчитиш керак. Иккинчидан, ҳурматли марҳумга нисбатан ўз бурчимни адо этишим керак. У бечора мени деб ҳалок бўлди! Бундай ҳолларда аҳдимни ўртага ташлашнинг ҳожати йўқ. Тақдирнинг ўзи мени бу аҳдимдан холи қиляпти. Мен бораман.

— Бу ердан бир қадам ҳам жилмайсан, граф Парданьский,— ўдағайлади Фаи.— Эсингни еб қўйибсан, марҳумни кузатиш шартми? Агар марҳум олдидаги бурчингни бажармоқчи бўлсанг, тирилтиришинг, қизини, фарзандини бахтиёр этишинг лозим. Сен бу ерда душманнинг фитна ва маккор режаларига йўл қўймаслик учун қолишинг керак. Еки жанг майдонини ташлаб, Дёрига ютқазмоқчимисан? Марҳумнинг иззати шуми? Йўқ, Янош, буни хаёлингга ҳам келтирма. Қиз йиғлаб-йиғлаб овунади. Улганнинг устига кўмган бўлишнинг ҳожати йўқ. Муҳаббатни аза билан аралаштириб бўлмайди. Марҳумни ўғирлаб, қиз аза тутишига тўсқинлик қилмоқчимисан? Висол лаззати аза ўрнини боса олади деб ўйлайсанми? Қўй, майли, қиз аза қилсин, сен ҳушёр, тийрак бўл. Қулоғинг юз, қўлинг минг бўлсин... Ҳа, эсимдан чиқмасдан ҳозироқ Бозошга жаноб Будан учун отлиқ чопар юборинглар, у шу бугуноқ кечаси етиб келади. Будан доно ва ҳалол одам, мен келгунга қадар. унинг насиҳатларига қулоқ солиб тур.

Ун бешинчи боб

ҲАММА ҲУРМАТЛАГАН ГУВОҲ

Бу ҳодиса овозаси тезда шаҳарга тарқалиб, Дёрига нисбатан чуқур нафрат, Пирошкага эса ҳамдардлик уйғотди. Одамлар бир-бирларига бу янгиликни етқа-

зишга шошилардилар. Оласрѣскадаги воѣеа яна бир қурбон билан нишонланди: қизнинг отаси ҳалок бўлди. Хорватни ҳеч танишмаса ҳам бутун шаҳар аҳли қайғурарди. Инсонлар зарар ҳам, фойда ҳам кўрмаган нарсаларига нисбатан қаҳрли бўлмай, раҳмдиллик қиладилар.

— Бечора қизгина Пирошка!— дейшарди улар.— Аввал қаллиғини тортиб олишди, энди отасини ўлдирди. Шундан кейин ҳам поплар дунё оқилона тузилган, деб вайсайдилар!

Сон-саноксиз оломон воѣеа тафсилотини билиш учун Бутлер саройи олдидаги кўчаларни тўлдирган эди. Хорват тобутига қўйиш учун Эгер хонимлари юборган гулларни кўтарган хизматкор ва оқсочлар оломон денгизи орасидан зўрға ўтиб келардилар. Айниқса, шу тонг пайти архиепископ саройи олдидаги Фельнемети (ҳозирги Сечени) кўчасига одам тикилиб кетганди. Дѣри етиб келганда қаттиқ шовқин-сурон кўтарилди: юрист-студентлар сўкинишар, оломон орасидаги айримлар эса чолга кесак ва тош отишарди. Дѣри бу дағдағага жавобан тўппончасини чиқариб, қўрслик билан ўдағайлади:

— Менга қўл теккизган одам нақ тил тортмай ўлади!

Ҳатто чоллар ҳам кўчага чиқиб, айримлари дўкон олдида оломон ҳаракатини кузатардилар, бу манзаранинг улуғвор ва гўзаллиги мавж урган денгизни эслатарди. Оломон орасида муниципалитет аъзоси жаноб Габор Карпонаи ҳам бор эди. У атрофига амали ўзидан пастроқ одамларни йиғиб ваъзхонлик қиларди:

— Дѣрини тинч қўйсанглар-чи, гап унда эмас. Гарчанд, уни ҳамма ёмон ишларда қўли бор дейишса ҳам, лекин бу сафар Хорватнинг ўзи унга қутқу солган. Утган ишга салавот. Уқ чумчуқ эмаски, қаерга учиб кетаётганини билсанг. Зигирдай дайди кўрғошин май қўнгиздек ҳавода визиллаб учиб ўтади. Бу ерда Дѣрининг айби йўқ, чунки у ҳам поплар касрига қолган, ҳамма бало попларда. Башарти, қонунчилар суди мажлис ва сўроқни яширин олиб боришар экан, нега поплар у ерда бўлган ҳамма гапларни сир тутишмайди? Энг биринчи ифвогарлар ўшаларнинг ўзи.

— Ифвогар поплар эмас,— гапга аралашди сариқ гулли тарелкада уйига бир қадоқ гўшт олиб кетаётиб,

доно сўзлар тинглаш учун тўхтаган Надъ хола,— поплар эмас, ошпаз хотинлар игвогар.

Шу пайт тепада, архиепископ саройида биринчи бўлиб Жигмонд Бернат сўроқ қилинар, у Бутлер билан Пирошка Хорват ўртасидаги самимий гўзал муҳаббатни фасоҳат билан сўзларди.

Бутлер Пирошкага нисбатан оташин ҳис-туйғулар билан Рёскга келди, деди у. Шундай экан, аслида бу машъум тўй графнинг розилиги билан ўтган деб бўлмайди. Зўравонлик қилинган, вассалом. Поп ҳам у ерга ҳали Бутлер Дёри билан холис гаплашиб олмасдан буруноқ таклиф этилган. Бернат кечқурун Бутлернинг жон-жаҳди билан қичқирганини эшитиб, жиноят рўй бераётган жойни қидириб топган ва у жандармлар руҳсати билан қулф тешигидан мўралаганда, Дёри ўзидан ушоқроқ Бутлернинг билагидан ушлаб турган эди. Граф Янош қочишга ҳаракат қилганда, поп шошилиб келинкуёвнинг қўллари устига епитрахильяни ёпди.

Судьялар, афтидан, бугунги фожиа таъсириданми, бошларини маъюс эгганча жим ўтиришарди. Фақат прокуроргина бир неча савол берди:

— Демак, поп у ерга махфий суҳбатдан олдин етиб келган экан-да? Гувоҳ буни нима билан исботлайди?

— Шу биланки, поп ва Дёрининг тиллари бир. Боиси ойнадек равшан. Ҳазрат бир оз ўйлаб кўрсалар бас...

— Гувоҳ нимани назарда тутяпти?

— Мен шуни назарда тутяпманки,— дадил жавоб берди Бернат,— агар биронта дарахт одатдан ташқари барвақт мева тугса, демак, у барвақтроқ гуллаган бўлади.

— Ҳм...

Шу пайт ҳамма бараварига чўнтагидан тамакидон чиқарди.

— Хўш, нега Қажмари билан Есенка — жандармлар гувоҳнинг қулф тешигига қарашга муяссар бўлганини олдинроқ айтишмади?

— Чунки улар осонгина сотилганлар, Дёрининг амри билан ўшаникени маъқуллашади.

— Бу вазиятни аниқлаш учун уларни яна бир марта сўроқ қилиш керак,— деди раис.

Алебастр устунларга ўрнатилган катта соатлар ўн иккига бонг урди, бироқ суд бугун ишга одатдагидан кечроқ киришгани сабабли, қонунчилар мажлисни да-

ном этиришга қарор қилдилар. Архиепископнинг гайдуги гувоҳлар хонасига келиб қичқирди:

— Йозеф Видонка!

Садо бўлмади.

Адвокат Сюч уни ахтарганча йўлақларда: «Видонка! Видонка!»— дея бақира бошлади. Унга жавобан фақат акси садо эшитишарди, холос. Видонка топилмади. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кимдир «сал бурун кўргандим», деб жавоб берар, Видонка эса соядек ғойиб бўлганди.

Суд гувоҳларнинг сўроқ қилиш тартибини ўзгартиришга мажбур бўлди ва никоҳ ўқилган куннинг эртаси тонгда келин-куёвларнинг хонасига кирган икки хизматкорни тинглашга ўтди. Бугунги гувоҳларни сўроқ қилиш ўнгидан келмай, чала қолди.

Шуниси борки, гап қонунчилар ҳақида борса, суд ҳирс қўзғатувчи тафсилотларни ҳатто маъракада ҳам завқланиб тинглашдан тоймасди. Бутлерлар учун Видонканинг ғойиб бўлиши анчайин кўнгилсиз воқеа эди. У тушгача ҳам топилмади. Адвокат Сюч бутун шаҳарни ахтариб чиқса ҳам дурадгорни ҳеч қаердан тополмади. Видонканинг қочиб кетганига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Уша заҳотиёқ ҳамма гусарлар отланиб, қандай бўлмасин қочоқни тутиб келишлари буюрилди. У тушга яқин архиепископ саройида эди, демак, ҳали узоққа қочиб улгурмаган.

Изқуварлар Вархедь тоғи, ўрмонли Хайдухедр тоғ ёнбағирлари, Эгер дарёси соҳилидаги толзорларни тинтий кетдилар.

Бу янги зарбадан эсанкираб қолган Бутлер ўз хонасига бекиниб олди. Гарчи сомон ортилган арава бостирма остида шай турса ҳам Бернат йўлга тушишга журъат этолмасди. Қандай қилиб Фаннинг ҳузурига Видонка қочиб кетгани ҳақидаги хабар билан боради? Ахир бу бутун ишнинг пачаваси чиққани-ку. Бернат, Видонкани топишар, деган умидда кечгача кутди.

Аммо умиди беҳуда чиқди: гусарлар бўш қайтиб келишди.

Кечқурун ноилож йўлга чиқишга тўғри келиб, Жига аравадаги хушбўй пичан устига узала тушиб олди. Қўлида фонус кўтарган икки хизматкор арава ёнида бо-

рардилар, чунки Хеваш йўли жуда ёмон аҳволда эди: орқароқда саккиз нафар гусарлар келишарди.

Улар шошилишмас, дуч келган йўловчилар аравада нима олиб кетилаётганини сезишмасди. Тўрт нафар от чопиши мумкин бўлса-да, лекин бундай қилинмас, маҳкам бостирилган пичан нотекис йўлда чайқалиб сочилар, хизматкорлар дам-бадам уни тўғрилаб қўйишарди. Тун қоп-қоронғи, осмонда гоҳо ой ўроғи кўриниб қолар, лекин кўп ўтмай уни эринчоқлик билан сузаётган булут парчалари тўсиб қўярди.

Жига Бернат пичан орасида энди мудрай дегунча ўйдим-чуқур йўл аравани кўтариб ташлар, ухлатмасди.

— Ухлалмаганингиздан диққат бўлманг, тўрам,— дея далда беришарди хизматкорлар,— пастда ётган одам қаттиқ ухлаяпти

Ярим кечагача ҳеч қандай воқеа юз бермади, аммо ярим кечада фонус кўтарганлардан бири даҳшат билан бақириб юборди. У фонусни итқитиб, чил-чил қилди-ю, энгашганча шаҳар томонга жуфтакни ростлаб қолди. Бернат чўчиб уйғонди. Иккинчи хизматкор ўртоғининг ортидан қичқирди:

— Ишток, тўхта! Сенга нима бўлди? Шиша босиб олдингми? (Тун илиқ бўлгани учун хизматкорлар яланг оёқ эдилар.)

Бироқ Ишток жавоб бермай, қичқирганча қочарди. Шунда ўртоғи бошини чайқаб, арава теварагига фонус тутиб ҳеч нарса кўрмади. Жига аравадан сакраб тушиб, Иштокни қайтаришни буюрди. Чамаси, ақлидан озган хизматкорни гусарлар тутиб келишди.

Арава тўхташи билан тун сукунатида от туёқларининг дупури, бир оздан сўнг эса ҳаяжонланиб гапираётган Иштокнинг овози эшитилди.

— Нима, эсингни еб қўйдингми?— бақирди унга Бернат гусарлар фонусчи билан яқинлашганда.

— Ё Биби Марям! Сиз ҳам тирикмисиз?— ҳайрон бўлди хизматкор.

Гусарлар кулиб юборишди. Ишток бўлса от тизгинига ёпишиб олиб, тиши тишига тегмай оҳ-воҳ қилар ва бетиним чўқинарди:

— Ё тавба, тавба! Э парвардигор!

— Кўзингга бирор нарса кўриндими?

— Бирор нарса эмиш! Жаноб олийлари оёқларини чиқардилар.

— Қайси жаноб олийлари?

— Марҳум жаноб Хорват! Худо урсин, унинг этиги билан шимининг четини кўрдим.

— Тентаклик қилма! — койиди уни кекса гусар Йожеф Бордаш.— У ҳеч қачон оёғини чиқармайди, чунки бугун ўзим бечоранинг устига қўрғошин қопқоқ ёпганман.

— Бемаънигарчилик! Туш кўргансан,— далда берди унга Жига.

— Йўқ, тўрам, онт ичишим мумкин! Мен ўз соясидан кўрқадиган одамлардан эмасман. Учта жангда қатнашганман, мени генерал Хадикнинг¹ ўзи ёрлиқ билан мукофотлаган. Ўз кўзим билан кўрдим, ўлай агар. Оёғини чиқарган жойни ҳам кўрсатишим мумкин. Фитинг, манави ерга фонус тутгин.

Фитинг араванинг орқа қисмини ёритди. Ҳақиқатан ҳам у ердан арвоҳ оёғини чиқариши мумкин бўлган тешик бор эди. Гусарлардан бири шартта қилич яланғочлаб ҳазил аралаш қўполлик билан:

— Қани, менда жасурлик учун генерал Хадик берган ёрлиқ бўлмаса ҳам арвоҳни бир текшириб кўрай!— деди-ю, қиличини пичан орасига икки марта тиқиб сугурди.

Аввал кимдир бўғиқ ингради, сўнгра ўкирди. Ҳамма сесканиб тушди, ҳатто Жига Бернатнинг ҳам бадани жимирлаб кетди, жанговар қиёфадаги ёш гусар қўлидаги қилич тушиб кетди.

Йўловчиларнинг қути учди. Ҳатто отларнинг бири ҳам ваҳимали кишнаганча ўзини ҳар томонга ура бошлади. Фақат кекса Бордашгина пинагини бузмади; у оқиш мўйловини бураркан, худди чопар каби баланд овозда арвоҳга мурожаат эди:

— Эй, арвоҳ! Худо ҳаққи, сенга мурожаат этяпман! Яхшиликча айт, сенга нима керак? Ҳеч нарса керак бўлмаса, худо хайрингни берсин, жўна, йўқса, отиб ташлайман.

О, мўъжизалар мўъжизаси! Арвоҳ худди ер остидан гапирётгандек жавоб берди:

— Вой, вой, вой! Мен арвоҳ эмас, Видонкаман!

¹ Хадик Андраш, граф (1710—1790)— императрица Мария-Тереза лашкарларини бошқарган саркарда, жасурлиги билан ном чиқарган.

— Видонка!

Енгил тортган йўловчилар кулиб юборишди.

Воқеанинг бундан ҳам кўнгиллироқ ва қизиқроқ ҳал бўлишини кутиб бўлмасди. Фақат қўлидан қиличини тушириб юборган гусаргина ўзини ноқулай сезарди. Фонтусчи Ишток бўлса, аксинча, мағрурланиб кетди, чунки оёқни кўрдим деб у ҳақиқатни айтган эди-да. Лекин ҳаммадан ҳам Бернат хурсанд эди, ниҳоят, энг зарур гувоҳ топилди.

— Қани, бу ёққа чиқ! — ўшқирди у.

Видонка кўп алинтирмади, аввал бир оёғини, сўнгра иккинчисини чиқариб, чувалчангдек эгилиб-букилиб сирғалиб тушди.

— Бу мен, кимдир менга найза суқди.

— Биласанми, биз сени кун бўйи ахтардик! Бу ерга қандай тушиб қолдинг, ярамас?

Видонка иқрор бўлайми йўқми, дея, бир оз иккиланиб турди, сўнгра елкаларини қисиб деди:

— Ўзим ҳазиллашмоқчи бўлдим. Бир сайр қилай, деб ўйлагандим. Мандок қишлоғидаги ойимни жуда кўргим келди, ўша ёққа кетаётган экансиз. Шунинг учун пичан ичига кириб олувдим.

— Ё тавба, қандай қилиб пичан остида бўғилиб ўлмай қолдинг? Ҳеч тушунолмаяман! Нафас олиш мушкул-ку у ерда?

— Ха, ха, ха! — кулиб юборди Видонка. — Нима, мени бекорга қўли гул дейишганми? Эрталаб олдимга ишчилар келиб: «Марҳаматли жаноб, аравани қандай шайлайлик?» — деб сўрашди. Мен уларга: «Олиб келинг, ўзим боплайман», — дедим. Олдига тобут қўйдик, орқа қисмига икки қоп сулини шундай жойлаштирдимки, у ерга Видонка бемалол сиғади, чунки у ихчам йиғит. Пастда эса тахталар орасида ит тишлаган иштон йиртиғидай тешик бор эди. Шунинг учун Видонка икки қоп ўртасида ётиб бемалол нафас олди, кундузи йўлни ҳам кўриб кета оларди.

— Нега бўлмаса оёғингни чиқардинг? — қизиқиб сўради Бернат. — Қочиб кетмоқчимидинг?

— Нима деяпсиз, пан? Эгердаги гувоҳлар сўроғи эсимга тушиб қолди. «Жанжал бўлади, Видонка, — дедим ўз-ўзимга. — Ҳазрат олийлари жаноб Фаи терингни шилиб олади, яхшиси, орқангга қайт!» Шунинг учун оёғимни чиқаргандим.

— Ҳозироқ орқангга қайтишга тўғри келади! Бирдугулик нарсанг борми?

— Халтамда нон билан чўчқа гўшти бор эди.

У дарров инига кириб, халтасини олиб чиқди.

— Оқ йўл, пан! Мен кетдим.

— Ҳе, йўқ, Видонка, жудаям шошқалоқлик қилясан! Сени йўлда иккита гусар кузатиб боради, яна бирор кор-ҳол бўлиб ўтирмасин. Бордаш амаки, ўзингни билан биронтасини олинг-да, Видонкани кўз қорачигндай авайлаб кузатиб боринглар...

Ана шунда Видонка, ҳақиқатан ҳам қўрқиб кетди. У, ёш бола эмасман, шайтондан ҳам, иблисдан ҳам қўрқмайман, деб эътироз билдирмоқчи бўлди. Бироқ «фахрий» қоровуллар мутлақо унинг иззат-эътибор учун юборишмаётганини тезда тушунди. Видонка ергимукка тушиб, Бернатни «Жигажон», «жонгинам», «азим», қўйиб юбор, агар судда сўзга чиқсам, Дёрн мени албатта отиб ташлайди, деб зорланиб йиғлай бошлади. Ахир Хорватдай катта жанобни отиб ташлади-ку. Тўрам, мени ҳалокатга юборманг. Видонкасиз бечора бева Қатушканинг ҳоли не кечади?!

Бироқ унинг зорланишларига Жига қулоқ солмади. Иккита гусар Видонкани худди жиноятчидай Эгерга олиб келишди. Шуни ҳам айтиш керакки, улар йўл бўйи ҳурмат-эътиборга амал қилиб, Видонкага «марҳаматли жаноб», дея мурожаат этиб келишди.

Эрталабдан Бутлер саройида Видонканинг топилиши муносабати билан ҳамма хурсанд эди. Бироқ уни епископ саройига олиб келиш учун анча овора бўлишга тўғри келди. У узоқ давом этган кўндиришлардан кейин, ёпиқ извошда, қуролланган, уни бир дақиқа ҳам холи қолдирмайдиган иккита гусар билан саройга боришга рози бўлди. Гусарлар уни саройга кузатиб қўйиб, қайтиб чиққунча кутиб туришга, сўнгра ўша ёпиқ извошда ҳеч қаерда тўхтатмай, Бозошга жўнаб, хавотирда йиғлайвериб хумор кўзлари қизарган гўзал Қатушканинг қўлига топширишга ваъда беришди.

Ҳамма нарса Видонканинг талабига биноан бўлди. Бироқ уни қанчали тантана билан судга олиб боришмасин, бу кун «марҳаматли жаноб» учун энг даҳшатли кун бўлди. У йўл бўйи худди дор остига кетаётган одамдай дағ-дағ титраб борди. Видонка кечаси ухламаган, бунинг устига, елкасидан яраланган бўлса ҳам суд

аъёнлари олдида намоён бўлди-да, «бўлганича бўлар, таваккал», дея ҳайратомуз даражада юрак ютиб, бор гапни айтиб берди. Видонка Дёри буюрган кўтарма машинани ясагани, уни қандай ишлатгани ва йўқ қилгани ҳақида, ҳамда Дёрининг уни мўмай пул ҳисобига бошқа ном остида чет элда бекинишга кўндиргани тўғрисида гапириб берди. Бу гаплардан кейин қонунчиларнинг тепа сочи тикка бўлди.

Видонканинг кўрсатмалари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шов-шувга сабаб бўлди. У ўша пайт кимнингдир таъбири билан айтганда, ёлғончилик пуфагини ёрган кичкина тўғнағич вазифасини ўтади. Шаҳар аҳли енгилтин олди. Ҳамманинг оғзида Видонка Дёрига узил-кесил зарба берди, деган гап тарқалди. Энди барон ва унинг шериклари туёқларини шиқиллатиб қолсалар бўлади. Бутлер ғолиб чиқди!

Видонка дарров шуҳрат қозонди. Орқасидан ярим кечагача иккита рассом расмини чизиш учун югуриб юришди (архиепископ саройи атрофида кўплаб бўёқ ишқибозлари санғиб юришарди). Ҳайратдан донг қолган хонимлар кофе ичиб ўтириб, наридан-бери дафна дарахти баргларида гулчамбар ясаб Видонкага юборишди. Бироқ гулчамбар Видонкага етиб бормади, чунки у узоқда эди. У ўтирган извош қуроли соқчилар кузатувида Унг шаҳри йўлида елиб борарди. Башарти, Видонка Эгерда қолган тақдирда юрист-студентлар унинг шаънига машъалали намоён ўтказган бўлардилар, бироқ камтарлик — ажойиб фазилат, деб ҳисоблаган Видонка жўнаб кетди. Унинг извошига тўртта ажойиб йўрға отлар қўшилган бўлиб, йўлда учраганлар Видонкани герцог ҳисоблаб, бош эгиб таъзим қилишар, филдираклар эса йўл бўйи «Катушка, Катушка, Катушка...» дея тақтақ овоз чиқариб борарди.

Ун олтинчи боб

ЗАМОНА ЗҮРНИКИ

Мен ўхшатишда балиқдан фойдаланмоқчийдим, бироқ у онгсиз махлуқ бўлиб, сувда акс этган нарсаларни кўрмайди. Шунинг учун митти сузғични оламан: у тез сузишдан ташқари, сувдаги акс этган дарахт шохларигача кўради. Хўш, агар сузғич фикрлаш қобилиятига эга бўлса, дарахтлар қандай кўринишга эга, деган са-

волга: «Дарахт кўм-кўк ва табиат уни ғаройиб яратган, ингичка шох-бутоқлари пастда, йўғон пояси эса юқорида; шундай қилиб, унинг бақувват пояси ингичка, ожиз шох-шаббаларга таянган. Агар биз шу дарахтлар маконида сузиб юриб, уларнинг ҳақиқатан ҳам асоссиз эканлигига ишонч ҳосил қилмаганимизда, бу гап мутлақо бемаъни бўлиб чиқиши мумкин эди»,— деб жавоб берган бўлар эди.

Сув сузғичи каби ўз-ўзини алдаш хусусияти одамга ҳам хос. Одам сузғичга ўхшаб нарсаларнинг сувдаги аксига қараб янглиш фикр юргизаётганини ҳатто сезмайди ҳам. Фақат сузғич мисолидагина нима учун одам неча замонлардан бери дуэлда тўкилган қон номуснинг поклигидан дарак беради деб ҳисоблаб келганини тушуниш мумкин.

Қотиллик — ҳатто «мардонавор», яккама-якка олишувда юз берса ҳам жуда кўнгилсиз воқеа. Бу ишни бажо келтирган одам ҳақида биз кўпинча: «Бундан кейин у қандай қилиб тинч ухлай олади?»— деймиз. Бироқ бундай одам, гарчанд фақат бировнинг қонини тўккани билан, аслида номусидаги доғ ювилмаган, яхши одам бўлиб қолмаган бўлса ҳам қанчалик ажабланманг, барчанинг ҳурматига сазовор бўлади. Ахир у яхши одамлардан яна ҳам узоқлашади, жаҳаннамга яқинлашиб, дошқозонларга ярим белигача ботади, чунки у кечаси иблис ихтиёрида қолади.

Башарти, бу бизга отнинг қашқасидек маълум бўлса ҳам, бари бир биз уни дуэлдаги қотилликдан бошлаб ҳурматга лойиқ одам ҳисоблаймиз.

Хорватни ўлдиргандан кейин Дёри ҳам шундай бўлди. Шу дамдан эътиборан уни шон-шуҳрат чулғаб олди. Унинг қиз узатиш усули ҳамманинг ғзабини кўзгади ва одамлар ундан нафратлана бошладилар. Дилдор қиз, рақибининг отасини отиб ташлаганидан кейин эса Дёри ёмон одамдай ҳақиқий иблисга айланди.

Иблис Венгрияда катта куч, ҳамма унинг хизматини қилишга тайёр. Кўпчилик бир бўлиб уни йўқ қилиш ўрнига, ҳамма ўзини ундан четлаб юради. Ҳатто унинг ихлосмандлари секин-аста кўпая боради. Чунки зўр билан дўстлик алоқаларини сақлашдан ҳамма манфаатдор.

Одам хаёлотини унинг куч ва шижоатини кўкларга кўтаради, бундай одамга аслида ҳеч қилмаган ишларини

ўйлаб топиб қўшиб қўяди, ҳеч қачон оғзидан чиқмаган баландпарвоз гапларнинг эгаси сифатида кўрсатади. Дёрининг «Уч буқа» трактирида поп Сучинка ҳузурига хизматда ҳеч юқорига кўтарилмаётгани ҳақида арз қилиб келган ёш руҳонийга гўё айтган гапи архиепископ саройида катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди.

— Энди кўтарилишингиз учун имкониятлар етарли бўлади,— деди Дёри.— Ишонтириб айтаманки, яқин кунларда бир йўла бир неча қонунчиларнинг кўмиш маросими бўлади.

Суд аъзоларидан бири, қонунчи Пружинскийнинг ошпаз аёли бозорда бу янгиликни олиб, хўжайинига етказаркан, ўзидан, тобутчи Масли хийлагина қуруқ ёнғоқ ёғочи сотиб олиб қўйибди, деб ҳам қўшиб қўйди.

Шу бугундан эътиборан гувоҳларни сўроқ қиладиган мажлислар залидан ташқарига бир оғиз сўз ҳам чиқмайдиган бўлди. Бунинг устига, ҳеч қайси қонунчи на уйда, на жамоат ўртасида процесс ҳақидаги ўз мулоҳазаларини айтмасди. Бирон кимса суд ҳақида эслаб қолгудек бўлса, ҳазрат қошларини чимириб, ноаниқ: «Ҳм, ҳм!» дея қутулиб қоларди. Афтидан, яхши тўппонча ҳам ажойиб қулф ўрнини боса олар экан.

Бу орада суд мажлиси қисман «жамоат фикри гувоҳлари» деб аталмиш қайта чақиртирилган гувоҳларни эшитгани, айрим гувоҳларни ҳам иккинчи марта сўроқ қилгани сабабли яна бир ҳафтача давом этди.

Сўнгра шов-шувга сабаб бўлган бу драма қатнашчилари уй-уйларига жўнашди. Бутлерлар — Бозошга, Дёрилар — Рёска жўнаб кетишди-ю, адвокатлар ўртасида ҳақиқий қоғоз олишуви бошланди (эҳ, ана ўшанда Перевицкийни гўрдан чақиртирилса ёмон бўлмас эди!)

Кўплаб «жавоблар», «эътирозлар», «акс жавоблар», «узил-кесил жавоблар» яна бир ярим йилга чўзилди. Бу орада етим қолган Пирошка Борноцдаги Бернатлар уйида яшарди. Кекса Хорват олдиндан тайёрлаб қўйган васиятномасида Бернатни қизнинг ҳомийси этиб тайинлаганди.

Фаи билан Буглер Пожонь ва Венада процессни ютиб чиқишда тарози палласини боса оладиган қудратли ҳимоячи ахтариб, бор кучларини сарфлар эдилар.

Дёри ҳам ўз қизи билан вақтни бекор кетказмади.

Мария деярли ҳамма эригерцогларни айланиб чиқди. Уша давр учун жуда маълумотли шахс бўлмиш сарой амалдори Солчани: «Донғи чиққан ва ғалати процессга қўл урмаган биронта ҳам машҳур ёки қудратли одам қолмади ва айримлари бу ишда ўз шаъниларига доғ туширдилар»,— деб ёзганди.

Ҳимоя учун ўшандагидай ҳеч қачон бундай қулай вазият бўлмаганди (бошқа пайтларда ҳам Венгрия шароити бунга унчалик қаршилиқ кўрсатмаган). Эгер архиепископининг эригерцог Амбруш ўлиmidан кейин бўшаб қолган Эстергом архиепископи лавозимини эгаллаш учун эътиборли ҳомий ахтаришдан бошқа ташвиши йўқ эди (ўша пайтда архиепископнинг резиденцияси Надьсомбатда жойлашганди). Эгер қонунчиларига келсак, улар епископ ўрни бўш қолгани сабабли, епархияга тайинланиш орзусида яшардилар.

Шу сабабли ҳазрати олийлари архиепископ барон Иштван Фишерни бир неча эътиборли шахсларнинг унга герцог-примас¹ унвонини олишда ёрдам берамиз деб айтган таклифларидан бошқа ҳеч нарса уни бунчалик хурсанд қилмаган бўлар эди. Бирдан архиепископга чор атрофдан кетма-кет хат кела бошлади. Шунча одам қайғунгни еб турса қанчалар ҳузур қиласан киши. Ҳурматли қонунчи жаноблар ҳам мамнун бўлишлари керак, чунки юқори мартабали шахслар у ёки бу епархияни олиб бериш мумкинлиги ҳақидаги умидвор хатлари билан уларни ҳам четда қолдирмадилар. Бу каби ваъдалар худди машъал сингари қонунчилар йўлини ёритиб, қоғозлар, кўрсатма ва далилларнинг қоронғи ўрмонидан чиқишга ёрдам берди.

Дастлаб бу ҳол архиепископ ва қонунчиларга жуда ёқиб тушади, бироқ маълум бир вақт ўтиши билан вазият чидаб бўлмайдиган даражада ўзгарди, чунки айрим шахслар Бутлер билан Мария Дёри никоҳи бекор қилиниб, ўзгалари ўз кучида қолсагина ёрдам беришга ваъда қилардилар.

Шунинг учун архиепископ ҳам, қонунчилар ҳам бир неча қадаҳ қизил шаробдан кейин кайфиятлари жойига тушиб: «Ҳамма ерда дўстларинг бўлгани қанчалик яхши-я», дейишарди. Бироқ кайфиятлари бузуқ ҳолларда: «Эҳ, душманмиз жуда кўп-да!» дея хўрсиниб қўярдилар.

¹ Герцог-примас—Венгриядаги католик черковининг бошлиғи.

Ниҳоят, хатлар, чопарлар, гоҳ пўписа, гоҳ ваъдалар билан тўла мактублар архиепископни шундай чалғитиб юбордики, бир куни у чидаб туролмай алам билан:

— Агар бу процесс чўзилиб кетса, мен жиннихонага тушаман,— деди.

Турган гапки, процесс чўзилиб кетди, чунки адвокатлар ўзларининг бор-йўқ билимларини намоиш қилишлари керак эди. Авом халқ фикрича, суд қарорининг қудратли поялари адвокатларнинг силлогизмига — ингичка, нозик новда каби уларнинг усталик билан қайралган далил-исботларига таяниши лозим эди.

Тўрт комитатда адвокат Сюч ундай деди, бундай деди ёки Видонка Бутлерга сотилган деб унинг кўрсатмаларига бўлган ишончни йўқота олган Дёрининг адвокати мақтаб эслаб юришди.

Бунинг исботи шуки, оддий дурадгор улардан икки вице-губернаторнинг маошини олади (бу судда кўрсатилган ҳужжатлар билан тасдиқланган) ва шу давр ичида у граф имениесида молхона учун кичкина ўриндиқ ясаганки, бу ўриндиқ айрим мамлакатлардаги подшо тахтидан бир оз қимматроқ туради... Ана шундан кейин Дёрининг адвокати Бутлернинг Сючидан яхши деган хулосага келишди. Лекин Бутлердан, янги ном чиқарган Демосфенга ўхшаш адвокатни ишга соладилар деб кутишганди. Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ, чунки Бутлерлар сўзамоллик учун унинг оғзига оддий тош эмас, олтин ташлаб туришлари мумкин эди¹.

Ниҳоят, адвокатларнинг олишувига тугади, январнинг совуқ кунларидан бирида қонунчилар суди энг охирига мажлисга йиғилди ва яширинча қарор чиқарди.

Уч қонунчи никоҳ ипларининг узилиши учун, учтаси қарши овоз берди. Лекин ким «тараф», ким «қарши» бўлгани қизиқувчилар учун номаълумлигича қолди.

Айтишларича, раислик қилувчи овозлар бўлинганини кўриб, бир оз иккиланиб турганда, ҳаяжонланганидан пешанасидан тер чиқиб кетган, сўнгра тамакидонидан бир чимдим тамаки олиб, бўғиқ овозда шундай деган:

¹ Қадимий Грециянинг буюк ноғиғи Демосфен (эрамизга ча 384—322 йиллар) — ривоятларга қараганда, туғма нутқ камчилигини тузатиш учун тил остига тош ташлаб, узоқ вақт қилинган машқлардан кейин тўғри артикуляцияга эришган.

— Овозлар бўлинганини назарда тутиб, падари бузрукворимиз, муқаддас руҳлар номи билан ва черков таомилига асосан мен никоҳнинг бузилишига қарши чиққанлар тарафига қўшиламан...

Шундай қилиб, қонунчилар суди Бутлер билан Мария Дёрининг никоҳини қонуний деб эълон қилди. Бу хотима эди.

Ҳаёт давом этар, қиш қуёши аввалгидек деразадан жилмайиб боқар эди. Адолат юзасидан саройни вайрон қиладиган зилзила ҳам содир бўлмади, деворларни безаб турган қадимий епископлар рамкаларидан чиқиб кетмадилар. Худди осмони фалакда худо йўқдек ҳеч нарса ўзгармади. Фақат юрист-студентлар суд қароридан хабар топишиб, кечаси никоҳни бекор қилиш тарафдори бўлган қонунчиларнинг ҳам, бунга қаршиларнинг ҳам ойналарини уриб синдирдилар.

Қонунчилар уйда синган ойналар жаранглаб, хоналарига тош ва палағда тухумлар тушиб турган бир пайтда архиепископ уйда тинчлик-осойишталик ҳукм суларди. Архиепископ қордай оппоқ ёстиқларда ширин уйқуда ёқимли тушлар кўриб ётарди.

Тушида осмони фалакдан кичкина олтин аравачага қўшилган, бошига тож кийган олмахон тушиб келганмиш. Аравачанинг филдираклари сутдек оппоқ, ҳавода тез айланар эмишу, бироқ мутлақо ҳавога ўхшамас, балки тик тоғ қояси бўлиб, олмахон жуда ҳам баланддан тубсиз жарликка тушиб кетаётган эмиш. Ёнидан иккита оқ каптар учиб ўтибди, бироқ арава уларни уриб кетибди, қанотлари синган қушлар пастга қулабди, олмахон эса тожини ярақлатиб, олға томон учиб борармиш. Бу олмахон императрица Людовикага жуда ҳам ўхшаб кетарди. Сўнгра гўзал олтин аравача ерда пайдо бўлиб, архиепископ саройи олдида тўхтабди. Унинг иккита гусари — Пали ва Дюркалар одатда, мис баркашчаларидаги суратлардагидек кичкина бўлишибди, арава олдига югуриб боришибди-да, ундан олтин ёнғоқни туширишибди. Архиепископ ёнғоқни олиб, дарров тиши билан тишлай бошлабди (унинг атиги битта тиши бўлган). Тиши билан ёнғоқни чақибди, ичида эса қандайдир қизил нарса бормиш. Архиепископ ёнғоқни жон-жаҳди билан ажрата бошлабди: кўрасаки, ёнғоқнинг ўртасидаги қизил нарса катталаша борибди ва тўсатдан... кардинал шапкасига айланиб қолибди!

ҚОР ОСТИДАГИ КУРТАК

Нега воқеа худди юқоридагидай тугаши керак эди? Қайдам? Дарёлар одам ихтиёри билан эмас, ўзи истаган томонга оқади. Менимча, сабаб ана шунда.

Шиддаткор дарё ўзанини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўзгартиради. Мана, гўзал ўлка ястаниб ётибди, дарёлар эса маънос қоялар ёки ҳосилсиз, жазирама саҳрога қараб оқа бошлайди, шиддат билан, шошилиб оқади, доим шошилгани шошилган...

Дарё гоҳо тўсатдан, ҳеч қандай сабабсиз кеча оққан жойга бурилади... йўл-йўлакай бирон нарсани унутиб қолдирмадимикин? Бўлмаган гап: у йўқолган нарсаларини топадиган ўзанидан оқмайди.

Бўлмаса нега ортга қайтди? Бунда бирон маъно борми? Агар дарё шошилмаганда унинг орқага қайтишини бирон нарса билан тушунтириш мумкин бўларди.

Дарё орқа-ўнгига қарамай, маъқул кўрган томонига интилади.

Андак сабр! Хўш, дарёнинг бу қилиғи ўз ихтиёридамикин? Ҳамма гап ана шунда! Оқимни сирли бирор ер ости кучи бошқараётган бўлса-чи? Дарё оқимини тоғ тўсиб йўлини ўзгартиришга мажбур этмаётганмикин? Буниси ёлғиз худонинг ўзига аён. Шуниси шак-шубҳасизки, қандай бўлмасин, гўзал кунларнинг бирида дарё шошилаётган манзил-денгизга бориб қўйилади-да, бошқа жойга чиқолмайди.

Худди шиддат билан олға интилган, ҳатто йўлини тўсиб қоладиган тоғ-тош томон оқиб борувчи сув каби Бутлернинг никоҳ ажрим процесси ҳам жўшқин оқимдек илгарилаб борарди.

Қонунчилар судининг ҳукми ҳаммани ранжитди, бироқ Фаи Бутлерни руҳан туширмасдан мардонаворлик кўрсатарди.

— Оғир бўл, ўғлим Янош, энди ишчи архиепископлар коллегиясига топширамыз.

— Бари бир у ерда ҳам поплар иш кўришади.

— Тўғри, лекин улар яхшироқ, кейин, попларнинг орқасида Фишердай маккор тулки йўқ. Агар у ерда ҳам биз ютқазсак, папа суди турибди. Ҳали вақтимиз бор. Ахир Пирошка сабр-тоқат билан кутяпти. Хатини ўқидинг-ку!

Гап шундаки, суд ҳукмидан сўнг Фаи Пирошкани умидвор қилиб хат орқали: иш ҳамма поғоналардан ўтгунча қадар Бутлерни кутишга тайёرمىсан, деб сўраганиди.

Пирошка: «Мен иложи борича кутаман, иложи қолмаган тақдирда ҳам кутаман,— деб жавоб берди.

Эгернинг олти қонунчилари минг-минглаб варақ қорозга аччиқ сўзлар ёзишса ҳам бу икки қатор жумланинг лаззатини бузишга қодир эдиларми?

Шоирлар нима дейишмасин, лекин ғам-ғусса инсон қаддини бука олмайди. Инсон ўзига қанчалар ғам-ғусса орттириши ақл бовар қилмайдигандек туюлади. Шундай одамлар борки, улар учун ҳар қанча ғам-ташвиш писанд эмас, чидайдилар. Кичкина чумоли бир хил чаққонлик билан катта харсанг ёки кичкина тош остига кираверади. Бутлер аввалги ҳукм ўз кучида қолган тақдирда ишнинг шу тарзда ҳал бўлишига қандай чидаб туришини тасаввур ҳам қилолмасди. У ҳамон ҳаёт, ҳатто режалар тузмоқда.

Вазият эса олдингидан ҳам оғирлашди. Энди Мария Дёри ўзини дадилроқ сеза бошлади. У шу пайтгача ўзини қадрдон отаси уйдан ҳайдалган («Болангни олиб, эрингникига жўна, ўша ерда яшаётганингни ҳамма кўрсин!»), ҳар қандай раҳм-шафқатга лойиқ бахти қаро аёл қилиб кўрсатиб, Бутлер кўрғонларига билдирмасдан кириб борарди. У иш бошқарувчиларнинг раҳмини келтирар, улар ўзларича: «Шайтон зийрак, ҳақиқат мудроқ, ким билади, балки бу аёл бир кунмас-бир кун бизга бека бўлар», деб ўйлашарди. Лекин ҳозир ҳукм чиқарилгандан кейин у ҳақиқий графиня Бутлер ҳисобланади. У Пардань кўрғонига катта дабдаба билан кириб борди-да, оқсоч, хизматкор аёллар олди, шахсий гофмейстерига эга бўлди. Иш бошқарувчи бунга эътироз билдиргани учун Мария комитат мажлисига арз қилди. Торонталь вице-губернатори Бутлер ҳузурига кириб, модомики, бу аёл унинг номида экан, граф Венгриянинг кўзга кўринган магнати ва ўғлони сифатида ҳар ҳолда суд бошқа ҳукм чиқармагунча хотинига камчиликда яшашга йўл қўймаслигини, негаки бу билан Бутлерлар номига доғ тушиши мумкинлигини уқтирди.

Граф бунга жавобан, бу аёлни хотин сифатида танимайман, бироқ қонунни назарда тутиб ва суднинг биринчи ҳукми чиққан экан, бундан буён Мария Дёрига

бошқа қўрғонларда кўринмаслик шарти билан Эрдётелск қўрғонида истиқомат қилишга, ҳар ой хазинасидан икки минг форинт олишга рухсат бераман, деди.

Шундай қилиб, Мария Эрдётелек қўрғонига жойлашиб олди. Граф Тиге ва эгерлик ҳарбий офицерлар унинг кундалик меҳмони бўлиб қолдилар. Зиёфат дабдабаси шу пайтгача ташландиқ бўлиб қолган хонадон тинчини буза бошлади. Фаининг айғоқчилари бари бир Мариянинг бузуқ хатти-ҳаракатини тасдиқловчи бирон-та хабар етказа олмадилар. Бу орада ҳийлагар Крок Янош Кампеш номи остида қўрғонда хизмат қила бошлади, у айниқса сергаклик билан қўрғонга бошқа кишим, бошқа кўринишда рёсклик поп келармикин, деб кузата бошлади.

Лекин Мария тадбиркор аёл бўлиб, ўзини тута биларди. Бунинг устига, аёлларга хос усталик билан Эрдётелекни, Бутлернинг асосий қароргоҳи даражасида ўзгартириб юборди; граф ҳақида сўз кетса, у «беадабларча, ҳалол дворян оиласини ташлаб, восвослик дардига мубтало бўлгани учун олам кезиб юрибди», дерди.

Шуни айтиш керакки, Германияда жуда кўп Бутлерлар яшашарди: у ерда баронлар ҳам, оддий дворянлар ҳам камбағаллашиб қолган, бироқ ҳақиқий олижаноб дворянлар, талай болалар, кўплаб қари қизлар ҳар хил тоға ва холалари бор эдики, Мария улар билан қариндошларча хат ёзишиб, алоқа қила бошлади. Ҳар хил йўллар билан уларни Эрдётелекка авраб чиқарар, ҳатто йўл харажатларини ҳам тўларди. Бунда уларнинг егани олдида, емагани орқасида бўлиб, Бутлерлар зотидан тўрт-беш киши меҳмон бўлмаган кун йўқ эди.

Мариянинг ўз уйида қизил бурунли, кўзойнак тақадиган, париклик, ҳамда Бутлер исмли кекса хонимларни шунчалик тўплай олгани ҳақиқатан ҳам, ажабланарли ҳол эди. Бу хонимларнинг аксари ўтмишда ўша майда немис саройларида фрейлина бўлиб хизмат қилгандилар. Ундан княгиня кечаси қанддонни бекитиб қўяр, ҳазрати олийлари князь эса, агар дастурхонга жўжа оёғи келтиришса, жаҳл билан итариб юборар, жўжанинг иккинчи оёғи ўғирлангани учун дарғазаб бўлиб сарой ходимларига дўқ қилар, агар табиатан кўнгилчан бўлса, унинг баҳридан ўтарди.

Собиқ сарой хонимлари Эрдётелек қўрғонига шундай файз киритишдики, Хевеш комитатининг асл дворян

жамоаси «ўтмиш воқеалардан» кўз юмиб ўта бошлади-лар ва Алмашлар, Брезовалар, Добецклар, Лубилар ҳамда пуританлик Папаслар ҳам ўз хотинларини Эрдё-телекка олиб бориш истаги олдида бардош беролмас-дилар.

Крок бобо булар ҳақида Фаига қуйидагича ахборот берди:

«Сарой хонимлари ҳаддан ташқари эскириб кетган шойи кўйлақларда келишади, бироқ атрофдаги дворян хотинларга уларнинг шитирлаши хуш ёқади ва яхши одатларни ўрганиш учун Телекка галма-гал келиб ту-ришади.

Мария хоним шундай бўлса ҳам бахтсиз, уни қан-дайдир яширин ғам ич-ичини тирнамоқда. У дам-бадам бир ўзи соябонининг учини гулларга теккизиб боғда дайдиб юради. Агар аёл гулга қўл теккизса, у доимо кимнидир хаёлан ўпади. *Probatum est!*

Унинг фикри-зикрини ким эгаллаб олганини ҳеч ту-шунолмаёпман. Фақат граф Тиге эмас. Яқинда сайр вақтида Тиге хонимнинг шляпаси остидан чиқиб қолган кокилини тўғрилаб қўймоқчи бўлди-ю, лекин муваффа-қиятсизликка учради. Хонимнинг жаҳли чиқиб, уни койиб берди: «Одоб сақланг, эшитяпсизми, жаноб граф, эрим борми-йўқми, ўнта тирноғим доим ўзим билан бирга, агар шубҳалансангиз, бунга ишонч ҳосил қили-шингиз учун ёрдам беришим мумкин».

Қолган офицерлар билан у совуқ муомалада, ўлган-нининг кунидан суҳбатлашади. Ғаройиб хотин! Ўзининг «графинечка» аталмиш жажжи қизини ёқтирмайди, бундан чиқдики, попни ҳам яхши кўрмайди, шу сабабли мен бекорга уни қўриқламоқдаман.

Ўтган кун бу ерга кекса Дёри шимпанзеси билан келди. Графиня Бутлернинг келгиндилари маймун би-лан ҳар турли ҳазил қилишди. Ўзлари ҳам бир-бирла-рига жуда ўхшаб кетишарди.

Яқинда мен қулф тешиги орқали ота-боланинг қуйи-даги суҳбатини эшитиб қолдим. Қиз отасига:

— Оҳ, отажон, бундай ҳаёт қуллик билан баро-бар, шу аҳволда давом этаверса чидаб туролмайман.— деди.

¹ Бу исботланган. (Лотинча.)

— Сабр, қизим, сабр қил, вақт биз қўлдан берган ҳамма нарсани тўғрилайди.

Хоним йиғлаб юборди.

— Ҳаттоки ер ости сувлари билан ювилаётган замин тошлари ҳам қимирлаши мумкин, лекин унинг қалби ҳеч қачон менга мойил бўлмайди.

— Ким билади! Вақти келиб Пирошкани унутади.

— Наҳотки, шундай бўлса, дада?

— Ишончим комил.

— Нега бундай хулосага келдингиз?

— Мен инсон қалбини биламан: у аланга бўлиб ёниб туради-да, бироқ вақт уни ўчиради.

— Шундаймикин?

— Тараша бетиним ёнавериб кул бўлиб кетмаганини кўрганмисан ҳеч? Шунга ўхшаш бирортасини учратганмисан? Қани, айт-чи! Равшанки, бундай бўлмайди! Шунинг учун унинг қалби ҳам бир куни совийди, шундан кейин шамол қалб кулини сенга учириб олиб келади, айниқса, сен кўпроқ усталик қилсанг.

Бу суҳбатни, сиз марҳаматли жанобга шунинг учун юборяпманки, Мария хонимнинг худо етарли даражада адабини берган, чунки у граф Яношни пинҳона севади, деган шубҳам бор. Албатта бу фақат ҳар нарсани сезадиган, бироқ кўрмайдиган Крокнинг тахмини. Ваҳоланки, унинг сезгирлиги кўзидан ҳам ўтқирроқ. Сизнинг содиқ хизматкорингиз ва ҳоказо...»

Фаи хатни ўқиди-ю, бироқ Бутлерга бу ҳақда индамади. У Бутлернинг эътиборини бу бахтсиз воқеадан четга тортиш фойдалироқ деб билиб, уни сиёсатга араллашиши учун Пожонга давлат мажлиси сессиясига боришга кўндирди. Албатта сиёсат энгилтак аёлга ўхшайди, у бориб-бориб одамни алдайди.

Вақт илдам одимларди-ю, процесс эса тошбақадек судраларди. Архиепископлар коллегияси ўз ҳукмини чиқаргунча яна бир йил ўтди; папа ҳукми чиққунча яна бир йил керак бўлди. Бу икки шикоят органлари никоҳни қонуний деб топгунларига қадар Бернат боғидаги ариқча икки музлаб, икки марта эриди.

— Энди, фақат парвардигорга мурожаат этишимиз қолди!— дея хитоб қилди чуқур қайғу билан Фаи.

Бутлер тарафдорлари қанчалик эзилганларини тасаввур этиш қийин. Энди ҳеч қандай умид қолмаганди. Парвардигор даргоҳи умид конидир. У ҳар банда

учун очик. Яратган фақат шундагина сахийлик кўрса-тади.

Бироқ вазият худога ёлворишни тақозо этмади. Тўғри, парвардигор Симанчи холани ёнига чорлади. Хола қазо қилди. Айтишларича, кампир вужуди оташ алангасида куйиб ўлган эмиш. Симанчи ажал тўшагида ёта туриб ҳузурига қишлоқ оқсоқоли билан икки қўшни: мўйнадўз Йозеф билан бизнинг олижаноб танишимиз, трактирчи Дьердь Тоотни чорлабди. Йиглаётган наби-ралари попга ҳам одам юбортириш керак, дейишганида кампир бош чайқабди: керак эмас, олижаноб христиан-ка сифатида ўлишни истайман, фақат ҳокимият ваки-лию икки қўшни бўлса бас, деган.

Ҳамма унинг тўшаги атрофига йиғилишгач, кампир жон бераркан, бўйнида оғир гуноҳи борлигини ва бу гу-ноҳни ўзи билан бирга нариги дунёга олиб кетмоқчи-маслигини айтган.

У Эгердаги қонунчилар суди олдида ёлғон гапирга-нига чин кўнгилдан иқрор бўлиб, граф Бутлер Дёри хо-нимга уйланишини истамай, никоҳ узугини улоқтириб юбораркан, узук тўғри унинг, яъни Симанчининг кўзига теккани, ўшандан бери ҳар ой тўлган кун икки чаккаси-да оғриқ туришлиги, граф Бутлер қизини мутлақо рад этганлигини эътироф этган...

Бу иқрор қаттиқ сир сифатида бир қанча вақтгача деҳқонлар орасида оғиздан оғизга кўчиб юрди: ҳеч ким бу ҳақда Дёридан қўрқиб очик гапиролмасди. Бироқ марҳаматли Тоот йўл хуржунини елкага ташлаб, бу гапга қизиқадиган одам ҳузурига жўнашга эриниб ўтирмади. Граф Бутлер олис ўлкалар — Пожонда, дав-лат мажлисининг сессиясида бўлгани учун, трактирчи Борноцга, мана уч йилдирки, отасига аза тутаётган Бутлернинг қаллиғи ҳузурига шошилди.

Мунчаям ажойиб бўлмаса бу жажжи Пирошка! Кек-са Тоот ҳеч қачон уни унутмайди. Тоот билан қанчалар хушмуомала бўлди, нақадар миннатдорчилик билдирди! Унга атаб, худди уйларида қандайдир герцог тўхтаган-дек энг лаззатли таомлар пиширишди, нимани яхши кўради, деб сўрашди; кечаси кетишга рухсат беришма-ди (чол у ерга анча кеч кириб борганди), ётиб ухлаши учун юмшоқ ўрин солиб беришди, Пирошканинг ўзи қўлида шам билан уни алоҳида ажратилган хонага ку-затиб қўйди.

Бечора Тоотимиз бундай эҳтиромни қабул этишга бир оз ийманиб турди, ўзини қандай тутишни билмай уялди. У хонадаги турли жиҳозларга қоқилар, ҳар дақиқа бу арзимаган гап, ёш граф унинг яхши таниши, ҳозир экин-тикиндан бўш бўлгани учун бир айланиб кетиш мақсадида келганини қайта-қайта гапирарди. Ҳар янги таом келганида хўрсиниб, унчалик овқатга иштаҳам йўқ, ёш жаноблар ўшанда жўжаларимни егилари келмовди, ҳамма машмаша ана шундан бошланувди, дерди.

— Жаноб Тоот, сиз менга қайта ҳаёт бахш этдингиз!— миннатдорчилик билдирди бека ва ёш болалардай шўхлик қилиб кечки овқатдан кейин кекса Бернат тиззасига ўтириб олди, Бернат уни тебратди. Қампир бека эса қотиб-қотиб куларкан, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Қараб турсам, чолимнинг иштаҳаси ҳали ҳам чакки эмас!

Бу гап кекса Бернатга шундай ёқиб тушдики, ташқари зимистон қоронғи бўлса ҳам, ертўлада қумга кўмилган катта шишада тоқай виноси борлигини айтиб, қўлига фонус олганча чиқиб кетди, уни бу йўлдан қайтаришнинг ҳеч иложи бўлмади. Ҳадемай Бернат тантанавор қиёфада ис босиб кетган шиша кўтариб келди.

— Сиздан ҳам қадрли меҳмонимиз йўқ,— деди чол.— Мен агар бу шишани бошқа бир одам билан бўшатсам, доим афсусланиб юрган бўлардим.

Шиша очилиб, қадаҳларга вино қуйилди. Уй бекаси ҳам ҳамма билан бирга ичишди. Пирошка ўз қадаҳини тўлдириб, марҳаматли Тоат учун кўтарди. Пирошка нима деганини худо биледи, гаплари ҳозир Тоотнинг эсида йўқ, бироқ қиз унга мурожаат этганида, гарчанд у охирги марта дояси чўмилтираётганда йиғлаган бўлса ҳам ўша топ нима учундир юраги орзиқиб, ўпкаси тўлиб кетганига худонинг ўзи шоҳид.

Кечаси ҳамма уйқуга кетганида, бечора қиз нозик қўллари билан Фаига деярли тонг отгунча хат ёзиб ўтирди. У гуноҳкор Симанчи холанинг ўлими олдидан айтган гапларининг ҳаммасини баён этди. «Пасткаш гувоҳлар ва ёвуз судьялар бахтимиз йўлидаги зиналарни вайрон этганлари учун худонинг ўзи бизга нажот нарвонини узатяпти. Кечиктирмасдан яна бошлаш керак...» Бир дақиқа ҳам бекор кетмаслик учун пастда кутиб турган чопар хатни етказиш мақсадида Фаи

бўлиши эҳтимоли бор Патак ёки Коханга от елдириб кетди.

Пирошка меҳмон билан хайрлашадиган кун тонг саҳарлаб туриб олган, лоладек очилиб қафасдаги қушга бир бўлак қанд ташлагандек вақти чоғ эди. Бечора қуш шу бир бўлак қанддан худди эркинликка чиққандек қафас ичидаги шохда сакрайди. Қиз Тоотни нима билан ва қандай хурсанд қилай деб ҳоли-жонига қўймасди. У Тоотни қўярда-қўймай эсдалик учун биронта кичкина совға — соатми ёки узук қабул этишга кўндирди ва олдига тилла соатларни териб ташлади, бечора Тоот ҳеч қачон бунча соат кўрмаганди.

— Кўряпсизми, мен бадавлатман, миннатдорчилик юзасидан бирон нарса қабул этсангиз, жуда хурсанд бўлардим.— Бизнинг Тоот лавлагидай қизариб кетди ва хомуш бўлиб, тилла буюмларни нари суриб қўйди.

— Шуни билингки, мен буни совға туфайли қилмадим! Ахир мен дворянинман-а!

— Бари бир сиз мендан жилла қурса бирон нарса қабул этишингиз керак. Йўқса, мени хафа қиласиз.

Жаноб Тоотнинг тақдирга тан беришдан бошқа илож илож қолмади ва у нима олсам экан, деб ўйлашиб қолди.

— Фақат, албатта, тилла бўлсин,— деб қўшиб қўйди Пирошка Тоотнинг арзимаган бир нарса ахтараётганини сезиб.

— Тилла бўлиши шарт экан, иложим қанча!— деди трактирчи бўйинини тер босаётганини сезиб,— майли, хоним, менга ўзларининг олтин сочларидан бир тутамини бера қолсинлар, уни қизимнинг дуо китоби орасига солиб қўяман, негаки, яширмай қўя қолай, ибодат қилиш одатим йўқ, фақат поплар маслаҳатига кўрагина шундай қиламан. Уларнинг маслаҳатидан ҳеч яхшилиқ чиқмайди.

— Вой-бў, жаноб Тоот,— ишва билан пўписа қилди қиз,— сизни ҳечам шунчалик ёмон одам деб ўйламагандим.

Лекин қиз шу заҳотиёқ қўлига қайчи олди-да, сочидан бир тутамини қирқиб берди. Қичкина қайчи ғирчиллаб кетди.

Жаноб Тоот ҳавас-ла тикилиб турган бир тутам тилла ранг сочни сертук қўллари билан тараб турди-да, бирдан қошларини ясама чимириб, бекага пўписа қилган бўлди:

— Ха-ха-ха, жаноб олийлари граф Бутлер бу килларни қўлимда кўрсалар, нима деркинлар?

Пирошка жилмайди.

— У ҳеч нарсa демайди, чунки мен бутун вужудим билан уникиману, фақат бу сочлар уники эмас. У менинг қўлимни сўраган вақтида сочим бошқача эди, касаллик пайтимда тўкилиб кетди.

Хорват хоним Тоотни ҳатто катта кўчагача кузатиб қўйди ва ўткинчи деҳқонлар кўзи олдида дўмбоқ қўлларини унинг қадоқли катта кафтига қўйиб:

— Худо ёр бўлсин, жаноб Тоот. Биз томонларга йўлингиз тушиб қолса, албатта кириб ўтинг,— деди.

— Сизлар ҳам графиня бўлиб, тақдир тақозоси билан Рёскка йўлларинг тушса бизникига марҳамат қилинглар. Рёскда ҳеч бўлганмисизлар?

— Йўқ.

— Яхши қишлоқ...— Бироқ бирдан шунча воқеалардан кейин Рёскни эсламаслик кераклигини тушуниб, қўшиб қўйди:— Жин урсин ўша Рёскни! Лекин студентлар ўшанда жўжаларни ейишса борми, биз ҳозир бир-биримиз билан бундай суҳбатлашмаган бўлардик.

У шундай деди-ю, чуқур хаёлга чўмиб йўлга тушди. Тоот Бернатларникида бўлиб, қиз қалбида ширин ҳаёт орзуларини уйғотдики, у шу орзулар билан яна бир неча йил яшаши мумкин эди.

Ун саккизинчи боб

ИМПЕРАТОР САРОЙНИНГ КҮРКИ

Марҳума Симанчи холанинг кўрсатмаларидан кейин Бутлер иши устидаги кураш титкиланган қўрдай яна авжига минди. Адоватчи тарафкашлар жанг қилиш учун қўлларига қуроли олди. Бошқача тусда намоён бўлган яширин можаро айниқса дворянлар орасида нафрат уйғотди. Протестантлар киноя билан: «Католик руҳонийлари ўртасидаги сотқинлик роса авжига чиқдида»,— дейишарди. Католиклар хижолатда эдилар. Паль Надь ишни очиқ муҳокама қилмоқчи эди-ю, бироқ уни базўр бу йўлдан қайтаришди. Эстерхазилик бир граф, агар хато тузатилмаса, эътиқодимни ўзгартираман, деди.

Миклош Драшкович бир базм пайти ноиб ҳузури да барала деди:

— Рухонийлар ўта ёлгон билан кимни ҳимоя қил-яптилар? Рёсклик попними? Агар бу мамлакатда олиёҳазратларининг: *Lustitia regnorum fundamentum*¹ деган шиорларига жиддий муносабатда бўлишганда, бу муттаҳамнинг фотиҳа берган қўлларини кесиб ташлаб, ўзини от думига боғлаб парча-парча қилиб ташлаш керак эди.

Бутлер бу орада Пожонда талайгина дўст орттирди, унинг қизларга хос камсуқумлиги, ўнгу сўлига қарамай сахийлик билан сарф қилаётган катта бойлиги, ичини кемириб ётган чуқур қайғуси қўшилишиб, кўпчилик хайрихоҳларни ўзига жалб этди.

Айни вақтда, муқаддас никоҳни хўрлаган архиепископ Фишерга нисбатан умумий адоват ортиб борарди. Гаразғўйлик шу даражага бориб етдики, Фишерни герцог примаси қилиб тайинламоқчи бўлиб турган қирол ўз ниятидан воз кечиб, бу лавозимга Шандор Руднаини белгилашга мажбур бўлди.

Бутлер ана шундай қулай бир шароитда Эгерда яна процессни бошлаб юборди.

— Мана бу сафар мағлубиятга учрашимиз мумкин эмас!

Марҳаматли олим Шандор Кёвининг ўзи Фаига далда берди.

— Сенека, парвардигор учун йигит кишининг кўр тақдир билан олишишини томоша қилишдан ҳам ёқимлироқ манзара йўқ, деган. Лекин иккиламчи бундай томоша бўлмайди, чунки энди тақдир калити Бутлер қўлида.

Агар тақдир маъбудалари ҳаёт ипларини фақат биргина ўша чарх коптогидан йигирмай, уни ҳеч ким алмаштириб қўймасагинна албатта шундай бўлиши муқаррар эди!.. Шунда бу иш черковнинг обрўсини тўкиб юборишдан хавфсираб қолган ультрамонтанлар¹ ҳаракатга тушиб қолишди. Иезуитлар Иосиф II давридаёқ, «Биз яна бургутдай қайтамыз!» дея башорат қи-

¹ Подшолик адолатпарварликка асосланган. (*Лотинча*).

² Ультрамонтанлар — католик черкови ва Рим папасининг диний ҳамда дунёвий ишларга таъсирини чексиз бўлишига ҳаракат қилган рухонийлар ўртасидаги ўта реакцион оқим.

лишган. Улар ўз сўзлари устидан чиқиб қайтдилару, бироқ бургут бўлиб эмас, юмронқозиқдек зимдан ўз ишларини бошлаб юборишди.

Бутлернинг иши улкан сиёсий ўйинда гарчанд арзимаган нарса бўлса ҳам «Худо кичкина қушни ҳам па ноҳида асрайди» нақлининг муаллифи бўлмиш иезуитлар, мазкур ҳикматга ёпишиб олдилар. Кейинчалик бу нақл қиморбозларга ўтди (иезуитларга хос фавқуллодда сахийлик). Умуман, дунёда улар қўл уришдан қўрқмаган катта иш ҳам, шуғулланишдан ҳазар қилмаган кичкина иш ҳам йўқ эди. Бугун иезуитлар узунроқ жун оламан деб қўйни қийнашса, эртага бирон кимсани бурда-бурда қилиб ташлаши учун арслонни гиж-гижлайдилар, индинига эса қулай фурсат келганда бирон аёл қўйлагининг чокларига қўйиб юбориш учун бит сақлайдилар.

Улар кўпроқ саройда бўлардилар, у ерда нозик, ўргимчак уяларини тўқийдилар. Уларнинг ичида энг эпчил ва айёри эрцгерцогиня Мария-Луизанинг руҳонийси кашшилик Леринц Вирке исмли патер эди. Сарой аҳли, айниқса, заифалари Бутлер ишида содир бўлган ўзгаришга жуда қизиқиб қолдилар. Дарҳақиқат, бир неча йил давомида мишмишларга озуқа бўлиб келган бу иш яна кўзгалганди. Ҳазрат Виркенинг миясига ажойиб фикр келиб қолди-ю, бу фикрни дарров герцогиня билан унинг будуарида баҳам кўришга ошиқди.

— Бу иш, ҳазрати олиялари, қиз эрга тегмагунча тинчимайди.

— Қанақа қиз?

— Ҳа, ўша Пирошка Хорват-да.

— Уни жуда гўзал дейишадими?

— Ҳа, жуда келишган қиз.

Эрцгерцогиня аллақачоноқ ҳусндан қолган, у дунёга олиб кетиш мумкин бўлган озроқ эзгулик даражасидаги хайрли иш қилувчи аёл ёшига бориб қолганди.

— Албатта, албатта,— деди у хаёлчан,— агар бу қиз эрга текканида, Бутлернинг процессга ҳаваси қолмасди.

— Ҳа-да.

— Шундай-ку, лекин мен бунда бирор тадбир лозимлигини кўрмаяпман-ку?

— Ҳазрати олияларининг қўлидан ҳамма нарса ке-

лади ва ҳали нима билан тугаши номаълум бу жанжалнинг олдини олишга қодирлар.

— Ҳазрат Леринц, менинг кучимни ошириб юборяпти сиз, деб қўрқаман.

— Ҳазрати олиялари у қизни сарой хонималари қаторига олиб, тез орада эрга бериб юборишлари мумкин, чунки у жуда бадавлат.

— Сиз айёрсиз, ҳазрати Леринц, жудаям айёрсиз! Уйлаб кўриш керак. Фақат бугун эмас, эрталабки фикр, кечқурунгисидан хайрлироқ,— деди жилмайиб эрцгерцогиня.

— Сиз ҳазрати олияларига нима қилиш кераклигини тушингизда малоикалар воқиф этишсин.

Малонка нима деб шивирлагани равшан, чунки бир ҳафтадан кейин Унгвар губернаторига ноибдан шошилинч хабар келиб, унда ҳазрати олиялари эрцгерцогиня Мария-Луиза Будадаги ноиб оиласини кўргани боради ва агар мадемуазель Пирошка Хорват ҳазрати олиялари ҳузурида намоён бўлса, жуда хурсанд бўлур эдилар, чунки кўнгиллари ўша қизга нисбатан мойиллик ва ҳамдардлик ҳислари билан тўла, дейилганди.

Бу ишда губернаторга одоб сақлаш ва эҳтиёт бўлиш кераклиги амр этилганди.

Губернатор мазкур ишнинг уддасидан қандай чиққанлиги шундан маълумки, Бернат хоним билан Пирошка троица куни Будага етиб келишиб, Пештдаги «Етти курфюрислар» меҳмонхонасида тўхтадилар¹. Жойлашиб олганларидан кейин хоним гусарга қуйдагича кўрсатма берди:

— Дарров ясаниб ол, шаҳардан ходимчи аёл топиб, ҳузуримга юбор; йўл мени шундай қийнаб юбордики, суякларим зирқираб мой суртишни талаб қиляпти. Сўнгра палатин ҳузурига борасан. Қара, эҳтиёт бўл, одоб сақла, тагин мени уялтириб қўйма. У ерда биронта ишончли ходимга биз келганимизни айтасан, тушундингми, биз келиб, фармонларини кутиб ўтирибмиз. Ҳамма айтганларини яхшилаб эслаб ол, уйга қайтиб, аниқ ва тушунарли қилиб бирма-бир айтиб берасан.

Гусар кегди, аёллар коробка, саквояжларидан кўйлак ва тўрларини олиб жойлагунларича у биронта хо-

¹ Б у д а ва П е ш т 1867 йилгача маъмурий мустақил эди: Будада Вена саройи палатин-ноибнинг қароргоҳи жойлашган бўлиб, Пешт савдо маркази эди.

димчи аёл тополмадим, чунки «улар фақат қишлоқда яшар эканлар», деган хабар билан қайтиб келди.

— Хўш, палатин ҳузурида бўлдингми?

— Худди шундай, бўлдим.

— Қим билан гаплашдинг?

— Ахборотингиз учун палатиннинг ўзи билан.

— Бундай бўлиши мумкин эмас!— ҳайрон бўлди Бернат хоним.— Наҳотки, шахсан ўзи билан гаплашган бўлсанг? Ҳамма гапни айтдингми?

— Худди шундай, айтдим.

— Нима деб юборди?

Гусар айтмасданоқ, жаҳли тез ва қўли югурдак Бернат хоним унинг башарасига шундай тушириб қолдики, гусарнинг кўзларидан учқун чақнаб кетди.

— Хўш, Пештда ходимчи аёл бор эканми-а? Ахир сен «Палатинус» майхонасида ўтиргансан, эшак!

Албатта, ноиб саройиба гусарни яна жўнатишга тўғри келди, унга «Етти курфюристлар»дан бир дарвозабонни қўшиб юборишди.

Тўғри, бу сафар гусар топшириқни яхши бажарди.

Менинг назаримда, уларни саройда қандай қабул қилишганини узоқ тасвирлаб ўтириш керак эди. Бунинг устига Бернат хоним бу ҳақда неча марталаб ҳикоя қилиб берар экан, албатта ҳикоясининг охирида: «Такрор айтаманки, эрцгерцогиняни, унинг қизларини ва палатиннинг хотинини кўриб, уларнинг ичида энг одобли ва энг гўзали — жонимнинг роҳати Пирошкам экан деган қарорга келдим», деб қўшиб қўярди.

Извош тўхтаганда уларнинг кўз ўнгларида ҳар бир қишлоқда учрайдиган оддий боғ намоён бўлди. Улар у ерда на қоровул, на лейб-гравдейц, на заррин жиякли швейцарларни, на у ёқ-бу ёққа бориб-келиб юрувчи сарой хизматкорларини учратдилар; фақат қартайган оқ ит қизил нам тилини осилтирганча думини ликиллатиб турарди. Қандайдир баланд бўйли, кийими эскирган кекса одам буталар орасида ер чопар, унинг тақир, ажиндор чувак юзидан тер қуйиларди.

— Айтинг-чи, қадрдоним,— дея мурожаат этди унга Бернат хоним,— ҳазрати олиялари Мария-Луизага бизнинг келганимизни ким етказди?

Чол кенг айвонли шляпасини кўтариб қўйди ва сизларни кузатиб қўйишга тайёрман, дегандек белкурагини зарб билан ерга санчди. Чол уларни ташқи кў-

риниши жўн бино олдига олиб борди-да, эшикни очган, ичкари киргизиб юборди.

Бернат хоним чол ичкари кирмаса керак, деб ўйлаб, унга ялтироқ талер узатди. Мўйсафид чол илжайиб, қўлини орқасига беркитди, лекин Бернат хоним дўстона кўз қисиб деди:

— Олинг, олаверинг энди.

— Палатин хизматкорларининг чойчақа олишларини яхши кўрмайди,— деб жавоб берди чол мулойим.

— Бундан чиқадики, ўзи ҳам олиши керакмас. Тўғри эмасми, бекам?

— Ё тавба!— гўлдиради Бернат хоним кутилмаган учрашувдан ҳаяжонга тушиб.— Наҳотки...

— Худди шундай, ҳа, мен палатинман. Ҳечқиси йўқ, бекам, уялманг, бемалол, ахир талер узатар экансиз, менга яхшилик қилмоқчи бўлгансиз.

Оҳ-воҳнинг энди фойдақи йўқ бўлиб, улар стол атрофида оддий кийимли аёллар ўтирган залга киришди. Ҳеч ким бу аёлларни князь зотидан демасди. Уларнинг эгнида шоҳи кўйлак ҳам, заррин ҳошиялар ҳам, Брюссель ёки Венеция тўрлари ҳам кўринмасди: бўйнилари ни безаб турган тўрлари эса, худо ҳаққи, жўнгина тўқилганди (Бернат хоним бундай нарсани бир чақирим наридан билиб оларди). Стол бошида палатиннинг хотини қарта ташлаб ўтирарди.

— Мана, қадрли синглим,— деди ноиб Мария-Луизага мурожаат этиб,— кўрмоқчи бўлган венгр қизингиз шу.

Бу гаплардан кейин палатиннинг хотини қартани четга суриб қўйди. Яхшилаб назар ташланса, бу аёл унчалик хунук эмасди.

Эрцгерцогинянинг қизлари қизиқувчанлик билан ўгирилдилар, уларнинг ажойиб венгр қизига қаратилган нигоҳларида хайрихоҳлик аломати сезилди. Бўй етган қизлар чувак юзли ориқ аёл ихлосмандларига ёқишлари турган гап эди. Қизлар тиззаларида исиниб ётган мушукларни силаб ўтирардилар. Бернат хоним Пирошкани туртиб, унга (агар бунинг имкони бўлса-ю, журъати етса), «Бу албатта энг янги сарой модаси»,— деб шивирлагиси келди.

Мария-Луизанинг ажин юзи таранглашиб ёришди, у ўрнидан туриб, меҳмонлар томон бир-икки қадам ташлади. Унинг қўққайган испанча турмакли кичкина кал-

ласи худди тўтиқушдай чайқаларди; гўё калласи бир амаллаб елкасига ёпиштириб қўйилгану, ҳозир думалаб кетадигандай туюларди. Балки бундай фикрлар Мария-Антуанеттанинг қирқилган боши ҳақидаги хотирани эслатар.

Бернат хоним қуюқ таъзим қилди, бугун биринчи бор қора мотам кўйлагини оққа алмаштирган Пирошка эса, ўша пайт таомили бўйича икки букилди, шу дамда у бандидан узилган нозик нилуфарга ўхшаб кетарди.

— Яқинроқ келинг, кўзичоғим,— деди эрцгерцогиня очиқ кўнгиллик билан, жўн, далда берувчи оҳангда, ўнг қўлини ўпишга узатар экан, чап қўли билан Бернат хонимга стул кўрсатди.— Утиринг, марҳамат, хоним.

Бироқ Бернат хонимга ўтириш насиб этмаган экан, чунки шу заҳотиёқ ёнига шитирлайдиган крахмал тўр ташланган баланд бош кийимида палатиннинг хотини келди. Унинг юриш-туриши Бернат хоним палатиннинг хотини-ю, аёл шунчаки ходимага ўхшаб кетарди.

Бернат хоним шошиб ўрнидан турди ва эҳтиром билан эгилиб (уни бод касали қийнар, шу ҳолда туриши унга жуда қулай эди), эҳтиёткорлик билан ноиба хотиннинг саволларига жавоб бера бошлади. У Бернат хонимнинг эри, ўғли, бу йилги ҳосил ҳақида суриштириб олганидан кейин, жўжалари кўпми, товуқ ва ўрдаклар уларни ҳалиям эмизадиларми, деб сўради. Бернат хоним саволларга мукамал жавоб берди, бу орада Вена эрцгерцогиняси лутф қилиб, Пирошкага бир-икки оғиз илиқ сўзлар айтди:

— Бошингизга катта кулфат тушган, шундай эмасми, кўзичоғим?

— Ҳа, ҳазрати олиялари.

— Бардам бўлинг, оппоғим. Ҳаёт ғам-алам ва ҳижронга тўла, бизга фақат эътиқодимиз тасалли беради.

— Сиз ҳазрати олиялариники каби шафқатли қалбнинг ҳамдардлиги ҳам,— деди Пирошка.

— Ҳа, тўғри айтдингиз, жонгинам. Менинг, ҳақиқатан ҳам, сизга раҳмим келади. Етимчамисиз?

— Ҳа, ҳазрати олиялари. Отамни дуэлда ўлдиришди.

— Қайғули воқеа, бу ҳақда эшитиб жуда ҳаяжонландим. Ушандаёқ менда бир фикр туғилганди, агар маслаҳатимга кўнсангиз.

— Сизнинг гапингиз мен учун қонун.

— Мен сизни ҳимоямга олмоқчиман, ўз ҳимоямга,— қўшиб қўйди эрцгерцогиня сохта мулойимлик билан,— сизни ўзимга фрейлина қилиб олмоқчиман.

Пирошка чўчиб тушди, ранги оқариб, бир нарса демоқчи бўлди-ю, бироқ чурқ этолмади. Ҳазрати олиялари қизнинг хижолат тортаётганини сезиб, тўғри Бернат хонимга мурожаат этди.

— Қизни менга берасиз, шундай эмасми, хоним? Мен уни фрейлина қилиб олмоқчиман.

— Вой, худойим-эй! Нима десамикин?— деди Бернат хоним итоаткорона.— Уйимизда ҳамма нарса эрим ихтиёрида. Биз ундан сўраб иш қиламиз.

— Майли, ундан сўранг,— эрцгерцогиня илтифотли бош ирғади.— Ишонаманки, ундан рад жавобини олмайман.

— Бир нарса дейишим қийин, ҳазрати олиялари. Фақат шуниси равшанки, ҳазрати олиялари, сиз мамлакатингиздан истаганча қиз топа оласиз, лекин бечора чолимнинг яккаю ягона арзандаси шу.

Эрцгерцогиня жавобан жилмайиб қўя қолди, сўнгра тез орада оилавий қарорни етказажаклари ҳақида ваъда олиб, аёлларга илтифот билан жавоб берди. Сарой извоши Бернат хоним билан Пирошкани «Етти курфюрюристлар»га элтиб қўйди, шундан кейин уларни меҳмонхонада иззат-ҳурмат қила бошлашди.

Ун тўққизинчи боб

«МЕНИ БОШҚА КУТМА, АЗИЗАМ»

Земплен ва Унгда натижасини диққат билан кутиб туришган дабдабали қабул ана шундай тугади. Бу комитатдаги аксари аёллар қаерда нима гап борлиги, нималар қилишаётганини равшан кўрсатувчи сеҳрли ойна учун жимжилоқларини кестиришга ҳам тайёр эдилар! Фаи билан Бутлер ҳам тоқатсизланиб, фиғонлари ошар, бироқ айниқса рақибасини ноиб саройига чақиртирилганидан хабар топган, Эрдётелек қўрғонида истиқомат қилаётган аёл қаттиқ ташвишланарди. Оҳ, охири нима билан тугар экан!

Фаи эрцгерцогинянинг таклифини эшитиб, боши ос:

монга етди; Пирошканинг бундай қудратли ҳомийга эга бўлиши жудаям зарур.

«Ҳаво ёришяпти, ўғлим,— деб ёзди у Бутлерга.— Пирошканинг саройда бўлиши айрим одамларга сарой аҳлининг кайфияти ўзгарганлигини жиддий эслатиб туради, ишончим комилки, эгерлик қонунчилар бизга қарши овоз берган тилларини тишлаб қоладилар».

Пирошканинг «бахти» ҳақида эшитган Бутлернинг қувончини тасвирлаб бўлмасди. Фаи хоним авлиё Петр ва Павел кунигача Пирошкани покиза герцогинянинг қўлига олиб бориб топширишга бир овоздан келишишди. Шундан кейин герцогиня ўз мулозималари билан Тиролдаги ёзги қароргоҳига жўнаб кетади.

Шундай қилишди ҳам. Бироқ улар мўлжалдан адашгандилар. Пирошканинг янги ҳомийси воқеа оқимига ҳеч қандай ўзгартиш киритмади: бу билан процесс бир қадам ҳам олға силжимади. Эгер қонунчилари судни аввалгидек ҳар хил баҳоналар билан орқага сураверишди.

Орадан икки йил ўтди. Гарчанд, Бутлер иш кўришни давом эттиришни талаб этиб бир неча бор мурожаат этган бўлса ҳам, у фақат Симанчи холанинг ўлими тўшаги атрофида бўлган гувоҳларини сўроқ қилинишигагина эришди, холос.

Ҳар қандай урушнинг ҳам икки хунук томони бўлади: биринчидан, у жуда қимматга тушса, иккинчидан, бунда сени отиб қўйишлари ҳам мумкин. Худди шундай камчиликлар Бутлер бошлаган урушга ҳам тааллуқли эди. Симанчи холанинг ўлими олдидаги иқдорини тасдиқлаган гувоҳларнинг кўрсатмаларига қарама-қарши Дёри тарафдорлари Симанчи хола кейинги пайтларда алаҳсираш касалига мубтало бўлиб, мутлақо ақлдан озган эди, шу сабабли унга ишониб бўлмайди, деган гапни тасдиқловчи гувоҳларини рўкач қилишди.

Қонунчиларга эса янаям енгил тушди. Фаи умидлари чиппакка чиқиб, Бутлер қаллиғининг саройда бўлиши ҳакамларни мутлақо хижолатга солмади, улар қизнинг нима сабадан у ерга таклиф этилганини бошқаларга нисбатан яхшироқ билардилар. Иезуитлар Фишерга гўзал Хорват хоним яқинда турмушга чиқади, деб шивирлаб қўйдилар, азамат гвардиячилар ва хушбичим жазманлар бекорга сарой атрофида ўралашиб юришмасди. Қизнинг қалби юзта бўлган тақдирда ҳам, барчага ула-

шиб отказолмаган бўларди. Ҳазрат қонунчилар қарор чиқаришни кечиктириб туришса, қиз ўйиндан чиқадую, бемалол Бутлернинг таъзири берилаверади. Жамоат фикри худди гулини тополмай инига ҳориб-чарчаб қайтган асаларига ўхшайди. Демак, ана шу гулни йўқ қилиш керак.

Кўп ўтмай, Бутлер тарафдорлари ҳам Пирошканинг саройга таклиф этилиши ҳийладан бошқа нарса эмаслигига тушуна бошладилар. Бу нарса Пирошканинг хатларидан ҳам равшан бўлиб, ҳар масленица куни бирортаси унинг қўлини сўрарди. Пирошка учун куёв танлаш эрцгерцогинянинг чинакам эрмаги бўлиб қолди. Бироқ қиз ўжарлик билан кетма-кет рад жавобини берарди.

Гап нимадалигига тушунган Фаи фиғони ошиб, мушти билан пешанасига урарди.

— Эҳ, хом калла! Ахир ҳеч қачон немисларга, ҳатто эркакларга ҳам ишонмасдим-ку. Қелиб-келиб немис аёли бошлаб кетса-я!

Аввал у шу дамдаёқ отларни эгарлаб, Пирошкани уйга олиб келиш учун Венага жўнамоқчи бўлганди, бироқ Бутлер тўсқинлик қилди:

— Майли, Пирошка ўша ерда қолаверсин! Мен унинг ҳиммати ва вафодорлигига ишонаман. Гарчи ишонмаган тақдиримда ҳам шунинг ўзиёқ уни олиб келмасликни тақозо этади. Пирошкага уйланиш умидим шу қадар озки, қиз бошини боғлаб қўйишга ҳеч қандай ҳаққим йўқ. Ҳеч кимни севмай, мени кутаверганидан нима фойда? Фақат унинг садоқатини билишимнинг ўзи мен учун бахт... Агар у биронтасини севиб, турмушга чиқса, бундан бечора фақат ютади.

Бутлернинг далиллари кекса Фаини ишонтирди.

— Сен олижаноб фикр юритяпсан, граф Янош. Ҳақсан.

Ҳақиқатан ҳам умид оз эди. Пирошка эрга тегишни ўйламаётганини кўрган, ҳукми чексиз орқага суриш имкони йўқ қонунчилар кунларнинг бирида илгариги қарорларини тасдиқладилар. Никоҳ қонуний деб топилди.

Бироқ бу воқеалар юз бергунга қадар, орадан яна беш йил ўтиб кетди ва Яношнинг қора сочларига оқ оралади.

Дам олиш кунларининг бирида Эгерга буқаларни сўйиш учун сотишга олиб борадиган иш бошқарувчи Будаи суд қарори ҳақида хабар топиб келди.

Граф Бутлер руҳи тушиб, бошини қуйи солди.

— Шундай бўлишини билгандим,— деди у бўғиқ овозда мутлақо ҳаяжонсиз.

У кун бўйи индамай қўрғон отхоналарини айланиб, от ва сигирларни, боғдаги эски қадрдон дарахтларни кўздан кечириб юрди. Кечга яқин муҳтарам Будаи ҳузурига кирди. Гарчанд, Будаи тавротни бошдан-оёқ ёдлаб олган бўлса ҳам, ҳар якшанба уни қайта ўқиб чиқарди. Бутлер Будаи тавротни мутолаа қилиб бўлгунча унинг неваралари билан ҳазиллашиб ўтирди.

— Сиз ақлли одамсиз, қадрли Будаи,— деди Бутлер ниҳоят сҳиста,— сиздан сўрайдиган гапим бор эди.

— Марҳамат, бемалол.

— Поплар йўқ мамлакатни биласизми?

Будаи ўйланиб қолди.

— Мен руҳонийлари бўлмаган халқ бор, деёлмайман, ҳазрати олийлари. Бўлиши мумкин, лекин бунга ишончим йўқ.

— Агар шундай мамлакат бўлса, мен топаман,— деди Бутлер.

У шундай деди-ю, ўз хонасига йўналиб, буюмларни йиғиштиришни буюрди ва эртаси тонгда жўнаб кетди.

Граф Венага келиб, одатда келгинди магнатлар яшайдиган Франкфурт шаҳри меҳмонхонасида тўхтади, у икки-уч кун миясида қандайдир режа тузиб ва шубҳалар азобида Мария-Луиза саройи атрофидаги кўчаларни кезиб юрди. Афтидан, Пирошкага бир гап айтмоқчи бўлиб, у билан учрашмоқчи эди-ю, бироқ буни қандай амалга оширишни билмасди.

Ниҳоят, у заргарлик дўкони витринасида нафис ўйинчоқ — кумуш кемачани кўриб қолди. Граф Бутлер дўконга кириб, қимматбаҳо ўйинчоқни сотиб олди ва унга қўшиқнинг бир «Мени бошқа кутма, азизам» сатрини венгр тилида ўйиб ёзиб беришларини илтимос қилди. Ёзув битганидан кейин у бирдан қўрқиб кетди: жумла унчалик аниқ бўлмаса ҳам, лекин ҳаддан ортиқ ғамгин эди. Бутлер сўзларни ўчириб ташлашни илтимос қилди, бироқ эгоь ахтариб топилгунча, Янош фикрини ўзгартирди ва ёзув ўзича қолишига рози бўлди.

Унинг илтимосига биноан кемачани ўраб, Пирошкага жўнатишди. Шу билан Янош бир оз таскин топди, сўнгра уйдан узоқроқда қайғусини унутиш мақсадида саёҳатга жўнади.

У бир йилга яқин дунё кезиб юрди, афтидан, поплар бўлмаган мамлакатни ахтарарди. Бироқ у ўз хотираларидан қутулмоқчи бўлиб беҳуда уринди, бизнинг жойлардан яхшироқ, дарахтлари Борноц хиёбонини эслатмайдиганини ахтарса ҳам хотираларини тарк этолмади. Унга ҳеч бир ўлка ёқмади: ҳеч қаерда дарахтлар эркин нафас оладиган ҳаво чиқармасди. Дунё кўкатлари унинг қайғусини ювиб кета оладиган шудринг йиғмагандилар; ҳеч қайси денгиз унинг жафокаш қалб уришини босар даражада шовилламасди. Йигит яна йўлга тушарди.

Янош котиби Иштван Ботни ярим йўлда уйига қайтариб юбсра туриб бундай деди:

— Мен дунёни бир ўзим кезмоқчиман, азизим Бот. Ҳузуримда мени биладиган одам бўлишига ҳушим йўқ.

Бутлер янги котиб ва камердинер ёллаб, умрида кўрмаган мана шу одамлар тилини ўргана бошлади. У ортиқ Янош Бутлер йўқлигига ўзини ишонтирмоқчи бўлиб, ўз-ўзидан қочмоқчи бўларди. Лекин бу ўлкалардаги одамлар ва дарахтлар бошқа, хурмо ва писта дарахтлари маъносиз, эринчоқ баргларини бепарво эгиб турса ҳам, бироқ ўт-ўланлар Бутлернинг юзига кулиб боқувчи ватанимиздагидек нимжон кўкатларга ўхшар, улар Яношга: «Биз сени биламиз!»— дердилар.

Қуёш ҳам бизнинг қуёшимизга ўхшар, улуғвор, виқор билан худди ўтган йилги, кўп йиллардагидек осмон узра сузарди. Офтоб бир пайтнинг ўзида Вена, Бозош ҳам Истамбул устидан ўтарди. Қаерда бўлмасин, дераза рафида бирон қизнинг ғамхўрлиги билан тувакда ўсган гулни иситар, эркалар, ғунчалари очилишига кўмаклашарди.

Денгизлар-чи? Оҳ, чексиз денгизлар қанчалик гўзал! Қимсасиз ва ҳамма нарсага бепарво: улар кўзни қувонтиради, одамни овунтиради. Бироқ денгизлар узра кемалар сузади ва гоҳо чексиз кумуш ранг денгиз сатҳида ўша «Мени бошқа кутма, азизам»,— деган сўзларни ёзаётгандек туюлади.

Нигирманчи боб

МУҲТАРАМ АРХИЕПИСКОП ПИРКЕР

Ун уч ойдан сўнг ҳеч нарсани унута олмаган Бутлер ватанига қайтди. У жуда ориқлаб кетган ва ҳатто қариб

ҳам қолгандек эди. Яношни хунук хабарлар қарши олди: эр-хотин Бернатлар вафот этишибди. Бернат хоним эридан кейин атиги уч кун яшабди. Кекса Бернатнинг дабдабали дафн маросими ўтказилгач, тўртта комитатдан келган дворянлар уй-уйларига тарқаб улгурмаёқ, уй бекаси ҳам оламдан ўтибди.

Ҳамма яна дафн маросимига қолишга мажбур бўлибди. Сағанани суваб ташламаслик учун қабристонга ошиқич одам юборилибди, чунки хоним ҳам эрининг кетидан нариги дунёга равона бўлганди.

Бу қайғули воқеа ҳақида Пирошкани ҳам бохабар этишди. Қиз зудлик билан Венадан етиб келди, бироқ ўзи ҳам бетоб бўлиб қолди. Қиз тузалгунга қадар тўғри ёки нотўғрими, буни худо билади, Венага қайтиб бормасликка қарор қилди. У герцогинядан кечирим сўраб, хат ёзди. Энди Пирошка Борноцдаги хўжалик ишларини ўз қўлига олди. Иш бошқарувчи қилиб жаноб Будаининг бундан бир йил бурун машҳур Кестхей колледжининг иқтисод факультетини битирган катта ўғли Пални олди.

Шуниси борки, ўлим ким ҳақу ким ноҳақлигини ажратиб ўтирмайди, тез орада барон Дёри ҳам ота-боболарининг олдига жўнади. Унинг ёзузликлари ҳам тугади. (Бунинг учун нариги дунёда жавоб бераверсин!) Бундан нима фойда? Снаряд оёғини юлиб кетган одамнинг снаряд отган пушка ҳам мажақ-мажақ бўлиб кетгани ҳақидаги хабарни эшитиб кўнгли таскин топиши даргумон.

Айтишларича, Дёрининг дафн маросимида ҳеч ким йиғламаган, фақат маймунгина ув тортган ва кўмиш маросими тугагандан кейин ўз эгасини тупроқ остидан олиб чиқишга уриниб, гўр олдидан кетгиси келмаган.

Энди Бутлерга тун қоронғисида фақат биргина энг охирги юлдузча, тўғрироғи, умиднинг алдамчи учқуни нур сочиб турарди. Бу орада архиепископ Фишер ҳам вафот этди. Бутлер Венгрияга келиши биланоқ унинг ҳузурига Далмация примаси¹ Ласло Пиркернинг ишончли одами келди. Пиркер бу киши орқали процессни қайта бошлаб, агар у Эгерга архиепископ этиб тайинланса, никоҳни бекор қилишга тайёрлигини билдирди.

¹ Примас — айрим музофот черков епархиясининг бошлиғи.

Уша одам Бутлерга Пиркер ва Фаи учрашиб, бу ҳақда гаплашиб олганларини айтди.

Бутлернинг яна ғайрати кўзий бошлади. Демак, ҳали ҳаётдан мақсад бор экан-да?! Олға, охирги жангга!

Бутлер Патакка елиб кетди. Бечора Фаи жуда қариб қолган эди, Яношни зўрга таниди.

— Қасал-пасал эмасмисиз, амакижон?

— Нима бўпти? Кўринишим ёмонми? Биласанми, мен ҳозир ҳали ишга ярайдиган, бироқ мутлақо мойсиз мойчиरोққа ўхшайман. Хўш, қаерларда дайдиб юргандинг, дарбадар ўғлим?

— Попсиз мамлакатни ахтардим.

— Мен биламан бундай мамлакатни, фақат уни мендай чолга қўйиб бер. Лекин бизга арзийдиган бир поппи топдик.

— Биламан Пиркерни. Худди шунинг учун ҳузурингизга келдим.

— Тўғри қилибсан. Ҳозир ҳолангинг олдига бор, у омборхонада кир ёйпти. Бор, уни ўпиб қўй, анчадан бери сени кўрмаган! Сўнгра отларни чиқармасдан Пожонга жўна ва уруғларимиз орқали қандай қилиб бўлмасин, ана шу ҳалол Пиркер архиепископ этиб тайинланишига эриш. Мен бу ҳақда ҳаммага хат ёзгандим. Қачон келдинг?

— Тўрт кун бурун.

— Бечора Бернатларни эшитдингми?

— Дувёда ҳамма ўткинчи! Улар йўқ бўлгандан бери дунё ҳувиллаб қолгандай.

Бутлернинг кўзидан ёш думалади, лекин кекса Фаи уни ғамгин хотиралардан чалғитди.

— Ҳечқиси йўқ. Борноц ўша-ўша Борноцлигича қолди. Ахир биласан-ку, Пирошканг ўша ерда яшайпти.

Бутлер ғамгин хўрсинди ва қалбидагини тўкиб солди.

— Энди у меники эмас. Қандай қилиб меники бўлиши мумкин? Ер юзида юз миллионлаб одам бор, Пирошка ўшаларнинг истаганиники бўлиши мумкин-ку, фақат меники эмас. Менинг у билан ҳатто кўришишга ҳам ҳаққим йўқ.

— Албатта, албатта,— деди эзмалик билан чол.— Мен ҳам сенинг йўлингда турган мустабид ҳокимман.

Бутлер бошини қўйи эгиб чурқ этмади. Лекин жаноб Фаи унга далда берди:

— Васваса ёмон нарсалигини биламан. Мен ҳам қачонлардир ёш ва кучга тўла эдим. Кимки енгил ҳарир кўйлак кийган бўлса, ўт ёнига яқинлашмаслиги керак, йўқса, аланга олиб кетади. Борноцга бориб, ҳар оқшом иккаланглар скамейкада ёнма-ён ўтирганинглардан нима яхшилик чиқарди? Нега менга бақрайиб қолдинг? Скамейкага ҳеч бало урмайди, лекин қон ўз ишини кўрсатади! Ажабланарли ери йўқ, ахир Пирошка шундай келишган, шундай назокатлики. У бизникида атиги бир неча соатгина бўлса ҳам холангни шундай мафтун этдики, унинг ҳали-ҳали эс-ҳуши жойида эмас.

— Пирошка мени эсламадими?

— Эслаганда қандоқ! У ҳам сен билан учрашмоқчийди, мен уни қайтардим.

— Оҳ, қани энди мени бир маротаба бўлса ҳам таклиф этса!..

— Бундай қилмайди,— деди Фаи жиддий оҳангда.— Сен ҳалиям уни аввалгидай кичкина қизча деб ўйла-япсан. Лекин ўшандан бери орадан ўн йил ўтиб кетди, ҳазил эмас! Пирошка энди жиддий, оқила, одобли, ўз ишини биладиган, олиҳиммат аёл.

— Балки мени севмай қўйгандир?— титроқ овозда сўради Янош.

— Жудаям яхши билар экансан-да, оғайни! Унинг касали ҳам худди шу саркашлигида. Пирошка умрбод сендан бошқа ҳеч кимни севмайди.

Бу гапдан руҳланган Бутлер Пиркернинг тайинла-нишини қўллаб-қувватлаш учун Пожонга елиб кетди ва бутун уруғ-аймоғини оёққа турғазди. Бироқ ультрамон-танлар ҳам Бутлер Пиркер учун жонбозлик қилаётган бир пайтда мудрашмай, чора кўра бошладилар. Яна ку-раш авжига чиқди. Пиркер рақиблари ҳамма махфий иттифоқдошлари—иезуитлар, мутаассиб аристократ хо-нимларни ишга солдилар, гоҳ у тарафнинг, гоҳ бу та-рафнинг омадлари келиб турарди. Бутлер жон-жаҳди билан курашга киришиб кетди. Ҳозир у гаровга бор-йў-ғини қўйган гардкамчи қиморбозга ўхшаб кетарди. Янош, дарҳақиқат, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирди, ҳатто ғанимлар фаолияти ҳамда нима қилиш керакли-ги, кимга мурожаат этиши ҳақида маслаҳат сўраб Па-такка, жаноб Кёвига хат ёзиб юборди, чунки ҳар қан-дай қилиб бўлса-да, ғалабага эришишни истар ва ал-батта ғолиб чиқиши керак эди.

Жаноб Кёви унга қуйидагича жавоб ёзди:

«Менинг олижаноб дўстим! Модомики, душманга қарата отадиган тўпинглар йўқ экан, уларни сеҳрлаб қўядиган темир сандиғинглар бор».

Ҳм! Дарҳақиқат, темир сандиқлар бор-ку! Бутлер пешанасига урди. Нега бу ҳақда аввалроқ ўйламади?! Ҳа, майли, темир сандиқлар тилга кирсин!

— Жаноб Бот, бир зум бу ёққа кириг!

Бот кириб, графнинг темир қутини очиб, ичидаги банк билетлари, тиллаларни стол устига катта уюм бўлгунча чиқараётганини кўриб, бош чайқаб турди.

— Ҳисоблаб кўринг-чи, қадрли Бот, қанча бўлди экан?

Граф Бутлер соддадил идеалист бўлиб, қатта бойлик эгасилигига қарамай, пул миқдорини билмасди.

— Бу ерда пул жуда кўп, олий ҳазратлари.

— Ҳўш, гап бундай: буларни йиғиштириб, ишончли вакилимга элтиб беринг-да, мен бу пулларни Людовик Академиясига¹ тақдим қилганлигимни айтинг. Шундай ташкилотни эшитганмисиз?

— Бўлмаса-чи, у Пештнинг шундай ёнгинасида. Орцлар оиласининг кўрғонида жойлашган.

— Сизнингча, бу пулларга қанча ёшлар таълим олиши мумкин?

— Йигирматача деб ўйлайман.

— Тўгрисини айтинг, совғам оз эмасмикин?

— Аксинча, шоҳона совға².

Биринчи сандиқ кучли таъсир кўрсатди. Афтидан, профессор Кёвининг зеҳни ўткир экан. Бутлердан ўрнак олган бошқа магнатлар ҳам ўзларининг чуқур ҳамёнларини титкилай бошладилар. Улар шу пайтгача хўжакўрсинга ҳамён титкилар эдилару, аслида бадан қашлаётган бўлиб чиқардилар. Баъзи жойда эски пайпоқлар ечила бошлади.

Бутлернинг номи шуҳрат қозонди. Ҳатто саройдагиларнинг ҳам кайфиятлари ўзгарди. Императорнинг ўзи ўлгудек зиқна, лекин у фуқароларининг очиқ қўлликларини олқишларди. Бутлер эса Кёвининг фойдали мас-

¹ Людовик Академияси («Людовицеум») — 1808 йилда ташкил этилган Венгриядаги биринчи ҳарбий академия.

² Бутлер Людовик Академиясига ўша даврда катта бойлик бўлган бир юз йигирма олти минг пенгефоринг тақдим этди. Ҳа, ҳозирга қадар ҳар йили йигирма нафар йигит ўша пайт Кёви берган маслаҳат самараларини баҳам кўриб келяптилар. (Автор изоҳи.)

лаҳати муваффақият қозонганини кўриб, Пиркер учун курашга жон-жаҳди билан берилиб кетиб, қолган темир сандиқларни, бир вақтлар сақлаш учун черков епархияларида ётган ёки айрим шахсларга қарзга берилган катта миқдордаги пулларни ишга сола бошлади. Граф Янош бу пулларни йиғди-да, уларни олтинга алмаштириб, Римга, папа саройига жўнаб кетди. У Римга шундай дабдаба билан кириб бордики, бутун шаҳар шу ҳақда гагира бошлади. Уни худди қандайдир қиролдай кийимлари кумуш ва зарҳал безакли бир қанча гусар мулозимлар кузатиб борарди. Буни томоша қилиш учун «боқий шаҳар»нинг кўп сонли халқи кўчага чиқди. Лекин гусарлар кўпроқ аёлларга ёқарди. Бутлер эса қора жубба кийганлар орасида муваффақият қозонишни орзу қиларди. Бунинг учун эса гусар эмас, араваларнинг бирида граф олиб келган темир сандиқни ишга сола биладиган устомон керак. Бутлернинг қўлида шундай одам бўлиб, бу графнинг Парданидаги имениелари бошқарувчиси, худди асл итальянлардек итальян тилини биладиган, умуман, дипломатлардай ўткир зеҳли жаноб Ференц Ногалл эди.

Ногалл Ватикандаги энг обрўли падари ҳазратлар ҳузурига галма-галдан кириб чиқиб, уларнинг кўнглини шундай олдики, Бутлер ватанига қайтмасданоқ Пиркер архиепископ бўлиб тайинланди.

Пиркернинг тайинлангани ҳақидаги хабар тарқалганда қувончидан ер ҳам ларзага келишга тайёрдек эди. Клерикаллар дод-вой солишиб, императорга таъна қила бошладилар:

— Бу Бутлернинг шоҳини аллақачоноқ қайириб ташлаш керак эди.

Келаси баҳор Пиркер Эгердаги ўз резиденциясига келди. Уни Бутлернинг ўзи яхшилаб кутиб олди. Янги архиепископ Бутлер извошида орқасидан қиличи яланғочланган гусарлар кузатувида келарди. Қароргоҳ дарвозаси бўсағасида уни графнинг ўзи тантанавор нутқ билан кутиб олди. Янги архиепископ кўнгли бўшаб, нутқни охиригача эшита олмади. Меҳр кўз ёшларини тўкиб, нотиқни қучди-да, халойиқ ўртасида, томошабинларнинг қувончли ҳайқириқлари остида икки марта ўпиб олди. Саройда у графни яна қучиб:

— Ўғлим, қилган яхшиликларинг учун минг марта ташаккур, энди менинг галим,— деди.

Ҳа, энди унинг гали эди! Яна умид пайдо бўлди. Булутлар ортидаги қуёш яна мўралади.

Балки қуёш кўринмагандир ҳам, шунчаки кимдир печкани яхшилаб тузатгани учун исигандир? (Фақат жаноб Ногаллгина бунга қанча пул сарфланганини айтиши мумкин!)

Бироқ печка унга ўт қалагунларича иситиб туради, сўнгра аста-секин сусайиб, мутлақо совийди-қўяди.

Пиркерни яқиндан билган граф Карой Майлат, бу ширинсўзлигу эҳтиросларни кузатиб юриб, Бутлерга бир оз қўрслик билан деди:

— Янош, архиепископга яхшилаб назар ташла, бундан кейин ҳеч қачон уни бу аҳволда кўрмайсан.

Худди шундай бўлди ҳам. Маълум вақт ўтиши билан Бутлер архиепископдан ишни қайта кўришни қистай бошлади. Пиркер ваъда берар, аслида эса, орқага суд-рарди. Ишнинг оқибатидан ташвишга тушган Бутлер Пиркерга унинг ваъдасини эслатди, ўз навбатида Пиркер баҳона қилар, минг хил важ-корсон, доим у ёки бу нарса халақит берарди.

Бундай бекинмачоқ ўйин бир неча йил давом этди, ниҳоят, Бутлернинг сабр косаси тўлиб, Пиркерга таъна қилди: қарзмисан, тўла, никоҳни бекор қилиш ҳақида келишиб қўйгандик-ку!

Шунда Пиркер никоҳини олиб ташлади.

— Менга қаранг, азизим граф, сиз талаб қилаётган нарсанинг мутлақо иложи йўқ. Бу энди фақат сизнинггина ишингиз эмас. Бу руҳонийларга кўз олайтириб қараётганлар билан черков ўртасидаги буюк курашдир. Минг афсуслар бўлсинким, биз чўктириб юборган кема ичида сизнинг ҳам донингиз бўлган. Бироқ биз ўша кемани чўктириб юборишга мажбур эдик, чунки унда душманларимиз бор эди, акс ҳолда, душманларимиз бизнинг кемани чўктириб юборишарди...

— Демак, менинг буғдойим...

— Сизнинг буғдойингиз, жаноб граф, денгиз тубига мангуликка чўкиб кетди.

— Ахир менга мутлақо бошқа ваъда берган эдингиз-ку, жаноб архиепископ! — қаҳр-ғазаб билан эътироз билдирди Бутлер.

— Узр, қимматли граф, бироқ мен етарли даражада маълумотга эга эмасдим.

— Э-ҳа, тушундим,— нафратомуз деди граф,— мен ҳам эҳтиётсизлик қилибман. Мен ҳам сизнинг виждонингиз ҳақида етарли маълумотга эга эмас эканман.

Иигирма биринчи боб

ИЗВОШНИНГ НОМАЪЛУМ ТОМОНГА ЖУНАШИ

Бутлер чексиз ҳасрат ва надомат билан архиепископ саройидан чиқди. Кўчада дунё унинг кўзига кимсасиз бўшлиққа ўхшаб кўринди. У бош суқадиган жойи йўқ одамдай сарой қаршисидаги тўрт отли извоши олдида хаёлга чўмиб турарди. Отлар сабрсизлик билан ер деп-синар, пишқирар ва гердайгансимон бошларини кўтарар эдилар. Улар графни истаган тарафига олиб кетдилар. Бироқ қаерга? Кучерга нима десин? Бозошга кетсинми? У ерда нима қилади? Патакками? Қимнинг ҳузурига? У ерда фақат ғам-алам. Кекса Фаи ўтган ойда фалаж бўлиб қолган, ўшандан бери тўшакда ҳаракатсиз, ҳатто тилини қимирлатолмай ётибди. Энди на оғзаки, на хат билан Яношни Пирошка билан учрашмаслик ҳақидаги ваъдасини бажаролмайди. У энди ҳеч қачон гакиролмайди... Пирошка учрашишнинг энди нима кераги ҳам бор? Шунча воқеалардан кейин бунинг ҳеч қандай маъноси қолмади.

Бутлер хаёл сурганча извошга ўтирди.

— Қаёққа борамиз, ҳазрати олийлари?

Бутлер бир дақиқа иккиланиб турди, ҳамма жойларнинг номларини хаёлидан бирма-бир ўтказди, сўнгра бирдан Имрег имениесини ҳали ҳеч қачон кўрмагани эсига тушиб қолди.

— Имрега борамиз, Михай.

Бутлер Имрега интилмасди, албатта. Имрег уш мутлақо қизиқтирмасди, лекин энди барибир, Имрег дедими, майли, шундай бўла қолсин.

Улар хийлагина йўл босишди, қаердадир отларига ем бериш учун тўхташди... Янош қаердалигини эслолмасди ҳам. Камердинер, граф кечки овқат қиладими, йўқми, деб сўради.

— Йўқ.

— Балки, бир оз мизғиб оларсиз?

— Йўқ.

— Бўлмаса, кетаверайликми?

— Кетдик.

Яна ўрмон ва далалар оша йўл босишди. Ўрмон гувиллаши граф Яношнинг қизишган миясига хуш ёқар, бу шовқинда қандайдир сирли овозлар эшитилаётгандек туюларди. Йўл ой шуъласи ёритган кўл ёқалаб ўтган, соҳилга яқин жойда қушлар чўмилар, улар ҳам ўрмон шивирлашига қулоқ солаётгандек эди.

Бутлер ажиб хаёлга берилди. Бундай пайтларда тун содиқ ҳамроҳга айланиб, хаёл суришни янада кучайтиради. Тоғ-тошлар қўзғалиб, тун қаъридан зоғлару махлуқлар намоён бўлади. Булутлар одам назарида нималаргадир ўхшаб кўрина бошлайди. Янош чуқур хаёл дарёсига чўмди. Ажал билан дуч келса қизиқ бўлардида. Хув анави тоғ ажалга айланса-ю, чалғиси билан судралиб яқинлашса, гапга кўндириб бўлармиди балки. Яношга ҳозир ажалгина ёрдам бера олади. Ажал ошнаси. Унинг учун император ким? Ҳеч ким! Аслзодалик, граф номи сариқ чақага ҳам арзимайди. Қанийди ошнаси ажал билан тил бириктирилса! У Яношни Пиркер каби алдамасди албатта. Бутлер ошнасига қараб:

«Ажалвой, қулоқ сол, сенга имениеларимнинг ярмини бераман, фақат сен ҳозир Эрдётелекда ўтирган аёлни чалғинг билан селпиб ташласанг бас»,—дерди. Шунда ҳамма нарсга ҳал бўларди-қўярди.

Мана, яна ҳавза кўринди. Бу ерларда қаттиқ селдан кейин кўплаб кўлчалар пайдо бўлганди. Яношнинг назарида унинг кўз ўнгида намоён бўлган бу кўлчалар айёрона имлаётган ажал кўзларига ўхшаб кетди. Янош тагин хаёлга берилди. Бордию ажал унга: «Менга сенинг бор мол-мулкинг, гербинг, унвонинг ва аслзодалигинг — жами нарсанг керак» деса нима бўлади? Нима қипти, жуда соз, бериб юборади. Йўқ, сабр қил, ошна, нималар деяпсан? Барча нарсалар — аслзодалик, унвон, бойлик бериб юборилса, уларга эҳтиёж ҳам қолмай, озодликка чиқилади-ку ахир!

Баъзан Янош котибининг арзимас саволидан сесканиб тушиб, кўкнориларча хаёл суриши бўлиниб қоларди.

— Ҳали уйқунгиз келмаяптими, ҳазрати олийлари?

— Йўқ.

— Қаранг, хув анави юлдузни кўряпсизми? Бутун йўл давомида тепамизда турибди.

— Ҳм.

— Катта экан, бу фирмаментум¹ бўлса керак.

— Ҳм... албатта. Билмайсизми, неча чақирим қолди?

Унга мурожаат этилганда, ҳатто гап нима ҳақда бораётганига тушунмай, паришонхотир, ўринсиз жавоб берар ва яна бирдан ўз хаёлларига гарқ бўларди.

Тонготарда улар яна қаердадир отларга ем бериш учун тўхташди, Бутлер ҳатто извошдан чиқмас экан, нонушта ҳақида ўйламасди ҳам. Сумкаларда ҳар турли емишлар бор бўлиб, ўша пайтларда сафарга сумка билан чиқишга тўғри келарди.

— Тобингиз қочиб қолмадими ишқилиб, жаноб граф?— суриштира бошлади Бот.

— Мутлақо! Отдайман!..

Бироқ чошгоҳда ҳар қалай Яношнинг қорни очиб, бирор қишлоққа етишларини сабрсизлик билан кута бошлади. Очлик ёмон, энг ўжар одамни ҳам енгиб қўяди.

Ниҳоят, водийдаги дарахтлар орасида кулувчи тоғ тишлари янглиғ оппоқ уйлар тизмаси кўринди.

— Шу ерда тўхтаймиз,— деди граф Бутлер,— агар биронта карвон сарой учраса, овқат буюрамиз. Очиқдим.

— Бу ерда яхши трактир бор,— гап қўшди кучер.

— Бу қандай қишлоқ?— сўради граф.

— Оласрёск.

Бутлер сесканиб тушди-ю, бироқ ҳеч нарса демади: у ўз хизматкорлари олдида ожизлигини кўрсатишни ёмон кўрарди. Янош кўпдан бери таниш жойларни гўё бепарволик билан кузатаётгандек бўлди.

Ҳа, бу Рёск эди. Унга таниш бўлган қўнгироқ-хона, тепаликлар...

Бутлерни яна ғамгин фикрлар чулғаб олди, извош трактирга етиб келиб, бостирма остида тўхтаганидагина бошини кўтарди. Бу ерда ҳеч нарса ўзгармаган: бостирма, тиргаклар, товукхона, ҳатто жўжалар ҳам ҳовлидаги саржинлар олдида югуриб юрибди, бу ўша унутилмас кунни гимназист сопқони билан урган жўжаларнинг айнан ўзи.

Бироқ ҳозир бостирма остида яна бир ёпиқ извош турганди: отлар яйдоқ, фақат тоқи шотисида осифлиқ

¹ Firmamentum — осмон гумбази. (Логинча.)

бўйинтуруқ ва извош боғлаб қўйилган бир қоп сули билан бир боғ хашак трактирда қандайдир йўловчи тўхтаганидан дарак берарди.

Бизнинг ҳалол Дьердь Тоот ҳам омонмикин? Бўлмасам-чи, албатта тирик!

Бутлер гишт ётқизилган йўлакдан жадал ҳовлини кесиб ўтди-да, уйга кирди ва беихтиёр ўзини орқага ташлади, сўнгра бутун вужудини титроқ босди: хона ўртасидаги башанг безатилган стол олдида Пирошка Хорват ёлғиз олма арчиб ўтирарди.

— Оҳ, Бутлер!— деди Пирошка эшитилар-эшитилмас, қўлидан олма ва пичоғи тушиб, нигоҳи олдида қандайдир шарпа бўлгандек эшикка тикилганча.

Оғир сукунат чўкди, фақат мевали идиш устида парвона бўлаётган арининг гингиллашигина эшитиларди, холос. Ари мевага қўнишга журъат этолмай, фақат унинг хушбўй ҳидидан сархуш, гир айланганча учиб юрарди.

Бутлернинг ҳам Пирошкага яқинлашишга юраги бетламади. У қизнинг чиройли юзидан кўзини узолмай тикилиб турар ва қимир этолмаслигини сезар эди.

— Мендан қўрқиб кетдингиз шекилли,— деди таънаомуз Пирошка,— ҳатто қўл ҳам узатгингиз келмаяптими?

— Оҳ,узр! — гўлдиради титроқ овозда Бутлер қизариб. — Бу шундай кутилмаган ҳолки... кутилмаганда...

У яқинроқ келиб, қизнинг узатган қўлини сиқди.

Қони жўш уриб кетди. Қўлини гўё юмшоқ ва қайноқ инга тикқандек, бутун вужудини қандайдир ёқимли туйғу чулғаб олди.

— Вой шўрим, жуда ҳам ўзгариб кетибсиз!— хўрсинди Пирошка оҳу кўзларини ерга қадаб.

— Пешанамда хийла кулфат бор экан,— ғамгин жавоб берди Бутлер.

— Пешанамизда деяверинг,— тортинчоқлик билан унинг гагини тузатди Пирошка.

Бир неча дақиқа аввал сўлгин бўлган қизнинг юзлари лоладек қизариб кетди. Лекин у бусиз ҳам гўзал эди. Ҳозирги юз қизариши билан унинг ёшлиги қайтгандек бўлди. Очiq деразадан хонага шабада эсар ва Пирожкани меҳрибонлик билан елпир, бироқ қон тепган юз тафтини босолмасди.

Уртага ноқулай, айни вақтда, ёқимли сукунат тушди.

Дарҳақиқат, сарой хонимимиз хушчақчақ ва гапга че-
чанлиги билан Венада шуҳрат қозонган. Мария-Луиза-
нинг тез-тез келиб турадиган меҳмони, Франция элчиси
Пирошка ҳақида бундай деганди: «Агар сфинкс билан
гаплашса, уни ҳам суҳбатга жалб этарди». Пирошка
ҳайратомуз ўзини эркин, табиий тутар ва ҳар бир сў-
зида қандайдир алоҳида самимият, хушмуомалалик
акс этарди. Бироқ ҳозир гап ҳеч қовушмасди. Севиш-
ганлар ёлғиз эдилар, иккаласида ҳам айтилмаган сўз-
лар шунчалик йиғилиб қолгандики, лекин на униси, на
буниси гапни нимадан бошлашни билмасдилар.

— Бугун ҳаво қандай ажойиб.

— Ҳа, тўғри.

— Ўтирсангиз бўлармиди?

— Илтифотингиз учун ташаккур.

— Шу ерда учрашганимиз жуда галати.

— Одамлар бизни келишиб қўйишган деб ўйлаш-
лари мумкин.

Улар шунча йил айрилиқдан кейин ана шу тақлид
гаплашишарди! Қанчалик ҳайратли бўлмасин, бундан
нари ўтишолмасди. Табиат қонуни шундай. Улкан туйғу-
лар теран бўлади, уларни юзадан қидириш керак эмас.
Юмшоқ, нозик мева—гилос, малиналарнинг ширин
шарбати уларга қўл тегар-тегмас силқиб чиқа қолади,
узоқ умрли мевалар эса қалин пўстлоққа эга. Чунончи,
ёнғоқни ҳатто икки қават қобиқ ўрайди, мағзини олиш
учун уни чақиш керак.

— Йўлингиз бўлсин, Пирошка?

— Патакдан уйга кетяпман... Тошган дарёларни чет-
лаб ўтишга тўғри келади.

— Биз ҳам қачонлардир бу ерлардан тез-тез ўтиб
турардик.

— Қанийди сираям ўтмаган бўлсангиз.

Бу уларни ўтмишга қайтарган биринчи сўзлари эди.
Гарчанд, кутишган ва хоҳлашган бўлишса ҳам бу сўз-
лар севишганларни ҳатто қўрқитиб юборди. Тағин ора-
га сукунат чўкса ҳам, лекин узоқ давом этмади.

Йигирма иккинчи боб

ЯНА КУЧАЙГАН АЛАНГА

Муҳтарама Тоот хонимимиз меҳмон қизга нисбатан
чуқур ҳурмати белгиси сифатида столга ёввойи каштан

бутоқчалари солинган гулдон қўйди. Айни каштан гуллайдиган маҳал бўлиб, атрофда бошқа гул кўринмасди. Пирошка бутоқчалардан бирини олиб, юзи қаршисида аста тебрата бошлади.

— Хўш, бир ўзингизмисиз?— сўради Бутлер.

— Йўқ, оқсочим ҳам бор, унинг шу қишлоқдаги Инжигларникида дугонаси яшар экан. Ушаларникига муҳтарама Тоот билан ярим соатга кетди.

— Патакда нималар қилдингиз?

— Бечора Фаи амакини кўриб келдим. Сиз қаердан келяпсиз?

— Эгердан.

— Қаёққа кетяпсиз?

— Ҳеч қаёққа.

— Дардингиз оғир кўринади. Архиепископ нима деди?

— У мени алдади. Ҳамма мени алдади,—бўғиқ жавоб берди Бутлер ғамгин, қовоғини солиб.

Пирошка унга иштиёқманд ва ғамгин боқиб, аста сўради:

— Менга ўхшабми, Бутлер?

Бутлернинг кўнгли юмшаб, дарҳол ҳовурдан тушди. Унинг мулоийм нигоҳи Пирошкани эркалар эди.

— Сиз фариштасиз,—хўрсинди у.— Фақат бошингизга гулчамбар тақмагансиз, холос.

Лекин гулчамбар ҳам бор бўлиб, каштан бутоқчасидан Пирошканинг сочларига оппоқ гул баргажлар сочиларди.

Бундай самимий сўзлардан сўнг Пирошка, одатдагидек, сергакланди.

— Қўйсангиз-чи, бундай ноумид бўлманг. Кўриб турибсиз, мен ҳам азоб чекапман: мен ҳам ҳаётдан безганман, мени ҳам сизни изтиробга солаётган ўша гирдоб қийнаяпти. Лекин мудом бундан баттарига ҳам тайёрман. Ҳа, ҳазрати олийлари, жаноб граф ҳам бундан ортиқроқ умидсизланишлари мумкин эди.

Пирошканинг гапларидаги ҳазил оҳанги айниқса, граф Яншга оғир ботди.

— Бу, ўқ тегиб ҳалок бўлган одамга яна ўқ узиш билан баробар,— деди алам билан у. — Бироқ билимдонлар тасдиқлашларича, бечорага қарата учинчи ўқни ҳам узиб тугатган маъқул бўларкан.

— Бу гапингиз нотўғри, Бутлер. Авваламбор, сиз ҳали тириксиз.

— Аксинча, мен нариги дунёдаман.

Шу пайт эшик қия очилиб, хонага котиб Бот мўраллади. Бутлер норози қиёфада унга ўгирилди:

— Сизмисиз, Бот? Марҳамат қилиб овқат буюринг, мени безовта қилишмасин.

Бот худди шамол учириб кетгандек ғойиб бўлди.

— Ҳурматли арвоҳ очикиб қолганга ўхшайдилар-а?— ҳазиллашди Пирошка.

— Охирги марта кеча эрталаб овқатлангандим.

— О, унда мен ҳақиқатан ҳам арвоҳ эканингизга ишонишим керак. Нега овқатланмадингиз?

— Чунки кўнглимга сиғмасди.

— Бу ярамас архиепископ сизга нима дейиши мумкин?

— У мени ҳатто энг охирги умидимни пучга чиқарди. Никоҳ ўз кучида қолади,— деди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

— Нима ҳам қила олардим? Сиз қандай маслаҳат берасиз?— сўради Бутлер ноқатъий овозда Пирошканинг юзига синовчан назар ташларкан, гўё Пирошка қандайдир буюк шахсу Бутлери қийнаётган саволга жавоб берадигандек.

— Аввало овқатланиб олинг,— хотиржам жавоб берди қиз,— кейин мендан ибрат олинг. Кутинг.

— Мен ортиқ кутолмайман,— деди Янош алам билан бошини кафтига қўйиб.

Пирошка Бутлерга хавотирли нигоҳ ташлади. Унинг юзи шунча ғам-ташвишга қарамасдан гўзал ва олижаноб кўринарди.

— Хўш, кутмасангиз, нима қилмоқчисиз?

— Худди шу хусусда кечадан бери бош қотираман, анча-мунча режалар мўлжаллаб қўйдим.

Пирошка жиддийлашиб, столга қўлидаги бутоқча тушиб кетди.

— Қани, айтинг, қандай режалар экан у? Ишонавринг, бу мени ҳам қизиқтиради!

— Сизга айтмайман,— деди Янош ғамгин.

— Нега энди? — салмоқлаб сўради қиз ранги оқараркан.

— Чунки сиз мени тушунмайсиз, менчалик севмайсиз.

У оғир нафас олар, овозидан чексиз умидсизлик сезиларди.

— Бу гапларни айтишга қандай тилингиз борди?— шивирлади Пирошка титроқ овозда кўзлари олайиб.

— Агар мени севганингизда тақдиримиз тўғрисида бепарво, кулгига олиб гапирмасдингиз.

Бу сўзлардан кейин Пирошканинг ранжигани юзага чиқди. У чиройли бошини мағрурона кўтарди, ингичка чакка томирлари кўтарилиб тушар, оппоқ бўйнидаги қон томирлари асабий титрарди. Вужуди ғазабга тўлганини ҳар бир юз ифодасидан сезиш мумкин эди.

— Мени гуноҳкор қилмоқчимисиз? Венага, сизни бошқа кутмаслигим учун кумуш кемача юборгансиз-а? Шунча йил мен билан бир марта ҳам кўришишни истамагансизу, тагин қаттиқ севаман дейсиз-а? Гапимни бўлмаг, бошингизни тебратманг ҳам, ваъда берганингизни биламан. Лекин наҳотки бу кучли туйғудан дарак берса? Кучли туйғу тоғларни жойидан жилдиради, уни ҳеч қандай ваъдалар ушлаб туролмайди. Э, жўнанг-э, мени холи қўйинг!..

Пирошка бўғиларкан, ҳолсизланиб, гапиришга мадори қолмай, ярадор қуш каби бошини қуйи солди.

Қизиғи шундаки, Пирошканинг бундай ғазабланишидан сўнг уларнинг роли алмашди. Энди Бутлер ўзини хотиржам тутар, қиз таъналари унинг қалбига малҳамдай ёқарди.

Янош ўзини муҳофаза этиш учун ҳеч нарса демай чўнтагидан ихчамгина қизил шойи ҳамёнча олиб, унинг ичидаги ҳар бири йигирма крайцерли тўртта кумуш тангани ағдарди. Сўнгра тангаларни Янош ақлдан озган, дея даҳшат билан боқиб турган Пирошка томонга суриб қўйди.

— Бу ерда йигирма крайцерли тўртта танга,— деди у оҳиста.— Бу тангаларни бир кунмас-бир кун сизга топшириш учун кўп йиллардан бери чўнтагимда сақлаб юрдим, чунки бу пуллар ҳақли равишда сизники. Бирдан-бир орттирганим мана шу, Пирошка. Икки-уч ҳафта мен бир жанобнинг ҳовлисида боғбон ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим, севимли чеҳрани бир кўраман деб сўкиш, жеркишларга бардош бериб келдим, фақат севгим ҳақида унча-мунча хабар эшитиш билан кифояландим, холос, чунки у бетоб ётган эди. Тортган азобларим учун олган ҳақим, Пирошка. Бу пулларни менга Мюллер исмли боғбон тўлади.

Ҳуши бошидан учган қиз қўллари билан юзини тўсиб олди:

— Вой шўрим, вой шўрим! Демак Борноц хизматкорлари айтган сирли ва ғамгин йигит сизмидингиз?

Пирошканинг ипакдек майин киприклари титраб, кўзидан баҳор ёмғири каби ёш қуйила бошлади.

Шундай қилиб, бир ёнғоқ чақилиб, мағизи кўрина бошлади. Энди гал иккинчисига.

Пирошка бошини кўтариб, шол рўмоли билан кўзларини артди, бироқ ҳамон ёш тинмай оқса-да, энди бу қувонч ёшлари эдиким, қиз лабларидаги табассум бамисоли қуёшни эслатарди.

— Бўлмасам, сиз ҳам билиб қўйинг,— деди жарангдор овоз билан Пирошка ҳаяжонланиб,— сиз судга келганингизда мен Эгерда эдим, деҳқон аёли кийимида сизни кўриш учун оломон орасида тургандим.

— Бундан хабарим бор.

— Лекин бу кийимни кейин ҳам ташламадим, сақлаб қўйдим. Уч йил бурун яна шу кийимда сизнинг Бозошдаги именингизга фақат сизни кўриш учунгина жаноб Будаига хизматкор бўлиб кирдим.

— Ҳайҳот! Сиз, сарой хонимаси бўла туриб-а!...— хитоб қилди довдираб қолган Бутлер ва хаёл эмаслигига ишонч ҳосил қилмоқчидай столни чангаллади.

— Мен у ерда тўрт-беш кун бўлдим. Лекин жаноб граф Римга жўнаб кетганидан кейин, ҳатто ҳақимни ҳам олмасдан хўжайинимдан қочиб қолдим, у ҳозиргача мени қидираётган бўлса керак.

— Пирошка!— дея олди базўр граф.— Наҳотки, шу рост бўлса!

— Албатта, рост. Мен сизнинг хонангизни йиғиштирганман.

Қиз шундай деди-ю, ўрнидан даст кўтарилди. Столларнинг бирида унинг сафар саквояжи турарди. Пирошка энгашди-да (о, унинг келишган қадди-баста қанчалик ажойиб ва нозик эди), кийим-кечакларини титкилар экан, қандайдир чарм муқовалик альбомни олди. Уни тез варақлаб Бутлерга узатди:

— Мана, қаранг, хонангизни альбомимга чизиб олганман!

Ҳа, бу Бозошдаги хонасининг ўзгинаси! Қанапе, устига турли кумуш ва бронза ҳайкалчалар қўйилган ёзув столи, деворда Бутлерларнинг герби бўлмиш кўкрагида

кумуш бочкача бор, тож кийган олтин бургут, Биб Марям ва онасининг сурати. Бу сурат айниқса диққат билан чизилган бўлиб, унинг ҳар бир чизиғи жонли эди.

Янош Пирошкага қараркан, кўзлари қувончдан порлаб, чеҳраси ёришиб кетди. У мамнуният билан Пирошканинг қўлларини ўпиш учун энгашди, юзлари яқинлашди, қиз сочларининг сеҳрли бўйи, ҳароратли нафас олиши Бутлерни маст қилди... Янош ўзини тутолмай, қиз қўлларини ўпиш ўрнига унинг ёшли кўзлари, юзи, сочларидан берилиб бўса ола бошлади.

— О, момиққинам, топилмас олтингинам!

Мазкур манзара жўш урга энҳтирос тошқини бўлма-са, росаям кулинарди-я!

Бунинг ўрнига деразадан фақат қуёшгина илжайиб мўралар, ҳатто асалари ҳам учишни бас қилганча қийғос очилган каштан гулига қўниб олиб бир-бир тебранарди.

— Оҳ, нима, нима қиялпсиз,—қаршилиқ кўрсатди Пирошка.— Қўйворинг, Янош, эсингизни йиғинг! Турмагимни бузиб юбордингиз-ку! Марҳамат қилиб жойингизга ўтиринг! Қани, тез! Деразага қаранг, оқсочим билан келаётган жаноб Тоотни кўрмаялпсизми?

Дарҳақиқат, крахмалланган шилдироқ юбкали сулув оқсоч ёнида гердайган жаноб Тоот келарди. У қўлидаги трубкасини силкир, кўм-кўк буғдой бошоғи қадоғлик шляпасини ёшларга хос гарданига тушириб олганди.

Граф Янош ўз қилмишини яширмоқчи бўлган одамдай жойига бориб ўтираркан, Пирошканинг расмларини кўздан кечиришга тутинди.

— Энди сизни севишимга ишонарсиз?— сўради Пирошка.

— Ишонаман! Ишонаман ва шу билан бахтиёрман!

— Нимани ўйлаб қўйганингизни айтарсиз энди?

— Ҳаммасини айтаман.

Янош энди ўз режаларини айтишга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, шу пайт эшик очилиб, бека ухлаган-ухлаганидан хабар олмоқчи бўлган оқсоч ичкарига мўралади. Оқсочдан бека қандайдир жаноб билан суҳбат қилиб ўтирганини эшитган кекса Тоот бир-бир хонага кириб келди. У меҳрибонлик билан ўзига кулиб қараётган Бутлерга узоқ тикилиб турди ва вужудини қамраб олган қувончи ичига сиғмай шляпасини шартта ерга уриб хитоб қилди:

— Salve, domine comes illustissime!¹ Буни қаранг-а, жин урсин! Бундай учрашувни фақат асал кулчалар бетигагина кўриш мумкин.

Оқ кўнгил Тоот бу билан икки ёш севишганлар — иф-фатли қиз ва хаёлпараст йигит қиёфаси тасвирланган суратга ишора қилганди. Қандолатчилар ярмаркаларда сотиладиган асал кулчаларга ана шундай расмлар ёпиштириб қўярдилар.

Бутлер кекса трактирчининг қўлини дўстона силтаб қўйди.

— Мана, отахон, ўтган сафар ея олмаган жўжалари-мизни еб кетиш учун келдим.

«Ўтган сафар»га анча вақт бўлган, ўшандан бери трактирчининг сочлари оқариб, Бутлернинг ҳам ёшлиги ўтиб қолганди.

— Қойил-э, азамат, баракалла! Бугун тушимга зағизғонлар ва Муқаддас Елена оролидан қайтиб келган Наполеон беҳуда кирмаган экан! Наполеон ўлган деб ҳатто авлиё одам айтса ҳам ишонмасдим. Бу попларнинг сафсатаси. Майли, бориб овқат буюриб келай. Рафиқам келганингиздан хабардорми, жаноб олийлари?

— Котиб айтган бўлса керак деб ўйлайман, аммо хотинингиз кўринганича йўқ.

— Туф-ей, ҳароми! Сиздай муҳтарам жанобга кўри-нишга юраги бетламаяпти шекилли. Ҳа, шундай бўлса керак. Лекин ҳозироқ ҳаммасини тўғрилайман.

Жаноб Тоотнинг уй ҳукмронлиги дарров сезилди. Ҳовлидан унинг бақириб-чақириси, кейин эшик тарақлаши эшитилди, шов-шув кўтарилди, тез орада дастурхон ясатила бошлади. Бирин-кетин олиб чиқилган турли ноз-неъматларнинг кети кўринмасди. Бундай зиёфатдан ҳатто император Франц ҳам бош тортмасди.

Трактирчининг ўзи дастурхон ёзди. Бу орада Жига Бернат ҳақида суриштирди (у ҳозир Пожонда депутат); кейин суҳбат мавзуини катта сиёсатга бурди ва ажойиб кунларнинг бирида буюк Наполеон қайтиб келади деб ишонтирди.

— У аллақачон ўлган, менга ишонаверинг, — эътироз билдирди граф.

Тоот Бутлер билан баҳслашишга журъат этолмай бош чайқаркан, қўшиб қўйди:

¹ Салом, олижаноб дўстим! (Лотинча.)

— Наполеон ўлган бўлса ҳам ўгли тирик-ку! У Венада, бувасининг олдида деб эшитдим. Яқинда боғда сайр қилиб юриб, ўйинчоқ қиличини суғурибди-да, сариқ гулларни каллаклай бошлабди. Буваси: «Нима қиляпсан?» деб сўрабди. «Бува, немисларни ўлдирияпман!»— дея жавоб берибди. Қизил гуллар француз, сариқлари немис эмиш. Бола катта бўлсин-чи, ҳали бу ерда росаям тўс-тўполон бўлади! Мен кун ҳисоблайман, ҳар куни у бир оз катта бўлди деб, белгилаб қўяман.

Бутлер трактирчи уни Пирошка билан холи қўймаётганидан аччиқланса ҳам бироқ ўзини тутиб олиб, илтифот-ла жавоб қайтариб турди.

Бунинг эвазига тақдирланди ҳам, чунки муҳтарам жаноб Тоотимиз Пирошканинг қулоғига нуқул: «Қандай ажойиб, олижаноб одам! Шундай обрў-эътиборга эга-ю, сираям кеккаймайди! Оддий одамлар билан қандай суҳбатлашади-я!» деб шивирларди.

Бу орада вақт жуда тез ўтиб борарди, ниҳоят, извошга от қўшадиган пайт ҳам бўлди. Мана, айрилиш дақиқаси ҳам етиб келди, бир извош ўнгга, иккинчиси чапга қараб кетади. Бутлер трактирчига юзланди:

— Хўш, муҳтарам хўжайин, ажойиб зиёфатингиз учун қанча тўлаш керак?

У фақат расмиятчилик юзасидангина шундай деди, чунки Янош қандай жавоб бўлишини биларди, шунинг учун диний китоб орасига илгарироқ минг форинтлик банкнот солиб қўйганди (фақат муҳтарам Тоотимиз бунча пулни ҳаётлигида тополмаса керак деб қўрқаман).

Тоот жавоб бермай, фақат тунд бош чайқаб қўйди, холос: ай-яй-яй! У бир нарсалар ёлдирақкан, хонанинг у ёқ-бу ёғига бориб келди, деворга мурожаат этаётгандай ўгирилиб, одми лотинча тилда.

— Edisti caenam nunc edere vis amicitiam meam¹,— деди.

Тоот меҳмонларимга нима тақдим этсам экан, деб хонада гир айланиб юрарди. Ниҳоят, у буфет устидаги иккита қизил бокални кўриб қолди. Идишларни сайёр уста шогирди марҳум акаси Чехиядан олиб келганди (оиладаги яккаю яғона азиз буюм). Бокалларда Карлсбад чўмиладиган жой ва турли кийикларнинг расми

¹ Сен менинг овқатимни единг, энди дўстлигимизни ҳам еб кўймоқчимисан. (Лотинча.)

кумуш билан ўйиб тасвирланганди: бундай бокалларни томоша қилсанг, ҳузур қиласан, холос.

Тоот оёқ учуда туриб, бокалларни олди, кичикроғини Пирошкага, каттароғини Бутлерга узатди.

— Мендан шуларни қабул этинглар, гоҳо humillime¹ ва улардан бугунги кун хотираси учун гоҳо ичиб туринг, деб илтимос қиламан.

Иўқ дейишга қанчалик уриниб кўришмасин бари бир совғани олишга мажбур бўлишди: мўйсафиднинг самимий илтимосини қайтариб бўлмасди. Юрак эзувчи хайрлашиш чўзилиб кетди. Байрамдагидек ясанган уй бекаси ҳам кузатишга чиқди.

Пирошка чипта шляпасини кийди. Ё худо, ўзига шундай ярашдики! Шляпанинг айвонига қизил гунчалар қадалган, қизнинг сўлғин, рангпар чеҳраси гул билан ўралган рамкадаги расмга ўхшаб кетарди.

Ҳовлига чиқишганда Пирошканинг юраги чунонам уриб кетдики, асти қўяверасиз! Ҳозир охирги хайрлашув ва шу билан тамом!

Бутлер қизга яқинлашди.

— Пирошка,— деди у,— мен сиз билан холи гаплашиб олмоқчийдим, балки извошлар тепаликка олиб борадиган йўлга чиқиб кетишаверсину, биз сиз билан хиёбонда бир оз пиёда борармиз?

— Майли,— деди Пирошка.

Шундай қилиб извошлар йўлга тушди. Пирошка билан Бутлер эса карвон саройдан тўғри йўлгача чўзилган каштан дарахтлари соясидаги салқин хиёбон сари йўналдилар.

Трактирчи Тоот уларни кузатиб бормоқчи эди-ю, бироқ холи қолгилари келаётганини кўриб, хайрлашгани чиққанлар билан дарвоза олдида икки ёшнинг ёнма-ён дилкашлик қилиб боришларини завқ билан кузатиб қолди. У ёшлар тўхташиб, Тоотга қўл силташларини кутарди чамаси, бироқ улар қизгин суҳбатга берилиб кетавердилар. Ё худо, қандай текис қадам ташлаб боряпти Пирошка, бамисоли товус-а. Улар бир-икки тўхташди, ҳозир ўгирилишади-ю, муҳтарам Тоотчи кўришадигандек эди. Бироқ бундай бўлмади, улар муҳим гап очилгандагина тўхташарди, холос. Гоҳ Пирошка, гоҳ Бутлер қўл силтаб қўйишарди. Афтидан, бир нарса

¹ Утиниб сўрайман. (Лотинча)

устида баҳслашишяпти. Фақат аразлашиб қолишмаса бас! Мана, яна йўлда давом этишди. Ана етиб боришди, қўл сиқишяпти. Пирошка извошга ўтирмоқда, Бутлер унга кўмаклашяпти. Оҳ, азиз болажонларим, кўп азоб чекдинглар, ахир ҳамма нарсанглар етарли: катта бойлик, ўрмонлар, ўтлоқлар, ерлар бор эди-я.

Муҳтарам Тоот ва унинг уй ичидагилар йўл чанг-тўзони иккала извошни, хайрлашув учун силталган даст-рўмолчаларни ютиб юбормагунча қараб турдилар. Фақат извошлар кўринмай кетгандан кейингина, трактирда яшовчилар уйга қайтиб, қолган кунни хотира билан ўтказдилар. Бутлерга ғоз жигари, пончик, қовурилган буйрак ёққани, икки марталаб қайлани тотиб кўрганини эслашди. Пирошка эса ҳамма олмани еб қўйди. «Баракалла, онаси, шу пайтгача асраб қўйганинг яхши бўлибди». Муҳтарам Тоот айвонга чиқиб, фахрланиб деди:

— Бари бир, хотин, трактирчи бўлиш дунёда энг яхши иш! Бу буюк иш! Қандай одамлар қўниб ўтишади-я! Қандай одамлар-а! Рёскда менга ер-мулки жой таклиф этишса ҳам бари бир ҳеч қачон на мўйнадўз, на азайим-хон бўлмасдим!

Иигирма учинчи боб КУТИЛМАГАН ҲОДИСА

Граф Бутлер Пирошканинг извоши орқасидан биринчи муюлишгача борди.

— Михай, чапга бур!

— Кечирасиз, жаноби олийлари, Имрегга бу ердан бурилмайди.

— Биз Имрегга бормаймиз ҳам. Уйга, Бозошга қайтамыз,— деди граф.

Бундай қарор ҳамманинг кўнглидагидек бўлди. Айниқса, тўрасининг вақти ҳуш қайтганини кўрган жаноб Будаи хурсанд бўлиб кетди.

— Хўш, Эгердаги поплар нима дейишяпти?— сўради чол.

— Мени бир оз хафа қилишди,— кулди граф.— Бироқ мен ҳам ҳақини берадиганлардан эмасман.

Дарҳақиқат, граф бир неча кундан кейин католик черковларини ранжита бошлади. У протестант мактаблари ва черковларига жуда катта пул ҳада этди. Марамар-

ошсигет ва Патак университетларига шахсан ўзи туҳ-
фасини элтиб берди. Католик поплар ҳасадлари қўзиб
ўлсинлар.

Янош, умуман, жуда ўзгариб кетди: кайфи чоғ, кўп
вақтини ўйин-кулги билан ўтказар, аввалгидек дўст-би-
родарларини чақириб, пулини ўнгу сўлига қарамай сову-
рарди. У шундай исрофгар бўлиб қолдики, кекса Будаи
ташвишга туша бошлади: «Бизнинг графга Доронинг
хазинаси ҳам етмайди»¹.

Тўсатдан ҳар хил қимматбаҳо буюмлар коллекция-
сини тўплайдиган бўлиб қолди. Айрим кишиларнинг фикр-
рича, бу буюмлар бир пулга қиммат эди. Унинг агент-
лари қадимий буюмлар, Рафаэль ва Корреджионинг
суратларини, ноёб чинни безакларни ахтариб дунё ке-
зардилар. Уларнинг нима кераги бор? Ҳаммасининг
ҳам тақдири маълум, бир кунмас-бир куни эҳтиётсиз
оқсоч уларни синдиради ёки бузиб қўяди.

— Ажали яқинлашганини сезяпти,— дейишарди Бут-
лерни яқиндан таниганлар.

Куз кунларидан бирида Бутлер Париждан келтирил-
ган извошида кетаётганди (ўшанда эндигина Бруммер
аравасини ўйлаб топишганди). Унинг оёғи остида йигир-
ма беш минг форинтлик байрамда тақиладиган қилич
ҳамда ҳар хил қимматбаҳо буюмлар солинган чарм фи-
лоф ётганди.

Солнома ҳикоя қилишича, граф коляскасида ястаниб
мудраб борарди, қимматбаҳо буюмлар солинган филоф
оёғини бемалол узатишга халақит бергани учун уларни
извошдан улоқтириб юборибди.

Бундай тўраларча фавқулудда исрофгарчилик, унинг
қулайликларга ўчлигидан дарак бериши ўша пайтларда
бошқа бир исрофгар ва саёқ Петер Черновичнинг ҳаса-
дини шундай қўзғатдики, охири Бутлерга душман бўлиб
қолди.

Аммо мазкур ғаламислик графга писанд эмасди, чун-
ки қандайдир чўпон бола ерда ётган қимматбаҳо буюм-
ларни топиб олиб, исправникка элтаркан, исправник
буюмлар солиқли филоф қопқоғида Бутлерлар гербини
кўргач, буюмларни графга қайтариб берганди.

Пожонда бундан ҳам кўпроқ пул сарфлаш мумкин
бўлиб, бунинг учун учта таги йўқ ўпқон мавжуд эди:

¹ Дор (эрамизгача 521—485)— беҳисоб бойликлари билан
ном чиқарган қадимий Эрон шоҳи.

қарта столидаги қимор ўйинлар югуриш, пойга ҳамда лўлилар, тўртинчиси эса энг хавфли ва еб тўймас ўпқон эди, бироқ Бутлернинг бахтига бу ўпқон унга таҳдид солмасди, чунки Янош аёллар билан қизиқмасди.

Лекин шу уч ўпқоннинг ўзи ҳам ҳисобсиз пулларни ютиб юборар ва граф катта-катта қарз оларди. Тез орада у Имрегдаги имениесини сотди, қолганларини эса Венада катта пулга гаровга қўйди.

Одамлар фақат бош чайқашар ва: «Агар тиллани қошиқлаб олганда ҳам шунча пулни сарфлай олмасди!»— дейишарди. Айримлар ҳатто агар иш шу йўсинда кетарверса тўрт йилдан кейин у мутлақо хонавайрон бўлади, дея каромат қилдилар. Бир хиллар ҳатто Бутлер Унга комитат бошқармасида мирза бўлиши муқаррар, фақат унинг ёзуви тўғри келармикин деб гумонсирардилар.

Бошқалар эса бу одам нима қилаётганини биледи, деб ҳисоблашарди. Графни қаттиқ хафа қилишди, ма-на энди у ўлимдан кейин хотини ва қизига ҳеч нарса қолдиргиси келмаяпти. Граф ўзича: «Сен менинг бойлигим туфайли бўйнимга осилиб олдинг, шошмай тур, ҳамёнимдан нима топар экансан!»— дерди. Кимки, шундай сева олар экан, у бутун вужуди билан нафратлана ҳам олади!

Кейинги фикрни айтганлар балки ҳақиқатга яқинроқдирлар, чунки графнинг ўзи ҳам бир неча бор:

— Яна қанча яшашимни билсам, ҳисоб-китобни шундай тўғрилардимки, ўлимим олдидагина охириги мингталикни майдалатардим,— деганди.

Лекин ким қачон ўлишини аниқ айта олади дейсиз?

Рождество арафасида давлат мажлиси аъзолари каникулга тарқаб кетишди. Граф Бутлер уйига кетар экан:

— Бари бир, мени уйда ҳеч ким—қари ҳам, ёш ҳам кутмайди, Венага бориб ўйнаб келаман,— деди.

Бошқаларга у тобим йўқроқ, бошим айланяпти, Венага бориб, врачлар билан маслаҳатлашаман, деди.

Венада, Кольмаркт майдонида Бутлернинг хусусий саройи бўлиб, айтишларича, ўтган йили кузда граф ўша ерда дабдабали зиёфатлар берган экан. Бу сафар у ўз саройида тўхтамади.

Учинчи ривоят, Бутлер пойтахтга ўз саройини сотгани кетган, деб тасдиқлайди.

Янош Венада нима қилганини ҳозир аниқлашнинг

иложи йўқ, лекин шуниси маълумки, у саройни ҳақиқатан ҳам Блинд фамилияли бир банкирга сотган. Банкир унга шу заҳотиёқ сарой ҳақини тилла билан тўлаган.

Чўқиниш байрамида Бозошга, иш бошқарувчи Будаи ҳузурига қора терга ботган отлиқ келди. Чопар, граф котиби Ботдан Венада нонушта пайтида граф Янош Бутлер юраги ёрилиб ўлди, деган хабар олиб келганди.

Қайғули хатни ўқиган кекса Будаи ёш болалардек йиғлаб юборди. «Мана, энди бечора тўрамиз поплар йўқ ватан топибди».

У йиғисини базўр босиб, граф жасадини тезроқ имениега олиб келиш учун алмашиб турадиган отларни юбориш, марҳумнинг қариндош-уруғларига ҳамда Эрдёте-лекдаги «графиняга», Патакка — жаноб Фаига (гарчанд, чол ўзи ҳам жасаддай, бари бир ҳеч нарсага тушунмаса ҳам), Борноцга — Пирошка Хорватга отлиқ чопар юбориш, гербларнинг расмини чизиш, мотам либосини тикиш, Бутлернинг ўлими ҳақида эълон қилиш, Эгердаги архиепископга маълум қилиш (агар унинг виждони бўлса, марҳум жанозасини ўзи ўқийди) ҳақида керакли топшириқлар берди.

Бутлернинг ўлими ҳақидаги хабар яшин тезлигида атрофдаги комитатларга тарқалди ва ҳамма ерда катта шов-шувга сабаб бўлди. Граф жуда эрта оламдан ўтади деб ким ўйлабди, дейсиз?

Тўғри, граф тез-тез юрагидан шикоят қилиб турарди. Табиатан хаёлпараст одамлар: «Қандай ажойиб ўлим! Унинг юраги Пирошкага бўлган муҳаббатдан ёрилди!» — деб қўйишарди. Ғийбатчилар эса, бошларини чайқаб: «Ҳа, жуда кўп вино ичар эди! Баъзида кунига ўн-йигирма пиёла кофе ичиб юборарди, охири вой бўлиши муқаррар эди!» — дер эдилар.

Кўпчилик бечорага энг аъло оқибат — шу, чунки бу дунёда унга бахт йўқ эди, деган ягона фикрга келишди.

Бутлер жасади солинган тобут бир вақтлар Хорватнинг тобути каби пичанли аравада Бозошнинг ўнқир-чўнқир йўлида чайқалиб келар, графга қарашли бир юз қирқта қишлоқда тинмай занг чалинар, ҳамма фақат шу ҳақда гапирарди.

Графни Добурскдаги Бутлерларнинг хилхонасига кўмиш керак эди.

— Қизиқ, — ҳайрон бўларди кўпчилик, — Эрдётелекдаги «графиня» дафн маросимига келармикин? Пирош-

ка-чи? Кундошларнинг тобут тепасида учрашишлари ро-са қизиқ бўлса керак! Шунинг учунгина дафн маросими-га бориб, нима бўлишини томоша қилса арзийди. Фақат қаттиқ совуқ бўлмаса бўлгани. Бечора Бутлер келиб-келиб нақ январда ўладими-я!

Жума куни тушда марҳумни олиб келаётган мотам карвонини қувиб ўтган Бот етиб келди. Тобут қўйилган арава ярим кечада одамларни тўпламаслик учун боғнинг этак бурчагидаги дарвозадан киритилди.

Катафалк-ўрнатма тобутни катта залга қўйишга қарор қилишди. Келаси кун марҳумни Добурскка олиб бориб, отасининг хоки ёнига қўйилади.

Котиб Бот, граф Венадаги саройни сотиб, қимордаги қарзларини тўлагани ҳақида баъзи гапларни айтиб берди: чўқинтиришнинг иккинчи куни граф юрагидан нолий бошлабди ва тезда ўзини ёмон сезиб, васиятнома ёзибди-да, бир нусхасини Эгер епархиясининг капитумига¹ юборибди; иккинчисини Бот ўзи билан бирга олиб келибди. Тобут белгилангандек тунда Бозошга етиб келди. Олтин безакли оғир кўрғошин тобутга: «Граф Янош Парданьский» сўзлари ўйиб ёзиб қўйилганди. Тобут шундай оғир эдики, олти азамат эркак базўр аравадан тушириб катта залга кўтариб киришди ва атрофига катта-катта шамлар ёқилган ўртадаги столга қўйишди. Иш бошқарувчи Будаи тобут ёнига мотам либосидаги тўртта қилич яланғочлаган фахрий қоровул қўйди.

Будаи фахрий қоровул билан бирга оламдан ўтган жаноби олдида қолди. У олиб кирган таврот ҳамда забур китобини қайғули қиёфада ўқиркан, оқ сочли бошини эгганча аламли илтижо қиларди:

— Э худо, ҳузурингга мени, кекса бандангни олсанг бўлмасмиди, нега энди ёш йигитни дафн этишим керак?

Муқаддас китобларда тасалли берадиган сўзлар кўп, бироқ бари бир, чолни ғамгин фикрлар чулғаб олганди. Нима учун граф охирги марта бу ерда бўлганида у билан хайрлашиб қолмади? Ҳатто юзини ҳам яхшилаб кўриб олмади.

Бирдан кекса Будаи мангу уйқуга кетган жанобини яна бир марта кўргиси, яқиндагина граф Бутлер бўлган одам жасади билан юзма-юз видолашгиси келиб қолди.

¹ Капитум — епископ кафедраси қошидаги католик черковининг олий амалдорлар коллегияси.

Жаноб Будан тобутга кўз ташлади: тобут қулфланганди. Тўғри, Ботда калит бор эди-ю, бироқ бечора узоқ йўл юриб чарчагани учун ухлаб қолган, энди уни безовта қилиш шафқатсизлик бўларди.

Худди шу пайт деразадан Видонка мўралади-ю, шу заҳоти ғойиб бўлди. Ушагина ҳар қандай қулфни калитсиз оча оларди!

— Биронтангиз Видонкани чақиринг!

Видонка ўликлардан жуда қўрқаман, деб узоқ унамай турди, гусарлардан бири уни зўрға залга судраб олиб кирди.

— Дўстим Видонка, тобутни очиб, яна бекитиб қўйиш қўлингдан келадими?— сўради Будан.

— Бундан осони йўқ.

— У ҳолда оч. Графимизни яна бир марта кўрай.

Видонка асбоблар олиб келиб, бир оз уринган эди, қулф шиқирлаб очилди.

— Тайёр!— дея Видонка эшик олдига бораркан.— Жаноб иш бошқарувчи, юрагингиз мустаҳкам кўринади. Бирдан тўра ўрнидан туриб кетса-я?— деди.

— Оҳ, ўғлим кошкийди-я, шундай бўлса!

Будан ўрнидан туриб, эҳтиром билан аста тобут қопқоғини очди. Тобут ичига қараркан, тўсатдан ранги оқариб, тобутнинг оғир қопқоғини ташлаганча орқасига тисарилди. Қопқоқ тарақлаб жойига тушди.

— Сизга нима бўлди? Нима бўлди, жаноб олийлари?— бир овоздан сўрашди гусарлар Буданнинг рангида ранг қолмаганини кўришиб.

Будан гўё фикрини бир жойга тўплаб олмоқчидай, ажин босган пешанасини силади.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса,— деди у ниҳоят бўғиқ овозда.— Улим даҳшатли нарса. Яхшиси, қарамаган маъқул.— Кейин ҳаяжонда шошилиб қўшиб қўйди: Видонкага югуринг, келиб қулфлаб қўйсин. Тезроқ, тезроқ!

Видонка ичкари кирди-ю, бироқ иш бошлашдан олдин дадилроқ бўлиш учун бир қултум вино сўради. Ҳаётбахш винони қулт этиб ютгач, тобутни аввалгидай қулфлаб қўйди.

— Хўш, жаноби олийлари? Қараманг, демабмидим сизга.— Елка қисди Видонка.— Мана энди қўрқинчли туш кўриб чиқасиз.

СЎНГГИ ИЗЗАТ-ИКРОМЛАР

Муҳтарам Будаи аъзойи бадани титраётган бўлса да, ўзини босишга уринаркан, катта-катта қадам таш лаб, залда у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турарди. Уни шубҳалар қийнаса, бирон қарорга келолмай қолса одатда шундай қиларди. Будаи узоқ фикр юритиб, узук юлуқ нималардир ёўлдирагач, ниҳоят, афтидан, қандай дир бир қарорга келди шекилли, зарб билан дераза токчасига мушт туширди, сўнгра дадил қадам ташлаб тезда залдан чиқди-да, ёрдамчилардан бирини чақиришни буюрди.

— Зудлик билан тўртта от қўшишсин,— буйруқ берди одатдагидек юмшоқ овозда «зудлик билан» сўзларини алоҳида таъкидларкан,— тезда Унгварга бориб тонг отгунга қадар тобутни кавшарлаш учун темирчи топиб келишсин. Тушундингларми?

— Жаноб иш бошқарувчи, нима учун бунчалик қис-таланг қилаётганингизни тушунмаяпман? Агар лозим бўлса, тобутни тушгача кавшарлаб қўйишимиз мумкин, тақсир. Балки қариндош-уруғларидан битта-яримтаси видолашгиси келиб қолар.

— Баҳслашманг, ахир аниқ-равшан айтдим-ку.

Будаи темирчи келмагунча тунни оёқда ўтказди. Қўрғондагиларнинг ҳаммаси ҳам ухламай, елиб-югуриб чиқишди. Ошхонада товуқнинг патини юлишди, хамир қоришди, ёғ кувлашди, кўкнор уруғи янчишди, дафн маросимидан кейин шу ерда овқатланадиган кўплаб меҳмонлар учун пишириб-куйдиришди. Номдор тўранинг туғилган куни кўплаб куркалар қурбон бўлади, у қазо этганда ҳам куркаларнинг ранги ўчади, шу сабабли уларга битта-яримтаси туғиладими ёки ўладими бари бир.

Қўрғоннинг ҳар бурчагида иш қизғин. Капош ва Унгвардан келган тикувчилар салкам етти хонада қора матодан кийим тикишар, Катушка уларга кўмаклашарди. Рассомлар катта қоғозларга гербларнинг суратини солишарди. Усталар қора ленталар тортиладиган хода ва тахта тарашлардилар.

Ярим тундан кейин, ниҳоят, темирчи келиб, тобутни кавшарлади. Шундан кейингина жаноб Будаи мизғиб

олиши мумкин эди. У оғир хўрсиниб: «Қани эди уйғонмасам!»— деб қўйди. Бироқ парвардигор унинг сўзларини инобатга олмади: тонг саҳарда тинимсиз кириб келаётган извош ва фойтонларнинг тақир-туқури уйғоғиб юборди. Старай, Майлат, Шенье, Лонья извошлари, Пал Ибраньининг машҳур тўрт отли извоши, Гиланининг беш нафар қорабайирли фойтони, энг охирида Ролли'нинг «музикали» араваси (лекин машинаси юргизилмаган эди) Янош қароргоҳига кириб келди. Извошлар биринкетин пайдо бўлар, гўё тўрт комитат гулхоналарида етишган ҳамма гуллар йиғилгандек, мангу уйқуга кетган одам билан сўнгги бор видолашувга келтирилганди.

Мамлакатнинг ҳар тарафидан марҳумнинг очиқ қўллигига нисбатан миннатдорчилик туйғулари билан тўлган вакиллар йиғилганди: Капош ва Унгвардаги ҳунармандларнинг вакиллари, бурун ва қулоқларини совуқ олдирган патаклик студентлар, Пештдаги Людовик Академиясининг талабалари. Ваца соқовлари, фаҳрий «индамаслар»дан тўртта элчи, уч киши, яқинда таъсис этилган Фанлар Академияси мажлисидан йиғилишганди... Ҳаммани бирма-бир санаб чиқиш қийин! Меҳмонлар муҳташам бинони тўлдирдилар. Қимматбаҳо мўйна пўстинли гўзал хоним, баронесса ва графинялар ҳам ҳозир у нозир эдилар. Бири гул, иккинчиси гулчамбар келтирар, фақат ҳаво ранг ёпиндиқли бир одамгина гулчамбарларга қараб турган иш бошқарувчининг ёрдамчиси Галлга қиров босган новдача узатди.

— Буни нега олиб келдингиз?— ўдағайлади унга ёрдамчи.— Нима ўзи?

— Нималиги ўзимга аён,— жавоб берди чол.— Буни ҳам устига қўйинг, марҳум кўра олганда буни нима эканини тушунган бўларди.

— Ўзинг кимсан, оғайни?

— Нега энди оғайни бўлар эканман? Мен рёсклик дворянин Дьердь Тоот бўламан!

Марҳаматли Тоотимиз тобут устига Янош охириги марта Пирошка билан сайр қилган хиёбондаги дарахт новдасини олиб келганди.

Ҳовлига навбатдаги извош кириб келиши биланоқ,

¹ Ролли исмили ғалати бой, у Венада ўзи учун ўқига музикали қутича ўрнатилган арава буюрган: гилдирак айланганда музика овози эшитилади. (Автор изоҳи.)

яхши иситилган заллардаги ҳангоматалаб жаноблар ва айниқса, хонимлар ҳовлиққанича дераза олдига келишиб, иссиқ нафаслари билан музлаб қолган ойналарни эритишар, агар биронта эътиборли шахс бўлса умумий ғала-ғовур кўтариларди.

Улар шов-шувга сабаб бўла оладиган воқеалардан маҳрум бўлганликларини тумтайган қовоқ-тумшуқларидан билса бўлади.

Борноцдан Хорват имениеларининг бошқарувчиси кенжа Пал Будаи келиб, ёш бекаси тоби қочиб, кўрпатушак қилиб ётгани сабабли келолмаслигини айтди.

— Оҳ, боёқиш!— хитоб қилишди айримлар.— Бу хунук хабарга бардош беролмаган!

Беморга чин қалбдан ачинардилар, бека аввал бу ерга келиб, сўнгра касал бўлишини афзал кўрардилар.

Бирдан шов-шув кўтарилди, ҳамма дераза олдига югурди.

— Ким келди? Ким?..

— «Бева» келди!

— Оҳ! Уҳ! Sapristi!

Совуқ бўлишига қарамай, деразалар ланг очилиб, ҳамма ташқарига бўйнини чўзар, юқорироқ кўтарилиш пайдан бўлингани учун деразадан устма-уст қараётган каллалар серҳосил олма шохини эслатардиким, агар ҳозир камондан ўқ узилса, биронта каллага тегмай қолмасди.

Дарҳақиқат, азадор бева келганди. Хизматкорлар қора ливрея² кийим олишганди, ҳатто отлар ҳам қора тусли, извошчи ва жиловдор шляпаларига энли қора лента боғланганди.

Кўрғондаги ҳамма хизматкорлар графиняга пешвоз чиқишди (тагин бу уларнинг бўлажак бекаси бўлса-я?). Улар ярим доира ҳосил қилиб кекса Будаи бекани извошдан туширгунча бош эгиб туришди.

— Бу ярамасни қаранглар,— ҳайрат билан ўшқирришди деразалардан,— худди қироличалардек такаббурона бош ирғаяпти-я!

Извошдан гўзал қизчанинг қомати кўринганда нафратомуз хитоблар эшитилди.

— Бу ёқимтой қизча ким бўлди?

¹ Ҳу, жин урсин! (лотинча.)

² Л и в р е я — буржуа мамлакатларида хизматкорларга кийгизиладиган махсус уқали либос.

— Унинг қизи, Мария Бутлер.

— Қомати келишган эканми?

— Жаноби Будаи, қизимни иситилган хоналардан бирига кузатиб қўйинг,— деди паст овозда Мария Дёри.— Жудаям совқотиб кетди, бечора. Мен Яношнинг олдига бораман, Қаерда у?

— Катта залда.

— Уни кўрсам бўладими?

— Иложи йўқ, ҳазрати олиялари, тобут кавшарлаб қўйилган.— Мария кўрғондаги хоналарнинг жойлашишини яхши биларди. У хизматкордан оқ гулчамбарни олиб, тўғри катта зал томон йўналди.

Бу пайт у ерда ҳеч ким йўқ бўлиб, қоровул гусар қолганларга кўмаклашиш учун ҳозиргина ташқарига чиққанди, чунки тобутнинг ҳар икки тарафида қилич яланғочлаган саккизтадан гусар олди ва орқасидан эликтадан гусарларнинг отлиқ отрядлари саф тортиб боришлари керак. Тўра нариги дунёга ҳам тўраларча жўнаяпти!

Оғир сукунат чўккан кенг зал ўртасида тобут. Вақт-вақти билан шам шитирлаши-ю, жиҳозларнинг қисирлаши эшитилиб туради.

Мария бутун вужуди титраб-қақшаб атрофга кўз югуртириб чиқди. Марҳумни якка қолдириб бўладими ахир! У энди орқасига қайтмоқчи бўлганди, шу пайт тобут ёнида ибодат қилиб ўтирган кишини кўриб қолди.

У гарчанд духоба туфлиси билан овозсиз қадам ташласа ҳам эркак сезиб, орқасига ўгирилди. Бу Унг депутати Жигмонд Бернат эди.

Мария Жигмондга нафратли нигоҳ ташлади-ю, ёнидан ўтиб, тобутга гулчамбарини қўйди.

Бернат тобутга яқинлашиб, ғазаб билан гулчамбарни олиб ташлади.

— Бағритошлик қилманг,— деди у титроқ овозда ғазаб билан,— марҳумни безовта қилманг! Лоақал энди тинч қўйинг, илтимос.

Тиз чўкмоқчи бўлаётган Мария кутилмаган бу тажовуздан қаддини ростлаб мағрур бошини кўтарди.

— Қандай журъат этдингиз? Кимсиз?— ғазабнок дўқ қилди Мария.— Мен унинг ёстиқдоши бўламан.

— Ҳа, поплар шундай деб ҳисоблашади,— жавоб қайтарди Бернат чексиз нафрат билан,— Лекин у эмас. Ҳозир у худо даргоҳида!— Бернат ўзини ортиқ ушлаб

туролмай, кўзлари қонга тўлиб, гулчамбарни топтай бошлади.— Гулчамбарингизни попларга элиб беринг ва уни мен ўлдирдим, денг.

Бернат чиқиб кета туриб Марияга еб юборгудай тикилди, лекин бу қараш аёлга таъсир қилмади, чунки Мария ҳушсиз ерга йиқилганди.

Ўз ишидан мамнун депутат қалбига азоб бераётган оғир юкдан холи бўлган одамдай енгил хўрсиниб, залдан чиқаркан, ҳовлидаги хизматкорга:

— Бориб қаранг, залда қандайдир хотин ҳушсиз ётибди,— деди.

Графинянинг ҳушини ўзига келтирган одамлар балки: «Ҳар ҳолда севаркан», дейишлари ҳам мумкин эди.

Бу ёғини давом эттиришга арзирмикин? Қайғурувчилар ва қизиқувчиларнинг турнақатор бўлиб йўлдан боришлари ҳақидаги бу мотам маросимини тасвирлаш учун узоқ вақт керак.

Бутлернинг қариндошлари руҳонийларни кутиб, ов залига йиғилишди. Марҳумнинг беваси ҳам мурдадек гезариб ўтирарди. Қотиб Венадан олиб келган васиятномани ўқиб бўлгунича бошқа имениелар бошқарувчилари-ю, амалдорлар ҳам ҳозир бўлиб туришди.

Марҳум граф қарийб ер-мулкини, бор-йўғини хайр-эҳсон мақсадлари учун қолдирганди. Фақат Эрдётелек имениесининг ярим даромадини унинг хотиниман, деб атаган ўша бахтсиз бандага қолдирибди, аммо қизи бўлгани сабабли, у бўй етганида сепига Гарагош пушта¹сидан тўрт минг хольд ер олади.

Бутлер ер-мулкининг бир қисмини баъзи бир дўстлари ва қариндошларига қолдирган. Шу жумладан, жаноб Будаига «кўп йиллик содиқлиги» учун Вребиндаги имениесини кирим даромади билан қолдирганки, у қариганда хотиржам, дуосини ўқиб ўтирсин. Шундан қолган ҳаммаси, ҳар хил даромадлар, ерлар ва бошқалари семимли ҳомийси Иштван Фаига, тўғрироғи, унинг оиласига васият қилиб қолдирган эди.

Агарда юқорида айтиб ўтилган ҳисобсиз хайр-эҳсонлардан поплар фойдаланиши мумкин бўлган жамоага тегиб қолса, бу вазият аниқлангач, васиятнома бекор деб ҳисоблансин ва эслаб ўтилган мулк Бозошдаги бева бечораларга бўлиб берилсин.

¹ Пушта — чўлликда жойлашган ферма.

Бу орада тўртта извошда поплар етиб келишди (қаттиқ совуқ бўлгани сабабли фақат атрофдагилар тўпланганди) ва тиңчина, можаросиз-несиз ўтган дафн маросими бошланди. Ҳамма кўз кўрмаган дабдабадан ҳайратда эди. Олдиндагилар Добурскка етганида тобутли катафалк ҳали жойидан қўзғалмаганди. Гул ва гулчамбарларнинг ўзи тўрт арава бўлди (Пирошка Хорват лоақал бир дона қалампиргул юборганида ҳеч нарсаи камайиб қолмасди, шаънига доғ ҳам тушмасди). Кўрғонда ҳали ҳеч қачон бунчалик кўп одам йиғилмаганди; фақат эътиборли жанобларгина эмас, оддий кишилар ҳам ўз бурчларини адо этиш учун келишган. Бутун Унгвар, Қапош атрофдаги қишлоқларни билан шу ерда эди. Қаранг, трактирчи Гриби билан гўзал Хадаши (ҳозир унинг хотини) ҳам шу ерда. Катушка уларга атрофни кўрсатар ва тушунтирарди.

Тўралар кўпчилик бўлишгани сабабли, оддий одамлар тобутни кўриш учун олдинга ўтолмасдилар. Муҳтарам Дьердь Тоотнинг ўзи, гарчанд бақалоқ жанобларнинг орқаларини кўргани келмаган бўлса ҳам, орқага суриб ташланганди. Марҳумга аза тутмоқчи бўлган Дьердь аламига чидолмай, марҳумни сағана олдида кутишга аҳд қилиб тўғри Рускка жўнади.

Трактирчи у ерга биринчи бўлиб машъалачалар билан бирга етиб келди. Тепаси туйнукли, черепица томли гиштин сағанани кўздан кечириб, чердагига чиқишга жазм қилди. Ўша ердан дафн маросимини, кўплаб извошларни, милтиллаётган машъалаларни, ранг-баранг гербларни, қора ёпиндиқли отларни, иложи бўлса, гуллар орасидаги ўз новдачасини кўриб туриши мумкин. Новдаси ўша жойдамикин? Юқорига чиқиб олиш осон эди, чунки ҳеч ким тирик зот билан иши йўқ. Муҳтарам Тоот тепага чиқиб олди ва уйда хотини ҳам суриштириши мумкин бўлган маросимни ҳаммадан яхши кўриб турди.

Сағана олдида эътиборли жаноблар тобутни катафалкдан олиб елкаларида кўтариб бордилар. (У ана шу жаноблар билан тез-тез қарта ўйнаб турарди!) Сағанга кўпчилик киролмасди. Ичкарида маросим узоққа чўзилмади; поплар совқотиб қолганлари учун маросимни тез тугатдилар. Тобут ўрнатилди. Тақ-туқ, тақ-туқ овози янгради! Ҳаммаси тугади! Энг охири граф Парданьский мангу қароргоҳига келди.

Сўнгра гербли қалқонни ўгирдилар; ҳаво ранг фонда тождор, кўкрагида кумуш бочкача бор тилла бургут тасвири кўринарди.

Мавжуд бургут йўқ бўлди, вассалом! У Бутлерлар авлодини тамоман кўтарганча кўк сари учиб кетди. Энди ўша бургутнинг қадимий қиличлару эски китобларнинг илвираган муқоваларидагина оғир, бемаъни юк — бир замонлар хаёлпараст ва ҳазилкаш қирол туҳфа этган кумуш бочкача кўтариб учаётган (у пайтларда бочкачалар кумушдан ясаларди) бургут тасвиригина қолади, холос. Эндиги бочкачалар тахтадан ясалишидан ташқари, Токай тоғида уларга териб соладиган узум ҳам йўқ.

Иигирма бешинчи боб

ЖИМ БҮЛ!

Ҳадемай халойиқ тарқалди; жаноблар извошларга ўтиришди, қолганлар яна хийла марҳум ҳақида гапира-гапира пиёда йўлга тушишди.

Энг кейин муҳтарам Будаи билан марҳумнинг котиби кетди. Бот балки тасодифан орқада қолгандир, лекин кекса Будаи қўлидаги катта калит билан сағана эшигини бекитиш учун қолди.

Ана ўшанда, айтишларича, то революцияга¹ қадар Земплен ва Унг комитатларида миш-миши оғиздан оғизга ўтиб юрган воқеа содир бўлган. Кейинроқ революция бу афсонани супуриб ташлади. Ўша дамларда, ҳақиқатан ҳам афсонавий ишлар қилинаётган бир пайтда, трактирчи Тоот жўжаларини сопқони билан уриб йиқитган уйхейлик гимназист сийраклашаётган лашкарини жангга илҳомлантираётган бир пайтда афсона айтиб ўтиришга вақт йўқ эди.

Зеро, трактирчи Тоотни эслашга мажбур бўлган эканмиз, мен ўша афсона ҳақида сўзлаб бераман, чунки афсона ўша одам сабабли дунё кезган. Бироқ унда ҳеч қандай айб йўқ, чунки Тоот (хотинини ҳисобга олмаганда, лекин ўзи бундан пушаймон) ҳеч кимга ўз сирини

¹ Муаллиф 1848—1849 йиллар Венгрия революциясини кўзда тутяпти.

айтмаган. Шунга қарамай сир-сир бўлмай қолишига унинг худди шу сир сақлай билмаслиги кифоя эди.

Афсонага кўра, Тоот қуйидагиларни айтиб берган. Иш бошқарувчи Будаи Бот билан холи қолганда Тоот ҳали чердакда эди, чунки у кўпчилик олдида пастга тушишга уялганди. Будаининг котиб ёқасидан ушлаб унга тикилиб қараганини ва ҳамма гапни туйнук орқали кўриб эшитиб турган.

— Биласизми, жаноб котиб, мен тунда тобутни очганимда граф Бутлернинг жасади йўқ эди-я?— деди Будаи маъюс.

Котиб чўчиб, атрофга аланглади ва қўрқув аралаш гўлдиради:

— Нима бор экан?

— Қипиқ ва қумга кўмилган ёғоч қўғирчоқ.

— Хўш, яна?!— сўради ғазаб билан Бот чолга ўқрайиб.

— Қўғирчоқнинг кўкрагида: «Tace!»¹ сўзлари ёзиқли тахтача бор экан,— маълум қилди секин иш бошқарувчи.

— Ergo tace!² — деди котиб ғамгин, таҳдидли оҳангда.

Уша пайтларда мана шундай афсона тарқалганди. Модомики, ўзларининг севимли қаҳрамонлари, масалан, Наполеон ўлганига ишонмайдиган одамлар бор экан, муҳтарам Тоот ҳам, шундай одамлар қаторига кирарди, шундай бўлса ҳам дунёдаги жами жонзот ўлишини ҳар ким билади, шу сабабли бу ҳақиқатдан йироқ афсонага ҳам ишониб, ҳам ишонмайдилар. Ишончлироқ бирон нарсани билиш мумкин эмасди, чунки кекса Будаи граф дафн этилгандан уч ҳафта кейин вафот этди, котиб Бот эса, дафн маросимидан сўнг мутлақо бедарак йўқолди. Шунинг учун ким ҳақ, ким ноҳақлиги ёлғиз худонинг ўзига аён! Бироқ келгуси баҳорда Пирошка Хорват ҳам Борноцдаги ер-мулкини моравлик графга сотиб, бу ерларни, умуман, Венгрияни тарк этиб, дом-дараксиз кетганидан кейин Тоот афсонасига ишонувчиларнинг сони анчагина кўпайди. Тоот бўлса ўша-ўша трубкасини чекканча, дунёнинг тинчгина бир бурчида бахтиёр севишганлар яшашмоқда, ҳа, яшашмоқда, улар ҳар якшанба

¹ Жим бўл! (Лотинча.)

² Демак, жим бўл! (Лотинча.)

столга кумуш ранг, кийик тасвири бор икки бокал қўйи-
шиб, ундан шароб ичарканлар, гоҳ-гоҳ Тоотни эслаб:
«Оласрёскдаги олижаноб кекса Тоот бормикан ҳали?»
дейишларига ўла-ўлгунича ишониб юрди.

Бу афсона юқори табақалар орасида ҳам гоҳ йўқо-
либ, гоҳ пайдо бўлиб, лекин кенг тарқалмай яшаб кел-
ди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, шу пайтгача
тобут очиб кўрилмаган, фақат бу ҳақда гап бор, холос.

Унг комитатида ҳамон тенгсиз хушрўй ҳисобланув-
чи граф Бутлер мабодо ўша тобутда бўлса, ҳалиям тинч
уйқуда ётибди. Добурскдаги сағана тинч қароргоҳ, ман-
гу уйқу учун энг қулай жой; атрофда сукунат ҳукм сура-
ди, ўрмонлар ҳам йўқ, уларнинг улуғвор шовқини ҳам
ортиқ эшитилмайди. Фақат яқин-атрофдаги қурбақалар-
гина гоҳо-гоҳо қуриллаб қўяди:

«Рухонийлар бошқарради! Рухонийлар бошқарради!»